

Наим КАРИМОВ

ҲҲ АСР

АДАБИЁТИ  
МАНЗАРАЛАРИ

БИРИНЧИ КИТОБ



ТОШКЕНТ  
“О’ЗБЕКИСТОН”  
2008

**Масъул муҳаррир  
ва сўзбоши муаллифи  
Шуҳрат РИЗАЕВ**

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида ўринни эгаллайди. «Олтин аср» деб аталаётган бу асрда А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Faфур Гулом сингари буюк шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдиларки, уларнинг ижодий изланишлари ва меҳнатлари туфайли ўзбек адабиёти жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисмига айланди.

«Манзаралар»нинг қўлингиздаги биринчи китобида XX асрнинг, асосан, биринчи ярмида яшаган ёзувчилар ҳаёти ва ижодининг китобхонлар ва ҳатто мутахассисларга номаълум бўлган саҳифалари ёритилган, уларнинг мустабид тузум давридаги эрк ва истиқдол учун кураши ҳамда фожиали тақдирни ўз аксини топган.

Ушбу китоб XX аср ўзбек адабиёти муҳлислари, айниқса, олий ўқув юртлари филология факультетлари, шунингдек, лицей ва коллеж ўқитувчилари, аспирантлари ва талabalари учун ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

# КИТОБ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА БИР-ИККИ СЎЗ

“XX аср адабиёти манзаралари”... Дабдурустдан шундай сарлавҳага кўзи тушган тушунчалик одам бир сесканиши табиий. Ҳазилми, бутун бир асрлик – юз йиллик адабиётни, юз йил бўлганда ҳам башарият тарихидаги энг мурракаб, энг зиддиятли, энг фожеий ва тафаккурнинг чексиз имкониятлари кашф бўлиб, ҳайратомуз мўъжизалар яралган буюк бир асрнинг қадим ва улуғ бир ҳалқقا тегишли сўнгги юз йиллик адабиётини таҳлил доирасига тортиш ва номига яраша залворли умумлашмалар, холис, теран фалсафий хуносалар қилиш олимлик даъвосида кўксига уриб юрган ҳар кимнинг ҳам ҳадди эмас...

Хўш, унда бундай юкни ким кўтара олиши мумкин? Кимнинг журъатини, бу ўринда истеҳзосиз, жиҳдий қабул қилиш мумкин? Ким шундай китоб яратишга маънан ҳақли? Назаримда, ўша сарлавҳани кўрган ҳар бир фаҳмли адабиётчи шу савонни хаёлидан ўтказиши шубҳасиз. Шундай яхлит асар учун чўнг чизгилар яратиб Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов домлалар қайтмас дунёга риҳлат қилдилар. Улардан олдин, ёнма-ён ё кейин адабиёт илмида бўлганлар ва борлари ҳам неча-неча йирик ва бачки чизгилар қилган, ҳозир ҳам турли шаклда нималардир қилиб юрибдилар. Бироқ ҳеч ким журъат сезиб, катта миқёсларга чиқишига қувват топа билмаяпти. Бу иш келгуси авлодга қолади шекилли, ҳар қалай беҳисоб чизгилар бор-ку, керагини олиб, ўzlари умумлаштириб олар, деган тусмол ҳам йўқ эмас эди.

Шукрки, шундай жасоратга қодир одам – олим бор. Ва у, ҳеч шубҳасиз, мана шу юз йиллик ўзбек адабиёти ҳақида умумлашма якуний фикр айтишга ҳар жиҳатдан қувватли ва ҳақли. Зоро, бу олим умрининг эллик йилдан ортиги ўша

гоҳи қайнаб, гоҳи сокин оққан адабиёт дарёсига дастлаб жилға, ирмоқ бўлиб, сўнгра эса жўшқин сой, яна ҳам кейинроқ ўз ўзанида маҳобат ва пурмаъно салобат билан майин юзган анҳор мисол қўшилиб кетган. Бу олим фан арбоби, профессор Наим Каримовдир.

Наим ака адабиёт илмига қадам қўйганида, ҳали кўпгина “классикларимиз” ҳаёт бўлиб, умрларининг донишга тўлган, файласуф палласини кечирмоқда эдилар. Улар билан бевосита ва билвосита мулоқотлар асносида олимнинг фикри, дунёқараши улғайиб, қувватланиб борди. Дастлаб, Ҳамид Олимжон шеърияти ҳақида ёниб, эҳтирос билан тадқиқотлар яратиб, сўнг Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Ғулом, Миртемир, Мақсад Шайхзода, Усмон Носир, Зулфия..., А.Орипов, Э.Воҳидов, Рауф Парфи каби қатор улуғларимиз, кейинроқ – истиқлол йилларида Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек, Абдулла Алавий, Ғулом Зафарийлар... ҳаёти ва ижодининг айrim қирралари ҳақида тадқиқотлар, рисола ва мақолалар яратди, тинимсиз изланниб, ўнлаб, юзлаб топилмалар эълон қилди. “Шаҳидлар хотираси” жамғармасига бош бўлиб, машъум қатағон қурбонлари бўлган қанчадан-қанча ўзбек зиёлилари, жумладан, шоир, ёзувчи ва мунаққидларининг аччиқ қисматига оид миллат тарихий хотираси ва бадиий тафаккури ривожи учун бебаҳо маълумотларни, материалларни жамлади ва имкон қадар оммалаштириб келмоқда.

Наим ака бугун заҳматкаш умрининг етмиш бешинчи поғонасида туриб, ўтмиш аксар устозлари, сафдошлари ва ҳатто ёшроқ замондош ҳамкаслари тажрибасидан келиб чиқиб, ҳаёти давоми ёзилмиш битикларидан саралаб, “Сайланма” жиллар тартиб қилиш ҳақида ўйласа, бирор хайриҳоҳ ёки чапдастроқ шогирдлар кўмагида нашр эттирса, ҳеч ким буни ғайритабиий бир ҳол, деб қабул қилмас эди. Бинобарин, тўғри ва қонуний ҳодиса сифатида тушуниб, рағбат ҳам кўрсатиши мумкин эди. Йўқ, аксинча, ўтилган йўлдан ўтишни асло истамайдиган том маънодаги олим сифатида Наим ака ўз умрининг файласуф палласида илмий ва инсоний жасорат кўрсатди. Шонли ва фожеий бир асрнинг яхлит адабий ҳам ижтимоий-маънавий манзарасини чизмоқча жазм этди. Чизганда ҳам қиёфаларни аниқ, рангларни тиник қилиб, ҳар бир ҳодиса ва воқеанинг қонуний жой-жойини кўрсатиб,

ҳеч нарсани хаспўшламай, итоаткор андишага, муте муло-ҳазаларга бормай, фикрий мустақиллик, илмий ҳолислик ва, яна муҳими, назокат ҳам фасоҳат билан юз йиллик адабий ҳаётнинг маҳобатли манзарасини яратди.

Мазкур китобда аср адабий жараёнлари ва ҳодисалари моҳиятидан келиб чиқиб, муаллиф ўз давлаштириш концепциясини таклиф этган ва, шунга кўра, қарашларини янги янги топилмалар билан далиллашга, асослашга муваффақ бўлган. Таъбир жоиз бўлса, мен бу китобни эскига янгитдан янгича қараш, мавжуд ҳақиқатларни бор тафсилоти билан тўлиқ билган, англаган ва идрок этган ҳолда бугунги ҳолис тушунча ва тасаввурлар билан, яна янги топилган далиллар билан қайта ёндашиш ҳамда баҳолаш эҳтиёжининг маҳсули, деб таърифлаган бўлардим. Зоро, XXI асрнинг ибтидосида туриб ортдаги жараёнларни сарҳисоб қилиб олиш – бу, келажакнинг интилиш ва изланишларини тўғри йўлга солиб юбориш, демақдир. Инчунун, шундай сарҳисобга қодир олимнинг, инсоннинг борлиги ва унинг бизга замондошлиги адабиётимиз, адабиётшунослигимиз ва, умуман, миллий маданиятимизнинг баҳтидир.

*Шуҳрат Ризаев*

# МУАЛЛИФДАН

Куни кеча ўз якунини топган XX аср ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. Гарчанд XX аср адабиётининг аксар намояндалари совет даврида яшаб ижод этган ва уларнинг асарлари шу давр мафкураси таъсиридан холи бўлмаган эса-да, миллий адабиётимиз худди шу даврда жаҳон адабиётининг бадиий ютуқларидан, мумтоз ва замонавий шоир-ёзувчиларнинг ижодий тажрибасидан баҳраманд бўлди. Бу ҳол ўзбек адабиётининг бадиий имкониятларини мислсиз даражада кенгайтириб юборди. Шу даврда жаҳон адабиёти кўплаб на-муналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек адабий тилининг янги ички имкониятлари ва янгича бадиий тафаккурнинг юзага чиқишида муҳим омил бўлди. Адабиётимизнинг халқ ҳаётига назар ташлаб, жамиятнинг муҳим ижтимоий ва маънавий масалаларини тасвирлашга киришиши унинг реализмга асосланган ижодий методининг шаклланишига ёрдам берди. Хуллас, ўзбек адабиёти XX асрда жаҳон адабиётининг таркибий қисми сифатида ривожлана бошлади.

Ўзбек адабиётининг янги, мустақиллик даврида ёзувчиларимизнинг ўтган асрда қўлга киритган энг муҳим ютуқлари ёддан кўтарилмаслиги, энг яхши адабий анъаналар давом этиши, атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг бой ижодий тажрибаси унут бўлмаслиги, аксинча, адабиётимизнинг навқирон намояндалари устозлари эришган чўкқидан туриб парвоз қилишлари лозим.

Кўлингиздаги китоб XX аср ўзбек адабиётининг шаклланиш ва тараққиёт манзараларини кўрсатишга бағишиланган.

Камина ушбу китобга тартиб берища шу пайтгача олиб борган изланишларимдан келиб чиқиб, ёзувчиларимиз ҳаёти

ва ижодининг мумкин қадар китобхонларга кам маълум бўлган томонларини ёритишга интилдим. Шу билан бирга ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижодига назар ташлаш орқали XX асрдек мураккаб тарихий давр манзарасининг энг муҳим сиёсий-ижтимоий, маданий ва маърифий лавҳаларини ҳам ёритиб беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Шу даврда ижод қилган Садриддин Айний, Уйғун, Со-бир Абдулла, Яшин сингари ёзувчиларни четлаб ўтганимнинг боиси эса улар тўғрисида шу вақтгача бирор янги гапни айта олмаганимдир.

Назаримда, миллий адабиётимизнинг XV асрдан кейинги бу олтин асрини олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўрганишда қўлингиздаги китоб ўқув қўлланмаси сифатида асқотиши ва, умуман, шу давр адабиёти тарихи билан қизиқувчи барча шинавандаларнинг илмий-адабий эҳтиёжларини маълум даражада қондириши мумкин.

Агар ушбу китоб ёруғ дунёни кўриб, китобхонлар эътиборини озми-кўпми қозонса, камина унинг давоми — китобнинг иккинчи қисмини ҳам нашрга тайёрлашни ўз бўйнига олади.

# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ (XX асрнинг биринчи чораги)

## АСР БОШЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ ШАРОИТ ВА МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Муркистонда миллий уйғониш ёки жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва шаклланиш тарихи холисона үрганила бошланганига қарийб йигирма йил бўлди. Шу давр мобайнида жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. Жадидчиликка бўлган қизиқишининг тобора ўсаётганлиги ва мазкур масала билан Германия, Франция, АҚШ, Япония, Туркия сингари мамлакатлардаги олимларнинг ҳам фаол шуғулланаётганлиги сабабли Туркистон ҳалқлари тарихининг бу мураккаб даври бир қадар равшанлашди. Бироқ худди шу ҳол – кўплаб тадқиқотчиларининг жадидчилик тарихи билан машғул бўлаётганликлари туфайли бу тарихнинг айрим масалалари юзасидан бир-бирига зид қарашлар ва бир-бирини инкор этувчи фикрларнинг пайдо бўлгани ҳам сир эмас.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг бошланиши масаласида яқин вақтларга қадар тарихчи ва адабиётшунос олимлар даврасида яқдиллик бўлган. Улар жадидчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда рўй берган инқиlobий ҳаракатлар таъсирида, шунингдек, мустамлака Туркистон аҳолисини уйғотиш мақсадида майдонга келганилиги ҳақида муштарак фикрда бўлганлар. Аммо кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фикр ва мулоҳазалар ҳам ўртага ташланмоқда.

Ўзбек ҳалқи тарихининг хорижий тадқиқотчиларидан бири Боймирза Ҳайитнинг фикрига кўра, жадидчилик XIX асрнинг охирларида бошланган. У Туркистондаги бу маърифатпарварлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларини санаганда, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари том маънодаги жадидлар билан бирга Комил Хоразмий, Муқимий,

Фурқат, Абай, Мулла Нафас, Зинҳорий сингари маърифатпарвар шоирларнинг ҳам номларини тилга олган. Сўнгги йилларда ўзбек олимлари орасида ҳам жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиш вақтини бир оз олдинга суриш, шунингдек, жадидлар сафини юқоридағи сингари кенгайтиришга уриниш тамойили кўзга ташланмоқда.

Жадидчиликнинг қачон бошланганлиги ўта муҳим масаладир. Агар биз бу ҳаракатнинг XIX аср охирларида бошланганлиги тўғрисидаги фикрга қўшилсак, у ҳолда унинг қайси омиллар таъсирида пайдо бўлганлиги ва моҳияти масаласига ойдинлик киритиш, шунингдек, унинг дастлабки “мева”ларини кўрсатиш лозим бўлади. Қолаверса, Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқат билан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза ва Абдулла Авлоний ўртасидаги жадидона яқинликни ҳам асослаб бериш зарур.

Ушбу масалага аниқлик киритиш учун аввало “жадид” сўзининг қачон ва кимларга нисбатан қўлланганлигини яна бир бор эслашимиз жоиз.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг таржимаи ҳолида 1900 йилда уйлангани ва оила бошлифи бўлиб қолганлигини эслаб, бундай ёзган эди:

*“Бу вақтда бутун оиласи боқмоқ учун қиши кунларида ҳам ишламоқға тўғри келганлигидан қуввати муҳофазам ўрта даража бўлғон ҳолда мадрасани ташлаб чиқиб кетувга тўғри келди. Шул чоқларда ўзим меҳнат ичида яшаганийимдан бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадрасадан чиқиб кетсан ҳам маориф ишларидан чиқиб кетмадим. Турли газеталар ўқишига тутиндим. Шул замонларда Русиянинг турли шаҳарларида чиққан матбуот—газета ва журнallар билан танишиб, ўқиб, матъумотимни ортирира бордим. “Таржимон” газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлдим. Шул замонда ерли халқлар орасида эскилик—янгилик жанжалли бошланги. Газет ўқувчиларни муллалар “жадидчи” номи билан атар эшилар. Мен ҳам шу жадидчилар қаторига кирдим. 1904 йилдан жадидчилар тўғасида ишлай бошладим. “Жадид мактаби” очиб, ўқитувчилик қила бошладим”.*

Бу сўзларни ўзбек жадидларининг дастлабки авлодига мансуб ёзувчи айтмоқда. Агар бу сўзларга жиiddий эътибор

берсак, уларда уч муҳим нарса бўртиб турибди. Булар, биринчидан, газета ўқиган ёшларнинг муллалар томонидан “жадидчи” деб аталиши бўлса, иккинчидан, Авлонийнинг 1904 йилдан бошлаб жадидлар тўдасида ишлай бошлиши, учинчидан эса, “жадид мактаби”ни очишидир. Агар ҳозирча шу уч муҳим унсурни жадидчиликнинг асосий белгилари сифатида қабул қилсак, Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқатларнинг фаолиятида бу белгилардан бирортасининг нишурмаганини кўрамиз. Зоро, улар билан М.Беҳбудий авлоди олдига тарих ва замон томонидан қўйилган вазифалар мутлақо бошқа-бошқадир.

Агар Абдулла Авлонийнинг 1878 йили туғилгани ва ўзбек жадидчилик ҳаракатининг отаси ҳисобланган Маҳмудхўжа Беҳбудийдан бор-йўғи уч ёшга кичик эканлигини эътиборга олсак, унинг жадид ёзувчиларнинг тўнғич бўғинига мансублиги маълум бўлади-қолади. Демак, у 1900 – 1904 йиллар оралиғида “Таржимон” газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлган ва жадидлар тўдасида ишлай бошлаган. Жадидлар билан қадимлар ёхуд қадимчилар ўртасидаги кураш ҳам худди шу даврда бошланган.

А. Авлонийдан ўн бир ёш кичик бўлган Ҳамзанинг “Таржимон” сингари даврнинг тараққийпарвар газеталари билан танишуви эса, 1907 – 1908 йилларда бошланган. Унинг таржимаи ҳолида бу ҳақда қўйидаги сўзларни ўқиимиз:

“1907 иши, отам ҳажга кетиши муносабати билан, бирга Қашғаргача узатиш муносабатила саёҳатга бориб, биринчи мартаба “Вақт”, “Боқчасарой” (“Таржимон” демоқчи – Н.К.) газеталарини ўқишига шундан ўрганиб қайтдим. Шундан бошлаб кундан-кун – эски хурофотларни, мадраса ўқишиларини, ҳалқ тирикчилиғига ўзгаришларни, маданият, иқтисод деган масалаларни текширишга кира бошладим”

Ҳамза “Йигитлар товуши” деган мақоласида яна шу масалага қайтиб, бундай ёзган: “Кўп узоқ эмас, 1908 йилларда ҳам мадрасага ўқуб юрган вақтимизда газет-журналларни бирорлар номига ёздуриб олуб, қўлтуғимизга ёшуриб, шул мадрасанинг қозон қўядиган қоронғу ҳужраларида эшикни ичидан беклаб, ўшанга ҳам қўрқуб-қўрқуб ўқур эдик”.

А.Авлоний ва Ҳамзанинг бу сўзларини келтиришдан мақсад ўзбек жадидларининг “Таржимон” сингари газеталар таъсирида XX асрнинг бошларида пайдо бўлганлигини тасдиқлашадир.

Түғри, Туркистанда бошланган жадидчилик ҳаракатини биргина “Таржимон” газетаси билан боғлаш түғри эмас. Шу йилларда шаклана бошлаган маҳаллий зиёлилар “Вақт” ва “Таржимон” газеталари билан бирга Татаристон, Озарбайжон, Хиндистон ва Мисрда нашр этилган газета ва журнallарга ҳам муштарий бўлиб, уларни ҳам мунтазам ра-вища ўқиб турганлар.

Садриддин Айний “Қисқача таржимаи ҳолим” деган хасби ҳолида ёзишича, ёшлиқдаги ўртоқларидан бири Ҳиндистонда форс тилида чиққан “Ҳабл ул-матн”, Мисрда форс тилида босилган “Чехранамо” газеталарини ҳам қаерларданdir топиб ўқиган.

Шу тарзда XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистанга етиб келган тараққийпарвар газеталар М.Беҳбудий, М.Абдурашидов, А.Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон сингари ёшларни дунёнинг бошқа мамлакатларида яшовчи ҳалқлар ҳаёти билан, янги туғилган асрнинг маърифатпарварлик ғоялари билан таништира бошлади. Худди шу йилларда Россия, Туркия ва Эронда содир бўлган инқилобий воқеалар ҳақидаги хабар ҳам шу нашрлар орқали Туркистанга етиб келди.

Модомики, юқорида номлари тилга олинган газеталар ёш авлоднинг кўзини очиб, уни XX асрнинг кириб келганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан ошно этган ва унинг дунёқарашида кескин ўзгариш ясаган экан, демак, мустамлака шароитида яшаётган Туркистаннинг ўзида бундай газеталар йўқ, эди. Шу биргина фактнинг ўзиёқ Туркистанда ўша даврда ҳукм сурган ижтимоий, маданий ва маърифий муҳит ҳақида аниқ тасаввур беради.

Бир замонлар ер куррасидаги энг құдратли бўлган Амир Темур салтанати XIX асрнинг ўрталарига келиб, ўзининг ҳарбий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини мутлақо йўқотган, уч кичик хонликка ажralган ва азбаройи ҳолсизланганлигидан рус қўшинлари томонидан осон-гаров босиб олинган эди. Мустамлака кишанлари орасида яшаётган Туркистан ҳалқлари, бир томондан, мустамлакачи чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий амалдорлар назорати остида яшади. Ана шу икки томонлама сиқув Туркистан ҳалқларининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маърифий, маданий ва маънавий ҳаётига ҳам мислсиз да-

ражада катта салбий таъсир ўтказди. Нафақат чор ҳокимияти, балки маҳаллий давлат идораси ҳам халқнинг ижтимоий онги ошиши, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши, бошқа халқлар ва мамлакатлар ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишидан манфаатдор бўлмаган. Шунинг учун ҳам, бир томондан, чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий давлат идораси ҳам халқнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини нурлантириши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирларга қарши тиш-тирноги билан курашган.

Россиянинг Шарқдаги сиёсатига муайян даражада таъсир ўтказган кишилардан бири Н.И.Ильминский маслақдоши Победоносевга ёзган мактубларининг бирида бундай фикрни олға сурган эди: “*Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга қараганда уларни жуда қаттиқ кузатув остига олинглар*”. Ильминскийнинг ана шундай “доно” маслаҳатига амал қилган Россия ички ишлар полицияси департаменти Туркистондаги ҳар бир маърифатли кишини қаттиқ назорат остига олибгина қолмай, масжид ва мадрасаларда, китоб бозорларида хорижий газета ва журналларнинг бор-йўқлиги билан қизиқди, тараққийпарвар нашрларнинг Туркистонга кириб келмаслиги учун барча чораларни кўрди; бу билангина кифояланмай, маҳаллий зиёлиларни икки қанотга ажратиб юбориб, уламоларни жадидларга, жадидларни эса уламоларга қарши қўйди; дин арбобларининг ўта мутаассибилашишига шарт-шароитлар яратиб, улар ихтиёридаги масжид ва мадрасаларнинг кўпайиши ва шу орқали таъсир доираларининг кенгайишига имконият яратди. Ана шу тарзда олимлар ва ўта билимли ўқитувчилар сиёсий назорат остига олиниб, ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларнинг Туркистоннинг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи ошиб борди. Айни пайтда чор ҳокимияти маҳаллий маъмуриятнинг ижозати ва уламоларнинг лоқайдлиги ёхуд журъатсизлиги туфайли Туркистонда фоҳишахоналар ва ичкилик сотувчи дўйонларни очди. Бу ҳар иккала разолат ўчоқлари, аждаҳо сингари, маҳаллий халқни секин-аста ўз домига торта бошлиди.

Хўш, Кўқон ёхуд Хива хонлиги, ё бўлмаса, Бухоро амирлигидаги давлат арбоблари ўртасида мамлакат ва халқнинг

разолат ботқоғига ботаёттанини кўрган ва бунга қарши бошкүттарган кишилар бўлганми?..

Замондошларнинг шаҳодат беришларига кўра, масалан, Бухоро амирининг майшат ва айш-ишратдан бошқа дарди бўлмаган. Қушбегининг собиқ котибларидан бири Мирзо Ҳикматуллонинг гувоҳлик беришига кўра, амир халқ ишига бутунлай аралашмай яшаган, ҳатто йиллик келим ва кетими ни ҳам билмаган. Хива хони эса қари бир одам бўлиб, умрининг кўп вақтини қушлар ва гуллар билан ўйнаб ўтказган. Улар атрофида ҳам халқ ва мамлакат тақдиди билан яшаган бирор амалдор бўлмаган.

Ана шундай тарихий шароитда Марказий Осиёни босиб олган чор ҳокимияти Туркистоннинг ҳақиқий хўжайинларига айланди. Дарвоҷе, “Новое время” журналининг 1908 йилги сонларидан бирида босилган мақола худди шундай – “Туркистоннинг хўжайинлари” деб номланган. Унда, жумладан, бундай дейилган: “Бизнинг сўнгги икки генералимиз Черняев билан Скобелев иссиқ иқлимда, жанубий тоғларнинг этакларида рус қабиласининг ҳукмдорлигини мустаҳкамлаш учун Ўрта Осиёда арслондек курашди. Улар даҳоси ва жасорати билан, қадимги даврларда айтишганидек, “рус тожининг қимматбаҳо дурданаларидан бири” Туркистон ишғол этилди”.

Туркистонни “рус тожининг қимматбаҳо дурданаларидан бири” деб атаган кимсалар учун, биринчи навбатда, олтин керак эди. Улар Туркистонни олтин конларидан иборат ўлка, деб ўйлаганлар. Кейинчалик, Туркистоннинг фақат ерости хазиналарига эмас, балки ер усти бойликларига ҳам эга эканлигини билганларидан кейин улар минглаб мужикларни Ички Россиядан кўчириб келтирганлар. “Келажак муҳожир рус қишлоқлари ерли халқ кишиларидан кўра бойроқ бўлиши керак” деган шиор шу даврда рус мустамлакачилик сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Шу шиорга амал қилган мустамлакачилар маҳаллий халқ-қа тегишли серҳосил ерларни тортиб олиб, уларни келгинди мужикларга бўлиб бердилар. Шу тарзда 1906–1913 йилларда Туркистонда 116 та рус қишлоғи вужудга келди. Бу қишлоқларни ташкил этган мужикларнинг 36,7 фоизи ҳеч қандай мол-мулксиз, 60,9 фоизи эса ҳатто сариқ чақасиз келган эди. Чор ҳокимияти ана шу мужикларнинг бош-

ларини силаб, маҳаллий ҳалқни эзиш ва феодал қолоқлик шароитида ушлаб туришда улар ҳукуматнинг ишончли сұяңчиғи бўлишлари учун барча шарт-шароитни яратди. Натижада маҳаллий ҳалқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволи чидаб бўлмас даражада мушкуллашди.

Туркистон ҳалқларининг шу даврдаги ҳаёти, савияси, менталитетига хос салбий хислатлар, иллатлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун М.Беҳбудийнинг “Падаркуш” пъесаси, Фитратнинг “Мунозара”си, Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадёр” ҳикоялари ва бошқа ўнлаб жадид адабиёти намуналарини ўқишининг ўзи кифоя. Чунончи, европаликлар билан ўзбеклар ўртасидаги фарқни тасвирлашга бағишлиланган бир шеърида Тавалло бундай ёзган:

Ёврупо аҳли, сиз қулоқ солингиз,  
Биз ҳунарлар ёзиб тонуштирамиз.  
Келтуринг занбурак, қурол неча хил,  
Бизни сопқон ила отуштирамиз.  
Афтомобил, арабангиз қайдা,  
Ҳўқанд арба билан чопуштирамиз.  
Биз билурмиз, сиз тўғри сўзни қули,  
Лек биз ялонлар қотуштирамиз.  
Дўстни душман зудуб, солиб ифво,  
Гап тошуб ўртага чоқуштирамиз.  
Қўлда бидъат маромномаси бор,  
Ким яқин келса, биз ёпуштирамиз...

“Қўлда бидъат маромномаси бор...” – бундай киноя ва пичинг заҳари сочилиб турган сатрларни ўқир экансиз, аср бошларидаги Туркистон ҳалқлари ҳаёти кўз олдингизда яққол гавдаланади.

Чўлпон “Дўхтур Муҳаммадёр” ҳикоясида шу аянчли ҳаёт манзараларини янада аниқ ва ҳаққоний тасвирлаб, ёзган эди: “Эрта билан соат 8 да истансага чиқуб, поездни куттиб турди. Ниҳоят, XX аср маданияти келди, аждар каби пишилиб, ҳар тарафга сув чочуб... Муҳаммадёрни ватанидан айирмоқчи эди. Истансага бир гариб манзара эдики, Муҳаммадёрнинг кўнглини бузмоққа бошлади: бир мусулмон хуржун ўйқотган! Бирин бора турғон истансасин номин билмай, бошқа истансага билет олиб кўйғон... ва шунга ўхшааш даҳшатли манзаралар олдиға Муҳаммадёр қотуб қолди.

*Ниҳоят, иккинчи зуванок урилганда, чиқуб, учинчи классдан жой топуб ўтурди. Ҳалиги қўрқунч манзаралар бунда андин ҳам зиёда ҳукм сурмоқда эди: бир мусулмон бириси билан урушиб бурни қонағон, бир мусулмонни поезд маъмурлари тутуб олуб урадурлар... Муҳаммадёр чидаёлмади. Поезднинг ташқарисига чиқуб, тикка туруб, истансани томоша қила бошлади. Бир армани Қофқознинг қоронғу гўшалариндан келуб истансага дўкон очуб, бой бўлиб, икки ўғлини ҳукумат мактабларида тарбия қилмакда Ва ерли мусулмонлар эса топган пулларини тўйга, жанозага сарф қилуб, фақирликда, хорликда қолмоқда эдилар... ”*

Аср бошларидағи турмушнинг бундай манзараларини ўз кўзлари билан кўрган зиёлилар “Таржимон”, “Вақт” сингари газеталарни ўқиганларидан кейин уларни бартараф этиш йўлларини қидирдилар. Исмоил Гаспринский ўз газетаси орқали Туркистонга янги давр ғояларининг келишига имкон тудирибина қолмай, 1893 йили ўзи ҳам Самарқанд ва Бухорога келиб, М. Беҳбудий, А.Шакурий сингари миллатнинг пешқадам кишилари билан танишди. Ҳатто Бухорода “усули жадид” мактабини очди. Секин-аста Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Андижон сингари шаҳарларда ҳам жадид мактаблари ташкил этила бошлади. Саноқли бўлса-да, дастлабки жадидлар пайдо бўлди. Лекин бу мактаблар ва уларни ташкил этган жадидларнинг миллий шаклланиши осон кечмади.

Чор Россиясининг хуфияларидан бири Эрон ва Туркиядаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда 1905 йил рус инқи-лобидан кейинги Бухоро аҳли тўғрисида бундай маълумотни берган: “Бухорода мадрасалар кўп бўлса-га, ҳалқ ортиқ нодон, сиёсий фикр деган гаплар ҳеч ҳам йўқ. Русия инқи-би ҳақига ҳеч нарса англамайдурлар. Нима бўлса ҳам Бухорода ўзгариш эҳтимоли жуда узоқдир”.

Шу хуфия Бухоро ахлиниңг сиёсий савияси тўғрисида мулоҳаза юритиб, яна бундай ёзган: “Бухоро бозорларида учраша турғон қишлоқилардан дуруст маълумот ололмадим. Сабаби эса, улар, биринчидан, шаҳарга иш билангина келганликларидан сўзлашиб ўлтуришга вактлари йўқдур. Иккинчидан, сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфияларидан кўрқадурлар, чунки, амирнинг хуфиялари ниҳоятда кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшишсалар, ушлаб, дарров зиндонга соладилар”.

Сўнгги йилларда айрим тарихчи ва журналистлар XX аср бошларидағи тарихий вазиятнинг ана шундай нохуш манзарага эга бўлишида амир ва хонларнинг ҳам айби катта эканлигини эътибордан соқит қилиб, улар фаолиятига ижобий баҳо бериш ва уларни ҳалқ дарди билан яшаган кишилар қилиб тасвирашга уринмоқдалар. Бу мутлақо но-тўғри қарашdir. Ўзларига тегишли ҳудудда мустабид ту-зумни ўрнатган бу давлат арбоблари ҳалқни мустамлакачи-лар билан бирга эзиб, ҳур фикрли кишиларни таъкиб ва тазийк этиб келганлар. Ана шундай шароитда жадидлар-нинг ўқув тизимини ислоҳ этиш, янги типдаги мактабларни очиш, ҳалқни маърифатлаштиришга қаратилган дастур би-лан чиқишилари, жадид мактаби, жадид матбуоти, жадид адабиёти ва жадид театрига пойдевор қўйишлари уларнинг улкан фуқаролик жасоратлари эди.

Ана шу тарзда жадидлар XIX асрнинг охирлари – XX аср бошларида майдонга чиқдилар. Лекин уларнинг тарих саҳнасида пайдо бўлишларида бояги икки омил – тарихий-ижтимоий шароит ва даврнинг янги ғояларини олға сурган газеталар билан бирга учинчи омил – Муқимий ва Фурқатлар бошлаб берган ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ҳам муҳим роль ўйнади. Аммо бу сўз Муқимий ва Фурқатларнинг ҳам жадид бўлганликларини мутлақо англат-майди.

Жадидлар пайдо бўлган илк кунлардан бошлабоқ улар ҳам чор ҳокимияти, ҳам маҳаллий ҳукмдорларнинг қарши-ликларига дуч келдилар. Бинобарин, улар ҳалқни шу икки зулм ўчоғидан, шу икки қолоқлик ботқоғидан ҳалос этмоқчи бўлдилар. Абдулла Бадрий “Ёш бухороликлар кимлар?” деган рисоласида жадидларни кўзда тутиб, бундай ёзган эди: “... онларнинг фикрий ҳаёллари ва муддаолари биз, бечора ва қашшоқларни турбатдан, яъни амирлар, беклар ва бой-ларнинг зулмларидан озод қилмоқ ва бизларнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун ҳаракат ва тараффуғ қилмоқдир”.

Дастлаб асосан маърифий вазифаларни амалга ошириш мақсади билангина майдонга келган жадидларнинг бирла-шиши ва кенг қанот ёзишида ўзбек жадидчилик ҳаракати-нинг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари бекиёсdir. У келажақда миллий босмахона ва нашриётни ташкил этиш, қўшни ҳалқлар ҳаёти, жумладан, мактаб ва

маорифи билан танишиш, бу мамлакатлардаги тарақкий-парвар кучларнинг тажрибаларини ўрганиш ва ўзбек жадидларининг халқаро алоқаларини изга солиш учун Россиянинг бир қанча саноат марказларига ва Яқин Шарқ мамлакатларига борди. Бухорода ташкил этилган “Тарбияи атфол” жамиятининг саъй-ҳаракати билан Фитрат икки биродари билан бирга Туркияга таҳсил кўргани борди. Чор хуфиярининг маҳфий хатларига қараганда, у Туркияда бўлганида “Иттиҳод ва тарақкий” ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва ҳатто Бухорога қайтиб келганидан кейин ҳам шу ташкилот билан алоқасини узмай, исломпарамастлик йўналишидаги газеталарга қатнашиб турди. Фитратнинг ёш усмониллар ҳаракати билан яқинлашиб, Бухоро амирлигидағи сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳитдан кескин фарқ қилувчи Туркиядаги миллий озодлик ҳаракати билан яқиндан танишиши унинг ўзбек жадидчilik ҳаракати учун дастурий аҳамиятига эга бўлган “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” сингари асарларини ёзишга имконият яратди. Туркияда чоп этилиб, Бухорода яширин равищда тарқатилган бу асарлар бухоролик ёшлар дунёқарашида инқилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Ана шу тарзда жадидлар тажриба орттириб ва сафларини тобора кенгайтириб бордилар.

Шундай қилиб, жадидчilik XIX аср охири – XX аср бошлирида Туркистонда ҳукм сурган фавқулодда қолоқ иқтисадий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш ҳамда пировардида эрк ва ҳуррият ғояларини ҳаётта татбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди. Бу ҳаракат ўзининг шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, аср бошлиридан 1917 йил февраль инқилобига қадар бўлган биринчи босқичида нафақат маърифий, балки ижтимоий ҳаракат сифатида ҳам узил-кесил расмийлашди. Февраль инқилобининг рўй бериши ва чор ҳокимиятнинг фалажланиши билан у ўзининг пировард сиёсий мақсади – мустақил давлатни барпо этиш ғоясини амалга оширишга киришди. Лекин бу ҳаракатнинг кучли ва бирлашган партия ё ташкилотта эга бўлмаганлиги ҳамда халқ оммасини ҳали уйғота олмаганлиги сабабли унинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш орзуси рўёбга чиқмади. Ҳали оёққа тўриб

922525

улгурмаган ёш совет давлати Туркистон Мухторият ҳукуматини гўдаклик пайтидаёқ мажаҳлаб ташлади.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндаларини ёқтиримаган большевиклар бу ҳаракатни фақат маърифий ҳаракат деб баҳолаб, уларни сиёсий калтабинлиқда айблаб келдилар. Жадидчилик ҳаракатининг улкан арбоблари ва ташкилотчиларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов 1927 йилда ёзган мақоласида большевиклар қўйган бу айбга жавобан бундай сўзларни ёзган эди: “Чор ҳукуматини йўқотиши жадигларнинг тилагига бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насия ёзадурғон ходимлар етказсак. Бу ишга ақми одам шу баҳони беришга у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсун”

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг бу сўзларига таяниб айтиш мумкинки, жадид мактабини тузишдан мақсад, большевиклар айтганидек, савдо ходимларинигина тайёрлаш эмас, балки ҳалқнинг умумий савиясини кўтариш, замонавий фанларни эгаллаган инженер, врач, журналист, юристдан тортиб давлат арбобигача бўлган кишиларни тарбиялаш ва улар ёрдамида давлат идораларини ерлилаштириш, шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сиқиб чиқариш эди. Жадидлар ана шу мақсадни амалга ошириш учун “усули жадид” мактабларини ташкил этибигина қолмай, айни пайтда миллий матбуот, адабиёт ва театрни яратишга ҳам катта эътибор бердилар ва жадидчилик ҳаракатининг бу жабҳалари орқали Туркистон ҳалқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб, мустақил ўзбек давлатини қурмоқчи бўлдилар.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфияномасида бундай ёзган эди: “Туркистон ўлкасиаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал-демократлар (большевиклар ва меньшевиклар) ёки социал-инқилобчилар (эсэрлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадиглариидир”.

Ўз олдиларига Туркистон ҳалқарининг тақдирни учун муҳим аҳамиятга молик вазифани қўйган жадидлар 1906 йил январида Петербургда бўлиб ўтган Умумруссия мусулмонла-

ри курултойига ўз вакилларини яширинча юбориб, Россия тасарруфида яшаган бошқа мусулмон халқлар ва уларнинг пешқадам арбоблари билан алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар. Бу вақтда ўзбек жадидлари, Қозон татарлари каби, ҳар томонлама шаклланган миллий дастурларига эга бўлган, лекин яқин келажакда рус истибододига жиддий зарба бериш учун тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Аммо уларнинг бу нијатларидан хабардор бўлган большевиклар Осипов қўзғолонидан кейин кўплаб жадидларни қириб ташладилар. Ўз мустабид давлатининг душмани деб билган Бухоро амири ҳам жадидларни қирища большевиклардан заррача орқада қолмади.

Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш ва якунланиш тарихи, шубҳасиз, фақат шу нуқталардангина иборат эмас. Ўзбекистоннинг яратилажак янги тарихида халқимиз ҳаётининг бу муҳим даврини тўғри ва ҳар томонлама мукаммал ёритиш учун нафақат республиканизнинг очиқ ва ёпиқ архивлари, балки, биринчи навбатда, Москвадаги ФСБ ва бошқа архивларда сакланаётган ҳужжатларни пухта ўрганишимиз, уларда мавжуд бўлган факт ва маълумотлардан тўғри хуносалар чиқара олишимиз лозим. Бундай янги маълумотларни хорижда фаолият кўрсатаётган олимларнинг ишларидан ҳам топишимиз мумкин. Масалан, яқинда вафот этган Боймирза Ҳайитнинг “Туркистонда жадидчилик ва унинг тутатилиши” деган мақоласида ислом динининг таниқли ташвиқотчиси Абдурашид Иброҳимов ҳақида бундай мароқди маълумот берилган: “*Миллий ва сиёсий ҳуррият орзуси, – деб ёзган эди муаллиф, – жадидчилик ҳаракатининг бир парчаси эканлигини илк бора ўртага ташлаган одам аслан Бухоро фуқароси, лекин Сибирияда яшаган қози Абдурашид Иброҳим (1858–1940) бўлган эди*”

Биз Абдурашид Иброҳимовнинг фаолияти турли қирраларга эга бўлганини, унинг ҳатто Японияга бориб, япон фуқаролари ўртасида исломий тарифиботни муваффақият билан олиб боргани ва Токиода мусулмон масжидини очганини билсак-да, унинг жадидчи сифатида олиб борган ишларидан бехабармиз. Бинобарин, бизга номаълум бўлган бундай кишилар (улар эса Татаристон ва Бошқирдистонда талайгина бўлишган) фаолиятини ўрганиш жадидчилик ҳаракатининг мумкин қадар тўла манзарасини тиклаш имкони-

ни беради. Худди шунингдек, жадид матбуотининг бой материаларини ҳам ҳозирги жорий ёзувга кўчирмай ва улардан кенг фойдаланмай туриб, жадидчилик ҳаракати тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш мумкин эмас.

Демак, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тарихини тадқиқ этиш янги манбаларни ўрганиш ҳисобига давом этиши мақсадга мувофиқ.

## ЖАДИД АДАБИЁТИНИНГ АСОСЧИСИ

*Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бундай танбеҳ бор: “Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки, абадий умр эгаси бўлади. Ўзингни шундайлардан узоқ тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унуптма. Умр бевафодир, мардона ҳаёт абадийдир”.*

Бу танбеҳдаги “мард” сўзи форсча бўлиб, инсон маъносини англатади. Кимки инсон номига муносиб иш тутса, у мард ҳисобланади. Навоий инсон баҳт-саодати учун ўз ҳаётини баҳшида этувчи кишиларнинг кўпроқ бўлишини орзу қилган. Зоро, жамият тараққиёти, инсоният тарихининг порлоқ саҳифалари фақат шундай кишиларнинг номлари ва ишлари билан боғлиқдир.

Махмудхўжа Беҳбудий шундай кишилар қавмидан бўлиб, 1875 йил 19 январда Самарқанд яқинидаги (Сиёҳоб волостининг) Баҳшитепа қишлоғида туғилди. Унинг шажараси, бир томондан, Аҳмад Яссавийга бориб туташса, иккинчи томондан, Урганч хўжаларига бориб тақалади. Маҳмудхўжанинг бир бобоси Солиҳхўжа бўлиб, улар Самарқанднинг обрӯ-эътиборли кишиларидан ҳисобланган. Қори Ниёзхўжа XVIII асрда амир Шомууроднинг буйруғи билан Урганчдан Самарқандга кўчирилган.

Махмудхўжанинг имом-хатиблик билан шуғулланган отаси Беҳбудхўжа 1894 или, кенжа фарзанди туғилишидан бир оз аввал, вафот этган.

6 – 7 ёшида тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ туфайли хатсаводи чиққан, сўнг XIX асрнинг 90-йиларида Чашмаоб ва Кобуд волостларида мирзолик қилган Беҳбудий дунёқарашининг кескин ўзгаришида унинг Шарқ ва Фарб мамлакатларига қилган сафарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. У 1899 – 1900 йилларда Туркия, Миср ва Ҳижозга, 1903 – 1904

йилларда эса Россиянинг Москва, Петербург, Нижний, Қозон ва Уфа сингари шаҳарларига бориб, хорижий ҳалқлар ҳаёти билан яқиндан танишди. Мустамлака шарт-шароитида яшаган ўзбек ҳалқи турмушини хорижий ҳалқлар ҳаёти билан қиёслаш Беҳбудийни иккиёклама зулмдан эзилган ватандошлари тақдирни ҳақида қайгуришга мажбур этди.

Бу, Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати уйғонган йиллар эди. Ана шундай тарихий-ижтимоий давр тақозоси билан ҳаракатта келган жадидчилик ҳалқ ҳаётида кечәётган қашшоқланиш жараёнининг олдини олиш ҳамда жаҳолат ва сафоҳат ботқоғида яшаётган ҳалққа мадад қўлини чўзишни ўзига мақсад қилиб олди. Жадидлар ҳалқни ҳар томонлама аянчли аҳволдан ҳалос этишининг бирдан-бир йўлини илм-маърифатда кўрдилар.

Совет ҳокимияти даврида худди шу нарса жадидлар дунёқараси ва фаолиятининг чекланганлиги сифатида баҳоланиб келди. Ҳолбуки, қўлларида на давлат идоралари, на сармоялари бўлган жадидлар ўзларининг фидокорликлари орқасида фақат янги усулдаги мактаблар очиб, жадид матбуоти, адабиёти ва театрига асос солиб, улар орқали ўз ғоя-мақсадларини тарғиб қилишлари ва ҳалқ кўзига ҳақиқат кўзгусини тутишлари мумкин эди. Улар ўз қўлларида бўлган ана шу ягона имкониятдан ғоят самарали фойдаланиб, маърифий инқилоб йўли билан ҳалқни моддий фаровонлик ва бойлик сари етаклашга ҳам уриндилар. Моддий фаровонлик ва бойлик эса, улар наздида, капитализм бағрида эди. Улар ҳалқни феодал турмуш тарзидан капиталистик муносабатлар босқичига олиб чиқиш орқали келажакда уни мустамлака кишанларидан ҳалос этмоқчи бўлдилар. Шунинг учун ҳам жадидчилик ҳаракати майдонини фақат маърифат жабҳаси билангина чегаралаб олиш тўғри эмас. Зоро, жадидлар ҳаракати дастурининг муҳим нуқтаси миллий муҳторият ва ижтимоий тараққиёт билан бевосита боғлиқдир.

ХХ аср бошларида Туркистанда жадидчилик ҳаракатининг қанот ёзишида Россия, Туркия ва Эрон инқилобларидан ташқари, Крим ва Волгабўйи татарларининг матбуоти, биринчи навбатда, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Таржимон” газетаси муҳим аҳамиятта молик. Матбуотнинг тараққиЙпарвар кишилар қўлида қудратли қурол эканлигини сез-

ган Беҳбудий 1901 йилдан бошлаб “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Осиё”, “Тужжор” сингари маҳаллий ҳамда “Таржимон”, “Вақт” ва “Шўро” сингари қардош ҳалқларнинг газета ва журнallарида 200 дан зиёд мақолаларини эълон қилди. Ба бу мақолалари билан ҳалқнинг басир кўзларини очишга уринди. У айни пайтда Самарқандда дастлабки усули жадида мактабларини очишга ва улар учун қўлланма ҳамда дарсликларни яратишга киришди. Беҳбудий Абдулқодир Шакурий билан бирга 1903 йилда Ражабамин қишлоғида янги усулдаги биринчи мактабни очиб, сўнг 1906 йили уни шаҳардаги ҳовлисига кўчириб келди ва уни ўз оталифига олди. Шу йилларда у “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), “Мадҳали жуғрофияи Русий” (“Русиянинг қисқача географияси”), “Китобат ул-атфол” (“Болалар китоби”), “Мухтасари тарихи ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”) ва “Амалиёти ислом” сингари дарслик ҳамда қўлланмаларини яратди. Бу тилга олинган асарларнинг ўзиёқ Беҳбудийнинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаган аллома бўлганидан шаҳодат беради.

Жаҳон фани ва маданияти учун Беруний ва Ал-Хоразмий, Ибн Сино ва Ал-Фарғоний, Улуғбек ва Навоий сингари даҳоларни етказиб берган ҳалқ XIX аср ўргаталарига келиб, турли объектив сабабларга кўра, Фарб ва Шарқдаги энг қолоқ ҳалқларнинг бирига айланган эди. Шунинг учун ҳам Беҳбудий ўзининг бутун куч ва ғайратини шу ҳалқни маърифатлаштиришга бағишлиб, нафақат публицист ва педагог сифатида, балки моҳир ташкилотчи ва янги тарихий давр ғояларининг жарчиси сифатида ҳам қизғин фаолият олиб борди.

Маърифатпарварлик фаолияти фақат мактаб доираси билангина чекланмайди. Бу ҳақиқатни тўғри тушунган Беҳбудий 1908 йили Самарқандда Туркистондаги дастлабки замонавий кутубхоналардан бири – “Қироатхонаи исломия”ни ташкил этади. Кейинчалик “Беҳбудия кутубхонаси” номини олган бу маърифат ўчоғи 1919 йилга қадар фаолиятда бўлиб, самарқандлик ёшлар диний ва дунёвий билимларининг шаклланишида ўз вазифасини ўтади. Бир қечакундузда 11 нафаргача ўқувчи шуғуланиши мумкин бўлган бу кутубхона тез орада Самарқанднинг йирик зиё масканла-

ридан бирига айланди ва бора-бора унинг жамғармасида 1000 дан зиёд ноёб китоблар тўпланди. “Беҳбудий” нашриёти эса турли дарслик ва қўлланмалардан ташқари, “Туркистан, Бухоро ва Хива хароитаси”ни босиб чиқарди. Тинибтинчимас инсон ўз фоя ва қарашларининг кенг ҳалқ оммасига етиб бормаётганлигини кўриб, ё саводсизлиги, ёхуд қўлининг калталик қилаётгани орқасида маърифат нурларидан бебаҳра қолаётган одамлар учун миллий театрни яратишни лозим, деб топди ва ҳали дунёга келмаган ўзбек театри учун 1911 йили “Падаркуш” пьесасини ёзди.

Беҳбудий бошлиқ ўзбек жадидларининг ҳалқни маърифатлаштиришга қаратилган фаолияти, бир томондан, чор Россияси, иккинчи томондан, Бухоро амирлигининг қаттиқ қаршилиги остида кечди. Жадидларни ўзининг ашаддий душмани деб билган амир ва унинг мутаассиб қуршови қаердаки бир жадидни кўриб қолса, уни ўлдирди, кофир деб эълон қилди, ҳалқ оммасида жадидларга қарши ишончсизликни, нохуш кайфиятни, нафрат ва ғазабни уйғотиб, бу нософлом туйгуларни алангалатиб турди.

1914 йилнинг 3 январида Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг жомесида ўқилган жума намозидан сўнг муаззин беш-олти минг мусулмон ҳузурида нутқ сўзлаб, “усули жадидчиларниң ва русча ўқутмоққа ташвиқ қилатурғонларниң кофирилиги ва ҳар ким боласини усули жадида мактабига берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлиши”ни эълон қилди. Уламонинг бўйруғи билан эълон қилинган бу такфир яшин тезлигида бутун Туркистонга тарқалиб, жадидлар мушкул бир аҳволга тушиб қолдилар.

Бундай мураккаб вазиятда Беҳбудий сингари оқил ва фозил жадидлардан усули жадида мактаблари ва уларнинг муаллимларини диний далиллар кўмагида ҳимоя этиш талаб этилар эди. Муфти Беҳбудий ўз зиммасига тушган бу масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб, уламонинг ўзини такфирдан, яъни жадидларни кофир деб эълон қилганидан тонишга мажбур этган.

1911 йили Беҳбудий қаламидан чиққан “Падаркуш” пьесаси ҳам чор ҳукуматининг қаттиқ қаршилигига учрайди. Таъбиркор драматург 1912 йили Бородино жангининг 100 ийлиги нишонлананаётган кунларда асарни ана шу санага бағишилаш орқали ишончли дўстлари ёрдамида матбуот иш-

ларининг Тифлис қўмитасидан рухсатнома олиб, уни чоп этиш ва саҳналаштиришга эриши.

1914 йилнинг 15 январида Самарқанддаги Халқ уйида Озарбайжон режиссери Алиасқар Асқаров саҳналаштирган “Падаркуш”нинг биринчи марта намойиш этилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Шу куни ўзбек миллий театри дунёга келди. Беҳбудий биринчи ўзбек драмасининг муаллифигина бўлиб қолмай, уни саҳналаштиришда иккинчи режиссер сифатида ҳам иштирок этди. Асарда ўқимаган боланинг падаркушга – отасининг қотилига айланиш жараёни тасвирланар экан, Беҳбудий илм-фаннинг шахснинг қандай инсон бўлиб шаклланишидаги ролини кўрсатиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Асардаги ўқимаган бола минглаб ўзбек болаларининг биригина эмас, балки маърифатдан бебаҳра қолиб келаётган ўзбек халқининг жонли тимсоли ҳам. Беҳбудий шу халқقا мурожаат этиб, “Агар сиз ўқиб, илмли – маърифатли халқ бўлмасангиз, ўзингизнинг қадр-қимматингизга етмасангиз, ота-боболаримиздан қолган муборак ўлканинг бундан кейин ҳам хонавайрон бўлишига йўл қўйган бўласиз”, дегандек бўлади. Театрни ибратхона, ваъзхона деб билган адаб театр орқали халқ оммасига таъсир ўтказмоқчи, унинг онгига, миясига миллат, ватан, ҳуррият ҳақидаги тушунчаларни сингдирмоқчи бўлди.

“Падаркуш” драмаси тез орада Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида намойиш этилиб, янги санъат турининг катта истиқболга эга эканидан дарак берди. Беҳбудий асардан тушган маблағнинг сарф-харажатдан ортган барча қисмини жадид мактаблари фойдасига ўтказди. Ва шу факт билан ҳам ҳаётининг бирдан-бир мақсади ўзбек халқини маърифат манзиллари орқали миллий тараққиёт довонларига етаклаш эканини исбот қилди.

Беҳбудий фаолиятининг муҳим бир қисмини журналистика ташкил этади. 1913 – 1914 йилларда “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналини нашр этган адаб астрономия, археология, география, этнография, тиббиёт, халқ хўжалиги сингари ранг-баранг мавзулардаги мақолалари билан ўзбек зиёлиларининг янги бир авлоди етишиб чиқишига сабабчи бўлди. “Маърифатсиз миллат инқирозга маҳкум-

дир”, деган учқур сўзларни ўзига шиор қилиб олган адаб бу нашрларнинг том маънода ўзбек маърифатпарварлари-нинг минбари бўлиб қолиши учун тинимсиз қайғурди.

Журналистика тарихидан бизга шу нарса маълумки, қози Рашидхон Иброҳим ўғли (Абдурашид Иброҳимов) 1902 – 1909 йилларда “Миръот” (“Кўзгу”) деган журнални нашр этган. 1910 йили шу ном остида Озарбайжонда ҳам журнал чиқиб турган. Беҳбудий ўз журнали учун “Ойна” номини танлар экан, салафлари бошлаган ишни давом эттириб, журнални бир варакай тўрт тилда – ўзбек, форс, араб ва рус тилларида чоп этмоқчи ва унга Ўрта Осиёда яшовчи барча маърифатпарвар кишиларни жалб этмоқчи эди. Афсуски, у журналнинг фақат нишона сонинигина тўрт тилда нашр этиб, кейинги сонларида фақат ўзбек ва форс – тожик тилларидағи мақолаларни ёритиш имконига эга бўлди. Лекин у муштариylарни Франция билан Япония оралиғида жойлашган мамлакатлар ва халқлар ҳаёти билан таништиришга, ўз “Ойна”сида XX асрнинг 10-йилларидағи жаҳон сиёсий-ижтимоий, маданий ва майший ҳаёти лавҳаларини акс эттиришга муваффақ бўлди. Ҳаммаси бўлиб, 68 сони нашр этилган журналда ёш Чўлпондан тортиб Фитрат, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Тавалло, Ҳожи Муин, Холмуҳаммад Охундий, Сайд Аҳмад Васлий, Фахридин Рожий, Вяткинга қадар – ўша даврнинг кўзга кўринган қарийб барча зиёлилари иштирок этишган.

Беҳбудий хайрия жамиятларини ташкил этиб, тушган ионалар ҳисобига истеъдодли ёшларни Коҳира, Петербург сингари Шарқ ва Farb мамлакатларидағи илмий марказларга юбориш, уларнинг нафақат туркий ва форсийни, балки араб ва рус тилларини ҳам эгаллашларига даъват билан чиқди. У ўзбек халқининг “жадид” ва “қадим”га, бой ва камбағалга бўлинишига чек қўйиш ҳамда ватан равнақи учун хизмат қилиш лозимлигини уқтириди. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин эса рус цензурасининг паришон ҳолатидан фойдаланиб, халқни мухторият учун курашга даъват этувчи мақолалар билан чиқди. “Ҳақ олинур, берилмас” деган шиор биринчи марта 1917 йил июлида Беҳбудий томонидан ўргага ташланди.

У “Хуррият” газетасининг 1917 йил 19 ноябрь сонида эълон қилинган мақоласида қўйидағи сўзларни шу пайтгача

олиб борган ишларнинг тантанаси сифатида шавқ-завқ билан ёзди: “27 ноябрь Қўқонга Туркистон мухторияти умумий мусулмон съезига эълон қилинди. Муборак ва жайрили бўлсин! Камина ҳам мажлисга бўлушдан ифтихор этаман. Яшасин Туркистон мухторияти!”

Беҳбудийнинг Туркистон мухториятини ташкил этишдаги қизғин ҳаракатлари ўзбек жададчилик ҳаракатининг, шу жумладан, Беҳбудийнинг ҳам асосий мақсади маърифий инқилоб ва ижтимоий ислоҳотлар орқали мухториятга, мухторият орқали эса миллий истиқдол ва ижтимоий тараққиётга эришиш эди.

Беҳбудий Туркистон Мухторият ҳукумати тутатилгандан кейин кўп яшамади. Шунинг учун ҳам унинг кейинги ҳаёти ва фаолияти саҳифалари биз учун қоронфи. Биз унинг шу вақт ичиди маориф соҳасида иш олиб борганини яхши биламиз. Беҳбудий билан шу йилларда Самарқанд шаҳар маориф муассасасида ҳамкорлик қилган В.Шчигор фамилияли кимса бу ҳақда қуйидаги маълумотни берган:

“У қарийб ҳар доим мактаб комиссияси йиғилишларига ҳаммадан шлари келар ва унинг ишига ҳар доим фаол иштирок этар эди. Асосан Эски шаҳарда истиқомат қилган мусулмон аҳолиси ўртасига маориф ишларини йўлга қўйиш масаласи унинг дикқат марказига бўлган. У Эски Самарқанд учун мактаб қурилиши лойиҳасини (комиссияга) тақдим этган эди. У қатор бошланғич мактабларни очиш билан бирга айни пайтда ўқитувчиларни тайёрлаш учун қисқа муддатли курсларни очишни ҳам режалашибган эди. Бу курсларга эса Беҳбудийнинг ўзи сингари янги усул тарафорлари бўлган ўқитувчиларни қабул қилиш назарда тутилган эди”

Афсуски, Беҳбудийнинг сирли ўлими билан унинг оламшумул режалари амалга ошмай қолди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фожиали равишда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар етиб келгач, 1920 йили Самарқандда чоп этилган “Меҳнаткашлар товуши” газетаси бундай ёзган: “Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихига

ёруғ бир чироғ эди. Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихига зийнатлиқ мумтоз ўринни олишга муносиб бир отдири

“Зийнатлиқ мумтоз ўрин”га муносиб ана шу зот ўзбек халқи тарихига XX аср бошларида кенг қанот ёза бошлаган жадид маърифатпарварлари ҳаракатининг йўлбошлиаридан бири сифатида киради. Файзулла Хўжаевнинг сўзлари билан айтганда, сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вактдаги жадидлари орасида унга teng келадиган киши бўлмаган.

Афсуски, Беҳбудий ва унинг адабий мероси сўнгги йилларга қадар эътибордан четда қолиб келди. Фақат ўзбек тупроғига мустақиллик баҳори кириб келгандан кейингина Беҳбудий ҳақида бор овоз билан, ифтихор туйғуси билан сўзлаш имконияти туғилди.

“Беҳбудий ҳазратлари кўринишда ғоят маҳобатлик ва салобатлик эди”, деб ёзган эди у ҳақда Садриддин Айний.

1916 йилда Тошкентта илмий сафар билан келган академик А.Н. Самойлович ўша кезлардаги адабий жараён билан танишиб, “Туркистондаги янги адабиётнинг маркази Самарқандда бўлса керак, ёш ёзувчиларнинг бош илҳомчиси сифатига эса... самарқандлик муфти Маҳмуд Беҳбудийни эътироф этиш лозим”, деб ёзган. 1929 йилда Қозонда босилган “Ўзбек адабиёти” китобида эса “Ўзбек миллий адабиётининг тамал тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйган”, деган сўзларни ўқиймиз.

Назаримда, бу сўнгти сўзларни бир оз таҳрир қилиб, XX аср ўзбек адабиёти пойдеворига дастлабки фиштлардан бирини Маҳмудхўжа Беҳбудий қўйган, десак, тўғрироқ бўлади.

Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, ўзбек театрининг асосчиси, маърифатпарвар адаби ва журналист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифат ва ҳуррият ҳақидағи, истиқдол ва истиқбол ҳақидағи орзу ва умидлари бутун, мустақил ўзбек диёрида рўёбга чиқиб турибди.

## ЖАДИДЛАР 1916 ЙИЛДА

1916 йил қўзғолони ўзбек халқининг миллий озодлик учун олиб борган кураши тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Нафақат Туркистон, балки Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг ҳам қўпгина шаҳар ва қишлоқларида гу-

риллаб ёнган қўзғолон олови, бир томондан, чор ҳокимияти ўтказган зулмнинг ҳаддан ошгани, иккинчи томондан, XX асрнинг 10-йилларига келиб мўмин-мусулмон ҳалқларнинг ижтимоий онги ўсиб, ўз ҳақ-хуқуқини тиклаш ва мустамлакачилик кишанларини парчалаш учун курашга астойдил отланганидан дарак берди.

Жадидларнинг бу миллий озодлик ҳаракатига муносабати ҳақида жуда оз ёзилган. Бу оз маълумотларда ҳам уларнинг 1916 йил қўзғолонига бўлган муносабати фақат салбий баҳоланиб келинган.

Ҳамза ижодининг ilk тадқиқотчиларидан бири Шариф Ризо “Янги саодат курашчиси” (1939) деган мақоласида мазкур масалага тўхтаб, бундай ёзган: “Кечагина “оҳ, миллатим!” деб тилини осилтириб юрган жадид зиёлилари ва ўзбек бойлари оқ подшога ўзларининг содиқлкларини ва унинг “кўп йиллар” яшаши учун ҳар қандай оғир хизматта тайёрликларини билдирадилар” Шариф Ризодан тўрт йил аввал “Жадид адабиётининг синфий моҳиятига” сарлавҳали мақоласида Ҳамид Олимжон ҳам бундай сўзларни айтган: “Бу вақтда ўзларини янгилик тарафдори, “инқилобий” ҳалқ учун курашувчи қилиб кўрсатиб келган, ҳаммага “оч қўзингни”, деб бақирувчи жадидлар йўлда чекилиб қолдилар. Улар исёнчилар билан, инқилобий омма билан бора олмадилар. Исёнчилар ва инқилобчиларнинг йўли ва иши улар учун ёт ва қўлдан келмайдиган бўлиб чиқди”. Атоқли шоир мазкур масала хусусидаги фикрларини жамлаб, “Қўзғолонни босиш, исённи тугатишда жадидлар чоризмга ёрдам қилдилар”, деб ёзган. Шубҳасиз, бу ҳар иккала ёзувчининг жадидларни масхара қилувчи юқоридалги сўзлари совет мафкурасининг талаби билан айтилган.

Агар бу ҳар иккала муаллиф жадидларнинг 1916 йил қўзғолонига бўлган муносабатлари ҳақида йўлма-йўлакай фикр билдирган бўлсалар, совет даврининг таниқли тарихчиси Мавлон Ваҳобов “Ўзбек социалистик миллати” (1960) китобида мазкур масалага маҳсус ўрин ажратиб, жумладан, қуийдагиларни ёзган: “...туғилиб келаётган ўзбек миллий буржуазияси ва унинг мафкурачилари бўлган жадидлар 1916 йил қўзғолони даврига пошо ҳукуматига қарши чиқмадилар, аксинча, чоризм ва рус буржуазияси тарафида бўлдилар. Шунинг учун Туркистоннинг ўзбек районларидағи

1916 йил қўзғолони бир бутун ҳалқ қўзғолонига айланмасдан, айрим шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яккама-якка чиқишидан иборат бўлиб қолди... Ўзбек миллий буржуазияси қўзғолонга раҳбарлик қилган тақдирда қўзғолон катта ютуқларга эришиши мумкин бўларди".

М.Ваҳобовнинг зикр этилган китобидан кейин кечган вақт мобайнида жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари оқланибгина қолмай, уларнинг ижтимоий, адабий ва маданий-маърифий фаолияти тўғрисида кўплаб китоб, рисола ва мақолалар яратилди. Аммо уларда жадидларнинг 1916 йил воқеаларига муносабати масаласига аниқлик киритилди, дейиш қийин.

Жадидлар Туркистоннинг XX асрдаги ижтимоий-маданий ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутган бўлмасин, уларнинг сиёсий партияга хос белгилар – раҳбарлик қилувчи марказ, қатъий ҳаракат дастури, низом ва аъзоларга эга бўлмаганини назардан қочирмаслик лозим. Жадидчилик ҳаракати 1905 – 1917 йилларда янги мактаб, матбуот, адабиёт ва театр, шунингдек, намойишларни ташкил қилиш орқали ҳалқ оммасига муайян таъсир ўтказди. Лекин бу таъсир доирасига ҳалқ оммасининг барча қатламлари жалб этилди, дейишга асос йўқ. Шунинг учун ҳам на қуролли кучлари, на бошқа имкониятлари бўлган жадидларнинг қўзғолоннинг пировард тақдирини била туриб, унга раҳбарлик қилишлари мумкин эмас эди. Тўғри, жадидлар "оқ подшо"нинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони муносабати билан стихияли бошланган қўзғолондан четда туришлари, уни кўрмасликка олишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам улар қўзғолоннинг дастлабки даврида исёнчилар тарафида бўлдилар, ҳатто уларнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турдилар. Лекин Туркистонда ҳарбий ҳолат зълон қилиниши билан аниқ ҳаракат дастурига эга бўлмаган омманинг стихияли ҳаракати кўнгилсиз оқибатларга олиб бориши мумкинлигини яхши билган жадидлар исёнчиларга раҳбарлик қилишни ўз зиммаларидан соқит қилиб, қўзғолонни тинч ўзанга буриб юборишга уриндилар.

Бунинг, шубҳасиз, бир неча сабаблари бор. Биринчидан, масалан, 11 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган қўзғолон оқибатида қўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлган, 15 киши

эса жароҳат олган. Қўзғолончилар бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам шундай талофат кўрганлар. *Иккинчидан*, содир бўлган вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган уламо қўзғолонга диний тус бермоқчи бўлиб, халқни ғазоватга чақирган. Ғазоват жазавасига тушган омманинг эса ўзини ҳам, “оқ подшо” фармонига алоқаси бўлмаган рус аҳолисини ҳам хонавайрон қилиши ҳеч гап эмас эди. *Учинчидан*, вазиятнинг жиддий тус ола бошлаганини кўрган Туркистон генерал-губернаторлиги 17 июль куниёқ ўлкада ҳарбий ҳолатни жорий қилди. Фавқулодда ваколатта эга бўлган маҳаллий маъмурият оммавий тартибсизликда иштирок этган ҳар бир кишини ҳарбий ҳолат қонунларига кўра қаттиқ жазолаши мумкин эди. *Тўртинчидан*, Туркистонга шу кунга қадар раҳбарлик қилган генерал-губернатор аҳоли билан пачакилашишда айбланиб, унинг ўрнига Ўрта Осиёни забт этишда иштирок этган генерал-адъютант А.Н.Куропаткин генерал-губернатор этиб тайинланган ва унга фавқулодда ваколатлар берилган эди. *Бешинчидан*, чор ҳокимияти қўзғолонни бостириш учун ўлкадаги мунтазам қуролли кучлардан ташқари, яна 14 та батальон, 33 та казак ҳарбий қисми, 42 та тўп ва 69 та пулемёт жўнатган эди.

Ана шундай шароитда жадидларнинг 1916 йил қўзғолонига бошчиллик қилишлари халқ оммасини жар ёқасига етаклаш билан баравар эди.

М.Ваҳобов давом этиб, ёзган: “*Миллий буржуазиянинг қўзғолон вақтида қилган хоинлиги жадидларнинг хулқ-атворига очиқ намоён бўлди. Жадидлар 1916 йил қўзғолони даврига халқ ўртасига подшо фармонига сўзсиз бўйсуниш, фронт орқасигаги районларда ишлаш учун мардикор бериш тўғрисига пропаганда юргиздилар. Улар шаҳарларда мардикор олишга ёрдам комиссиялари туздилар. Бу комиссиялар мардикор ёшидаги кишиларни рўйхатга олиш, мардикорга юбориш учун одамлар ёллаш, халқни қўзғолон кўтаришга чақирган кишиларни тутуб бериш каби ишларни қилдилар...*”

Совет тарихчисининг жадидлар шаънига айтган узундан-узоқ айномасини шу ерда кесиб, қуйидаги далилларни тарих факти сифатида келтиришни хоҳлардим.

Тарих фанлари доктори, таниқли олим Ҳамид Зиёев “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш”

(1998) деган китобида 11 июль куни Тошкентда рўй берган воқеаларни шарҳлаб, бундай маълумотни берган:

“Халойиқ полиция бошқармасининг мирзаси Терентьевнинг бошини жароҳатлаган. Тошбўрон орқасида Себзор даҳасининг миршаби Саид Исмоилжонов, Шайхантахур даҳасининг миршаблари Тилмаҳўжа Эшмуҳамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаев ҳам ярадор қилинади. Аскарлардан уч киши жароҳатланади. Оломон бошқарма идорасини тошбўрон қилиб, унинг дераза ва эшикларини синдиради. Шу пайтда хотинларнинг қўзғолонга қатнашаётганини қоралаган Обид уста Азизхўжаев калтакланади. Бу киши шаҳар касалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида шу ҳақда бундай дейилган: “Марҳум Обид уста Азизхўжаевнинг укаси 11 июль куни касалхонага борганида, акаси жон беришдан олдин шундай дейди: “Мен полиция бошқармасининг тагига туриб, шовқин-сурон кўтариш ва тошбўрон қилиш эркаклар турганда хотинларга муносиб эмас, дедим. Шу ондаёқ кишилар ва хотинлар мени кўчага судраб олиб чиқишиди. Бу ерга кимлардир биқинимга пичоқ урди”

Бу хотираада тилга олинган Обид уста Азизхўжаевнинг жадидларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Биз унинг “шовқин-сурон кўтариш ва тошбўрон қилиш эркаклар турганда хотинларга муносиб эмас”, деган сўзларини оқдамоқчи ҳам, қораламоқчи ҳам эмасмиз. Муддаомиз – қўзғолончиларнинг тахминан шундай сўзларни айтиши мумкин бўлган жадидларга ҳам шу тарзда муносабатда бўлганларини қайд этишдир. (Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги қўзғолончиларнинг шундай сўзларни айтган Абдушукурга бўлган муносабатини эсланг.)

Обид устанинг ҳам, жадидларнинг ҳам қўзғолонни тўғри ўзанга йўналтироқчи бўлганларини хоинлик деб баҳолаш тўғри эмас.

Куролсиз, уюшмаган, ғоявий раҳбарига эга бўлмаган ёки унга бўйсунмаган омманинг исён кўтариш йўли билан “оқ подшо”нинг фармонини бекор қилиши амримаҳол эди. Шунинг учун ҳам жадидлар қўзғолонга раҳбарлик қилиши эмас, балки мардикорликка олиш билан боғлиқ айrim муаммоларни ҳал қилишни ўз зиммаларига олдилар. Негаки, маҳаллий маъмурият ходимлари ҳам, қўли узун бойлар ҳам бева-бечораларнинг фарзандларига кўз олайтирган ҳол-

лар оз бўлмади. Халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳатто Петербургга ҳам мурожаат этиш зарур бўлиб қолди. Шундай ҳолларда халқ дардига малҳам бўлиш мақсадида “Туркистон мардикорликка олиш комитети” ва унинг шашар бўлимлари тузилди. Тошкент жадидларининг сардори Мунаввар қори Абдурашидхонов ана шу комитетга раис ўринбосари этиб сайланди. У шу лавозимни эгаллаган киши сифатида чор ҳокимияти олиб бораётган сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтириш билан бирга мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун Петербургта вакил юбориш ишларида фаол қатнашди. Ўша кезларда А.Ф.Керенский раҳбарлигида Давлат Думаси комиссиясининг Туркистонга келиши Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар қори Абдурашидхоновларнинг ташаббуси билан амалга оширилди.

Журналист ва таржимон Наим Сайднинг “Ҳамза Ҳакимзодани эслаганда” (1929) деган мақоласида мардикорларнинг Россияга юборилган дастлабки гуруҳлари (тўдалари) тўғрисидаги бундай сўзларини ўқиймиз:

“Биринчи тўға учун Кўқон “халқи” томонидан тўпланган ишчилар (мардикорлар – Н.К.) сафида шаҳарнинг ҳамма “яланг оёқ” фақирлари жўнатилган эди. Иккинчи тўға учун сотиб оларлик бева-бечораларнинг ўғиллари кифоя қилмайди, балки йўқ. Аввалда юз-юз эллик сўмга топилган “бекорчи” йигитларни ҳозир минг сўмга ҳам топиб бўлмайди. Бойваччаларни юборишга оталари розилик бермайдилар, бундай ишчи кучи танқислиги шаҳар амалдорларини тарафдудуга солиб қўйди. Лекин бойларнинг чўнтаклари қулаи чора топиб берди.

Шаҳар катталари, амалдорлари бирлашиб, ҳам маҳаллада бўлган ўртаҳол фуқарони, уларнинг болаларини тўғридан-тўғри чақириб, мажбурий юборишга қарор қилинди...

Катта пулдор ва мулкдорлар тарафидан майдага косибларга, дехқонларга бўлган ҳужумга тоқат қила олмаган баъзи зиёлилар бундай нотўғри сиёсат ҳақида марказга – Петроградга (Петербургга демоқчи. – Н.К.) хабар бериб, ундан комиссия келтиришга муваффақ бўлдилар. Бу комиссия келган куни шаҳарнинг бутун амалдорларини ўнидан бекор қилиб, подшонинг “аголати”дан халқни маҳрум қилганларга жазо берилишини эълон қилдилар...”

Бу хотира сатрларида тилга олинган “баъзи бир зиёлилар”дан бири Убайдулла Хўжаев бўлиб, у Андижонга келган Давлат Думаси аъзоларига 1916 йил қўзғолонининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бундай маълумотни берган: “*Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин мустамлакачи маъмурлар Андижон халқини алдаб, “Сизларнинг ўғимларингизни фронтга олмаймиз, шунинг учун ҳам армияни қўллаб, унга от ва бошқа керакли нарсалар билан ёрдам берсангиз, пул берсангиз бўлади”, деган ва бунга ишонган аҳоли фронт учун кўпдан-кўп мосдий сарф-харажатлар қилган*”. Убайдулла Хўжаев бундай сўзларни Давлат Думаси аъзолари Андижонга келганларидан кейингина эмас, балки маҳаллий бойлардан Миркомил Мирмўминбоев, андижонлик тараққийпарвар Вадим Чайкин билан бирга Петербургга бориб, Давлат Думаси аъзолари олдида ҳам айтган, қўзғолоннинг келиб чиқиши ва шафқатсиз равища бостирилишида мустамлакачи маъмурларнинг айби катта эканлигини айтишдан чўчимаган. Шундай қилиб, жадидлар юқорида номлари тилга олинган вакиллари орқали Россия ҳукумати ва жамоатчилигини мардикорликка олиш вақтида рўй берган адолатсизликларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Айни пайтда улар талаби билан Туркистонга келган комиссия маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган жиноятларни ҳам фош этиб ташланган.

“1916 йилги қўзғолонни бостиришда, – деб ёзади Ҳамид Зиёев юқорида тилга олинган китобида, – чор маъмурияти томонидан йўл қўйилган шафқатсизликни текширган Дума аъзоси А.Ф.Керенский шундай хуносага келган эди: туб аҳолининг ғалаёнларини бостириш учун белгиланган жазо экспедицияси ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилиб, фақат эркакларни эмас, балки аёллар ва болаларни ҳам қириб ташлаганлар. Ўша экспедиция аҳоли турар жойларини шу даражада бузиб, яксон этдиларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган эмас”.

1916 йил воқеаларининг иштирокчиларидан бири уйларнинг талангани ва куйдирилганини айтган бўлса, бошқаси айрим шаҳар ва қишлоқларнинг бутунлай вайрон этилганига гувоҳлик берган. Муқум Ўрдушев исм-шарифли бир гувоҳ, эса мана бундай манзарани чизиб берган:

*“Тошкентдан Жиззахга келдим, – деган у. – Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўрдим. Уларнинг ёнига халқдан тортиб олинган қимматли рўзгор ашёлари тоф-тоф бўлиб ётибди. Солдатлар қимматли ипак сўзаналар, атлас ва шоҳи кўрпаларни ёзиб қўйибди... Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чиқмоқдалар. Бу ерга халқдан тортиб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб, жуда раҳмим келди... Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидағи тимлар, дўконлар ошхоналар ва чойхоналар куйиб, ер билан теп-текис бўлган. У ерга бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда оғир аҳволга...”*

Шундай манзаралар билан муроса қила олмаган жадидлар нажот йўлини излаб, Петербургга кўз тиккан эдилар. Тўғри, Давлат Думасининг Туркистонга келган комиссияси жадидларнинг катта умид ва ишончларини тўла оқладай олмади. Аммо, ҳар қалай, А.Ф.Керенский чор ҳокимиятининг айби билан Туркистонда рўй берган шафқатсизликларни Давлат Думаси минбаридан туриб дадил айта олди.

М.Ваҳобов жадидларнинг оғир вазиятда қолган юртдошлиари юкини енгил қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мутлақо четлаб ўтиб, яна бундай ёзади: *“Жадидларнинг бу даврдаги газета ва журнallари қўзғолончиларни қоралайдиган (?), подшо ҳукуматини мақтаб, мардикорликка бориши мусулмонларнинг подшо олдиаги, ҳатто худо олдиаги бурчларидан бири, деб ташвиқот қиласиган мақолалар билан тўлиб чиқарди (?). Масалан, “Ал-ислоҳ” журналининг 1916 йилдаги 16-сонига қўзғолонни бостириш учун подшо томонидан Туркистонга юборилган генерал-губернатор Куропаткинга бағишлаб маҳсус мақола билан чиқди. Бу мақолада Куропаткин кўкларга кўтарилади, қўзғолончилар бебошлар, тартибсиз кишилар, деб қораланади”.*

Тарихчининг бу сўzlари жадидларни масҳараловчи оҳангдан холи бўлмаса-да, уларда ҳақиқат зарралари ҳам йўқ эмас. Чиндан-да, жадидлар Куропаткин шаънига ҳамду сано айтишдан ўзларини тиймадилар. Нафақат Ҳамза ва Авлоний, балки Тавалло сингари шоирлар ҳам Куропаткинга мадҳия ўқидилар. Улар қўзғолонни шафқатсизларча бостириш ва

бундан кейинги ғалаёнларга йўл қўймаслик шарти билан Туркистон ўлкасининг янги генерал-губернатори Куропаткиннинг тош кўнглини шундай йўллар билан юмшатмоқчи бўлдилар.

Мазкур қўзғолон ҳақидаги расмий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, 1916 йилнинг 25 июлидан 15 сентябрга қадар бўлган даврда ҳарбий прокурор назорати З мингдан зиёд қўзғолончиларнинг ишларини кўрган. Суд жавобгарлигига 587 киши тортилган ва улардан 347 таси ўлим жазосига, 104 таси каторгага, қолганлари эса турли муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бундан ташқари, чор ҳукумати тузган режага кўра, 250 минг туркистолик мардикорликка олиниши лозим эди. Ана шундай шароитда жадидлар Туркистоннинг янги генерал-губернаторини “сен яхши, сендан ит яхши” қабилидаги ҳамду санолар билан кутиб олишга қарор қилдилар ва уни шафқатли бўлишга чақирдилар. Жумладан, Тавалло Куропаткинга бағишланган шеърида бундай ёзди:

...Қайси фарзанд отаси олдига борса “оталаб”,  
Бас, қучогига олиб, бошин силаб, дейдир “болам”  
Багри бирён, кўзи гирёнларга шафқат қилдингиз,  
То тирик ҳақингиза айлар дуое хосу ом.

Шу сатрларнинг ўзиёқ жадидларнинг Куропаткин шаънига ҳамду сано айтишдан кузатган мақсадларини яққол кўрсатиб турибди.

Дарвоҷе, улар қўллаган тактика ўз самарасини берди. Энг олий жазога ҳукм этилган 347 нафар қўзғолончидан 51 киши қатл этилди, каторгага юборилган ва қамоқ жазоси белгиланган кишилар сони ҳам анча қисқарди. Режадаги 250 минг киши ўрнига 123 минг киши мардикорликка олинди.

1930 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг гурухи устидан олиб борилган тергов материаларидан шу нарса маълум бўладики, қўзғолон арафасида адвокат Убайдулла Хўжаев билан М.Абдурашидхоновнинг ўзаро яқинлашуви уларнинг 1916 йил вақеалари пайтида бундай стратегияни белгилаб олишларига имкон туғдирди: улар, модомики, Туркистон аҳолиси мардикорликка олиш воқеаларидан четда тура олмас экан, демак, бу воқеадан эл-юрт манфаати

йўлида фойдаланиш керак, деб билдилар. “Фарзандларимизни мардикорликка эмас, балки аскарликка юборамиз. Мардикорлар олдинги мэрраларга бориб ҳандақ қазийдилар. Демак, улар ҳандақ қазиётган пайтларида душман уларни бир зумда қириб ташлаши мумкин. Негаки, мардикорларда қурол-яроғ бўлмайди. Шунинг учун биз фарзандларимизни аскарликка юборамиз”, деган талаблар билан чиқдилар. Уларнинг бундай талаблари тагида бошқа ният ҳам бўлган. Чор ҳокимиятининг немислар билан урушда ҳоли танг бўлиб қолганини сезган жадидлар яқин йиллар орасида эрк ва ҳуррият учун ҳаракат бошланиши мумкинлигини англаб, Биринчи жаҳон уруши фронтларида бўлажак ўзбек миллий қўшинига тамал тошини қўйишни орзу қилдилар. Улар мўлжалига кўра, қурол-яроғ билан муомала қилишни ўрганган ўзбек йигитларининг яқин вақт ичida миллий инқилобни амалга ошириши мумкин эди.

Шундай қилиб, У.Хўжаев ва М.Абдурашидхонов қўзғолон бошида қўзғолончилар томонида бўлганларига қарамай, мардикорликка олиш комитетига раҳбарлик қилдилар. Айни пайтда Петербургга вакиллар юбориб, Туркистонда содир этилаётган жиноятларга чек қўймоқчи бўлдилар. Шубҳасиз, улар ва бошқа жадидлар, совет тарихчи ва ёзувчилари ёзганидек, Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатига хоинлик қилмай, аксинча, жабрдийда халқни тўғри йўлга бошлиш, унинг дардига даво топиш, унинг боши узра лопиллаб турган қилични бартараф этишга уриндилар. Уларнинг 1916 йил қўзғолони пайтида орттирган тажрибаси Февраль инқилобидан кейинги даврда, айниқса, асқотди.

У.Хўжаев ва бошқа жадидларнинг аввалги фаолиятидан хабар топган Куропаткин уларни Кавказга сургун қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Аммо У.Хўжаев шериклари билан сургунга кетиши арафасида Февраль инқилоби юз берди. Бу инқилоб эса жадидларни эмас, балки Куропаткиннинг ўзини Туркистон тупроғидан улоқтириб ташлади.

# МИЛЛИЙ ЎЙГОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ (1875–1919)

М.Беҳбудий ҳаётига бир назар

XX аср ўзбек халқи ҳаётига янги тарихий силсилалар билан кириб келди. Бу силсилалар халқнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий даҳосини ўзида тажассум этган қатор улуғ сиймоларни тарих саҳнасига олиб чиқди. Мураккаб ва фожиали асрда яшаб, ўзбек халқининг ижтимоий, маданий ва маърифий тараққиётiga бебаҳо ҳисса қўшган, мустамлакачилик кишанларидан холос бўлиш йўлларини қаҳрамонларча ахтарган ҳамда шу қутлуғ йўлда ҳалок бўлган аждодларимиз орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор.

Маҳмудхўжа Беҳбудий сирли вафотининг 7 йиллиги мунносабати билан, 1926 йилда, замондошларидан бири у ҳақда бундай юксак сўзларни айтган эди:

*“Унинг қиммати тарихнинг маълум бир босқичида ва тарихий ривожланишига қилган хизматлари учундир. Беҳбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Добролюбовлари, Кафқаз туркларининг Фатҳали Охундов ва Нажаббек Вазировлари, татарларнинг Ш. Маржоний ва Қ. Носирийси ила бирдир. Ўзбек миллий адабиёти ҳам Беҳбудий билан бошлиниб, янги бир йўлга кира бошлиди. Беҳбудий, энг аввал, Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқариш ғоясини элга*



талқын қилувчилардан, ақолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила ҳалқни истикол курашига чақирганлардан дир.

Туркистоннинг уйғониш тарихини уч қисмга – маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Беҳбудий турганинги кўрамиз”.

Бу сўзлар М.Беҳбудийнинг кенжা замондошлиаридан бири Лазиз Азиззода қаламига мансуб. У устоз маърифатпарвар тўғрисида ёзганида, Туркистон уйғониш тарихининг уч муҳим қисми – маориф, матбуот ва жамиятни бежиз тилга олмаган. Beҳбудий Туркистондаги маориф тизимининг ислоҳ этилиши ва вақтли матбуотнинг ташкил топишидаги хизматлари билангина эмас, балки нутқлари ва матбуот орқали баён қилган ғоялари билан ҳам янги жамиятнинг, яъни ижтимоий ҳаётнинг шаклланишига ҳам улкан ҳисса қўшган. Шунинг учун у XX аср бошларидағи Туркистон миллий уйғониш ҳаракатининг бошида туради.

Beҳбудийнинг ота томондан илдизлари, юқорида айтиб ўтилганидек, туркий дунёнинг порлоқ юлдузларидан бири Аҳмад Яссавийга бориб тақалади. Она томондан бобоси Хоразм хонлигидан бўлиб, XVII асрнинг сўнгти чорагида замона зайлар билан Самарқандга бориб қолган. Beҳбудийнинг бу ҳар иккала ота-боболари қонида диний билим билан бирга дунёвий билимга ҳам ихлос кучли бўлган. Beҳбудий ана шу ихлос даъвати билан болалик кезларида дастлаб катта тоғаси Мулла Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-савод чиқарган; сўнг кичик тоғаси Мулла Муҳаммад Одил қўлида араб тилини ўрганиб, диний билимини шакллантирган.

Ўша даврда расм бўлган удумга кўра, илм олишга чоғланган ёшлар умрларининг катта қисмини илм ва Оллоҳ йўлига бағишилар эдилар. Маҳмудхўжа ҳам отаси вафот этгунига қадар Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрди. Сўнгра, 18 – 19 ёшларида мустақил ҳаёт йўлини танлаб, дастлаб Чашмаоб қишлоғининг қозиси – тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида, кейин Кобуд волости қозихонасида мирзалик қилди. Бир томондан, у худди шу даврда ватандошлирининг оғир турмуши билан яқиндан танишди. Иккинчи томондан, 1899 – 1900 йилларда биринчи ҳаж сафари муносабати билан қатор мамлакатларда бўлганида шу

мамлакатлардаги маданий ва маърифий ишлар билан қизиқди; хорижий халқлар ҳаёти ҳақида эса аниқ тасаввур ҳосил қилди. Беҳбудий дунёқараши ана шу икки муҳим омил асосида шаклланди.

Шу йилларда туркий халқлар, шу жумладан, Қрим ва Волгабўйи татарларининг маърифий ҳаётига янги педагогик ғоялар кириб келган, шу халқларнинг мактаб ва мадрасалирида таълим ислоҳоти кечётган эди. Таълим ва тарбия соҳасидаги янги ғоялардан яхши хабардор бўлган Беҳбудийнинг ташаббуси билан 1903 йилда дастлаб Ҳалвойи, сўнгроқ Ражабамин қишлоқларида “усули савтия” мактаблари очилади. У бу мактаблар учун 1904 – 1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол”, “Амалиёти ислом”, “Тарихи ислом” сингари ўқув қўлланмаларини ёзди. У қисқа муддатда ёшларни хатли-саводли қилиш ва илм-фан оламига олиб кириш мумкинлигини исботлаб берди. Бу мактаблар айрим жоҳил ва қолоқ кимсаларнинг қаттиқ қаршилигига учраган ва унинг ўзини эса “кофир” деб аташгача борган бўлсалар-да, Беҳбудий новатор-педагог сифатида ғалаба ғозонган эди.

Шунинг учун ҳам Беҳбудий халқ ва жамият ҳаётига янги ғояларни олиб киришда, уни маданий ва маърифий турғунликдан, аниқроғи, қолоқлиқдан олиб чиқиш учун курашишда давом этди.

### **Беҳбудийнинг сўнгги кунлари**

*XX* асрда Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1919 йил баҳорида дафъатан ғойиб бўлиши, сўнгра сирли ўлими ҳақидаги хабар ўлка халқини ларзага келтирди. Шундан кейин қанчалик узоқ вақт ўттан бўлмасин, Беҳбудийнинг ўлими ҳақидаги ҳақиқатни билиш, у дафн этилган жойни аниқлашга қаратилган изланишлар бирон-бир натижасиз ҳамон давом этиб келмоқда.

**Сирли ўлим.** Ҳожи Муин қаламига мансуб “Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлғонлиғи ва онинг томонидан ёзилған васиятнома”нинг 1988 йил 16 сентябрда

дастлаб адабиётшунос Шерали Турдиев, 1993 йилда эса Ж.Худойбердиев томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги ҳамда “Миллий уйғониш” (1993) тўпламида қайта эълон қилиниши билан яна Беҳбудий ўлимининг 1922 йилдаги “Инқилоб” журнали версияси адабий ва илмий жамоатчилик ўртасида бирдан-бир ҳақиқат сифатида яшай бошлиди. Бу версияга кўра, “Беҳбудий афанги ва йўлдошлари Шаҳрисабзда қўлға тушиб, тахминан икки ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда (зинданга) бир неча кун ёт-қондан кейин шаҳид қилинган”.

Ҳожи Муиннинг ёзишича, 1921 йилнинг март ойида “Бухоро тупроғи”дан келган Ҳожимурод Худойберди ўғли Беҳбудийнинг йўлдошлари Мардонқули Шомуҳаммад ўғли ва Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан бирга Қарши шаҳрида Қарши беги Тогайбек томонидан шаҳид этилгани ҳақида маълумот олиб келган. Бу маълумотта кўра, Қарши беги Беҳбудий ва йўлдошлари қўлга тушганларидан кейин уларни чақириб: “Сизлар нима учун қўлга тушдингиз?” деб сўраган. Беҳбудий Байтуллони зиёрат этиш мақсадида Самарқанддан чиққани, аммо йўлда амир маъмурлари томонидан “жадид, коғир ва тилчи” сифатида қўлга олинганларини айтган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, гўё амирдан қатл буйруғи келган ва Қарши беги шу буйруқни бажарган.

Ҳожи Муиннинг ёзишича, Беҳбудийнинг фожиали ўлими тўғрисидаги мазкур хабар 1921 йилнинг март ойида келган. Аммо Фитрат, Чўлпон ва С.Айнийнинг Беҳбудий вафотига бағишлиланган шеърлари 1920 йилда ёзилган. С.Айний ҳатто бир шеърининг ёзилган санасини “1920, IV”, деб аниқ қайд этган. Демак, айтиш мумкинки, Беҳбудийнинг содиқ дўйстлари ва издошлари устоз ҳалок этилганидан бир йил ўтгач, 1920 йилнинг апрель ойида хабар топганлар. Улар шу вақтнинг ўзиданоқ Беҳбудий ўлими сирларини билишни, унинг жасади қаерга дағн этилганини аниқлашни шогирдлик бурчи, деб билганлар. Фитратнинг ўз шеърини “Беҳбудий сағанасини изладим” деб номлаши тасодифий эмас. Аммо бу шеърни ўқир эканмиз, шоирнинг устоз сағанасини топган-топмаганлиги тўғрисида аниқ фикрни учратмаймиз. Лекин шеърининг қўйидаги сўнгги сатрлари бизни ўйлашга мажбур қиласи:

...Бир дарак топмағоч, бирдан бир тикилди,  
Бор кучин түплади,  
Золимнинг тахтини титратган бир товуш  
Қичқирди:  
— Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!  
Бот сўйла!..  
Кирли тож кўб қўрқди ботир товушдан,  
Сесканиб, титраб... ёшунди  
Бир жавоб бермасдан<sup>1</sup>

Бу сатрлардаги “золимнинг тахти”, “кирли тож” сўзлари кимга қаратилган? “Бухоро инқилоби” ҳали содир этилмагани, Фрунзе бошчилигидағи қизил қўшиннинг Бухоро амирлигини тор-мор этиш режаси эса ҳали шаклланиб улгурмагани учун Фитрат бу сўзларни ёзганида, хоҳдаймизми ёйўқми, амир ва амирликни назарда туттган бўлиб чиқади. Беҳбудий вафоти 7 йиллигининг кенг нишонланиши, матбуотда Беҳбудийга бағишлиланган кўплаб мақолаларнинг эълон қилиниши, Самарқанд театрида бу “аср фожиаси” ҳақида ҳикоя қилувчи “Маърифат қурбонлари” спектаклининг на мойиш этилиши, ниҳоят, 1926 йилда эса Қарши шаҳрига Беҳбудий номининг берилиши совет давлатининг Туркистон жадидлари отасига катта ҳурмат билан қараганини англатади. Ва бу фактлар: “Беҳбудий ким томонидан ўлдирилган?” деган саволга узил-кесил жавоб бергандек бўлади. Дарвоқе, унинг ўлим олди сафари тўғрисида турли фикр-мулоҳазалар юради. Самарқандлик муаллифлар Б. Насриддинзода ва Ҳ. Ахроров “Заковат” журналида (2000 йил 1-сон) эълон қилинган мақолада янги бир версияни илгари сурғанлар. “1919 йилга келиб, – деб ёзади улар, – Бухоро амири Олимхон ва униниг беклари сиёсатидан ҳалқнинг тоқати тоқ бўлган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва икки нафар сафдоши – Мардонқул Шоҳмурод ва Муҳаммадқул Ўринбой амирнинг инсофисизларча хирож олиш ҳақидағи фармонига қарши Самарқанд ҳалқи номидан арзи эътиroz қилиш учун Бухорога, Амир Олимхон ҳузурига боради. Амир ҳузуридан қайтаётган ҳалқ вакилларининг тақдирни нима бўлгани неча муддат маълум эмас эди... ”

<sup>1</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 40.

Беҳбудий ўлими билан боғлиқ ушбу тахминнинг нимага асосланганлиги маълум эмас. Беҳбудийнинг хирож масаласида ашаддий душмани бўлмиш амир ҳузурига адолат истаб боришига ишониб бўлмайди. Агар у шу мақсадда йўлга чиққан бўлса, ўзининг сўнгги сафари ва ундан кўзлаган мақсадини ҳеч кимдан яширгмаган, аксинча, Самарқандда қолган ёру дўстларини, албатта, огоҳ қилган бўларди.

Шу нарса аниқки, Беҳбудийнинг ҳар бир қадамини назорат остига олиб юрган Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) атоқли маърифатпарварнинг сўнгги сафари сирларидан хабардор бўлибгина қолмай, унинг фожиали ўлимида иштирок ҳам этган. Бинобарин, фаолияти шу идора билан узвий боғлиқ бўлган Туркистон телеграф агентлиги томонидан 20-йилларда рус матбуотида эълон қилинган мақоладаги қуидаги фактнинг тўғрилиги шубҳа уйғотмайди: “Беҳбудий, – дейилади бу мақолада, – 1919 йили Самарқанддан Бокуга борар экан, икки нафар дўсти билан Бухорода тўхтайди. У бу ерда жуда машҳур бўлиб, бухоролик инқилобчилар ўртасига унинг кўпгина дўстлари бор эди”

Бу кўчирмадаги “Самарқанддан Бокуга” деган сўзларда Беҳбудий сўнгги сафарининг маршрути ва мақсади яширишиб турибди.

Модомики, биз мавзудан четга чиқиб, Беҳбудий ўлими билан боғлиқ масалага назар ташлаган эканмиз, 1920 йил 27 сентябрда тузилган бир қарорга ҳам ҳурматли китобхон эътиборини қаратсак, ўринли бўлади. Самарқанддаги Эски шаҳар маданий-маърифий ташкилотининг Топилди Раҳимбердиев раислигида ўтган фавқулодда йиғилиши баённомасида Беҳбудий ва унинг икки ҳамроҳи ҳақида муҳтасар маълумот берилгач, бундай дейилган: “Бу 3 нафар киши инқилобий мақсад билан Бухоро амирлигига қарашли ҳудуддан юриб, Қарши шаҳридан ўтганида Бухоро ҳукуматининг қонхўр ва золим беклари томонидан ушлаб олинди ҳамда ваҳшиёна равишда ўлдирилди. Шунинг учун нотиқларнинг сўзларини эшитиб, 5 кишидан иборат тергов комиссиясини Бухоро ҳудудларига юбориш, терговни олиб бориш ва марҳумлар жасадуни Бухоро ҳудудлари ёки бошқа жойдан қидириб топиш учун бу комиссияга 2 нафар агентни қўшишга қарор қилинди”. Мазкур йиғилиш қарорига кўра, тергов комиссиясига Мирза Абдуқодир Ширинбоев, Эргаш Орифбоев, Раббимқул

Солиҳов, Кўёнбай Абдуҳолиқов ва Абдумажид Зокирийлар киритилган; комиссияга марҳумлар жасадини топгандан кейин Самарқандга олиб келиш, қотилларни топиб, ҳисбга олиш вазифаси топширилган. Эски шаҳар маданий-маърифий ташкилоти ўзининг бу қарорини тасдиқлашни ва комиссиянинг Бухоро республикасига боришига рухсат беришни сўраб, Туркистон Коммунистлар партияси Марказқўмига мурожаат этган. Аммо Марказқўмнинг бу масалага қандай муносабатда бўлгани ва комиссиянинг Беҳбудий изидан Бухоро республикасига борган-бормаганлиги тўғрисида давлат архивларида бошқа бирорта маълумот учрамайди.

Совет давлати Беҳбудий ўлеми сирларининг очилишидан манфаатдор эмас эди.

**Фожиа арафасига.** Энди Беҳбудий ҳаётининг 1917 йилдан кейинги бизга маълум саҳифаларини варақлаб қўрайлик.

1917 йилнинг март ойи. Тошкентда ўтказилган Туркистон мусулмонлари қурултойида Туркистон мусулмонлари шўроси миллий маркази сайланиб, унга Убайдулла Хўжаев, Носирхон Тўра, Муҳаммад Тинишбоев билан бирга Беҳбудий ҳам аъзо бўлиб киради. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин тузилган бу марказнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси тарихий имкониятдан фойдаланиб, Туркистондаги сиёсий вазият жиловини қўлга олиш эди. Марказ аъзолари шу мақсадда Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталарининг 99 нафар делегати европалик ва атиги 72 нафари маҳаллий вакиллар бўлган қурултойидаёқ (1917 йил 9 – 16 апрель) шу вазифани бажаришга киришадилар. Беҳбудий қурултойда “ўзини-ўзи идора қилиш органлари тузилган чоғда мутаносиблик принципи ўрнига европалик аҳолига барча ўринларнинг учдан бир қисмини беришни таклиф қиласи”<sup>1</sup>

Мазкур қурултойда иштирок этган Давлат Думаси аъзоси Н.Н.Шчепкин бутун ўлкани идора қилиш ишини фақат европаликлардан иборат Туркистон қўмитаси ихтиёрига топширишни таклиф этгани ва Елпатьев исмли делегат бу таклифни қўллаб-қувватлаганида Беҳбудий бундай луқма таш-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000 йил. – Б. 29.

лайди: “Йўриқномаларни ким чиқаради? Бизми ё Туркистон қўмитаси? Демократик асослар йўқ бўлиб кетди, биз нима учун бу ерга тўпландик ва жойларга нима билан қайтиб борамиз? Буни тушуниб бўлмайди. Туркистон қўмитасининг аъзолари бизнинг ҳаётимизни билмаганлари ҳолда идора қилиш учун йўриқномалар чиқарармишлар”<sup>1</sup>.

1917 йилнинг август ойи. “Кенгаш” газетасида мустақиллик йўлида саъй-ҳаракат қилаётган туркистонлик тараққий-парварларнинг Мухторият лойиҳаси эълон қилинади. Лойиҳани тайёрлашда Беҳбудий фаол иштирок этади.

1917 йилнинг июль-сентябрь ойлари. Февраль инқилоидан кейин тузилган “Шўрои ислом” ва “Уламо” жамиятлари ўртасида бошланган низо нафақат зиёлилар, балки улар ортидан эргашган аҳолининг ҳам парчаланишига олиб келади. Шу сабабли Беҳбудий “жадид”лар билан “қадим”лар ўртасидаги низони бартараф этишга, зиёлилар билан бойларни, улар орқали эса миллатни бирлаштиришга, жамиятда демократик ислоҳотлар ўтказишга қаратилган чиқишилар қиласи.

1917 йилнинг 26 – 29 ноябрь кунлари. Қўёнда Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойининг очилиш маросимида Беҳбудий ҳайъатга турли мусулмон гурухлари билан бирга, рус, яхудий ва бошқа халқларнинг вакилларини ҳам киритишни таклиф этади. Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Саидносир Миржалилов, Обиджон Маҳмудовлар билан бирга Беҳбудий ҳам қурултойда сайланган Халқ мажлиси таркибига аъзо бўлиб киради. У “Хуррият” газетасининг 1917 йил декабрь сонларида Туркистон мухториятининг барпо этилгани ҳақидаги хабарни халққа етказувчи мақолалар билан чиқиб, айни пайтда мухториятли республика масаласида большевиклар билан мухториятчилар ўртасида пайдо бўлган зиддиятни тушунтириб беради.

1918 йил 19 – 20 февраль кунларида Туркистон мухториятининг зўравонлик йўли билан тугатилиб, Фарғона водийсининг қонга ботирилиши Мухториятга катта умид боғланган Беҳбудийда совет давлати ва унинг Туркистондаги вакилларига нисбатан, шак-шубҳасиз, нафрат уйғотади. 1917

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000 йил. – Б 30 – 31.

йилнинг июль ойидаёқ “Ҳақ олинур, берилмас” сингари публицистик мақолалар билан чиқиб, аҳолини, айниқса, ёшларни ҳуррият учун курашга даъват этган Беҳбудий Мухторият төр-мор этилганидан кейин ҳам “қуролсизланмайди”. Аксинча, у энди ҳуррият учун курашнинг яширин жаб-ҳасидан ўрин эгаллайди.

“1918 йил февралига Туркистонда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, – деб ёзган эди Файзулла Хўжаев, – амир билан курашиш вазифаси совет ҳокимияти учун биринчи даражали вазифага, кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифага айланниб қолди. Чунки совет Тошкентининг бевосита душмани – Фарғона мухтор ҳукумати тугатилди”<sup>1</sup>

Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси Ф.Колесов 1918 йилнинг март ойида Ашхободга бораётib, “Ёш бухороликлар” ўз қурултойларини ўtkазишга тайёргарлик кўраётган Когонда тўхтайди. Рус инқилобчилари Полторацкий, Уткин ва Прображанскийнинг таклифига кўра, Ф.Хўжаев қуролли қўзғолон кўтариш масаласи бўйича Колесов билан музокара олиб боради. “Қўқон ғалабасидан маст бўлган Колесов” (Ф.Хўжаев) амир Бухоросини ҳам шундай осонлик билан тугатаман, деб ўйлади. Лекин 1918 йил мартаидаги мағлубият билан тутаган “Колесов воқеаси” оқибатида 1 ярим минг нафар жадид ва уларга хайриҳоҳлар ҳамда турли миллатта мансуб З мингдан зиёд киши амир сарбозлари томонидан қириб ташланади.

Афсуски, Беҳбудийнинг кейинги ҳаёти тўғрисида етарли маълумотта эга эмасмиз. Бизнинг ихтиёrimизда Беҳбудийнинг 1918 йил мартаидан кейинги ҳаёти тўғрисида фақат С.Айний хотирасидаги қўйидаги сўзлар бор, холос:

“Беҳбудий ҳазратлари билан кейинги мулоқотларим:

1917 йил Бухородан Самарқандга ҳижрат қилғанимдан кейин бир йил муддат касал эдим. Fурбат, ҳасталик. Кимсасизлик вақтларимда марҳум ҳар вақт мени йўқлаб турди. Маънавий оғирликларимни енгиллаштиришга саълар қилди. 1918 йилда муаллимлик билан шуғулланган замонларимда меним мактабимга кўп келар, талабаларни ташвиқ этар эди.

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. – Тошкент, 1997 йил. – Б. 46.

*Муаллимлар мажлисидан ва бошқа мажлислардан ҳеч бир қолиши мас эди.*

1919 йил февралидеги Тошкенттағы бориб қайтды. Мактаб программа да Тошкенттеги илмий ҳоллар билан Самарқандеги муалимларини таништирумок учун муалимлар мажлисини чақиришиға буюрды. Лекин үз ҳолатининг хилофинча ушбу мажлисга келмагиди (тағкид бизники – Н.К.). Шундан кейин күчада күрушуб, мазкур мажлисға нима сабабдан келмағонини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса кела олишини сұрадым.

“Хозир бир оз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, ҳабар берарман”, деди.

Мана бу охирги кўришимиз бўлди. Ораган бир неча кун ўтар-ўтмас, сафарға чиқиб кетғонлигини ҳам шул сафарда Қарши шаҳарида шаҳид бўлғонини эшишиб, ҳайрат ва ҳасратда қолдиган”

**Беҳбудий қаерга ва нима мақсадда бормоқчи бўлган?**  
Беҳбудийнинг Қарши бегига Байтуллони зиёрат этиши мақсадида сафарга чиққани тўғрисидаги сўзлари тутқунликка учраган кишининг вазиятдан чиқиш учун топган баҳонасидан бошқа нарса эмас. Агар Beҳбудий шу мақсадда ёки бошқа бир махфий бўлмаган иш юзасидан сафарга чиққанида, Самарқандда қолган “ўртоқлари Сиддиқий, Айний, Фитрат, қори ва Акобир Маҳдум”га, “ўғлонлари Вадуд Маҳдум, Абдулқодир Шакурий”га бу ҳақда айтган, жилла курса, бу кишилардан ақалли бирортаси унинг қаерга ва нима мақсадда кетаёттанидан хабар топган бўларди.

Бизга шу нарса маълумки, Beҳбудий “Иттифоқ” жамиятининг саъй-ҳаракати билан 1918 йили Мусулмон маориф шўъбасига мудир, ўша йилнинг 9 майида эса маориф комиссари этиб тайинланган. Худди шу вақтда у лавозим талаби билан Самарқанддаги мактабларга тез-тез ташриф буюриб, бу мактаблардаги мажлисларда фаол иштирок этган. Лекин маҳаллий зиёлиларга нописандлик билан қаровчи европа миллатига мансуб шовинистлар Beҳбудийни назар-писанд қилмай, унга нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлганлар.

---

<sup>1</sup> Садриддин Айний. Beҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим, – Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988 йил 15 апрель.

Беҳбудий бундай шароитда ишлашни хоҳламай, истеъфога чиққан. Осипов қўзғолонидан кейин эса Самарқандда ноҳақ-лик авж олган, бегуноҳ кишилар қамоққа олинган, маориф иши таназзулга учраб, диний қадриятлар оёқости қилинган.

Мазкур нохуш жараёндан хабардор Заки Валидий ўз хотираларида Беҳбудийни назарда тутиб, бундай ёзган эди: “*Бу ишларга бирор чора топа олурманми?*” деб февраль ойинга Тошкентга борди. Лекин бу сафардан ҳеч бир натижани кўлга киргиза олмади”<sup>1</sup>.

Маълумки, шу йилларда Туркистоннинг мустақиллиги йўлида кураш олиб борган зиёлилар, бир томондан, Англия, иккىнчи томондан, Туркия сингари давлатлардан ҳарбий ёрдам олмоқчи бўлганлар. Ўз навбатида Туркистоннинг Россия тасарруфидан чиқиб кетишини истаган ва бундан манфаатдор бўлган давлатлар ҳам ўлқадаги мухолиф гурухлар билан алоқа ўрнатишга интилганлар. Беҳбудийнинг 1919 йил февралясида Тошкентта келиб кетиши ҳам, бизнингча, ана шу ҳар икки томоннинг бир-бири билан яқинлашиши йўлидаги саъй-ҳаракат эди. Бинобарин, унинг мақсади манфаатдор хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатиш, улардан ҳарбий, моддий ва маънавий ёрдам олиш эди.

Беҳбудий, тахминимизга кўра, шу сафар чоғида Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этган маслақдош биродарлари билан учрашган. Улар икки гурухга ажralиб, Беҳбудий бошчилигидаги бир гуруҳ Самарқанддан, таниқли маърифатпарвар, Мухторият ҳукуматининг хазиначиси Сайдносир Миржалилов бошчилигидаги иккинчи гуруҳ, эса Тошкентдан мажфий равища йўлга чиқиб, Бокуда учрашиш ҳақида келишиб олганлар.

С.Миржалиловнинг сирли равища фойиб бўлишидан хавотирга тушган оиласи аъзолари унинг ёр-дўйстларига хат орқали мурожаат этиб, улардан Сайдносир aka ҳақида маълумот беришни сўрашган. С.Миржалиловнинг ёш дўсти Ҳамза номига ёзилган шундай хатлардан бирида бундай дейилади:

“Хурматлу Ҳамза, Сиз бир хат ёзиб киргизгансиз: “*Сайдносир уйига келган*”, деб. Ул бекор гап. Ҳар одам ҳар турли сўзлар сўйли. Агар ул келган бўлса, бизлар Қўқонга ҳам

<sup>1</sup> Кўчирма қуйидаги манбадан олинди: *Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар*. – Тошкент, 1999. – Б. 33.

Тошкентга одамлар юбориб ўтирар эдикми? Ҳамма душинмай, бизнинг устиндан инидийгина сўз сўзламий. Бизла шул сўзга қараб, ўлмай, тирик ўтирамиз. Ҳеч бир хабар эшишмай, кўзимиздан қон-ёш тугуб, куни-туни хафа турамиз. Агар тирик бўлуб Носир келган бўлса, Сиздан қочурмаёқ қуяр эдик, чунки Сизни душман деб ўтирганимиз ўй... Қони ул тирик бўлуб, олдимишга келса. Бизлар они кўзимиз билан кўрсак, худога минг шукрлар қилсан-да, оз бўлур”<sup>1</sup>.

Маълум бўлишича, С.Миржалилов шу вақтда Бокуга етиб бориб, Беҳбудийнинг келишини кутган. Беҳбудий белгиланган вақтда келавермагач, ташвишланиб, Бухоро ва Самарқанддаги биродарларига хат орқали мурожаат этган.

С.Миржалилов 1925 йил 20 декабрда бўлиб ўтган тергов пайтида бундай сўзларни айтган:

“Кўқон Мухторият ҳукумати тарқатилганидан кейин мен Халқ кенгashi аъзоси ва (Мухториятнинг) ҳазиначи(си) сифатига яширинишга мажбур бўлдим. Дастроб Туркистоннагу уйимда яшириниб яшадим, кейин Тошкентга келиб, Куропаткин кўчасидаги уйимда истиқомат қилдим... Тошкентга кўп бўлмай, Красноводск орқали Кавказга бордим. Бу воқеа тахминан 1918 йилнинг марта га рўй берган.

Кўқон муҳториятининг бошқа қатнашчиси – Мустафо Чўқаев эса Россияга борди, Обиджон Маҳмудов ҳам худди шундай ўйлни тутди. Мен бўлсам, Красноводск орқали тўппаттўғри Астрахонга бориб, у ердан Москвага ўйл олдим. Мен у ерда Маҳмудовни учратиб, у билан битта меҳмонхонага турдим... Маҳмудов ўзининг савдо ишлари билан машғул бўлди. Убайдулла Хўжаевнинг қаерда яшаётганини билмас эдим. Кейин ўзидан эшишсан, Тошкентда яшириниб яшаган экан.

Мен Москвадан Киев ва Одесса орқали Истанбулга бордим. Истанбулга борганимда, 1918 йилнинг ёз ойлари бўлиб, шу пайтда ҳокимият тепасига Анвар пошо турарди. Мен меҳмонхонага яшадим. Ўша вақтда Истанбулда Нурицдинбек Худоёрхонов, Фози Юнусов (татар) ҳам ўша ерда эдилар. Мен Истанбулда эканимда Садрицдинхон ҳам келди, бир ўзи. Шерали Лапинни ҳам, Нурицдинхўжа Мусабоевни ҳам у ерда кўрмадим. Мен ўша сафар чорига Истанбулда

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳакимзода архивининг каталоги, 2-том. – Тошкент, 1991 йил. – Б. 309.

бир неча ой яшаб, кейин Ботум орқали инглизлар босиб олган Бокуга қайтиб келдим... ”<sup>1</sup>.

С.Миржалилов ва унинг юқорида номлари зикр этилган маслақдошлари большевиклар тазибиқидан қочиб эмас, балки уларга қарши курашни бошқа бир жабҳада давом эттириш ва хориждан мадад олиш мақсадида Туркияга борганлар. Акс ҳолда у Боку орқали яна Тошкентта қайтиб келмаган, орадан маълум вақт ўтгандан кейин эса яна Туркияга йўл олмаган бўларди. Тахминимизга кўра, С.Миржалилов ва унинг маслақдош дўстлари Истанбулда Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига ёрдам бериши мумкин бўлган кишилар билан учрашганлар. С.Миржалилов эса Туркияда ишлаб чиқилган режага мувофиқ Тошкентта қайтиб келган. У Тошкентда, бир томондан, Беҳбудий сингари истиқдол фидойилари, иккинчи томондан, Бейли сингари инглиз разведкаси вакиллари ёки уларга яқин шахслар билан учрашган. Шундай учрашувлар пайтида Беҳбудийнинг сўнгги сафарига алоқадор масала муҳокама этилган, дейиш мумкин.

С. Миржалилов Тошкентта қайтиб келганидан кейин Туркистонга бориб, икки ҳафтага яқин оиласвий мухитда яшайди. Сўнг Тошкентта қайтиб, дастлаб Эски Бухорога боради, кейин Когонда бир ҳафта яшаб, яна Красноводск орқали Бокуга йўл олади. Бокуда эса бир ой қолиб кетади. Бунинг сабаби шундаки, у Бокуда Беҳбудий гурӯҳи билан учрашибши ва бу гурӯҳ билан биргаликда Туркия орқали Антанта давлатлари раҳбарлари билан учрашувга бориши лозим эди.

С. Миржалилов Беҳбудийнинг белгиланган муддатда Бокуга етиб келмаганидан қаттиқ хавотирга тушади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Бухоро ва Самарқанддаги ёр-дўстларига мурожаат этиб, Беҳбудийнинг тақдири ҳақида маълумот беришларини сўрайди. Наим афанди (Беҳбудийнинг Туркия фуқароси бўлганлиги сабабли тирик қолган яккаю ягона ҳамроҳи) Бокуга етиб келгач, С.Миржалилов даҳшатли фожия ҳақида хабар топиб, Истанбулга Беҳбудийсиз боришга мажбур бўлади.

Фози Олим Юнусов шу вақтда Нуриддинбек Худоёрхонов билан Истанбулда туркистонлик биродарларини кутаётган эди.

<sup>1</sup> Тергов материалларидан.

У 1937 йил 25 декабрда терговчининг Туркияга нима мақсадда борганлиги ҳақидаги саволига жавоб берилб, бундай деган:

“Мен Нуридинбек Худоёрхонов билан бирга Туркия ҳукумати ҳамда “Иттифоқ ва тараққий” партияси билан учрашиш, улардан Туркистонни Совет Россиясидан ажратиб олишга қаратилган ишимизда ёрдам ва кўрсатмалар олиш учун борганман. Мен хавфсизлик вазири Азизбей орқали Талъат пошога мурожаат этганимда, у мен билан Саидносир Миржалоловга Туркистонни Совет Россиясидан ажратиб олиш масаласини Миллатлар Лигаси олдига қўйиш лозим, деди ва бунинг учун Женевага боришни маслаҳат берди”

F. О. Юнусовнинг тергов пайтида айтишича, Талъат пошо туркистонликларга ёрдам тариқасида фақат Кўпрулуздани ҳамроҳ сифатида қўшиб беражагини айтган. Аммо туркистонликлар Женевага боришга рози бўлмаганлар.

С. Миржалолов ва F. О. Юнусовнинг тергов материалларида уларнинг Туркияга борищдан кўзлаган мақсадига ойдинлик киритувчи бошқа маълумот йўқ. Ҳар иккала мухториятчи Туркистонни большевиклардан озод этиш, бинобарин, Беҳбудийнинг сўнгги сафари билан боғлиқ мақсад ва режаларини ошкор этмаганлар.

**Беҳбудийни ким ўлдирган?** Сўнгги йилларда Беҳбудий ўлими сирларини ўрганиш билан фаол қизиқдан ва бир неча мақолаларни эълон қилган журналист Ҳалим Саиднинг ёзишича, Beҳбудийнинг фойиб бўлганлиги ҳақидаги илк расмий хабар улар чиқиб кетганларидан бир ой кейин “Мехнаткашлар товуши” газетасининг 1919 йил 23 апрель, иккинчи хабар эса ўша йилнинг 20 ноябрь сонларида берилган. Сўнгги хабарда эътиборга молик бундай маълумот ҳам бўлган:

“Темурхон афанди (Ҳалим Сайиднинг ёзишича, Биринчи жаҳон уруши арафасида Истанбулга ўқишига кетган самарқандлик киши – Н.К.) нинг маълумотига кўра, Beҳбудий афанди Самарқанддан чиқиб, Бухоро музофотидан ҳибс қилингани ҳамон бу хабар Бокуда шойиъ бўлғон. Бокуда турғувчи туркистонли Saид Nosir исмли бир зот бир восита топиб, Бухородан Beҳбудий ҳақинда маълумот сўраб, тах-

лиси (халос қилиш – Ҳ.С.) учун кўшиш қилғон. Лекин бу ҳақда Бухородан ҳеч бир хабар ола олмағон.

Бу мавсүқ (аниқ) хабардан маълум бўлурки, мундин бурунроқ Москвадан келиб, “Иштирокион” газетаси идорасинда “Беҳбудий афанди Қофқозда экан”, деб хабар берган И.М. афандининг сўзи ҳам, Хорижия комиссарияти воситасила Мусулмон ўлка бюросининг Беҳбудий афанди ҳақинда сўрагон саволига Бухоро ҳукуматининг “Маҳмудхўжа Беҳбудийни ҳибсадан чиқариб, узатиб эдик”, деб берган жавоби шубҳали хабарлар қисминдандур”<sup>1</sup>

Ушбу кўчирмада қайд этилганидек, Ўлка мусулмон бюроси Беҳбудийнинг тақдирини ҳақида маълумот беришни Хорижия комиссарлиги орқали сўраб, қушбегига мурожаат этган. Аммо қушбегидан ўз вақтида жавоб келмагач, РСФСРнинг Бухоро амирлигидаги Фавқулодда вакилидан шу масалада ёрдам беришни илтимос қилган. Мазкур вакил ўша йилнинг 4 августида қушбегига Беҳбудий ҳақида маълумот беришни сўраб хат ёзган. Фавқулодда вакил бу хатта жавоб ололмаганилиги сабабли 14 августда қушбегига қуийдаги хат билан иккинчи маротаба мурожаат этишга мажбур бўлган:

“РСФСР  
Полномочный представитель Российской  
и Туркестанской Республики в Бухаре  
14 августа 19 г.  
№ 3004

*Достопочтенный Кушбеги  
Османбек бию Диванбеги*

*По дружбе прошу Вас, Достопочтенный Кушбеги, сделать распоряжение о скорейшем доставлении мне сведений о причинах ареста Беҳбуди, о чем просил Вас 4 сего августа за № 2754.*

*Желаю Вам здоровья и милостей Его Высочества Эмира.*

*Полномочный представитель в Бухарском ханстве  
За Управляющего канцелярией”<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Ҳалим Сайиғ. Мажбурий “ҳаж” тафсилотлари, – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил 14 апрель.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви, 1-126-фонд, 2004-иш, 4-варак.

Күшбеги Фавқулодда вакилнинг мазкур хатига қуидаги жавобни йўллаган:

*“Копия отношения Бухарского Күшбеги от 17 августа  
за № 775 на имя Полномочного представителя  
в Бухарском ханстве*

*Вследствие Вашего письма от 10 июля 1919 г. за № 2560, касательно Махмуд Ходжа Бегбузи, Мулла Мухаммад Урунбаева и Марданкули Шамухамедова, мною было предписано Каршинскому беку о том, чтобы сообщили причину ареста их. Названный бек сообщил мне, что названные лица во время волнения среди населения перешли границу; охрана, стоящая на границе, задержала их и представила беку. Во время допроса их выяснилось, что путешественники намереваются ехать в Мекку на поклонение, вследствие чего названным беком были задержаны и об этом доложено Его высочеству Эмиру. По соизволению Его высочества названным путешественникам было разрешено продолжать свой путь. После чего они свободно выехали из Каршинского бекства, т.к. по сообщению бека, они были заключены под стражу.*

Бухарский Күшбеги

Верно: зав. отг(елом)

(подпись) ”.

Мазкур жавоб хати тагида унинг Туркистон Хорижия комиссарлиги Иш бошқармаси томонидан Тошкентда, 1919 йил 1 сентябрда олинганилиги қайд этилган.

Энди бир сонияга бўлса ҳам, 1918 йил март ойидаги қонли воқеаларга қайтсак.

Мазкур шармандали мағлубият туфайли талвасага тушган Ф. Колесов битим тузиш мақсадида амир ҳузурига чор маъмурларидан Введенский билан Ҳайдар ҳожи Мирбадаловни элчи қилиб юборади. Амир Колесовнинг таклифига жавобан агар у *Файзулла Хўжаев, Фитрат ва Абдувоҳид Бурҳоновни тутиб берсагина* Туркистон ҳукумати билан битим тузишга рози эканлигини айтади.

Кўрамизки, амир ўч олмоқчи ва жазоламоқчи бўлган “Ёш буҳороликлар” орасида Беҳбудийнинг номи учрамайди. У амир эмас, балки совет ҳокимияти ва бу ҳокимиятнинг Туркистондаги раҳбарлари учун ўта хавфли шахс эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Рысколов Т.Р. Собрание сочинений в 3-х томах. — Том 1. — Алматы, 1997 г. — С. 261-262.

Шундай қилиб, қүшбеги Беҳбудийнинг Қаршибеги қамоқхонаси (зиндони)дан озод этилганини айтиб, Беҳбудий ўлимнинг Бухоро амири буйруғи билан қатл этилгани ҳақидаги версияни рад этгандек бўлади.

Шу нарса маълумки, 1920 йилнинг март ойида Беҳбудий ўлими тафсилотларини текшириш бўйича етти кишидан иборат комиссия тузилган, Беҳбудийнинг таъзия маросимини ўтказиш ва оиласига ёрдам бериш учун эса 90 минг сўм миқдорида иона йифилган. (Бу ҳақдаги маълумотлар ва комиссиянинг хulosаси “Меҳнаткашлар товуши” газетасида чоп этиб борилган.)

“Комиссиянинг бу хulosаси-мақоласи, — деб ёзган эди Ҳалим Саййид, — жуда катта аҳамиятга эга. У бизга бир қанча сир-синоатларни очиб беради. Чунки, Беҳбудийнинг Туркистондан чиқиб кетиши арафасидаги аҳволи, ҳаракатлари бизга қоронғи эди. Негаки, 1918 йилнинг июнь ойига “Ҳуррият” газетаси тўхтатилгач, биз матбуотда Беҳбудийнинг мақолаларини учратмаймиз. Унинг сукути қандайдир “захар тиллар муҳит”дан (Чўлпон) хабар берса-да, лекин бу муҳитни фош қиласиган бир тарихий ҳужжат топа олмадик. Хўш, 1918 йилдан 1919 йил март охиригача Самарқандда не ҳоллар содир бўлган? Бу ҳақда комиссиянинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимиши ҳоли” сарлавҳали хulosасини ўқисак, масала оидинлашади”.

Ҳалим Саййид шу сўзлардан кейин юқорида қайд этилган воқеа – Беҳбудийнинг 1918 йилда “Иттифоқ” жамиятининг тавсияси билан Мусулмон маориф шўъбасига мудир этиб тайинлангани, лекин маориф тизимига суқулиб кирган рус шовинистларининг камситишлари орқасида истеъфога чиққани ҳақидаги “Хulosаси”дан олинган маълумотни баён қиласиди. Сўнг ёзади:

“Беҳбудий “Хуршид” газетасига ўзининг ўн йил аввал ёзган мақоласига социалистлар ҳокимият тегасига келса, не ҳол юз беришини айтган эди. Кейинчалик Беҳбудийнинг бу гаплари ўз номининг истеъмолдан бутунлай олиб ташлашишига асос бўлди. Хусусан, М.Ваҳобовнинг “Ўзбек социалистик миллати” (Тошкент, 1960) китобига шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Социалистларнинг программаси, Беҳбудий

<sup>1</sup> Ҳалим Саййид. Мажбурий “ҳаж” тафсилотлари. – Ўша манба.

фикарича, ислом қоидаларига зид бўлгани учун мусулмон меҳнаткашлар бу партиядан қочишлари керак эмиш. Уларнинг программаси, дейди Беҳбудий, ҳозир амалга ошиши мумкин бўлмаган хаёлотдан иборатдир. Агар бир фалокат бўлиб, уларнинг программаси амалга ошиб қолса, қиёмат қойим бўлармиш (211-бет)<sup>1</sup>.

Агар орадан қирқ бир йил ўтгандан кейин маҳаллий аҳолидан чиққан совет тарихчиси, тарихчи бўлганда ҳам мағкура соҳасидаги нутқ ва мақолалари билан қанчадан-қанча ижодкорларнинг бошини қонатган кимса Беҳбудийга шу қадар маломат тошларини отган бўлса, унинг 1919 йилдаги салафлари Беҳбудийни Бухоро амири одамларига тутиб бермагани ёки ўзлари ўлдирмаганига қандай ишониш мумкин?

Атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон илмий фаолиятини профессор Фитрат раҳбарлиги остида бошлиған. Иззат Султон, кунларнинг бирида, Беҳбудийнинг ўлими тўғрисида баҳс бораётган пайтда бизга бундай сўзларни айтган эди: “Фитрат Беҳбудийнинг ўлимида Бухоро амирини эмас, балки Туркистондаги совет ҳокимиятини айбдор, деб билар ва дориломон замонлар келганида ана шу ҳақиқатнинг юзага чиқишини истар экан. Унинг айтишича, Беҳбудийни ГПУ агентлари Бухоро амирининг жоҳил одамларига тутиб беришган. Совет давлатининг Беҳбудийни амир қўли билан ўлдиришдан кузатган мақсади эса, Фитратнинг айтишича, бир томондан, “Ёш бухороликлар”да амирга нисбатан қаҳр ва нафрат тўлқинини уйғотиш, иккинчи томондан, “Ёш бухороликлар” ёрдамида Бухоро амирига қарши юришни бошлаш, амирликни тугатиш ва уни совет ҳокимияти таркибига қўшиб олиш эди”<sup>2</sup>.

Беҳбудий фожиали ўлими сабабларининг Фитрат томонидан берилган бу талқини, бизнингча, ҳақиқатга анчагина яқин.

Дарвоқе, хорижий журналларнинг бирида Беҳбудий ўлими муносабати билан бундай сўзлар ёзилган:

“Беҳбудий ташаббусларидан хабардор бўлиб турган Туркестон миллий ташкилоти ўз умидларини унинг ҳаракат-

<sup>1</sup> Ўша манба.

<sup>2</sup> Иззат Султоннинг 70 – 80-йилларда биз билан бир неча бор қилган сұхбатидан.

ларини мұваффақиятли чиқуви томон қаратдилар. Иш ва истаклар Беҳбудий күтганича бўлиб чиқдими. Ул Қарши шаҳаринда ўз вазифаларини ўринилов ҳаракатига экан, қизил Русянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин воситаси-ла амир томонидан тутилди. Беҳбудий амирнинг Қарши шаҳариндаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 25 марта 1919 йилда ваҳшиёна ўлдирилди. Беҳбудий “жадидчи” дега айбланиб, амирнинг буйруғи-ла ўлдирилди. Бу эса ниқоб эди. Ҳақиқатда эса Беҳбудийни ўлими амир воситаси-ла рус большевикларининг совет комиссариати томониндан уюштирилгани аниқланди. Буни сабиқ “Туркистан совет жумхурияти”нинг ҳарбий министри Осипов 1919 йил Бухорога қочган вақтинда “Ёш бухороликлар” жамиятинда берган баёнотига билдирган эди.

Туркистан ҳалқи бул усулда бундан 31 йил аввал ўзининг буюк жамоат ва сиёсат ходимидан айрилди<sup>1</sup>.

Ушбу янги маълумот ҳам Фитратнинг: “Совет ҳокимияти Беҳбудийни Бухоро амирининг қўли билан ўлдирилган”, деган сўзларининг тўғри эканлигини тасдиқлаши мумкин.

**Яна комиссия хуносаларига қайтсак.** “Осипуф воқеасидан сўнгра Самарқандга кўб талон-торожлар бошлианди. Ноҳақ ҳисблар кўпайди. Катта тазминот (кафолат)ларга ҳалқ таҳсил қила олмасдан, ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоят даражага тазиикқа тушди. Ҳалқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. “Бу ишларга бир чора топа оларманми?” деб (сўз Беҳбудий устида бормоқда. – Н.К.) 1919 йил февраль ойинда Тошканға борди. Лекин бу сафардин ҳеч бир натижা қўлга киргуза олмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишига англатмасдан, маслакдош ва фикрдошлари Мулла Мардонқул Шомуҳаммад ўғли, Муҳаммадқул Ўрунбой ўғли билан 25 марта ойинда, 1919 йил, асрорангиз бир суратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин буларнинг Қарши йўли билан сафарга чиқғонлари, Қарши шаҳрига Бухоро ҳукумати тарафиндан ушланиб, ҳисбста олинғонлари шойиъ бўлди. Мундин сўнгра мухталиб (хилма-хил) хабарлар кўб эшишилди. Шунинг ила баробар Самарқанд аҳолиси буларнинг шаҳид бўлғонликларига

<sup>1</sup> “Миллий Туркистан” журнали, 1950 йил, 66-сон. – Б. 23.

занн (тажмин, гумон) ғойиб билан инониб, маросим таъзим ва қадр донишими бақо этмакчи бўлди”<sup>1</sup>.

Демак, Беҳбудий 1919 йил 25 марта яширин равища Самарқанддан ҳамроҳлари билан сафарга чиқиб, бир ҳафталиқ йўлдан кейин 1 – 2 апрель кунларида Қаршига етиб келган ва қўлга тушган. Комиссия аъзолари томонидан аниқланган бу маълумот Ҳожимурод Худойберди ўғлининг “Беҳбудий афанди ва йўлдошлари бошлаб Шаҳрисабзда қўлга тушиб, тахминан икки ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда бир неча кун ётқондан кейин... шаҳид қилинғон” лиги тўғрисидаги хабарини чиппакка чиқаради.

Умуман, “васиятнома”га ишониш мумкинми? Ҳожи Муинга Беҳбудийнинг ўлими ҳақидаги маълумотни келтирган “ўртоқ Ҳожимурод” ким бўлган? Гёё унга Беҳбудий ўлими тафсилотларини айтган Содиқжон-чи?..

Аввало айтиш лозимки, Беҳбудийнинг ғойиб бўлганлиги ва мужмал тақдирни тўғрисидаги дастлабки хабар “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1919 йил 23 апрель сонида эълон қилинган. Иккинчи хабар яна шу газетанинг 1919 йил 20 ноябрь сонида босилган. Шу икки сана ўртасидаги вақтда, юқорида кўрганимиздек, расмий идоралар томонидан Беҳбудийни қидирув ишлари олиб борилган. “Васиятнома”да тилга олинган “ўртоқлар” ва “ўғлонлар”нинг шу вақт давомида устозлари тақдирни билан қизиқсанликлари тўғрисида бирорта маълумот йўқ. С.Айний, Фитрат ва Чўлпоннинг Беҳбудийга бағишлиган шеърларидан шу нарса маълум бўладики, улар устоз вафотидан кейин бир йил ўтгандан кейингина унинг қабрини ахтарганлар. Худди шу кунларда етти кишидан иборат комиссия тузилган ва бу комиссия Беҳбудий вафоти тафсилотларини аниқлаш юзасидан қўлидан келган барча ишларни амалга оширган. Беҳбудий вафотининг уч йиллиги муносабати билан “Зарафшон” газетасининг 25 март сонида Ҳожи Муин, А.Азамат, А.Азимий ва Ниҳоний тахаллусли муаллифнинг Беҳбудий тўғрисидаги мақолалари, “Инқилоб” журналининг 1-сонида эса юқорида тилга олинган “васиятнома” Ҳожи Муин шарҳлари билан бирга эълон қилинган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳалим Сайид. Мажбурий ҳаж тафсилотлари. – Ўша манба.

**Ҳожимурод Ҳудойберди ўғли ким бўлган? Ҳожи Муиннинг ёзишича, “ўртоқ Ҳожимурод” Бухоро инқилоби бошланган кунда, яъни 1920 йил 28 – 29 августда “Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафлариға бориб, андин бир иш ила Қарши шаҳариға ўтқан ва ўшал ерларда 6 – 7 ой (демак, 1921 йилнинг март-апрель ойларига қадар – Н.К.) хизмат қилиб юрган” Ҳожи Муин тилга олган даврда Бойсун ва Шаҳрисабзда М.Монстров қўмондонлигидағи рус дивизияси советларга қарши бош кўтарган амир қўшинларига қарши жанг олиб бориб, уларни 1920 йил 21 декабрда тор-мор келтирган<sup>1</sup>. Ҳожимурод эса ана шу қўшин таркибида хизмат қилган.**

Ҳожи Муиннинг ёзишича, Ҳожимурод Қарши бегида бир неча вақт “маҳрамлик” хизматида бўлган фарғоналиқ 17 яшар Содикжондан гўё Беҳбудий ва йўлдошларининг Шаҳрисабзда қўлга тушганлиги, амирдан уларни қатл қилиш ҳақида буйруқ келганлиги ва Беҳбудийнинг қандайдир Аҳмад орқали унга васиятнома ёзил берганлигини айтган. “Ўртоқ Ҳожимуроднинг сўзига кўра, – деб ёзади Ҳожи Муин, – мазкур Содикжон 1920 йилда 21 декабрда (эътибор беринг: амир қўшини тор-мор этилган кунда – Н.К.) амир томонидан Шаҳрисабз, Китоб ва Фузор тарафларида қўзғатилган аксилҳаракатчилик вақтида исёнчилар тарафидан (?) Шаҳрисабзда ўлдирилғон. Шунинг ила Содикжон ёзған воқеа ва васиятноманинг асл нусхаси-да ўшал чоғда йўқолиб кетган”<sup>2</sup>.

Агар Содикжон деган шахс ҳақиқатда яшаган ва Қарши бегида “маҳрамлик” қилган бўлса, у Шаҳрисабзда амир қўшини таркибида “қизил” ларга қарши курашган ва Ҳожимурод хизмат қилган қизил қўшин билан жанг пайтида ҳалок бўлган.

“Васиятнома” илк бор “Мехнаткашлар товуши” газетасининг 1921 йил 29 март сонида чоп этилган ва унда: “Ҳожимурод афандининг ўзи ҳам мазкур вақтда 15 нафар одами ила қўлга тушғон экан. Лекин буларға эртаси шўро ҳукума-

<sup>1</sup> Қаранг: Победа Октябрьской власти в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент, 1967. – С.594.

<sup>2</sup> Кўчирма “васиятнома”нинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги (1988 йил 16 сентябрь) да адабиётшунос Шерали Турдиев томонидан эълон қилинган матнидан олинди.

тининг аскарлари бориб қутқарғонлар ва исёнчилар ила амир одамларини маҳв ва паришон этганилар<sup>1</sup>”, деган маълумот ҳам бўлган. Аммо нима сабабдандир “Инқилоб” журнали бу сўзларни тушириб қолдирган.

Таниқли адабиётшунос Солих Қосимов 60 – 70-йилларда Беҳбудий ва унинг ўлими тафсилотларидан хабардор кишилар билан учрашиб, бизни қизиқтирган шахс ҳақида бундай янги маълумотни топган:

“Бухоро ҳалқ инқилобининг ғалабасидан кейин, – деб ёзган эди у “Беҳбудий ва жадидчилик” деган мақоласида, – яъни Беҳбудий пинҳоний қатл этилганидан кейин бир йилдан мўлроқ вақт ўтгач, Қарши шаҳрига қизил гвардиячилар тўдасига қўймондошлиқ қилган самарқандлик Ҳожимурод Худойбердиев маҳаллий аҳоли ўртасидаги Беҳбудийнинг қатл этилишидан хабардор кишиларнинг хотираларини эшитади ва Самарқанд Советини хабардор қиласди. Тегишли партия ва давлат ташкилотлари томонидан бу фактлар текширилгач, бутун Туркистон бўйлаб мотам кечалари ўтказилиди, вақтли матбуотда рус ва ўзбек тилларида Беҳбудийнинг фаолияти ҳақида мақолалар босилади, унинг “Падаркуш” пьесаси саҳналаширилади<sup>2</sup>”.

Бу сўзларга қўшимча тарзида шуни айтиш жоизки, “ўртоқ Ҳожимурод” Беҳбудийнинг ўлими ҳақида “Маърифат қурбонлари” пьесасини ёзган ва бу пьеса, Ҳалим Сайииддининг аниқлашига кўра, 1920 йилнинг охири – 1921 йилнинг бошларида саҳнага кўйилган.

Агар Солих Қосимовнинг мазкур сўзларига эътибор қаратсак, ҳеч қандай Содикжон ҳам, “vasiyatnomा” ҳам бўлмаган. “Маърифат қурбонлари” пьесасидаги Беҳбудийнинг сўнгги монологи эса, бизнингча, совет ҳокимияти маҳфий хизматининг саъй-ҳаракати билан Беҳбудийнинг “vasiyatnomा”си сифатида тарқатилган. Агарда бу “vasiyatnomा”нинг бирорта сўзи рост бўлганида, Шерали Турдиев эълон қилгунига қадар у, бизнингча, табаррук ҳужжат сифатида Беҳбудийнинг С.Айний, Фитрат, Чўлпон сингари садоқатли дўстлари ва шогирдларининг асарларида тилга олинган бўларди.

<sup>1</sup> Ҳалим Сайиид. Мажбурий “ҳаж” тафсилотлари. – Ўша манба.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1990 йил 19 январь.

*Беҳбудий қаерда гафн этилган? Ҳожи Муиннинг “vasiyatnomasi”га ёзган шарҳларида яна бундай сўзлар бор:*

“*Бу васиятномадан 3–4 кун ўтар-ўтмас, бек Беҳбудий афанги ва йўлдошларини ҳам Aҳmag (бекнинг маҳрамларидан бири – Н.К.) ни ўлдууррга буюргон ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бир чорбоққа (таъкид бизники – Н.К.) юборилғонлар. Шунда аларнинг қотиллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу боғга тўрт қабр қаздирилғон (таъкид бизники – Н.К.). Сўнгра Беҳбудий афанги ва йўлдошлари таҳорат олиб, намоз ўқимоқчи бўйғонлар. Лекин шу чоқда раҳмисиз жаллод мувонилари ила етушуб келиб, аларни намоз ўқирға қўймағон ва энг аввал Беҳбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Бу ҳолни кўриб, Мардонқули Муҳаммадқули ва Aҳmag афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб турғонлар. Андин кейин жаллод аларни бир-бир бошин кесган. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг наъш (жасаг)ларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларга кўмгандар ва қабрларини (билинмасун, деб) ер ила текиз этганлар*”<sup>1</sup>.

1920 йилнинг март ойида тузилган 7 кишилик комиссиядан ташқари, ўша йилнинг 27 сентябрида Самарқанддаги Эски шаҳар маданий-маърифий ташкилотларининг “фавқулодда бирлашган йиғилиши”да яна 5 кишилик комиссия тузилиб, унга Бухоро музофоти ва бошқа жойларда тергов ишларини олиб бориш, қотилларни ахтариб топиш ва қамоққа олиш, марҳумларнинг жасадларини топиб, Самарқандга олиб келиш вазифаси топширилган. Фавқулодда ваколатлар берилган бу 5 кишилик комиссияга Мирза Абдуқаюм Ширинбоев (инқилобий трибунал раиси), Эргаш Орифбоев, Раббимқул Солиҳов (инқилобий трибунал аъзолари), Кўқонбой Абдухолиқов ва Абдумажид Зокирийдан ташқари, яна 2 нафар махфий агент ҳам киритилган. Ўша йилнинг ноябрь ойида эса Самарқанд ёшлиари яна бир комиссия тузиб, уни Бухоро халқ жумҳурияти ёрдамида Қаршига юборганлар. Аммо бирорта комиссия ўз олдига қўйилган вазифани бажара олмаган. “Қарши шаҳрининг ҳукумат босида ўлтиргон одамлар” бу комиссияларга ишлаш имконини бермаганлар.

<sup>1</sup> Ушбу кўчирма “vasiyatnomasi”нинг “Миллий уйғониш” (1993) тўпламидаги нашридан олинди. – Б. 126–127.

“Мусоғир” таҳаллусли муаллиф (С.Айний) нинг яқинда ёш тадқиқотчи Нилуфар Намозова томонидан эълон қилинган “Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг олинди ўчлари” номли мақоласида бизни қизиқтирган масалага доир бундай янги маълумот берилган:

“Маҳмудхўжа Беҳбудий афандининг қабри бу кунда топилиб, устига ҳайкал ишланиб ётадир.

Беҳбудий ўзининг ўртоқлари билан ҳибсхонага ўлдирилиб, ҳибсхонанинг vogзалға қарагон тарафда ҳаммаси бир қабрга кўмулганлар (таъкид бизники – Н.К.). Беҳбудий ва рафиқларининг қабрини излаб топиб, устига ҳайкал ишлатишда Қарши вилоят ижроқўми билан вилоят фирқўмининг бошига ўлтиргон Жўра Зокирий ва Назариф ўртоқлар кўбғайрат қилғонлар”.

Бу хабар “Бухоро ахбори” газетасининг 1923 йил 3 октябрь сонида босилган.

Мазкур сенсацион хабардан кейин ҳам Беҳбудий ва ўртоқларининг қаерга дағн этилгани масаласи ҳамон ечилемай келади.

Чўлпоннинг Беҳбудий хотирасига бағишлиланган шеърида бундай сатрлар бор:

Амалимнинг юлдузиким, кўз тиқди  
Қора, жирканч, ўлим кони ерларга.  
Савол бердим: “Йўқотганим қайдা?” – деб  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга<sup>2</sup>.

1920 йилда ёзилган бу шеърда Беҳбудий қабрини ахтариши нечоғлик хавфли эканини Чўлпон аниқ-тайин айтган. Модомики, Беҳбудий қабрини ахтариш Бухоро амрлиги тугатилганидан кейин ҳам хавфли бўлган ва бу хайрли ишга 20 – 30-йилларда ҳам имкон берилмаган экан, демак, уни ва ўртоқларини маҳв этган қотилнинг кимлиги аниқ. Бу, 1937 йили Қарши шаҳридан ва кўплаб мактаблардан Беҳбудий номини олиб ташлаб, ниҳоят, ўзининг қонли қиёфасини кўрсатган мустабид совет ҳокимиятидир.

<sup>1</sup> Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2004 йил 16 январь.

<sup>2</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. – Тошкент, 1991 йил. – Б. 401.

*Беҳбудий қаерга бормоқчи эди?* “Катта совет энциклопедия”<sup>1</sup>сида берилган маълумотга қараганда, Туркистон Мухторият ҳукуматининг собиқ раҳбарлари большевизмга қарши курашларида ёрдам беришни сўраб, АҚШ президенти Вильсонга мурожаат этганлар. Ўз навбатида Вильсон “Ўнлар кенгashi”нинг топшириғига биноан, Париж Тинчлик кенгашининг бошланиши (1919 йилнинг январь ойи) да Совет Россиясида курашаётган барча мухолиф гурухларга хат йўллаб, уларнинг раҳбарларини Шахзода ороллари (Туркия) да ўтказилажак конференцияга таклиф этган. Конференциянинг кун тартибидаги асосий масала эса большевизмга қарши кураш эди.

Тахминимизга кўра, М.Беҳбудий ва С.Миржалилов ҳамроҳлари билан бирга ана шу конференцияда иштирок этиш учун 1919 йилнинг март ойида йўлга чиқсан эдилар.

Совет давлатининг махфий архивларидағи шу даврга тегишли ҳужжатларни яхши ўрганган М.Ваҳобов эса бошқа фикрни илгари сурган:

“Парижда 1-жаҳон уруши ғолиблари – Антанта давлатлари ўртасида Версаль конференцияси давом қилаётган пайтда “Миллий имтиҳод” ташкилоти топшириғига мувоғиқ маҳаллий миллатчилардан бир группаси Парижга юбориши. Беҳбудий ва Мардонқул Бухоро орқали Эронга ўтиб, у ердан Парижга бормоқчи бўлиб йўлга чиқади. Уларни Бухоро амири Қарши шаҳрида қамоқча олди ва ўлдирди”<sup>2</sup>.

Бу икки хил фикрнинг қайси бири тўғрилигидан қатъи назар, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамроҳлари билан Ўзбекистоннинг большевизм асоратидан халос бўлиши учун нажот излаб, Европа сари йўлга чиқсан эди. Шу фактнинг ўзиданоқ Беҳбудийнинг кимнинг қўлидан ҳалок бўлгани маълум бўлиб турибди. Демак, Туркистон жадидларининг отаси, оташин маърифатпарвар ва ватанпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг истиқлол йўлида қурбон бўлганлиги шубҳасизdir.

<sup>1</sup> Большая советская энциклопедия, том 32. – Москва, 1955. – С. 101.

<sup>2</sup> Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент, 1960. – Б. 323.

# ХИСЛАТ (1880–1945)

## Ҳаёти ва ижоди садифалари



Бундан ўн беш-йигирма йил мұқаддам Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Ўзбек ёзувчилари архивида иттифоқо уч мўйса-фид ва бир навқирон санъаткорнинг суратини кўрган эдим. Ўшанда каминани бу ноёб суратдан ҳам кўра унинг орқа тарафига ёзилган қўйидаги ёднома сўзлари ҳайратга согланди:

Тўйчи Ҳофиз сурати ўртодаги,  
Бир кўришга муштоқ эл дунёдаги.  
Оврупо гижжаги онда ўнг тараф,  
Ҳожиев исми Муҳаммад бо шараф.  
Ёнма-ён чапда Низомхон ўлтурур,  
Танбурин айлаб намоён ўлтурур.  
Сўрса: ким деб теппада турган қараб,  
Ҳайбатулло хўжа Хислатдур лақаб.  
Тарихи минг ва уч юз олтмиш эди,  
Созу хониш бирла тонг отмиш эди.

1941 йилнинг 10 ноябрида дунёга келган шу сурат ва шу ёзув муаллифи, XX аср бошларидағи маърифатпарварлик ҳаракатининг иштирокчиларидан бири шоир Хислатdir.

Хислат ўтган аср бошларида Тошкентда шакланган жадид адабиётининг намояндаларидан бири, шоир ва таржимон, хаттот ва ношир эди. Афсуски, жадидчилик ҳаракати қораланган совет даврида, бошқа тараққийпарвар ватандошларимиз қатори, унинг номини ҳам тилга олиш имкони бўлмади. 60-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек фани ва маданиятида бошланган янгиланиш жараёнида Хислат номи ҳам қайта юзага чиқди. Тақдирли фожиали кечган “Тирик сатрлар” тўпламидан Хислат асарлари ҳам ўрин олди. Филология фанлари доктори Абдулҳамид Жалолов, бошқа тошкентлик жадидлар қатори, Хислат ижодини ҳам ўрганиб, бир неча мақола ва рисола эълон қил-

ди, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаб, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшди. 1971 йили мазкур олим шоирнинг “Ғазаллар” тўпламини нашр этди. Аммо шундан кейин, марҳум профессор Бегали Қосимовнинг “Миллий уйғониш” монографияси (2002) нашр этилгунига қадар Хислат ва бошқа тошкентлик жадид шоирлар ижоди яна адабиётшунослар эътиборидан четда қолиб келди. 2007 йилнинг 12 майида эса “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида Муҳаммадали Қўшмоқовнинг Хислат эшон ҳақидаги каттагина мақоласи чоп этилиб, Тошкентнинг Исломобод гузарида жадид шоирининг 125 йиллиги муносабати билан дастурхон ёзилиб, хислатхонлик бўлди.

Хислатнинг асл исм-шарифи Сайд Орифхўжа ўғли Сайд Ҳайбатуллоҳхўжа бўлиб, 1880 йил 10 майда Тошкентнинг Чорсу мавзеида туғилган. Отаси қаландартабиат киши бўлганлиги боис у уч ёшидан бошлаб фарзандсиз аммаси Рисолат аянинг қўлида тарбияланган ҳамда она томондан бобоси Маҳмудхон ва бувиси Шамси ойимнинг моддий таъминотидан баҳраманд бўлган. Олти-етти ёшида эски мактабга бориб, хат-савод чиқарган.

Хислатни яхши билган ва XX аср бошларида Тошкентда яшаб ижод қилган қатор шоирлар ҳақида мукаммал маълумот қолдирган Мўминжон Муҳаммаджонов устози тўғрисидаги хотираларида бундай қимматли маълумотларни берган: “...Буваси Маҳмудхўжа катта эшон ва бувиси Шамси ойим зўр эшон ойим бўлиб, мурид-мухлислардан назру ниёзлар ёмғирдек ёғилиб турар эди. Айниқса, шоирнинг буваси Маҳмудхўжа эшондан ҳам бувиси Шамси ойимнинг нуфузи катта эди. Бунинг хотинлардан 5-6 минг муриди бўлиб, донғи бошқа узоқ шаҳарларга ҳам кетган эди. Шамси ойим саводлик донишманг бир эшон ойим бўлгани сабабли шоир Хислатнинг зийраклигини англаб олиб ва бошқа набираларига қараганда бу алоҳига хислатга эга эканлигини билиб, тарбиясига анча аҳамият бера бошлиди.

Ҳайбатуллоҳхўжа 7 ёшга етганда Шамси ойим ўзи танийдиган дурусткроқ саводлик, Кўкча дарвозасигаги бир эшон ойига ўқишига берди. Унда 4–5 йил ўқигандан кейин Ишқобод (ёки Ашхобод) (ҳозирги Октябрь районидаги Қизил сув) маҳаллий Нуридиндин қори номлик машҳур қори домланинг хо-

тини Розия отинга топширги. Ҳайбатуллоҳнинг саводи ҳам хати шу Розия отин ойига чиқди”.

Мўминжон Муҳаммаджоновнинг хотирлашига кўра, Ҳайбатуллаҳўжа 14 – 15 ёшга кирганида, бир қиз унинг катта-катта ва чиройли кўзларини кўриб, “Кўзларингнинг шўхига Мирриху Чўлпон ўҳшамас” сатри билан бошланувчи байтни ёқимли овози билан ўқиб қолган. Шу шеър ва шу ёқимли овоздан маст бўлган Ҳайбатулла узоқ вақт шу оний учрашув таъсирида юрган ва ўзида ҳам шеър ёзиш ҳаваси пайдо бўлиб, машқ қила бошлаган. Кўп ўтмай, у бояги ўзи учун унтуилмас учрашув ҳақида бундай матлали ғазални ёзган:

Бўлса доим ҳамдамим бир ёри жонон кечаси,  
Қўл тутиб қилсан саёҳат моҳи тобон кечаси.

Бу, Хислат ижодининг дастлабки намунаси эди.

Хислат ўн олти ёшида мактабни тутатиб, Кўкаaldoш мадрасасида таҳсил ола бошлаган.

Аммо бобоси Маҳмудхон эшон ва бувиси Шамси ойим вафот эттагач, Мўминжон Муҳаммаджоновнинг ифодаси билан айтганда, назр-ниёзларнинг ҳам маъноси кетади. Йигит ёшига кириб уйланганидан кейин оғир иқтисодий вазиятда қолган Хислат себзорлик Қорахўжа деган фонусчи устага шогирд тушиб, бир йил давомида фонусчилик касби билан машғул бўлади. Бироқ устадан ҳар ҳафтада олгани йигирма тийинлик “чой пули” унинг на устини бут, на қорнини тўқ этолмагани боис у Қўрғонтеги маҳаллалик Уста Солига шогирд тушиб, эшик-ром қилишни ўрганади. Ҳар ойда топгани олти сўм эвазига ёз ойларида ишлаб, қиши кунларида ўқишини давом эттиради.

Айрим манбаларда айтилишича, шеъриятга бўлган майл Хислатда жуда барвақт уйғонган. У тўққиз ёшидан мумтоз шоирлар таъсирида ғазал ёзишни машқ қила бошлаган. Лекин бу “ғазал”лар ҳали “тухумдан чиқмаган” боланинг машқлари бўлганлиги сабабли, у таржимаи ҳолларининг бирида шеърий ижодининг дебочасини мадрасадаги таҳсил йиллари билан боғлаб, бундай ёзган: “Аммо мадрасага чиқиши билан баробар шеър ўқиш, шеър ёзишга берилдим, эртаю кеч фикрим шеърни қандай ўқиш, қандай ёзиш бўлди. Ҳатто баъзи домлалар: “Илмсиз бўлиб қоласан, шеърга кўп

уринма”, деб қайтарур эдилар. Сўзларига қулоқ солмасдан, тобора шеър ёзишига шавқланардим”.

Хислатда шеъриятга бўлган майл-муҳаббатнинг уйғонишида Тошкент шоирларининг шу йиллардаги пешқадами Каримбек Камийнинг хизматлари, айниқса, салмоқли.

Хислатнинг хотирлашича, кунларнинг бирида у ўзига ўхшаш шеърият шайдоларидан бирининг уйига меҳмонга борганида бир китобни кўриб қолиб, ундаги, хусусан, қуидаги сатрлар билан бошланган ғазал фикр-ёдини тамоман забт этади:

Қаю гулчеҳра ёди бирла афғон эттинг, эй булбул,  
Ҳазин овоз ила дийдамни гирён эттинг, эй булбул.

Қафасдек тийри охинг бирла сийнамни чок-чок айлаб,  
Навои дарднокинг ила дилим қон эттинг, эй булбул.

Сани бу навъ қайси ғунчалаб нолон қилиб қўйди,  
Менингдек сўзларингда шарҳи ҳижрон эттинг, эй булбул...

Бу сатрлар, бир томони, Хислатнинг ўша кеча-кундуздағи кайфиятига ҳамоҳанг бўлгани, иккинчи томони, поэтик мазмун уларда фавқулодда нафис ифодалангани билан уни мафтун этди. Хислат шу кундан бошлиб китоб муаллифи Камийнинг содик мухлисига айланиб, уни “Бекларбеги” мадрасасидан ахтариб топди. Ва “ихчам, шинам соқолмўйлаблари оп-озода, камгап, серағроз, нозик” шоир Хислатнинг бир умрлик устози бўлиб қолди.

Мўминжон Муҳаммаджонов тошкентлик шоирлар ҳақидағи рисоласининг Хислатга бағишлиланган “боб”ида 1890 – 1892 йилларни назарда тутиб, бундай ёзган эди: “Шу чоқларда Каримбек Шарифбек ўғли – мавлоно Камий билан танишиди. Бу одам – шоир Камий Муқимий ва Фурқат баробариаги бир шоир эди. Шоир Хислат мавлоно Камийнинг фазлу балоғатини билгандан кейин уни биринчи устод сифатига ушлаб олди. Қаерга борса бирга бўлди, ширин-ширин ва бомаъни суҳбатларидан сира ажralгиси келмас ва бир кун суҳбатидан ажралса, ўзини жонсиз танадек ҳисоблар эди. Фоятда нозук табиатлик бу устод Хислатнинг ихлосига яраша тарбия қиласар, шеър ва ғазаллар айтиш ўйларидан баъзи билмаган нуқталарини ўргатар ва ўша замон-

нинг агуб ва шоирлари билан таништирас эди. Шу шоир Камий воситаси билан Юсуф Сарёмий, Ҳожи Мұхәммәд Ҳүқандий, мавлоно Saug Аҳмад Васлий Самарқанди, Асирий Ҳүқандий ва бошқа машҳур шоирлар билан танишди ва ҳам бир қанчаларидан “Бедил” ўқиб фойдаланди, Бедилнинг маъносини ўрганиш тўғрисигаги катта устоди мавлоно Камий эди”

Хуллас, Хислат, Мискин, Сидқий Хондайлиқий сингари ёш қалам аҳллари Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўрганларига қарамай, Камийнинг “Бекларбеги” мадрасасидаги ҳужрасида оқшомдан тонгга қадар давом этган шеърхонликларда ўзбек мумтоз шеъриятининг билимдонлари ва арузнавис шоирлар сифатида шаклландилар.

Хислат Камийнинг “Бекларбеги”даги ана шу “адабий мактаб”ида қаламини обдон чархлади. Унинг Хислат тахаллуси билан дунёга келган ғазаллари устоз томонидан юқори баҳоланиб, Тўйчи ҳофиз, Акбар ҳожи Ҳайдаров, Фулом Фаниев сингари ўз даврининг машҳур хонандалари ижросида Тошкент аҳолиси ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида ғазал жанри ғоят катта мавқега эга бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, мазкур жанрда яратилган шеърлар куйга солиниб, тўй-ҳашамларда, гап-гаштакларда муентазам равища ижро этиб келинган. Бошқа кўнгилочар санъат турлари бўлмаган даврларда мумтоз шоирларнинг ғазалларига басталанган ашулалар тингловчиларга олам-олам роҳат ва фароғат бағишлаган. Ғазал билан ашуланинг ўзаро уйғулиги шоирлар билан хонанда ва созандаларнинг бир даврада нафас олишларини тақозо қилган. Ва шу анъана XX асрнинг 40-йилларига қадар давом этиб келган.

Хислат ғазалларининг дилрабо оҳанглар билан товланиши ва ҳалқ ўртасида кенг тарқалишида унинг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов билан яқинлиги, у билан бир адабий-музыкӣ даврада яшагани ҳам мұхим аҳамиятга молик бўлди. Буни Хислатнинг ўзи ҳам таржимай ҳолида бошқа бир шаклда ифода этиб, шундай сўзларни ёзган: “Тўпламларим ичида энг ажойиби Тўйчи ҳофизга бағишлаб ёзилган “Армуғони Хислат” баёзим бўлиб, бу баёзда 63 та шоирнинг 118 та шеъри бўлиб, буларнинг ҳаммаси Тўйчи ҳофиз томонидан ашула қилинади. Ҳар қайси шеър қайси куйда, қайси вазнда ашула

қилиниши шеърнинг төпасига “Чоргоҳ”, “Ушшоқ” куйида деб ёзиб қўйилган. Бу 118 та ашуладан 29 таси шахсан менини эди”

Шоирнинг бу сўзларидан шундай хulosага келиш мумкинки, у ўз ғазалларини Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ижросида янграган мумтоз ҳалқ куйларига мослаб ёзган ва “Армуғони Хислат” баёзида эълон қилинган бундай ғазалларининг ўзиёқ 29 та бўлган.

Кези келганда бир воқеани айтиб ўтсак.

“Армуғони Хислат” Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов топган маблағ ҳисобига нашр этилгани сабабли Хислат баёзни ҳалқ орасида тарқатиш учун хуржунга солиб, бир қанча шаҳарларга борган. Шу жумладан, Фарғона водийсини кезиб, Қўқонда ҳам бўлган. Хислат Қўқонга борганида мутаассиб кимсалар: “Бу китобга Тўйчи ҳофизнинг сурати босиб чиқарилибди”, деб китобга сурат солиш шариатга гўё хилоф бўлгани учун шоирни тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво берганлар. Бечора Хислат даҳшатли ўлимдан ярим кечада Тошкентга қочиртирган қўқонлик дўстлари туфайли омон қолган. Бу мутаассиб кимсалар ҳатто бутун Туркистонга машҳур бўлган Тўйчи ҳофиз суратининг ҳам китобда чоп этилишини ислом динига, Оллоҳга қарши чиқиш сифатида баҳолаганлар.

Хислат гарчанд мумтоз шеърият анъаналарини давом эттирган шоирлар жумласидан бўлса ҳам, девон тузмаган. Умуман, девон тузиш анъанаси XX асрда у қадар расм бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, Хислат янги тарихий-маданий давр талаби билан “Армуғони Хислат” (1912) дан ташқари, “Ҳадияи Хислат” (1910), “Тухфайи Хислат” ва “Савғоти Хислат” (1914) баёзларини тузиб, нашр этган. Шоир бу баёзларга Навоий, Лутфий, Фузулий, Амирий сингари мумтоз шоирлар билан бир қаторда Камий, Мискин, Сидқий Хондайликий сингари замондошларининг, жами 86 нафар шоирнинг ўзига манзур бўлган асарларини киритган. Бу баёзларда бошқа шоирларнинг қаламига мансуб асарлар 300 дан ортиқ бўлгани ҳолда Хислат асарларининг 100 дан хийла зиёдроқ бўлгани унинг устоз шоирларга нисбатан ўта хурматли муносабати, олижаноблиги ва камтарлигидан шаҳодат беради. Хислатнинг мазкур баёзларда чоп этилган аксар шеърларининг Ҳувайдо, Машраб, Муқимий ва Фурқат

шеърларига мухаммас тарзида ёзилгани ҳам шу фикрнинг одиллигини тасдиқлаши мумкин..

Хислат шеърларига назар ташлаган китобхон шоирнинг бадий маҳорат бобида мумтоз шоирлардан қолишимаслиги-га, анъанавий мавзуларни бадий талқин этишда Шарқ шеъриятидаги поэтик санъатлардан усталик билан фойдалангани, айниқса, шеърнинг мусиқий қурилишига катта аҳамият берганига ишонч ҳосил қиласи. Масалан, “Таронаи баёт” куйи асосида ёзилган “бўлмаса” радифли мухаммаснинг қўйидаги дастлабки сатрларидаёқ ўзбек мумтоз шеъриятияга хос гўзал ташбехлар ва мусиқий мавжлар ял-ял товланиб туради:

Найларам боғу чаман сайрини жонон бўлмаса,  
Мисли товус силкиниб, ҳар ён хиромон бўлмаса,  
Сарвқомат, орази гул, хатти райҳон бўлмаса,  
Чашми шаҳло, ўзи барно, шоҳи хўбон бўлмаса,  
Ўлмайинму ҳажридин жисмим аро жон бўлмаса.

Бошима тушган менинг савдоларимдур мушкулим,  
Лоақал бир йўқламайдур қайда қолди, деб қулим,  
Сарбасар ҳасратларин чаҳ этгали лолдур тилим,  
Ой юзин бир кўрмасам, ҳар кун қоронғудур дилим,  
Равшан ўлмас кечаси то моҳи тобон бўлмаса.

“Таронаи баёт” куйи асосида ёзилган шу мухаммаснинг қайси бир бандини ўқимайлик, ундаги бадий камодот ва мусиқий латофат бизни ўзининг сеҳрли тўрига тортади. Бундай ғазал ва мухаммаслар узоқ йиллар мобайнида энг машҳур хонандаларнинг репертуарларини бежиз безаб келмаган. Уларда ифодаланган мазмун билан шаклнинг ўзаро уйғуналиги бундай асарларнинг бадий баркамоллиги ва ўлмаслигига бирдан-бир қафолатdir.

Хислат қаламига мансуб аксар асарлар мусиқий оқшомлар таъсирида, шеърият ҳақидаги қизгин баҳслар натижасида ёзилган. Одатда бундай оқшомларда шоирлар анъанавий мавзуларни талқин этишдаги маҳоратларини намойиш қилиб ва ўзаро мусобақалашиб келганлар. Шундай оқшомларда баъзан арузнинг енгил ва ўйноқи вазнларида асарлар ёзиш баҳс боиси бўлиб хизмат қилган. Хислат Шарқ мумтоз шеъриятининг шу руҳдаги намуналарини яхши билгани учун:

Оразиму ё гули раъномудур?  
Тишлариму ё дури байзомудур?

Лаблариму ё Бадахшон лаълиму,  
Ё магар ул ёқуту ҳамромудур?

Лаълариму ё Бадахшон лаълиму,  
Ё магар ул ёқуту ҳамромудур?..

Ёки:

Ўлдум асиринг, эй ёри барно,  
Қилғил тараҳҳум мен зора гоҳо.

Солдинг дилимга савдойи ишқинг,  
Қилдинг мени сан мажнуни шайдо.

Ҳасратларимни айтсам саросар  
Ҳаргиз тугалмас, эй маҳфилоро...

сингари шеъриятнинг камалак жилвалари билан порловчи, шўх ва дилбар қизларни рақсга чорловчи ғазалларни ёзганки, улар узоқ йиллар давомида хонанда ва раққосалар ижросида томошабинларга хуш ва ёқимли кайфият бағишлиб келган.

Ўтган асрнинг бошларида “Кўкаaldoш” мадрасасининг бир гуруҳ талабалари таҳсилни давом эттириш учун Бухородаги Улуғбек мадрасасига юборилган. Шу муносабат билан “Кўкаaldoш” мадрасасида ўтказилган кузатиш маросимида Камий, Асирий ва Хислат ўз шеърларини ўқишиган. Шу маросимда қатнашган ва кейинчалик Хислат билан қадрдонлашиб қолган Маҳамаджон Норхўжаев исмли муаллим шоир ҳақидаги хотираларида бундай ёзган эди:

*“Мен Сайиғ Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат билан, янгишмасам, 1903 йилдан бери танишман. Танишиш воқеаси бундай бўлган эди. Чорсудаги “Кўкаaldoш” мадрасасининг бир гуруҳ талабаларини (албатта, алоҳига истеъдод кўрсатганларини) Бухорои шарифнинг Мирзо Улуғбек мадрасасига илм таҳсил қилиш учун юбориладиган бўлинди. Шулар орасига мен ҳам бор эдим. Кетиши арафасига мадрасамизда Мансурхон охундининг ташабbusлари билан кичкинагина кузатиш маросими ташкил этилди. Бу мажлиснинг мутасаддиси, у вакътларда донг таратган шоир*

мавлоно Абдукаримбек Камий эдилар. Шу маросимда бизни бир неча ёш талабалар билан танишишишди. Мавлоно Камий кўзлари чақнаб турган, кенг пешонали ва барваста қомат йигитни “Бизнинг шогирд бўлмиш Хислат”, деб мажлис аҳлига кўрсатди. Ўтиришда замона масалалари, талабаларнинг ўқиши ва шоирлар ҳам бўлгач, шеър ҳақида ҳам қизғин ва ўткир олишув бўлди. Мавлоно Камий ва у кишидан кейин Тошкентда меҳмон бўлиб турган хўжандлик Тошхўжа Асирий, кейин Хислат ўз ашъорларидан на мойиш қилишиди. Мен бир неча кун ўтгач, Бухоройи шарифга жўнаб, ўн йилча у ерда ўқиш билан қолиб кетдим. Мадрасани хатт қилиб қайтсан, Хислат ўз тенгдошлари орасида анча машҳур шоир бўлиб танилипти. Баъзи ашъорлари баёзларга кирипти”

Шу ўринда Маҳамаджон Норхўжаевнинг сўзларини бўлиб, Тошхўжа Асирий тўғрисида бир оғиз сўз айтиш зарур кўринади.

Тошхўжа Асирий, юқорида айтилганидек, хўжандлик бўлиб, 1864 йилда ҳунарманд оиласида туғилган. Отаси Эшонхўжа тегирмон тошини йўнувчи ҳунармандлардан бўлган. Тошхўжа отасидан шу нодир касбни эгаллаб, умрининг охири, яъни 1915 йилгacha шу касб орқасида кун кечирган. У бошланғич мактабни Хўжандда олганидан кейин Қўқонга келиб, шу ердаги мадрасаларнинг бирида саккиз йил мобайнида таҳсил кўрди, ўзбек ва форс адабиёти мумтоз вакилларининг ижодини меҳр билан ўрганди. У шу вақтда нафақат қўқонлик Муқими, Фурқат, Завқий сингари шоирлар, балки уларнинг тошкентлик дўсти Хислат билан ҳам танишиди. Унинг Хўжанддан фаргоналик ва тошкентлик дўстларига йўллаган шеърий хатлари орасида Хислатга ҳам аталгани бор. Биз бу хат билан танишар эканмиз, Хислатнинг ўз вақтида Тошхўжа Асирий сингари хўжандлик шоирлар ўртасида ҳам катта ҳурмат қозонгани ва бу икки халқ-қа мансуб шоирлар ўртасида самимий дўстлик алоқалари бўлганидан мамнуният ҳиссини туямиз. Унинг қуйида дастлабки сатрлари келтирилган шеърий хати шу маънода алоҳида эътиборга сазовор.

Шоир тошкентлик дўстига бундай самимий юрак сўзлари билан мурожаат этган:

Хислато, мажмуи ёри ошинолардан сўранг,  
Хоса мендек ғамзадо бемуттако ларни сўранг.  
Биздан айланг зумраи аҳбоба тавзеҳи калом<sup>1</sup>  
Кўзларига нур сочган маҳлиқолардан сўранг.  
Гарчи билмаймиз ҳануз аҳволини кимдур Камий,  
Лек шоирикда соҳиб иddaоларни сўранг...

Маҳамаджон Норхўжаев Тошкентга қайтгач, Хислат билан тез-тез кўришиб, унинг ижоди ва инсоний фазилатлари билан яқиндан танишган. У Хислат ҳақидаги хотираларини давом эттириб, бундай деган: “Биз Хислат билан жуда қадрдон бўлиб кетдик. У араб ва форс тилларини пишиқ билар эди. Баъзан иккимиз арабча ва форсча шеърлар усттида кескин мунозарага киришардик. Бундай мунозаралар Бедил ашъори борасига тез-тез бўлиб туради. Баъзан иккимиз ҳам ҳал қила олмаган шеърий муаммонинг маъносини тўғри ҳал қилиш масаласига Тошкентнинг машҳур ҳуқуқшунос фозил кишиси Ибройим Махдум ҳазратларига мурожаат ҳам қиласардик. Ана шундай сўз айланиб, Хислатга: “Сиз ҳам яхши ашъорлар соҳиби, ўз баёзингизни тузиш вақти етди”, – деб уни орага олдик. Бу орзуни барча ёри-дўстлар маъқуллади. Ораган кўп ўтмай, “Армуғони Хислат” юзага келди. Мазкур баёзнинг фазилати шунда эдик, унда жойланган ҳар бир шеърнинг унвонига уни қай мақомга мослаб айтилиши аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Зотан, “Армуғони Хислат”нинг тузилишидан кўзда тутилган матлаб ҳам машшоқ ва ҳофизларга мўлжалланганида эди...

...Хислатнинг яна бир яхши сифати шунда эдик, ўзи кўп нарса билса ҳам, аммо жуда камтарин одам эди. Форс ага-биёти даҳоларининг китоботини кўп мутолаа қиласар, Фирдавсий, Низомий Ганжавий ва Ҳофиздан баъзи нарсаларни туркйлаштирасар, лекин бирорвга кўрсатмасди. Мен бир кун у кишийнинг меҳмонхонасида Шавкат (Сидқий Хондайликий – Н.К.) билан (улар жуда қалин эшилар) сухбатлашиб ўтириб, ундан Фирдавсий “Шоҳнома”сидан Хислат қилган настрий таржимани кўчирганлигини эшиптим. Ўқишга жуда

• Бемуттако – кимсасиз, суюнчиқсиз.  
Зумраи аҳбоб – дўстлар гуруҳи.  
Тавзеҳи калом – сўз мазмуни.

қизиқдим. Бир қанча илтимосдан кейин Хислат ҳали хом, бирорға күрсатишга арзимайды, дея Қўқон сиёҳи билан Шавкат кўчирган янги китобни кўрсатди. У Рустамнинг ўғли Декони Барзу қиссаси экан. Таржима кўпларга маъқул бўлди ва, ниҳоят, тошбосмада нашр этилди”.

Кўрамизки, Хислат форс ва араб тилларини мукаммал билган, шу тилларда яратилган қатор мумтоз асарларни ўқиган, ҳатто таржима қилган бўлса-да, фавқулодда камтарлиги туфайли ўз таржималарини нашр этишга ошиқманган.

Хислатнинг 1917 йил воқеаларига қадар ижодидаги эътиборга сазовор воқеалардан бири унинг “Садои Туркистон” газетаси билан ҳамкорлик қилишидир. У 1914 йили мазкур газета нашр этила бошлиши билан шу тарихий воқеани ол-қишловчи, ўзининг Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Убайдулла Хўжаев сингари тараққийпарвар кишилар билан маслақдош эканини ошкор қилувчи ва шу яқинлик билан фахрланувчи киши эканини кўрсатди. У газетанинг 6-сонида эълон қилинган шеърида қалбидағи бундай самимий туйфуларни ифодалаб ёзди:

Дилимнинг орзу-ю муддаоси  
Эди доим бу “Туркистон садоси”

Хазоран шукрким, чиқди қуёшдек  
Жаҳонни айлабон равшан зиёси.

Мунинг нашрига қилсан камлик эткай  
Нисорий молиму жоним фидоси.

Ёзилғон сўzlари ҳар қайси дурдин,  
Зиёдлик айлагай қадру баҳоси...

Афсуски, 1917 йилдан кейин Хислат аввалгидек ўлмас мавзуларда завқ-шавқ билан ижод қила олмади. Шунга қарамай, биз “Достони Барзу шер” (Фирдавсий), “Мушук или сичқон” (Убайд Зоконий) асарларининг Хислат таржимасида нашр этилгани, сўнгги асарнинг эса 40-йилларга қадар ўн йил давомида мактаб адабиёт мажмуналарида эълон қилиниб келганини яхши биламиз. Хислатнинг, бу асарлардан ташқари, Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини насрый, “Нон ва ҳалво” араб ва форс ҳикояла-

ри тўпламини эса шеърий йўл билан таржима қилганлиги ҳам маълум.

Хислат хассос лирик шоир бўлиши билан бирга ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Унинг бундай шеърлари 1922 йилдан бошлаб “Муштум“ журналида “Қуён“ ва “Пашмак“ муста-ор имзолар билан босилган.

Шундай бой билимга эга бўлган, ғазалари ўзбек ҳалқининг оғзидан тушмаган, ўз асарлари ва таржималари билан ёш авлодни шарқона ахлоқ ва одоб руҳида тарбиялашга интилган шоир ҳатто эл-юрт ўртасида шуҳрат қозонган йилларида ҳам оч-яланғоч қолиб, бола-чақасини боқиш учун дурадгорлик ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлди. У 1927 йилдан бошлаб тўрт йил “Сельмаш” заводи қурилишида, тўрт йил ёғоч ишловчилар заводида, уч йил пойафзал фабрикаси қурилишида дурадгор уста бўлиб хизмат қилди. Ҳолбуки, у шу йилларда ҳам жадид адабиётининг вакили сифатида ёшларни ўқишига, замон билан баравар одим отишга даъват этувчи шеърлари билан ҳалқи ва ватанига астойдил хизмат қилаётган шоир эди:

Ўқинг, фарзанди зебосиз, замон сизларга хўб боқди,  
Бўлинг аллома одам сиз, замон сизларга хўб боқди.

Ўтибдур кексалар умри басе кулфат, надоматда,  
Олинг ибрат бу ишдан сиз, замон сизларга хўб боқди.

Очили қанчалар дорилфунуну техникум, мактаб,  
Қилинг жаҳду жадаллар сиз, замон сизларга хўб боқди.

Замон Афлотуни тенгсиз муаллимлар бўлуб раҳбар,  
Қўйинг ихлос аларга сиз, замон сизларга хўб боқди.

Ҳар қандай ҳалқ ва мамлакатнинг келажаги ёшлар қўлида эканини яхши билган шоир уларнинг маънавий баркамол, замонавий илм-фан ва техникани мукаммал эгаллаган кишилар бўлиб улғайишларини орзу қилган эди.

Шу ўринда Чўлпон ва унинг замондошларига бағишлиган ёдномалари билан 20-йиллардаги адабий ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни бойитган Қодир Норхўжаевнинг ҳам Хислат билан бўлган мулоқотларидан бир шингил келтириш айни муддаодир. Таниқли геодезист олимнинг ёзичиша, Хислат бир учрашувда унинг, бир томондан, Номиқ

Камол сингари турк, иккинчи томондан, Чўлпон, Элбек, Боту сингари ўзбек шоирларининг шеърлари билан таниш эканлигидан хабар топгач, шу учрашувнинг индинига яна у билан кўришгани келган. “Қўлларида, – деб ёзган эди Қодир Норхўжаев, – *Навоий ва Фузулий девони*. Бўш хотага кириб ўлтиргач, “Бу китоблар билан танишинг”, – деб қўлимга бердилар. Мен китоблардан бирини олиб, очиб танишгач, “Бу, Алишер Навоий девони экан”, – деб варақладим. “Бир еридан ўқиб кўринг”, – дедилар. Мени синамоқчи бўлдилар, деб ўйладим ва китобни олдим. Китобнинг титул бетида: “Амир Алишер Навоий”, деб ёзилган, Петербургнинг рухсати билан 24 март 1893 йили Каменск тошбосмасида Тошкентда босилган. Китоб варагини очиб, иккинчи бетини ўқидим. Унда Навоийнинг машҳур ғазаллари бор экан, ўқидим:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим санго,  
Не балолик кун эдиким, ошно бўлдим санго.

Кейин қўлимга Фузулий девонини бердилар. Унинг титул бетида “Девон мавлоно Фузулий маъ Лайли-Мажнун”, деб ёзилган. Бу ҳам Каменск тош босмасида Петербургнинг 23 август 1893 йил рухсати бўйича босилган... Бунинг ҳам варагини очиб, иккинчи бетини ўқидим. Шеър (ғазал) шундай бошланади:

Ё раб, ҳамеша лутфингни эт раҳнамо банго,  
Кўстарма ул тариқи ки тамиз санго манго.  
Қатъ айла ошнолигим андаки гайдир,  
Анжақ ўз ошноларинг эт ошно манго.

Хислат домла хурсанд бўлиб, елкамга қоқиб қўйдилар. Кейин: “Шу девонларни ўзингизда сақлаб, мутолаа қилиб юринг. Бу китоблар шаҳардаги Алиммат саҳобда бор. “Турон” кутубхонасидаги ошнангиз Абдулла Носировга айтсангиз, у топиб беради, мени айтди деңг”, дедилар...”

Хислат ўзининг шу саъй-ҳаракати билан 20-йиллар шароитида шакланаётган ёшларни фақат Чўлпон қаби замонавий ўзбек ва Номиқ Камол сингари турк шоирларининг гина эмас, балки Навоий ва Фузулий сингари мумтоз шоир-

ларнинг ижодларидан ҳам баҳраманд бўлишга даъват этмоқчи бўлган.

Хислат 1945 йил 8 июнь куни 65 ёшида оламдан ўтган. Унинг сўнгти манзили Тошкентнинг Шайх Зайниддин бобо қабристонида.

Бу ажойиб шоир вафот этган 1945 йилнинг 9 июнида “Қизил Ўзбекистон” газетасида бундай таъзиянома босилиб чиққан:

“Ўзбекистоннинг кекса шоирларидан бири Ҳайбатуллоҳ Хўжа Ориф Хўжаев – Хислат вафот этди. Хислат ўзбек классик поэзиясининг 20-асрдаги намояндаси бўлиб, 40 йилдан ортиқ умрини ғазаллар ёзиш ва форсий классик адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга бағишилади. Кекса шоир Хислатнинг “Найларам боғу чаман” каби 10 лаб ғазалари куйга солиниб, қарийб 40 йилдан бери ҳалқ оғзидан тушмай келади. Унинг сўнгти йилларда ёзган “Қандоқ қилай” каби ғазалари ҳам ҳалқ орасига сўйилиб кўйланади. Хислатнинг ғазалари Муқимий, Фурқат каби севимли шоирларимизнинг асалари билан бир қаторда 20-асрнинг биринчи чорагига тошбосмада нашр этилган ҳам кўлёзмалар шаклида кенг тарқалган. Ўз девонлари ҳам “Армуғони Хислат” ва “Девони Хислат” исми билан машҳурдир.

Хислат ҳалқ ичида маърифатпарвар шоир сифатига танилди. Ўзбек адабиётини форсий тилидан қилган ўз таржи-малари билан ҳам бойитди. Озарбайжон ҳалқининг классик шоири Низомий Ганжавийнинг Хислат томонидан таржима этилган “Лайли ва Мажнун” достони кекса шоирнинг ўткир қаламидан далолат беради. Хислат адабиётшуносларимиз орасига энг ўткир бедилхонларимиздан бири эди.

Хислат 20-асрнинг бошларида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини наср йўли билан содда адабий тилда таржима қилиб, нашр этилган эдик, кенг ҳалқ оммаси Навоийнинг буюк асарининг мазмунини Хислат қалами орқали билар эди. Бундан ташқари, Хислат болалар учун ҳам “Мушук-сичқон” асарини ёзган. Бу асар кенг болалар оммаси орасига ўн йиллар давомига севиб ўқилиб келади.

Хислатнинг орамиздан кетиши ўзбек поэзияси ва унинг аҳмлари учун катта йўқотишдир. Ўзбек ҳалқи классик поэзиясининг традициясини ҳозирги кунгача давом этириб келган Хислатни ҳамма вакт ҳурмат билан эслайди”

Хислат ижоди ва шахсига нисбатан ўта хурмат билан ёзилган тъзвизиянома тагига Ойбек, Faфур Гулом, Яшин, Шайхзода, Миртемир ва бошқа қалам аҳллари имзо чекишиган.



## МИСКИН (1880–1937)

### Ҳаёти ва ижоди садифалари

*XIX* аср охири – XX аср бошлирида Тошкентда шаклланган адабий муҳит Сидқий Хондайлиқий, Камий, Тавалло, Хислат, Мискин сингари забардаст шоирлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири жадид адабиётининг муҳташам иморатига ўз “фишт”ларини қўйган. Афуски, бу адабий муҳит ва унинг намояндалари ҳақида Мўминжон Муҳаммаджонов (Тошқин) нинг Тошкент шоирлари тўғрисидаги катта илмий қимматга молик рисоласи мавжуд бўлишига қарамай, бу рисола ҳанузга қадар эълон қилинмай келади. Шунинг учун ҳам биз миллий уйғониш даври ёки жадид адабиётининг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур шоирлар ижоди тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмасмиз. Уларнинг бир қисмини, умуман, ёдга олмай келаётганимизнинг боиси ҳам худди шунда.

XX аср бошлирида Мискин тахаллуси билан машҳур бўлган, сўлим ғазалларига басталанган ашулалар тўй-ҳашамларни безаган шоир 1880 йили Тошкент шаҳрининг Чорсу маҳалласида дунёга келган. Унинг асл исм-шарифи Гуломхалил Тошмуҳаммад ўғли бўлса-да, чап оёғида қўш бармоғи бўлганлиги учун Мулла Қўшоқ номи билан кўпроқ машҳур бўлган. Мулла Қўшоқнинг отаси Тошмуҳаммад aka Темирчилик ҳунари орқасида рўзгор тебратган ва ўғли 10 ёшга тўлганида фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилган. Отадан етим қолган икки фарзандини боқиб катта қилишга кўзи етмаган Хосият хола бошқа бир кишига турмушга чиқади. Аммо ўтай отанинг уйида Мулла Қўшоқ ҳаётининг ғариб ва ўксик кунлари бошлангач, тоғаси Ҳошим новвой уни ўзи-

нинг меҳр-шафқатли бағрига олади. Шу кундан бошлаб Мулла Кўшоқ Ҳошим аканинг Девонбеги маҳалласидаги ҳовлисида яшайди ва унинг Расул исмли ёлғиз ўғли билан баландмас-жидлик домланинг қўлида хат-ёзувдан сабоқ олади.

Атоқли адабиётшунос Азиз Қаюомовнинг падари бузруквори Пўлатжон Қайюмий мумтоз ўзбек адабиётидаги гўзал бир анъанани давом эттириб, “Тазкирайи Қайюмий” деган асар ёзган. Яқинда нашр этилган ана шу “Тазкирайи Қайюмий”да Мискиннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бундай мухтасар маълумот берилган:

*“Бу киши Тошканг шаҳриданур. Номи Мулла Кўшоқ бўлуб, Тошмуҳаммағ ўғлисур. 1880 йилда темирчи-косиб оиласига дунёга келмишдур. 12 ёшинда отаси вафот этиб етим қоладур. Уста Ҳошим номли новвой амакининг тарбиясинда қолмишдур. Отса касбининг эта олмай, хабардор бўлса ҳам фойдалана олмайди. Нон сотиш ва баққолликда ҳам бўлди. Амакиси бўлганда ўқимоқда ҳам давом этар эди. Мадрасага ҳам таълим олишга муяссар бўлса ҳам, давом этмади. Адабиётга ҳаваси зиёда эди. Тошканг шоирларига эргашиб бошлаб сал вақтда шуҳратли шоир бўлуб танилди.*

Машҳур мулла Тўйчи ҳофиз оғзидан Мискиннинг ғазаллари эшишила бошлади. 1914 йилда чиқарган ёзма баёзларда ашъор кўрулди. Ҳўқанг шаҳрида бир кўча Мискиннинг номига эди. Инқилобдан кейин шоирнинг адабий фаолияти яна зиёдалашди. Ниҳоят, шоир 1937 йилда вафот этган (57 ёшинга)”.

Пўлатжон Қайюмийнинг бу сўзларида биз учун баъзи бир янги маълумотлар йўқ эмас. Хусусан, унинг Кўқон шаҳрида Мискин номи билан аталган кўчанинг бўлганлиги тўғрисидаги маълумоти тошкентлик шоирнинг овозаси Фарғона водийсига қадар етиб борганидан шаҳодат беради. Балки бу ҳол – Мискин номининг Кўқон кўчаларидан бирига берилишининг тарихи бордир. Аммо Домулла нима учундир бу фактни шарҳлашни лозим кўрмаган.

Мулла Кўшоқнинг болалиқдаги дўсти Рихситилла бобо ўтган асрнинг 60-йилларида сухбатдоши Зухра Толиповага шоир ҳақидаги хотираларини сўзлаб, бундай деган эди:

*“Девонбеги маҳалласига яшовчи камбағал меҳнаткаш Ҳошим новвой ўн-ўн тўрт ёшлик Кўшоқжонни асраб олиб тарбиялади.*

Қора түрдан келган, паст бўйли, каттароқ думалоқ бошли Кўшоқжон билан мен дўст-аҳил бўлиб ғолик. Иккимиз бир кўчага яшадик.

Ҳошим ота жуда сахий, камтарин киши бўлиб, ўғли Кўшоқни ҳам тўғри ва ростгўй киши қилиб етишишига интилди.

Зеҳндор Кўшоқ, отаси кутганидек, меҳнаткаш, ҳаракатчан, тиришқоқ бўлиб тарбия тонгу. Ҳошим ота ўғлиниң ўқимишили бўлиши учун қайғурди ва уни эски мактабларда, мадрасаларда ўқитди. Кўшоқжон ҳам меҳнат қилди, ҳам ўқиб илми бўлди... ”

Шу ерда Риҳситилла бобонинг сўзларини бўлишга тўғри келади. Зероки, унинг бу сўзларини ўқиган китобхон Ҳошим новвойни, чиндан ҳам, Мискиннинг отаси, деб ўйлаши мумкин. Гап шундаки, Ҳошим аканинг бирдан-бир фарзанди Расул, Мўмин Муҳаммаджонов берган маълумотга қараганда, оғир хасталикка чалиниб, 1897 йили вафот этган. Мусибат азобини кўтаролмай, қаттиқ қайғу ва аламга ботган Ҳошим aka Мулла Кўшоққа таяниб қолиб, уни ўғлиниң Нориниса исмли хушбичим хотинига уйлантириб қўяди. Мулла Кўшоқ шу вақтдан бошлаб Ҳошим новвойнинг ўғли сифатида унга меҳр-муҳаббат кўрсатиб, садоқат билан хизмат қиласди:

“Мулла Кўшоқ отасининг, — деб давом этади Риҳситилла бобо, — Баландмасжиdda кичкинагина дўкончаси бўлиб, маҳалла аҳолиси ундан ўзига керакли майдо-чуйдаларни ҳарид қиларди. Кейинчалик кексайиб қолган ота дўкондорликни Мулла Кўшоққа топширди. У дўкондорлик билан чегараланиб қолмади. Кўпроқ ағабиётига қизиқиб кетди. У ўз дўконига доим шоирлар билан сұҳбатлашиб ўтирад, ёзган шеърларини уларга ўқиб бериб, камчиликларини тузатишга ҳаракат этарди... ”

Мулла Кўшоқ хат-саводини чиқаргач, Кўкалдош мадрасасида таҳсил олган. XIX аср охири — XX аср бошларида юқорида номлари тилга олинган тошкентлик шоирлар Комилбек Камий бошчилигида шеърхонлик қилиб, ўзларининг дастлабки машқларини устоз назаридан ўтказганлар. Мулла Кўшоқнинг Мискин тахаллусли дастлабки ғазаллари ҳам шу ерда майдонга келган.

“Мискин” фақат фақир, бечора, баҳтсиз маъносини ифодаловчи арабий сўз бўлибгина қолмай, мақом услуби ва шаклларида яратилган кўй ва ашула йўлларини ҳам англа-

тади. Эҳтимол, шоирнинг дастлабки ғазаларидан бири шундай йўлда ёзилгандир. Лекин аксар муаллифлар Мулла Кўшоқнинг шу таҳаллусни танлашига “Мискин” сўзи билан шоир ҳаёти ўртасида маънавий яқинликнинг борлиги ни сабаб ҳисоблайдилар. Агар Мискиннинг ўша йилларга оид ғазалларини ўқисак, чиндан ҳам, улардан мунгли ва мискин нидо таралиб тургандек туюлади. Мана, бир мисол:

Зое айлаб ғамза тийрин отма кўп бегонага,  
Ногаҳондин тушмасин ўт бизни фурбатхонага.

Юз ўтирсан гар чашмингга бир гадоинг бўлмишам,  
Кўз учida бир карам эттил мен девонага.

Эй кўзи жаллоди қотил, қошлари тифи дирам,  
Ўлдурур бўлсанг мени, жон садқа сен жононага...

Ишқий мавзудаги бундай ғазаларида шоирнинг ночор ва аянчли аҳволи ўз тасвирини топади. Ғазалнинг дастлабки сатрида пайдо бўлган мискин туйгулар камалаги ёрнинг илтифотсизлиги туфайли азоб чекаётган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари билан тулашиб, алангланиб кетади.

Мискин Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўрган йилларида ҳам, кейин ҳам шу руҳдаги кўплаб ғазал ва мураббаларни ёзади.

1905 йилги рус-япон уруши рус қуролининг мағлубияти билан тугайди. Мустамлакачи давлатнинг кўкраги ерга текканини кўрган жадидлар келажакка катта умид билан қараб, турли-туман янги газеталарни нашр этишга киришадилар. 1907 йил 1 декабрда Абдулла Авлоний муҳаррирлик қилган “Шуҳрат” газетаси матбуот юзини кўради. Тепасига: “Ҳафтада икки мартача чиқадиган миллий, адабий, фанний, сиёсий газетаи туркиядир”, деган сўзлар битилган газета Мискиннинг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этиб, у бу қувончли воқеани “Ражои ожизона” (“Ожизона умид”) шеъри билан кутиб олади.

Миллат ишиға доим ул турфа меҳрибони,  
Миллат йўлида парво қилмас, тўкулса қони,  
Миллат сўзини сўзлар шакарфишон забони,  
Миллатни ошкора айлар, бўлса неки ниҳони,  
Ёрон, ўқунглар олиб, роҳат бу жона “Шуҳрат”

Шоир шу жадидона рух билан бошланган мухаммасидан кейин ҳам мазкур газетада ва бошқа нашрларда миллат-парварлик ва маърифатпарварлик ғоялари балқиб турган шеърларини эълон қиласди. Лекин жадидларнинг, шу жумладан, ўзининг ҳам миллат ва ватан дея куйиб-куйиниб ижод қилаёттанига қарамай, жадидларнинг бундай оловли сатрлари сувга отилган тошдек беиз кетаётганидан, халқ оммасининг миллатпарвар кишилар ортидан эргашмаётганидан ўксиниб, шоир ёзади:

Оҳ! Миллат, еб ғамингда куйди жоним, кимга деяй?  
Бир эшитмайсан фифоним, бу фифоним кимга деяй?

Дарди ҳажринг торта-торта тархи рангим ўлди зард,  
Мен сенинг қайғунгда доим, бағри қоним, кимга деяй?

Не бўлур бир йўл қарамдин арзима тутсанг қулоғ,  
Сендин ўзга ҳасрату рози ниҳоним кимга деяй?..

Мискиннинг бундай жадидона ғазалларини ўқир эканмиз, қалби турмуш ташвишлари билан садпора бўлган шоирнинг бутун ижодий умри давомида халқ дарди, ватан тақдиди билан яшаганини кўриб, ҳайратта тушамиз. Унинг ҳам, худди Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Тавалло сингари, миллий уйғониш жарчиларидан бири сифатида ўз шеърлари билан бонг урганидан кўнглимиз юксалиб кетади. Мискин ижодини Муқимий, Фурқат ва жадид шоирлари ижоди билан боғловчи ана шу ҳолни кўрган Ойбек тошкентлик бу истеъдодли шоирга нисбатан айрича меҳр туйган ва у ҳақда бундай ёзган эди:

*“Шоир Авлоний, Завқий, Камий, Мискин шеърлари ҳурриятпарварлик ҳисси билан сугорилган. Улар ҳалқни тараққиётга даъват қилдилар, нодонликни, жаҳолатни қораладилар, ҳаётни ислоҳ этишга чақирдилар. Мискин “Биз қандай ҳолдамиз” деган шеърида ҳалқни ўқишига тарғиб қиласди:*

Йиғла, эй кўз, ҳолимизга, дам-бадам сен энди қон,  
Жаҳл домига асир ўлдук илмсизлик билон,  
Ўзга миллат илм учун сарф айлаюрлар молу жон,  
Биз ажаб чойхонаю майхонада айлаб макон...”

Шоир “Йигла, эй кўз, ҳолимизга... сўзлари билан бошланувчи мусаддасида халқ ва мамлакат ҳаётидаги ҳамма нуқсон ва иллатларнинг илмсизлик туфайли содир бўлганини айтиб, бундай ёзади:

Илм эрур бешак, билингиз, дардимизнинг чораси,  
Илмсиз битмас маразу жаҳлимизнинг яраси,  
Илм ила бўлғай мусаффо кўнглимизнинг қораси,  
Гулдин ортиқ, илгимизга кирса илмнинг хораси,  
Илма айлайлук тарафдуд, вақт ғанимат, дўстон!  
Илм ила, Мискин каби, вайроналар бўстон!

Кўрамизки, ўтган асрнинг 10-йилларида маърифатпарварлик куйларини баралла чалган ўзбек шеърияти оркестрида Мискиннинг ҳам ўзига хос ёқимли овози жаранглаб турган.

Мискин шеърларида халқ тақдири билан куйиниш ўзининг ночор аҳволидан нолиш оҳанглари билан туташиб кетган. Шоирнинг аксар шеърларида мунгланиб, фифонланиб турувчи ана шу оҳанг туфайли китобхон унинг мاشаққатли тақдирини, қалбида қонли изларни қолдираётган турмуш ҳодисаларини яққол кўриб тургандек бўлади:

Йиғламай найлай бу кун, девонадурман айрилиб,  
Сабру ҳушу ақлдин бегонадурман айрилиб.

Волау шайдо бўлуб, айлар ишимни билмайин,  
Телбалардек халқ аро мастонадурмен айрилиб.

Сийна чоку дийда ғамноку паришонҳол ўлуб,  
Жон ҳазин, хотир ғамгин, гирёнадурман айрилиб...

Мискин шеърият оламига кира бошлаган йилларда Тошкент шоирларининг сардори Каримбек Камий бўлиб, у бошқа шоирлар қатори, Мискинга ҳам устозлик қилган. Мискиннинг Шайхонтаҳур кўчасидаги дўкони фақат харидорлар эмас, айни пайтда шоирлар билан ҳам гавжум бўлган. Шу ерда улар устоз шоирларнинг шеърларига хос бадиий нафосат ҳақида баҳс юритиб, ўзларининг ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган ғазалларини ўқиб, муҳокама қилишган. Риҳситтла бобонинг хотирлашича, Мискин “ўз дўконига доим шоирлар билан суҳбатлашиб ўтирас, ёзган шеърларини

уларга ўқиб бериб, камчилигини тузатишга ҳаракат этарди. Үнга Тошкентнинг машхур шоирларидан мавлоно Камий кўмаклашарди, ижодига чин юракдан ёрдам берарди. Камий Мискиннинг дўйончасига келиб турар ва ёзган ғазаллари ҳақида йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берарди... Устоз Камий шогирди Мискинга: “Ҳаётни кузат, ҳар хил тоифали кишилар билан сұхбатлаш, ҳар бир воқеани чуқур билиб ол. Сўнг уни ёzsанг, юракка тегадиган бўлади, дерди. Мискин туну кун ўз устида ишлар, устозининг маслаҳатига амал қиласарди”.

Замондошларнинг айтишларига кўра, Мискин ҳар томонлама қийналиб, изтироблар оғушида яшаган. У, бир томондан, иқтисодий танглик шароитида турмуш тебратган бўлса, иккинчи томондан, ҳусн-жамолда бекам-кўст аёлга уйланганига қарамай, ундан фарзанд кўрмаган. Эрининг шу борада дард-алам чекаётганини кўрган Нориниса, таниқли адабиётшунос олим Бегали Қосимов берган маълумотга қаранганд, унинг бошқа бир аёлга уйланишига розилик беради. Мискин 20-йилларнинг аввалида Тўхтабуви деган аёлга уйланиб, ундан уч ўғил кўради. Афсуски, унинг тўнғич фарзанди Султонмурод болалик кезларида вафот этиб, ота қалбини бир умрга жароҳатлаб кетади. Лекин шоир Оллоҳнинг Муҳаммаджон ва Аҳмаджон деган фарзандларни ҳам берганига шукроналар айтиб, яшашда давом этади.

Мискин танг аҳволда қолганида таниш хонанда ва со зандалар ёрдамга келиб, ундан ашулабоп ғазалларни ёзиб беришни сўрар ва бундай ғазаллар яратилган тақдирда уни совға-салом билан тақдирлар, тўй-ҳашамларда ижро этилган ва тингловчиларнинг олқишиларига сазовор бўлган бундай ашулалар унинг ўзига ҳам роҳат ва фароғатнинг бетакрор дақиқаларини инъом этар эди. Шундай дақиқаларда илҳом тулпори гижинглаб юборган шоир узоқ йиллар мобайнида манман деган ҳофизларнинг репертуарини безаб келган бундай умрбоқий мухаммасини ёзган:

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони изларман,  
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман,  
Ажиб бир тийра дилдурман, қамар сиймони изларман,  
Мани ишқида зор эттан қадди зебони изларман,  
Ўшандоқ офати жон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзицурман жаҳон гулзорини найлай,  
Анга кўнгулни олдурдим, бўлак дилдорини найлай,  
Деюрга сирри маҳрам йўқ, бу ғам изҳорини найлай,  
Маломат қилса қилсин эл, алар гуфторини найлай,  
Кечибман ори номусдан, ўшал барнони изларман...

Шундай гўзал ва ўлмас мисралар билан бошланган шеър “Тошкент ироғи” номи билан ҳамон ўзбек халқининг тўю маърракасини яшнатиб, обод қилиб келади. Биз бу ашулани тинглаганимизда, шоир дилини ўртаган туйфулар бизнинг хаёлимиизни олисларга олиб қочиб, кўнглимиз тубидаги унтилган яраларни очиб юборгандек, ота-оналаримиз, яқин аждодларимиз хотираси олдидаги бурчимиизни, армонларимизни ёдга туширгандек бўлади; кўзимиздан руҳимизни ювиб покловчи ёшлар отилиб чиқади.

Мискин ҳозир ҳам ана шундай ҳамон барҳаёт ашулаларнинг кумуш тўлқинларида яшаб келади.

Мумтоз куй ва ашулаларимизнинг икки қаноти бор: буларнинг бири бу куй ва ашулаларнинг оҳиста, майин ва нафис парвоз қилишига имкон берса (худди “Изларман”даги каби), иккинчиси бизни шўх ва ўйноқи ритмлар оламига олиб кириб, дилимиздаги фуборларни мусиқанинг оташин оҳанглари билан кўйдириб юборади. Мана, Мискиннинг шундай мураббаларидан бир шингили:

Кўрдим хатингиз, зебо санамлар,  
Қатлимга эркан ёзган рақамлар,  
Бераҳм айлаб бизга ситамлар,  
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Қош узра фарқни эгри қўярсиз,  
Ошиқларингиз бетиф сўярсиз,  
Соқий бўлибон майлар қуярсиз,  
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар...

Зебо санамларга муҳаббат туйфулари жўшиб турган бундай сатрларни ҳофизлар ижросида эшийтганингиз ёки ўқиганингизнинг ўзидаёқ қалбингиз беихтиёр рақсга тушиб кетгандек бўлади.

Кўплаб машҳур бастакорлар шоирнинг бири ўйчан, бири ўйноқи шундай шеърий дурдоналарига янги ҳаёт бағишлаб,

унинг мискин оламда, қисқа муддат бўлса-да, ҳаёт нашъасини туйиб яшашига имконият яратдилар. Чамаси, номи юқорида бир неча бор тилга олинган Риҳситилла бобонинг отаси Абдулла булбул Тошкентнинг шундай машҳур ҳофизларидан бири бўлиб, у ҳам Мискиннинг айрим шеърларига куй басталаб, шоирнинг эмин-эркин яшашига ўз ҳиссасини қўшган.

Баъзи бир манбаларда Мискиннинг икки девонга тартиб бергани айтилади. Унинг биринчи девони 1925 йилга қадар ёзган 200 дан зиёд шеърларини ўз ичига олган. Иккинчи девони эса шоирнинг 1925 йилдан кейин яратган 160 – 170 миёнасидағи шеърлардан иборат. Аммо бу ҳар иккала девоннинг кимнинг қўлида сақланиб келаётгани номаълум. Балки бу ҳар иккала девон ҳам алғов-далғов йилларида йўқолиб кетгандир. Ҳозир адабиётшунослар ихтиёрида Мискиннинг бор-йўғи 70 га яқин шеъри бор, холос.

Бошқа жадид шоирларида бўлганидек, Мискиннинг ҳам 20 – 30-йиллардаги ҳаёти ва ижоди тўғрисида бирор аниқ маълумот йўқ. Адабиётшунос Муҳсин Зокиров томонидан тайёрланган ва “Тошкент оқшоми” газетасининг 1967 йил 28 июль сонида эълон қилинган саҳифада эса унинг “1933 йилларгача маданий-оқартув ва маориф ташкилотлари”да ишлганлиги айтилган. Ҳатто шоирнинг ўғли, журналист Муҳаммаджон Қўшоқов ҳам отаси ҳақида бирор жўяли хотира ёзиб қолдирмаган. Фақат шу нарса маълумки, кекса шоирлар шаънига “пантуркист”, “феодал давр куйчиси” сингари турли таъна дашномлар айтила бошлаган йилларда Мискин ҳам четта суриб қўйилган. У ҳаётининг сўнгти йилларини тўшакда, фалаж ҳолда ўтказиб, қонли 1937 йилнинг ёз ойларида вафот этган. Ўша мусибатли кун арафасида шоирни зиёрат қилган санъаткорлардан бири – машҳур ҳалқ артисти Тамараҳоним санъатшунос Баҳриддин Насриддиновга бундай деган экан: “1937 йилда Мулла Қўшоқ домлани зиёрат қилгани Эски шаҳарга бордим. Мискин домла узоқ вақтлардан бери фалаж бўлиб, уйда ётардилар. У муҳтарам зотнинг бундай аҳволга тушганини кўриб, қаттиқ изтиробга тушдим, юмюм йиғладим. Наҳотки, эл-юргита шунча хизмат қилган одам мана шундай аҳволга тушса...”

Мискин бутун умри мобайнида турмушнинг қандай оғир синовларига дуч келган ва ҳатто умрининг сўнгги кунлари-

ни түшакбанд ҳолда ўтказган бўлмасин, бутун ҳаёти ва ижодини халққа бағишилаган, шу халққа руҳий ва маънавий озуқа беришга интилган, шу халқни олға етакламоқчи бўлган жадид шоирларидан биридир. Унинг ижоди, Ойбек ифодаси билан айтганимизда, “халқни тараққиётга даъват этган” ҳаётни, аниқроғи, сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётни “ислоҳ қилишга чақирган” жадид адабиёти тарихининг ўчмас саҳифаларидан биридир.

## ТАВАЛЛО (1882–1938)

### Ҳаёти ва ижоди саҳифалари

XX аср бошларида етишиб чиққан жадид шоирлари орасида Тавалло алоҳида ўринни эгаллайди. Ойбекнинг “Болалик хотираларим” китобида катта ҳурмат билан тилга олинган бу оташнафас шоир “Равнақ ул-ислом” шеърий тўплами билан шу давр шеъриятида янги бир саҳифани очди. “Кўпгина шеърларида ҳаёт лавҳалари, манзаралари яхши тасвир этилган”, “ҳажвий шеърларида эски одамларнинг тўй-ҳашамларини кўп танқид қилган” (Ойбек) Тавалло ўзининг содда тил ва услубда ёзилган шеърлари билан ўша даврда қарийб ҳар бир хонадонга кириб борди. Унинг халқ ва жамият ҳаётининг чиркин томонларини енгил ва нафис юмор билан тасвиrlаган шеърлари жадид шеърияting нинг халқчил ва айни пайтда курашчан шеърият бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Таваллонинг ҳаёти ва тақдири тўғрисидаги биографик маълумотлар яқин-яқингача бир-бирига зид фикрлардан иборат бўлиб келди. Хусусан, тошкентлик қатор мумтоз шоирлар тўғрисида қимматли маълумотларни берган Пўлатжон Қайюмий Тавалло ҳақида ўз тазкирасида бундай сўзларни ёзган:

“Бу киши Тошканг шаҳаридан. Жадидизм даврининг машҳур арбобларидан дур. “Туркистон вилояти газети”га элни



илем-маърифатга чақиравучи навҳали шеърлари босилиб турар эди. Сайрам қасабасига қози Байзо номли мозорли жойда яшаб, 1913 йилда вафот этди ва шул мозор қабристонига гафн қилинганд.

Шоир мавлоно Юсуф Сарёмийнинг шогирди бўлуб, унинг девонини тўплаб, босдирмишдур...”

Юсуф Сарёмий тўғрисидаги сўзларни истисно қилганда, “Тазкирайи Қайюмий”да берилган аксар маълумотлар, афускни, ҳақиқатдан анча узоқ.

Таваллонинг асл исм-шарифи Тўлаган Хўжамёров бўлиб, Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида дунёга келган. 1937 йил қатағони вақтида НКВД ходимлари томонидан шоирни ҳибсга олиш мақсадида тайёрланган маълумотномада унинг 1882 йили Тошкентда йирик савдогар оиласида дунёга келгани айтилган. Аммо 1937 йил 14 августда НКВД қамоқхонасида тўлдирилган маҳбуслик анкетасида эса унинг 1883 йилда туғилгани ва ўша вақтда Кўкча даҳасига қарашли Владимир кўчасидаги 32-йуда яшагани қайд этилган.

Тавалло ўзи туғилган Оби Назир маҳалласидаги эски мактабда хат-савод чиқариб, Тошкентнинг машҳур мадрасаларидан бири – “Бекларбеги”да, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. У 1900 йили отаси Хўжамёр Жиянбоевнинг маслаҳати билан Пржевальск шаҳрига бориб, Усмонбек Солиҳжонов исмли тадбиркорнинг қўлида гумашта (приказчик) бўлиб ишлаган. Шу даврда у тижорат илмини ўзлаштириш билан бирга рус тили борасидаги билимининг ҳам бойишига эришган. Тавалло 1909 йилда отасининг вафоти муносабати билан Тошкентга қайтади ва шаҳардаги савдо ширкатларидан бирида иш юритувчи бўлиб хизмат қилади. У шу даврдан бошлаб “Тавалло” тахаллуси билан шеър ва мақолалар ёзишга жиддий киришади. Шоирнинг 1913 йили Юсуф Сарёмий девонига ёзган шеърий муқаддимада айтишича, мазкур тахаллус унга чимкентлик устози томонидан берилган. У бундай ёзган:

...Эдим бу соҳиби девонга шогирд,  
Этардим хизматини аз дилу жон.

Тавалло деб тахаллус лутф бирлан  
Жаноби истади менга қўйилғон.

Эшитгач истадим риҳлатини,  
Оқиздим кўзларимдан ёш чандон.

Ажал андин асарлар қолдирибон  
Ўзин қилди қаро тупроққа пинҳон.

Очилди рўйи бирлан бу Тавалло.  
Деди тарихини “бир фунча девон”

“Бир фунча девон” сўзларида Юсуф Сарёмий вафот этган 1332 (1913) йил яширган бўлиб, мусибатдан қаттиқ мутаассир бўлган шоир устозиси олдидаги бурчини ўташ ниятида шу йили унинг девонини нашр этган.

Агар Таваллонинг Юсуф Сарёмий ва бошқа шоирлар билан “Бекларбеги” мадрасасида танишганини эътиборга олсак, унинг шеъриятга бўлган ҳаваси ва дастлабки шеърий машқлари талабалик даврида бошлангани, 1909 йили Тошкентга қайтганидан кейин эса тижорат ишларидан эркин пайтларида тошкентлик шоирлар билан яқин алоқада яшагани ва бадиий ижод билан мунтазам равишда шуғуллангани маълум бўлади.

Маълумки, 1913 йил охирларида А.Авлоний ташаббуси билан “Турон” жамияти ташкил этилган. “Турон” театр труппаси 1914 йил 27 февралда “Колизей” театри биносида “Падаркуш” спектаклини намойиш этган. Таваллонинг шу воқеа муносабати билан театр мавзууда ёзган бир эмас, 4 та шеъри унинг мазкур адабий-маърифий жараёндан четда турмаганини тасдиқлайди. 1914 йил 30 августда эса Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигидағи бир гуруҳ тараққийпарварлар, шу жумладан, Тавалло “Нашриёт” ширкатини тузадилар. Бу ширкатни тузишдан мақсад газета, журнал ва китоб нашр қилиш йўли билан аҳолини маърифатлаштириш, шунингдек, Европа маданияти ютуқларидан баҳраманд этиш эди. Ўз ҳаётининг маъносини худди шу нарсада кўрган Тавалло 1914 – 1916 йилларда жўшиб ижод қилди: мактаб ва маориф, матбуот ва театр соҳаларидағи янгиликларни чин дилдан олқишлиб, халқ ва жамият ҳаётидаги қуидагидек шармандали ҳолларни ҳажв ўти билан бартараф этишда ўзининг шоирлик бурчини кўрди:

Осмондаги сайёралар, боқғил, қаёнга боралар,  
Эй нафс ила авворалар, нечун билолмайсиз ҳануз?

Симсиз бирровлар сўзлашуб, миллат ғамини ўйлашуб,  
Юрганда сиз тўй-тўйлашуб, ҳеч бир ўёлмайсиз ҳануз.

Аскар отиб, бил, замбарак, борларни қилди бедарак,  
Сиз боғда чалуб тартарак, собқон отолмайсиз ҳануз.

Фирромофўн айлар садо, бир игна бирла минг наво,  
Фатсун олуб, эй бедаво, тинч ухлаёлмайсиз ҳануз...

Шоирнинг 1916 йили юртдошлари шаънига айтган бундай гина-кудуратли сўзлари аҳоли ўртасида катта акс-садо берди.

Тавалло, гарчанд М.Беҳбудий сингари дунё кезган шоир бўлмаса-да, бошқа халқларнинг қандай ижтимоий ва маданий шароитда яшаётганидан яхши хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз миллатининг ҳар томонлама аянчли аҳволда яшаётганини кўриб, нола қилган:

Фалак, бизга хабар бер, нечун безътибор этдинг,  
Жаҳонда барча эллар ичра бизни шармсор этдинг.

Жаҳолат риштасига банд этиб, раҳм этмадинг ҳаргиз,  
Фалокат ҳандақи узра бугун бизни дучор этдинг.

Шарорат ёмғурини ёғдуруб миллатни бошига,  
Адоват отиға отландуруб бизни сувор этдинг...

Шоир бундай шеърлари билан халқни миллий тараққиёт сари етаклаётган пешқадам жадид маърифатпарварлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Халқнинг ижтимоий, маданий ва руҳий ҳаётидаги иллатларни кескин фош этувчи шеърлардан иборат “Равнақ ул-ислом” тўпламининг чоп этилиши эса даврнинг адабий-ижтимоий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Халқ оммасининг мустамлакачилик зулми ва зулматидан хира тортган кўзларини очиш, уни сўнгти асрларда ўз қаърига тортган қолоқлик муҳитидан халос этиш учун аввало ўзи кечираётган турмушнинг аянчли манзараларини, ўзининг начор аҳволини, элу юртни чирмаб ташлаган жаҳолат ва

нодонлик печакларини унга яқдол күрсатиш лозим эди. Буни яхши тушунган Тавалло биринчи навбатда ҳажвий лирика имкониятларидан фойдаланишни үзига мақсад қилиб олди. Мумтоз адабиётимиздаги ҳажв санъати анъаналаридан янги тарихий-маданий шароитда маҳорат билан фойдаланиш ва давом эттириш санъатини мукаммал эгаллади.

Жонли халқ тилида “тескари замон”, “замон тескари бурилди” сингари иборалар мавжуд. Бундай иборалар ижтимоий силсилалар орқасида миллий маънавий қадриятларга фубор қўна бошлаган замонларда пайдо бўлган. Тавалло “Тескари ишларимиз ҳақинда” деган шеърини ёзган ўтган асрнинг 10-йилларида бундай иборалар янада оммалашган ва давр руҳи билан уйғунлашган эди. У тараққийпарвар шоир сифатида бу иборанинг нотўғри қарашлар асосида туғилганини айтиб, ўз фикрини бундай далиллаган:

Тескари, деманг, замон, бизнинг юришлар тескари,  
Элдин ибрат олмайин бизда турушлар тескари.

Қўйса гар миллат қадам, роҳи тараққий изласа,  
Дар маҳал доне ўлуб йўлдин урушлар тескари...

Йўқ, деманг, бизда муҳаррир, шоир, эй аҳбоблар,  
“Ой юзингдан,вой, кўзингдан” деб ёзишлар тескари...

Тавалло, бошқа жадид шоирлари сингари, нафақат Россия, балки Европа халқлари ҳаётидан, шу мамлакатлардаги илмий ва маданий ҳаёт янгиликларидан яхши хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам у Туркистон халқининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий қолоқлиқда яшаётгани билан асло муроса қила олмади. Қалбида мавжуд ачинарли ҳолга нисбатан исён алангалари гурлаган шоир халқ кўзига кўзгу тутиб, бу кўзгуда элу юрт турмушининг баъзи бир мудхиш лавҳаларини акс эттиришга катта эътибор берди. Чунончи, Тавалло “Европаликлар ҳунари бирлан бизларни(нг) ҳунаримизнинг фарқи” деган ҳажвиясида бундай ёзди:

Еврупо аҳли, сиз қулоқ тутингиз,  
Биз ҳунарлар ёзуб тонуштирамиз.

Келтурунг занбурак, қурол неча хил,  
Бизни сопқон ила отуштирамиз.

Афтомобиль арабангиз қайда,  
Хўқанд арба билан чопуштирамиз.

Биз билурмиз, сиз тўғри сўзни қули,  
Лекин биз ялғонлар қотуштирамиз.

Дўйстни душман эдуб, солиб ифво,  
Гап тошуб ўртага чоқуштирамиз...

Бу ҳажвияни ўқир экансиз, шоирнинг ўтган аср бошли-  
ридаги Туркистон халқига хос иллатларни шафқатсизлик  
 билан фош этгани ва шу йўл билан халқ менталитетидаги  
 қусурларга қарши ўт очганига гувоҳ бўламиз.

Ҳажв, сатира шу даврда Тавалло сингари шоирлар қўли-  
да шундай қудратли қурол вазифасини адо этдики, улар бу  
 қурол билан қолоқлик ва жаҳолатга қарши кураш майдо-  
 нига отилиб чиқдилар. “Равнақ ул-ислом”дан ўрин олган  
 шеър ва ҳажвиялар чойхоналар ва гап-гаштакларда ўқилиб,  
 уларда кулги остига олинган салбий ҳодисаларга барҳам  
 бериш чоралари кўрилди.

“Равнақ ул-ислом”ни вараклар эканмиз, нафақат 10-  
 ийларда шеърият муҳлисларининг эътиборини қозонган,  
 балки ҳозир ҳам foявий-бадиий фазилатлари билан бизни  
 ҳайратга солувчи кўплаб шеърларни учратамиз. Ўтган аср-  
 нинг 10-ийларида Туркистонда рўй берган ижтимоий  
 аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисалар, бу – Биринчи жаҳон  
 урушининг бошланиши ва “Садои Туркистон” газетаси ёки  
 “Ойна” журналининг дунё юзини кўриши бўладими, Исмо-  
 ил Гаспринский ёки Абдулла Тўқайнинг вафот этиши бўла-  
 дими – буларнинг барчасига Тавалло фаол муносабат бил-  
 дирди. Унинг шу даврда яратган шеърларини маърифатпар-  
 варлик ва миллий тараққиёт foялари ўзаро бирлаштириб  
 туради. Муаллиф уларда миллий уйғониш даврининг том  
 маънодаги оташин куйчиси сифатида гавдаланади.

1917 йил Февраль инқилоби натижасида “оқ подшо” тахт-  
 дан ағдарилди: жадидлар орзу қилган кун етиб келди. Аммо  
 сопқон отишни ҳам билмаган, тўй-тўйлашишдан бошқа дар-  
 ди, орзу-ҳаваси бўлмаган халқ яна қул бўлиб қолди; “оқ под-  
 шо” ўрнига “қизил подшочалар” – большевиклар келди.

Большевиклар эрк берилган тақдирда жадидлар яна халқ-  
 ни уйғотишда, мустақиллик сари етаклашда давом этишла-

ри мумкинлигини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар бундай кишиларни ўзларининг ашаддий душманлари, деб ҳисоблашди. Уларнинг совуқ муносабатлари натижаси ўла-роқ жадидлар совет даврида қаттиқ сиқувга олинди.

1917 йил воқеаларидан кейин Туркистонда турли сиёсий партиялар майдонга келди. Айрим жадидлар қатори, Тавалло ҳам сўл эсерлар партияси дастурини халқ манфатига яқин ҳисоблаб, шу партияга аъзо бўлиб кирди. Аммо у 1918 йилдаёқ эсерлар билан келиша олмаслигини сезиб, улар партиясидан бош олиб чиқди. Шундан кейин у бирмунча муддат Эски шаҳар ижроия қўмитаси, Туркистон ЧКси, Фаргона инқилобий трибунали, 1924 йилдан бошлаб ҳунармандчилик саноати касаба уюшмаси, қуруқ мевалар омбори, ширкатлар суғурта уюшмаси ва иттифоқ пахта тайёрлаш идорасида, 1935 йилдан бошлаб эса бир мунча муддат аҳолидан эски-туски нарсаларни йифиб, уларни қайта ишловчи корхоналарга етказиб берувчи ташкилотда ишлади. Куни кечак ўз шеърлари билан халқ ўртасида катта обрӯ-эътибор қозонган истеъдодли шоир ана шу тарзда сўниб, сўнибгина эмас, хор бўлиб яшади. Жамият ўртасида қадр-қимматини йўқотган Тавалло, айниқса, севимли фарзандининг вафот этганидан кейин аламидан ичкиликка берилди.

Тавалло 20 – 30-йилларда ҳам ҳажвий шеърлар ёзишда давом этган бўлса-да, “Муштум” журналида “Мағзава” таҳаллуси билан эълон қилган шеърларида “Равнақ ул-ислом”даги шеърларга хос ҳажвий порлоқлик ва бадиий жозиба кўринмайди.

1937 йил ўрги ўзбек адабиёти бўстонидаги сара гулларни ўра бошлаганида, Тавалло совет давлати учун Фитрат ёки Чўлпондек хавфли бўлмаган. Унинг юлдузи аллақачон сўнган эди. Лекин у ор-номус кишиси бўлгани учун совет мамлакатида рўй бераёттан воқеаларга лоқайд қараб тура олмади.

Таваллонинг кўча-кўйда айтиб юрган гапларини тегишли идораларга оқизмай-томизмай етказиб юрган кимсалар ёрдамида 1937 йилнинг июнь-июль ойларида Ўзбекистон НҚВДсида бундай маълумотнома тайёрланган эди:

“ХЎЖАМЁРОВ Тўлаган, 1882 йили Тошкентда туғилган, оиласи, иирик саводогарлардан, ўзбек, адабиётчи ва матбубот ходими, партиясиз.

“Миллий иттиҳод” миллатчилик аксилиниқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси. Таниқли миллатчи, аксилиниқилобчи арбоблар Мунаввар қори ва отиб ташланган Қосимов (ЎзССР Олий Судининг собиқ раиси) билан яқин алоқада бўлган. 1930—1931 йилларда босмачиларга ёргам берган...

1926 йилда матлуботчилар жамиятидан 6500 сўмни ўғирлагани учун 5 йилга кесилиб, партиядан ўчирилган<sup>1</sup>

Советларга қарши кайфиятда бўлгани учун аксилиниқилобий-миллатчилик руҳидаги қараашларни доим баён қилиб юрган, ВКП(б)нинг миллий республикалар бўйича сиёсатини мустамлакачилик сиёсати, деб баҳолаган ва шу ҳақда бундай сўзларни айтган:

“Ўзбек халқи аҳлсизлиги, қўрқоқлиги орқасига қизил қулликка тушиб, шармандали бир ахволда қолди. Халқнинг сабр косаси тўлди, энди у Совет ҳокимиютига қарши бош кўтариши лозим. Агар инқилоб бизни шундай ахволга олиб келишини билганимда мен бошим билан унга қарши курашган бўлар эдим”.

Бошқа бир сафар у бундай деган:

“Мамлакатимиз – хом ашё бозори. Таёёрлаш биздан, искеъмол қилиш эса бошқалардан. Биз четдан олиб келинган қора нонни кавшаб яшаемиз. Ўзимизнинг оппоқ унимизни эса четга олиб кетишмоқда. Аммо четдагилар бизнинг унимизни денгизга тўкиб ташлашмоқда”

У йифинларда қар доим советларга қарши иғводан иборат латифаларни тарқатиб юрибди”

Мазкур маълумотнома асосида 1937 йил 7 августда Таваллони қамоққа олиш ҳақидаги қарорга, 10 августда шу ҳақдаги ордерга имзо чекилди. 14 августда эса НКВД ходимлари Эски шаҳарнинг Владимир, яъни Дунёни забт эт деб аталған кичик кўчадаги 32-уйга келиб, алламаҳалгача тинтув ўтказдилар. Сўнг забардаст жадид адабини олиб кетдилар. Тавалло сўл эсерлар партиясига аъзо бўлганлик, Осипов қўзғолонида иштирок этганлик ва советларга қарши ташвиқот олиб борганлиқда айбланди.

Тавалло қамоққа олинган вақтда оиласи 40 ёшли хотини Зухра Миёрова, 11 ёшли қизи Санобар, 16 ёшли ўғли Мақ-

<sup>1</sup> Маълум бўлишича, Тавалло 1926 йилда матлубот молини улгуржи сотгани учун унга 4 йиллик қамоқ жазоси берилган, аммо Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан афв этилган.

суд ва турмушга чиқиб, Бухорода яшаётган 34 ёшли қизи Раҳбар Расуловадан иборат бўлган.

Тавалло 15 август куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида йирик чорвадор оиласида туғилиб, 5 йиллик эски мактабни ва рустузем мактабининг 5-синфини тутатгани ҳамда тошкентлик таниқи фабрикант Альберт Губнернинг қўлида гумашта бўлиб ишлаганини айтган. Яна шу сўроқ қайдномасидан маълум бўлишича, шоирнинг отаси 1909 йилда вафот этган. Тавалло терговчига 1915 – 1919 йилларда “Турон” жамияти фаолиятида ҳаваскор артист сифатида иштирок этганини эътироф этган бўлса-да, “Шўрои ислом” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотларига аъзо бўлгани, шунингдек, 1917 йили Дорер ва бошқаларни большевиклар чангалидан озод қилишда қатнашганлиги ҳақида маълумотларни рад этган. Аммо “Миллий иттиҳод” ташкилотининг раҳбарларидан бири Салимхон Тиллахоновнинг 1930 йилдаги тергов пайтида берган кўргазмасига қараганда, у сиёсий фаолиятини “Мусовот” партиясининг аъзоси сифатида бошлаган, сўнгра “Турк адам марказият”, кейин эса “Миллий иттиҳод” ташкилотларида давом эттирган. С.Тиллахоновнинг шаҳодат беришича, Тавалло Низомиддин Хўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқалар билан яқин алоқада бўлган. Тарғиботчилик ва ташкилотчилик ишларига чечан бўлган Тавалло газета ва журнallарда “миллатпарастлик руҳи”даги кўплаб шеър ва мақолаларни эълон қилган. У гарчанд катта билимга эга бўлмаган бўлса ҳам, сиёсий жиҳатдан шакланган киши эди. У ҳар бир масалани тез илғаб олиб, шу масала бўйича баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этган. Айниқса, ёшлар ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Салимхон Тиллахоновнинг яна маълумот беришича, “Сабзазор” тўпламига кирган аксар шеърлар Тавалло қаламига мансуб бўлган.

Ўша йилнинг 21 август куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида бошқа бир маҳбус – Йўлчи Иброҳимов Таваллонинг миллионер чорвадор оиласида туғилгани, инқилобга қадар ўзи ҳам Хитойда яшагани ва у ердан 30 – 40 минг бош қўй юбориб, отаси қатори чорва савдоси билан шуғуллангани ҳақида кўргазма берган.

Йўлчи Иброҳимов сингари маҳбусларнинг тергов пайтида берган аксар кўргазмалари терговчилар таҳриридан ўтган бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам 1937 – 1938 йилларда

эмас, балки 1968 йилда сталинча қатағон қурбонларини оқлаш пайтида берилган қўргазмаларда Тавалло ҳақидаги ҳақиқат зарралари юзага чиққан, десак хато бўлмайди.

Чунончи, Таваллонинг маҳалладоши Нуриддин Салимов 1968 йил 13 август куни берган қўргазмасида 1937 йилда берган қўргазмасининг терговчи томонидан ёзилганини алоҳида таъкидлаб, бундай деган: “Хўжамёров саводли, тараққийпарвар киши эди. У камбағалларни ҳурмат қиласар, уларга ҳамма масалада ёрдам берар ва айни пайтда бойлар, амалдорлар ва дин арбобларини танқис қиласарди. У табиатан қувноқ, одамохун киши эди... Аммо 1932–1933 йилларда Хўжамёровнинг ўғли вафот этганидан кейин, Тўлаган ала-мидан ичкиликка берилди...”

Шоир яшаган маҳалла комиссияси раиси Мажид Ҳусанбоев эса 1968 йил 9 сентябрдаги тергов пайтида бундай сўзларни айтган:

“Октябрь инқилобидан кейин Совет давлати учун оғир йилларда бир замонлар Олим қори бойга тегишили бўлган уйда Хўжамёровнинг гайрат ва шиожоати билан камбағалхона ташкил этилди. Маҳалламиизда очилган бу уйда у камбағаллар ва оч-яланғочлар учун овқат беришини ташкил этиди ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратди...”

1918 йил Хўжамёровнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Торкўчадаги маҳалламиизда биринчи мактаб очилди. Кейин, ўқувчилар сонининг ўсиши билан, Хўжамёров 1924 йилда мактабни Совет ҳокимияти томонидан мусодара этилган уйга кўчирди. Ўша мактаб ҳудудида кейинчалик янги бино қурилиб, “Известия” мактаби шу бинога жойлашди”

Маълум бўлишича, маҳалла аҳолисининг розилиги ва маҳалла комиссиясининг қарори билан мазкур мактабнинг эски биноси 1924 йилда Таваллога олиб берилган. Аммо бирорвнинг ҳақига хиёнат қилувчиларни ёмон кўрган шоир уй соҳибининг меросхўрларига уйнинг пулини тўлаб, уларни рози қилган.

Мажид Ҳусанбоев кўргазма берища давом этиб, яна бундай деган: “Менга шу нарса яхши маълумки, Хўжамёров маҳалла аҳолиси ўртасига тез-тез бўлиб, чойхонага уларга қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб берар эди. Унинг барча сўзлари ва ҳикоялари бир нарсага бориб тақалар – у ҳаммани илм-фани эгаллашга чақирап эди...”

Ана шундай камбағалпарвар, илмпарвар, ҳақиқатпарвар шоир большевиклар замонида хор-зор бўлибгина қолмай, “халқ душмани” деб ҳам эълон қилинди.

У мудҳиш йилнинг 19 октябрида отишга ҳукм қилинди. Шахсан унга тегишли мол-мулк эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

30-йилларга қадар тирик қолган жадид шоирнинг ҳаёти ана шу тарзда фожиали якунланди.

Тавалло машҳур татар шоири Абдулла Тўқай вафотининг бир йиллигига бағишланган шеърида дил орзуларини изҳор этиб, бундай ёзган эди:

Ҳар замон дод айлаюман шеъра танқид айлаюб,  
Афв қилғил, ёзаман тутганда мажнуниятим.

Ҳар замон ёд этса миллат бизни Абдуллодек,  
Шул манга иқболу мақсад, бахту масъулиятим.

Миллатим, миллатим, бир яхши хизмат қилмадим,  
Қил садо, бошимга кел, кетсун бошимдан ғафлатим...

Шоирнинг бу армони Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кунларда рӯёбга чиқди. Ўзбек халқи Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат сингари миллат деб жон куйдирган, унинг ҳур ва эркин ҳаёти, фаровон ва нурафшон келажагига талпиниб яшаган шоир фарзандини асло унутмайди.

## ҲОЖИ МУИН (1883–1942)

### Ҳаёти ва ижоди саҳифалари

Миллий уйғониш даври адабиёти ва санъатининг порлоқ юлдузлари орасида яна бир юлдуз бор. Бу, Ҳожи Муиндир.

Ҳожи Муин 1929 иили “Овози тоҷик” газетасида адабий ходим ва мусаҳҳих бўлиб хизмат қилаётган кезларида йўл қўйган техник хатоси учун уч йилга Сибирга сургун қилинган. 1932 иили Канск округининг Пугачан туманидаги



сургунгоҳдан омон-эсон қайтгач, орадан кўп ўтмай, 1937 йил тегирмони ишга тушиб, у 1938 йил 24 январда советларга қарши тарғибот ва жосуслиқда айбланиб, яна қамокқа олинган ва 1942 йил 21 июлда совет давлатининг Соликамск шаҳридаги азобгоҳларидан бирида жон таслим қилган.

Агар юқорида кўрганимиз Хислат ва Мискин сингари айрим шоирларни эътиборга олмасак, жадид адабиётининг қолган барча намояндалари совет давлати томонидан азоб-уқубатларга гирифтот этилиб, охири йўқ қилиб юборилган. Ҳожи Муин ҳам бу фожиали тақдирдан бенасиб қолмаган.

Ҳожи Муин 1883 йили Самарқанд шаҳрида, Гўри амир мақбарасидан эллик-юз қадам нарида, дўкондор оиласида дунёга келган. У 1937 йил 25 июлда болалари учун ёзиб қолдирган таржимаи ҳолида шу ҳақда қўйидаги маълумотни берган:

*“Мен 1883 йил 19 марта Самарқанд шаҳрининг Руҳобод гузарида дунёга келганман. Отам Шукрулло аввалда хизматчи ва сўнгра дўкондор бўлуб, 1895 йилда, 32 ёшида вафот этган. Онам Нусратой Бобокалон қизи отамдан беш ёш бурун 24 ёшида ўлиб кетган.*

*Бобом Мирсаййиг Муҳаммад Шариф ўғлиниң тарбияси-га қолганман. Бу киши Руҳобод гузарининг масжиидига имом-хатиб эди. 1902 йилда 76 ёшида вафот этди.*

*Бобомниң отаси Муҳаммад Шариф ўғли Самарқанддан 120 километр узоқда бўлган Кештут қишлоғидан бўлуб, амир Насрулло замонига Бухорода ўқиган ва сўнгра Самарқандга келиб, шунда мударрис бўлиб қолган ҳамда Руҳобод гузарининг масжиидига имом-хатиб бўлган. 1846 йилда 82 ёшида вафот этган.*

*Биз ҳаммамиз тожикмиз.*

*Мен 12 ёшимда хат-саводли бўлуб, 15 ёшгача ҳисоб илми-ни каср ва таноб қоидалари билан мукаммал суратда ўрган-дим. Шунинг билан бирликда 18 ёшгача арабча сарф, нахъ ва бир мунча диний илмлардан таҳсил этдим. 1901 йилдан бошлиб ўз машшатимни ўзим таъмин этишга мажбур бўлуб, икки усулага муаллимлик қилишга киришдим. 1903 йил август ойига Самарқанднинг Хўжанисбатдор гузарида усули жадид мактаби очиб, 1917 йил февралигача турли жойларда шу хизматда эдим. Бу муддатда мингтacha болаларни хат-саводли қилдим. Шунинг билан бир неча дарслик тўладим (ёздим де-*

моқчи. — Н.К.) ва пъесалар ёзиб бостиридим. Ҳамда 13–14-йилларда “Самарқанд” газетаси билан “Ойна” журналида бир муддат ишлагим. 1917 йилларда бир неча ой “Хуррият” газетасига ҳам агадай хизматда бўлдим. Октябрь инқилобидан кейин 1937 йил ўрталаригача “Меҳнаткашлар товуши”, “Таёқ”, “Зарафшон”, “Машраб”, “Овози тожик”, “Мулла Мушфиқий” ва “Қизил юлгуз” номли газета ва журнallарда ишлаб келдим”

Ҳожи Муин мазкур таржимаи ҳолини “Ижодий таржи-май ҳолим” деб номлаган. Шунинг учунмикан, у 1917 йилга қадар кечган ҳаётидаги муҳим бир воқеани тилга олмаган. Ҳолбуки, у 1916 йилда бошқа самарқандлик ёшлар билан бирга мардикорликка олиниб, ўша йилнинг ноябрь ойида Минск губерниясининг Новоборисов шаҳрига қора ишчи сифатида юборилган ва 1917 йил Февраль инқилобидан кейингина мардикорликдан қайтиб келиб, ўқитувчиларни тайёрлаш курсига ўқишига кирган, бинобарин, бу воқеа унинг хотирасидан асло кўтарилимайдиган воқеалардан эди.

Агар Ҳожи Муин таржимаи ҳолининг юқорида баён қилинган муҳим нуқталарига эътиборни қаратсак, унинг, биринчидан, етимлиқда улфайиб, турмушнинг аччиқ-чучукларини кўргани, иккинчидан, диний тарбия олгани, учинчидан, усули жадид мактабларида ишлагани, тўртинчидан, Туркистон жадидларининг отаси М.Беҳбудий билан “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналида ҳамкорлик қилгани ва бешинчидан, мардикорлик пайтида оқ-қорани таниб, ижтимоий онгининг ошгани маълум бўлади. Худди шу нарса Ҳожи Муин ижодий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб беради.

Ҳожи Муиннинг эътироф этишича, шеъриятта қизиқиш унда 11 ёшидан бошланган. Шу вақтда у Аҳмад Яссавий ва Машраб шеърлари таъсирида бўлган. 18 ёшга тўлганида эса шоир Васлий билан танишиб, хушхатлиги туфайли унинг шеърларини кўчириб берган, айни пайтда ўзи ҳам унинг таъсирида ғазаллар бита бошлаган. Бу воқеа 1905 йилда рўй берган. Аммо 1908 йили Самарқандда жадид-қадим можароси авж олганида, у “ошиқона ғазаллар ёзишни ахлоқ учун зарарли билиб”, устозидан узоклашган ва уни тарк этган. Шундан кейин у дастлаб “Наҳеф”, кейинроқ эса “Меҳрий” тахаллуслари билан миллий шеърлар ёзган.

Ҳожи Муиннинг 1914 йилгача яратган шеърларининг 4 таси ўзбекча, 2 таси арабча, қолгани эса тоҷикча бўлиб, у икки минг мисрани ташкил этган бу шеърларини саралаб, 1914 йил январида “Гулдастай адабиёт” тўпламини нашр эттиради. У шу йилларда озарбайжон шоирларидан Собир Тоҳирзода ва Муҳаммад Ҳодий Салимзода, турк шоирларидан Тавфиқ Фикрат, Абдулҳақ Ҳомид, Абдулла Жавдат, Номиқ Камол, Муҳаммад Амин асарларини “хушлаб мутолаа қиласи”

Агар Ҳожи Муин М.Беҳбудийнинг 1906 йили босилиб чиқсан “Мунтахаби жуғрофияи умумий” рисоласидан мутаассир бўлиб, ўзининг эътироф этишича, диний китоблардан ихлоссизланган бўлса, “Падаркуш” драмасининг 1914 йилда саҳналаштирилиши унинг шоирликни йифишириб қўйиб, саҳна асарларини яратга бошлишига сабабчи бўлган.

“Ойна” журналининг дастлабки соңида бундай хабар босилган эди:

“Беҳбудий жанобларининг оврупча тиётр ташкил қилиш борасигаги интилишлари амалга ошабурғон бўлуббур. Шу йилнинг 15 сентябрида ушбу тиётрни ташкил қилиш бўйича таъсис бўлур. Унга миллат фидойиларини, муаллим ва сармоядорларни лутфан таклиф қилур. Таъсис кенгаши Беҳбудий матбаасинда соат 17-00 да кечур”

М.Беҳбудий ва самарақандлик маърифатпарвар бой Акобир Шомансур ўғли раислигида ўтган таъсис кенгаши йифилишида 15 нафар “миллат ёшлари”, шу жумладан, Ҳожи Муин ҳам иштирок этадилар. Кўп ўтмай, Самарқанд шаҳрининг ҳозир Сайид Мир Барака номи билан аталган кўчасидаги уч қаватли бино ҳовлисида биринчи ўзбек пьесаси “Падаркуш”нинг repetициялари бошланиб кетади. Ҳожи Муин М.Беҳбудийнинг содик ва истеъодди шогирди сифатида труппа мудири ва суфлёр вазифасини бажаради. 1914 йил 15 январь куни эса “Падаркуш”нинг илк бор намойиш этилиши билан ўзбек театрининг шавкатли тарихи бошланади.

Шу тарихий кунда бахмал пардаси илк бор кўтарилган ўзбек театрининг М.Беҳбудийдан кейинги иккинчи ташкилотчиси Ҳожи Муиндир. Ҳожи Муин жадид драматургиясини ўзининг “Тўй” (1915 йили вафот этган Нусратилла Қудратилла ўғли билан ҳамкорлиқда ёзилган), “Эски мактаб – янги мактаб”, “Бой ила хизматкор”, “Жувонбозлик қурбони”, “Қози ва муаллим” каби пьесалари билан бойитди.

Хожи Муин юқорида тилга олинган таржимаи ҳолида драматургик ижодининг бошланишига доир бундай маълумотни берган: “Октябрь инқилобидан бурун жадидлар орасидаги энг муҳим саила – мумкин қадар тезрак янги мактабларни оммалаштириш ва ҳалқни оқартишидан иборат эди. Бунга эса мутаассиб муллалар билан уларнинг иғволарига алданган бир гурӯҳ қора ҳалқ тўсқинлик қиласидар. Шунинг учун 1915 йил охирларида шу мавзуга доир уч пардали “Эски мактаб – янги мактаб” номли пьесамни ёзиб, 1916 йилнинг январида бостирдим”.

Хожи Муиннинг шу сўзлари жадидларнинг XX аср бошлиаридағи воқелик учун ижтимоий муҳим бўлган масалаларни онгли равишда қаламга олганлари ва шу тарзда ҳалқ ва жамият ҳаётига таъсир ўтказмоқчи бўлганларини кўрсатади.

Жадидларнинг, шу жумладан, Хожи Муиннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул мактабларини барпо этишга жиiddий эътибор беришларининг яна бир сабаби бор. Маълумки, аср бошларида Туркистонда, Хожи Муин ёзганидек, “оврўполи болалар учун катта ва қичик мактаблар солиниб тургани ҳолда ерли ҳалқ болалари учун ўз шароитларига мувофиқ биргина бўлсин бошланғич мактаб очиб берилмас эди; шаҳарда давлат ҳисобидан бир-икки русский-туземний мактаб очилган бўлса-да, булардан асл мақсад бошқа дингаги ҳалқларни руслашдирув эди (таъкид бизники. – Н.К.)” Мавқеи кундан-кунга ва йилдан-йилга ошиб бораётган рус-тузем мактаблари маҳаллий ёшларни руслаштириш маскани бўлиши мумкинлигини сезган жадидлар катта қийинчилкларни бартараф этиш ҳисобига бўлса-да, усули жадида мактабларини очдилар ва шу ҳол билан кифояланниб қолмай, бу мактабларни тарғиб қилувчи адабиёт, шу жумладан, саҳна асарларини ҳам яратдилар. “Эски мактаб – янги мактаб” асарининг саҳналаштирилиши ўз вақтида катта ижтимоий-маърифий аҳамиятга эга бўлди.

Хожи Муин, бошқа жадид драматургларидан фарқли ўла-роқ, ватандошларининг миллий менталитетининг таркибий қисмлари – бағрикенглик, айш-ишратга, кайф-сафога мояиллик, феодал-патриархат турмушнинг чириб кетган асосларига садоқат каби “хислат”ларни таҳлил қилиб, уларда Туркистон ҳалқларининг нодонлик ва жаҳолат оғушида қолиб келаёттани сабабларини кўрди. Биринчилардан бўлиб, гиёҳ-

вандликни, хотинбозликини фош этувчи асарларни ёзди. У ўз оиласи мисолида хотин-қизларнинг камситилишини кўриб, бундай “миллий” манзаралар билан муроса қила олмади. “У замонларда, деб ёзган эди Ҳожи Муин таржимаи ҳолида, – бирдан ортиқ хотин олиб, уларга истаганча жабр-зулм қилиш, оила ҳаётидаги қайгули ва чиркин манзарани ташкил қиласди. Бобом Мирсайийиднинг икки хотинли турмуши ҳам ёшлигимда менда нафрат ҳиссини уйғотган эди. Бинобарин, 1916 йилда шу муҳим мавзуга доир тўрт пардали “Мазлума хотин” пьесасини ёзиб, минг донагина бостиргиди”.

Мазкур пьеса Ҳожи Муиннинг эътироф этишича, унинг энг севимли асари бўлиш билан бирга китобча шаклида халқ томонидан ҳам севилиб ўқилган. Муаллиф бу асарни ёзиш чоғида ўз-ўзидан мутаассир бўлиб, ҳатто икки марта йиф-лаб ҳам олган.

Миллий театримиз тарихининг дастлабки тадқоқотчиси Миён Бузрук Солиҳов “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” (1935) китобида Ҳожи Муиннинг “Мазлума хотин” пьесаси тўғрисида маълумот бераб, бундай сўзларни ёзган: “Тажриба ва маълумотнинг бир даража кенгайиши таъсири билан бўлса керакки, 1916 гача чиққан ўзбекча пьесалар орасига “Мазлума хотин” бир даража жасоратли тусда ёзилади. Унинг ёзувчиси Ҳожи Муин – Мехрий асосан Беҳбудийнинг яқин фикрдоши ва шогирди бўлиш билан бирга мағраса таҳсили кўрган, замонига кўра маълумотли кишидир. Адабий ҳаётда Беҳбудий таъсири остида ва унинг гуруҳидан бўлиб боради. Шеърлари, таълимий мақолалари, нашрий хизматлари билан танилган кишидир. Айни замонда Февраль инқилобидан бурун-да энг кўп пьеса ёзган киши, деб айтилса бўлади”.

Миён Бузрук Солиҳовнинг бу сўзларида Ҳожи Муиннинг ўзбек театри тарихидаги ўрни ва ўзига хослиги муҳтасар бир шаклда очиб берилган.

Агар жадид драматургияси тарихига назар ташласак, ҳатто Ҳожи Муин каби “серҳосил” драматургларнинг асосан 1915 – 1916 йилларда ижод қилганларини кўрамиз. Инқилобий воқеалар авж олган 1917-1918 йилларда нима учундир улар ўз ўринларини Фитрат, Чўлпон ва Ҳамзага бўшатиб бергандек бўлдилар. Жадид драматургларининг бу иккинчи авлоди эса шу давр ҳаёти учун муҳим бўлган янги foяларни театр саҳнасига олиб чиқдилар.

Хожи Муин, бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, 1918 йилнинг июнь ойида театр оламидан узоклашиб, “Меҳнаткашлар товуши” газетасига муҳаррирлик қиласди. Аммо М.Беҳбудийнинг фожиали вафотидан кейин яна театрга қайтиб, “Халқ театри”нинг репертуар бўлимида мудир бўлиб хизмат қила бошлайди. У айни пайтда Самарқандда фаолият юргизаётган “Адолат” (Эрон форслари), “Тарбут” (Бухоро яҳудийлари), “Бетгаам” (Европа яҳудийлари), “Рада-Украина-Малороссия (украин ва рус), “Искра” (арман) ҳаваскор труппаларини ҳам янги асарлар билан таъминлаб, уларнинг “Халқ театри”дан ташқари, “Ҳуррият уйи”, “Вокзалоди театри” ва “Гарнizon театр” саҳналарида кўрса-тажак томошаларини ташкил этади, “Агитпоезд” ва “Агит-арава”лар билан турппаларни гастролларга юборади. Хожи Муиннинг миллатлар аро маданий алоқалар туташган нуқтада олиб борган самарали фаолияти унинг қаламига мансуб асарларнинг бошқа тилларга таржима қилиниши ва ижро этилишига катта имконият туғдиради.

Кўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, Хожи Муиннинг “Эски мактаб – янги мактаб” асари 1918 йил 21 июнь куни, ҳалқ сайиллари вақтида, соат 12 ва 14 да Шердор мадрасасида Маориф касабалари уюшмалари ҳамда шаҳардаги мактаб ўқувчилари учун намойиш этилган. “Мазлума хотин” пьесаси 1918 йил 5 апрелда “Халқ театри”да М.Толмасов раҳбарлигида яҳудий тилида саҳналаштирилиб, ижро этилган. Антракт пайтида Шарқ чолғу оркестри, шоирлар, ҳофизлар ва нотиклар ҳам ўз санъатларини намойиш этгандар. 1919 йил 21 – 23 февраль кунлари “Халқ театри”да яна шу асар А.Лимантов-Юръенев постановкасида рус тилида саҳна юзини кўрган. Антракт пайтида Назирахоним, Руҳулло Ҳусаинов, шунингдек, “Беҳбудий” ва “Адолат” труппаларининг хорлари концерт номерлари билан иштирок қилишган. Яна шу асар 1921 йил 20 – 22 февраль кунларида “Шарқ” клубида Бухоро яҳудийларининг “Тарбут” труппаси томонидан намойиш этилган. Мазкур асар рус тилига Л.Сейфулина ва Абдулла Бадрий, иврит тилига Софья Белой, яҳудий тилига эса А.Авезов томонидан таржима қилинган.

Хуллас, Хожи Муиннинг “Бой ила хизматкор” пьесаси Самарқанддаги Рус драма театри ва “Беҳбудий” мусулмон труппаси, “Мазлума хотин” Эрон форсларининг “Адолат”,

Бухоро яҳудийларининг “Тарбут”, Европа яҳудийларининг “Бетгаам” труппалари репертуарида узоқ вақт муваффақият билан ижро этилиб келган. Маълум бўлишича, “Эски мактаб – янги мактаб” асари “Хуррият уйи”да 1920 йил март кунлари намойиш этилганида кундузги спектаклни 390 киши келиб кўрган ва тушим 16 минг 200 сўмни ташкил этган.

Ўтган асрнинг 10 – 50-йилларида ўзбек драматургларининг бошқа бирорта асари шу қадар кўп труппалар томонидан турли тилларда намойиш қилинмаган.

М.Беҳбудий ва сафдошларининг 1919 йили амир одамлари томонидан қўлга олиниб, сирли равища қатл этилганлиги Туркистон осмонида момагулдирақдек кучли акс-садо берди. Шу ҳақдаги дастлабки хабар “Мехнаткашлар товуши” газетасида Ҳожи Муин томонидан эълон қилинди. Ҳожи Муин бу мудҳиш хабарни Самарқанд аҳлига етказибгина қолмай, эълон қилгани “vasiyatnomasi”нинг устози томонидан ёзилганлигини ҳам айтди. Унинг М. Беҳбудийга яқин ва садоқатли шогирд бўлганлиги бу “vasiyatnomasi”нинг авлоддан-авлодга тарихий ҳужжат сифатида ўтиб келишига сабабчи бўлди. Ҳожи Муин мазкур хабар ва “vasiyatnomasi”ни Ҳожимурод Худойбердиевдан олган бўлиб, кейинчалик шу кимсанинг уч пардали “Маориф қурбонлари” пьесаси Самарқанддаги ҳаваскор труппалар томонидан бир неча йил давомида қўйилди. Ҳожи Муиннинг бу уч пардали асарни “22 бетли китобча” дейишига қараганда, у ўша вақтда рисола тарзида напр ҳам этилган.

Ҳожи Муин 1923-1924 йилларда Ҳожимурод Худойбердиевнинг мазкур асаридан фойдаланган ҳолда беш пардали “Маориф қурбонлари” деган пьесасини ёзди ва бу асар 1924 – 1925 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Каттақўрон шаҳарларида намойиш этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, М.Беҳбудийнинг фожиали ўлеми Бухоро амирининг эмас, балки большевикларнинг иши эканлиги бу ҳақдаги ҳақиқатнинг ўша вақтда ҳам, кейин ҳам рўёбга чиқишига мутлақо имкон бермади. Тахминимизга кўра, Ҳожи Муиннинг мазкур асари ҳам “тегишли идоралар”нинг буюртмаси билан ёзилган.

Ҳожи Муин 1923 йилдан, яъни “Маориф қурбонлари” пьесасини ёзган вақтдан бошлаб жадидчилик мэрраларидан

чекиниб, большевиклар билан “ота-бола” бўлиб яшаш ва ишлашга мажбур бўлган. У 1937 йилда иккинчи ва сўнгги бор қамоққа олинишини сезиб, таржимаи ҳолида бундай сўзларни ёзган:

*“Менинг жадидчилик давридаги маслагум: замон ва муҳитнинг таъсири билан ҳосил бўлган миллатчилик, исломчилик ва туркчиликдан иборат эски, бу эса ўзимнинг “Эътироф” ва “Иттифоқ” деган шеърларимда намоёндир...*

...Большевиклар партиясига яхши кўз билан қараб келмоқда эдим. Лекин бир-икки бузуқ бош жадид маҳмадоналари извогарлик йўли билан гўшту пўстимга кириб, мени йўлдан оздирдилар, бошимни айлантириб қўйдилар. Мен бир муддат гумроҳлик тор кўчаларида суркуниб юрдим. У вақтдаги бузуқ фикрим матбуотда босилиб чиққан бир неча мисра шеъримда ҳам акс этган эди. Лекин бу адашув кўп давом этмади. 1923 йилда ақлимни бошимда тўплаб, бузуқ маслагимни тузатишга бошладим...

*Мен ҳозирги социалистик масъуд бир замонда эски бузуқ маслакдан тамоман қутулган ҳолда яшамоқда бўлганим учун ўзимни баҳтиёр билиб фаҳранаман*

Бу сатрлардан қарийб бир йил аввал, 1936 йил 22 октябрда ёзилган Ҳожи Муиннинг “Ишонаман” сарлавҳали шеърида эса бундай сатрлар бор:

Ишонаман: партиянинг бош йўли  
Мустаҳкамдур, жуда тўғри йўл эрур.  
Раҳбарликда унинг йўқдур хатоси,  
Ҳар соҳада ютуқлари мўл эрур...

Ишонаман: охир бир кун жаҳонда  
Бирлашажак пролетар оммаси.  
Олажақдур ўз ҳуқуқин талашиб,  
Яшаяжак роҳат билан ҳаммаси...

Бу шеърий сатрлар ҳам, 1937 йил 25 июлда ёзилган ҳасби ҳол сўзлари ҳам бечора жадид шоири, драматурги ва журналистига қалқон бўла олмади. Ҳожи Муин 1938 йил 24 январда қамоққа олиниб, 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Тергов, қамоқ ва лагерда чеккан мислсиз азобуқубатлари оқибатида у 1942 йил 21 июлда Соликамскдаги лагерда ҳалок этилди.



## ФИТРАТ (1886–1938)

### Ҳаёти ва ижоди садифалари

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида аҳамиятга эга. Миллий уйғониш адабиёти ёки жадид адабиёти атамалиари билан тилга олинниб келаётган бу давр, аввало, Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875 – 1919), Фитрат (1886 – 1938),

Ҳамза (1889 – 1929), Абдулла Қодирий (1894 – 1938), Чўлпон (1898 – 1938) сингари ўлмас ижодкорларнинг номлари билан боғлиқ. Бу улуғ зотлар, биринчи навбатда, шоир ёки ёзувчи бўлганлари ҳолда XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган янги таълим тизими, миллий матбуот ва театр санъатига ҳам асос солдилар. Тилга олинган даврда нафақат янги миллий маданиятимизнинг яратилиши, балки ўзбек халқининг миллий уйғонишига ҳам шу улуғ зотлар улкан ҳисса қўшдилар.

Ана шу унунимас сиймолар орасида Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат қомусий билими, ижодий диапазонининг кенглиги, адабиёт, санъат ва илм-фанинг турли соҳаларида чуқур из қолдирганлиги билан ажralиб туради.

Фитратининг отаси Абдураҳимбой ўқимишли киши бўлиб, бир замонлар саррофлик, кейин эса тижорат ишлари билан машғул бўлган. Онаси Настар биби гарчанд 40-йилларда ҳам ҳаёт бўлган эса-да, “халқ душмани”нинг волидаси бўлганлиги сабабли хорлик ва зорликда турмуш кечирган ва у ҳақда қарийб бирор маълумот қолмаган.

Фитрат оиланинг тўнгич фарзанди эди. Унинг укаси Абдураҳмоннинг ўтган асрнинг 10-йилларида Когон босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлагани маълум. Синглиси Маҳбуба Раҳимова эса олижаноб инсон ва истеъододли шоира бўлган. Аммо афсуслар бўлсинки, акаси туфайли унинг истеъододи гуллари очилмай ҳазон бўлган...

Фитрат 1886 йили Бухорода туғилиб, дастлаб шу ердаги эски мактабда, кейин машҳур Мир Араб мадрасасида 18

ёшларига қадар таҳсил кўрди. Сўнгра ҳаж сафарини ихтиёр қилиб, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлди; Марказий Россия шаҳарларига сафар қилди. 1909 йилда эса Бухорода ташкил этилган “Тарбияти атфол” жамиятининг ёрдами билан бир неча бухоролик ёшлар билан бирга Туркияга бориб, Истанбулдаги дорилмуаллиминда ўқиди. Айрим маълумотларга қараганда, шу даврда ҳатто унинг ўзи ҳам Истанбулдаги ўқув юртларининг бирида дарс берди. Фитрат айни пайтда “Бухоро тамими (умумий) маориф жамияти”ни ташкил этиб, Туркияга ўқишига келган ватандошларининг шу жамият атрофида уюшиши ва таҳсил кўришига раҳбарлик қилди. Энг муҳими, сафар таассуротлари ва ёш усмонлилар ҳаракати таъсирида Фитрат дунё-қарашида кескин ўзгариш юз берди.

С.Айний Фитрат ҳаётининг ана шу даври тўғрисида бундай маълумотни берган:

“...Бу даврнинг очиқ фикрли ёшларидан бири Абдурауф Фитрат эди. Бу шахс Бухоро талабалари ичида энг қобилиятли ва фозилларидан бири ҳисобланар эди. Мирзо Абдулвоҳиднинг мактабига кўп бормаган бўлса-да, мударрис Абдулқодир маҳдум воситасида “Сирож ул-мустақим” журналини мутолаа қилиши натижасида фикри анча очилган эди. У Истанбул шаҳарига (ўқишига бориш учун) тайёргарлик кўради. Бир баҳона билан Бухоро (амирлиги) вилоятларига саёҳат қилиб, кўп нарсаларни тўплаги ва Истанбул сафарига тайёр бўлди.

Низомиддин Урганжийнинг жияни Муқимбек Абдураҳим билан бирга ўқир ва унинг яқин дўстси эди. Амакиси билан муносабати яхши бўлмагани туфайли Муқимбек Чоржўйда маҳбус сифатида сақланарди. У ҳам Фитрат билан бирга Истанбулга қочмоқчи бўлиб, қулаи фурсатни кутарди. Шиа ва сунний фожиасидан сўнг Мирзои Урганжий Бухорога келгач, Муқимбек бу қулаи фурсатдан фойдаланиб, 1911 йилнинг баҳорида Абдурауф билан Эрон орқали Истанбулга қочиб кетди”.

С.Айний гарчанд Фитратнинг Туркияга борган санасини 1911 йил деб қайд этган бўлса-да, биз Ҳамзанинг тарихнавис адибга нисбатан рақам ва фактларга катта маъсулият билан муносабатда бўлганига кўп бор амин бўлганмиз, шунинг учун ҳам у берган маълумотни ишончли, деб ҳисоб-

лаймиз. Ҳамза 1909 йили араб тили бўйича билимини мукаммалаштириш мақсадида Бухорога борганида орада шиалар ва суннийлар жанжали кўтарилиб, у ўша кезлардаёқ Тошкентта қайтиб келган эди. Адабиётшунослар Фитратнинг Туркияга бориш ва ҳатто ўша ерда “Мунозара” асарини ёзиб, нашр эттириш санасини 1909 йил, деб бежиз белгиламаганлар. Эҳтимол, шиалар ва суннийлар ўртасидаги мазкур жанжал Фитратнинг Туркияга боришини тезлаштирган ва ҳатто “Мунозара”ни ёзишига сабаб ҳам бўлгандир.

60-йилларда Сталин шахсига сифиниш фош этилганидан кейин Фитратнинг синглиси Маҳбуба опа акасини оқлаш илинжида биз хизмат қилаётган Тил ва адабиёт институтига тез-тез келиб тураг, биз ҳам унинг акаси тўғрисидаги хотираларини қулоғимизни динг қилиб тинглар эдик. Маҳбуба опанинг ҳикоя қилишича, Фитрат Туркияга бошига салла, эгнига бухорий чопон кийиб борган. Аммо қайтганида, ҳамشاҳарлари уни ҳатто танимай қолишган. Агар ҳурматли журналхонлар Ҳамзанинг 1914 йилда европача кийиниб, қўлига филофли скрипка ушлаб тушган суратини эсласалар, Фитрат ҳам Туркиядан худди шундай “денди” бўлиб қайтган экан. Фитратнинг ташқи қиёфасидаги бу ўзгариши кўрган мутаассиб кимсалар: “Абдураҳимбойнинг муллавачча ўғли Туркияга бориб, мўмин-мусулмон бўлиб қайтиш ўрнига қип-қизил кофир бўлиб кетибди”, деб ундан юз ўтирган эканлар.

Чиндан ҳам, хорижий оламга қилган сафарлари, нафакат Осиё билан Европа қитъалари, балки шу икки оламнинг маданияти ҳам туташган Туркияда таҳсил кўриш, у ердаги янги ҳаёт ва янги маданият пойdevорини барпо этишга қаратилган ҳаракат Фитратга катта таъсир кўрсатди. У ўша ерда, 1909 йилда, ўзининг машхур “Мунозара”, 1911 йилда “Ҳинд сайёхи баёноти” публицистик асарларини, 1910 йилда эса “Сайҳа” шеърлар тўпламини яратиб, нашр этилишига эришиди. Бухорога яширин йўллар билан олиб келинган бу асарлар, айниқса, тўлиқ номи “Ҳинджистонда бир фаранг ила бухороли мударриснинг усули жадида хусусида қилғон мунозараси” ҳамда “Ҳинд сайёхи баёноти” асарлари “Ёш бухороликлар”нинг дунёқарашларини кескин ўзgartириб юборди ва кейинчалик Бухоро амирлигини ларзага келтирган ҳаракатнинг бошланишига сабабчи бўлди.

Фитратнинг юқорида тилга олинган икки насрий асари ўзбек жадидчилик ҳаракати учун дастурул-амал вазифасини бажарди. У 1913 йилда ватанига қайтганидан кейин мактаб ва маориф масалалари билан машғул бўлди. Кўп ўтмай, илфор жадидлар тарихий жараён таъсирида амирлик тузумининг чириб бораётган ижтимоий-иқтисодий асосларини ислоҳ этиш лозим, деган хуносага келдилар. Ана шу масала да Бухоро жадидлари эски ва янги “қанотлар”га ажралиб чиқдилар. Абдувоҳид Бурҳонов бошчилигидағи “Эски буҳоролик” жадидларга қарши ўлароқ Фитрат ва Файзулла Хўжаев бошчилигида “Ёш буҳороликлар” ҳаракати майдонга келди ва бу ҳаракат амирлик тузумида демократик ислоҳотлар ўтказиш йўли билан жамият ҳаётини янгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Аммо 1917 йил октябрида Туркистон тақдири большевиклар қўлига ўтгач, уларнинг ёлғон ваъдаларига ишонган “Ёш буҳороликлар” Фрунзе қўшинлари билан бирга амирлик тузумини ағдариб, Бухоро Халқ Республикасини барпо этиш учун кўҳна заминга қириб борадилар. Кучлар тенг бўлмагани туфайли амир Афғонистонга қочишга мажбур бўлади. Большевиклар амир хазиналарини талаб, неча асрлар давомида тўпланган қимматбаҳо амалий санъат асарларини, тилла ва кумуш буюмлар ҳамда пулларни Петербургга жўнатадилар. Кўп ўтмай, Бухоро Халқ Республикаси совет давлатига зўравонлик йўли билан қўшиб олиниди. Бухоро Халқ Республикасининг ташкилотчилидан бири бўлган Фитрат 1921 йилда БХСРнинг маориф, 1922 йилда хорижия (ташқи) ишлар нозири, Халқ хўжалиги кенгаши раиси, Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Нозирлари Шўроси раисларининг ўринбосари лавозимларида хизмат қиласди. Аммо 1923 йил июнда Москвадан келган Я. Э. Рудзутак бошчилигидағи комиссия Фитратни ишдан олиб, уни “Россияга чақириб олинган”, деб эълон қиласди ва Фитрат 1923 – 1926 йилларда Москвадаги Шарқшунослик институтида хизмат қиласди. 1926 йилнинг охири – 1927 йилнинг бошларида ватанига қайтган Фитрат 1937 йилда ҳибсга олингунинг қадар Самарқанддаги Олий педагогика институти (педакадемия) ҳамда Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида илмий фаолият билан шуғулланади.

Ўз ватанининг ҳур ва фаровон бўлишини орзу қилган Фитрат 1917 – 1918 йиллардан кейин шеърият, наср ва драматургияда қандай асарларни яратган бўлса, уларнинг аксарида мустамлакачиликка, большевиклар зулмига қарши миллий истиқол учун кураш foялари ёлқинланиб туради.

Фитрат, Чўлпон ва бошқа маслақдошлари қатори, 1927 йилдан бошлаб тухмат ва маломат тошлари остида қолди. Ўзбек халқининг улуғ адабига бадиий ижод соҳасида ишлаш имконияти берилмади. У қомусий билим соҳиби сифатида ўзбек ва форс адабиёти тарихи, ўзбек ва форс тиллари граматикаси, музика тарихи ва шоҳмот сингари турли масалалар билан шуғулланиб, қўша-қўша китоблар ва ўнлаб мақолалар эълон қилди; Самарқанддаги педагогика академиясида, Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида ва бошқа ўқув муассасаларида профессор лавозимида хизмат қилди. 1937 йилнинг қонли бўрони кўтарилиганда эса у ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб қамоққа олинди ва 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланди.

Фитрат исмли ўзбек халқи буюк фарзандларидан бирининг ҳаёт ва ижод йўли шундай фожиали равищда якунланган.

### **Фитрат ва Боту**

Ҳар бир йирик олим ёки ёзувчи қанчалик буюк ишларга қодир бўлмасин, ўзи бажаришга улгурмаган ишларнинг шогирдлар томонидан давом эттирилиши ва якунланишини истайди. Фан ва адабиёт оламида бўлганидек, ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида ҳам устоз ва шогирд муносабатларисиз на тараққиёт бўлади, на маънавий камолот.

Фитрат ва Чўлпон сингари улуғ ижодкорлар қанчалик мураккаб даврда яшаган ва теварак-атрофларидағи кишиларнинг ГПУ-НКВД хуфялари бўлиши мумкинлигини билган бўлсалар-да, ёш ёзувчи ва шоирлардан устозлик меҳрини дариф тутмаганлар. Уларнинг меҳр ва эътиборларига муштоқ шогирдлар орасида Маҳмуд Ҳодиев исм-шарифли ёш ва истеъдодли шоир ҳам бўлган.

Маҳмуд Ҳодиев 1904 йили Тошкент шаҳрининг Шайхонтахур даҳасидаги Қатортерак маҳалласида туғилиб, шу да-

ҳадаги эски мактабларнинг бирида ўқиди. Сўнг 1914 – 1917 йилларда рус-тузем мактабида ўқишни давом эттириб, замонасининг илфор ёшларидан бири сифатида улғая бошлиди. 1917 йил воқеаларидан кейин рўй берган ўзгаришлар уни “ўқитувчиларни тайёрлаш курслари”га етаклаб борди. Маҳмуд 1919 йили Фитрат билан танишганида, шу курсларда таҳсил кўраётган, бўлажак устози эса, мазкур курсларда, аникроғи, Мусулмон ўқитувчилар институтида домлалик қилаётган эди.

“Колесов воқеалари”дан кейин 1918 йилнинг март ойида “Ёш бухороликлар” амир томонидан оммавий равища қатл қилинган. Ҳаёти хавф остида қолган Фитрат бир неча ҳаммаслак биродарлари билан бирга Тошкентга қочиб келишга муваффақ бўлган. Фитратнинг баҳтига, кўп ўтмай, 1918 йил 18 июнь куни Тошкентда Иброҳим Исмоилов мудирлигида Мусулмон ўқитувчилар институти очилади ва у шу институтда Мунаввар қори ва бошқа ўқитувчилар билан бирга дарс беради. Тингловчиларнинг аксар қисмини рус-тузем мактабларидан чиққан ёшлар ташкил этган бўлиб, улар орасида, иттифоқо, Маҳмуд Ҳодиев ҳам бўлади.

Фитратдек тиниб-тинчимас оташқалб инсоннинг мазкур институтда машғулотлар ўтказиш билангина қаноатланиши маҳол эди. У 1919 йили ўқитувчилик соҳасини тарқ этмаган ҳолда илмий адабиётларда “Чигатой гурунги” аталиб келаётган ташкилотни тузади. Сиёсий ишларга аралашмаслик шарти билан тузилган бу адабий-илмий ва маданий ташкилотнинг йиғилишларида Чўлпон, Элбек сингари таниқли шоирлар, ўқитувчилар, артистлар билан бирга Маҳмуд Ҳодиев сингари умидли ёшлар ҳам қатнашадилар.

Мусулмон ўқитувчилар институтида билими, қобилияти, адабиёт ва санъатга қизиқиши билан Фитрат эътиборини қозонган Маҳмуд шоиртабиат йигитгина бўлиб қолмай, қалам тебратиб, шеърлар ҳам ёзган. Маҳмуднинг дастлабки шеърларида миллий руҳдан мамнун бўлган устоз унинг адабий истиқболига катта умид боғлаб, унга Боту тахаллусини берган.

Фитратнинг ҳаёт йўли тасвирланган мақолаларда унинг 1919 йили Тошкентда Бухоро Коммунистлар партиясига аъзо бўлиб кирганлиги қайд этилади. Фитратни ёзувчи сифатида оқлаш ҳаракати авж олган 80-йилларда адабиётшунос-

лар унинг партия сафига кирганини оғиз тўлдириб айтганлар. Аммо мустабиқ тузум парчаланиб, компартия аъзоси бўлиш шараф ҳисобланмагач, биз Фитрат ҳаётининг бу саҳифасини яширишга уриниб келмоқдамиз. Аммо ҳақиқат шундаки, Бухоро Халқ Совет Республикаси барпо этилганидан сўнг тарихий шароит, Россияда бўлгани каби, Бухорода ҳам жамиятни идора этувчи асосий қучнинг партия шаклида уюшган бўлишини тақозо этди. Бу қучнинг Россияда асос солинган партия бўлмаслиги учун “Ёш бухороликлар” партияси Бухоро Коммунистик партияси билан қўшилади ва шу партияning салмоқли қисмини ташкил этади. Бу партия ўз фаолияти давомида Бухоро аҳолисининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ва мустақил сиёсатни юргизишга ҳаракат қиласди. 1920 йил 9 апрелда Фитрат ташаббуси билан шу партияning “Тонг” журнали нашр этила бошланди. “Яшасин илмий, адабий, ижтимоий ўзгариш!”, “Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!”, “Яшасин Шарқ қутулиши!” шиорларининг ўзиёқ бу журналнинг қандай мақсадда ташкил этилгани ва қандай йўналишга эга бўлганини яққол намойиш этади. Фитрат ушбу журнални нашр этишда шогирди Ботудан масъул котиб сифатида фойдаланади.

Зиё Сайд “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870 – 1927)” китобида шу нашр ҳақида маълумот берар экан, Боту билан Элбекни журнал идорасида ишлаб турувчи асосий ходимлар сифатида тилга олган. Сўнг журналнинг асосий муаллифларини бирма-бир санаб, унинг саҳифаларида тил ва имло масалалари асосий ўринни эгаллаганини таъкидлаган. Фитратнинг шу йилларда ўзбек тилидаги араб ва форс сўзларига қарши кураши заминида бошқа мақсад ҳам бўлган, албатта. У шу йўл билан большевикларнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий жабҳалардаги босқинчилигига – “лисоний босқинчилиги”га ҳам қарши курашмоқчи бўлган. Боту ана шу курашда устозини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган.

Унинг шу даврга оид бундай тўртлиги бор:

Кўнглимда бўлган севги тамуғи -  
Дардли руҳимнинг севган озуғи.  
Бу тамуғдаги оловлар сўнса,  
Тириклигимнинг битар ёруғи.

Бу сатрлардаги тамуғ Фитратнинг севимли сўзларидан бўлиб, Боту уни дўзах маъносида эмас, балки ўзининг яшаши ва курашига куч берувчи, ундаги оловни сакловчи оловдон маъносида қўллаган. “Парча” деб номланган бу тўртликни тўғри тушуниш учун шоирнинг “Темир қозик юлдузига” шеъридаги қуйидаги сатрларга ҳам эътибор берайлик:

Кўрқинч, жонсиз, тип-тинч, улкан, қайфу-алам чўлида  
Қийноқ билан бита ёзган мен йўқсилга йўл кўрсат.  
У йўл билан бу кенг чўлдан узоқлашиб кетайин,  
Кўнглимдаги энг муқаддас тилагимга етайнин,  
Кетиб кўриб, сўнгра... истар экан битайн!

Бу сатрларда биз билганимиз совет давлатига ишонган ва унга хизмат қилган шоир эмас, балки “қайфу-алам чўли”да қолган ва “энг муқаддас тилак” билан яшаётган шоир гавдаланади. Шеърнинг аросатда қолган лирик қаҳрамони Темир қозик юлдузидан йўл кўрсатишни сўрайди.

Бу шеърда ҳам, унда ифодаланган лирик қаҳрамоннинг изтиробли кечинмаларида ҳам Фитрат таъсири яққол сезилиб туради. Умуман, Боту шу йилларда Фитратнинг кучли таъсирида бўлган. Фитрат унга, унинг миллий шоир бўлиб улфайишига қаттиқ ишонган ва шу ишонч билан 1922 йили нашрга тайёрлаган “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламига ўзининг, Чўлпон ва Элбекнинг шеърлари билан бирга севимли шогирди Ботунинг ҳам илк шеърларини киритган. Бу, Устознинг Ботунинг шеърий истиқболига бўлган катта ишончи белгиси эди.

Боту бошлиқ бир гурух ҳалқ маорифи ходимларининг ҳозирда Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётган “архив жиноий иши”да унинг Фитрат билан муносабатларига ойдинлик киритувчи бундай сўзлар бор:

“Мен, - деб ёзади Боту терговчининг бир туркум саволларига жавобан, – *Фитратни илк бор 1918 йилнинг ўрталарида Мунаввар қори мудир бўлган ва турк зобитлари муаллимлик қилган 8 ойлик курсларда кўрганман. Фитрат ўша вақтда чигатой тили ва чигатой адабиётини тарғиб қиласарди. Аксар ўқувчилар турклар ортидан кетгани учун улар Фитратни хуш кўришмас, турк муаллимлари ҳам у билан яхши муносабатда эмас эдилар. Мен ўша вақтда Фитрат билан ҳали яхши таниш эмас ва уни мутлақо тушунмас эдим*”.

Ботунинг Фитрат тўғрисидаги ёзма кўргазмасини давом эттиришдан аввал юқорида келтирилган хотира бўйича баъзи бир изоҳлар беришга зарурат бордек кўринади.

Биринчи изоҳ: 1918 йил 18 июнда очилган ўқув муассасаси, чиндан ҳам, Мусулмон ўқитувчилар институти деб аталган ва шу институт қошида қисқа муддатли бир неча курслар бўлган. Шундай курсларнинг бирига Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлик қилган ва Боту худди шу курсларда ўқитувчилик малакасини ҳосил қилган. Унинг мазкур курсларни тутатгач, ўқитувчилик фаолиятини қачон ва қаерда бошлагани тўғрисида, афсуски, бизга бирор маълумот учрамади. Аммо шу нарса аниқки, у саккиз ойлик курсни тутатгач, “Ватан” мактаби қошидаги Саид Аҳорорий раҳбарлик қилган “Изчи тўда”си фаолиятида иштирок этади ва шу ерда Акмал Икромов билан яқинлашади.

Иккинчи изоҳ: мазкур институтда ишлаш жараёнида Фитрат билан Мунаввар қори ўртасида келишмовчилик бошланади. Бу келишмовчиликнинг сабаби шундаки, ўша йилларда Тошкент мактабларига ўрнашиб олган турк зобитлари ўқувчиларни туркпастлик руҳида тарбияламоқчи бўлганлар ва уларнинг тарбиявий фаолиятидаги бу йўналиш Мунаввар қори томонидан қўллаб қувватланган. Туркияда бир неча йил ўқиган ва миллий тараққиётнинг туркча йўлидан боришни нотўғри деб ҳисоблаган Фитрат Мунаввар қорининг шу йўлдаги саъй-ҳаракатларига қарши чиққан. Мунаввар қорининг кўпчиликни ташкил этган тарафдорлари эса Фитратта очикдан-очиқ кураш эълон қилиб, “Чифатой гурунги”нинг ҳар бир йиғилиши ва тадбирларига тўсқинлик кўрсатганлар, ҳатто Фитратни ўлдирмоқчи ҳам бўлганлар.

“Агар янгишмасам, – деб давом этади Боту, – мени Фитрат билан Икромов 1919 йилда таништирган эди. Фитрат ўша кезлари Мунаввар қори гуруҳининг таъзибидан қочиб, яшириниб юрарди. Менга маълум бўлишича, уни атеизм тарафдори ва пантуркизмга қарши бўлганлиги учун айблашган. Мен Фитратни ўша кезлари Икромов билан бирга Шайхонтахурдаги кичик мадрасага кўрганман. У шу ерга яшириниб яшар экан...

“Изчи тўда”даги Икромов гуруҳи Саид Аҳорорий тўдаси ва турк зобитлари билан уришиб қолганда, биз Фитрат

томонига ўта бошлаганмиз. Мен баъзан Шорасул Зуннун билан, баъзан эса Икромов билан шеърларимни Фитратга олиб борардим. Шорасул Зуннун Саид Аҳорорий тарафига ўтгач, биз у билан ҳам биродарлик алоқаларини уздик. Бизнинг “Изчи тўда”да Фитрат таъсирида олиб борган курашимиз ўзбекпаратларнинг туркпаратларга қарши кураши характерига эга эди. Аммо ўзбекпаратлик ўша пайтда ҳали аниқ ғояга айланмаган эди. Биз Фитрат билан шу нарсани билардик: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда яшовчи ва ўзларини ўзбек, тожик, турк деб атовчи барча ҳалқлар чигатоӣ улусига мансуб бўлиб, уларни ўзбек деб аташ лозим; ўзбеклар мустақил миллат бўлганилиги учун усмонли тилини қабул қилмасликлари ва ўзларини турк деб атамасликлари керак”

Фитрат билан Боту ана шундай ғоявий платформада ўзаро яқинлашадилар. Аниқроғи, Боту шу йилларда Фитратнинг миллий ғоялари асосида шаклана боради. “Изчи тўда”-даги Саид Аҳорорий гуруҳи билан кураш Боту ва Ақмал Икромовнинг мағлубияти билан тугагандан сўнг, Икромов Наманганга кетишга мажбур бўлади. Тошкентда, аро йўлда қолган Боту эса, 1919 – 1920 йилларда Элбекнинг таклифи билан “Чигатой гурунги” ташкилотига келиб, техник котиб вазифасини адо эта бошлайди. “Чигатой гурунги” сиёсий-ижтимоий ҳаётга аралashiшда айбланиб, совет давлати томонидан тутатилгандан кейин эса, Фитрат севимли шогирдини ўзи муҳаррирлик қилаётган “Тонг” журналига ишга таклиф этади.

“Фитрат, – деб ёзади Боту, – 1921 иили Тошкентда фаолиятини олиб борган Бухоро Коммунистик партияси (маҳкамаси) да ва айни пайтда Афғонистон консулхонасида хизмат қилган. Мен ўша пайтда... Фитрат муҳаррирлик қилган “Тонг” журналига ишга кирганман. Фитрат ўзининг қарийб барча кундузги вақтини Афғон консулхонасидаги ишга бағишилагани сабабли уни таҳририятда онда-сондагина учратар эдим. У журнал бўйича барча топширикларни ёзib қолдиради...”

Фитрат шу вақтда “Шарқ сиёсати”, “Ҳинг ихтидолчилари”, “Чин севиш” сингари асарларини ёзган. Бу асарларнинг қарийб барчаси Ҳиндистон масалаларига бағишлиган.

*Фитрат жума кунлари ош дамлар ва шу кунни “Шарқ ҳуррияти” деб атарди. Бу, ҳуррият тўғрисида оғиз тўлдириб сўзлаётган кишиларнинг аввало ўз қоринларини ўйлашларига шама эди”.*

Боту бу сўзларни ёзган 1931 йилда Фитрат совет ҳукумати наздида ашаддий миллатчи ва Ўзбекистоннинг СССРдан ажралиб чиқишини истаган аксилиңқилобчи эди. Шунинг учун ҳам Боту ўз қўргазмаларида Фитрат билан устоз ва шогирд, ҳатто ота-бала сифатидаги муносабатларини пай-пасташга уринган.

1921 йили Боту Москвага ўқишга боради. 1923 йили эса, Бухоро ҳалқ маориф комиссари лавозимидан бўшатилган ва партия сафидан ўчирилган Фитрат ҳам Москвага сургун қилинади. Фитрат Москвада нашр этилган “Бухарская жизнь” ва “Учкун” журналларида фаол иштирок этиш билан бирга Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек ва форс адабиёти тарихидан маърузалар ҳам ўқыйди.

Фитрат 1923 йил октябрида Москвада “Менинг кечам” деган шеърини ёзиб, шогирдига беради ва ундан бу шеърга жавобан “Менинг кундузим” мавзуида шеър ёзишни сўрайди. Кейинчалик бу ҳар иккала шеър устознинг ташаббуси билан 1926 йили “Инқилоб” журналида эълон қилинади.

Шу ерда Фитрат шеърида тунги ҳазин бир манзара тасвирлангани ва шеърнинг қуйидаги сатрлар билан тугаганини айтиш лозим кўринади:

...Шундай кечаларни севаман мен,  
бунда югуриш йўқ,  
сўргилиш йўқ.  
Юрмоқ-да, олдамоқ-да кўрулмас;  
ёлғуз кўруниш,  
сохта кулиш йўқ.  
Ёв шакли кўзимдан кўп узоқда.  
Дўстлар эса ундан-да йироқда.  
Шундай кечадан ўргуламан мен.

Ботунинг шеъри эса бундай якунланган:

Кундуз... Ҳамма ер гулга кўмилган,  
Ўнг-сўл... Ҳамма ёқ ишга берилган.  
Инсон кучи тоғларни эзишда,

Инсон қўли жаннат-да тузища.  
Кундуздаги руҳни севаман мен,  
Кундуздаги ишда бўламан мен.

Кўрамизки, Фитрат ва Ботунинг бу шеърларида уларнинг ўша кезлардаги руҳий ҳолатлари акс этган. Бинобарин, Ботунинг шеърини устозга қарши ёзилган шеър сифатида талқин қилиш учун ҳеч бир асос йўқ. Аммо шунга қарамай, айрим адабиётшунослар нима учундир Ботунинг жавоб шеърини Фитратга ва унинг аксилинқилобий ғояларига қарши қаратилган шеър сифатида талқин қилиб келадилар. Ҳолбуки, “Менинг кечам”да “кекса” ва курашлардан ҳориган Фитрат ўша йиллардаги руҳий ҳолатини қандай ошкора ва ҳаққоний ифодалаган бўлса, ёш ва “эртанги куни порлоқ” Боту ҳам ўзининг ўша вактдаги некбин кайфиятини айнан қоғозга туширган, холос.

Давр кейинчалик устоз ва шогирдни икки томонга ажратиб юборди: Боту устозидан узоқлашиб, советлар томонига ўтди. Аммо советлар Ботунинг миллатпарвар давлат арбоби эканлигидан хавотирланиб, уни 1930 йил 23 июлда ҳибсга олдилар ва 10 йиллик жазо муддатини ўташ учун уни Шимолий Муз океанидаги Соловец оролларига юбордилар. Жазо муддати охирига яқинлашгач, 1937 йили Москвага олиб келиб, 9 май куни тавбасига таянган шоирни юзсизларча отиб ташладилар. 1930 йил қатағонидан Файзулла Хўжаев туфайли омон қолган Фитрат эса 1937 йил 24 апрелда қамоқقا олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланди.

Миллатнинг икки ажойиб фарзанди – устоз Фитрат билан шогирд Ботунинг машаққатли ҳаёти шу зайдада фожиали яқунини топди.

### **Фитрат драматургиясига бир назар**

*2007* йилда XX аср ўзбек адабиётининг икки буюк сиймоси Фитрат ва Чўлпонни ёзувчи сифатида оқлаш ҳаракати бошланганига 20 йил бўлади. Ўтган давр ичida Фитрат ҳаёти ва ижоди бўйича бир неча докторлик ва номзодлик диссертациялари, бир неча рисола ва кўплаб мақолалар майдонга келди. Адабнинг “Абулфайзхон” трагедияси Тош-

кент ва Қарши театрларида саҳна юзини кўрди. Аммо Фитратнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам, ҳатто Абдулла Қодирийнинг ҳам кўп жилдлик асарлари нашри ҳанузгача тўла амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар бу буюк адиларнинг ижодий йўлини яхлит адабий ҳодиса сифатида текшириш имконига эга эмаслар.

Фитрат шоир сифатида оз ижод қилган. Аслида, унинг драматургик мероси ҳам у қадар катта эмас. Унинг 20-йиллар арафасида Тошкентда ёзилган “Бегжон”, “Абу Муслим”, “Темур саганаси”, “Ўғузхон”, шунингдек, “Қон” драмалари бизгача етиб келмаган. 1934 йилда ёзилган “Тўлқин” опера либреттосининг тақдирни ҳам номаълум. Биз Фитратнинг фақат “Чин севиш” (1920), “Ҳинд ихтиолчилари” (1923), “Абулфайзхон”, “Шайтоннинг тангрига исёни” (1924), “Арслон” (1926) ва форс-тожик тилида ёзилган “Восе қўзғолони” (1927) асарларигагина эгамиз, холос. 1927 йилда ўзи сингари “кеекса” ёзувчиларга қарши кураш бошлангани ва бадиий ижод қилиш имконияти берилмаганидан кейин Фитрат асосан илмий-педагогик фаолият билан шуғуллашишга мажбур бўлган.

Фитратнинг матни бизгача етиб келмаган асарлари тўғрисида аниқ тасаввур бериш маҳол. Ҳатто қайси асар унинг драматургиядаги илк тажрибаси ҳисобланади, деган савол ҳам адабиётшуносларни ўйлантириб қўяди. Академик Мамажон Раҳмонов берган маълумотга қараганда, Фитратнинг “Бегижон” драмаси 1917 йил 20 марта Самарқандда “Туркистон театр, музика ва адабиёт дастаси” томонидан саҳналаштирилган. Театршунос Сирожиддин Аҳмаднинг изланишлари “Темур саганаси” драмасининг 1919 йил 4 сентябрда Маннон Уйғур томонидан Тошкент шаҳридаги “Роҳат боғча” деб аталувчи сайилгоҳ саҳнасида намойиш этилганини тасдиқлайди. Чўлпоннинг “Абу Муслим” драмасига ёзган тақризидан мазкур спектаклнинг 1920 йил 13 декабрда “Турон” театрида саҳна юзини кўргани ҳақида хабар топамиз. “Иштирокиён” газетасининг 1920 йил 25 ноябрь сонида босилган Чўлпон тақризидан эса “Чин севиш” драмасининг ўша йили 25 ноябрга қадар бўлган вақтда ёзилгани ва саҳна юзини кўргани маълум бўлади.

Мазкур маълумотлар асосида айтиш мумкинки, Фитратнинг драматургик ижоди, шу кунга қадар қайд этиб келин-

ганидек, 1916 йилда эмас, балки 1917 йилда бошланган. Мавжуд манбалар унинг “Мавлуди шариф”, “Қон” ва “Ўғузхон” драмалари ҳам 1917 – 1918 йилларда ёзилган, дейишилизга асос беради.

Шундай қилиб, Фитрат 1917 йилдан асосан 1927 йилга қадар бўлган даврда, яъни ўн йил мобайнида драматургия билан фаол шуғулланиш имконига эга бўлди. Бу даврни шартли равишда қўйидаги икки босқичга ажратиш мумкин: 1) 1917 – 1921 ва 2) 1923 – 1927 йиллар. Агар Фитрат ижодининг биринчи босқичи унинг Бухоро ва Тошкентдаги ҳаёти, айниқса, ўзи тузган “Чифатой гурунги” ташкилотининг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлса, иккинчи босқичга оид асарлар адабнинг Москвадаги сургун йилларида ёзилган.

Фитрат драматургик ижодининг биринчи босқичи “Чин севиш” драмаси билан якунланади. Фитрат бу асардан аввал, юқорида қайд этилганидек, бир неча саҳна асарини ёзиб, адабиётнинг ўзи учун янги турида озми-кўпми тажриба орттиради. Бу драмаларнинг бири араб, иккинчиси ҳинҷ, учинчиси эса ўзбек халқи ҳаётидан олинган, яъни турли мавзуга бағишлиланган бўлса-да, уларни ягона ғоя, эрк ва ҳуррият учун кураш пафоси бирлаштириб туради. Масалан, “Абу Муслим” тарихий драмаси 747 – 750 йилларда Моварауннаҳр ва Хурсонда уммавийлар ҳукмронлигига қарши Абу Муслим бошчилигига кўтарилган халқ қўзғолони тўғрисида ҳикоя қиласи. Тарихдан шу нарса маълумки, Абу Муслим дастлаб уммавийларнинг Хурсондаги волийси Наср ибн Сайёрни, сўнгра халифа Марвон II ни енгиб, аббосийларнинг тарих саҳнасига келишларига замин ҳозирлаган. Шубҳасиз, XX аср бошлари ўзбек адабиётида Абу Муслим бошчилигидаги халқ қўзғолони ҳақидаги асарга эҳтиёж бўлган ва Фитрат ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида ўз асарини ёзган, дейиш қийин. Аммо Фитрат 1917 йил воқеаларига муносабат билдириш ва большевизм хавфига қарши халқ оммасини уйғотиши мақсадида мазкур асарини ёзган.

Беш парда етти кўринишили бу асар, Чўлпон ифодаси билан айтсак, “тарихнинг энгчувалашган даври”ни тасвирлашга бағишлиланганлиги сабабли унда қаҳрамонлар ҳам кўп бўлган. Чўлпон тақризидан маълум бўлишиб, спектаклнинг энг таъсирли саҳналаридан бирида Марв бегининг қизи Гул-

нор бир тўда “ёввойи” кишилар орасида қолади. Ҷўлпон ана шу саҳнани тавсифлар экан, Гулнорнинг “одам болалирининг ахлоқ важидан қандай қуий даражаларга тушганлиги тўғрисида халққа қаратиб қылғон хитоблари” ҳам, “ул кишиларнинг ҳар бирини битта-битта таъриф қилиши” ҳам ўткир ақл эгаси бўлганини алоҳида таъкидлайди. Тахмин қилиш мумкинки, драматург ана шу саҳнада, умуман, “одам болалари”нинг эмас, балки большевиклар ва уларга ҳамтovoқ бўлган кимсаларнинг “ахлоқ важи”дан қандай қуий даражаларга тушганлигини кўрсатмоқчи ва ватандошларини шундай кимсалардан қутулишга даъват этмоқчи бўлган.

“Темур сағанаси” спектаклининг “Роҳат боғча”да қўйилганлиги ҳақидаги Фози Юнуснинг хабарида, санъатшунос Сирожиддин Аҳмаднинг маълумот беришича, бундай сўзлар ёзилган: “Бу пьесада атоқли бобомиз Амир Темур сағанаси тасвир этиладир. Амир Темур ролига Уйғур афанди қабр ёрилғонда қабрдан чиқғондоғи ҳаракатларни юят усталиқ бирла ago этди. Юрт, ватанни суйгувчи йигит ролини ўйновчи Ўктам афанди (Қаюм Рамазон – Н.К.) нинг ийфлагон вақтда кулу чеҳраси бирла кўриниши келишмади...” С.Аҳмад бу хабар сўзларига асосланган ҳолда “Темур сағанаси” Фитрат қаламига мансуб “Юрт қайғуси (Темур олдинда)” сочмасининг саҳна вариантидир, деган тахминни билдиради.

Ҳамид Олимжон “Фитратнинг адабий ижоди” деган мафкуравий давр талаби билан ёзилган мақоласида, Фози Юнус томонидан “юрт, ватанни суйгувчи йигит” деб таърифлаган персонажни назарда тутиб, бундай ёзган: “Темур сағанасига бориб, ўз фожиасини айтиб ишглайди. Фитратнинг “Темур сағанаси” драмасига шундай... фикрлар айтилади: “Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб ииқилган, ииқилиб яраланган турк злиниңг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Бөглари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз истарга келди”.

Биз, адабиётшунослар, яқин вақтгача “Темур сағанаси” пьесасидан Ҳамид Олимжон мақоласида келтирилган Йигитнинг шу сўзларидан бошқа бирорта парчага эга эмас эдик. Бироқ, маълум бўлишича, хорижда нашр этилган “Миллий Туркистон” журналиниң 1952 йилга оид сонларидан бирида Фитрат ҳақида М.Х.Эртурк тахаллусли муал-

лифнинг мақоласи босилган ва унда, жумладан, бундай маълумот берилган: “Фитрат ўзининг саҳна асарларинга боболарнинг қолдирган мерослариндан баҳс этадир. У Туркистон меросини четлилар ҳар жиҳатдан йўқ этаётганилигини халққа тушундириш фикринга бўладир. У “Темур сағанаси” асаринга саҳнага кўк ўрмон ва уни кесилиб туринганилигини кўрсатадир. Шу вақтда Темур келиб: “Бу ўрмонларни кимлар кесаётилар? Боболарнинг мерослари не ҳолга тушди?” деб чақираадир. Фитрат бу усула боболар қолдирган меросни қўрумоқ лозимлигини халққа уқдирмоқчи бўладир”

Шундай қилиб, қўлимиздаги узуқ-юлуқ маълумотлар асосида мазкур асар сюжетини тиклашга ҳаракат қилсак, қўйидаги манзара пайдо бўлади: Парда очилиши билан томошабин қархисида Амир Темур сағанаси гавдаланади. “Юрг, ватанини суйгувчи йигит” сағана олдига келиб, ўз фожиасини айтиб йифлайди. Шундан кейин сағана ёрилиб, ундан Темур руҳи чиқиб келади ва “Бу ўрмонларни кимлар кесаётилар? Боболарнинг мерослари не ҳолга тушди?...” деб ўксинади. Тахмин қилиш мумкинки, Амир Темур асарда бояги Йигитни ҳам, томошабинларни ҳам боболардан қолган мерос – ўзбек давлатининг дахлизлигини сақлаб қолишга қаратилган, уларга куч ва руҳий мадад бағишлийдиган сўзларни айтади.

Яқинда немис ва турк олимлари иштирокида чоп этилган Саттор Жабборнинг “Қутулиш йўлида” деган китобида “Темур сағанаси” драмасидан 16 сатрли шеърий парча берилган. Бу парчани қўйида келтиришдан аввал Саттор Жабборнинг ўзи тўғрисида, бир оғиз бўлса-да, сўз айтиш жоиз. Саттор Жаббор 1920-1921 йилларда Фитрат муаллимлик қилган курсларда таҳсил олиш билан бирга у ташкил этган “Чигатой гурунги” ташкилотининг йиғилишларида ҳам фаол иштирок этган. Фитрат 1922 йилда, бошқа истеъодди ўзбек ёшлари қатори, унинг ҳам Германияга ўқишига боришига яқиндан ёрдам берган. Талабалар Германияга кетишларидан аввал Фитрат ташаббуси билан Самарқандга бориб, Гўри амирни зиёрат қилишган ва Темур сағанаси олдида ватанини келажақда обод ва озод қилиш ҳақида қасамёд қилишган. Тахмин қилиш мумкинки, улар Фитратнинг “Чин севиш” асари билан бирга “Темур сағанаси” пьесасини ҳам ўzlари билан бирга Германияга олиб кетишган.

Шундай изоҳдан кейин ваъда қилинган Йигит монологидан мазкур парчани журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

Ёввош эс, тонг ели, бу ерларни кўрарсенми?  
Бу тошнинг остида кимдир ётиб қолган, биларсенми?  
Бутун очунни титраттан буюк хоннинг тўти тошин  
Зиёрат этмайин, юз суртмайин илдам ўтарсенми?.

---

Ёрил, эй турк баҳтина эсга соглан тош, ёрил илдам,  
Ёрилгилким, кўкрагинг ичра ётиб қолган ҳам уйғонсун!  
Талангандан, ёндирилган юртими – Туронини кўрсун!  
Эзилган, яралангандан, бойқиши элга йўлни кўрсатсун!

Йигитнинг ана шу сўзларидан кейин сағана ёрилиб, ундан Амир Темурнинг руҳи чиқиб келган.

Кези келганда айтиш лозимки, Саттор Жабборнинг тилга олинган китобида Фитратнинг “Ўғузхон” драмасидан ҳам 27 сатрдан иборат парча берилган. Шу асар ҳақида на бирор аниқ маълумот, на бирор парчага эга бўлмаганимиз учун ундан ҳам қуийдаги парчани китобхонлар эътиборига ҳавола этиш фойдадан холи эмас. “Темур сағанаси”да кўрганимиздек, бу парчада ҳам “юрт, ватанини суйгувчи” киши Ўғузхонга мурожаат этади:

### БОБО

(Бу турк оқсоқоли Ўғузхонга сўзлар)

Биз сендан сўнг бир кўп йиллар тирищдик,  
Сен кўрсаттан тилакларга эришдик.  
Ернинг йироқ бурчакларига бордик,  
Турк донғини юлдузларга чиқордик.  
Андан сўнгра чиқдик ишдан, бузилдик,  
Йўлдан оздик, бузгунликка тутилдик.  
Айрилиқни ўз орамизга солдик,  
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман аталдик,  
Бир тўдамиз “усмонлимиз”, деб кетди,  
Бир тўдамиз “қизилбошмиз”, деб битди.  
Қиличимиз ўз бошимизни кесди,  
Ханжаримиз ўз бағримизни тешди!  
Қардош қонин тўкмак бўлди ишимиз,  
Ёт этига ўтмай қолди тишимиз.  
Андан сўнгра...

Кўрамизки, “Ўғузхон” пьесаси ҳам, ғоявий ва бадиий хусусиятларига кўра, “Темур сағанаси”га анчагина яқин асар. Бу пьесанинг бошланишида ҳам кекса ўзбек (турк) Ўғузхонга мурожаат этиб, унга сўнгги асрларда мамлакатда рўй берган парокандалик орқасида ҳалқ бошига тушган фожиалар ҳакида сўзлаб, ундан мадад кутади.

Ўғузхон хунлар даврида яшаган қадимий турк хоқонлариdan бири бўлиб, асл исми Мусохон Теоман ўғлидир. Унинг туғилган йили маълум эмас. 174 йилда вафот этган. Ўғузхон ўттиз беш йил ҳукмронлик қилиб, турк-ўғуз шажарасига асос солган ва турли қабилаларни бирлаштириб, туркий ҳалқларнинг илк қудратли давлатини барпо этган. Фитрат она-ватанинг мустақиллиги учун курашда туркий ҳалқлар дараҳтининг олис илдизларидан бири – Ўғузхон руҳининг ҳам мададкор бўлишига умидвор бўлади. Унинг бу қудратли хоқонга бағишлиган асари, тахминимизга кўра, Саттор Жаббор китобида келтирилган қўйидаги парча билан тугаган бўлиши мумкин:

Турк йигити уйғонсун,  
Юраклансун, отлансун!  
Сақлагали ўз юртин  
Қўл-оёғи кучлансун!

Ўртоқлар, олға босинг, юрмак керак,  
Олтойнинг арслонларин кўрмак керак!

Қуёшга боқ, юз очди,  
Ерга ёғдусин сочди.  
Ҳайданг, бобом, юрайлик,  
Қоронгуликлар қочди!

Ўртоқлар, олға босинг, юрмак керак,  
Олтойнинг арслонларин кўрмак керак!..

Фитрат бу сатрларда “турк” деб ўзбекни, “Олтой” деб Сибирнинг Олтой ўлкасига яқин жойларни, аниқроғи, Туркистонни, “Олтойнинг арслонлари” деганда эса Туркистонда большевизмга қарши тенгсиз кураш бошлаган ватандоларини назарда туттган. Бинобарин, у юқорида тилга олинган ҳар иккала асарида миллий озодлик учун кураш ғоясини илгари сурган.

Афсуски, биз Фитратнинг “Мавлуди шариф” пьесаси тўғрисида бирор жўяли фикрни айтиш имконига эга эмасиз. Аммо ўйлаймизки, унинг 1917 йил Февраль инқилобидан кейин драматургияга мурожаат этишининг сабаби кенг халқ оммасига мурожаат этиш, уни мудроқ ҳолатдан уйғотиб, ўз ватанининг мустақиллиги учун курашга даъват этишидир. Шунинг учун ҳам Фитрат драматургиясининг биринчи босқичидаги қайси бир асарга назар ташламайлик, унда она юрт дарди билан оғриган кишилар образини кўрамиз. Бу тамойил драматургнинг “Мавлуди шариф” пьесасида ҳам маълум маънода ўз ифодасини топган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Фитратнинг бошқа пьесалари қатори, “Чин севиш”ни ҳам саҳнада кўриш имконига эга бўлган Чўлпон мазкур спектаклга ёзган тақризини бундай эҳтиросли сўзлар билан бошлаган: “Яқинда ўзбек саҳнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша (пьеса) кўрги” Чўлпон бу самимий сўзлари билан “Чин севиш”нинг ўзбек саҳнасида 1920 йилга қадар қўйилган барча асарлардан юксак эканлигини эътироф этган ва ҳатто бу асар ҳақидаги дил сўзларини изҳор этиш билангина кифояланиб қолмай, унинг саҳналаштирилишига ҳам фоят катта баҳо берган.

Муаллифнинг аввалги саҳна асарларидан фарқли ўлароқ, бу драмада муҳаббат мавзуи катта ўринни эгалайди. Таниқли ҳинд инқилобчиларидан бири Каримбахшнинг Зулайхо исмли ҳусн ва акл-заковат бобида тенгсиз қизини, бир томондан, унинг ўзи сингари ахлоқ-одобли ва маданиятли Нуриддин, иккинчи томондан, кўнглида инглиз мустамлакачиларига нисбатан майл туйган Раҳматуллахон яхши кўради. Драматург Зулайхони севган бу икки йигит образини яратар экан, уларнинг бири ҳақиқий ватанпарвар, иккинчиси эса унинг тамомила акси эканлигини ишонарли тасвирлаб боради. Масаланинг мураккаб томони шундаки, Каримбахшнинг кўнгли оташин шоир, ўзи сингари ватанпарвар ва инқилобчи Нуриддин томонида бўлса, қизнинг онаси Фотимахоним, аксинча, камбағал шоирни эмас, балки бошқа тоифага мансуб бўлса ҳам, бадавлат йигитни – Раҳматуллахонни куёв қилишни истайди. Зулайхонинг ота измига бўйсуниши мумкинлигини сезган Раҳматуллахон эса “олма пиш, оғзимга туш” дейдиган анойилардан эмас. У ўз

мақсадига эришиш йўлида ҳамма нарсага тайёр: Нуриддинни орадан сиқиб чиқариш учун унинг инглизлар томонидан қамоқхонага олинишига эришади. Бу ҳам кўнгилдагидек натижа бермагач, уни заҳарлаб ўлдиримоқчи бўлади. У муҳаббати йўлида рақибини ўлдиришга рози бўлганидек, эмин-эркин ва фаровон турмуш кечириш учун ўз ҳалқи ва ватанига хиёнат қилишга ҳам тайёр. Тўғрироғи, у аллақачоноқ хиёнат кўчасига кирган кимсадир.

Фитрат ана шундай мураккаб драматик вазиятни кўрсатганидан кейин воқеалар калейдоскопи шиддат билан айланниб кетади. Ҳинд инқилобчилари Нуридинни зиндандан қутқариб, уни Каримбахшнинг уйига яшириб қўйишида. Драматург шу йўл билан Нуридин ва Зулайҳо ўртасидаги нафақат ишқий муносабатларнинг ўт олиши, балки улар характеристи моҳиятининг очилишига ҳам эришади. (Нуридин Зулайхони чин қалдан севганига қарамай, унга ўз юрагини очишга шу вақтгача журъат қилмаган эди.)

Муҳаббат мавзуи бу асарда Фитратга, бир томондан, томошабин эътиборини жалб этиш, сехраш, иккинчи томондан эса, асардаги драматизмни кучайтириш, қаҳрамонларнинг инсоний моҳиятларини очиш учунгина керак. Аслида, унинг асосий мақсади Нуридин билан Зулайхонинг муҳаббат тарихини саҳнага олиб чиқиши эмас. Умуман, Фитрат ёзувчи сифатида Тоҳир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульєтта сингари ошиқ ва маъшуқалар муҳаббатини тасвирлашни ўз олдига ҳеч қачон мақсад қилиб қўймаган. Унинг учун ошиқ ва маъшуқанинг ҳаёти эмас, балки уларнинг қандай ижтимоий макон ва замонда яшаёттани ҳамда шу макон ва замондаги ноҳақлик,adolatsizlik, tengsizlikka bўlgan муносабатини, курашини тасвирилаш муҳим. Ҳиндистон ёки Туркистоннинг мустамлакачилар зулми остида яшашида у ноҳақлик,adolatsizlik ва tengsizlikning barqarorlashgan ҳолатини кўрган. Шунинг учун ҳам унинг диққат марказида ҳамиша фақат бир масала — мустамлакачиликка қарши эрк ва ҳуррият учун кураш масаласи туради.

Фитрат эътиқодига кўра, ҳалқнинг ор-номусли ва ақлзаковатли кишилари шу курашнинг олдинги марраларида бўлишлари лозим. Модомики, Нуридин билан Зулайҳо Ҳиндистоннинг шундай илфор кишиларидан экан, демак, улар ҳам шу курашнинг олдинги сафида туришлари табиий.

Фитрат миллий озодлик кураши тарихига жасур аёлларнинг номлари ҳам олтин ҳарфлар билан ёзилганини билганига қарамай, Зулайхони кураш майдонига зўрма-зўракилик билан олиб кирмайди. У Нуриддин билан Зулайхонинг “муҳаббат саройи”да бўлиб ўтган учрашувини кўрсата туриб, улар ўргасидаги мулоқотга бундай “йўналиш беради”:

“З у л а й х о. Кўкка боқ, қандай тиник!

Н у р и г г и н. Менинг севишим каби.

З у л а й х о. Кел, ернинг шу бўғаниқ ҳавосиндан ўзимизни кутқарайлик. Иккимиз қўлни қўлга бериб, учайлик, учайлик. Қуёш эришмаган ерларгача юксалайлик!

Н у р и г г и н. Оҳ, саодат!

З у л а й х о. Яратилмаган бир нарса!...

Н у р и г г и н. Сен билан уча билмак учун хаёл бўлса тейиш. Зулайхо, сен жонлар дунёсининг ер узра бир қўнғон кўтарчинисен. Сен билан юксала олғали жон бўларға керак. Йўқ, Зулайхо, сен билан юксалурға меним кучим етмас. Сен қол, ер юзинда турайлик. Сенинг учун гўзал Ҳинди斯顿имизни тозартмайин. Малъун инглизларнинг қонли оёқларини бу учмоқ боқчасиндан чиқарайлик. Малак турган ерда шайтон юра олмагондек, сен юрган ерда инглиз туролмасин”.

Агар “Гўзалим, бевафо гулистоним” сатри билан бошлинувчи сўнгги лирик шеърини эътиборга олмаганда, муҳаббат туйгулари тараннум этилган бошқа бирор шеърни ёзмаган Фитрат бу лавҳа тасвирида романтик туйфу ва кечинмаларнинг мислсиз даражада буюк куйчиси сифатида гавдаланади. У ушбу учрашув пайтида ҳар икки қаҳрамоннинг руҳий оламини қанчалик усталик билан акс эттира олган бўлса, уларнинг биргалиқда кураш майдонига кириб келишларини ҳам шунчалик моҳирлик билан ифодалай олган. У худди шу ерда – ёрга бўлган муҳаббатнинг ватанга бўлган муҳаббат билан туташишида “чин севиш”нинг туғилишини катта маҳорат билан очиб берган.

Фитрат драматургиясининг биринчи босқичига оид кузатишларимизни якунлар эканмиз, унинг шу даврда ёзган драмаларида қандай мавзуларга мурожаат этгани ва қандай қаҳрамонларни танлаб олганига қарамай, улар орқали ўз ватанининг мустамлакачилик кишанларидан озод бўлиш учун кураш фоясини ифодалаганини айтишимиз зарур. Фитратнинг бу фояни ифодалаш учун олис асрларда яшаган та-

рихий шахсларга, шунингдек, бошқа халқлар ҳаётига мурожаат этишининг сабаби эса унинг ҳар бир хатти-ҳаркатини кузатиб турган кимсалар ва идораларга чап бериш истаги билан изоҳланади.

Фитрат шу даврда, худди Маяковский сингари, адиллик қаламини найзага айлантириб, мустамлакачиларга қарши, она-ватанининг озод ва мустақил бўлиши учун астойдил курашди.

Кейинги тарихий жараён шундай кечдики, Колесов во-кеасидан кейин Фитрат 1918 йилда ўзи туғилган Бухоро шаҳридан Тошкентга кўчиб келишга мажбур бўлди. 1923 йили эса Я.Э.Рудзутак бошчилигидаи Турккомиссия келиб, Фитратни ишдан олганидан кейин у Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам ортиқ яшай олмай, Москвага вақтинча кўчиб кетишга мажбур бўлди. Айрим замондошлар унинг Москвада яшаган йилларини “сургун йиллари” деб аташган. Фитрат ана шу “сургун йиллари” (1923-1926) да Москвадаги Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек ва форс адабиётлари тарихидан маъruzалар ўқиб, илмий-педагогик фаолият билан машғул бўлган. Ва 1924 йилда шу ерда ўзининг икки гаройиб драматик асари — “Абулфайзхон” ва “Шайтоннинг тангрига исёни” асарларини ёзган.

Фитратнинг Москвага кетиши арафасида Тошкентда бир қанча ҳинд инқилобчилари яшар ва улар инглиз мустамлакачилари тазииқидан қочиб келиб, ўзбек диёридан паноҳ топган эдилар. (Келажакда ҳинд инқилобчилари ёрдамида Ҳиндистонга ҳам “кириб бориш”ни мўлжаллаган совет давлати уларга Ўзбекистондан бошпана берган эди.) Эҳтимол, Фитрат шу муҳожирлар билан “Чин севиш” драмаси ёзилган кезларда ҳам учрашган ва уларнинг инглизларга қарши олиб борган курашлари тарихи билан танишгандир. Ҳар ҳолда у Бухоро Халқ Совет Республикасидаги қатор лавозимларидан четлатилгач, Тошкентда улар билан учрашиб, улардан эшитган кураш хотиралари асосида 1923 йилда “Ҳинд ихтиолчилари” пьесасини ёzádi.

Агар “Чин севиш” билан “Ҳинд ихтиолчилари” асарларини ўзаро қиёсласак, “Чин севиш” қаҳрамонларининг тилига кўчган Фитрат руҳий оламининг ранг-баранг жилвалари сўнгти асада у қадар кўзга ташланмайди. Аксинча, муқаддимада айтилган Раҳимбахшнинг қўшиғида Фитрат

қалбининг ўша кезлардаги нолалари жаранглаб турғандек бўлади:

Мунгли булбул, мунгдош бўлдик, кел, сайра,  
Бир қип-қизил гулга мен ҳам тутилдим.  
Тинмагур қуш, қайфудошлиқ қиласийлик,  
Мен-да сендеқ юрагимдан урилдим...

Беш пардали бу асарни “Чин севиш”нинг бошқа бир нусхаси сифатида талқин қилиш мумкин. Бу асарда ҳам ошиқ ва маъшуқалар мустақиллик учун курашаётган ҳинд инқи-лобчилари сифатида гавдаланади. Бу асарда ҳам асосий конфликт ҳинд ихтиолчилари билан инглиз мустамлакачи-рининг ўзаро кураши тасвирига асосланган. Аммо ”Чин севиш”дан фарқли ўлароқ, бу асарда Раҳимбахшнинг маъшуқаси Дилнавозни ҳинд сотқини эмас, балки инглиз жосуси Марлинг “севиб қолади”

Фитрат бу драмада ҳам муҳаббат мавзуи тасвирига катта ўрин ажратган. Агар Раҳимбахш билан Дилнавоз ўртасида-ги жўшқин муҳаббатни кузатар эканмиз, бу муҳаббат туйгуларининг такомилида ҳам Нуриддин билан Зулайҳо муҳаббатининг таниш шуълалари балқиб турганини кўрамиз.

Мана, уларнинг висол чоғидаги суҳбатидан бир лавҳа:

“Раҳимбахш (йиғлаёзуб). Дилнавоз, гўзалсен! Эсизларким, ҳинг чечаги термоқ учун шу ерларгача келиб юргон инглиз йигитларининг кўзлари сенинг юзингга-да тушишар.

Дилнавоз (ҳайиқиб). Тушса нима бўлур?

Раҳимбахш. Нима бўлурми? Куръон бетига ҳайвон оёғи тегмак нима эса, ҳинг қизининг юзига инглиз кўзи тушишак ҳам шудур...

...Дилнавоз. Ҳо-о. Англадим, шаҳар хотинлари каби мени ҳам қопга солмоқчимисен?

Раҳимбахш. Унча онгсиз эмасман. Бурга учун кўрпани ўтга солмам. Ҳайвон тумшуғи тегмасин, деб чечакни оғилга тиқмам. Хотунлар қамалсалар, тарбиясиз қоларлар. Тарбиясиз хотунлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Тузук хотун кишилик боғчасининг гулидир. Гулни ҳайвондан сақламоқ тегиши. Бироқ, унинг учун гулни ерга кўммак эмас, ҳайвонни боғлаб қўярга керак. Сизни ҳам ҳайвон ҳавасли

йигитлардан сақламоқ истаганлар ўзингизни чуритмак ўрнинг унларни бир оз тарбия қилсунлар.

Д и л н а в о з. Инглизларни қандай тарбия қилурсен?

Р а ҳ и м б а х ш. Инглизларнинг энг яхши тарбияси уларни Ҳингустондан қувмоқдир... ”

Пъесада ана шу тарзда муҳаббат мотивлари ватанпартварлик ва мустақиллик учун кураш ғоялари билан уланиб, пайвандланиб кетади. Агар Фитрат ҳинд ҳалқининг инглизларга қарши кураши ҳақидағи дастлабки асарини асосий қаҳрамонларнинг ҳалокати билан якунлаган бўлса, бу асада ҳинд инқилобчилари оғир вазиятдан омон чиқибгина қолмай, душманга қақшатғич зарба ҳам берадилар. Асада үларнинг янги, ҳал қилувчи курашга шайланишлари билан хотималанади.

“Ҳинд ихтиолчилари”нинг ёзилиш санаси гарчанд 1923 йил деб белгиланиб келинган бўлса-да, у “Чин севиш” билан кетма-кет, Саттор Жаббор ва бошқа ўзбек ёшларининг 1922 йилда Германияга ўқишга боргуналрига қадар ёзилган ва улар ташаббуси билан 1923 йилда Берлинда нашр этилган.

Фитрат бу асарни ёзишга қанчалик ижодий куч бағишлиланган, асарни қанчадан-қанча ажойиб топилмалар билан музайян қилган ва унда “Чин севиш”даги айрим камчиликлардан (қаҳрамонлар ва воқеаларнинг схематик тасвири ва ҳ.к.) сабоқ олишга интилган бўлмасин, “Ҳинд ихтиолчилари” драматург ижодида янги сахифа бўлди, дейиш қийин.

Фитрат 1923 йилнинг сўнгти ойларида Москвага борганида, Москва, Чўлпон ёзганидек, “ингичка санъати юксаклиги жиҳатидан Farb пойтахтларининг ҳаммасидан олдинда туарар эди” Шу вақтта қадар нафақат шоир ва публицист, балки драматург сифатида ҳам ижод қилган Фитратнинг Москвадаги театрларнинг энг машҳур спектакларини бориб кўрмагани, хусусан, Шекспир трагедиялари билан қизиқмаганига ишониш қийин. Тўғри, на замондошларнинг хотираларида, на Фитратнинг мақолаларида бу масалага ойдинлик киритувчи бирорта сўз йўқ. Аммо куни кеча ёзилган “Ҳинд ихтиолчилари” билан 1924 йилда Москвада қаламдан чиққан “Абулфайзхон” ўртасида катта фарқнинг борлигини кўрган кишида Фитратнинг Шекспир ижоди билан яхши таниш бўлганига шубҳа қолмайди.

Ўша йилларда Москвада яшаб ўқиган Боту сингари ўзбек ёшларининг дунёқарашида миллатпарварлик фоялари секин-аста хира тортиб, совет давлатига бўлган муносабат илиқлаша бошлаган. Улар совет давлатининг миллий сиёсатини тушунишга ҳаракат қила бошлаганлар. Аммо Фитрат ва Чўлпоннинг дунёқарашларида бундай ўзгаришлар сезилмади. Улар, аксинча, Москвада ҳам улуғ рус шовинизми билан заҳарланган кимсаларни ҳар қадамда кўрдилар. Шунинг учун ҳам Фитрат ўзида аксилемустамлакачилик қарашларини ўзгартириш заруратини сезмади. Аксинча, энди у ўз қарашларини пардалаб, миллий тарихнинг кирли варақларига ўраб ифодалаш мақсадида аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон салтанатининг таназзулга учраши ва шунинг натижасида Бухорода манғит амирларининг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ тарихий воқеаларга мурожаат этди.

Шу нарса ғаройибки, қайси бир ҳалқнинг тарихига назар ташламанг, унинг қон дарёсини оқизиб қироллик, подшолик, хонлик қилган Ричардлари, Клавдийларини кўрасиз. Абулфайзхон ҳам ана шундай хонлар тоифасидан. Фитрат бу асарида большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатини фош этиш учун қандайдир тарихий параллеллар ёки имоишоралар қилишга зарурат сезмайди. У Абулфайзхон саройида кечган мудҳиш ҳаётни, рўй берган хунрезликни саҳнага айнан олиб чиқади. Бу саройда Абулфайзхон хон эмас, балки Ўлим хонлик қилаётгандек, Абулфайзхон эса шу қонхўр хоннинг буйруқларини бажараётгандек таассурот қолади, томошабинда.

Хоннинг хўжасаройи, яъни ҳарам бошлиғи Улфат кимлардир Абулфайзхоннинг ғашини келтираётганини сезиб, унга бундай дейди: "...*подшоҳлик қон билан сугорилатурған бир оғочдир. Қон оқиб турмаган ерга бу оғочнинг қурууб қолиши аниқдир*". Абулфайзхон бу даҳшатли сўзларнинг айни ҳақиқат эканини ўзининг бутун хонлик тарихи билан неча бор исбот этган. У ҳатто душманларини қатл эта бериб чарчаган. "Қон тўқмакдан бездим. Акамни ўлдурдим. Кўп дўстларимни ўлдурдим. Мени бир ота каби асраран Фарҳод отани бошини оёқлар остинга кўрдим. Уф... кўзларим қонға тўлди", дейди у. Фитрат ана шундай ёвуз ҳукмдор образини яратиш билан совет давлати раҳбарларининг қонли 1937 йил

сари шаҳдам одимлар билан кетаётганини бу фожиали воқеалардан 14 йил илгари башорат қилиб берди. Трагедиядаги Абулфайзхон образида биз қон билан сугорилган мустабид тузум дараҳтини ва бу дараҳтни “парвариш қилган” Стalinни кўрмай иложимиз йўқ.

Фитрат бу асарида буюк фожианавис сифатидагина эмас, айни пайтда мутафаккир ва башоратчи ижодкор сифатида ҳам намоён бўлган.

“Абулфайзхон” трагедиясининг бадиий қиммати аввало шундаки, Фитрат бу асарда шекспирона қабартма тип ва характерларни яратди, зулмга асосланган салтанат тожининг отадан болага ўтиб келиши натижасида пайдо бўлувчи қонли оқибатларни катта бадиий маҳорат билан кўрсатиб берди. Фитрат бу асари билан ўзбек адабиётида трагедия жанрига асос солиб, бу жанрнинг асосий бадиий тамойилларини белгилаб берди.

Фитрат Москвадалик пайтида “Шайтоннинг тангрига исёни” номли бир пардали драмасини ҳам ёзди. Бу асар ҳажман кичик бўлса-да, унда бир қанча ғоявий-бадиий қатламлар борки, у ҳақда алоҳида фикр юритиш мақсадга мувофиқ.

Фитратнинг бизга етиб келган сўнгги саҳна асари “Арслон” деб аталади. Бу асар 1926 йилда ёзилган вақтда Фитрат сингари “кеекса” жадид ёзувчилар турган замин юмшаб қолган эди. Ботқоқлашиб бораётган бу заминда тик туриш учун Фитрат ва Чўлпонлар совет давлати билан муросай мадора қилишлари лозим эди. Фитрат зукко инсон ва ижодкор сифатида буни яхши сезган. Шунинг учун ҳам у “Арслон” пьесасини “жумҳуриятмиз томонидан муваффақият ҳамдаadolat билан ижро этилмоқда бўлган ер ислоҳоти”га бағишилаган. Агар шу йилларда драматургнинг замонавий мавзуларда асар ёзмаёттанилиги сиёсий айб сифатида айтила бошлиганини эсласак, унинг қандай йўллар билан бўлса-да ер-сув ислоҳотига муносабат билдиromoқчи ва совет давлати раҳбарларига ён босмоқчи бўлгани сабаблари бир қадар ойдинлашади.

Фитрат бу сўнгти саҳна асари учун қаҳрамонларни яқин ўтмишда яшаган қамбағал деҳқонлар орасидан танлаган. Арслон ҳам, унинг севгилиси ҳам – қишлоқ фарзандлари. Улар бир-бирларини севиб, эзгу ният ва умидалар оғушида

яшайди. Аммо Тўлғунойнинг ҳусн-жамолини кўрган Мансурбой улар баҳтига ров бўлади. Асар конфликти ана шу заминда ривожланади.

Мазкур асардаги бир қатор образлар ҳаётий заминга эга ва тўлақонли образлар даражасига эришган бўлса-да, “Арслон” Фитрат драматургиясининг “Абулфайзхон”дан кейинги чўққиси даражасига қўтарила олмади. Ижодкор яхши асарни фақат юрак амри билангина яратиши мумкинлиги ҳақидаги ҳақиқат яна бир бор ўз тасдигини топди.

Фитрат нафақат серқирра ёзувчи, балки айни пайтда адабиёт назариётчиси ҳам эди. У, адабиётнинг бошқа турлари сингари, драматургиянинг ҳам назарий асосларини, драматургия жанрларининг табиатини яхши билган. Унинг қайси саҳна асарига эътибор қаратмайлик, унда моҳир драматургнинг қўли яққол сезилиб туради. Аммо Фитрат, Чўлпон сингари, қафас ичида яшаган булбул эди. У ўзбек драматургияси тарихида қоладиган ўлмас саҳна асарларини эмас, балки томошибинларда мустабид тузумга нафрат, хур ва эркин ҳаётга муҳаббат уйғотадиган, замондошларида ватан ва миллатнинг муనаввар келажаги учун кураш туйғусини тарбиялайдиган асарларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ўйлаймизки, унинг асарлари инқилобий ўзгаришлар даврида шу хайрли ва муқаддас мақсадга хизмат қилди ва ҳамон хизмат қилиб келмоқда.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889–1929)

### Ҳамза Тошкентда



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодининг кам ўрганилган саҳифаларидан бири унинг Тошкентда яшаган йиллариdir. Атоқли шоир фанга маълум бўлган таржимаи ҳолида бу ҳақда қуидаги маълумотни берган:

“1909 йилда Бухорога Икромча домладан арабчани та-  
момлаш учун бордим, лекин мумкин бўлмади. Чунки бухоро-  
ликлар билан шиалар жанжали бўлуб, Когон матбаасига  
қочиб, бир ой ишлаб, Тошканг келдим. Шу кундан бошлаб  
миллий анжуманларда қатнаша бошладим”

Ҳамзанинг бу сўзларини ўқиган адабиётшунослар унинг Тошкентта илк бор келиш вақтини зикр этилган сана ва воқеа билан боғлайдилар. Ҳолбуки, Ҳамза архивидаги ҳужжатларни ўрганиш унинг суннийлар ва шиалар ўргасидаги жанжалдан аввал ҳам Тошкентда бўлганидан далолат беради.

**Илк ташриф.** Ҳамза “Тўла асарлар тўплами”нинг 5-жилдидан ўрин олган “Адабий лавҳалар ва қайдлар” руқнида шоирнинг Тошкентга қилган “саёҳат вақтларинда охирги муҳаббат ила орттиридиги аҳбобнинг адрес ва маълумот тарихлари” берилган. Агар бу “тарихлар”га назар ташласак, унинг 1908 йилда Тошкентта келгани ва шу сафар чофида Шайҳонтаҳур маҳалласида истиқомат қилган Ҳомидхон, Собирхон ва Абдуллахон афандилар билан мулоқотда бўлгани маълум бўлади. Ҳамзанинг қайд этишича, бу зотлар шоирнинг отаси ибн Яминнинг дўстларидан бўлиб, қўқонлик қаламкаш улар орқали ўша йилнинг 11 декабрида шу маҳаллада истиқомат қилган Тошкент жадидлари сарвари Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг хешларидан муаллим Соме қори афанди билан танишиш шарафига мусассар бўлган.

Аммо Ҳамза бу сафаридан бир мунча аввал Тошкентга илк ташриф билан келган.

Ҳамза ҳаёти ва ижоди йилномасидан шу нарса маълумки, шоир 1908 йили Наманганга бориб, етти-саккиз ой давомида ўша ерда таҳсил кўрган. Агар Ҳамзанинг шу даврда отасига ўзбек, форс ва араб тиъларида ёзган хатларига эътиборни қаратсак, унинг оғир иқтисодий ва руҳий шароитда ҳаёт кечиргани равshan бўлади. Шоир шу йилларда диний илмларни эгаллаш ва имми бадеъ билан ошно тутинишга қанчалик жиҳдий киришган бўлмасин, бир томондан, иқтисодий танглик, иккинчи томондан, руҳий ва маънавий изтироблар уни ўз гирдобига тортган.

Ҳамза шу кезларда отасига йўллаган хатларининг бирида раббиулаввал ойининг ўн бешларида, имтиҳонларни топ-

ширгандан кейин бирор ҳафтага Қўқонга бориб, отасининг “табаррук хизматлари”да бўлиш учун ижозат сўрайди. Аммо отаси айрим домлаларининг ҳам, мадрасадош ўртоқлари-нинг ҳам таътил кезларида саёҳатни ихтиёр қилганларини била туриб, Ҳамзанинг бирор жойга уч-тўрт кунга боришига руҳсат бермайди. Изтиробга тушган Ҳамза отасига форс тилида битган хатида қўйидаги сўзларни кўз ёшлари билан ёзади:

“Нима қиласки, Ҳудойи таоло мен бечорани бу қадар баҳтсиз ва иқболсиз қилиб яратган экан. Ҳеч кимга ёқмайман ва ҳеч ким яхши ҳам кўрмайди... Нима ёмон иш қилган эканманки, доимо мен бечоранинг бўлишимни хоҳлашмайди. Агар Ҳудойи таоло ихтиёрни менга бергани ва банда дуосини тез ижобат қилганида, бундай ҳаётдан ўлимни афзал кўрган бўлардим. Нима иложки, қудрат қалами билан жанг қилиб бўлмас экан. Ҳарна бўлса ҳам бир жигаргўшаларингизман: илтифот қилиш ҳам, қилмаслик ҳам Сизнинг ихтиёрингизда; аммо камина ҳалигача нотавон бирон орзумга эришганимча йўқ; Сиз мени деб Мадина шарифдан келдингиз. Бу ишларга сабаб нима экан? Юз йилги умрим бир марта дилимнинг маъюс бўлишига арзимайди; нима қиласки, ўлимга илож тополмай турибман...”

Бу хат тахминан 1908 йил апрелининг 18 – 19 кунларида ёзилган. Орадан ҳийла вақт ўтгач, мусофириликдан қийналиб яшаётган фарзандининг аламнак сўзларидан мутасири бўлган ибн Ямин Ниёз ўғли бир оз юмшаган ва ўғлининг инон-ихтиёрини унинг ўзига топширган кўринади. Шундан кейин Ҳамза отасига ёзган навбатдаги хатида ундан пахталик тўн ва икки сўм пул олганини айтиб, бундай дейди:

“Бу жигаргўшалари минглаб хурсандчиликка эришиб, ўта сарафroz бўлдим ва хатни ўқиб билдимки, менинг муддаоимга сидқидилдан фикр билдирилган...”

Бу “муддао” Ҳамзанинг Тошкентта сайёҳатта бориш илинжи эди.

Ҳамза, ниҳоят, ҳаётида рўй берган катта янгиликни отасига хабар қилиб, ёzádi:

“...Хат келтирувчи Мулла Хидирали номли мусофири ва “усули жадид”га муаллим Авлиё ота тобеи ва қадрдан Қори домла саёҳат учун Тошкангга борар эканлар. Жаноблари-

нинг хизматига тайинландим, бир-икки кун меҳмон бўладилар, гуноҳимни афв этгайлар”.

Шундай қилиб, Ҳамза Наманган мадрасасидаги жорий имтиҳонларни топширганидан кейин, уч-тўрт кунлик таътилдан фойдаланиб, отасининг “қариб” (яқин) дўстлари Мулла Хидирали ва “қадрдон Қори домла” билан бирга Тошкентга келади. Бу воқеа бояги хатдан бир ой кейин, 1908 йил майининг тахминан 18 – 19-кунларида рўй берган. Бинобарин, Наманган мадрасасидаги таътил ҳам худди шу кунларга тўғри келган.

*Бухорода суннийлар ва шиалар жанжали.* Ҳамза Тошкентга қилган илк сафари чоғида – 1908 йилнинг 20 майида Шайҳонтаҳур маҳалласида бўлган эса-да, тошкентлик маърифат ва маданият аҳли билан танишиш имкониятига эга бўлмаган. Кўп ўтмай, шоир ҳамроҳлари билан яна Наманганга қайтган.

Ҳамза Наманган мадрасасини тугатиб, ўрта диний таълимни олгач, отасининг хоҳиш-иродаси билан 1909 йили Бухорога ўқишига боради. Шоирнинг таржимаи ҳоли совет давлати идоралари учун ёзилгани сабабли унда Бухорога “Икромча домлада арабчани тамомлаш учун” боргани айтилган, холос. Ҳолбуки, у Бухорога диний билимларни эгаллаш, шунингдек, араб тилини мукаммал ўзлаштириш мақсадида борган. Аммо суннийлар билан шиалар ўртасида кўтарилиган қонли низо Ҳамза ниятининг амалга ошишига имкон бермаган.

Хўш, бу низо нимадан иборат бўлган-у, Ҳамза нима учун Когонга қочиб боришга мажбур бўлган?

Садриддин Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида ушбу низога алоҳида боб ажратиб, уни куйидаги сўзлар билан бошлаган:

“Амир Музаффар аҳдида бир-икки қатла сунний ва шиалар орасида англамовчиликлар чиққан бўлса ҳам, мазкур амирнинг талаби билан тез бостирилиб, аҳоли ва раис орасидан ғалабалар кўтарилиб, бир туққан қариндошдек яшамоқда эшилар.

Аммо ҳукумат маъмурлари орасида туташ нифоқ ва кукурат бор эди. Ҳақиқатда мунинг сабаби рақобат ва амал талашишдек эди. Бухоро амирлари ерлик ва элдор беклар-

нинг фитналаридан кўрқдиқлари сабабли ва зорат қушбеги-чилик каби катта мансабларни, закотчилик ва хазиначиллик каби ворибот манбаларини кўпинча Бухорода озчиликни ташкил қилган эронлик тоифасига топширур эдилар. Шунинг учун элдор беклар ва ерлик сипоҳилар, биттабъ бу фирқага қарши кўнгилмарида гина саклар эдилар.

Бурҳониддин раис эронлик тоифасидан бўлган Остонақул қушбегини орадан кўтармоқ учун кўпдан бери фурсат ахтармоқда ва фитна қўзғатмоқ чораларини ҳозирламоқда эди.

Шиа, сунний фитнаси учун ҳам Бурҳониддиннинг ўнг қўли ва муттафиқ табиийси Остонақул қушбегини айбли қилишга тиришгучи бу бандалар учун мактаб масаласи, жадид ҳам қадим низои катта баҳона бўлди. Муни-да Остонақулдан кўралар, кўп тухматдан иснод қиласлар эди. Лекин бу масала билан унга ошкора ҳужум этиш қийин бўлиб, бошқа бир фурсатни кутарлар эди. Буларнинг кутган фурсатлари 1338 йил 10 муҳаррам ойига воқе бўлди. (Ушбу сана кўчирма олинган Садриддин Айний “Асарлар”ининг 1-жилдида нотўғри берилган. Аслида, низо 1328 йили, яъни милодий 1919—1920 йилларда эмас, балки 1909 йилда рўй берган. — Н.К.). Мулла Қамар фитнани мундан бир йил бурун, 1337 ҳижрий муҳаррамига (тўғрироғи, 1327 йилда — Н.К.) қўзғатмоқчи эди ”

Хуллас, зикр этилган йил муҳаррам ойининг 10-куни Бухородаги майдонларшиг бирида бир гурӯҳ маҳаллий жамоа ва эронликлар ҳазрати Ҳусайннинг таъзия маросими ни ўтказаётган пайтларида томошага йигилган бир фарғоналий талаба азадорларнинг “Бухоро ва Туркистон одатига мухолиф” хатти-ҳаракатларини кўриб, кулади. Баъзи бир қизиққон эронликлар бу кулгига ўз урф-одатларига нисбатан истеҳзони пайқаб, талабаларга ҳужум қиласилар. Бояги талаба бир-икки дақиқада мажруҳ этилади. Эронликлар қавмининг оқил вакиллари эса ишнинг оқибати ёмон бўлишини сезиб, мажруҳ талабани авбошлар қўлидан айириб олиб, бир уйга яширадилар. Лекин, “Эронликлар муллабаччани уриб ўлдирадилар!” деган овоза шаҳарни жунбишга келтиради.

Ушбу жанжал кўтарилиган пайтда Садриддин Айний ҳам, Ҳамза тилга олган муфти Икром маҳзум ҳам, шаҳарнинг

бошқа ҳурматли кишилари ҳам нақшбандхон Султонхон ўғлиниң уйидаги түй мажлисида эдилар. Дафъатан Бурхониддин раиснинг мулоғимларидан бири мажлиста келиб, “Мен ўз кўзим билан қўрдим, эронликлар бир неча муллобаччани ханжар ва пичоқ билан уриб ўлдирилар! Бу воқеадан мадрасаларга хабар бермоқ лозим!” деб чиқиб кетади.

Бундай фурсатни бир йилдан бери кутаётган Бурхониддин ва мулло Қамарларнинг йўли очилиб, ҳалқ ғалаёни бошланади. Ҳар икки томондан кўплаб киши ҳалок бўлади.

Ҳамза ана шу қонли ғалаён авж олган кунларда Бухоро заминига қадам қўйган эди. Бундай таҳликали кунларда Бухорода қолиш хавфли эканини кўриб, у Когонга қочиб боради ва у ердаги матбаада бир ойча ишлайди.

**Ҳамзаниң Тошкентга иккинчи сафари.** Ҳамза шу даврага оид хатларининг бирида Когонга борищдан мақсадини Кобул сафарини ихтиёр этганида, деб шарҳламоқчи бўлган. У отасига йўллаган хатида бундай сўзларни ёзган:

“...Сониян шуки, Бухорои шарифдан чиқиб, Кобул томон бораман, деб йўлга чиқиб, Когонга келган эдимки, Ҳожи Калимуллоҳ ибн Диловар Шоҳазум ҳожи марҳум мазкур бандани кўриб, ҳол-аҳвол сўрадилар. У киши Бухорои шариф зиёратидан ўзларининг томонга кетаётган эканлар. Мақсадни акамга арз қилган эдим, дилдорлик қилиб, кўп насиҳатлар қилиб, манъ қилдилар ва айтдиларки, бандга бу йўлда етти ўил бориб-келиб юрдим ва бу йўлнинг кўп машаққатлари ва азиматлари бор. Менга ҳамроҳ бўлинг, Тошкангга олиб борай. Мен сизга бир ҳужра топиб бераман; уч-тўрт кун истикомат қилиб дуода бўлсангиз, зора сизнинг истикболингизга бирор босаховат одам топилса, қўшиб юбораман ва ҳам қиблагоҳингиздан жавоб олиб бераман, деб кўп-кўп дилхозликлар қилиб, бирга олиб кетдилар”

Тахмин қилиш мумкинки, Ҳамза бизга етиб келмаган хатида Бухорода рўй берган воқеалар ҳақида отасига хабар берган ва Бухоро мадрасасида таҳсил кўриш ҳаёти учун хавфли эканини ёзган. Бунга жавобан ибн Ямин Ниёз ўғли Ҳамзаниң Кобулга бориб, у ердаги ёхуд бошқа бирор нуфузли мадрасада олий диний таълим олишини маслаҳат берган. Ҳар ҳолда, Бухорога ота изми билан борган

фарзандининг ўзбошимчалик билан Кобулга кетмоқчи бўлганига ишониш қийин.

Шундай қилиб, Диловар Шоҳазим ҳожининг ўғли Ҳожи Калимуллоҳ Ҳамзани ўзи билан бирга Тошкентта олиб келади. Бу воқеа 1909 йил март ойининг иккинчи ярмида рўй беради. (Биз бу санани белгилашда суннийлар билан шиалар жанжали муҳаррам ойининг 10-кунида бўлгани ва Ҳамзанинг Когон матбаасида бир ой ишлаганини эътиборга олдик.)

Шу кундан бошлаб Ҳамза тошкентлик ҳамроҳининг Кадоват маҳалласидаги хонадонида истиқомат қила бошлиайди.

Ҳамза бу даврга келиб, диний билимлар билан бирга араб тилини ҳам яхшигина ўзлаштирган, форс-тожик тилини эса иккинчи она тили, деб билган, шунингдек, ота касби табобатдан ҳам унча-мунча хабардор киши эди. Унинг ана шу фазилати Тошкентда, айниқса, асқотиб, у “бир калима дарс ва озгина табобат” орқасида кундалик турмуш харажатларини қоплаб юради.

Агар тахминимиз тўғри бўлса, Ҳамзани ўзига ҳамроҳликка олган кимса Кадоват маҳалласидаги масжиднинг имоми бўлган. Ҳамза икки-уч кун унинг уйида яшагач, “имом” унга масжид ҳужраларидан бирини бўшаттириб, палос солиб берган. Ҳамза шу ҳужрада яшаб, масжид “имом”ининг “хизматларини бажо қилиб юрган” Шундай кунларнинг бирида нотаниш бир киши водийлик шоирни ахтариб келади.

“Ейиш-ичишидан кейин айтдиларки, – деб ёзади шоир нотаниш киши ҳақида, – бу киши Ҳожи Абдулла Тошкандий эди. Қарийб етти ўйдан бери Мадинау мунавварада истиқомат қилар эканлар. Бу ўйларни тариқасида келибдилар ва барот ойларида қайтиб эканлар”.

Ҳамза яшаган ҳужрага Ҳожи Абдулла Тошкандий билан бирга, чамаси, “имом” ҳам бирга келган кўринади.

“Хизматларида, – деган у Ҳожи Абдулла тўғрисида сўзлаб, – сизга ўҳшаган муллабачча керак экан. Агар қабул қилсангиз, бориш-келиш сарфларини дариг туттмайдилар. Қиблагоҳингизга хат ёзинг ёки бориб келинг; жавоб ва билет олиб кела-сиз. Билетнинг харажатларини ҳам берадилар”.

Ана шу тарзда 1909 йилдаёқ Ҳамзада мусулмон оламининг муқаддас жойларини зиёрат қилиш истаги туғилади.

Лекин Абдулла ҳожи ўз таклифини қанчалик кўп тақрор этмасин, Ҳамза Макка ё Мадина сафарига бориш шарафидан вактингча ўзини тияди. Бунинг сабаби шунда эдики, ибн Ямин фарзандига юборган хатида бироннинг ҳисобига муборак сафарга боришдан савоб кёлмаслигини айтган. Шу сабабдан Ҳамза 1909 йилнинг кўклам ойларидан бошлаб Тошкентда муқим яшай бошлайди ва бошқа бирор сафарни ихтиёр қилмайди.

**Ҳамзанинг Тошкентдаги ҳаёти.** Шоирнинг юқорида тилга олинган қайдларида шу даврга оид яна бир ёзув бор: “*1.Ҳожилардан: Ҳожи Калимulloҳ Шоҳазимбой ўғли. Афсоғи... Рисолаи тарих ...нчи сафҳасинда... Адрислари Эски Тошкандда, Себзор даҳасида, Кадоват маҳалласидагур. Мулоқотимиз 1909 милодий 25 майда*”

Бу қайдларда Ҳамза билан 1909 йили мулоқотда бўлган бошқа бирор кишининг номи учрамайди. Ҳамза шу даврда, афтидан, Тошкентда мاشаққатли турмуш кечирган ва бошқа бирорта тошкентлик эл-юрт ҳурматига сазовор киши билан учрашмаган.

Тахмин қилиш мумкинки, Ҳамзанинг масжид ҳужрасидаги турмуши ҳам кўнгилдагидек кечмаган ва у кун кўришнинг ўзга чораларни ахтара бошлаган.

Дастлабки ҳамзашунос мунаққидлардан бири Ҳости Ҳусайн шу мавзуга оид қўйидаги муҳим маълумотни берган:

“*Ёш шоир ўзининг келажагини, ўзининг тақдирини руҳоний буржуа ёшларининг намояндаси сифатига эмас, балки фақат ўзининг кучига ва ўзининг ақлига ишонибгина кун кечириш кераклигини тушунар эди. У Тошкентда бир тикувчига шогирд бўлиб ишлай бошлади*”.

Ҳамзанинг шу йиллари Тошкентда ёзган ғазаллари унинг мешаққатли турмуши ҳақидаги ҳужжатлар ўлароқ гавдаланади. Чунончи, у тикувчига шогирд тушган пайтидаги ҳолатини “мошинам” радифли ғазалида ҳажвий бўёқлар билан тасвиirlаб, жумладан, бундай байтларни ёзган:

Аё дўстлар, ажойиб, енгил юради мошинам.  
Ҳар чокда етти йўлдин ипни узади мошинам.

Гар келса қаҳри ногоҳ, солмай қулоқ сўзимга,  
Етмиш ерни йиртиб, расво қилади мошинам.

Бекорчи ишга чаққон, вақти жадалда тикмай,  
Пулдор ҳиндилардек аксин қилади мошинам.

Гар кўча узра қўйса, ҳеч аҳмоқ олмас уни,  
Бир дардисар балодур, юз йил туради мошинам...

Тошкентнинг жазирама ёз ойлари бошланмоқда эди. Эски шаҳар кўчалари ҳамда хонадонларидағи ҳаёт санитария ва гигена талабларига мутлақо жавоб бермагани сабабли кундузлари пашша, оқшомлари эса чивин Ҳамзанинг тоқатини тоқ қилади. У ушбу манзарани Муқимий, Завқий сингари ҳажвнавис устозлари услубида бундай тасвирлайди:

Тошканд аро кўп эркан исқаб топар пашша,  
Ҳар ҳовлида ададсиз милён-ҳазор пашша.

Аср ўлмайин чиқарлар найзаларини тезлаб,  
Ёпоннинг аскариdek рад-рад қатор пашша...

Бўлса бандада гўштинг, ногоҳ қурийди шўринг,  
Устингда Воскресин бўлгай бозор пашша.

Қолмас бандада зарра қондин нишона ҳаргиз,  
Мошинасини тиркаб қўймай сўрор пашша...

Бундай кулгили ҳолатлар тасвири билан тўла ғазаллар Ҳамзанинг шеърий истеъоди шу вақтнинг ўзидаёқ баҳор чечаклариdek очилиб келаётганидан дарак беради. Лекин у турмушининг оғирлиги туфайли ҳозирча тошкентлик маърифат аҳли билан яқинлашиш имконига эга бўлмайди. У ҳатто “муҳтарам устоз, олий муаллим” Мунаввар қори Абдурашидхонов билан ҳам учрашиш ва унинг илми нуридан баҳраманд бўлиш учун моддий аҳволининг яхшиланишини кутади.

Таниқли ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмов Ҳамзанинг Сотти Ҳусайн тикувчи деб атаган киши билан боғлиқ ҳаёти тўғрисида бундай янги маълумотни берган:

“Ҳамза чопонфуруушга сидқиши билан хизмат қилиб, пул топмоқчи, сўнг ўша пулни тўлаб, мактабда ўқиб, илм ол-

моқчи бўлади. Лекин топган пули озиқ-овқат, кийим-бошдан ортмайди. Охирни Ҳамза тўнфурушининг ўғли, ўзининг ўртоғи Машокир (Мамашокир – Н.К) дан пул сўрайди. У қарз бермайди-ю, лекин отасининг тикувчилари ёнида кечаси ҳам иш қилса, Ҳамзага отасидан ҳақ олиб беришини айтади. Ҳамза бунга рози бўлади ва кечалари билан тўн тикиш ва қавиш билан шугулланади. Шу машаққатлар билан топган пулини тўплаб, ўқишга киради ва уни муваффақият билан битириб, ўқитувчи бўлади ”

Ҳамзанинг шу йилларда ва кимнинг қўлида замонавий илмлардан таҳсил кўргани Лазиз Қаюмовга маълум бўлмаганидек, бизга ҳам равshan эмас. Лекин шу нарса аниқки, Ҳамза Тошкентдаги жадид мактабларининг бирида таълим олиб, тез орада ўзи ҳам ўқитувчилик орқасида рўзгор тебратади.

**Жадидлар даврасига.** Тошкентлик машҳур зиёлилардан бири Собиржон Раҳимийнинг ўғли профессор Ҳикмат Собиров томонидан эълон қилинган хотираларида бундай қимматли маълумот билан танишамиз.

“Мен... ўзимнинг биринчи ўқитувчилик фаолиятимни 1908 йилдан бошлаган эдим. Отам вафот қилгандан кейин маҳалла кишилари мендан мактаб ташкил қилишни сўрайдилар. Мактаб бизнинг ҳовлимиизда – ҳозирги Тошкентнинг Октябрь райони (ҳозирги Шайхонтоҳур тумани – Н.К) даги 22-мактаб биноси ўрнида ташкил қилинди... Биз биринчи бўлиб ҳарфларни доскага ёзиш йўли билан ўқитар эдик...”

Ўқишиларни янгича усул билан ташкил қилиш биринчи даврда руҳонийлар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Лекин дастлабки имтиҳонлар янгича усул билан ўқитишнинг... гоят устуналигини кўрсатиб берди... Янгича усул билан бир йилда барча ўқувчиларнинг саводли бўлганликлари кўпчилик ота-оналарга жуда маъқул тушди, мактабнинг обрўси ошди, ўқувчиларнинг сони бир неча маротаба кўпайди. Шу муносабат билан яна бир қанча янгича усул билан ўқитиш кўлидан келадиган муаллимларни ахтардик. Кунлардан бир кун мен Себзор даҳа Ҳўжатарашкан (Чинортаги) маҳалласидаги Исмат қори домланинг мактабига иш билан бориб қолдим. Бу ерда янгича усул билан гарс бериб турган

ёш бир ўқитувчи билан танишдим. Бу киши Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эканлар.

У бугдоиранг, ўрта бўйли, орикроқ, соқол-мўйлаби энди сабза қилган, кўринишидан 18—19 ёш чамасидаги йигит эди. У ичидан камзул, устидан қора бекасам чопон кийган, бошида фарғонача дўтписи бор эди. Қисқа давом этган сухбатимизда Ҳамза иқтиносдик жиҳатидан қийналгани, Исмат қори домла ваъда қилган маошни ўз вақтида бермаётгани ҳақида шикоят қилди. Мен уни бизнинг мактабга ўқитувчиликка таклиф қилдим... Ҳамза бизнинг мактабимизда усули савтия (гастлабки савод чиқариш) бўйича дарс бера бошлиди. Мен Ҳамзанинг айрим дарсларида бўлдим. Болаларга тушунарли тилда сўзлаши, шошилмасдан дарс олиб бориши менга, айниқса, маъқул бўлди”.

Собиржон Раҳимий Ҳамзанинг “Раҳимия” мактабида ишлаш вақтини баъзи хотираларида 1910 йилнинг февраль-марти, бошқаларида эса март-апрели, деб кўрсатган. Ҳамзанинг ўзи эса Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар билан улар хонадонида бўлиб ўтган мулоқотни 1910 йилнинг 2 октябрин, деб қайд этади. Тахминимизча, Ҳамза 1909 йилнинг иккинчи ё 1910 йилнинг биринчи яримида Тошкентдаги жадид мактабларининг бирида замонавий маълумот олган ва шундан сўнг Исмат қорининг мактабида хизмат қила бошлаган. Агар тахминимиз тўғри бўлса, Ҳамзанинг Собиржон Раҳимий билан маърифат соҳасидаги ҳамкорлиги 1910 йилнинг октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади.

Собиржон Раҳимий давом этиб, ёзади:

“Шу кўрсатилган икки ой ичига Ҳамза ҳовлимиизда биз билан бирга яшади. Мен ва укам Шокиржон мактабдан бўш вақтларда кўпинча Ҳамза билан бирга бўлар эдик. Ҳамза билан ўша даврда чоп қилинадиган татарча газета ва журнallар, китобларни бирга мутолаа қилар эдик. Баъзи кунларда мутолаа ва баҳсларимиз ярим кечагача чўзилар эди. Бундан ташқари, Ҳамза билан томошаларга ҳам борар эдик. Бу даврда ҳали ўзбек театри ташкил қилинмаган, лекин рус театрлари бор эди, баъзан татар артистлари гастролга келар эдилар. Мен Ҳамза билан бирга бир неча маротаба русча ва татарча спектакларга борганман. Ҳамза бу спектакларни жуда қизиқиш ва ҳаяжон билан томошадилар эди”.

Собиржон Раҳимий шу йиллари фотография билан ҳам шуғулланиб, Ҳамзанинг суратини олган. Ҳамза бу расмга “ярим белдан, қиши кийимда, бошида қундуз телпак ва қора чопон билан тушган” (Бу расм ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасининг 1967 йил 15 январь сонида эълон қилинган.)

“Ҳамза Ҳакимзода, – деб давом этади Собиржон Раҳимий, – бизникуга турганига шеър ҳам ёзар эди. Унинг болалар имтиҳонига бағишилаб ёзган шеърини биламан, лекин тексти эсимда қолмаган. Бу шеър ўша вақтда кўйга солиниб, ўқувчилар томонидан айтилар эди. Шеърда имтиҳоннинг ғоят катта аҳамияти айтилиб, унга пухта тайёргарчилик лозимлиги таъкидланган”

Ҳикмат Собиров отасининг Ҳамза тўғрисидаги катта илмий қимматта молик хотираларини эълон қилиш билан бирга уларга қўйидаги сўзларни ҳам илова этган:

“Яқинда Саломат ва Хосият аммаларим билан Ҳамза ҳақида сұхбат қилдим. Ҳар иккала аммам ҳам Ҳамзанинг бизнинг хонағонда яшаганини эслайдилар. Ҳамза ҳозирги 22-мактаб рўпарасидаги бузилиб кетган ҳовлимизнинг иккинчи қаватига (болхонага) яшаган. У болаларга ашула ўргатар экан, уларни хор шаклида айтишга ҳам ундаган. Ўқувчи болалардан бирининг отаси ўшанда иккита мандолина совға қилган экан. Бу рус асбобини Ҳамза билан отам созлаб, баъзан кўйларни чалишга ҳаракат қилишган”.

Ҳамзанинг 1899 – 1906 йилларда Қўқон, 1909 йилда Намангандаги мадрасаларида ўқигани, 1909 йили эса Бухородаги олий мадрасада ўқишин ихтиёр қилганини билган кишида шоирнинг ижтимоий қиёфаси ва дунёқараши тўғрисида бирёқлама тасаввур уйғониши мумкин. Гап шундаки, Ҳамза XX аср бошларида Туркистонда эса бошланган янги шабадалардан бебаҳра қолмаган. У таржимаи ҳолида ёзганидек, 1907 йили ҳаж сафарига отланган отасини Қашқарга-ча кузатиб борганида, Уфа ва Боқчасаройда татар маърифатпарварлари томонидан нашр этилган газеталар билан танишиш имконига эга бўлган. Орадан бир йил ўтиб, Намангандаги мадрасада таҳсил кўрган вақтида эса ўша “газета-журналларни бирорлар номига ёздириб олиб”, “қўлтуғига ёшуриб”, “шул мадрасанинг қозон қўядиган ҳужраларинда эшикни ичидан беклаб, ўшанда ҳам қўрқуб-

кўрқуб” ўқиган. Айни пайтда у Намангандаги маориф тизимишинг раҳбарларидан бири – Абдулла Тўқмуллин билан танишиб, билим доирасининг кенгайиши ва шеърий истеъдодининг тарбия топишига озми-кўпми эришган. Ҳуллас, Ҳамза 1909 – 1910 йилларда Тошкентта келганида тез суръат билан ривожланаётган жадидчилик ҳаракатидан узоқ бўлмаган, аксинча, дастлабки жадид мактаблари орқали саводсиз ва онгсиз аҳоли кўзини очишга шайланган илфор зиёлилардан эди.

Ҳамза Тошкентта келиши билан, қайд этилганидек, усули савтия мактабларининг бирида таҳсил кўриб, бу мактабдаги ўқитиш услубини эгаллаб олди. Ҳали маҳаллий театр тўдалари ташкил топмаган; демак, Европа тарзидаги миллий театр санъати пайдо бўлмаган бир пайтда Тошкентда фаолият олиб борган рус ҳамда гастролга келган татар театрларининг спектаклларига бориб, саҳна санъати билан танишди ва унга ихлос қўйди. “Раҳимия” мактабида муаллимлик фаолиятини давом эттириши жараёнида – 1908 йилнинг 11 декабридан бошлабоқ пир сифатида ҳурмат қилгани ва этагини ушлагани Мунаввар қори билан тез-тез кўришиб, “миллий анжуманлар”да иштирок этди. Тошкентлик жадиддарнинг бу “миллий анжуманлар”ида бўлиб ўтган сухбатлар, шеърхонликлар мустамлака шароитида яшаётган халқнинг оғир иқтисодий ва маданий аҳволи билан танишиш Ҳамза дунёқарashiда кескин ўзгариш ясади. Шу даврдан бошлаб у ўз олдига Фарғона водийсида усули савтия мактабларини очиб, ўз олдига, тошкентлик жадидлардек, халқни маърифатлаштириш вазифасини қўйди ва адабий фаолиятини ҳам худди шу ғояга бўйсундирди.

*Rag этилган севги.* “Раҳимия” мактабида хизмат қилар ҳамда Собиржон ва Шокиржон Раҳимиyllар хонадонида яшар экан, Ҳамзада мазкурларнинг сингилларидан бири – Адолатхонга нисбатан муҳаббат туйфулари пайдо бўлади. Шу даврда ёзилган ишқий ғазаларида шоир вужудида аллангалана бошлаган шу туйфу ва кечинмаларни бундай тасвирлайди:

Кел, эй жоно, мени ҳар қанча гирён айласанг майлинг,  
Фироқинг ўтига жисмимни сўзон айласанг майлинг...

Мени бир ғамза бирла, эй пари, аввал асир айлаб,  
Вафосиз, эмдилиқда зору ҳайрон айласанг майлинг...

Шоир қалбидә муҳаббат учқунларининг товланишига сабабчи бўлган қиз бу масалага қандай муносабатда бўлган?..  
Бу ва бошқа шу таҳлитдаги саволларга қўйидаги ғазал сатрларидан жавоб унгандек бўлади:

Нигоро, бўйла жаҳл или ғазабни оти ноз ўлмаз,  
Рақибдан ўзга бу атвора ҳеч кас сарафroz ўлмаз...

Фақира ағниёлар хайр-эҳсон қилмаган бирлан  
Қолуб очу яланғоч ҳақни ёзган ризқи оз ўлмаз...

Чамаси, шоир қалбидә очилган муҳаббат чечаклари Адолатхонга ҳам, унинг ақаларига ҳам хушбўй бўлиб кўринмаган. Бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса бирор йилдан кейин ўз шаҳрини қўмсаб, қадрдон кулбаси сари парвоз қила-жак қушга адолат гулини раво кўрмаганлар.

Кўйидаги сатрлар шоирнинг шу кезлардаги нохуш кайфиятини ошкор этади:

Бўлмишам ошиқ, деголи ҳам ўёлиб қўрқаман,  
Ҳасратим айтай, деголи ҳам ўёлиб қўрқаман.

Оҳ ураман тун-саҳарлар, сабру тоқат қолмади,  
Айлагил шафқат, деголи ҳам ўёлиб қўрқаман.

Қон оқиб кўзларимдан, йўлларингда интизор,  
Бир қиё боқгили, деголи ҳам ўёлиб қўрқаман.

Зулмати ҳижронда қолдим, бир мусоғир зорман,  
Кўп жафо қилма, деголи ҳам ўёлиб қўрқаман...

Шоир севгисининг рад этилиши унинг Раҳимийлар хонадонида ортиқ туролмаслигига сабаб бўлди. У гарчанд соҳиби хонадонлар билан кейинчалик ҳам хат орқали алоқа қилиб турган бўлса-да, хайрлашди. Аммо на Кўқонга, на Исмат қорининг мактабига қайтмай, Тошкентнинг бошқа бир гўшасига кўчиб бориб, ўша ерда усули савтия мактабини очди.

*Қашқар дарвоза маҳалласида.* Шоирнинг таржимаи ҳолида бу ҳақда қўйидаги маълумот учрайди: “1910 йилда Қашқар дарвоза маҳалласида биринчи марта усули савтия мактаби очдим. Шу кундан муаллимликка киришдим”.

Ҳамза архивида сақланган ҳужжатларнинг бирида шу мактабда таҳсил кўрган ўқувчиларнинг рўйхати бор: “1910 й. 12 декабрда, 1328 ҳижрий 23 зулҳижҷадан бошлаб Тошкандда Қашқар дарвоза оғзидалари мактабда кечаси ўқувчилар исмлари” деб номланган бу рўйхатга кўра, зикр этилган мактаб уч синфдан иборат бўлган. 1-синфда 23, 2-синфда 10, 3-синфда эса 13 нафар ўқувчи таҳсил кўрган.

Ҳамза 1911 йилнинг эрта кузида Кўёнга қайтгач, Тошкентда орттирган педагогик тажрибалари асосида кечки мактаб очди. 1911 йил 27 сентябрь санаси қўйилган эълон – варақада у мазкур мактабдаги ўқув тартиби тўғрисида қўйидаги сўзларни ёзган:

“Кундуз куни ўқимоқча ожиз ўлуб, кечаси ўқимоқча ҳаваскор ўлон афандиларнинг муродлари ҳосил ўлмоғи учун кечалик мактаб очилди.

Мазкур мактабда 16 ёшдан 50 ёшгacha қабул ўлуниб, муддат икки ойдан тўрт ойга қадар. Хат-савод, ҳисоб тамом чиқарилур ҳамда арабча, форсча тилларни ҳам ўқуб, сўзламоқга муҳтож афандиларни қабул ўлуниб, мазкур муддатда мумкин қадар билдирилур.

*Мактаб очилур кеч соат 7 дан 11гача. Ўқиш бошланур 1 октябрдан.*”

Ҳамзанинг Қашқар дарвоза маҳалласида очган мактаби ҳам тахминан ана шу тартибда иш юритган.

Зикр этилган рўйхатнинг сарлавҳасига кўра, Ҳамза милодий 1910 йилнинг 12 декабридан эътиборан мазкур мактабдаги ўқув ишларини йўлга қўйган кўринади. Лекин ҳижрий 1328 йилнинг 23 зулҳижҷасини милодий йил, ой ва кунларга кўчирсак, ўша йилнинг 12 декабря эмас, балки 27 декабря чиқади. Ҳар ҳолда тахмин қилиш мумкинки, Ҳамза “Раҳимия” мактабини тарқ этганидан кейин, 1910 йилнинг декабрь ойи бошларида Қашқар дарвоза маҳалласидаги Сойиббой ҳожининг масжидида яшай бошлаган. 1911 йилнинг 1 майида Ҳамза номига Кўёндан шу манзилга келган хатга асосланган ҳолда, у Тошкентда 1911 йилнинг ўрталарига қадар яшади, деб аниқ айтиш мумкин.

**Абдулла Авлоний ва Ҳамза.** Ҳамзанинг Тошкентда танишган ва дўстлашган биродарлари рўйхатида Абдулла Авлоний исми учрамайди. Аммо Ҳамза Қўқонга қайтиб бориб, у ерда жадид маърифатпарварларидан бири сифатида қизғин фаолият юрита бошлагач, шеърий ижодида, кутилмаганда, Абдулла Авлонийнинг “миллий шеърлар”и билан ҳамоҳанг ғоялар янграй бошлайди.

Ҳамза фалакнинг гардиши билан Тошкентга келиб қолган йилларда бу ерда жадид шоирларидан иборат давра бўлган. Абдулла Авлоний шу давранинг пешқадам вакиларидан бўлиб, 1906 – 1908 йилларда “Шухрат”, “Осиё” газеталарини нашр этган. Шундан сўнг Тошкентнинг Миробод маҳалласида маҳаллий болалар учун яна усули савтия мактабини очиб, ўқитувчилик қилган. У ўзи ташкил этган мактаблар учун 1911 йилда “Биринчи муаллим” ўқув қўлланмасини, 1909 – 1915 йилларда эса тўрт бўлимдан иборат “Адабиёт ёки Миллий шеърлар” китобини эълон қилган. Шу йиллари Тошкентда яшаган, нафақат жадид мактаби, балки жадид матбуоти ва жадид шеъриятига ҳам ўзида катта қизиқиш сезган Ҳамзанинг Абдулла Авлоний билан учрашмаган бўлишига ишониш қийин. Бизнингча, Ҳамза Тошкентда яшаган кезларида Абдулла Авлоний сингари маҳаллий шоирлар билан учрашган эса-да, иқтисодий, руҳий ва бошқа қийинчиликлар орқасида улар билан ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлмаган. Аммо у Қўқонга қайтиб кетганидан кейин ҳам тошкентлик биродарлари билан алоқада бўлган ва худди шу пайтда А.Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” ҳамда тўрт бўлимдан иборат “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” китобини олиб ўқиган. Ва бу китоблар унинг кейинги ижодий ҳаётига катта таъсир ўтказган.

Ҳозир биз шоирнинг беш жилдлик “Тўла асарлар тўплами”да эълон қилинган “Миллий ашуналар учун миллий шеърлар мажмуаси” ва шу мажмуанинг давоми бўлмиш “гул” тўпламларини ташкил этган “миллий шеърлар”ни яхши биламиз. Айниқса, “Миллий ашуналар учун миллий шеърлар мажмуаси”нинг ғоявий йўналиши, “Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон, Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон” матлаи билан бошланган “миллий шеър” Ҳамзани қайта кашф этишимизда муҳим омил бўлди. Агар биз бу шеърни ва Ҳамзанинг 1915 – 1919 йиллар орасида нашр

этган бошқа “миллий шеърлар”ини А.Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” тўпламидағи айрим асарлар билан ўзаро муқояса қылсак, уларнинг қайси шеърият чашмасидан униб чиққани маълум бўлади.

Сўзимиз асоссиз бўлмаслиги учун бир мисол келтирайлик:

Ётурсан тобакай ғафлат қучофинда, уён, миллат,  
Жаҳолат жомасин устингдан иргит, тур, замон, миллат,  
Кетиб ҳамроҳлар, сан йўлда қолмақдан ўтон, миллат,  
Тур, ўтмай вақт, ноз уйқусидан кўбдир зиён, миллат,  
Кўзинг оч, ётма, ғафлатдан ўсон, миллат, ўсон, миллат,  
Топар сан бирла авлодинг, омон, миллат, омон, миллат.

А. Авлонийнинг бу ва бошқа шеърларидағи миллат дарди билан тўйинган ғоялари Ҳамзанинг жадидона шеъриятида катта акс-садо бериб жаранглайди. Худди шунингдек, Ҳамза Авлонийнинг “Биринчи муаллим” китобларида фойдаланган ҳолда “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби” ва “Қироат китоби” сингари педагогик рисоларини ҳам яратган.

Агар суннийлар билан шиалар ўртасида қонли воқеалар содир бўлмаганида, Ҳамза Бухорода қолиб, таҳсил олган ва араб тили бўйича билимини мукаммаллаштирган бўларди. Лекин унинг “Миллий ашуалар учун миллий шеърлар мажмуаси” ва бошқа шу руҳдаги шеърий тўплamlари ҳамда педагогик рисолалари ёзилган бўлармиди ёйўқми, у ўзбек жадид адабиётининг улкан намояндаларидан бири даражасига эришган бўлармиди ёйўқми – буни Яратганинг ёлғиз ўзи билади. Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, Тошкент сафари Ҳамза ҳаёти ва ижодий фаолиятида кескин бурилиш ясади.

Шундай қилиб, Когонда иттифоқо тошкентлик Ҳожи Калимуллоҳи Диловар Шоҳазим ҳожи билан танишган Ҳамза Тошкентга келиб, адабий ижоди ва педагогик фаолияти учун муҳим туртки олди ҳамда жадидчилик ҳаракатининг қўзга кўринган намояндаларидан бири сифатида адабиёт оламига дадил қадам қўйди.

**Ҳамза ва Мунаввар қори Абдурашидхонов.** “Миллий ашуалар”ни вараклар ва халқ дарди билан сугорилган шеърларни кўрар эканмиз, мустамлакачилик йилларида

ночор бир аҳволга тушган ҳалқ тақдири учун куюнган шо-ирнинг руҳий изтироблари ва интилишлари билан яқиндан танишамиз. Туркистон ўша йилларда, Ҳамза таърифлага-нидек, “Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмас, Руҳсиз тандур, ханжар урса, қони сочулмас” бир ўлка эди. Жадидлар, шу жумладан, Ҳамза ҳам ана шу ўлка ва унинг аҳлини уйго-тишга бел боғлаган эдилар.

Ҳамза ижодига жадидчилик фояларининг кириб келиши, юқорида айтилганидек, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг муборак исми билан боғлиқ. Бу ҳақда сўзни давом эттиришдан аввал бир фактни қайта мушоҳада этиш лозим кўринади. Гап шундаки, ҳамзашунослар “Миллий ашула-лар”нинг нашр этилиши ҳақида сўзлаб, унинг 1915 йилда тузилгани ва ўша йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Қўқонда тош босмада чоп этилгани ҳақида маълумот бериб келганлар. Аммо Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Ҳам-за архивида сақланиб қолган хатларидан мажмуанинг нашр этилиш тарихига доир янги маълумот юзага чиқади.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1916 йил 1 январь санали хатидан маълум бўлишича, Ҳамза унга “Ферузахоним” асари, “Енгил адабиёт” рисоласи ва бир шеър китобини юбориб, устознинг шу асарлар ҳақидаги фикрини билмоқчи ва, иложи бўлса, “Туркистон” кутубхонаси ёрдамида чоп эттиromoқчи бўлган. Афтидан, Ҳамза Мунаввар қори Абдурашидхоновга зикр этилган асарлари билан бирга “миллий ашула-лар”ни ҳам юборган. Устознинг 1916 йил 17 февралда битилган хати бу ҳақда маълумот берибгина қолмай, “Миллий ашула-лар”нинг Қўқонда Ҳамза томонидан чоп этилгани хусусидаги фикрга ҳам аниқлик киритади. Мана, ўша хат:

*“Биродари азизим!*

*Мактубларингиза вақтида жавоб ёза олмағонлигим хусу-синда афвингизни истирхом қулурман. Китобларингизни кўрдим. “Миллий ашула-лар” ингизни ўз исмингиздан табъ эт-тирдим. Яхши қоғозда 12 бет бўлиб, минг донаси 28 сўмларга тушди. Ҳозирда таҳловчида. Баҳосини 6 тийин, почта ила 8 тийин қўйдим. Ҳаммаси бўлиб 895 нусха китоб бўлса керак. Қоғоз ва бошқа масорифлари ширкат (“Туркистон” ширкати назарда тутилмоқда – Н.К.) тарафиндан тутулуни. Эмдилиқда ширкатга хизмат ҳақи учун неча нусха марҳа-*

мат қылсангиз, маалташаккур, ортиб қолғонини ўзингизга юборурмиз. Фақат 28 сўмни кутубхонага тезроқ перевод қилувингиз рижо ўлинур. Аввалги шеър китобингиз қоғоз қаҳатлиги сабабли босилмай турубдур... “Миллий ашулалар” ингиз оз ва кичкина бўлғон сабабли бостурилди. Бошқа асарларингиз тўғрисида ишоолло билзот кўрушуб сўйлашурмиз. Боқий ихват.

Дўстингиз (имзо).

1917-16 /II”.

М. Абдурашидхоновнинг бу ва бошқа хатларига асосланган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, биринчидан, Ҳамза Тошкентдан кетганидан кейин ҳам пир деб эътироф этгани сиймо билан мунтазам алоқада бўлиб, унга ёзган асарлари ни юборган ва унинг фикрини олиб турган; иккинчидан, у Мунаввар қори Абдурашидхонов ихтиёридаги “Туркистон” кутубхонасининг нашр имкониятларидан фойдаланиш ниятида бўлган; учинчидан, у “Ферузахоним”, “Енгил адабиёт” ва “Миллий ашулалар”ни устоздан олган “миллий сабоқлар”нинг амалий самараси сифатида, гўё ижодий ҳисобот тарзида унга юборган.

М.Абдурашидхоновнинг “Миллий ашулалар”ни Ҳамзаномидан табъ эттиришининг сабаби шундаки, Тошкент жадидларининг отаси бўлган бу зот ўзининг тараққийпарварлик руҳидаги ишлари учун инқилобгача чор мустамлакачиларининг, инқилобдан кейин эса большевикларнинг доимий таъқиби остида яшаган. У ўзи ташкил этган “Хуршид” газетаси таъқиқланганидан кейин матбуот соҳасидаги бошқа ҳар қандай ташаббуси барбод бўлишини сезиб, дўстлари Абдулла Авлоний, Аҳмаджон Бектемиров ва бошқалар расмий муҳаррирлари бўлган газеталарга ҳаёт нафасини беришга аҳд қилган.

Сўз, модомики, М.Абдурашидхонов билан Ҳамза ўртасидаги ижодий алоқа устида борар экан, устознинг “Ферузахоним” бўйича баён қилган мулоҳазаларига ҳам тўхтаб ўтиш жоиз.

Мунаввар қори 1915 йил 4 ноябрда Ҳамзага ёзган хатида унинг “Ферузахоним” асари юзасидан бундай танқидий мулоҳазаларини устозлик ҳуқуқи билан баён этган: “Ферузахоним”нинг мавзуи бик яхши. Фақат ичидаги “малъун”, “бедин” каби агаддан хориж сўзларни чиқарилса, эшон ила

бойни – бедин ва малъулиги сўз ила эмас, қилиқлари, ёмон ишлари ила кўрсатилса ҳамда “Чойи қўлига, сўзи бўғзида қолғон Норбобо ўрнидан турди-га, дўконга кетди” каби жумлаларни “Норбобонинг чойи қўлига, сўзи бўғзида қолди-га, ўрнидан туриб дўконга кетди” равишида ёзилса, даҳо очик ва сучукроқ бўлурди. Ҳамда Мансур ила Ферузанинг мактублари бир оз қисқароқ бўлуб, суҳбатлари узайтирилса, муассирроқ чиқарди”

Чамаси, Ҳамза устознинг бу танқидий мулоҳазалари асосида “Ферузахоним”ни тамомила қайта ишлаб, уни бошқа ном остида нашр эттирган. (Адабиётшунос Раъно Иброджинованинг “Заҳарли ҳаёт” пьесаси “Ферузахоним”нинг қайта ишланган нусхаси эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳақиқатдан йироқ бўлмаса керак.)

Аммо совет танқидчилари М.Абдурашидхоновнинг юқорида келтирилган танқидий мулоҳазаларини мутлақо тескари талқин қилиб келдилар. Масалан, Сотти Ҳусайн “Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва фаолияти” номли китобида (1940) бундай деб ёзди: “1915 йилда Ҳамза ўзининг “Ферузахоним” номли театру асарини бостириб чиқариш учун жадидлар раҳбарининг бирига юборади. Ундан Ҳамза “агар сиз бой, муллаларга қаттиқ тегадиган ўрунларни олиб ташлаб, қайтадан ишлаб берсангиз, бостира оламиз”, деган жавобни олиб, ғоят ғазабланади”.

М. Абдурашидхонов, аксинча, Ҳамзанинг XX аср бошлиаридағи маърифатпарварлик ҳаракатига келиб қўшилиши, шу ҳаракат ғоялари билан тўйинган шеърлар, пьесалар ва публицистик мақолалар яратишига ўз ҳиссасини қўшди.

“Миллий ашулалар”нинг илфор жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинганилиги Ҳамзани мазкур мажмуанинг иккинчи бўлими – “Оқ гул” тўпламини нашрга тайёрлашга илҳомлантирди. Ҳамза бу тўпламини ҳам устозга юбориб, унинг ёрдамида нашр этилишига эришди. Аммо устоз бу сафар ҳам унинг Тошкентда, ўзи иштирокида чоп этилганини ошкор қилмади.

М. Абдурашидхоновнинг 1916 йил 17 апрелда Ҳамза номига йўллаган хатида “Оқ гул” тўғрисида қуйидаги сўзлар ёзилган бўлиб, улар бизни тўплам мұқовасига битилган “Шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, мулла Искандар Барат-

бой ўғли ноширлигида, 1914 йил 28 июль – 1916 йил 18 май сўзларига танқидий қарашга ундаиди:

“Биродари азизим!

Мактубларингизни ҳар учи ўз вақтида етмиш ўлса-га, касрати машғулият жавоб ёзмакка мусоада бўлмади. “Оқ гул” ҳозир котибда, бутун ё эрта битуб матбаага берилур. Кечикувнинг сабаби котиб қўлида зарур бир китоб ўлдиги, “Оқ гул”ни ҳам шунга қўшуб бостурмоқ лозим кўрилдигигидур. Матбаадан чиқиб тахлануб, тикулуб Сизга еткунча тахминан 20 кунлар ўтса керак. Бошқа китобларингиз ҳануз котибга ҳам берилгани йўқ. Мумкин бўлса, 20 сўм “Туркистон” кутубхонасига гўндуриб қўйилса, китоб чиқғон куни хизматингизга гўндирилур эди...”

Бу сўзлардан Ҳамзанинг ўша кезларда нашр этилган ва нашр этилмай қолган аксар китобларининг (шу жумладан, “Миллий ашулалар”нинг кейинги бўлимларининг ҳам) М. Абдурашидхоновга юборилгани маълум бўлади.

М. Абдурашидхоновнинг Ҳамза номига йўлланган хатларидан яна шу нарса равshan бўладики, шоир устозга фақат шеърий асарларини юборибгина қолмай, айни пайтда, саҳна асарларини ҳам нашр этириш учун юбориб турган. Аммо қўлёзма китобнинг чоп этилиши учун ижозатнома олиша олмаган. Лекин у ўз труппаси билан Тошкентга келиб, саҳна асарини намойиш этмоқчи ё концерт бермоқчи бўлса, ижозатномани қандай олиш йўлларини тушунтириб хатлар ёзган.

Хуллас, Мунаввар қори Абдурашидхонов ёрдамида жадидчилик ғоялари билан “чангланган” Ҳамза Октябрь тўнтаришига қадар бу маърифий ҳаракатнинг фаол қатнашчиларидан бирига айланиб, миллий уйғониш ғоялари билан йўғрилган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” ва “гул” тўпламларини яратди; бу ғоялар ҳалқнинг турли қатламига етиб бориши учун 1917 йилдан бошлаб саҳна санъати имкониятларидан ҳам фойдаланиш йўлларини ахтариб, “Заҳарли ҳаёт” сингари пъесаларини ёзди, уларни кўпинча ўзи саҳналаштириб, турли жойларда намойиш этди; Ҳамза эзгу ниятининг амалга ошиши йўлида наср имкониятларини ҳам ишга солиб, “Янги саодат” (1914) номли асари билан замонавий ўзбек миллий насрига Абдулла Қодирий ва Чўлпон билан бирга тамал тошини қўйди.

XX аср бошларида Абдулла Қодирий мукаммал бир шаклга кирган ва ҳаёт ҳақиқатига таянган насрга, Фитрат билан Ҷўлпон эса замонавий шеъриятга тамал тошини қўйганларидек, Ҳамза миллий драматургиямизнинг яловбардоридир. Шубҳасиз, бу сўзлар Фитрат билан Ҷўлпоннинг наср ва драматургия равнақига қўшган ҳиссасини инкор этмайди, Ҳамзанинг эса шеърият ва наср бобидаги самарали изланишларига заррача бўлсин соя ташламайди.

Сўнгги йилларда ошкор бўлган кўплаб маълумотлар Ҷўлпоннинг 1897 йили эмас, балки 1898 йили, яъни Ҳамзадан тўққиз йил кейин туғилганидан шаҳодат бермоқда. Агар унинг 1938 йили отилганини эътиборга олсан, Ҳамзадан тўққиз йил кейин ёруғ дунёдан мосуво этилганлиги маълум бўлади. Гапнинг сирасини айтсак, бир авлодга мансуб бўлган бу ҳар иккала ёзувчи бир даврада яшабгина қолмай, бир ўлчовдаги умр ва фожиали тақдирни бошдан кечиришган. Аммо улар турлича инсоний сажияга эга бўлганлари ва турли ижтимоий кучлар таъсирида яшаганлари сабабли ўрталаридағи ижодий алоқа ҳам ҳар хил ҳолатлардан иборат бўлган.

10-йилларнинг ўрталарида жадидчилк руҳидаги саҳна асарлари билан эътибор қозонган Ҳамза Туркистон (Қўқон) муҳторияти қонга ботирилгандан кейин жадид биродарларидан бирмунча узоклашди. Тўрт бўлимдан иборат “Фарғона фожиалари” номли саҳна асари Ҳамзанинг бошқа соҳилга ўтганидан дарак берди. Натижада кечаги биродарлар матбуотда бу асарни кескин танқид қилиб чиқдилар. “Адабиёт қули” мустаор тахаллусли мунаққид “Иштирокион” газетасининг 1919 йил 4 октябрь сонида, бошқа бир муаллиф шу газетанинг ўша йилги 17 октябрь сонида пьеса ва у асосдаги спектаклга салбий муносабатда эканликларини намойиш этдилар. Бироқ Ҳамза “Фарғона фожиалари”ни турли шаҳарларда намойиш қилишда давом этди. Асар бўлимларидан бирини Тошкент саҳнасида кўрган Ҷўлпон “Туркистон” газетасининг 1924 йил 14 октябрь сонида “Тарихнинг зарарлик такаррури” деган мақола билан чиқиб, Ҳамзани 1919 – 1920 йилларда Фарғонада рўй берган қонли воқеаларни нотўғри акс эттиришда айблади.

Ҳамзашуносларнинг иккинчи авлоди бизга етиб келмаган бу асарни “бадий жиҳатдан пишиқ бўлмаса ҳам, ундағи воқеалар жанговар революцион давр билан боғланган ва кучли агитацион аҳамиятта эга”, деб баҳолаганлар. Аммо ҳамзашунослик илмининг қалдирғочи Сотти Ҳусайн ўша йиллардаги театр оламининг тирик гувоҳи сифатида асар ҳақида бундай фикр билдирган: “Ҳамзанинг кўп драма асарлари ичидан “Фарғона фожиаси” ва “Лошмон” ларга тўхташ керак. Бу асарлар гражданлар уруши вақтида кўп кўйилган. Афсуски, у асарлар бизнинг қўлимизда йўқ. 4 сериядан иборат бўлган “Фарғона фожиалари”ни ўйнаган актёrlар, кўрган томошабинларнинг гувоҳлиги ишимизга бирмунча ёрдам беради. “Фарғона фожиалари” босмачиларнинг зулмини кўрсатиб, унга қарши халқнинг ғазабини уйғотади, манфаати йўлида қилган жонкуярликлари учун босмачилар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган большевик қаҳрамонларни, уларнинг мардларча курашганликларини кўрсатади”.

Тўрт бўлимдан иборат ва ҳар бир бўлими алоҳида на-мойиш этилган бу асарда Октябрь тўнтаришидан кейинги воқееликнинг тўғри тасвир этилган нуқталари ҳам бўлгани шубҳасиз. Бироқ асарнинг асосий ғоявий йўналиши Сотти Ҳусайн томонидан таърифланган масалага қаратилганининг ўзиёқ Ҳамзанинг 20-йиллар аввалида нотўғри ижодий маррада турганини кўрсатади. Бинобарин, большевикларнинг Туркистон муҳториятини тутатиш баҳонаси билан Фарғона водийсини қонга ботирганларини ўз кўзи билан кўрган ва бу ҳолни “Бузилган ўлкага” шеърида ёниб акс эттирган Чўлпон Ҳамзанинг бу асарига лоқайд қараб туролмади:

“Фарғонанинг 1919 ва 1920 йиллари эсингизда бордир. Фарғонага оққан ҳақли ва ҳақсиз қонларнинг ҳиди Тошкент ва Самарқандларни эмас, Москва ва Ленинградни ҳам тутуб кетди...

Ҳодиса ва воқеалар шу қадар тез ва шошилишиқ билан юз кўрсатдирларким, уларни тарих бетларига жойлаб қолмоқ ҳам жуда қийин бўладир.

Фарғонага ҳам шундай бўлди. Кечаги воқеалар бугун эслан чиқди. Эртаниги воқеалар олдида илгари кунгиси ҳеч нарса бўлмай қолди. Ақллар ҳамто шу воқеаларга гувоҳ бўйлатурғон бир тарих борлигини ўз доираларига сиғдира олмай қолдилар.

Ҳамза Ҳакимзоданинг 6—7 бўлакдан иборат ва луолалиқ (сенсационный) “Фарғона фожалари” ана ўшал ҳовлиқишининг мевалари эди”

Ушбу мақола Ўзбекистон большевикларининг бош газетасида босилгани учун Чўлпон асарнинг foявий йўналишидаги хатоликларни кўрсатиш имконига эга бўлмаган. Аммо шу сатрларнинг ўзиёқ унинг “Фарғона фожиалари”га бўлган салбий муносабатини ифодалаб турибди.

“Иштирокион” ва “Туркистон” газеталарида босилган ҳар учала мақолани Чўлпонники деб ўйлаган Ҳамза ушбу пьеса афишасининг орқа бетига “Уч карнакка бир пуф!” сарлавҳали памфлет ёзди. Шу кезларда ҳар бир асарни совет ҳукумати идораларининг буюртмаси билан ёзган ва улар томонидан қўллаб-қувватланган Ҳамза Чўлпоннинг аччиқ сўзлари тагида бошқа гап ётганини илғамайди. Ҳолбуки, у Ҳамзани Маннон Уйғур раҳбарлигидағи театр труп-пасининг изидан боришга, ўз ҳалқи манфаатлари йўлида хизмат қилишга чақирмоқчи эди.

Чўлпон билан Ҳамзанинг яқиндан танишуви ҳам Уйғур ташкил этган труппа фаолияти билан боғлиқ. Ҳамза 1919 йили Тошкентда икки ойча яшаганида, бу труппа билан мустаҳкам алоқа ўрнатди ва Уйғур билан ижодий ҳамкорлик қилди. Худди шу даврда Чўлпон Ҳамзани ўзбек миллий театрининг истеъдодли арбобларидан бири сифатида кашф этди. Аммо у бунга қадар “Бой ила хизматчи” муаллифини даставвал шоир сифатида билар ва ҳурмат қилар эди.

Чўлпон “Садои Туркистон” газетаси идорасида хизмат қилган кезларида ана шу ҳурмат боис уни ўз шеърлари билан газетада қатнашишга таклиф этган. Ҳамза архивида сақланиб қолган ҳужжатларнинг бири Қўқондаги “Файрат” деб номланган китоб дўконига Ҳамзага бериш шарти билан юборилган. Чўлпон 1916 йил 6 декабрь санали бу хатда қўқонлик шоирга бундай сўзлар билан мурожаат этган:

“Мұхтарам Ҳамза афанди! Илтимос қиласман, ушбу хатни олув билан тезлик ила “Садои Туркистон”нинг биринчи агадига бир яхши шеър, газета хусусинда, ёзуб юборинг.

Агрес бу: Андижан, редакция газеты “Туркестанский голос”, “Садои Туркистон” учун.

Эҳтиром билан идора номина Абдулҳамид

Жавоб хати учун ҳам ҳизмат ҳақи тўланган бу почта карточкаси 8 декабрь куни Андижондан жўнатилиб, эртасигаёқ Қўқонга етиб борган. Чўлпон жавобни, иложи бўлса, декабрь ойининг 10 – 12-сига қадар юборишни сўраган бўлса-да, тезкор шоир, афтидан, декабрнинг 9 – 10-кунларидаёқ ўз шеърини юборган кўринади. Чўлпон 12 декабрь санали хатида Ҳамзадан шеърни олганлигини хабар қилиб: “Шеър яхши. Газета саҳифасини зийнатлар, яна ёзингиз”, деган ва шу руҳдаги гаплардан сўнг “Газета ифак материяга босилмайдур, бир донани сандукда сақларсиз”, деб қўшиб қўйган.

Афсуски, жадид журналист ва ёзувчиларнинг ўша кезлари чор охранкаси томонидан ёпилган “Садои Туркистон” газетасини қайта тиклашга қаратилган уринишлари натижа бермади. Ҳатто уларга марҳамат кўрсатмоқчи бўлган Туркистон генерал-губернаторининг Андижондаги “ишонган тоғлари” ҳам бу масалада ожизлик қилдилар. Шунинг учун “Садои Туркистон”нинг Ҳамза шеъри терилган сони ҳам, бошқа сонлари ҳам умуман босмадан чиқмади.

Чўлпон 1924 – 1927 йиллари Москвадаги ўзбек драма студиясида таржимон ва адабий эмакдош вазифасини бажарди. Студиячилар ўқишини тутатиб, Фаргона водийси шаҳарларида ҳисобот спектакларини намойиш этганларида, Ҳамза малакали ўзбек театрининг туғилганини кўриб, бу қувончли воқеа билан қаламкаш дўстини ҳам табриклиди.

Шу унтуилмас воқеадан бир йил аввал студиячилар Фаргона водийсига дастлабки ижодий ютуқларини намойиш этиш учун келганларида, Чўлпон билан Уйғур Марғилонда иттифоқо Ҳамза труппасининг собиқ артисти Миршоҳид Мироқиловни учратиб қоладилар. Ноёб комик истеъдод соҳиби ўша кезларда ўзи ташкил этган труппа билан Марғилонга келган ва “Фарҳод ва Ширин” спектаклини кўрсатишга тараффуд кўраётган экан. Дўйстлар Марғилондаги чойхоналардан бирида ўтириб, ўша кезларда Аввал қишлоғида яшаётган Ҳамзага навбатма-навбат хат ёзадилар. Чўлпон Миршоҳид Мироқиловдан кейин у бошлаган хатни бундай давом эттирган:

“Қадим қадрдан Ҳамза!

Москвадаги ўзбек театр мактаби билан бирга Марғилон ва Сим (Фаргона – Н.К.) ларга келиб, бир кеча қўниб ўтдик.

*Мактабимиз келгуси йилда тутайдур ва ундан сўнг асосий ўзбек театруси тузиладур. Шуни назарда тутиб, Сизнинг қаламингизга баракат тилаймиз. Опера ёки оперетта ёзинг, демайман, у иш – доҳийларининг иши. Вақти-ла балки ёзарсиз, ҳозирға драм, чолғили драм ва комедиялар ёзишингиз лозим. Такрор қаламингизга барака тилаб,*

Чўлпон ”

1926 йилнинг 8 июль куни ёзилган бу хат Чўлпон билан Ҳамзанинг дўстона муносабатлари 1924 йилдаги “ижодий тўқнашув”дан кейин дарз кетмаганини кўрсатади. Ижодий ҳаёт фикрлар тўқнашувидан иборат эканлигини яхши тушишган дўстлар бир-бирларига нисбатан кек сақлашмаган, аксинча, янада яқинлашган эдилар. Буни 1927 йилдаги “Терговчи” ҳисобот спектаклидан кейинги учрашув яна бир бор тасдиқлади.

Турли ҳужжат ва хотиралар шундан далолат берадики, Чўлпон ўзининг айрим пьеса ва ҳикояларини Ҳамзага танишиб чиқиш ва, эҳтимол, шу асарлар асосида спектаклар тайёрлаш учун берган. Агар бу икки улқан ижодкор ўртасида ишонч ва хурмат бўлмаганида, уларнинг ижодий ҳамкорлик қилиши мумкин эмас эди.

Ҳамза архивидаги қўйидаги ҳужжат шу нуқтаи назардан эътиборга сазовор. Миршоҳид Мироқилов труппасига алоқадор бир шахс Ҳамзага бундай мазмундаги хатни ёзган:

“Ҳамза aka! Сизга илтимос шулки, шу борган киши билан мендан олғон Чўлпонни “Икки кўриниш” деган пьесасини юборишингизни сўрайман. Чунки қишлоқдан бир киши келиб, шу пьесани олиб кетиш учун қараб ўлтурибдур. Ҳовлингизга 3 марта бориб тополмагим.

Эҳтиром билан:

Имзо.

1-XI -27 й”

Чамаси, Ҳамза “Икки кўриниш”ни шу куниёқ труппага етказган. Миршоҳид Мироқиловнинг 1927 йил 2 ноябрь санали ушбу хатидан труппанинг Чўлпон пьесаси билан танишгани ва уни саҳнага қабул қилганлиги маълум бўлади:

“Ҳамза афанди. Сиз кетгандан кейин ўртоқ Ҳакимов бирлан Бобоев келиб, Чўлпон пьесасини ўқиб чиқилди. Шул ар-

тистларни хоҳишига қараб, янгилекни назарда тутуб, репетиция қилинсин, деб Бобоев менга топширди. Ролларни бўлиб, тақсум қилдик. Иккинчисига Сизни комедиянгизни қўймоқчи бўлдик. Сизга ўртоқ Тўраевни юбордик.

Миршоҳид.

2-XI-27”

Афсуслар бўлсинки, Чўлпоннинг “Икки кўриниш” пъесаси бизга етиб келмаганидек, Ҳамзанинг ҳам қайси асари Миршоҳид Мироқилов труппаси томонидан саҳналаштиromoқчи бўлгани ва бу асарларнинг кейинги тақдирни номаълум бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, Чўлпон билан Ҳамзанинг ижодий муносабатларида нохуш ҳолатларни ҳам бўлмаган, деб айта олмаймиз. 20-йиллардаги мафкуравий талатўплар даврида бу сиймолар бир-бирларини тушунмаган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, Олтой 1965 йили ёзган Ҳамза ҳақидаги хотирасида уни, ўзи сингари, “чўлпончилик”ка қарши қурашган киши сифатида тасвирлаб, бундай деган эди: “*Маориф ва ўқитувчи журнали редакциясида бўлиб ўтган сұхбатни унуга олмайман. Ҳамза ўз асарларини журналда нашр этиши учун кирган эди. У ўша даврдаги агадиёт камчикларини танқид қилиб, мактаб деворий газеталарида Чўлпон руҳи тарқалғанлигидан шикоят қилди. Бу сұхбат Ҳамза роял олиш учун ҳаракат қилиб юрган вақтларда бўлиб ўтган эди*”

Олтойнинг бу хотирасида ҳақиқат зарраларини йўқ, деб бўлмайди. Чиндан ҳам, 1918 йил воқеаларидан кейин ўз истеъодини совет тузумини мустаҳкамлаш ишига кўпроқ сарф этган Ҳамза Чўлпоннинг большевиклар тузумига қарши қаратилган асарларини қабул қилолмади. Чўлпоннинг қуйидаги хати ҳам бу икки санъаткор ўртасида баъзан англашилмовчилик ҳоллари бўлиб турганидан шаҳодат беради:

“*Азизим Ҳамза афанди! “Алдар кўса” ҳикоясини лутфанденга қайтарингиз, вақти билан театр ишиндан хабардор кишилардан мураккаб бир комиссия Сизнинг доҳийлик шарафин қозондирган асарингиз ила меним “Кўса” ҳикоямни кўраг вақтини берар. Менга “ҳасадчи” деган бўхтонингизга қарши ёзилмиш жавобим эса яқин орада газетада чиқар ва шу вақт англарсизки, “Қаландар” имзоси ила ёзилмиш*

ҳажвий шеър Сизнинг шаъннингизга оид эмасдур ва Сизга “Кўса” ҳикоясини бермасдан, “Менинг шеъримни ўқуб бер!” деб ёлинмасдан илгари ёзилмишдир. Шунга қадар афвингизни бажо этаман.

Ҳасаг қилсам, арбобина қиласман, Сиз зўр кишиносиз, ҳасаг қилубгина етуб бўлмас.

Боқий эҳтиром ила:

Чўлпон”.

Санаси номаълум бу хатдан маълум бўлишича, Чўлпон “Алдар кўса” деган ҳикоя ҳам ёзган. Чўлпон билан Ҳамза ўртасидаги муносабатнинг таранглашишига эса унинг гўё Ҳамза ҳақидаги “Қаландар” имзоси билан ёзилган ҳажвий шеъри сабаб бўлган.

Икки замондош ёзувчи ўртасидаги бундай ғалат ҳолатларнинг бўлиши фақат уларнинг турли инсоний сажия ва дунёқарашга эгалиги билан эмас, балки уларни қуршаган муҳит билан ҳам белгиланган. Зоро, шу йилларда Ҳамзани ўз тарафига жалб этган кучлар ундан ҳалқ ва ватан манфаати йўлида курашаётган кишиларга қарши курашда фойдаланмоқчи бўлганлар. Ҳамза буни тушунганми ё йўқми, ҳар қалай, у бошқа соҳилдаги қаламкаш биродаридан бутунлай юз ўтиргмаган. У 1928 йили Аввал қишлоғида яшаб, қайнаб ижод этар экан, шу ерда еттита асарини Марказ онг-билим қўмитасига юбормоқчи бўлганида, бежиз бундай сўзларни ёзмаган: “Ҳозирча “Яллачилар”ни юбордим, яна кам-кўсти бўлса, Чўлпон билан бамаслаҳат тузатиб берсам керак”.

Совет ҳокимиятининг суюги қота бошлагани сайин бу икки ёзувчи ўртасидаги масофа гоҳ узайиб, гоҳ яқинлашиб турди. Уларнинг ўзаро яқинлашишини эмас, аксинча, ажралишини истаган ва шундай ғайрли ният билан яшаган кучлар эса бу ҳар икки ёзувчини ижоди айни гуллаган пайтида маҳв этиб ташлади.

# ФУЛОМ ЗАФАРИЙ (1889–1937)

Миллий мусиқали театр асосчиси



*Ижтимоий фаолияти.* 10-йилларнинг ўрталарида дастлабки асарларини яратган жадид драматургларидан бири Фулом Зафарий Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Хуршид, Фози Юнус, Мўминжон Муҳаммаджонов (Тошқин) сингари Тошкент адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндасидир. Шу давр ўзбек адабиёти, публицистикаси, театри ва мусиқасининг туғилиши ҳамда шаклланишида унинг ҳам хизматлари оз эмас.

Бугунги адабиёт муҳлислари Фулом Зафарийни ғойибона биладилар, холос. “Ҳалима” мусиқали драмасининг Туроб Тўла таҳририда қайта саҳна юзини кўрганини истисно қилганда, сўнгти етмиш йил ичида унинг бирорта асари нашр қилинмаган ва саҳналаштирилмаган. Даврий матбуот ҳам уни жуда оз эслаган. Ҳолбуки, Фулом Зафарийнинг номи ўзбек маданияти тарихида ҳам мусиқали драма театрининг асосчиси, ҳам шоир ва бастакор сифатида қолади.

Ўзбек адабиёти ва театри тарихида “Падаркуш”нинг дунёга келиши катта тарихий воқеа бўлди. М.Беҳбудий бу ягона саҳна асари билан ўзбек миллий драматургияси ва театрига пойдевор қўйди. Бу асар 1913 йили нашр этилиши билан ҳаваскор театр тўда (труппа) лари томонидан саҳналаштирилди. “Падаркуш”да олға сурилган янги тарихий давр ғояларини ҳалқнинг жаҳолат ва нодонлик оғушида яшаётган қисмига етказиш истагида миллий театр тўдалари майдонга келди. Ана шундай театр тўдаларидан бири кейинчалик театр мақомини олган “Турон”дир.

“Турон” тошкентлик жадидлар туфайли оёқقا туриб, “Падаркуш”ни намойиш этиши биланоқ зиёлилар ўртасида театр санъатига қизиқищ, айниқса, авж олди. Ҳатто ҳатсаводдан озгина хабардор кишилар ҳам Беҳбудий таъсирида пьесалар ёзишга киришдилар. Улар орасида Фулом За-

фарий ҳам бор эди. Лекин унинг “Бахтсиз шогирд” пьесаси бу тоифадаги асаллардан фарқ қилган бўлса керакки, ўзбек театри тарихига бағишлиланган илмий ишларда ҳамон тилга олинниб келади.

Гулом Зафарий 1889 йилда Тошкентнинг Зарқайнар маҳалласида туғилди. У 1927 йилда ҳибсга олинганида Каттабоғ маҳалласидаги Холиқов деган кишига қарашли 71-уйда ижарада яшаган. Шу кичкина фактнинг ўзиёқ кўп болали оиласда туғилган шоирнинг ўртамиёна турмуш кечирганидан дарак беради. Дастребки маълумотини Хўжа Аҳмад ва Кўкаaldoш мадрасаларида олган Гулом Зафарий, дўсти Абдулла Қодирий сингари, рус-тузем мактабида ҳам таҳсил кўрган. У ўқишни тутатгач, 1912 йили Ўш шаҳрига бориб, икки йил давомида “усули жадид” мактабида болаларга сабоқ берган. 1914 йилда Тошкентга қайтган F.Зафарий маҳаллий жадидлар билан яқинлашган ва 1915-1916 йилларда “Турон” жамиятига аъзо бўлиб кирган. Жадид матбуоти ва театрида олға сурилган янги фикр ва ғоялар уни Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев сингари таниқли маърифатпарварлар ва санъаткорлар даврасига етаклаб келган. Ва у 1916 – 1921 йилларда мазкур театрда актёр ва драматург бўлиб ишлаган.

“Турон” жамияти ва театри атрофида уюшган жадидлар 1917 йил Февраль воқеаларидан кейин ўзларини халқ ва мамлакат тақдирни олдида масъулиятли, деб билдилар. Чор салтанатининг Февраль инқилоби натижасида емирилиши улар дилидаги мустақиллик қўшигини мавжлантириб юборди. Кўп ўтмай, Тошкентда “Шўрои ислом” жамияти тузилди (1917 йил, март) ва бу жамият собиқ чор ҳокимияти тасарруфида юз берган сиёсий вазиятдан фойдаланишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Аммо миллий кучлар ичидағи анъанавий парокандалик ва зиддиятлар туфайли большевиклар 1917 йил ноябрида ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Маҳаллий халқни назар-писанд қилмаслиқда ҳатто чор амалдорларини ҳам йўлда қолдирган большевиклар янги ҳокимиятга ўзбек халқининг бирорта вакилини яқинлаштиrmадилар. Мустамлакачилик сиёсати ҳамон давом этаётганини кўрган “шўроиислом”-чилар Тошкентда мусулмонлар қурутойини чақириб, ҳукумат идораларидағи лавозимларнинг тенг ярмини маҳаллий

кадрларга беришни талаб қилдилар. Большевиклар эса бу талабни қатъий рад этдилар. Шундан кейин “Шўрои ислом” 1917 йилнинг 26 – 29 ноябрь кунларида Кўқонда умуммусулмонлар қурултойини ўтказиб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилганини эълон қилди. Янги сайланган ҳукумат аъзолари Ўзбекистондаги барча мусулмонларга мурожаат этиб, Мухториятни қўллаб-қувватлашни илтимос қилдилар.

Шу мурожаатга жавобан “Турон” театри биносида Тошкент мусулмонларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда М.Абдурашидхонов, С.Турсунхўжаев, С.Тиллахонов, Афандизода, Норбўтабеков сингари “Шўрои ислом” нинг раҳбарлари иштирок этдилар. Улар орасида Фулом Зафарий ҳам бор эди. Юртдошларининг ватан ва халқ тақдирни билан куянаётганларини кўрган санъаткор жадидчилик ҳаракатининг янги даври бошлангани ва бу давр илғор ёшлар олдига янги вазифалар қўйганини тушунди. Йиғилиш Туркистон Мухториятини барча воситалар билан қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, мудроқ юртдошларни уйғотиш ҳақида қарор қабул қилди. Фулом Зафарий шу қарордан кейин Босит Қориев, Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятов билан бирга халқнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ишига бел боғлаб киришди. Агар 1937 йилдаги тергов материалларидағи маълумотлар тўғри бўлса, у 1917 йил 14 декабрда – Мұхаммад пайғамбарнинг мавлуд кунида большевиклар томонидан ҳибсга олинган юртдошларини озод қилишда иштирок этди.

“Шўрои ислом” нинг фаоллашганидан хавфсираган большевиклар жамият аъзоларини қаттиқ назорат остига ола бошладилар. Аммо кутилмаганда, 1919 йил 18 январдан 19 январга ўтар кечаси ўлка ҳарбий комиссари К.П.Осипов раҳбарлигида ҳарбий исён кўтарилиди ва исёнчилар шу туниёқ 14 Туркистон комиссарини отиб ташладилар. Ўлгадаги сиёсий воқеаларнинг кескин тус олиши фаолияти сустлаша бошлаган “шўрои ислом” чиларда большевикларни Туркистон тупроғидан улоқтириб, миллий давлатни барпо этиш умидини қайта тирилтирди. F.Зафарий С. Турсунхўжаевнинг топшириғига кўра, большевикларга қарши исён кўтарган К.П.Осиповнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги об-

рўсини кўтариш мақсадида Эски шаҳарда тарғибот ишларини олиб борди.

Осипов қўзголони бостирилгандан кейин нафақат собиқ чор амалдорлари ва зобитлари, балки маҳаллий зиёлилар ва руҳонийлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олиндилар. Вазият яна большевиклар фойдасига ўзгарди. Большевизмга қарши кураш тактикасини ўзгартириш зарурлигини тушунган М.Абдурашихонов маслақдошлиарини большевиклар партиясига аъзо бўлиб киришга ва давлат идораларига ўрнашиб олиб, ҳалқ ва мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга чақириди. F.Зафарий ҳам коммунистлар партиясига аъзо бўлиб кирди.

Аммо шу кунларда мамлакат ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Бухоро амирлиги тутатилиб, БХСР барпо этилди. Бу ёш республика қадди-қоматини тиклаб олиши учун малакали маҳаллий кадрлар сув билан ҳаводек зарур эди. F.Зафарий 1921 йили Фитрат ва Қори Йўлдош Пўлатовнинг таклифи билан Бухорога бориб, музика мактабида мудир муовини бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда у Ф.Хўжаев ва Фитратнинг бу вазифага алоқаси бўлмаган баъзи бир топшиқларини ҳам бажарди. Шундай топшириқлардан бири Бухоро амири яширган олтинни топиш масаласи эди.

Маълумки, большевиклар амир олиб кета олмаган олтин ва кумушни ўз вақтида бир қанча вагонларга ортиб, Петербургта – “инқилоб бешига”га юборганлар. Улар бу билангина кифояланмай, амирнинг яширилган бойлигини ҳам қидиришда давом эттанлар. Файзулла Хўжаев ўзи олиб бораётган изланишлардан уларни чалғитиш мақсадида F.Зафарийга Бухоро музейига қимматбаҳо буюмларни тўплаш ва уларни тиклаб таъмирлаш ишини топширади. F.Зафарий 1922 йил ёзида Бухоро Арқида қидириш ишларини олиб бориб, амирга қарашли темир қутини топади ва шу қутидан 6 коса тилла, 2 коса жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар чиқади.

F. Зафарий Бухоро большевиклар томонидан тўла забт этилгач, 1923 йили Тошкентта қайтиб келади ва шу йили партиявий фаолсизлиқда айбланиб, коммунистлар сафидан четлаштирилади. Шундан кейин у Термиз шаҳрига бориб, музика билим юртига мудирлик қилишга мажбур бўлади.

1927 йилнинг охириларида Акмал Икромов хизмат сафари билан Термизга борган. У ана шу сафар чоғида F.Зафарий

билан учрашиб, унинг педагогик ва ижодий фаолияти билан қизиққан ва сафардан қайтгач, уни Тошкентта чақириб олган. Аммо ўзбек большевикларининг сардори, номаълум сабабларга кўра, F.Зафарий билан ортиқ қизиқмай, унинг “иссиқ ўрни”дан маҳрум бўлиши ва ҳатто ишсиз қолишига сабабчи бўлган. Шундай ишсизлик кунларида дўстлари F.Зафарийни бошқа шаҳарларда яшаган санъаткорлар, ёзувчилар ва олимлар бағрига олиб бориб юрганлар. Ширин сухбатлар ва бир-бираидан мароқли сафарларни ташкил этиб, “Ҳалима” муаллифининг ҳурмат-иззатини бажо келтиришга ҳаракат қиласканлар.

Ниҳоят, 1930 йили F.Зафарий Самарқанддаги музика билим юртига ўқув бўлими мудири этиб тайинланади. У шу вақтдан эътиборан Н.Н.Миронов, В.А.Успенский, Фитрат сингари ўзбек мусиқаси билимдонлари даврасида фаолият олиб боради, айни пайтда Чўлпон адабий эмақдоши бўлган Ўзбек Давлат театрни билан ҳамкорлик қиласкан.

1932 йил кўкламида “тасодиф ҳазратлари” F.Зафарийни яна А.Икромов билан учраштиради. Шу учрашувдан кейин у, А.Икромовнинг тавсияси билан, Ўрта Осиё драматурглари комитетига маслаҳатчи бўлиб ишга киради. Лекин шу йилларда кечаётган қатағоннинг “кичик” тўлқини F.Зафарийни ўз гирдобига тортади. У давлат маблагини ғоявий жихатдан шубҳали асарларга сарфлагани учун аксилиниқи-лобий фаолиятда айбланиб, ҳибсга олинади ва Жанубий Сибирга сургун қилинади.

Фози Юнус, Элбек, айниқса, Чўлпон сингари дўстлар сургундаги ёзувчини унутмай, унга “Ҳалима” спектаклидан тушган даромад ҳисобидан ҳар ойда 200 – 400 сўм миқдорида юбориб, онасига эса 150 сўм миқдорида доимий ёрдам кўрсатиб турадилар. Мехр-оқибатли дўстларнинг саъй-ҳаракати туфайли F.Зафарий сургунда туриб ҳам ижод қиласкан. Аммо 1935 йилда жазо муддатини ўтаб, она юртига соғ-омон қайтган санъаткорни на бирор жойга ишга оладилар, на сургунда ёзган асарларининг рӯёбга чиқишига имкон берадилар. Ажойиб санъаткор бир неча йил давомида савдо-сотиқ орқасида рўзгор тебратишга мажбур бўлади. Ниҳоят, у “Ҳалима” учун давлат “чўнтаги”да йигилиб қолган 7 минг сўм пулни олишга муваффақ бўлади. Турмуш ташвишларидан халос бўлган санъаткор яна адабий фаолият билан шу-

гулланишда давом этиб, “Пахтахон”, “Янги одам”, “Сайилва тўй” “оперетта” (музиқали драма) ларини ёзади.

Аммо F.Зафарий “Пахтахон” ва “Янги одам” опереттагарини тутатиб, уларга сайқал беришга улгурмади. 1937 йил 29 октябрда у иккинчи марта ҳисбсга олинди. Шу куни F.Зафарий истиқомат қилган уйда бўлиб ўтган тинтув пайтида унинг 30 варагдан иборат ёзишмалари, 1 та умумий дафтари, 3 та ён дафтари ва 7 қўлёзма ҳамда блокнотлардан иборат папкаси олиб кетилди. “Миллий иттиҳод” аксилиинқи-лобий ташкилотининг аъзоси сифатида қораланган Гулом Зафарий ўша йилнинг 28 декабрида Тошкентда отиб ташланди.

**Ҳаёти ва ижоди.** Юқорида Гулом Зафарийнинг асосан ижтимоий фаолияти ҳақида баҳс юритилгани учун қуйида унинг шахсий ҳаётига қизи Сиддиқа Гуломова ёрдамида назар ташлаймиз.

Бундан бир неча йил илгари F.Зафарий ҳаётининг йирик санаси муносабати билан хотира кечасини ўтказишга ва атоқли драматургга бағишиланган телекўрсатувга тараффуд кўраётганимизда Сиддиқа Гуломова менга отасининг бир неча асарлари билан бирга у ҳақдаги туталланмаган хотирасини ҳам лутфан тақдим қилган эди. Бу хотира матни шу вақтга қадар эълон қилинмаганлиги сабабли уни айрим таҳrir ва қисқартиришлар билан қуйида келтириш мақсадга мувофиқ кўринади.

*“Отам Гулом Зафарий, – деб ёзган эди у, – моҳир ёзувчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби нур-зиёдан баҳраманг бўлиб, ниҳоятда зеҳнли ва маънавий дунёси бой кишилардан эшилар. Отам ибтидоий мактабни, сўнгра рус-тузем мактабини битиргач, ўқитувчилик қила бошлаганлар. 1916 йилдан бошлаб эса ўқитувчилик касбини ёзувчиликка алмаштирганлар. Мен отам ҳақида ёзар эканман, Музaffer уста бувам ва Файзинисо отин бувимларни эсламай иложим йўқ. Музaffer бувам очиқ чехрали, қизиқчи ва меҳрибон ота-хонлардан бўлганлар. Биз, болаларни кўрганларида шоирона сўз айтмай юра олмаганлар. Шунингдек, бизларга қанд-курс улашиб, қизиқчилик қилганлар. Масалан, бизларни кўрганларида қизиқчилик қилиб: “Гужбадўнг-гужбадўнг, пули борнинг гапи ўнг, пули ўйқининг гапи тўнг”, деб ашула айтар ва бизлар*

ни шу ашулға оқанғыда ўйнашта даъват қилар эдилар. Бувим эса ақми, илмли, чевар, ҳожатбарор, меҳрибон, тағбиркор бўлганилари учун қўни-қўшини ва маҳалла аҳли ўртасига обрў-эътибор қозонган, чеварликлари орқасига эса пулдор оналардан эдилар. Маҳаллада тўй бўлса, фақат маслаҳат биланги-на эмас, пул-мул билан ҳам ёрдам берардилар. Бувимларни қўни-қўшилар ҳозир ҳам ҳурмат билан эслашади.

Отам ана шундай ажойиб ошлага туғилиб ўстган эдилар.

Отам 1916 йилдан 1922 йилгача пьесалар ёзиш билан, айниқса, фаол шуғулланганлар.

Ёдимда, ёзниң охирги кунлари – кузнинг бошлари эди. Бөғимиздаги гулзор ўртасига катта супа бўлиб, супа устида отамниң санъаткор дўстлари: Уйғур ака, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятов, Карим қизиқ Ёқубов, Сайфи қори акалар ўтириб, “Ҳалима” пьесасини ўқишиди. Кеч кириб, қоронғи тушганида ҳам улар катта чироқ нурига асарни тинглаб, кейин отамга таҳсилар ўқишиди. Уларнинг ҳаммаси бирбирини қаттиқ ҳурмат қилувчи, ўта маданиятли кишилар эди. Ҳозир ҳам уларнинг чироқ атрофига ўтириб, отамни яхши асар билан табриклишгани кўз олдимда гавдаланиб турибди..

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, Эски Жўвагаги “Турон” театрига “Ҳалима” ўйналди. Мен ўшанда Успенский совға қилган либосни кийиб, отам билан бирга боргандим. Томошабинлар спектаклни ҳар сафар катта завқ-шавқ билан томоша қилишар эди. Мен 1925–1926 йилларда ёзда “Роҳат боғча”да, қишида эса “Колизей” биносида қўйилганида ҳам томошабинлар спектаклни олқишлар билан кутиб олишганини кўп бор кўрганман. Спектакль қанчалик кўп қўйилмасин, томошабинларнинг кети узилмас эди. Менга, айниқса, таъсир қилгани шуки, спектакль “Роҳат боғча”да қўйилганида, хотин-қизларнинг илтимоси билан боғча томларига жой қилиб беришар ва шу атрофига яшовчи хотинлар томда ўтириб, асарни ҳайрат билан томоша қилишар, спектакль тугаганидан кейин эса артистларга ҳам, отамга ҳам миннатдорчилик билдириб, қарсак чалишар эди. “Ҳалима” ўша пайтда энг яхши музикали драма бўлгани учунми, 1924 йилдан 1936 йилгача сахнадан тушмай келган...

Бизнинг бөғимиз Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Эшонгузар (ҳозирги Каттабоғ) маҳалласига жойлашган бўлиб,

богумиз гўзал гуллар билан тўла эди. Эшикдан кираверишда ҳовуз, атрофида мажнунтол, ҳовузнинг тўрт томонига эса хитойи гуллар бўлиб, ўртага катта шоҳсупа бор эди. Шоҳсупага гилам тўшалган ва кўрпача солинган бўларди. Баъзан отам бўлмасалар ҳам Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Карим қизиқ, Сайфи қори акалар келишиб, “Хой, Сиддиқа қизим, чой келтириш”, – дейишар эди. Отам меҳмонларнинг келишидан огоҳ бўлсалар керак, мен хизмат қила бошлишим билан Шораҳим ва Шожалил ҳофизлар, Соат дуторчиларни бошлаб келардилар. Мен отамнинг илтимосларига кўра, Абдума Қодирий, Низом қори ака сингари маҳалламиздаги сұхбатдошларини чақириб келардим. Шундай давраларда Саидазим ака ҳам иштирок этгувчи эди.

Бундай ташрифлар тез-тез бўлиб турарди. Отам меҳмондорчиликни жуда ёқтириар эшилар. Меҳмонлар учун уйда ош ёки манти бўлгучи эди.

Ҳовлига кираверишда меҳмонхонамиз бор эди. Токчалири шкаф усулида бўлиб, деворларида Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” мухаммаси сюжети асосида ишланган сурат осиглиқ турарди. Қиши кезлари меҳмонлар ана шу ерга тўпланишиб, ашула айтишар, шеър ёки пьеса ўқишар эди...”

Сиддиқа Фуломованинг ушбу каттагина хотирасини келитиришдан мурод F.Зафарий ҳаётининг айрим номаълум саҳифаларини сиз, ҳурматли китобхонларга таништириш билан бирга унинг А.Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчилар билан бирга санъаткорлар даврасида яшаб ижод қилганини қайд этишдир. Музикани севган, турли миллий чолфу асбобларида чалибгина қолмай, ўзи ҳам куй басталаган шоирнинг театр ва драматургия соҳасида ишлагани тасодифий эмас. У гарчанд 1915 йилда “Падаркуш” таъсирида “Бахтсиз шогирд” деган кичик драма асарини ёзган бўлса-да (бу асар бизгача етиб келмаган), кейинчалик “Ҳалима” ва бошқа мусиқали драма асарлари билан машҳур бўлди. Фулом Зафарий ўзининг драматурглик ижодини кичик ҳажмдаги мусиқий асарларни ёзиш билан бошлади ва шу жанрдаги асарлари билан машҳур бўлади. Мазкур асарлари ҳаваскор театр тўдалари билан бирга профессионал театр саҳналарида ҳам намойиш этилади. Таниқли санъатшунос Тошпўлат Турсунов берган маълумотга кўра, 1919 йилнинг

20 майда “Турон” театри саҳнасида “Намуна” мактаби ҳаваскорлари томонидан “Ёмон шогирд”, 13 июня Колизей биносида “Турон” театри қошидаги тұғарак иштирокчилари томонидан икки пардали “Тұсқин” драмаси, 16 августа “Роҳат боғча” саҳнасида бир пардали “Баҳор” мусиқали драмалари қўйилади. Айни вақтда Карл Маркс номидаги Давлат труппаси унинг асарларини саҳналаштиришга киришади. “Ўша давр театрлари, — деб ёзади Т. Турсунов, — “Ўлка мусулмон сиёсий труппа”лари саҳнада уч ёки тўрт пардали пьесани бир варакай кўрсатар эди. Карл Маркс номли труппа шу тажриба асосида Фулом Зафарийнинг учта бир пардали — “Тилак”, “Ёмон ўғил”, “Раҳмли шогирд” пьесаларини бир спектакль шаклида саҳналаштиради”. Замонавий мавзуларда ёзилган ва катта тарбиявий аҳамиятга молик бўлган бу асарлар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинади.

1920 йили илк бор саҳна юзини кўрган “Ҳалима” тўрт пардали мусиқали драма бўлиб, юқорида айтилганидек, узоқ йиллар мобайнида томошабинлар эътиборини қозаниб келди. Асар гарчанд яқин ўтмиш ҳаётидан олинган бўлса-да, унда бир-бирини севган йигит билан қизнинг баҳтсиз муҳаббати — жаҳон адабиётининг абадий барҳаёт мавзуларидан бири тасвир этилади.

Неъмат ва Ҳалима бир-бирини севади. Улар бир-бирига ҳар томонлама муносиб ёшлар. Аммо Ҳалиманинг катта пул эвазига бошқа бир кимсага — қари бир бойга сотиб юборилиши улар муҳаббатининг хазон бўлишига сабаб бўлади. Фарҳод ва Шириналар, Тоҳир ва Зухралар ҳақидаги достонлар ва ҳалқ китобларини ўқиб, улар муҳаббатининг фожиали тақдиридан мутаассир бўлган китобхонлар F. Зифарийнинг “Ҳалима” асарини қизғин кутиб оладилар. Асарнинг мусиқали драма жанрида ёзилганлиги, ария ва дуэтларнинг мумтоз ҳалқ куйларига асосланганлиги, энг муҳими, бир-бирини севган, бир-бирисиз яшай олмайдиган икки ёшнинг руҳий изтироблари ва бир-бирларига хиёнат қилмаган ҳолда бу адолатсиз дунёни тарқ этишлари томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонишини таъминлади. Драматург мунгли мумтоз ҳалқ куйларидан фойдаланиш билан бирга асарга Ҳалимадан аввал муҳаббат азобидан вафот этган Неъматнинг руҳини ҳам олиб кир-

ган эдики, бундай приём ва усулларга бой асар сентиментализмга мойил бўлган томошибинлар қалбини ларзага келтирган.

F.Зафарий 1915 – 1926 йилларда бу асарлардан ташқари, “Баҳор”, “Бинафша”, “Қуён”, “Раҳимли шогирд”, “Мозорликда”, “Эрк болалари”, “Татимбой ота” сингари бир пардали “оперетталар”, “Гулёр”, “Чин Темир ботир”, “Кетмон чопти”, “Қора кунлар”, “Ёшлар энди берилмас”, “Ваннайча” сингари достонларни ҳам ёзди. Бу “оперетта”ларнинг бир қисми болалар ва ёшлар ҳаётидан олинган бўлиб, улар ўзбек адабиёти тарихида болалар мусиқали драмасининг дастлабки намуналари сифатида қолган.

Биз юқорида F.Зафарийнинг “Паҳтахон”, “Янги одамлар”, “Сайил ва тўй” сингари “оперетталар” ёзганини қайд этган эдик. Бу асарлардан бири – “Сайил ва тўй” кейинчалик Комил Яшин томонидан қайта ишланиб, 1937 йилнинг май ойида Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ўн кунлигига “Колхозда сайил” номи билан атоқли драматургнинг асари сифатида намойиш этилди. “Паҳтахон” ва “Янги одамлар” “оперетталари” эса муаллиф номи ҳурмат ва эътибордан четда қолган йилларда саҳна юзини ҳам қўрмади, нашр ҳам этилмади.

F.Зафарий 20-йилларнинг бошларида Маориф халқ комиссарлиги Билим кенгашининг санъат шўъбасига раҳбарлик қилди; Тошкент, Термиз ҳамда Самарқанддаги ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида хизмат қилган йилларида миллий мусиқий фольклор намуналарини тўплаш ва ўрганишга катта эътибор берди. Атоқли фольклоршунос Ҳади Зарифнинг маълумот беришича, Ўзбек билим ҳайъати тўплаган ашула ва қўшиқларнинг муҳим бир қисми 1923 йили “Эл адабиёти” номи билан нашрга тайёрланди. Айрим ашула-ларнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар илова этилди. Бу хизматни асосан “шу соҳани севган” Фулом Зафарий бажарган эди.

Фулом Зафарий “Ҳалима” ва бошқа асарлари билан ўзбек мусиқали драма театрининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган шоир ва бастакордир.



# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894–1938)

## Ўлмас сиймо

Шундай асарлар бўладики, уларнинг муаллифлари бадиий ижоднинг турли соҳаларида қанчалик гўзал ва умрбоқий санъат намуналарини яратганларига қарамай, фақат шу асарлари билан эл-юрт ўртасида машҳур бўладилар ва бу асарларнинг довруғи авлоддан-авлодга, юртдан-юртта кўчиб юради. Ўзбек адабиётининг пурвиқор сиймоларидан бири Абдулла Қодирий ижодининг гултожи – “Ўтган кунлар” романи ана шундай бокий асарлардан биридир.

Аслида бу асар нафақат Абдулла Қодирий ижоди, балки, умуман, XX аср ўзбек адабиётининг ҳам энг юксак чўққисидир. Биз ҳар сафар ана шу чўққига тикилиб, адабиётимизнинг бутунги бўйини ўлчашга, шууримиз, қарашларимиз, хатти-ҳаракатларимизга бу асардан тараалаётган маърифат ёғдулари оша назар ташлаш, баҳолаш ва уларга таҳрир киритишга ҳаракат қиласиз. Ўзбек адабиётида шундай асарларнинг борлиги бизнинг, адабиётимизнинг баҳтидир.

Ўзбек романи ўзининг ҳаётбахш манбаларини халқ, ижоди дурданаларидан, Алишер Навоийнинг жаҳоншумул асари – “Хамса”ни ташкил эттан “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари достонлардан олган. Аммо шунга қарамай, илк бор антик адабиётда ўз чеҳрасини кўрсатган, сўнг XIX асрга келиб Европа халқлари адабиётида камалак ранглари билан порлаб юборган роман жанрининг ўзбек адабиётида туғилиши ва шаклланиши осон кечмади. Ҳамзанинг 1914 йилда, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг эса 1915 йилда ёзган “Янги саодат” ва “Бефарзанд Очилдибой” асарларининг роман жанри талабларига тўла жавоб бера олмаслиги ўша кезлардаёқ маълум бўлган. Ўзбек адабиётида романдек катта эпик асарнинг пайдо бўлиши, пайдо бўлганда ҳам буюк асар сифатида майдонга келиши учун Абдулла Қодирийнинг истеъоди, унинг ҳаётий ва ижодий тажрибаси, ёлқинли сўзи лозим эди.

“Ўтган кунлар” романни майдонга келгунга қадар ўзбек халқи тўп-тўп бўлиб гап-гаштақдами, чойхонадами ёки оилас-вий даврадами “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Алиф Лайлло” (“Минг бир кеча”) сингари халқ китоблари-ни севиб ўқир, унинг эстетик диди шундай асарлар асосида сайқалланган эди. Ана шу китобхонлар оммасининг дик-қат-эътиборини қозониш, унинг “Баҳромгўр”ни эмас, бал-ки “Ўтган кунлар”ни ўқиши учун романда китобхоннинг меҳр-муҳаббатини қозонадиган фаройиб қаҳрамонлар ва во-қеалар тасвиrlанган бўлиши зарур эди. Абдулла Қодирий буни жуда нозик ҳис этиб, Отабек ва Кумушнинг фожиали муҳаббати билан боғлиқ воқеалар силсиласини ўйлаб топ-ди. Лекин, агар адид фақат ошиқ ва маъшуқа қиссаси тас-вири билангина кифояланиб қолганида, бу асар “Тоҳир ва Зухра”нинг бошқа бир кўриниши бўлиб қолган бўлур эди. Ҳолбуки, “янги даврнинг янгиликлари кетидан эргаш”моқчи бўлган адид халқимизни шу янги замоннинг Тоҳир ва Зухралари билан таништиришни ўзининг қутлуғ мақсади деб билган. Шунинг учун ҳам у романга тарихий фонни – Отабек билан Кумуш яшаган, улар муҳаббатининг турфа гул-лар ял-ял товланган чаманзорини ҳазон қилган тарихий давр ва тарихий муҳит тасвирини олиб кирган. Қаҳрамон-ларнинг шахсий ҳаётлари билан тарихий даврнинг ўзаро алоқада тасвар этилиши асарнинг ўқишлилигини асло су-сайтиргмаган. Аксинча, ҳар иккала сюжет чизигининг дра-матик воқеаларга бой бўлиши китобхон эътиборини ўзига оҳанграбо сингари тортган ва ҳозир ҳам тортиб келмоқда.

Ҳар қандай бадиий асар қаҳрамони руҳий олами билан ҳам, ташқи қиёфаси билан ҳам китобхон меҳрини қозониши ва унга ибрат бўла олиши лозим. Агар шу нуқтаи назар-дан Отабек ва Кумуш образларига ёндашсак, уларнинг ҳар иккаласи ҳам китобхонни ўз ортидан эргаштира билувчи, унга ўзидағи ижобий сифатларни пайванд қила оловчи қаҳрамонлар эканига ишонч ҳосил қиласиз.

...Кумуш бўлажак қуёвнинг ким эканлигини ҳали билмай туриб, Мирзакарим қутидор хонадонида тўй ҳаракати бош-ланиб кетади. Ҳамма тўй нашидаси билан банд. Фақат бир киши – Кумушгина хафа, хафагина эмас, балки норози. Кумушбибининг қора кўзлари жиққа ёшга тўлиб, киприк-лари ёш билан беланган:

“— Йиғлама, бекачим, — деди Тұйбека, — биз биламиз, сизнинг күз ёшларингиз нима эканин: эрлар сүйинганиң кулсалар, сизга үхаша қызлар йиғлайдырлар; сизнинг йиғлаганнингиз-қувонганингиз...

— Тоқатим тутаги, опа, — деди Кумуш, — ортиқ сўзламангиз.

— Сўзламайман, — деди Тұйбека, — лекин сирасини сўзлайман... Оҳ кўрсанг эди бир куёвни. Қандай чиройлик, қандай ақмил эканин билар эдинг, бекачим. Юлдузингиз нақт бир-бирингизга тўғри тушган экан, иккингизнинг бир-бирингиздан камлигингиш йўқ...”

Кумуш бу сўзлардан янада изтиробланади. Ўралиб олиб ётади. Сўнг ўрнидан туриб, ташқари чиқади-да, айвон лабига ўтириб, хаёлга чўмади.

“— Ариқ бўйи, сирлик ариқ бўйи.

Ёшлик кўзлар ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи томонга ҳаракатландилар. Ул ариқ бўйига етгач, маълум ўринга сакраб ўтди-га, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб, юзидан тўкиб туширди ва оҳистагина йўлак томонга қараб олгандан кейин сувнинг оқишига кўзини тикди...

Кўзларидан оқкан марварид томчиларини шу сирлик ариқ суви билан ювди, бир мартабагина ювди эмас — қайталаб-қайталаб ювди...”

Абдулла Қодирий Отабекда Кумушга, Кумушда эса Отабекка нисбатан уйғонган муҳаббатнинг бўртма куртакларини шундай назокат ва айни пайтда драматизм билан тўла саҳна орқали тасвиirlайдики, китобхон бу саҳнанинг тезроқ ижобий якун топишини, қаҳрамонларни ўз бағрига тортган муҳаббат водийсининг лолакизғалдоқлар билан безанишини астойдил истайди.

Тўйбека айтганидек, Отабек билан Кумушнинг юлдузлари бир-бирларига тўғри келган эди: улар ақл-заковатда ҳам, одоб ва ахлоқда ҳам ҳусн-жамолда ҳам бир-бирларига ўта муносиб эдилар. Ана шу уйғунлик уларни янада юксалтириб боради ва улар китобхон қалбидан бир умрга мустахкам ўрин эгаллайди.

Лекин ҳаёт иморати шундай қурилганки, агар кимнинг бошига баҳт қуши келиб қўнадиган бўлса, тақдир шу кишини ўзининг азоб-уқубатли сўқмоқларидан олиб ўтиб, охири хонавайрон этади. Абдулла Қодирий ёзувчи сифа-

тида, Кумуш билан Отабекнинг порлоқ муҳаббатини ўйлаб топган ижодкор сифатида асарни баҳтли хотима билан якунлаши, ҳатто Отабекни Зайнабга “уйлантирмас” лиги ҳам мумкин эди. Лекин ҳаётнинг ўз қонунлари бўлганидек, адабиётнинг ҳам, айниқса, XX асрда ўз тараққиётининг янги босқичига кирган, ҳаёт ҳақиқати билан нафас ола бошлаган роман жанрининг ҳам ўз қонунлари бор. Бу қонунлардан чекиниш нафақат олға ҳаракатдан тўхташ, балки асарнинг бадиий қимматига ҳам путур етказиш бўлур эди.

Абдулла Қодирий ҳақиқатсевар ёзувчи сифатида ўз қаҳрамонларини тарихий давр ва тарихий муҳитнинг тиканли тўсиқларидан олиб ўтади.

Шу нарса ажойибки, Отабек олдида турган тўсиқ унинг баҳтига чанг солмоқчи бўлган қузғун фақат Хомиддангина иборат эмас. Бу тўсиқ қанчалик маккорона тус олмасин, Отабек уни мардона енгиб чиқади. Лекин унинг “ота-она орзуси” деб аталган бошқа бир тўсиқни ҳатлаб ўтиши маҳол. У шу ерда қоқилиб, мashaққат билан эришган баҳтидан бир умрга жудо бўлади.

Адібнинг бу асарни ёзишдан мақсади худди шу ерда ўз жамолини кўрсатади. Абдулла Қодирий худди шу ерда ўзбек халқининг сўнгти бир неча аср давомида бошқа халқларга нисбатан орқада қолиши ва мустамлака исканжасига тушишининг сабабларини очиб ташлайди. Бу унинг, ўзбек халқининг, биринчи навбатда маҳаллийчилик, ўзаро ҳасад ва низо иқлимида нафас олиши, чирик урф-одатлар ичида ўралиб қолиши, ҳатто янги тарихий даврлар келганини, мамлакат чегарасида мустамлакачилар шайланиб турганини билмай-сезмай фафлатда яшшидир.

...Отабек Зиё шоҳчинининг уйида, зиёфат пайтида, марғилонлик янги биродарларининг саволларига жавоб бериб: “Ўзимизнинг шаҳардан кўпини кўрдим, ўрис шаҳарларидан Шамайга ҳам бордим”, – деб жавоб беради. Сўнг тинглов-чиларнинг қистови билан Шамай хотираларини сўзлашга киришади:

“– Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлигимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, – деди Отабек, – лекин Шамай мани бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши қилиб ясади. Мен ўрис-

нинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқрор этишга мажбур бўлдим...”

Абдулла Қодирий учун Отабекнинг фақат шу сўзларни айтиши етарли эмас. Шунинг учун ҳам у одатда камгап Отабекка Шамай сафаридан олган таассуротлари ва хуносаларини мукаммал айтиш “имконини беради” Отабек давом этиб, дейди:

“Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кета берса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди. Шамайдга эканман, қанотим бўлса, ватанинг учсан, тўппатўғри хон ўргасига тушсан-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайдга ўйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш...”

Биз Отабекнинг нутқидаги “ватаним” “элим” сўзларини атайин таъкидлаб кўрсатдик. Абдулла Қодирий фақат севги шайдоси эканлиги учун эмас, балки, энг аввало, ватан ва миллат дарди билан ёнувчи ижодкор бўлганлиги учун ҳам Отабекни ўз асарига бош қаҳрамон этиб сайлаган.

Мазкур зиёфат иштирокчилари орасида миллатнинг обрў-эътиборли кишилари оз эмас эди. Улар Отабекнинг бошқалар ҳатто эшитишни ҳам истамаган сўзларини мароқ билан тинглайдилар. Лекин шунга қарамай, адид уларга нисбатан “истиқдол қайфуси тушига ҳам кирмаган бу Туркистон оталари”, деган иборани қўллайдики, бу бежиз эмас.

Суҳбат давом этади:

“— Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг имтифоқидан бўлса керак, — деди Отабек, — аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимиизга ўзаро низоимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман...”

Отабек бу сўзларни айтар экан, айрим кимсалар тўдаси билан қипчоқлар ўртасидаги келишмовчиликни ҳам назарда тутади. Кўп ўтмай, мамлакат тепасига чиқиб олган худбин кимсаларнинг айби билан қипчоқ қирғини бошланиб кетади.

Отабек тили билан ифодалана бошлаган халқ ва мамлакатни кемирувчи иллатлар ҳақидаги сўзлар ўрнини энди

қонли воқеалар тасвири эгаллайди. Бу даҳшатли воқеадан ларзага тушган Юсуфбек ҳожи Отабек билан сұхбатида халқ тақдири билан боғлиқ катта ва аччиқ ҳақиқатнинг “тир-қиши”ини очади:

“...Ўз манфаати, шахсияти йўлига бир-бирини еб-ичган мансабпарат, дунёпарат ва шуҳратпарат муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлиши мизга ақдим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-бири мизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқинтирки, ўрис истебоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлига тутқин қилиб топширувчи биз, кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати, албатта, тушар, ўғлим!..”

Севги ва муҳаббат чечаклари чаман бўлиб очилган асарда халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ “оғриқли” фикрлар, ана шу тарзда, “қизил ип” ўлароқ ўтиб, олов сочиб турди. Бу сўзларда Отабек ва Кумушлар яшаган давр учун эмас, балки бутунги воқелик учун ҳам аҳамиятли фикрлар йўқ эмас. Юсуфбек ҳожининг халқни миллий бирлик ва тараққиёт сари даъват этувчи, мансабпаратлиқ, дунёпаратлиқ, шуҳратпаратлиқ ҳирсларига берилишнинг ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақиқадаги сўзлари айни пайтда “Ўтган кунлар” романининг ғоявий пафоси ўлароқ жаранглайди.

Шундай қилиб, “Ўтган кунлар” романидаги муҳаббат мавзуи билан бирга тарихий давр манзараси, Отабек ва Кумуш образлари билан бирга ўзбек халқига хос донишмандликнинг тирик тажассуми – Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим қутидор, ўзбекона миллий анъана ва урф-одатларнинг қўриқчилари – Ўзбекойим билан Офтобойимдек бетакрор образлар ҳам борки, улар Абдулла Қодирий асарига юксак бадииятнинг олтин кукунларини сочиб турди. Аммо роман жанрининг бу муҳим белгилари мавжуд бўлса-ю улар адібнинг олтин қалами билан ёзилмаган бўлса, шубҳасиз, асар бу даражада шуҳрат қозонмаган ва саксон йил давомида янги-янги авлодлар томонидан севиб ўқилмаган бўларди.

Энди ўттан асрнинг 10 – 20-йилларида ёзилган баъзи бир асарларни кўз олдингизга келтиринг. Айниқса, 10-йилларга

оид аксар асарлардаги вергулсиз, нуқтасиз, узундан-узун, мураккаб ва мавҳум жумлаларни айтмайсизми?! Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Тавалло сингари жадид ёзувчилар ана шу тўпори адабий тилга шундай сайқал бердиларки, бу тил “Ўтган кунлар” романида ўзининг ўн тўрт кунлик ойдек гўзал жамолини очиб юборди!

Мана, бир мисол:

...Отабек “ота-она орзуси” билан Зайнабга уйланган, аммо бутун хаёли марғилонлик маҳбуба билан банд бўлган кезлар... Ҳасанали ҳийла ишлатиб, уни ўз хонасига олиб кирган пайт...

“...Отабек кафшини даҳлизга еши-да, уй бўйича бир-икки қайта юринди ва энтикиб нафас олди. Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди. Бу қимирлашни Отабек пайқамади. Ҳалиги қимирлаган кирпўш бирдан очилиб кетиб, Отабек чўчиди... Бирав тахмондан унга қараб кулимсирап эди. Отабек титрар эди... Бир оздан сўнг иккиси ҳам ўзларини бир мунча тўхтатдишар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина қулоқлашдилар...

Отабек сунбул ислик соchlаридан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кептган эди. Бу ҳол бир дақиқа чамаси давом этгандан кейин бир оз ажралишган кўйи уйнинг оёғига юриб бордилар ва тиза-батиза ўлтирдилар... Ниҳоят, Кумуш кулги аралаш кўзига ёш олди.

— Сиз... қочқоқсиз, — dedi.

— Сиз?

— Мен?

— Сиз қувлоқсиз.

— Ажаб қиласман, — dedi Кумуш ва шапалоги билан эрининг юзига секингина уриб кўйди.

— Бу ёққа ҳам...

— У ёққа Зайнаб урсин.

Зайнабнинг уришга ҳаққи йўқ.

Кумушнинг кўзида ҳалигача кўринмаган бир шодлик ўйнади...

Бу тасвирда воқеа кечайтган тарихий-миллий шароит ҳам, қаҳрамонларнинг муҳаббат, соғинч ва жиндек изтиробли руҳий кечинмалари ҳам Кумушнинг мақсад сари интилувчан сажияси-ю Отабекнинг вазмин, аммо муҳаббат маъбудаси олдидаги ҳаяжонли ҳолати ҳам аниқ ва гўзал бир шакл-

да ифодаланган. Ўзида бадий ижоднинг абадий нафосатини ифодаловчи бундай мукаммал тасвиirlар романда сонсиз-саноқсизdir.

Абдулла Қодирий ижодининг биринчи тадқиқотчиси бўлган Ойбек мазкур романнинг тил ва услугуб хусусиятларига, айниқса, катта баҳо бериб, жумладан, бундай адолатли сўзларни айтган:

“Ўтган кунлар”нинг тили картинали, эмоционал бир тил. Ўқувчининг ҳиссига таъсир қилиш, маълум фикр, туйғуларини сингдириш учун ёзувчи тилини жуда рангдор қилган. Тилни образли, картинали қилиш учун ёзувчи бутун воситаларни қўллайди.

“Ўтган кунлар” янги ўзбек адабий тилининг тараққиётига катта роль ўйнайди.

Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари билан бошланган ўзбек романнавислик мактаби бутунги кунга қадар катта ва мураккаб даврни бошиб ўтди. Шу даврда буюк ўзбек адаби қатагон этилиб, унинг асарларини ҳатто ўқиш ҳам ман этилди. Аммо, биринчи навбатда, Ойбек ижоди туфайли унинг романнавислик анъаналари муваффақият билан давом эттирилди. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Ҳамид Гулом, Иброҳим Раҳим, Мақсад Қориев, Тоҳир Малиқ, Омон Мухтор, Тоғай Мурод сингари ёзувчиларнинг ижодий изланишлари билан ўзбек романи ўз тараққиётининг янги босқичига эришди. Лекин ўзбек романнавислик мактабининг бошида ҳамон бадий эталон бўлиб Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи турибди.

### Бир тошбитик тарихи

Абдулла Қодирий 1926 йилга оид хасби ҳолида ўзининг қайси ойда туғилганини билмаслигини айтиш билан бирга, яқинларининг айтишича, “мустабид Неколай”нинг тахтга ўтирган йилида туғилгани ҳақида маълумот берган. “Мустабид Неколай” тахтга ўтирган сана эса 1894 йил эди. Шунинг учун ҳам адабий жамоатчилик шу йилни улуғ адабининг таваллуд санаси сифатида белгилаб олган.

Адабнинг тўнгич фарзанди Ҳабибулла Қодирийнинг хотирлашига кўра, у отасидан “Қайси ой-кунда туғилгансиз?”

деб сўраганида, отаси қулиб, “Ўрик гулида туғилганман. Тахминан 10 апрелда бўлса керак”, деган экан.

Ана шу икки маълумот асосида ўзбек ҳалқи, Абдулла Қодирий ижоди мухлислари ҳар йили 10 апрелда адабнинг рамзий сағанасини зиёрат этиб, унинг хотирасини эъзозлаб келади.

Одатда Абдулла Қодирий сингари адабиётимизнинг азamat чинорлари тўғрисида сўз борганда, бундай зотларнинг юз йилда майдонга келиши айтилади. Балки бу гапда жон бордир. Балки ҳар юз йилда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар билан беллаша оловчи адиллар туғилар. Лекин минг йилда ҳам бошқа Абдулла Қодирийнинг, бошқа Чўлпоннинг, бошқа Фитратнинг дунёга келмаслиги аниқ. Улуғ истеъдод соҳиблари ҳамиша бетакрор, ҳамиша бекиёс бўладилар.

Алишер Навоий “Хамса” ва “Хазойин ул-маоний”ни яратиш, шунингдек, эски ўзбек тилини адабий тил даражасига олиб чиқиши учун майдонга келганидек, Абдулла Қодирий ҳам ўзининг ўлмас икки асари билан ўзбек романнавислик мактабини бошлаб бериш ва янги ўзбек тилига сайқал бағишлиш учун Оллоҳнинг инояти билан дунёга келган. Уларнинг дунёга келишлари тарихий зарурат самарасидир. Шунинг учун ҳам 10 апрелни фақат Абдулла Қодирийнинг туғилган куни эмас, балки миллий адабиётимизнинг қутлуг байрамларидан бири сифатида қадрлаш ўринли.

Шарқ қадимдан шеърият ватани бўлиб келган. Шарқда яшаган қайси бир подшони олманг, улар орасида ғазал битмагани оз. Шарқда дарвешлар ҳам, бўзчилар ҳам, косиблар ҳам ғазал ёзганлар. Шарқ ҳалқарида оғзаки ижоднинг гуллаб-яшнагани тасодифий эмас. Шеърий ёзишмалар, мушоиралар, байту баҳралар Шарқ ҳалқарининг яшаш тарзи бўлган.

Бас, шундай экан, наҳотки, ўз романлари ва ичакузди ҳажвиялари билан машхур бўлган Абдулла Қодирий шеър ёзмаган, шеърият гулшанидан гулдасталар теришни ихтиёр этмаган бўлса? Йўқ, биз адабнинг 1914 – 1915 йилларда учтўртта шеър ёзганини яхши биламиз. 20-йилларда “Муштум” журналида хизмат қилганида эса баъзи бир замондошларининг ҳиссиз шеърларига пародия ҳам ёзган. Лекин адаб арузни қанчалик яхши билган, ўзбек шеърияти тари-

хидан қанчалик яхши хабардор бўлган бўлмасин, шоирлик даъвоси унинг иззат-нафсини кемирмаган. Шунинг учун ҳам у романларига шеърий ижодининг айрим учқунларини сочиб юборгани ҳолда бояги уч-тўртта шеърдан бошқа лирик асарларга умуман қўл урмаган.

Абдулла Қодирий ҳатто “Ўтган кунлар” романида Кумушнинг ўлимини катта изтироб билан тасвиirlab, унинг сағанасига битилиши мумкин бўлган шеърий сатрларни ҳам дастлаб Фузулийдан олган. Улуғ озар шоирининг мана бу мисралари унинг Кумуш ўлими билан боғлиқ изтиробларини ифодалаганидек туюлган:

Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ,  
Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ?..

Лекин бу сатрлар романнинг дастлабки ўқувчиларига у қадар таъсири бўлиб кўринмади. Улар бу мисралардан қаноат ҳиссини тўймадилар. Бу ҳақда 20-йиллар адабиётини пухта билган зиёлилардан бири шоир Файратий бундай ёзган эди:

“1925 йилнинг ёзларида бўлса керак, босмахонадан бўшаб, ўқитувчилик ва “Муштум” журналида штатсиз мухбирлик қилиб юрадим. Чамаси, Абдулла акам “Ўтган кунлар”нинг охирги бўлимини битириб, “Муштум”даги ўртоқларга ўқишга берган эканларми, ҳар ҳолда, бир кун идорагаги баъзилар Кумуш қабрига битилган шеър ҳақида Абдулла акамга эътиroz билдиришди. Абдулла акам олдинги вариантда қабр тошига Фузулийдан шу байтни кўчирган эканлар... Улар байтни ўзгартиришни, ўз асарларига ўз шеърлари бўлишини маслаҳат беришди...”

Абдулла Қодирий, Файратий домланинг хотирлашига кўра, кўп ўтмай, гўё Кумушнинг сағанасига битилган ўз шеърини ёзиб, уни “муштум”чиларга ўқиб берган.

Фузулийнинг бояги сатрларидан ўн чандон таъсирили бўлган бу тошбитикни ёзиш учун, шубҳасиз роман муаллифи асарнинг Кумуш ўлими ва дағн маросими тасвиirlangan парчани қайта ўқиб, ўша руҳий ҳолатга тушган. Биз ҳам шу тасвир орқали тошбитик масаласига етиб келсак, мақсадимиз равшанлик касб этган бўлурди. Келинг, романнинг ўша мунгли сахифаларини варақлаб кўрайлик:

...Эртаси куни дағын маросими бўлди. Жанозага Тошкандинг ҳар бир маҳалласидан деярли кишилар иштирок этди. Фақат мақтуланинг энг яқинларигина бу тантанага етиб келолмадилар.

Бечора она, бечора ота!..

Учинчи кун улар ҳам келиб етдишлар... Уларнинг ҳозирги ҳолини тасвир этиш мумкинми?!

Еттинчи кун хатми қуръон қилиниб, ҳалқа ош берилди ва шу муносабат билан чақалоққа “Ёғгорбек” деб исм қўйилди...

Энг кейинги видолашиб куни етди. Отабек, қутидор ва Офтобойим қабристоннинг икки туп қуриган чинор ёғочи орасига тургизилган янги хиштин сафана қаршисида тўхтадилар. Сағананинг ўнг бошидаги тошдан ўйиб ясалган лавҳа кўзга чақилиб турар эди...

Аё чарх, этдинг ортиқ жабр бунёд,  
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.  
Ҳаётим лолазоридан аюрдинг,  
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.

Бечора она чидалмади, қабрни қучоқлаб уввос тортиди. Отабек ҳам қабр ёнига тиз чўкиб, кўз ёшиси билан тупроқни лой қила берди... ”

Агар Фузулийдан олинган бояги сатрлар билан ушбу тошбитикни ўзаро қиёс қилсангиз, сўнгги марсия сатрларининг Кумуш ўлими билан боғлиқ тасвирдан узвий ва табиий бир ҳолда ўсиб чиққани ва шу сатрларда бекиёс даражада катта руҳий қувват, инсон қалбига сифмайдиган дард ва алам борлиги равшан бўлади. Сирасини айтганда, бундай юракўртар сатрларни ёзиш, ҳатто машҳур шоирларнинг ҳам қўлидан келмаслиги мумкин. Бу тошбитикда фақат мусибат аламида қоврилган инсоннинг фарёдигина эмас, улкан ва ҳақиқий шеъриятнинг муҳри ҳам товланиб турибди.

Абдулла Қодирий шу сатрларнинг ўзи биланоқ буюк шоир ёрлигини олиши мумкин.

Яна шуниси ҳам борки, улуғ сиймолар ўз тақдирларини олдиндан башорат қила биладилар. Назаримда, Абдулла Қодирий ҳам, худди машҳур “Реквием”ни Моцарт ўзи учун ёзганидек, бу марсия сўзларини ҳам ўзининг йўқ сағанаси учун битгандек туюлади, менга...

**Санъат сөҳри  
ёхуд Отабекнинг прототипи бўлганми?**

Бундан роппа-роса қирқ олти йил аввал Львов шаҳридан Абдулла Қодирий номига бир хат келган. Украиналик китобхонлардан бири “Ўтган кунлар” романини ўқиб, асар муаллифи номига йўллаган хатида, жумладан, бундай сўзларни ёзган эди:

“Абдулла Қодирий! Вақтингиз бўлса мактубимга жавоб ёзишингизни, сиз билан ўртоқлашиб ёзганларим тўғрисида фикрингизни билишни истайман. Мени тушунсангиз керак. Юқорига айтганимдек, мен ҳали ҳеч кимга бундай хатни ёзмаганман. Буни ёзишга мени Сиз ва Сизнинг китобингиз мажбур этди...”

Люда Неломяше шу хатини тутаттагач, яна қўйидаги сўзларни илова қилган: “Билсангиз эди, Отабек ҳақида яна бирон нарса ёзив беришингизни жуда-жуда истардим!”

Бундай соддадиллик билан ёзилган хатларни ўқир экан-сиз, ёзилганига саксон йил бўлганига қарамай, “Ўтган кунлар” романининг минглаб китобхонларни ҳамон ҳаяжон-лантириб келаётганидан, улар Отабек ва Кумушнинг тарихий шахслар бўлганига ишониб яшаётгандаридан ҳайратга тушасиз. Отабек билан Кумушнинг фарзанди Ёдгорнинг изларини ахтаришга қаратилган уриниш эса ҳали адабиёт тарихи кўрмаган ғаройиб бир ҳолдир.

Мен “Хуррият” газетасининг 2001 йил 21 ноябрь сонида босилган “Ўтган кунлар”нинг давоми” номли мақолани ўқигач, дастлаб, майли, Шукур Жабборов ўзининг романтик хаёллари оғушида юриб, Отабек ва Кумушнинг, уларга қўшиб Ёдгорнинг тирик кишилар бўлганига ишона қолсин, деган фикрга бордим. Аммо ўйлаб қарасам, гарчанд ширин бўлса ҳам, бир ёлғоннинг тарқалиши кўплаб кишиларни чалғитиши, уларнинг бадиий адабиёт ҳақидаги тасаввурларини жўнлаштириб қўйиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам ушбу жавоб-мақолани ёзишга аҳд қилган эдим, ўшанда.

Ёзувчи роман ёзишга киришганда, у хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда бўлмасин, албатта, ҳаётда рўй берган воқеалардан фойдаланади, тирик кишиларнинг ўзига хос

фазилатлари, қиёфалари, гап-сўзларини тасвирга тортади. Агар бу воқеалар ва бу кишилар ёзувчи бадий нияти ёхуд мақсадининг рўёбга чиқишига хизмат этса, албатта. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини ёзишдан муроди, ўзи айтганидек, ҳалқимизни янги замоннинг – XX асрнинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан танишиши бўлган. Бу мақсадни амалга ошириш учун у отасидан эшитган воқеаларга мурожаат этган.

Ёдингиздами: “Мен, ёзувчи, “Ўтган кунлар” ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсан ҳам зерикмас, фактам бир жойигина мени зериктирас эди. Бу кун мен шу “Ўтган кунлар”ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтувга мажбур бўлдим” Бу сўзлардан, мақола муаллифи ўйлаганидек, романда тасвир этилган воқеалар ҳаётда, албатта, рўй берган, деб холоса чиқариш мумкин. Бундай хulosани Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” номли китобида келтирилган Ёқуб Алиевнинг хотираси ҳам тасдиқлайди.

1932 – 1936 йилларда Ўзбекистон Давлат университети (Самарқанд) да таҳсил кўрган, ёзги таътил кезларида эса Тошкентда яшаб, Абдулла Қодирий билан кўп бор мулоқотда бўлган Ёқуб Алиевнинг хотиравишича, адид “Ўтган кунлар”нинг яратилиш тарихини ҳикоя қилиб, бундай деган:

“Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиши воқеаларининг шоҳиди бўлган отам ёшлигимда қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб берарди. Бу хотиралар менда тарихга қизиқиш уйғотди. Сўнгра ўша даврларимиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чиқдим. Кўлим қаламга хийла келиб қолгач, менда ана шу ўтмишдан Farb романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш ҳаваси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир илга тизишини, қоғозга туширишини тасаввур қила олмасдим. Узоқ вақт ўйлаб, излаб юрдим.

Кунларнинг бирига боғимизга отамни кўргани эшак миниб шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. Отамнинг эски қадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан ўн-ўн беш ёш кичик кўринар эди. Улар сухбат қиларкан, қулоқ-

лари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшита олмас эди. Шу сабабли менга улар ўртасига тилмоч бўлиб, чой қўйиб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: “Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?” Уларнинг сұхбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо ёшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерда кўп йиллаб истиқомат қилган, Андижондан ҳам уйланниб бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келган экан.

Меҳмоннинг ана шу соддагина тарихи менга чувалган ипнинг учини топиб бергандай, ёзмоқчи бўлган “Ўтган кунлар” романнинг шаклини чизиб бергандай бўлди. Шу асосда бошимда воқеани секин-аста кенгайтира, ривожлантира бошладим. Беш-олти ойлаб хаёл суришим натижасига романим ҳозирги шаклига келди ва қўлимга қалам олдим...”

Ёқуб Алиев, Ҳабибулла Қодирийнинг ёзишича, 1938 йили вафот этган. Демак, у “Ўтган кунлар” романнинг ижодий тарихи, асосий қаҳрамонларнинг прототипи сингари масалалар юзасидан адібнинг фикрини эшитган ва ушбу маълумотни ўша йиллардаёқ Отабек ва Кумушнинг фожиали муҳаббати билан яшаётган ёр-биродарларига айтган. Биз марҳум Ёқуб Алиев туфайли ҳозирги кунларга қадар етиб келган ана шу маълумот асосида Отабек образининг прототипи тўғрисида тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Адид романни ёзиш жараёнида ўша кезлари юз ёшларда бўлган отасидан беш-ўн ёш кичик қўринган, қулоғи оғирлашиб қолган бояги меҳмон ҳаёти фактлари билангина кифояланиб қолмаган. Аммо унинг Андижонга бориб қолиши ва у ерда уйланиши билан боғлиқ ҳаётий воқеа “Ўтган кунлар” романнинг ёзилишига турткি берган. Бинобарин, адид романда Андижонни Марғилон билан “алмаштирган” Агар ана шу ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқадиган бўлсак, романдағи Отабек ва Кумушнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ барча воқеалар адид ижодий ҳаёлининг маҳсулидир.

Шубҳасиз, савол туғилиши мумкин: наҳотки, “Ўтган кунлар”дек ўзбек романчилик мактабига тамал тошини қўйган асар яратилса-ю, на ёзувчи, на бирорта адабиётшунос Абдулла Қодирийдан романнинг ижодий тарихига алоқадор фикрларини олиб қолмаган бўлса?

“Ўтган кунлар” романи эълон қилиниши биланоқ нафакат китобхонлар, балки ёзувчилар ва танқидчиларниң ҳам дикқат-эътиборини ўзига қаратган. Сотти Ҳусайн дастлаб “Шарқ ҳақиқати” газетасида романга бағишлиланган китобини тўла эълон қилган. Ойбек эса Тил ва адабиёт институтининг илмий режаси асосида “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” деган тадқиқотини яратган. Шубҳасиз, Сотти Ҳусайн ҳам, Ойбек ҳам роман муаллифи билан кўп бор мулбқотда бўлганлар. Аммо уларнинг бирортаси Отабек ва Кумуш образларининг прототипи тўғрисида, бир оғиз бўлсада, сўз айтмаган. Негаки, ҳаётда бу икки қаҳрамоннинг биз орзу қилган ва ахтарган тайёр прототипи бўлмаган.

Атоқли адабиётшунос олим Иzzат Султон ҳам Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, “Ўтган кунлар” романи билан маҳсус шуғулланган. У бизни қизиқтирган масала бўйича қуидагиларни айтган:

“1929–1930 йиллар бўлса керак, ёзувчиликка ҳаваскор ёш кезларим эди. Бир куни ҳозирги Лойиҳа институтининг биносига ёш ёзувчиларнинг Қодирий билан учрашуви бўлди. У киши саволларга жавоб қайтариб, ўз тажрибаларидан сўзлаб бердилар. Мен Қодирийдан: “Ўтган кунлар” романнинг воқеий асарми?” деб сўрадим. “Йўқ, – дедилар у киши, – романдаги беш-үн фоиз айрим тарихий воқеалар, шахсларгина воқеий. Қолганлари – ёзувчининг маҳорати...”

Иzzат Султоннинг хотирасида қолган бу учрашув 1935 иили бўлиб ўтган ва Абдулла Қодирийнинг мазкур учрашувда айтган баъзи бир сўзлари мақола тарзида эълон қилинган. Лекин адаб бу мақоласида ҳам қаҳрамонларнинг ҳаётий асослари тўғрисида ҳеч нарса демаган.

Китобхон: “Майли, сиз айтаёттандек, Қодирийлар уйига эшак миниб келган бояги қулоғи оғир чол Отабек образига хамиртуриш бўлган, дейлик. У ҳолда нега адаб Андижонни эмас, балки Марғилонни Кумушнинг ватани сифатида тасвирлаган?” деб сўраши мумкин. Гап шундаки, Абдулла Қодирийнинг ушбу романни ёзишдан мақсади Отабек билан Кумушнинг муҳаббатини достон қилишдангина иборат бўлмаган. Унинг асосий мақсадларидан бири XIX асрнинг 60-йилларида бошлиланган ва ҳамон давом этаётган тарихий жараённи таҳлил этиш, Туркистоннинг хонлик тузуми чириб биттанилиги туфайли мустамлакага айланганлигини ай-

тиш ва ҳамон мустамлакачилик шароитида яшаётган замондошларида миллий фуур туйфусини уйғотищидир. У ўзининг асосий мақсадини асарда тасвир этилган воқеалар қатига яшириб кетган.

Модомики, ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий қисми ўша пайтда Кўқон хонлигига қараган экан, унинг Андижонни эмас, балки хонликнинг гўзал бир гўшаси – Марғилонни танлашида катта маъно бор. Зоро, Марғилон, биринчидан, хотин-қизларининг гўзаллиги, иффатлилиги ва ширин тиллилиги билан машҳур бўлган, иккинчидан, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига, шу жумладан, Андижонга қараганда кўча-кўйлари-ю бозорлари-ю одамларининг қиёфалари-ю табиати билан ўта миллий шаҳар эди.

Ш. Жабборовни ҳам, ўйлаймизки, унга фикрдош бошқа китобхонларни ҳам чалғитган, тўғрироғи, уларни илҳомлантирган асосий нарса муаллифнинг сўнгги изоҳидир. Бу изоҳда эса адаб Марғилонга кейинги сафар борганида яқин ўртоқларидан Ёдгорбек ҳақида суриштириб билганини айтган: “Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан иккى ўғул қолибдур. “Ўгуллардан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлик-тириги маълум эмас, дейдилар”

Шубҳасиз, асар муаллифининг бу сўзларини ўқиган китобхонда Ёдгорбек ҳам, демак, Отабек билан Кумуш ҳам реал, яъни тирик кишилар бўлишган, деган тасаввур шаклланиши мумкин. Сир эмас, ҳар бир ёзувчи қаҳрамонларининг бадиий уйдирма маҳсули сифатида эмас, балки ҳаётда бўлган, жонли ва тирик кишилар сифатида қабул қилиншини истайди. Абдулла Қодирий ҳам шу маънода истисно бўлмаган. Лекин...

Агар Кумуш вафотидан кейин ўрнатилган қабр тошига “назар ташласак”, унинг ҳижрий 1269 йилда дунёдан ўтгани маълум бўлади. Бу – милодий 1852 – 1853 йил, деганидир. Демак, Ёдгорбек ҳам худди шу йили туғилган ва 1919 ёхуд 1920 йили, тахминан 67 – 68 ёшида вафот этган.

Энди Ёдгорбекнинг Шукур Жабборов хаёлидаги ўғли Холбек Ёдгоровнинг ҳаётномасини вараклаб кўрсак. Таниқди журналист 1914 йили, яъни “отаси” 62 – 63 ёшни қоралаган

вақтда таваллуд топган. Яна қаерда, денг? Марғилоннинг Гўри аввал маҳалласида.

“Бир куни онам, — деб ёзган эди журналист Холбек Ёдгоров болалик кезларини эслаб, — мен, акам ва синглимни тўшакка ўтказди-да, токчага бозордан олиб келган шамни ёқиб кўйди. Ҳаммамизни яхшилаб тўйдирди. Уйимизда бир қути бўлгучи эди. У азиз меҳмонлар келгандагина очиларди. Бугун онаизор негадир уни очиб, бизнинг ёнгоқ, жийда, майиз билан сийладилар. Бунинг боисини билмай, ҳайрон эдик, кўп ўтмай, сир очилди.

— Эртага Холбекни олиб, мактабга борасан, — дедилар онам акамларга. Кўзларида ёш милтиарарди.

Эрталаб етимхонага бордик... ”

Бу воқеа 1919 йилда бўлган. Холбек Ёдгоров шу йили мактаб-интернатга ўқишига борган.

Энди Холбек аканинг онаси, яъни Ёдгорбекнинг хотини тўғрисидаги мана бу сўзларни эшиting:

“Етим боқиб эзилган, кишилар эшигида ишлаб, бирон ҳожатини чиқариб рўзгор тебратишга қурби келмай қолган Ҳамроҳ буви эса “фарибхона”ни (мактаб-интернатни - Н.К.) эшишиб, хурсанг бўлди. Ўзи бойларга ёлланиб, ишлаб кун кўрса ҳам китобдан қолмаган ёстиқдоши Ёдгор аканинг вაсиятини эслади... ”

Мана энди ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Бир томонда — Абдулла Қодирийнинг Ёдгорбеки. У Марғилоннинг энг бой хонадонларидан бирида улғайган тагли-зотли киши. Иккинчи томонда — Гўри аввал маҳалласида — камбағаллар орасида дунёга келган, онаси чўрилик билан турмуш тебраттан, “етимхона”да катта бўлган Холбек ака. Уларнинг ота-бала бўлишлари қийиндир-ов.

Абдулла Қодирийнинг Ёдгорбекидан икки фарзанд қолган. Уларнинг бири Марғилоннинг масъул ишчиларидан, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида. Шукур Жабборовнинг Ёдгорбеки эса уч фарзанднинг отаси. Унинг иккинчи фарзанди босмачилар орасида эмас, балки “етимхона”-да. У эндиғина беш ёшга тўлган...

Демак, Ёдгорбек — адид ижодий фантазиясининг самараси.

Шундай экан, нега Абдулла Қодирий роман охирида Ёдгорбекнинг икки фарзанди тўғрисида маълумот беришни

лозим топган? Гап шундаки, “Ўтган кунлар” ёзилган вақт ўзбек халқининг тарихий тақдири ҳал этилаётган, тўғрироғи, ҳал этилиши кутилган йиллар эди. Туркистон Мухторият ҳукумати тор-мор этилганига қарамай, халқнинг пешқадам кишилари мустақиллик йўлида кураш олиб бормоқда эдилар. Тўғрироғи, халқ, худди Ёдгорбекнинг фарзандлари-дек, икки бўлакка ажралиб, бир бўлаги совет идораларида хизмат қилаётган, иккинчиси эса, “босмачилар” сафида бўлса-да, курашаётган эди. Абдулла Қодирий ўзининг сўнгги изоҳи билан халқ олдида ана шу икки йўлдан бирини танлаш имконияти борлигини айтмоқчи бўлган.

Чинакам санъат асари фақат сюжет ипига тизилган воқеаларни китобхон эътиборига ҳавола этиш учун эмас, балки шу воқеалар мантиқига сингдирилган бадиий мақсад учун ёзилади.

## Чўлпон (1898–1938)

Чўлпон ва Андижон  
адабий муҳити

Фарона водийсидаги жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тўғрисида сўз борганда, биринчи навбатда, Қўқон кўз олдимизга келади. 1917 йил октябрь ойининг сўнгги кунларида Туркистон Мухторият ҳукуматининг худди шу ерда ташкил топганлиги тасодифий эмас. Аммо, модомики, Андижон шаҳри Чўлпон-дек жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг буюк нафояндасини етказиб берган экан, демак, бу ерда ҳам аср бошларида тараққийпарварлик ҳаракатининг юзага келиши учун қулай замин бўлган. Афсуски, биз шу вақтга қадар XX аср бошларида Андижон адабий муҳитининг жадидчилик ҳаракати билан туташган нуқталарини ўрганмай келамиз.

Агар масалага бугун қўлимизда мавжуд бўлган маълумотлар асосида ёндашсак, ўттан аср бошларида Андижонда



Чўлпоннинг жадид шоири сифатида дунёга келгани бежиз эмаслиги маълум бўлади.

Биз Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш уринишлиари” китоби асосида Чўлпоннинг 1917 йилгача бўлган даврда Бофчасарой, Қозон, Коҳира, Калькутта сингари шаҳарларда нашр этилган ҳур фикрли газеталарни обуначи сифатида олиб ўқиганидан хабардор эдик. Чўлпоннинг 1913 йили “Таржимон” газетасига йўллаган хатидан эса унинг “Шалола”, “Турк юрди”, “Шаҳбал”, “Таржимон”, “Вақт”, “Иқбол” сингари нашрларни ҳам мунтазам суратда ўқиб борганлигини билдик. Демак, Андижондаги тараққийпарвар кишилар бу газеталар билан XX асрнинг 10- йилларидаёқ ошно бўлганлар. Чўлпон эса уларни отаси туфайли ўқиш имкониятига эга бўлган.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон баззоз Андижоннинг йирик тижоратчиларидан бири бўлиб, унинг тижорат билан шуғулланганлиги, бошқа бозорлардаги нарх-навони билиш истаги унда мазкур газеталарга эҳтиёж уйғотган. Бошқача айтганда, Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва янги тарихий давр ғояларининг Туркистонга кириб келишида маҳаллий савдо аҳли ўзига хос кўприк вазифасини бажарган.

Шу ерда Фоиқа аянинг қўйидаги сўзларини келтириш жоиз: “Дадамиз, – деган эди у камина билан суҳбатда, – савдогар бўлгани учун унинг дўкони санъат шайдолари, ғазал-навислар ва бастакору ҳофизлар билан гавжум бўларди ”

Чўлпон 1912 йилда Заки Валидийнинг Қозонда нашр этилган “Турк ва татар тарихи” китобини ўқиб, муаллифга “фикрдошлиқ қилиши”ни сўраб, хат ёзган ва ҳатто уни Андижонга таклиф этган. Бу таклифдан фойдаланиб, 1914 йили Андижонга келган Валидий Чўлпоннинг отаси билан танишгач, унинг форсий адабиётни ҳурмат қилиши ҳақида ўз хотираларида ёзив қолдирган. Агар Сулаймон баззознинг нафақат турли-туман газеталар, балки ўзбек ва форс адабиётидан ҳам яхши хабардорлиги ва ҳатто Расво, Волаи Расво тахаллуслари билан ҳажвий ғазаллар ёзгани, андижонлик шоир, хонанда ва созандалар билан алоқада бўлганини эсласак, XX аср бошларида Андижонда шаклланган адабий муҳит ва унинг Бимий, Маҳжурий, Зокирий сингари вакиллари ҳам кўз олдимизга келади.

Чўлпоннинг шакланишида нафақат отаси, балки “Ёрқиной” пьесасининг бағишловида тилга олинган “тотли ва бой тили билан эртак айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган кампир она” ҳам муҳим роль ўйнаган. Афсуски, биз шу пайтгача бу “кампир она”нинг ким бўлганлиги тўғрисида ягона фикрга келмаганмиз. Фоиқа ая умрининг сўнгти кунларида шу масалага оид саволимга жавоб бериб, бундай деган: “*Тошкентда акам кўпроқ Заҳиридан аъламнинг уйларида бўлар, отамиз вафотидан кейин у киши билан жуда яқинлашиб қолганди. Заҳиридан аълам асли Андижондан бўлиб, 20-йилларда Тошкентга бориб қолган. Бизга узокроқ қариндош, аниқроғи, амакимиз Абдураҳмон ҳожи аёлининг тоғаси бўлган. У кишининг оиласлари Рисолат ая (баъзилар уни Биби Узро ая ҳам дейишарди) болалигимизда бизга кўп тарбия берган, эртак-кўшиқларга жуда уста эди. Акамнинг “Ёрқиной” пьесасини ҳам шу аяга бағишлиши, эҳтимол, ундаги айрим воқеаларни Рисолат ая чўпчак қилиб айтиб берганингдир*”

Нафақат Рисолат ая, балки шоирнинг катта онаси Тожи биби ва бошқа аёллар ҳам ўқимишли, халқ китоблари ва эртакларининг билгичлари бўлишган. Кези келганда айтиш лозимки, аср бошларида Волга бўйларидан Туркистонга келган татар зиёлиларининг бир қисми Андижонда ўрнашиб қолган. Улар орасида Асҳоб Жамол исмли аёл ҳам бўлиб, Чўлпоннинг сингиллари 60-йиллардаги машҳур раққоса Флора Кайданининг онаси бўлмиш шу отин она қўлида таҳсил кўришган. Чўлпоннинг ўзи ҳам шу хонадонга алоқадор татар қизлари билан яқин муносабатда бўлиб, улар таъсирида татар маданиятидан баҳраманд бўлган.

Чўлпон рус ёзувчиси В.Ян билан сұхбатида ўзига таъсир ўтказган омиллар орасида Туркиядан Қашғарга муайян мақсад билан чиқиб, Фарғона водийсида тўхтаган икки турк йигитини тилга олган. Фоиқа ая ана шу “икки турк”нинг таъсири билан боғлиқ қуиидаги фикрни айтган:

“*Акамни жуда эрта хат-саводли бўлган, деб айтишади. Мактаб-мадраса таълими билан бирга нўғой ва турк домлаларидан ҳам алоҳига сабоқ олган. Қатортерак кўчасининг пастроғига икки қаватли болахонадор бинолар бўлиб, ўшалардан бирига русча мактаб очилган, акамиз унда бир нўғой муаллимидан ўрисчани пухта ўрганган...*

Акамизни 11–12 ёшларида Қуръони карим таҳсилига беришади. Отамиз буни шаҳримиздаги турк афандиларига айтган, Андижонга келган Мақсад афанди ва Муниф афанди деган турк уламолари билан яқин алоқада бўлган”

Фоиқа ая бу икки туркни ислом динининг тарғиботчилари сифатида эслайди. Аммо Чўлпоннинг В.Янга берган маълумотига қўра, отаси яккаю ягона фарзандининг мударрис бўлишини хоҳлаганига қарамай, икки турк афанди таъсирида Тошкентта қочиб келган ва Мунаввар қори раҳбарлигидаги Тошкент жадидлари муҳитидан ўз ўрнини эгаллаган.

Андижонлик шоир Восит Саъдулланинг архивида Чўлпонга алоқадор бир неча маълумот сақланган бўлиб, уларнинг бирида бундай сўзлар ёзилган: “Ҳофиз афанди номли турк Андижонга Чўлпонни ўқитган (1910–1912 йилларда). Рус-тузем мактабида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўқиган (1912–1915 йилларда)”

Бу узуқ-юлуқ маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкини, Чўлпон, биринчидан, савдогар оиласида дунёга келгани учун отасининг савдо дўконида ўтказилиб турувчи нафосат аҳдининг йиғилишларидан баҳраманд бўлиб ўсади. Иккичидан, ундаги адабий дид ва бадиий сўзга бўлган ҳаваснинг уйғонишида Рисолат ая, Тожи биби сингари “кампир она”-ларнинг таъсири сезиларли бўлди. Учинчидан, Чўлпоннинг жадид шоири сифатидаги қарашлари турли шаҳар ва мамлакатларда туркий ва форсий тилларда нашр этилган газета ва китоблар таъсирида шаклана бошлади. Тўртинчидан, Андижоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераёттан янгиликлар – банклар, рус-тузем мактабларининг очилиши, театр спектаклларининг намойиш этилиши ва бошқалар унинг шуурида рўй бераёттан ўзгаришларни муайян тизимга туширди. Бешинчидан, унда пайдо бўлган янгилик туйфуси Андижондаги татар ва рус тараққийпарварлари туфайли янада барқ урди. Олтинчидан, 1914 йили Тошкентта қўчиб келиши ва бу ерда бир мунча вақт яшashi вақтида Чўлпон XX асрнинг энг умидли шоири сифатида танила бошланди.

Чўлпон 1917 йил инқилоблари арафасида она юртига қайтиб борганида Андижондаги адабий муҳит ҳали ҳам ўзининг муносиб раҳбарига эга эмас эди. Чўлпон ёрқин истеъодди, бой замонавий билими ва адабиёт майдонидаги фаол ҳаракати билан ана шу муҳитдаги бўшлиқни тўлдириди.

*Ү*ўлпоннинг улуғворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва равнақ топишига улкан ҳисса қўшибгина қолмасдан, халқда Ватан, Миллат, Истиқдол тушунчаларининг теран маъно қасб этишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди. Ўзга сўзлар билан айтганда, у халқда Ҳуррият туйғусини уйғотди, унинг кўзидағи ғафлат пардасини олиб ташлади, унда Ватанга муҳаббат, Келажакка ишонч ҳисларини тарбиялади. Унинг фуқаролик жасорати худди шундадир.

**Чўлпон ва Ильминский.** Олис даврлардан XX асрнинг бошларига қадар ёш авлод вакиллари Ҳиндистон, Миср, Арабистон сингари мамлакатларга бориб, таҳсил кўрганлар. Аммо замонлар ўзгариши, жамият ҳаётидаги дунёвий фанларнинг роли ошиши билан тарих ўзбек ёшлари олдига янги вазифаларни қўйди. Улар энди нафақат Шарқ, балки Фарб мамлакатларига бориб, илфор фан асосларини эгаллашлари зарур бўлиб қолди.

1867 йили Туркистонга генерал-губернатор бўлиб келган К.П.Кауфман маҳаллий маориф тизими билан танишгач, Н.И.Ильминскийнинг педагогик тажрибаларидан хабар топиб, уни Тошкентга таклиф этган. Лекин Қозон ўлкасидағи тажрибалари билан Россия маориф нозири Толстойнинг эътиборини қозонган Ильминский Тошкентга келмаган. Аммо у, шу билан бирга, ўзининг “қимматли маслаҳатлари”ни ҳам Кауфмандан дариф тутмаган. Унинг фикрича, Туркистон халқарини маърифатлаштиришда “рус юяси”-ни четлаб ўтмаслик, аксинча, барча ўқув ишларини рус давлатининг умумий манбаатларига бўйсундириш лозим эди. Ильминский педагогик тизимининг негизини ташкил этган бу фикр, аслида, Кауфманга ҳам бегона бўлмаган. Рус давлати манбаатларидан келиб чиқиб иш юритган Кауфманнинг фикрига кўра, рус алифбосини Россияядаги Шарқ халқлари ёзувига бирорта ўзгартиришсиз киритиш зарур: “бу халқлар, – деган эди у, – давлат тилини ўргана бошлашлари ва рус тили уларнинг ўзаро бирлашишларида восита бўлиши лозим”.

Туркистанда рўй берадиган воқеалардан боҳбар бўлган Ильминский бу ерга ўқтин-ўқтин ўз фикрларини йўллаб турган. Унинг фикрича, ҳар бир ҳалқнинг тарихида, энг аввало, дин, кейин эса шу диннинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаб турувчи алифбо етакчи ролни ўйнайди. У ана шу холосасидан келиб чиқиб, Туркистандаги мактабларда про-васлав динини ўқитишга кўпроқ аҳамият беришни тавсия қилган. Кауфманга шу масалада ёрдам бериш учун шогирди Н.П.Остроумовни юбориб, унга ёзган хатларида мусулмон ўқув юртларида ислоҳ ўтказмасликни маслаҳат берган ва “реал маориф ҳалқнинг миллий онгини ўйғотади ва чор ҳокимиётининг мустамлакачилик сиёсатига қарши қуролга айланади”, деб ёзган.

1922 йили “Қизил байроқ” газетасида бир ўзбек қизи-нинг Европага ўқиши мақсадида кетгани ҳақида хабар бо-силган. Чўлпон бу хабардан мутаассир бўлиб, Туркистон ҳалқларининг маърифат чашмаларидан бебаҳра яшашини истаган Ильминскийни эсга олган ва бундай ёзган: “Чор ҳукумати вақтида Ички Россия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишига Рустами Зол бўлган, бизга маълум Остроумов тўра-мизнинг устози саналган машҳур Ильминский чўқинтириш сиёсатининг пири бўлган машҳур Победоносцевга ёзган ха-тида: “Ерлик ҳалқ орасидан бизнинг учун фойдалик ва ҳеч бўлмагандга, зарарсиз кишилар, у русча тилни тутулиб, уялиб гапира турган, ўrusча ёзганда бир мунча ҳатто билан ёза турган, бизнинг губернатордан эмас, ҳатто устол бошлиғи (мирзо) миздан ҳам қўрқа турған кишилирунр ”, – деган эди.

Бунга қарши биз рус тили билан эмас, ҳатто Оврупо ма-даний миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамоқقا, албатта, ҳақ қозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимизда кўра олмаганимиз бир нарса қўшулса, яъни: ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, тутқун қизлари ҳам Ильминский васиятига қарши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлган элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чақирим ерга кетсалар, одам қатори ҳақини турткни емас-дан, урилмасдан, сўкилмасдан ўз ҳуқуқимизни ортиғи билан қозона оламиз... ”

Чўлпон ўз фикрини таг маъноли қўйидаги сўзлар билан якунлаган: “Эски турмуш ўлим тўшагига. Йигитларимиз-нинг чин билимига қараб бу интилишлари эски турмушини

*бир оз аввал ерга кўмгусидир*” Чўлпон “эски турмуш” тушунчаси остида нафақат чор мустамлакачилиги йилларини, балки умуман ўзбек халқини замонавий илм-фан ютуқларидан олисда қолдирилган даврни кўзда тутмоқда.

Тарих фактлари шундан далолат берадики, Чўлпон хорижий мамлакатларга ўқишига кетган йигит ва қизларимизга “оқ йўл” тилабгина қолмай, балки уларга зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиб ҳам турган. Мирмуҳсин Шермуҳа-медовнинг “Улуғ Туркистон” газетасида босилган (1917 йил 4 ноябрь) қуийдаги ташаккурномасига шу жиҳатдан кўз ташлаган кишида Чўлпонга нисбатан ҳурмат туйғусининг уйғониши табиийдир: “Бошимга тушган оғир фожиалар сабабиндан, — деб ёзган эди Мирмуҳсин, — бу қиш таҳсилим учун мутлақо ёрдамга муҳтож бўлиб қолган эдим. Мана шул ҳолимни эътиборга олиб, Туркистоннинг очиқ фикрли ёшлиридан Абдулҳамид афанди Сулаймоний ила Мирюсуф афанди Мирзаҳамидбоевдан бир миқдор иъона топширилди ва таги-да ваъда этилди. Иъона соҳибларининг ҳар бирига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Яшасин шундай ҳимматли ёшлар! Шундай миллий ҳимматгагина таяниб, мен Уфага — “Маграсаи Олия”га кетдим”

Чўлпонга нисбатан бундай миннатдорчилик сўзларини Германиядан Абдуваҳоб Муродий ҳам ёзган.

Хуллас, Чўлпон Ильминский сингари шовинизм билан заҳарланган маърифатпарварларга қарши фаолиятининг ilk давриданоқ ўзбек халқининг истиқболи учун кураш майдонига отилган.

**Февраль инқилобидан сўнг.1917 йил февраль инқило-  
бидан сўнг Туркистондаги рус большевиклари ташабbusи  
билан Ишчи ва солдат совети ҳокимиятни қўлга олиш учун  
қатъий кураш бошлади. Маҳаллий зиёлилар ва руҳонийлар  
ўртасидаги ички низодан фойдаланган большевиклар ўз  
мавқеларини кун сайин мустаҳкамлаб бордилар. “Шўрои  
ислом” билан “Шўрои уламо” жамиятлари эса бир-бирла-  
рининг тагига сув қуийш билан машғул бўлди. Агар шу кез-  
ларда Марказий Россиядан Мустафо Чўқаев ва Заки Вали-  
дий сингари туркий халқлар тақдири билан куюнган киши-  
лар келмаганида, эҳтимол, бу жамиятлар ўртасидаги кураш  
янада кўнгилсиз натижаларга олиб борган бўлармиди.**

Заки Валидийнинг асосий мақсади Башқирдистонни миллий истиқлолга олиб чиқиш бўлган. Лекин вазият шундай здики, миллий озодлик ҳаракати Туркистон ва Қозогистонда кучаймай туриб, Башқирдистонда Мухторият ҳукуматини барпо этиш мумкин эмас эди. Буни сезган Башқирдистон марказий совети З.Валидийни Қозогистон ва Туркистондаги миллий ҳаракатларнинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатиш учун юборган. У Туркистонга келгач, М.Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, А.Зоҳирий, О.Маҳмудов сингари ўзбек ҳалқининг пешқадам сиймолари билан учрашиб, миллий ҳаракатни кучайтиришга қаратилган ишларни амалга оширган.

Унинг хотиралар китобида шу ҳақда қўйидаги мухтасар маълумотни ўқиймиз: “*Беҳбудий, ёш ўзбек шоири Чўлпон, тошкентлик агадиётчи Толибжон, татар Tagir Нўғойкўронли, самарқандлик Ҳакимзода ва камина бир қанча шаҳарларда бўлиб, йиғилишлар ўтказдик ва миллий зиёлиларнинг аксар қисмини Туркистон Марказий совети тарафига жалб этдик. Туркистон мустақиллигининг асосий душмани бўлган кадетлар партияси секин-аста маҳаллий аҳолига бўлган таъсирини ўқота бошлади. Биз шуннинг бошларига қадар олиб борган жиғдий кураш натижасига ҳуррият ғоялари кўпгина вилоятларга кириб борди*”.

Афсуски, биз бу сатрларда тилга олинган дастлабки истиқлолчиларимиз ва уларнинг кейинги тақдири ҳақида бирор маълумотта эга эмасмиз. Лекин бу рўйхатнинг бошида турган Беҳбудий ва Чўлпоннинг Февраль инқилобидан кейинги миллат манфаати йўлида олиб борган фаолиятлари бизда катта қизиқиш уйғотади. Гап шундаки, ўша кезларда тузилган Туркистон Марказий шўросининг ўзбек зиёлиларини ўз атрофига тўплаши, нафақат кадетлар партияси, балки большевиклар ва бошқа сиёсий партияларнинг фаолигини ҳам сусайтириши, ниҳоят, ўлқадаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ўз назоратига олиши мумкин эди. Агар шу мақсаддинг Туркистон ҳалқлари тақдири учун муҳим аҳамиятга молик эканини назарда тутсак, Чўлпоннинг ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб миллий мустақиллик учун курашга жиғдий киришгани равшан бўлади.

Давр мураккаб, сиёсий партиялар эса кўп бўлгани учун ўзбек зиёлиларининг бирдан-бир тўғри йўлни танлашлари

осон кечмади. Чунончи, Назир Тўрақулов ва унинг издошлиари ўша кезларда большевиклар томонига оғдилар. Мунаввар қори, Беҳбудий ва Бухоро жадидлари кадетлар партиясига ҳам, социализм ғоясига ҳам қарши чиқдилар. Низомиддин Хўжаев ва унинг тарафдорлари эса социалистик ҳаракатнинг ўнг қанотига мойиллик билдирилар. Бу, номлари тилга олинган шахсларнинг қарийб барчаси Чўлпонга руҳан яқин кишилар бўлганлиги учун унинг аро йўлда қолган пайтлари ҳам бўлди. У ўзининг сиёсий фаолиятида халқ манфаатларидан келиб чиқишига уринди.

З.Валидий хотираларида Чўлпоннинг шу даврдаги сиёсий-ижтимоий фаолиятига доир баъзи бир чизгилар мавжуд. У, хусусан, Февраль инқилобидан кейинги дастлабки кезларни назарда тутиб, бундай ёзган: “Мен бир-бирига са-доқатли, самимий дўстларни орттиридим. Дўстона сұхбатлар пайтида айтганим аксар фикрлар, кўп ўтмай, маслақдош ва елкалош дўстларимнинг шеър ёхуд мақолалари шаклига кириб, янги ҳаёт кечира бошлади. Шоир Чўлпон турк халқининг сайлов хукуқлари учун олиб борган курашимиз тўғрисига гўзал бир достон ёзди”.

З.Валидийнинг бу сўзларида тилга олинган достон, чамаси, ўз вақтида эълон қилинмагани учун бизга етиб келмаган. У, юқорида айтиб ўтилган йиғилишларда митингларда ўқилган.

З.Валидий Туркистонда орттирган маслақдошлари тўғрисида сўз борганда, биринчи навбатда, кўпинча Чўлпонни ёдга олган. Улар ўртасидаги узоқ давом этган дўстона муносабатлар ҳам бу икки сиймонинг маълум даражада сирдош бўлганидан дарак беради. Агар шу нарсани кўзда тутиб, З.Валидий берган қўйидаги маълумотни ўқисак, Туркистонда 1917 – 1923 йилларда миллий истиқлол учун олиб борилган ҳаракатнинг сирли томонларидан парда кўтарилишадек бўлади:

“Дўстим Убайдулла Хўжаев, – деб ёзган у, – юрист сифатига бундай маслаҳат берди: “Таъсис мажлисига сайловлар тўғрисига модда киритилиши мумкин. Бирор жойни сотиб олсанг бўларди”. Мен унинг гапига кириб, Тошкент яқинигаги Оҳангарон гарёси ёқасига жойлашган Облиқ қишлоғигидан чорбоғ сотиб олдим. Чорбоғ ажойиб бир ерда жойлашган бўлиб, ундан Чотқолнинг қорли чўққилари кўриниб

турарди. 1917 йилда менга бу жойда бўлиш насиб эттаги, аммо 1922 йили босмачилик ҳаракатига қўшилганларидан кейин Башқирдистондан келган йигитларимиз шу уйда ойлаб яшаши....”

Агар тахминимиз тўғри бўлса, Чўлпон Таъсис мажлисига аъзо бўлиш учунгина эмас, балки зарур бўлиб қолганда яшириниш учун сотиб олинган бу чорбоғдан хабардор бўлган. Демак, айтиш мумкинки, унинг миллий озодлик-ҳаракатидаги иштироки фақат шеър ва достонлар ёзиш, ватандошларини истиқолчилар атрофига яқинлаштиришдангина иборат бўлмаган. Бу тахминимизни З. Валидийнинг кўйидаги сўzlари ҳам тасдиқладайди:

“Биз умумрусия миқёсигаги сиёсий ишларда социалистлар билан бирга ҳаракат қилганимизни ҳеч қачон яширмаганмиз. Ўша пайтда биз миллат ва социализм ғояларига хизмат қиласиган эркин социалистик партияни тузга бошлаганмиз. Бизнинг ниятимизга кўра, бу партия барча Шарқ халқарини бирлаштириши лозим эди. Унинг ташкилотчилари эса қозоқлар томонидан Алихоннинг тарафдорлари, шунингдек, маслақдошларимиз ўзбек Низом Хўжаев, шоир Чўлпон, бухоролик Абдулҳамид Орипов эслар”

З. Валидийнинг бу сўzlарига қараганда, Чўлпон Февраль инқилобидан кейинги дастлабки йилларда ижодий ишлари билан бирга Россия тасарруфидағи мусулмон халқарининг бирлашиши йўлида ҳам қизғин фаолият олиб борган.

**Чўлпон ва Мухторият.** Тарих миллари 1917 йилга келиб, катта шиддат билан ҳаракат эта бошлади. Февраль инқилобидан кейин икки-уч ой ўтмасдан, Москвада бутуниттироқ умуммусулмонлар қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қарорлари Туркистанда мавжлана бошлаган сиёсий ҳаёт елканига кучли шамол бўлиб урилди. Июль ойининг ўрталарида Фарғона шаҳрида ўтган вилоят мусулмон ташкилотларининг қурултойида “Турк адам марказият” партияси тузилди. З. Валидий “эркин социалистик партия” деб атаган бу сиёсий ташкилот ўз олдига қатор демократик тадбирларни амалга оширишни вазифа қилиб кўйди.

Чўлпоннинг бу партия аъзоси сифатида олиб борган фолияти тўғрисида архив материалларида бирорта маълумот учрамайди. Лекин Чўлпоннинг Туркистан Мухторият ҳуку-

матининг ташкил топишига алоқадор эканлиги, унинг бу ҳукуматини олқишлоғчи “Озод турк байрам” шеърини ёзганилиги ва бу шеърнинг мухторият маддияси ўлароқ ҳалқ оммаси томонидан куйланганлиги тасодифий ҳол эмас.

Тошкент большевиклар қўлига ўтгач, 26 октябрь куни Кўқонда IV Фавқулодда ўлка мусулмонлари қурултойи ўз ишини бошлади. Уч кун давом этган қурултой Туркистон Мухторият ҳукумати тузилганини эълон қилди. Шу тарихий куннинг эртасига шаҳарда ўтказилган митингда Чўлпон сўзга чиқиб, “Оллоҳу акбар” деган Мухториятга бағишланган шеърини ўқиди. Шеърнинг ҳар бир сатридан кейин кўп минг кишилик митинг Чўлпон билан бирга “Оллоҳу акбар” деб Туркистоннинг ҳурриятга эришганига шукроналар айтди. Шоир қаламига мансуб “Озод турк байрами” шеъри эса юзлаб нусхаларда тарқатилиб, турк шарқийлари сингари куйланди ва ҳалқнинг руҳига руҳ, ишончига ишонч қўшди. Шеърнинг “Турк бешиги -Туркистон, ери олтун, тоғлари кон! Болалари қаҳрамон, Ватан учун берур жон!” деган сўнгти сатрларини куйлаган ҳалқ Мухторият учун жонини ҳам беришга қасамёд этди.

Туркистон Мухторияти кенг ҳалқ оммаси томонидан қизғин кутиб олинганига қарамай, 1918 йил февралининг иккинчи ярмида советларнинг яхши қуролланган қўшинлари томонидан тор-мор этилди. Шундан кейин Чўлпон, З.Валидийнинг таклифи билан, Оренбургта кетди.

*“Оренбургта келиб улгурмасимиздан биз давлат қурилиш ишига киришдик, – деб хотирлайди З.Валидий. – Ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбоев ва профессор Кулаев шу иш билан шугулланди. 1917 йил декабрида бўлиб ўтган Учинчи Умумбошқирд қурултойи йигирма икки кишидан иборат кичик шўро (парламентолди кенгаши) ни сайлади. Биз уларни Оренбургта йигиб олгач, улар адлия ишлари билан машғул бўлдилар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон бошқарувига оид қонунларни қабул қилдилар. Гарчанд уларнинг ишлари фавқулодда мураккаб шароитларда кечган бўлса-да, менинг барча йиғилиш ва муҳокамаларда иштирок этишимга ҳожат бўлмаги. Улар менга: “Ўз ишинг билан шугуллан, бошқасини бизга кўйиб бер”, дейиши ва мен қўшинни тўплаш ҳамда ички ишлар билан бевосита шугулландим. Бу кишилар бизнинг ишимизга қандай фидойиларча берилган эдилар! ”.*

3. Валидий Оренбургга ўзи билан бирга борган туркистонликлар тўғрисида бундай маълумот берган:

“Кўқонга барпо этилган ва Советлар томонидан февралда (1918 йил феврали назарда тутилмоқда – Н.К.) тарқатиб юборилган Туркистон миллий ҳукуматининг баъзи бир аъзолари: Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамиг Сулаймон (Чўлпон), кейинчалик Бухорода ҳарбий нозир бўлган Абдулҳамиг Орипов, Тошкент вакилларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар ҳам шу ерга эшилар. Абдулҳамиг Орипов ташқи ишлар билан шутулланди, у шоир Абдулҳамиг Сулаймон билан бирга менинг котибим эди”

Модомики, Мухторият ҳукуматининг аъзоси Убайдулла Хўжаев ҳам, Мухториятта бағишланган мадҳиясида “Туркистонли – шонимиз, туронли – унвонимиз, Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!” деб ёзган Чўлпон ҳам, бошқа туркистонликлар ҳам, шу вақтда З. Валидийнинг ёнида бўлган эканлар, демак, улар Оренбургга Туркистон Мухторияти тор-мор этилганидан кейин борганлар. Тахмин қилиш мумкинки, улар ўзларининг Бошқирдистон миллий ҳукуматини барпо этишга қаратилган фаолиятларида Туркистон Мухторияти томонидан йўл қўйилган хатолардан сабоқ олишга ҳаракат қиласлар.

3. Валидий ўз гуруҳи олиб борган ишлар тўғрисида яна қуидаги маълумотни берган:

“Бизнинг Самара ҳукумати, Ўрол казаклари ва Қозогистон билан бирга амалга оширганимиз дастлабки муваффақиятли иш ахборот тўплашдир. Биз ўз агентларимизни олдиндан мўлжалланган жойлар – Уральск (Теке), Хон ўргаси, Астрахан губернияси, Гурев (Уйшуқ), Фарбий Сибирдаги Омск, шунингдек, советлар назорати остидаги Орск, Актиюбинск ва Тошкентга юбориб, қисқа мuddатда ўз разведхизматимизни вужугга келтирдик. Бу ишларга Орипов раҳбарлик қилди. Бизнинг миллий шоирларимиз Саштгарей Магаз, Шайхзода Бабич, ўзбек шоири Абдулҳамиг Сулаймон, ёш қозоқ журналисти Беримжон ва бир ўқимишли шоира қиз бу шаҳарларда яширин жойларни ташкил этдилар ва бу жойлар Оренбургдаги марказни ғоят қимматли ахборот билан таъминлаб турди”.

З. Валидий генерал Дутов қисмларида бундай шошилинч ахборотни тўплаш ишлари яхши йўлга қўйилмагани ва бу

нарса унинг ҳарбий операцияларига салбий таъсир ўтказганини айтиб, Тошкентда рўй бераётган воқеалар ҳақидағи маълумотлар тинимсиз равища Қозоғистон орқали етиб борганини алоҳида таъкидлаган.

Шундай қилиб, Чўлпон Бошқирдистон миллий ҳукуматининг Туркистандаги вазиятга оид шошилинч маълумотлар билан таъминланишида иштирок этган. Агар З. Валидийнинг юқоридағи сўзларига теран назар ташласак, Туркистон Мухториятининг мағлубиятидан кейин Оренбургта йўл олган туркистонликларнинг Қозоғистонда тўхтагани ва маҳаллий истиқолчилар билан учрашгани маълум бўлади.

Бугун биз Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларида нафақат Туркистон, балки Россия тасарруфидаги бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам миллий ҳукуматларни барпо қилишга қаратилган уринишлар бўлганини биламиз. Кейинги йилларда бизга яна шу нарса маълум бўлдики, Россия тасарруфида яшовчи мусулмон халқларнинг истиқол-севар фарзандлари ўша кезларда Туркий республикалар федерациясини ташкил этиш фикрида бўлганлар. Бу федерацияга, биринчи навбатда, Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон миллий ҳукуматларининг кириши кўзда тутилган. Чўлпон 1917 – 1918 йилларда ана шу foянинг рўёбга чиқиши йўлида фаолият олиб борган.

*Шарқ халқлари қурултойи.* Туркистон Мухториятидан кейин Бошқирдистон ва Қозоғистон миллий ҳукуматлари ҳам большевиклар томонидан тутатилди. Улар туркистонлик мухториятчиларни таъқиб этибина қолмай, Фарғона водийсида яшовчи аҳолини ҳам хонавайрон қилдилар. Туркий халқларга нисбатан аламзода бўлган дашибоқлар водийдаги ўнлаб қишлоқларни қонга ботирдилар. Чўлпон, шубҳасиз, большевикларнинг ўз давлатларини минглаб кишиларнинг қони ва жони эвазига барпо этаёттганларига тинч қараб тура олмади.

1919 йили у “Юриш марши” деган шеърини ёзиб, Турон ўғлонларини қиличини қинга солмай, она ватанни озод этишга чақирди. Бугун сарлавҳаси бир оз ғалати туюлган “Қизил байналмилал” (1919) шеърида эса бундай сатрларини ёзди:

Шарқ эллари асир каби ишларлар  
Бир ҳовуч ҳам келмайдиган халқ учун...  
Шарқ элига қутулишга йўл йўқми,  
Унга ҳеч ким шафқат кўзин солмасми?  
Фарбилиардан инсоф, виждан ҳеч йўқми,  
Бирор қувват бу зулмни олмасми?

Шоир шу сатрлардаги “Шарқ эли” сўзлари остида фақатгина ўзбек халқини кўзда тутмаган. Ўша йилларда ўзбек халқи билан бирга туркий халқлар ҳам, Англияning исканжасида яшаган ҳиндлар ҳам “бир ҳовуч ҳам келмайдиган” халқ учун асиirlар каби ишламоқда эдилар. Шунинг учун у шу халқларнинг бирлашишини астойдил орзу қилди.

1920 йилнинг 1 – 5 сентябрь кунларида Бокуда Шарқ халқлари қурултойи бўлиб ўтди. Чўлпон ва унинг маслақдош дўстлари бу қурултойдан кўп нарсани кутган эдилар. Лекин Сталин раҳбари бўлган Миллий ишлар халқ комиссарлиги ва Мусулмон коммунистларнинг марказий бюроси бу қурултой ишини қаттиқ назорат остига олиб, Шарқ халқлари вакилларининг большевиклар зулми ва тузумига қарши бирлашишига имкон бермади. Чўлпон қурултой ишида таржимон сифатида иштирок этди.

Қурултойнинг Шарқ халқлари вакиллари учун эътиборли жиҳати Анвар Пошанинг иштироки эди. Туркистанда айниқса машҳур бўлган бу зотга гарчанд қурултойда сўз берилмаган бўлса ҳам, миллий делегациялар, биринчи навбатда, у билан учрашишга интиддилар. Шундай учрапувлардан бири Каспий денгизи бўйларида жойлашган бир уйда бўлиб ўтди.

“Кунларнинг бирауга, – деб ёзади Мунаввар қори Абдурашидхонов, – биз Анвар Пошанинг доғистониллар билан араб тилида сұхбатлашиш учун шу уйга келишидан дарак топдик. Биз ҳам етиб бордик... Орадан бир мунча вақт ўтгач, чиндан ҳам, Анвар Поша пайдо бўлди ва биз билан ўн беш дақиқа сұхбатлашди”.

Мунаввар қори бу сўзларни 1929 йилда ҳибсга олинганидан кейин тергов учун ёзиб берган. Шунинг учун ҳам у Анвар Поша билан қанча вақт ва нима тўғрисида сўзлашгани масаласида аниқ бир гапни айтмаган. Аммо шу нарса маълумки, Анвар Поша қурултой кунларида Туркистан, Бухоро, Хива, Афғонистон ва Эрон вакиллари билан махфий

учрашувлар ўтказган. Чўлпон ана шундай учрашувларда қатнашиб, Анвар Поша билан танишган. Анвар Поша Чўлпонда хайрихоҳлик туйгуларини уйғотган. Унинг туркий халқларни яқинлаштириш тоғаси ўзбек шоирларига бегона эмас эди. Шарқ халқлари қурултойига катта умидлар билан борган, қурултой бошлангунга қадар Каспий денизи бўйларидаги юриб, гўзал юлдузлар билан сұхбатлашган ва уларга “Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла Оталарнинг тарихдаги хатосин; Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг Эл кўксига сурган ишрат, сафосин. Сўзла, англат ўтгандаги турмушнинг Бутун қонлик, шонлик, жонли ерларин. Кўз олдимда жилваланар юрт учун Жонлар бериб, қонлар тўйкан эрлари...”, деб ёзган Чўлпон қурултойдан эмас, Анвар пошадан кўпроқ умид кутди.

1937 йил 10 августда бўлиб ўтган тергов қайдномасида бундай маълумот билан танишамиз:

“1920 иши Бокуда Шарқ халқлари қурултойи ўтказилди, унда Салимхон Тиллахонов, Наби Рисқулов, Фози Юнусов, Мунаввар қори, Обид Чатоқ, Жўрабоев, мен ва бошқа пантуркистон арбоблар қатнашилар Делегацияга Рисқуловнинг ўзи раҳбарлик қилди. Курултой пайтида Рисқуловнинг яқин сафдошлари – Файзулла Хўжаев ва Норбўтабеков Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия сиёсатига қарши қаратилган саҳнаорти ишини олиб бордилар. Улар “қизил генералларингизни олиб кетинг!” – деган шиор билан чиқдилар. Аммо қурултойда уларнинг сўзлари ўтмагач, Туркистон делегацияси “доҳийлари” Рисқулов раҳбарлигида тўпланиб, Совет ҳокимиятига қарши курашни авж олдиришга киришдилар, “босмачилик” кучларини ташкил этиб, бу ҳаракат орқали очиқдан-очиқ пантуркистик ташкилотнинг қурултойдан кейин қабул қилинган қарорини амалга оширгилар”.

Шубҳасиз, НКВД томонидан тайёрланган ва қийноқ остида қўл қўйдириб олинган сўроқномаларга танқидий қарашиб, уларда келтирилган фактларни бошқа ҳужжатлар билан қиёслаш ва шу тарзда ҳақиқатнинг олтин зарраларини топиш лозим. Юқорида келтирилган парчанинг ҳам НКВД ходимлари томонидан “ижод қилинганилиги” яққол сезилиб туради. Аммо шу билан биргага, назаримизда, унда ҳақиқат учқунлари-да йўқ эмас. Чиндан ҳам, қурултойнинг коммунистик руҳда кечганлигини кўрган Туркистон делегацияси-

нинг илғор қисмида, шу жумладан, Чўлпонда большевиклар зулмидан қутулиш ва мустақилликка эришишнинг бошқа йўлларини ахтариш истаги пайдо бўлган. Улар Мухторият тутатилганидан кейин вужудга келган ва секин-аста куч ола бошлаган “босмачилик ҳаракати”да ана шу йўллардан бирини кўрганлар.

Ўша кезларда Англия меҳнаткашлари ўртасида фалаён кўтарилиб, давлат сиёсий машинаси тебраниб қолган. Жаҳон харитасида юз бераётган воқеаларни синчков назар билан кузатган Чўлпон эса “Улуғ Британиянинг бу кунги ҳокимият”ига деган шеър ёзиб, уни бундай сўзлар билан тутатган:

Мазлумлар эзилган, хор бўлганларнинг  
Фазаб оловлари бир кун туташар!  
“Интиқом! Интиқом!” – деган наъралар  
Тўлқиндай қутуриб, Темзадан ошар.  
Ўшанда Темзанинг сувлари қадар  
Қутуриб ошишлиқ бизда ҳам бўлар.

Бу сатрлар билан сўроқ қайдномасидаги Совет ҳокимиётига қарши қураш ҳақидаги сўзлар ўртасида муайян яқинлик бордек туюлади.

**Боши берк кўчаларда.** Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси барпо этилгач, Чўлпон, чамаси, Файзулла Хўжаевнинг таклифи билан “Бухоро ахбори” газетасига муҳаррирлик қилиш учун Бухорога боради. Бу вақтда Бухоро амирини ағдаришда жадидларга ёрдам берган Фрунзе қўшинлари ва, умуман, Совет ҳокимиятининг ғаразли нияти ошкор бўлган эди. Шунинг учун ҳам, республика раҳбарлари ўртасида большевиклар таъсиридан ҳалос бўлиш истаги шаклланётган эди. Лекин большевиклар республика раиси Файзулла Хўжаев билан Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Мирза Абдулқодир ўртасига пона қўйишга ултурган ва бу пона раҳбариятни икки гурӯҳга ажрататоған эди.

**“Барча Бухоро жадидлари,** – деб ёзади шу кезларда Бухорога келган З. Валидий, – амирни ағдариш учун олиб борган қурашларига руслар билан бирлашдилар. Аммо улар Россия босқинчилик ҳокимиятининг чексиз-чегарасиз бўлишига қарши эдилар. Уларнинг шу масаладаги бирдамлиги ҳар қандай мақтovга сазовор эди.

Улар оқшомлари мени уйларига мөхмөнга тақлиф қилиб турадылар. Бирок улар ўзаро ҳар доим ҳам аҳил бўлмаганлари учун, тагин бирортаси русларга гулаб қўймасин, деб ташвишланар эдим...

Бизнинг асосий вазифамиз ағдариб ташланган амирга қарши курашни давом эттириш ниқобида Бухоро миллий армиясини ташкил этиш ва Хива, Туркманистон, Қозогистон вакилларини чақириб, “Туркистон миллий иттиҳоди” ташкилотини тузиш эди. Биз шунга тайёрланар эканмиз, июнь ойининг бошларидаёт Бошқирдистондан Қозогистоннинг барча бурчагига, Фулжадаги японларга, Фарғона воийсидағи босмачиларнинг таниқли раҳбарларига одамлар юбордик”.

“Биз қозоқларнинг “Алаш Ўрда қўмитаси” аъзолари ва туркман зиёлиларини ҳам Бухорога тақлиф этдик, — деб давом этади З. Валидий, — уларни Бухоронинг шимол томонида жойлашган Харгуш қишлоғидаги бир хўжаликда кутуб олдик... Бошқирдистондан келган... офицерларимиз Бухорага ҳарбий идораларда юқори лавозимларга жойлашиб олиши. Қарши, Шахрисабз, Гузор, Карманага жойлашган ҳарбий қисмлар (яъни марказий ҳарбий қисмлар) шу офицерларнинг назорати ва таъсири остига бўлди... Бизнинг мақсадимиз қўйидағича эди: агар руслар бизга миллий қўшиналарни қонуний равишда тузишга имкон беришмаса ёхуд биз тузатган қўшиналарни тарқатиб юборишса, босмачиларга қўшилиб, умумий курашни бошлаймиз...”

З.Валидий Чўлпоннинг бу яширин ҳаракатдаги иштироки тўғрисида бирор сўз айтмаган. Айтмагангина эмас, ҳатто Чўлпондан қочиб-яшириниб ҳам юрган. Унинг назарида, рус айғоқчилари билан тўлган шаҳарда шоирона кайфият соҳиби бўлган Чўлпоннинг бу ҳақда гуллаб қўйиши мумкин эди. Аммо шунга қарамай, ўша кезларда Харгушда истиқомат қилган Чўлпоннинг чор атрофда рўй бераётган воқеалардан, Мухтор Авезов сингари ёзувчиларнинг келаёттанидан хабарсиз бўлганига ишониш қийин. Қолаверса, унинг сиёсий вазиятдаги ўзгаришларни, Бухоро республикасининг советлашиб бораёттанини сезмаслиги мумкин эмас. Зоро, у ҳали Бухорога бормай турибоқ, 1921 йил марта, “Чақиргувчи, ўқиргувчи бир товуш Ботирларнинг жон сўраган товшидир. Йиқитувчи, ағдарувчи қўзғалиш яқиндаги зўр кураш-

нинг бошидир”, деб ўзининг “босмачилик” ҳаракатига хайрихоҳлигини ошкора айтган эди. Орадан бир неча ой ўтгандан кейин, Фарғона водийсида рўй берган даҳшатларни ўз кўзи билан кўрганидан сўнг эса “Бузилган ўлкага” шеърини ёзган ва бундай ҳайқирган эди:

От минганд қушлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,  
От чопганда учар қушни тутгувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси – сор бургутлар қаерда?...

Чўлпон бундай оловли сатрлари билан азамат йигитларни большевиклар ҳокимиятига қарши курашга чақирган, уларни босмачилар сафига келиб қўшилишга ундаган эди.

Хуллас, Чўлпоннинг ҳам, З.Валидийнинг ҳам ташвишлири бежиз оловланмади. Большевиклар турли-туман баҳоналар билан БХСРнинг аксар раҳбарларига турли айблар қўйиб, уларни бадном эта бошладилар. Фитрат ҳибсга олишларидан қочиб, Тошкентга келди. У билан қарийб бир пайтда Чўлпон ҳам Бухорои шарифни тарқ этди.

Чўлпон Ф. Хўжаевнинг таклифи билан Бухорога борганида, тошкентлик дўст-ёrlар уни курашдан қочища айблаған эдилар. У бундай кайфиятдаги ўртоқларига жавобан “Мен қочмадим” деган шеърини ёзиб, унда, жумладан, бундай деган эди:

Мен қочмадим! Нега мени “қочди”, деб  
Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз?  
Қучорини “ўзлиги”га очди, деб  
Оқ исмимга қора занжир илдингиз?

Мен “ўзлик”дан кўпдан бери узилиб,  
“Кўплик” ичра ботиб кетган танамен.  
У “кўплик”нинг қайғусидан чўзилиб,  
Қулоч отиб, сузиб юрган яна мен.

Мен янгилар ўлкасидан синмаган  
Бир қанотни тақиб олиб қўзғалдим.  
Шу йўлимда япроқлари сўнмаган  
“Ёш ёғоч”нинг соясида тўхталдим.

Чўлпон бу шеъри билан аввалги эътиқодидан қайтмаганини айтиб, “ёш ёғоч” – Файзулла Хўжаевнинг соясида миллий истиқол учун кураш олиб боришини маълум қилган эди. Лекин бу “ёш ёғоч”нинг япроқлари, кўп ўтмай, тўкила бошлиди. Унинг ўзи ҳам ана шу япроқлардан бири ўлароқ тўклиб, Тошкентга қайтди.

У Тошкентга қайтар экан, поезд Ўрта Осиё темир йўлиниг Жумабозор бекатида тўхтаганида, “Юпанмоқ истаги” деб номланган шеърини ёзади. 1922 йилнинг 9 июнида қоғоз бетига тўкилган қўйидаги сўзлар Чўлпоннинг кўнглидаги умид ниҳоли сўнмаганидан дарак беради.

Мана, ўша сатрлар:

Денгизлар қайнаса, тошса сувлари  
Кесилса йўлчининг истак йўллари,  
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,  
Балки юпатгуси ҳўлланган кўзлар?..

Ўйланган йўлларга кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,  
Айтарлар: бу тунда ёруғ шам ёнмас,  
Чақмаса гугуртни асл ўғиллар...

Чўлпон шуурида қандай қутлуғ ниятлар туғилган, бошида қандай олижаноб ўйлар чарх урган бўлмасин, шоир кўнгли фақат бир нарсадан – Туркистон ўғлонларининг гугурт чақиб, тунни ёритишларидан мунаvvар бўлиши мумкин эди. Чўлпон Анвар Пошани ана шундай ўғлонлардан бири, деб билди. Фалакнинг гардиши билан Бокудан Бухорога бутунлай бошқа мақсадда келган Анвар Поша Туркистонда бошланган миллий озодлик ҳаракатига тасодифан қўшилиб, ўша йил август ойининг бошларида сон жиҳатидан бир неча баравар катта рус армиясига қарши курашмоқчи бўлди. 4 август куни Балжуван яқинида бўлган қаҳшатқич жангда беш жойидан ўқ еб, ҳалок бўлди. Бу саркардага катта умид боғлаган Чўлпон астойдил қайфуриб, “Балжуван” шеърида: “Фарёдим дунёнинг борлиғин бузсин! Умиднинг энг сўнгти илларин узсин!” – деб қайфу ва аламларини ифодалади.

**Чўлпон ва “Дархон”.** 1923 йили Ўзбекистон ҳукумати босмачилик ҳаракатини тутатиш мақсадида “Дархон” газе-

тасини ташкил этган. “Туркистон” газетасининг муҳаррири Абдулҳай Тожиев, Чўлпон ва Босит Қориев (Олтой) Андижонга бориб, “Дархон” газетасини чиқарғанлар. Мутахассисларнинг уқтиришларига кўра, Анвар Пошанинг ўлимидан кейин босмачилик ҳаракати бир қадар сусайган ва пароканда ҳолга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч аҳолини ҳам, “босмачи”ларнинг ўзларини ҳам ҳалокатта олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун, уларнинг айтишларича, Чўлпон бу нозик ишга аралашишдан воз кечмаган. Лекин шунга қарамай, у қаердадир ўз виждонига қарши иш тутган ҳисоблаб, қаттиқ изтироб чеккан.

Муҳит гирдобида бир сомон парча,  
Бир похол чўпидек оқиб борамен,  
Ҳар амал, ҳар ишни “ҳақ”, деб борамен,  
Вазминим қолмади бир узун қилча,

деб нола қилган у “Сомон парча” шеърида. Ҳатто шу шеърни қуйидаги бадбин хуроса билан тутгатган:

Кирмаймен кўчанинг боши беркига,  
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига...

Бундай сатрларни ўқиган китобхоннинг Чўлпон дунёқарашиби ва фаолиятида кескин ўзгариш юз берганига ишониши мумкин, албатта.

Лекин сўроқ қайдномаларини ўқир эканмиз, баъзи бир фактлар бизни ўйлантиrmай қўймайди. Чунончи, Чўлпон юқорида номлари қайд этилган ҳамроҳлари билан бирга Андижонга боришдан аввал Кўқонда Обиджон Маҳмудовнинг уйида меҳмон бўлганларини эслаб, бундай деган: “*Фарғонага бўлган пайтимиизда Обид чатоқ Маҳмудовнинг уйига Абдулҳай Тожиев, мен ва Босит Қориев кенгаш ўтказдик. Шунда Обид чатоқ НЭП жорий этилгани учун босмачиларга қарши ҳеч қандай тадбир-чорани қўллаш керак эмас, зоро, босмачилик ҳаракати ўз-ўзидан тугайди. Босмачилик – Совет ҳокимиятининг зулмга асосланган сиёсати натижаси. Модомики, НЭП бу зулмга чек қўяр экан, омма босмачиликдан юз ўтиради. Абдулҳай Тожиев ҳам Обид чатоқнинг галилларига қўшилди...*”

Бу сўзларни ўқир эканмиз, уларнинг НКВД ходими томонидан бичиб-тўқилганига ишонгинг келмайди, киши!

Яна шу қайдномада қуйидаги маълумотларга ҳам дуч келамиз. Чўлпон терговчининг саволларига жавоб бериб, бундай деган: “1922–1923 йилларда пантуркистлар ташкилоти қуролланган босмачи-исёнчи кадрларни сақлаб қолиш мақсадига босмачилик ҳаракатини секин-аста тугатмоқчи бўлди. Кунларнинг бирига Рисқулов мени ҳузурига чақириб, Мунаввар қори ва Заҳиридин аъламнинг олдига боришим ва улардан Фарғона водийсидаги босмачиларга мурожаатномани олиб, унга келтириб боршишмни сўради. Мен Мунаввар қори билан Заҳиридин аъламнинг уйларига бир неча маротаба бордим, лекин мурожаатнома тайёр эмас эди. Ниҳоят, уч-тўрт кун ўтгандан кейин мен Рисқуловнинг кўрсатмаси билан тузилган мурожаатномани Заҳиридин аъламдан олиб, Рисқуловга келтириб бердим. Бу мурожаатноманинг мазмўни босмачиликни тинч ўйл билан тугатиш ва босмачи-исёнчи кучларни келажак учун сақлаб қолишга қаратилган эди”.

Сўнгги жумланинг НКВД ходимлари томонидан таҳрир қилингани яққол кўриниб турган бўлса-да, бу парчада ҳам ҳақиқат уруғлари бордек туюлади. Ҳаттоқи, назаримизда, миллатпарвар кишиларнинг босмачи кучларни келажак учун сақлаб қолиш мақсадида бу ҳаракатни вақтинча тўхтатишига мажбур бўлганлари сезилиб турибди.

Хуллас, Чўлпоннинг “Дархон” газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, “сомон парча”га айланиши эмас, балки вазиятта тўғри баҳо беришининг натижаси эди.

**Тилак йўлида.** 1921 йилнинг наврўз куни эди. Чўлпон Тошкентда яқин дўст-ёrlари билан қутлуғ айёмни қарши олиб, гурунг қуради. Бу гурунг иштирокчилари орасида кимлар бўлгани номаълум. Лекин шу нарса аниқки, сухбат мавзуи миллий истиқлол учун кураш масаласига бориб тақалганида, кимдир бу курашнинг бирор натижа билан тугашига шубҳа билдириб, советлар билан ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Чамаси, гурунгда ҳозир бўлган кишиларнинг аксари бу фикрга қўшилади. Фақат бир кишигагина бу фикр ёқмайди. Бу, Чўлпон эди. У шу куни дўст-ёrlари билан хайрлашиб кетгач, “Тилак йўлида” деган шеърини ёзади. Сарлавҳадан кейин “Чарчаганларга” деган бағишливи бўлган бу шеър қуйидаги сатрлардан иборат:

Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетамен,  
Қандай тўсиқ-моне бўлса, ўтамен.  
Мен кетамен, тилак, дея кетамен,  
Ҳеч тилаксиз қуруқ танни нетамен?

Тилак йироқ, ёғдуси-да кўринмас,  
Ой кетармен, йил кетармен, етилмас,  
Туйфум унинг изларига урилмас,  
Бу йўлларда балки шафқат этилмас.

Яна “тилак”, “тилак”, дея кетармен,  
Бир жон экан, майли, қурбон этармен!

Чўлпон шу шеърида ифодаланган ваъдасига содик қолди. У ўз тилаги ортидан кетиб, ширин жонини истиқбол ва истиқлол йўлида қурбон қилди.

### Чўлпон ва XX аср ўзбек шеърияти

Кўп асрлик ўзбек шеърияти тарихидаги янги давр XX аср билан бошланди. Чўлпон гарчанд 1925 йилга оид “Улуф ҳиндий” мақоласида ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоийдан Муқимийга қадар бўлган номояндаларини назарда тутиб, “Бир хил, бир хил, бир хил”, деган ва “Кўнгил бошқа нарса - янгилик қидирадир”, дея изҳори дил қилган бўлса-да, ўзида ва, умуман, ўзбек шеъриятида янгиликка бўлган эҳтиёжни аср бошларидаёқ сезган. Буни Фитрат ҳам, Ҳамза ҳам, Авлоний ҳам сезишган. Аммо ўзбек шеъриятидаги, шеър тузилишидаги ислоҳот аввало Фитрат ва Чўлпон номлари билан боғлиқ.

Чўлпон 1933 йили рус ёзувчиси В.Ян билан қилган сұхбатида Фитратни ўзбек шеър тузилишининг ислоҳотчиси, деб айттан. Ва ислоҳотчи деганда, унинг арабий-форсий шакл ҳамда қолиплардан воз кечиб, жонли ҳалқ тили билан ҳалқ шеърияти вазнларида ёза бошлаганини назарда тутган. Унинг ўзи Фитрат бошлаган ана шу ислоҳотни муваффақият билан давом эттириб ва якунлаб, ўзбек шеърияти тараққиёти тарихида янги даврни бошлаб берган. Бутун биз бу адабий даврни XX аср ўзбек адабиёти, деб атамоқдамиз.

Хўш, Чўлпон номи билан бевосита боғлиқ бу ўзгаришлар нимадан иборат? Унинг шеъриятимиз равнақига қўшган

хиссаси нимада зуҳур бўлади?.. Бундай саволларга жавоб бериш учун Чўлпон “бир хил, бир хил, бир хил”, деб таърифлаган адабиётга назар ташлаш жоиз.

Ўзбек мумтоз шеърияти гарчанд улкан бадий ютуқларни қўлга киритган бўлса ҳам, XX асрдек янги тарихий даврда бундан бир неча асрлар илгари топилган ва неча асрлардан бери ишлатилавериб сийқаси чиқаёзган шакллардан, тиљдан, поэтик тафаккур тарзидан фойдаланиш адабий депсиниш, адабиёт тарихидаги турғунлик бўлурди. Буннинг устига, аср бошларида қўшни мамлакатларда рўй берган инқилобий ҳаракатлар Ўрта Осиё минтақасини ҳам жунбишга келтириб, унинг эскирган ва чириган жамият тизилмасида яшаёттганини ошкор қилиб қўйди. Жамиятнинг илфор кучларини уйғотиши ва бирлаштириши мумкин бўлган адабиётнинг ҳам халқ ҳаётидан олислиги маълум бўлиб қолди. Давр жамият ва халқни асрий феодал уйқусидан уйғотишини Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Тавалло сингари ёзувчилар зиммасига юклиди. XX асрнинг 10-йилларида адабиёт майдонида тонг юлдузи ўлароқ кўринган ва шу сабабли Фитрат томонидан Чўлпон тахаллуси билан “тақдирланган” шоир ана шу авлод орасидан отилиб чиқиб, ўзбек шеъриятини миллӣй уйғониш қуролига айлантирибгина қолмай, унинг тили ва услубини, шакл ва воситаларини янгилаб ҳам берди.

Чўлпоннинг шеърий мероси нисбатан катта эмас. “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари” (1926) ва “Соз” (1935) тўпламлари, шунингдек, “Ўзбек ёш шоирлари” (1922) жамоа мажмуасидан, бундан ташқари, вақтли матбуот саҳифаларидан ўрин олган шеърлари 300 тага етмайди.

Бу шеърларнинг ҳаммаси ҳам бир хил баланд савияда эмас. Шу саноқдаги шеърларнинг учдан бир қисмигина катта бадий қимматга эга. Унинг XX аср ўзбек шеърияти равнақига туртки берган шу шеърларида Чўлпон фавқулодда буюк шеърий истеъдодини тўла намойиш этган.

Чўлпон шеъриятининг нафақат ижод аҳли, балки оддий китобхонларга кўрсаттан таъсири ҳақида қўйидаги фактни келтириш ўринли. 1929 – 1930 йилларда миллӣ истиқлолчилик ҳаракатининг Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳ-

барлигидаги аъзолари қамоқقا олинганда, хуфялардан бири камерада бўлиб ўтган бир сухбат ҳақида маълумот берган. Бу андижонлик маҳбус бўлиб, у ўзи тушган фожиали аҳволнинг сабабчиси Чўлпон эканини айтиб, “Агар Чўлпон ва унинг шеърлари бўлмаганида, мен бу сассиқ камерада ётмаган бўлардим”, деган ва Чўлпонни яратган Парвардигордан ранжиган. Аммо ҳийла вақт ўтгач, у ўзига келиб, “Яхши ҳамки, Чўлпон ва унинг шеърлари бор. Уларсиз бизнинг кўзимиз очилмаган бўларди”, – деб айтган.

Бу, бизнингча, Чўлпон шеърига оддий китобхон томонидан берилган юксак баҳодир.

Чиндан ҳам, 1917 йил инқилоблари арафаси ва 20-йилларда Чўлпон шеърияти туфайли ҳалқнинг бир қисмида Ватан, Миллат, Ҳуррият, Истиқлол ва Миллий тараққиёт тушунчалари пайдо бўлган. Унинг шеърлари шу даврда ҳам, кейин ҳам катта ижтимоий мақсадга хизмат қилган. У бу шеърлари билан бевосита ҳалқقا мурожаат этиб, унинг дилидаги дард ва аламларини унга тушунарли тилда ва уни тўлқинтираси шаклда ифодалаган. Бошқача айтганда, у шеъриятни ҳалқقا, унинг ҳаётига, қалбига, изтироблари, азоблари, орзу ва умидларидан иборат руҳий оламига яқинлаштирган. Бу, Чўлпон шеъриятига хос бўлган биринчи хусусиятдир. Иккинчи хусусият шундаки, у нозик қалб ва нозик таъб шоир сифатида туйғунинг, ҳиссиётнинг шеърий асаддаги кучини бениҳоя оширди. Ва, ниҳоят, учинчи хусусият шуки, Чўлпон ўзбек шеъриятида янги вазннинг мустаҳкам ўрин олишига, унинг янги жанр ва шакллар билан бойишига, унинг тилини софлаш, соддалаштириш ва ёрқинлаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Чўлпон шеъриятига хос ана шу тамойиллар бошқа ширларимиз томонидан турли тарихий-маданий даврда давом эттирилди. Шу маънода Чўлпон анъаналаридан фойдаланиш қўйидаги босқичларга бўлинади:

1. Чўлпон ҳаёт бўлган 20-йиллар.
2. Чўлпон “ҳалқ душмани” деб эълон қилинган 30—50-йиллар.
3. “Хрушчевча илиқлик” даври деб аталган 60-йиллар.
4. Совет жамиятидаги демократик ўзгаришлар даври бўлган 70-80-йиллар.
5. Мустақиллик даври.

Ушбу мақолада бу даврларнинг ҳаммасини илмий тавсифлаш шарт эмас. Лекин шунга қарамай, баҳсни биринчи босқичдан бошламай илож йўқ.

Шу нарса мароқлики, бу даврда кўзга ташланган икки тамойил совет даври ўзбек шеъриятининг қарийб сўнгги кунларига қадар давом этди ва ўзида шу шеъриятнинг мөхиятини ифодалади. Яъни 20-йилларда, бир томондан, Ботува Файратийлар Чўлпон билан мунозара га киришиб, унинг дунёқарашига қарши чиқишиган бўлсалар, Ойбек ва Усмон Носир Чўлпоннинг лирик шоир сифатидаги анъналарини меҳр билан давом эттиришди. Ботува Файратийлар бошлаб берган йўл 30-йилларда катта кўлам касб этиб, социалистик реализмга асосланган ўзбек шеърияти дарёсини ҳосил қилди.Faфур Fuлом, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингари шоирлар шу дарё соҳилида ўсиб улғайдилар. Ойбекнинг “Наъматак”, умуман, “Чимён дафтари” туркумига кирган шеърларининг буржуа лирикаси намуналари, деб эълон қилиниши ва бу лирика тарафдорларига қарши курашнинг бошланиши билан Чўлпон “байроқдор” и бўлган ўзбек шеъриятидаги бадиий-услубий тамойил тақда тўхтади. Ойбек ҳам “гражданлик лирикаси” деб аталган расмий шеърият доирасида ижод қилишга мажбур бўлди. Шу зайдада 30-йиллардан 60-йилларга қадар давом этган ўзбек шеъриядан Чўлпон анъналари ситиб чиқарилди. Ҳатто Сталин шахсига сифиниш фош этилиб, Абдулла Қодирий сингари ёзувчилар оқланганларидан кейин ҳам вульгар адабиётшунослик намояндалари Чўлпоннинг ижодкор сифатида оқланишига, демак, “соф лирика”нинг адабиётимиз бағрига қайтишига монелик қилдилар.

Аммо тарих ўз ишини қиласи. Сталиннинг ўлими билан совет жамиятида рўй бера бошлаган ўзгаришлар марказдан, тўғрироғи, келажақдан эса бошланган янги шабадалар ўзбек адабиёти дengизини мавжлантириб юборди. Биринкетин уфқда Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ўзига хос шеърияти билан пайдо бўлди. Сўнг Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Мирза Кенжабек ва бошқалар бодроқдек бодраб чиқдилар. Сиёсий иқлимининг юмшаси, инсонпарварлик мезонларининг тиклана бошлаши, адабиёт асарлари марказида инсон обраси туради, деган эски ҳақиқатнинг эсланиши билан Faфур

Фулом, Шайхзода, Уйғун, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, М.Бобоев, Рамз Бобожон сингари шоирлар ижодининг ҳаддан зиёд сиёсатлашиб кетгани сезилиб қолди. Шунинг натижаси ўлароқ янги авлод ўз нигоҳини Чўлпонга қаратди. Шеъриятимизда яна Чўлпон руҳи эса бошлади. Бу, чўлпонона тамойилнинг қанот ёзишига ёш авлод билан бирга Ойбек ва Миртемир сингари кекса авлод вакиллари муҳим ҳисса қўшдилар.

Агар совет даври ўзбек шеъриятига бугунги кун талаблари ва ҳақиқий адабий мезонлар асосида ёндашилса, асосан Чўлпон руҳига яқин шеърларгина қолади ва шу шеърлар XX аср миллий шеъриятимизнинг олтин фондини ташкил этади.

Чўлпоннинг XX аср ўзбек шеъриятига таъсири икки хил кўринишга эга. Биринчиси - Чўлпоннинг ҳаётлик пайтидаги таъсири. Совет адабиётшунослиги Ҳамзанинг 20-йиллар адабий ҳаётидаги ўрнини қанчалик қабартиб кўрсатишга ҳаракат қиласин, шу даврдаги адабий жараёнга катта таъсир кўрсатган бирдан-бир шоир Чўлпондир. Масалан, Ойбек адабиёт оламига Чўлпоннинг содик издоши сифатида кириб келган. Унинг 20-йилларда яратган аксар шеърларидан Чўлпоннинг “ҳид”и уфуриб туради.

Мана бир мисол:

Кузнинг ҳазин, гўзал палласи,  
Япроқлардан ерларда гилам.  
Бир дам ўтири, кўнглим фунчаси,  
Балки қургай кўзларимда нам...

Тўқимайман бирон сафсата  
Куз, муҳаббат, ҳаёт баҳсидан.  
Бизнинг учун олтин манзара  
Сўзлар буюк руҳлар баҳтидан.

Бир дам ўтири, севгилим, қувнай,  
Кузнинг ҳазин завқини сурай.

Бу сатрларда Чўлпоннинг “Гўзал” шеъридаги “кундан ҳам, ойдан ҳам гўзал” Аёл тасвирлангандек. Аммо бу Аёл, Чўлпон сингари, Ойбек учун ҳам “баланд дор” Ойбекнинг лирик қаҳрамони учун шу ажойиб куз палласида у билан ёнма-ён ўтириш ва табиат гўзаллигини бирга туйиш етарли.

Агар Чўлпоннинг лирик қаҳрамони асосан жамият фарзанди ўлароқ гавдаланган бўлса, Ойбекнинг лирик қаҳрамони табиат фарзандидир. Чўлпоннинг лирик қаҳрамони ҳатто табиат бағрида ҳам тузум қафасини сезиб, ҳис этиб, бўғилиб туради. Чўлпонга нисбатан бир оз эркин яшаган. Ойбек кўзларига темир панжара кўринмайди. Шунинг учун ҳам у ва унинг лирик қаҳрамони табиат манзараларидан, воқеалиқдаги гўзалликдан баҳра олади. Унинг учун энг катта баҳт – шу гўзалликни бутун қалби ва вужуди билан сезиш, ўзини табиат фарзанди, деб ҳис этиш. Чўлпон учун эса энг катта баҳт эркинлик, руҳнинг ҳурлигидир. Чўлпон ва Ойбек лирикаси ўртасида шундай нозик фарқ бўлишига қарамай, Ойбекдаги гўзаллик туйфусининг “илдизлар”и Чўлпон лирикасига бориб тақалади.

1936 йили Ойбек “Евгений Онегин” шеърий романини Ўзбекистоннинг Чимён деб аталмиш гўзал бир масканида таржима қилган. У, бир томондан, шу қорли тоғлар билан қуршалган табиатнинг фусункор бир парчасидан, иккинчи томондан, Пушкин ижоди сарчашмасидан илҳомланиб, “Чимён дафтари” туркумини яратди. Бу туркумда у Чўлпон бошлиб берган лирик руҳни баланд пардаларга кўтариб, чўлпонона поэтик ранглар билан товланган услугга янги сайқал берди. Бу туркумга кирган шеърларнинг Ҳамид Олимжоннинг шу йилларда ёзган лирик асарларидан фарқи шундаки, баҳт-саодат тушунчаси уларнинг бирида табиат, иккинчисида эса жамият билан боғлиқ. Ойбек шу маънода “лирик интермеццолар” муаллифи – буюк Ҳенрих Ҳайнега ҳам яқин.

Модомики, Ойбек учун табиат ва гўзаллик бирламчи аҳамиятга молик тушунчалар экан, унинг лирик шеърларида услубнинг чўлпонона бир йўналишда нафосатланиши ҳам табиийдир. Гўзаллик ошуфтаси Ойбек учун юлдузли осмон “юлдузлар чамани” ёхуд “юлдуз-ла тикилган кўк каштаси”, чақмоқнинг эгри-бугри излари эса “чақмоқлар илони”дир. У ўзида нозик туйгуларнинг пайдо бўлишини “ҳислар фунчлайди” деб айтади; қиши кунларида гиламга тушган ва тебранган қуёш нурини сариқ мушукнинг ўйинига ўхшатади. Бу шарқона тил ва услубнинг ҳам Чўлпон булоғидан сув ичгани сир эмас.

Ойбек – бу Чўлпоннинг ҳар томонлама давоми. У олижаноб инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам қарийб бар-

ча жаҳон адабиёти классикларининг таржимони сифатида ҳам Чўлпонни эслатади. У ҳам, шоир Чўлпон сингари, бояги шоирона услубни ўзбек насрига олиб кириб, “Қутлуғ қон” ва “Навоий” романларини яратди.

Ойбек ижодига кўпроқ тўхтаганимизнинг боиси шундаки, у Чўлпонлар, Абдулла Қодирийлар “халқ душмани” деб эълон қилинган ва уларнинг асарларини ҳатто ўқиш жиноят ҳисобланган узоқ йиллар давомида ҳам шеъриятда, ҳам насрда Чўлпон анъаналарини давом эттириб, Чўлпон билан ёш адабий авлодлар ўртасида кўприк вазифасини бажарди.

Ойбекдан фарқли ўлароқ, Миртемир бепоён қозоқ чўлларининг ҳавосини эмиб ўсган.

Чўлпон бармоқ вазнининг турли-туман кўринишлари ва банд шакллари билан бирга ўзбек шеъриятини, Фитратдан фарқли ўлароқ, сарбаст шеърлари – сочмалари билан ҳам бойитган. Агар нозик таъб Ойбек Чўлпон туфайли, бошқа қатор шакллар қатори, терцет санъатини ҳам эгаллаган бўлса, Миртемирга унинг сочмалари ибратли ва оҳанграбо бўлиб кўринди. У инқилобий давр руҳини ифодалашда сочмадан фойдаланиб, “Шуълалар қўйнида” деган дастлабки китобини яратди. Шу нарса ажойибки, Миртемир кейинчалик ҳам ўз шеърларини дастлаб сочма шаклида (буни шоирнинг ўзи қоралама деб атарди) ёзиб, кейин уни вазнга солган ва қофия билан безаган. Сочма шу тарзда унинг поэтик фикрлаш тарзини белгилаб берган.

Чўлпоннинг ўзбек шеърияти ва, умуман, маданияти тарихидаги хизматларидан бири таржима санъати билан боғлиқ. Ўзбек адабий тилининг XX асрда бекиёс даражада ўзгариши ва “Ҳамлет” сингари буюқ асарларнинг барча лисоний жозибасини ўзбек тилида ифодалаш имконияти Чўлпон ва Абдулла Қодирий туфайли содир бўлди. Унинг таржималарида бошқа тилга мансуб бегона қатлам, бегона лисоний унсурлар мутлақо кўринмайди. Масалан, у А.С. Пушкиннинг “Булбул ва гул” шеърини шундай маҳорат билан ўтирганки, худди у ўзбек тилида ёзилгандек таассурот қолдиради. Пушкиннинг бошқа бир таржимони – Миртемир учун Чўлпоннинг шу таржимаси этalon бўлиб хизмат қилган. У ушбу шеърнинг:

Баҳор чоғда холи боғда бир зулматли тун эрди,  
Фарип булбул фифон айлаб, “Гулим, раҳм айлагил”, – дерди.  
Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афона.  
Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона...

деган сатрларини ёд ўқиб, улардаги вазннинг шарқона нағис мусиқаси ва шу мусиқа мавжларида эркин сузаётган “фарёду афона – тўлғона-тўлғона” қофиясини юксак шеърий санъатнинг намунаси сифатида идрок этар ва шу шеърнинг том маънодаги ҳаммуаллифи бўлган Чўлпондан сабоқ оларди. Шуни айтиш ўринлики, Миртемир эътиборини тортгани “тўлғона-тўлғона” сўзларининг эквиваленти Пушкинда йўқ, лекин Чўлпон таржимага шу сўзларни киритиш билан “Булбул ва гул”нинг ўзбекона рух ва ранглар билан товланиб юборишига эришган. Адабий тилимизга Чўлпон туфайли қайта кириб келган “тўлғона-тўлғона” сўзларида ажиб бир халқона оҳанг бор. Ўзбек шеърияти тарихига халқчил шоир сифатида кирган Миртемирнинг адабий манбаларидан бири ҳам, ундаги халқона руҳга озуқа берган замин ҳам Чўлпон ижодидир.

Кўрамизки, Чўлпондан кейинги авлод Ойбек ва Миртемир сиймосида ўзбек шеъриятини яна бир пофона кўтарди ва ана шу юксалиш жараёни, биринчи навбатда, Чўлпон номи билан боғлиқ анъаналар ва бадиий тажрибаларни давом эттириш ҳамда ривожлантириш ҳисобига бўлди. Шубҳасиз, бу жараёнда Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Зулфия, Усмон Носир, Амин·Умарий сингари шоирлар ҳам иштирок этдилар. Аммо уларнинг аксар қисми лирикадан совет воқелигини тасдиқдаш мақсадида фойдаланди. 1937 йилдан кейин авж олган бу ҳол 60-йилларга қадар давом этди ва шу йилларда ўзбек шеъриятида шиорбозлик, плякатбозлик авж олиб, шеърият санъат тури сифатида инқирозга учради.

Золимлар ўлганда, марҳумлар тирилади, деган гап бор. XX асрнинг ёвуз даҳоларидан бири Сталиннинг ўлими билан у барпо этган сиёсий тузум секин-аста нураб, ўзбек адабиёти оёқларидағи кишан парчалана бошлади. Буни янги авлод – Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов авлоди биринчи бўлиб ҳис этди. 1956 йили ёш Э.Воҳидовнинг кейинчалик машҳур бўлиб кетган бир шеъри босилди. “Камтарлик

ҳақида” деб номланган бу шеърда 40 – 50-йиллар ўзбек шеърияти учун бегона бўлган икки жиҳоз – чойнак билан пиёла тасвиrlанган. Шоир такаббур Чойнак билан камтарин Пиёла образини яратгач, бундай ёзган:

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма фуур остонасидан.  
Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан.

Эркин Воҳидов бу шеърдаги ҳар икки жиҳоз билан ўзбек шеъриятига унтуилаёзган миллий рухни қайта олиб кирди. Нафақат бу икки жиҳоз, балки камтаринлик билан боғлиқ ғоя ҳам миллий эди. Айни пайтда шеърда қанчалик мағур бўлганига қарамай, Чойнакнинг эгилиши – ер сари эгилиши, демак, барча жиҳозлар сингари синиши ва ер тагига кириши мумкинлигига шама ҳам бор эди. Бу шамани сиёсий оҳангдан ҳоли, деб бўлмайди. Чўлпонда бундай шаманинг бўлиши мумкин эмас. У тузумнинг ошкора муҳолифи бўлган пайларида ўз дилидаги нафратини ҳам, ҳуррият ҳақидағи орзусини ҳам асло яширган. Аммо у агар 37-йил тўфонидан омон қолганида, эҳтимол, дарду мақсадини матн остига яширган бўлармиди.

Камтарлик ҳақидағи шеъридаёқ миллийликка бўлган майли учқун сочган Э.Воҳидов, кўп ўтмай, аруз вазнида талайгина ғазаллар ёзди. Бу асалар Чўлпон “бир хил, бир хил, бир хил” деб атаган мумтоз шеъриятдан замонавий нафаси билан, 60-йиллар кишисининг дили ва дидағ яқинлиги билан ажralади. Э.Воҳидов бу шеърларида миллий қадриятлар ва миллий тарихга нисбатан бугун бизда авж олган туйғуни 60-йиллардаёқ ботиний ҳис билан туйган ва “Ёшлик девони”га сочиб юборган эди. Ҳатто Ҳётенинг “Farbi шарқий девон”ига кириб борган Шарқ руҳи совет даври адабиётимиздан қувиб чиқарилган эди. Эркин Воҳидов ана шу рухни 60-йиллар шеъриятига олиб кирибгина қолмай, “Ўзбегим” қасидасини ҳам яратди. У билан изма-из, бир йил фарқи билан, Абдулла Ориповнинг ҳам “Ўзбекистон” қасида-достони майдонга келди. Бу ҳар иккала қасидада Чўлпон ҳур ва озод бўлишини орзу қилган, улуг тарихга ва жаҳоншумул сиймоларига эга бўлган Ўзбекистон куйланган эди.

Баҳс Э.Воҳидовнинг “Ёшлик девони” устида борар экан, у майдонга келган вақтда газета ва журнал саҳифаларида партияни, пахтани, тинчликни олқишлоғчи, Америка империализмини қораловчи шеърлар дарёси тўлқинланиб туради. Ана шундай шароитда у арузий шеъриятта хос мусиқий равонлик ва нафосат билан бирга ўзбекона миллий руҳнинг ҳам шеъриятимизда қарор топишига ўз ҳиссасини қўшди. Аруз шеърий санъатлар фавворасини тақозо этувчи шеърий тизилма бўлгани учун “Ёшлик девони”да шоирнинг бой руҳий олами гўзал бир шаклда ифодасини топди.

Чўлпон гарчанд арузнавис салафлари изидан бормай, бармоқ вазнига катта эътибор берган бўлса-да, арузга ҳам ўқтин-ўқтин мурожаат этиб турган. Лекин унинг арузи анъянавий бўлмаганидек, туйғуларида ҳам сийқалик бўлмаган.

Мана, бир мисол:

Боғларда сўлди гуллар, сўлди гуллар, сезмадим,  
Қип-қизориб ботди кунлар, ботди кунлар сезмадим.  
Қайда қолди қонли кинлар, қонли кинлар сезмадим,  
Сочларинг боғлаб олиб, боғлаб олибdir сезгини!...

Э.Воҳидов fazallарида шунга ўхшаш туйғулар нафосати ва ифода малоҳати мавжланиб туради.

А.Орипов эса шеъриятга исёнкор шоир сифатида кириб келди. Унинг аксар шеърларида гарчанд ғафурона оҳанглар эшитилиб турса-да, у, можиятан, Чўлпон шеърлари билан кўз очган шоир. Унинг илҳоми ана шу икки қутб орасида ҳалигача парвоз қилиб, чўлпонона шеърият сари яқинлашганида, шеърлари ҳиссий теранлик касб этиб боради.

Содда Чўлпон 1921 йили, амирлик ағдарилиб, Бухоро Ҳалқ Республикаси барпо этилганида, “Ҳалқ” шеърини ёзиб, унинг тарих ижодкори сифатидаги ролига катта баҳо берган. Лекин орадан кўп ўтмай, у “Милтираган хира чироқсан, йўқсиш, Ел қаттиқроқ келиб урса ўчарсан”, — деб большевиклар миниб олган ҳалқقا тўғри баҳо қўйган. Орадан олтмиш йил ўтгандан сўнг ҳам шу ҳалқ табиати ва тақдиррида ўзгариш бўлмади. Бундан изтироб чеккан А.Орипов Абдулла Қодирӣ, Чўлпон сингари фарзандларини асрашга қодир бўлмаган ҳалқни оломон, деб атаб, ёзди:

Машраб осилганда қаёқда эдинг?  
Лорка отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?...

Абдулла Орипов, худди Чўлпон қаби, бу шеърни масна-  
вийда, худди Чўлпондек “кўч-ўч” қофияларидан фойдала-  
ниб ёзган. Агар ҳалқ кучига бир зум бўлса-да ишонган  
Чўлпон маслақдошларига мурожаат этиб, “Бутун кучни ҳалқ  
и чидан олайлик!” — деган бўлса, Абдулла ҳам бевосита  
ҳалқقا мурожаат этиб, “Қачон ҳалқ бўласан, эй сен – оло-  
мон?!?” деб ҳайқирган. Бу, шоирнинг Чўлпон билан баҳси  
эмас, балки унинг дардини тушунган кишининг ноласи-  
дир.

А. Орипов қалби жароҳатланган ё эски жароҳатлари очил-  
ган пайтда шундай чўлпонона кучга эга шеърларини ёзди.

Ўзбек шоирлари Чўлпондан қанчалик узоқлашсалар, унга  
шунчалик яқинлашмоқдалар. Агар ўша 60-йилларда Э.Во-  
ҳидов ва А.Орипов авлоди билан бирга Ойбек ва Миртемир  
ижодида иккинчи баҳор бошлиғди, десак янгишган бўла-  
миз. Ойбек ўша йиллари ёзган тўртликлари ва улардаги  
“Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон...” сингари сатрлари  
билан совет даври фожиаларининг илдизини очиб ташлади.  
Миртемир Тошбу, Патти қаби қаҳрамонлари сиймосида  
жабрдийда ҳалқ образини яратди. У ўз ижодининг такоми-  
лида ҳалқона рух билан тўйинган шоирдан ҳалқ дардини  
дадил ифодалай оловчи, ҳалқ ва юрт дарди билан яшовчи  
шоир даражасига кўтарилиди.

Кекса ва ёш авлод вакилларининг ана шу парвози фо-  
нида Асқад Мухтор шеърияти ўзининг янгича ҳарорати,  
фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралади. Афсус-  
ки, биз, ўзбек адабиётшунослари, бу тилга олинган шоир-  
ларни ҳанузга қадар жаҳонга бутун бўй-басти билан кўрсата  
олмадик. Агар келажакда немис, инглиз, француз... китоб-

хонлари уларнинг энг яхши асарларини она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлсалар, XX аср ўзбек шеърияти жаҳон адабиётига бир неча буюк шоирларни етказиб берганига имон келтирадилар.

Хозирги ўзбек шеъриятидаги Чўлпон анъаналари хусусида сўз борганда, Рауф Парфи номини тилга олмасликномардлик бўлурди. Унинг ижоди – ҳозирги шеъриятимиздаги соф чўлпонона ҳодиса. Унинг туйгулари қанчалик тиник бўлса, шунчалик дардлидир.

Рауф Парфининг дастлабки шеърларига “оқ йўл” тилаган Асқад Мухтор шоирга катта баҳо бериб, бундай ёзган эди: “Лирика ижоднинг энг субъектив турларидан биридир. Рауф Парфи ўз изланишларининг баъзи босқичларида интим ҳисларининг ташқи олам билан боғланишини йўқотди. Субъектив ҳиссиётнинг шеър бўлиши учун бундай боғланишишталари жуда муҳим”

Асқад Мухторнинг кучи шундаки, унинг шеърларидаги интим ҳислар ташқи олам билан узвий боғланган. У туйгуларнинг шу боғланишида юксакликка кўтарилади. Рауф Парфининг кучи эса интим туйгуларининг теранлигида, давр билан эмас, фоже ҳалқнинг жароҳатларидан томаётган қон томчилари билан йўғрилганлигидадир. У ана шу заминда Чўлпон билан уйғуналашиб боради.

70-йиллар миллий шеъриятимизга кириб келган шоирлар қалбида Рауф Парфи қони оз эмас. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Мирза Кенжабек сингари шоирлар ва улардан уч-тўрт кўйлакни ортиқ йиртган Мирзазиз Аъзам шеъриятимизнинг ҳаётни ҳақиқат кўзлари билан кўришга муҳим ҳисса қўшдилар. Агар Чўлпон миллий уйғониш адабиётининг намояндаси ўлароқ асримизнинг биринчи чорагида ҳалқни уйғоттан бўлса, улар худди шундай вазифани 80-йилларнинг ўрталарида ўз олдиларига қўйиб, миллий мустақиллик учун фаол курашдилар. Чўлпон улар учун Йўлчи юлдуз бўлиб хизмат этди.

Бутун ўзбек шеърияти ўз тарихининг янги даврига қадам кўйди. Истиқлол даври шеъриятига хос муҳим хусусиятлардан бири шундаки, миллий рангларга эга бўлиш ва миллий қадриятларни шарафлаш билан бирга миллий ҳақиқатни кашф этиш, инсон қалбини яқиндан ҳис қилиш, унинг теран қатламларига назар ташлаш, ундаги эзгу ва заиф жи-

ҳатларни нурлантириш орқали томошага ўч оломонни халқ даражасига, ўз фурурини билган, келажакка ёруғ юз билан интилган халқ даражасига кўтарищдир.

ХХ аср ўзбек шеъриятидаги Чўлпон номи билан боғлиқ манзаралар, менимча, шулардан иборат.



## ЭЛБЕК (1898–1938)

### Ҳаёти ва ижоди садифалари

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Хумсон деган қишлоқ бор. Элбек тахаллуси билан ижод қилган Машриқ Юнусов 1898 йили шу қишлоқда дунёга келган. Элбекнинг 1925 йили алоҳида китобча шаклида нашр қилинган “Қўшчи Турғун”

номли ҳикоясида шу қишлоқ бундай тасвир этилган:

“...Кўрасизми, бир-бирига ёндашиб, тоғнинг икки томонига қараб чўзилган уйларни? Киши кўзига нақ қанотини ёйиб турган қушдай кўринадилар.

Тинмайин эсиб турган ёз шамоли қишлоқни эркалайди. Ўз-ўзича чиққан турли ёввойи чечакларнинг ҳислари қишлоқ узра қандай сочилади! Ҳатто қуёшни кўрасизми, ўз ёғусини энг олдин шу қишлоққа сочади. Ва ундаги халқнинг кўнилини очиб туради!”

Бу тасвирдан Элбекнинг нафақат болалик фасли кечган, балки унинг меҳр-муҳаббатини бир умрга қозонган она заминнинг нафаси уфуриб туради.

Элбек ўз қишлоғини қанчалик севган бўлмасин, у тоғ ҳавосини симирган гўшада узоқ вақт яшамади. Ўн уч ёшли бола, бошқа ака-укалари қатори, оғир ва машаққатли турмуш орқасида Хумсонни тарк этиб, Тошкентта кўчиб келишга мажбур бўлди. Лекин у ҳам, ака-укалари ҳам 1911 йилда Тошкент тупроғига илк бор қадам қўйганларидан кейин кимларнингдир эшигида хизмат қилиб, кун кечирдилар.

Элбек таржимаи ҳолида болалик йилларини бундай сўзлар билан эслаган:

“Мен Тошкент уезди Искандар волости Хумсон қишлоғуда 1898 йилда камбағал дөхқон оиласида туғилдим. 1905 йилда (7 ёшимдан) қишлоқ мактабига ўқишига кириб ўқидим ва мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандым. Отамнинг мендан бошқа болалари ҳам бўлгани учун бизни боқа олмасди. 1910–11 йилларда жуда қийналдик ва натижада, бошқа ака-уқаларим каби, мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим. 1911 йилда Тошкентга келиб, бир кишиникида қарол бўлиб ишлидим. Шу вақтда Тошкентда жадид мактаблари кўп эди. Булар эски мактаблардан яхшироқ эканини англадим. Ўзимнинг қийналишим ва қаролликда калтаклар остида қолишим ўй хўжайинидан мени қочишга мажбур этди. Шу йили Эски шаҳарда жойлашган Девонбеги маҳалласидаги “Хоний” мактабига ўқишига кирдим.

Ўқишига кириш мени жуда севинтируди, лекин мосдий ёқдан кўп сиқилгандим, анча хафа қиларди, ҳатто қиши кунлари оёқяланг қолдим, ётар ер йўқ, баъзан ўртоқларим уйида, кўпинча мактаб ҳужрасида, эски намат орасида ўралиб ётиб, қиши ўтказдим. Ёзда қишлоққа кетардим. Шаҳарда қолган вақтларимда эса иморат усталирига гишиш ташиб, марди-корлик қилардим”

Мен Элбекнинг бундай ташвишли ва турмушнинг азоб-уқубатларидан иборат болалик йилларини кўз олдимга келтирар эканман, шу даврда унинг мурғак руҳи синмай қолганидан, шундай мاشаққатли йўлни босиб ўтган боланинг ўғри ёки йўлтўсар бўлиб эмас, юқори маданиятли инсон, ҳар томонлама истеъдодли шахс бўлиб улғайганидан ҳайратга тушаман.

Болалиги инқилоб арафасида, оғир иқтисодий шароитда кечган Элбек сингари зиёлилар 1917 йил воқеаларига катта умид билан қараганлар. Уларнинг 20-йиллар арафаси ва бошларида етим-есирларга болалар уйлари, мактаб ва интернатлар очган Совет ҳокимиётининг ҳар бир тадбирига, бу тадбир тўғрими ё нотўғрими демай, — қарсак чалгани, олқишилагани, фақат некбин руҳ билан сұғорилган асалар ёзганининг сабаби шунда бўлса керак.

Элбек 1914 йилда, бир неча йиллик сарсон ва саргардонликдан кейин, Шайхонтаҳур даҳасидаги Тарновбоши маҳалласида очилган етти йиллик мактабнинг 6-синфига ўқишига кириб, икки йиллик таҳсилдан сўнг муаллимлик қила бош-

лади. Шу йилларда у кўп ўқиб, адабиётта, бадиий ижодга ўзида секин-аста майл уйфона бошлаганини сезди.

“1917 йилдан бошлаб, – давом этади Элбек таржимаи ҳолида, – ёзувга берилдим, қўпинча шеърлар, баъзан ҳикоялар ёзардим. Кейинроқ тил ва имло масалалари, педагогика ишларига қизиқиб, шу тўғрида мақола ва асарлар ёза бошладим. 1919 йили Тошкент муаллимлари учун очилган 8 ойлик педагогика курсига эшишувчи бўлиб давом этдим. Менинг олган маълумотларимнинг бир қисми кўпроқ китоб кўриш ва ёшлиқдан турли журнал, газеталарни ўқиш соясида қўлга кирди”.

Чиндан ҳам, XIX асрнинг сўнгти кунлари – XX асрнинг бошларида дунёга келган қайси бир олим ёки шоирни кўз олдимиизга келтирмайлик, унинг бирор дорилфунунда ўқимай, шу даражага эришганини кўриб, ҳайратга тушамиз. Фитрат ҳам, Чўлпон ҳам, Элбек ҳам, бошқа шоир ва адибларимиз ҳам асосан хусусий мутолаа йўли билан жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд бўлганлар. Элбек ҳам бундан истисно эмас.

Фитрат ва Чўлпонлар авлодига хос хусусиятлардан яна бири шунда эдики, улар қанчалик мاشаққатли турмуш ке-чирган бўлмасинлар, қўлларига қалам олганларида, шу машаққатли ва бевафо дунёнинг кирдикорларини фош қилишни эмас, балки ўзларига яшаш, ишлаш ва курашиш учун рух берган, ички оламларини нурлантириб юборган масалаларни кўтаришга жазм қилганлар. Элбек ҳам “Ўтмишим” (1929 йил) деган кичик достонида ўша машаққатли болалик йилларини қўмсаб: “Агар бир чопқур отим ёки қанотим бўлса, ёшлиқ диёрига учардим”, – деб ёзди. Элбек сингари шоирлар учун болалик ва ёшлиқ йиллари қанчалик изтиробли кечган бўлмасин, бу йиллар – болалик ва ёшлиқ йиллари абадий соғинчлар мамлакати бўлиб қолади. Ҳар бир инсон ана шу мамлакатда туғилади. Шу мамлакат ҳавосидан нафас олиб ўсади. Шунинг учун ҳам шоирлар болалик ва ёшлиқ деган мамлакатни, ватанини ҳамиша ардоқлаб, куйлаб келадилар.

Элбек, бошқа қаламкаш дўстлари сингари, тарихнинг бурилиш даврида яшади. Тўғри, большевиклар идора этмоқчи бўлган тарих фиддираги етмиш тўрт йиллик мустабид тузум даврида бошқача бир йўналишда ҳаракат этди. Аммо 20-

йилларда большевиклар бошлаган йўлнинг халқ ва мамлакатни қаерга олиб бориши, уларнинг эса қандай каромат кўрсатиши масаласи номаълум эди. Шунинг учун ҳам Элбек сингари шоир ва ёзувчилар 1917 йилдан кейинги ҳаётни “янги ҳаёт” сифатида идрок этиб, аввалги турмушни “қора ўтмиш” сифатида тасвирлай бошлаганлар.

Элбекнинг 20 – 30-йиллардаги ижодий фаолиятини кузатар эканмиз, унинг назари тушмаган соҳа йўқлигидан ҳайратга тушмай илож йўқ. У тил ва имло масалаларига бағишлиланган мақолалар билан бирга ўзбек тилшунослигининг мураккаб муаммоларини тадқиқ этувчи асарлар ҳам яратди. Мактаблар учун “Ёзув йўллари” (1921), “Ўрнак”, “Бошлангич мактабда она тили” (1923), “Ўзбекча ўқиш китоби” (Ф.Сайфий ва Фарифхонов билан ҳамкорликда), “Гўзал ёзичлар” (1925) каби ўқув қўлланмалари ва мажмуаларини чоп этди. Халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш мақсадида 1921 – 1922 йилларда Бўстонлиқ туманига, 1932 йилда эса Оҳангарон ва Чирчик туманлари ҳамда Фарғона воийисига илмий экспедиция уюштирган. Бу илмий сафарлар натижасида тўпланган ўзбек халқ қўшиқлари, топишмоқ ва мақолларини “Билим” (1- ва 3-синфлар учун), “Ашулалар” (1934, 1935), “Лапарлар” ва “Эртаклар” (1935) тўпламларида эълон қилди. И.А.Крилов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Л.Н.Толстой, Н.А.Некрасов, А.П.Чеховдан тортиб М.Горький, Д.Бедний, В.Маяковскийга қадар бўлган рус ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Аммо булар Элбекнинг оригинал бадиий ижоди олдида иккинчи даражали аҳамиятта молик ишлардир.

1921 йилда Элбекнинг “Армуғон” масаллар тўплами нашр этилди. 30-йилларнинг ўрталарида тутгалланган “Тозагул” шеърий романи эса унинг энг сўнгти асари бўлди. Элбек 15 – 16 йилни ташкил этган ана шу вақт оралиғида “Ёлқинлар”, “Кўзгу”, “Сезгилар”, “Баҳор”, “Меҳнат куйлари” каби 9 та шеърий китобини, “Аноргул”, “Гўзал қиз”, “Туркистон”, “Ўтмишим” сингари 12 достонини, шунингдек, “Қўшчи Турғун”, “Дадамат” ҳикоялар тўпламини эълон қилди. Бу асарларнинг аксари ёш авлодга бағишлиланган. Болалик йиллари оғир кечган шоир ўз ҳаёти ва ижодининг бош мақсадини ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбиялашда кўрди, унинг келажақда халқ ва мамлакатни янги та-

раққиёт босқичига олиб чиқувчи кишилар бўлиб улғайишни орзу қилди ва ана шу орзунинг рӯёбга чиқиши йўлида қизғин фаолият олиб борди. Шу мақсадда илмий-педагогик китоблар яратди. У юқорида тилга олинган 9 та китобида эса ўзига яхши таниш ва қадрдан кишиларни, Чирчик бўйлари-ю болалик фасли кечган манзилларни, жамият ва кишилар ҳаёти манзараларини таъриф ва тавсиф этди. У ўз сўзи билан “янги ҳаёт”ни барпо этишга киришган ватандошларини илҳомлантиришга, улар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшишга интилди.

Модомики, биз юқорида шоирнинг “Армуғон” масаллар тўпламини тилга олган эканмиз, уларга, юзаки бўлса-да, назар ташлаб ўтиш фойдадан холи эмас. Негаки, одатда ўзбек адабиётидаги масал жанри тўғрисида сўз борганда ҳам, Элбек ижодига бағишлиланган мақолаларда ҳам унинг масаллари умуман тилга олинмайди. Ҳолбуки, Элбекнинг ўз ижодини масал ёзишдан бошлаганлиги тасодифий эмас.

Келинг, яххиси, шу масаллардан бирини ўқиб кўрайлик.

“Қайси бири бўри?” масалининг лирик сюжети қуйидаги оддий ҳодиса тасвиридан иборат: бўрининг қўлига тушиб қолган қўй қанчалик уринмасин, йиртқичдан раҳмдил бўлишни қанчалик сўрамасин, озод бўлишиликнинг имкони бўлмайди. Аммо шу пайт, кутилмагандан, шовқин-сурон кўтариб кимдир келиб қолади. Бу шовқин-суронни эшитган бўри ўлжани ўз эркига қолдириб, қочиб кетади. Қўй бўридан қутулганидан, жони омон қолганидан беҳад хурсанд бўлиб, сакрайди, суюнади, шодланади. Аммо...

Ул киши ҳам қўйни уйга келтириб,  
Пичоқ билан қўйди уни тез сўйиб.  
Мунга қўйнинг икки кўзи телмуриб,  
Жони типирчилаб, жони ҳам куйиб,  
Айтар эди ул кишига: “Эй киши,  
Бўрими ё, айтгил, энди ким ваҳший?  
Қутқардинг сен мени ўлим илгидан,  
Ҳамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.  
Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,  
Кўрдим, энди чин бўри ҳам сен бўлдинг”

Бу масал ёзилган 1921 йилда ўзбек халқи чор ҳокимияти зулмидан қутулиб, большевикларга тутилган, большевиклар

эса 1918 йил февраляда дашноқлар ёрдамида минглаб ватандошлармизни бўғизлаган эдилар. Элбек мазкур масалда ана шу тарихий воқеани мажозий образлар ёрдамида тасвирлаб, ким бўри эканлигини аниқлашни китобхоннинг ўзига ҳавола этган.

Кўрамизки, шоир гўё болалар учун ёзилган шу беозоргина бир масалда тарихий даврнинг фожиали бир саҳифасини очиб ташлаган.

Бундай катта ижтимоий мазмун билан тўйинган шеърлар Элбек ижодида оз эмас. Шунинг учун ҳам кекса авлод вакиллари Элбек ижодига, айниқса, самимий муносабатда бўлганлар.

Элбекнинг “Қўшчи Турғун” ҳикоясига ёзган муқаддимасида бундай сўзларни ўқиймиз: “*Қўлингиздаги бу кичкина ҳикоя ер ислоҳоти муносабати билан ёзилмишидир. Мен гарчи ҳикоя ёзиш тўғрисида тажрибам бўлмаса-га, ўзимдаги табиий завқ билан ёзишга тутингим. Туғилган ўрнимнинг дехқонлар орасига бўлиши ва ўзимнинг-да шул дехқонларга мансуб бўлишим бу ҳикояни ёзишга журъат эттирги. Мен бунда мода ҳолига кирган дехқон отини ўзимга тақмоқ учун эмас, балки дехқонларга муҳаббат ва уларнинг эзилишлари тўғрисида юрагимда ўрин олиб қолган ҳасрат юзасидан буни ёздим...*”

Бу ҳикояда тасвирланган Турғун меҳнатсевар, қўли гул, кўзлари ҳаётга доим умид билан қарайдиган йигит бўлиб, ёзуви бу образда ўзининг инсоний сифатларини, меҳнатга, ижодга ташналигини тасвирлаган. Ана шу дехқон йигитдек куч-кувватга тўлган, ўзидағи бутун файрат ва шижаотни ҳалқ манфаатига бағишлишга тайёр бўлган Элбек жўшиб ва тошиб ижод қилди, армонсиз ёзди. Унинг ёзмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Зероки, у ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, эзгуликнинг ва эзгулик тимсоли бўлган кишиларнинг қадрига етган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши шеър ва достонларида “ҳаёт суви” жонланиб туради:

Шеърим жонланади ҳаёт сувидан,  
Мен унинг ичиди бир томчи каби.  
Сўзларим чиқади юрак тубидан,  
Нега жилмаймайди ғунчанинг лаби.

Гуллар очилмоқда аста-асталаб,  
Шу гулзор саҳнига мен ўзим эга.  
Мен сенга гул берсам даста-дасталаб,  
Айт-чи, кўчманчи қиз, олмадинг нега?

Бу менинг қўлим-ла яратилган гул,  
Қандай қила олай, менинг совғам шул.  
Гул каби очилган сулук, эй сунбул,  
Шуни қўлларингта олгин-да, бир кул.

Бу шеърдаги кўчманчи қиз шоирнинг ўзи каби замона зайди билан киндиқ қони тўкилган тупроқни тарк этган ва қишилоқма-қишилоқ кезиб, туз-насибасини топиб юрган қиз ҳам ёки гулга, гўзалликка меҳр қўйган, аммо лирик қаҳрамон узатган гулга парво қилмаган жонон ҳам бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда у ўз қадр-қимматини билган, ҳар томонлама гўзал инсондир. Лирик қаҳрамон, яъни шоир ана шу инсонга ўзи ўстирган гулни тутиб, ундан шу гулни олиб, бир кулишини илтимос қиласи. Истиораларга бой бу шеърда тасвириланган гул шоирнинг шеъри, гулзор эса “ҳаёт суви”ни симирган ижодидир.

Бу шеър ёзилган кезларда Элбек мамлакатда олиб бориляётган маданий ишларда фаол иштирок этаётганлиги туфайли руҳан кўтаринки ҳолатда бўлган. Шундай пайтларда у ҳаёт карвонининг тўғри йўлдан бораётганига ва эртакларда тасвириланган Сусамбилларга — баҳт ва саодат манзилига етиб боришига, ҳаттоки, теварак-атрофдаги ғаразли кучларнинг ҳам харитадаги қизил рангга бўялган мамлакатга раҳна сола олмаслигига ҳаддан зиёд ишонган. Қуйидаги лирик туйгулар силсиласи орқали ифодаланган икки бандли шеърда ана шу фикр ўз ифодасини топган:

Табиатнинг кучли қўли орқали  
Ер остидан қайнаб чиқсан булоқнинг  
Қаршиисига турли кучлар келтириб  
Қўйган билан ҳеч тўхтатиб бўларми?

Ернинг юзин қоплаб олган денгизнинг  
Тўлқинланиб турган тубсиз ерлари  
Булоқ сувин тўхтатмоқ-ла, айтинг-чи,  
Тўлқинланмай бутун қуриб кетарми?

Шоир большевиклар идора қилаётган мамлакатнинг келажагига, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам фаровон ва дориломон замонларга етиши ва эмин-эркин яшашига ишонгандан бўлса ҳам, ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини яхши билган. У ҳар бир сўзини “Яхши тилак – ярти мол”, деб бошловчи кишиларга бағишланган “Тилак” шеърида бундай фикрни олға сурган:

Тила тилак, бизнинг тилак:  
Тилак учун ўйнар юрак.  
Қуруқ тилак кимга керак?  
Тилак учун синсин билак.

Шоирнинг фикрига кўра, тилак икки хил кўринишга эга бўлиб, биринчиси “безак ичра жилваланган чиройли қизлар”га ёки кўз олдингда ёниб, ўчиб турувчи чироққа ўхшайди. Чиройли қизларни эслатувчи тилак, унинг ташбеҳига кўра, кўплаб кўзларни телмиртиратади-ю, аммо яқин келмай, қочиб юради. Чироқ эса ёнган пайтида зулматни севгани учун сени эмас, қороғуликни қучади. Шоир тасаввуридаги тилакнинг эса “билак” сўзига қофиядош бўлгани бежиз эмас. У давом этиб, ёзади:

Менча, тилак – қучли билак,  
Билак билан ишлаш керак.  
Қуруқ тилак – сувда элак,  
Уни олиб, йиртмоқ керак!  
Уни билан сув ташимоқ  
Мумкин эмас, қўйгили, ўртоқ!

Элбекнинг бу шеърини ўқир эканмиз, шоирнинг 20-йиллар аввалида ёзилган “Қуролга” деган шеъри ёдимизга келади. Ҷўлпонона рух билан тўйинган бу шеърда Элбек ўзи ҳаттоки истамаган ҳолда ватандошларини большевизмга қарши курашга чорлагандек бўлади:

Қурол, ох! Қандайин гўзал бир сўз,  
Ол қўлингта сен уни, эй бойқиши!  
Сен йиқилдинг бу кун заволли йигит,  
Сабабин билмас эсанг, тингла, эшит!

Дунёда борлиғингни сақлар эсанг,  
Хўр бўлуб тепки ичра қолмас эсанг,  
Ол шуни қўлга, турма, тезда ол!  
Шундадир баҳт, шундадир иқбол.

Элбекнинг юқорида тилга олинган “Тилак” ва “Қуролга” шеърлари ғоявий жиҳатдан бир-бирига яқин. Ҳар иккала шеърда ҳам баҳт ҳаётнинг бирдан-бир маъноси тарзида талқин этилади. Унга эришиш учун ҳаракат қилиш, билак ва мияни ишлатиш лозим, деган фикр шоирнинг нафақат ушбу шеъри, балки бутун ижоди оша “қизил ип” бўлиб ўтиб туради.

Элбекнинг адабий, педагогик ва ижтимоий фаолияти турли-туман қирраларга эга бўлганидек, унинг бадиий асарлари ҳам турли мавзуларга бағишлиланган. Элбек қандай мавзуларда асар ёзган бўлмасин, улар шеърий, насрый ёки илмий бўладими, бундан қатъи назар, у ўз асарлари билан кенг ҳалқ оммасининг ич-ичига кирмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарлар ўта содда тилда ёзилган. У болаларга бағишилаб асарлар ёзганида, Авлоний сингари, болалар адабиётининг жанр хусусиятлари ва тасвир воситаларидан самарали фойдаланган. Аммо бу болаларни келажакда кутаётган муаммоларни кўз олдига келтирганида унинг руҳидаги чўлпонона туйғулар жунбишга келиб, соддалик ўз ўрнини ўй ва хаёлларга, фалсафийликка бўшатиб берган.

Чўлпон ва Фитратлар авлодининг қайси бир вакилига назар ташламайлик, уларнииг ҳар бири ўз овозига, ўзининг ижодий услубига эгалиги, фақат ўзига, дунёқарашига, ижодий кредитосига яқин мавзуларда асарлар ёзганлиги кундек равshan бўлади. Шу маънода Элбек миллий уйғониш даври адабиётининг ўзига хос ва миллий намояндаларидан биридир.

Заҳматкаш шоир 1937 йилнинг мудҳишиш кунларида “халқ душмани” сифатида қамоқقا олиниб, 12 йиллик қамоқ муддатини ўташ учун Колимага юборилган ва 1939 йил 11 февралда Магадандаги Ногиронлар шаҳарчасида вафот этган.

# АДАБИЙ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ (XX асрнинг иккинчи чораги)

## МИЛЛИЙ БАДИЙ ТАФАККУР

XX аср ўзбек халқи тарихига улуғ фожиалар, эзгу интилишлар ва ширин орзулар асри сифатида кирди. Мана, бугун ҳам миллий истиқбол билан боғлиқ қуттуғ режалар ва орзулар оғушида яшамоқдамиз. Собиқ советлар мамлакатига, шу жумладан, ўлкамизга бозор иқтисоди қонунлари билан бирга янги маданий давр шабадаси ҳам келиб, режава орзуларимизга XXI аср нафасини пуркаб турибди. Истиқбол кошонаси секин-аста аён қирралар касб этиб бормоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган адабий баҳсларда ўзбек совет адабиёти тарихини даврлаштириш масаласи пешқадамлик қилган эди. Ҳаёт бу баҳсга ўз вақтида аралашиб, уни осонгина, аммо дохиёна бир тарзда ҳал этди. Энди “совет даври”нинг ўзи XX аср ўзбек адабиёти тарихининг бир қисмигина бўлиб қолди, холос. Демак, ҳозирги қунга қадар бўлган адабиётни асосан уч даврга ажратиб, биринчи даврни миллий уйғониш даври адабиёти ёхуд жадид адабиёти, иккинчи даврни эса ижтимоий силсилалар даври адабиёти, учинчи даврни эса истиқбол даври адабиёти, деб аташ тўғрироқ бўлади. Шубҳасиз, ижтимоий силсилалар даври ҳам, ўз навбатида, турли ички “даврча”ларга ажралади. Лекин бундан қатъи назар бугун у шу давр адабиётимизнинг якунланган бир босқичи сифатида тарих мулкига айланди. Шунинг учун ҳам эндилиқда XX аср ўзбек адабиётининг XXI асрда ҳам давом этаётган янги, учинчи даври тўғрисида ўйлаш, унинг олдида турган вазифалар-у йўналишларни аввалдан белгилаш, совет даврида барбод бўлган миллий руҳни, миллий бадиий тафаккурни тиклаш ҳақида қайгуриш лозим бўлади.

Таниқли рус шарқшуносларидан бири Л.Климовичнинг “Мерос ва замон” китобида бир фикр бор. “Чоризм, – деб

ёзади муаллиф, – ўз қўли остида эзилган халқларнинг маърифати, миллий адабиёти, бой оғзаки ижодининг сақланиб қолиши ва оммалашишидан манфаатдор эмас эди. Агар у бу халқларнинг маориф ва маданиятига эътибор берган бўлса, фақат ўз ғояларини тарғиб қилиш ва шу йўл билан ҳам мустамлакалаштириш, руслаштириш сиёсатини олиб бориш унинг асл мурод-мақсади бўлган ”

Л.Климовичнинг бу сўзлари совет ҳокимияти ва большевиклар партиясининг етмиш йил давомида олиб борган миллий ва маданий сиёсати тўғрисида ҳам айтилгандек туюлади. Тўғри, ўзбек адабиёти рус ва қардош халқлар адабиётлари билан яқин алоқада бўлган даврда улардан ва, биринчи навбатда, рус адабиётидан анча нарсани ўрганди: адабиётимизга янги жанрлар кириб келди, ёзувчиларимиз А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, М.Ф.Достоевский, А.П.Чехов сингари мумтоз рус адабиёти намояндаларининг бой адабий тажрибасидан баҳраманд бўлдилар, асарларимизда реалистик майллар устуворлик қила бошлади. Лекин шу билан бирга, мустабид тузум ўз ихтиёридаги барча миллий адабиётларни руслаштириш, советлаштириш сиёсатига собит қолиб, бу адабиётларни ўз ғояларининг оддий ва жўн жарчисига айлантиришга эришди.

Ҳар бир адабиётнинг миллийлиги шу халқ фольклори ва мумтоз адабиётининг барҳаёт анъаналари билан, бу анъаналарнинг адабий жараёндаги реал ўрни ва иштироки билан белгиланади. Ҳолбуки, партия миллий адабиётларни шу анъаналардан маҳрум этиш, унинг адабий ҳодиса сифатида яшаши учун зарур бўлган заминни барбод қилиш учун тинмай курашди.

Собиқ совет Шарқи адабиётлари билимдонларидан яна бири – К.Зелинскийнинг “Октябрь ва миллий адабиётлар” номли тадқиқотидаги қуйидаги сўзларни ўқиб, ҳайратланмасдан иложимиз йўқ. “Фольклор анъаналарининг роли икки хил: ижобий ва салбий бўлиши мумкин”, деб ҳисоблаган олим бундай ёзади: “Халқ ижоди адабиётни меҳнаткаш халқ ҳаётининг ҳаётбахш анъаналари, ҳамиша тараққиётда бўлган образли халқ тилининг бойлиги ва таровати билан яшнатади. Аммо фольклор ўзида эскирган шаклар ва тасвирий воситаларни, баъзан эса ўтмишдаги ҳоким давра томонидан мажбуран киритилган халқقا ёт мафкура унсурла-

рини элитиши мумкин” Танқидчи миллий адабий анъана-  
ларнинг собиқ СССР халқлари адабиётларидағи ўрнига бун-  
дай эҳтиёткорлик билан ёндашар экан, бир мақсадни куза-  
тади. У ҳам бўлса шуки, бутунги адабиётнинг тараққиёт да-  
ражасини роман, драма, достон (поэма) сингари эпик  
жанрлар ташкил этар экан, демак, миллий адабиётлар ўз  
анъаналарига эмас, балки рус адабиёти тажрибасига таян-  
ган ҳолдагина замонавий эпос намуналарини яратишлари  
мумкин. Бошқача айтганда, К.Зелинский миллий адабиёт-  
ларни миллий анъаналардан қочишига, рус адабиёти тажри-  
баларидан кўпроқ баҳраманд бўлишига, яъни руслаштиришига  
даъват қиласди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай қарашга эга  
бўлган танқидчи, масалан, ўзбек адабиётининг турк адабиё-  
ти тажрибаларидан фойдаланишини, туркий халқлар ада-  
биётларининг ҳаётбахш анъаналарини давом эттиришни хуш  
кўрмайди ва буни миллатчиликка йўяди. “Миллатчилик кай-  
фиятига эга бўлга татарлар ва украинлар, белоруслар ва  
чувашлар, буряtlар ва тожиклар, ўзбеклар ва арманлар, —  
деб ёзади у, — янги тушунчалар учун ўз тилларининг арха-  
ик шаклларидан ёхуд ҳатто хорижий тиллардан сўзлар ах-  
тардилар. Шарқ республикаларидағи миллатчилар форс, турк  
ва араб тилларига кўз тикдилар”

К.Зелинский сингари адабиётшуносларнинг ғашига тек-  
кан ҳодисалар партия томонидан, социалистик реализмни  
ўйлаб топган “даҳолар” томонидан ҳали куртак пайтидаёқ  
янчиди ташланди. Ўтмишни идеаллаштириш, пантуркизм,  
панисломизм, ягона маданият назариясига қарши кураш  
шиорлари остида ўзбек адабиётини она замин билан, тур-  
кий маданиятлар олами билан боғловчи ришталар узиб таш-  
ланди. Оқибатда ўзбек адабиёти фақат рус адабиёти иқли-  
мида нафас олиб, ўзининг миллий илдизидан, миллий озуқа  
манбаларидан маҳрум этилаёди.

Faфур Fулом Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кун-  
ларида Берлин радиосидан берилган антисемитизм руҳида-  
ги эшиттиришга жавобан “Мен яҳудий” деган шеър билан  
чиқди. Орадан икки йил ўтгач, Ҳамид Олимжон ўзбек хал-  
қининг совфа-саломини олиб борган делегация таркибида  
фронт ҳаёти билан танишар экан, “Rossия” шеърини ёзиб,  
унда Faфур Fулом образидан илҳомланган ҳолда, “Rossия,  
Rossия, менинг Ватаним, Мен сенинг ўғлингман, эмасман

мехмон”, деб рус тупроғи учун қурбон бўлишга тайёр эканлигини айтди. Биз узоқ йиллар мобайнида бу шеърни, айниқса, мазкур сатрларни гражданлик лирикасининг энг юксак намунаси сифатида талқин қилиб келдик. Лекин бу сатрларнинг мантиқан далилланмаганини сезмадик. Зеро-ки, бизнинг қонимизга аллақачон русланиш майллари кириб бўлган эди. Шунинг учун ҳам биз Ҳамид Олимжоннинг ўзини нима учун Советлар Ватанининг эмас, айни Россиянинг фарзанди эканлигини, нима учун Советлар Ватанини эмас, айни Россияни тараннум этганини ўйлаб ҳам кўрмадик. Ҳамид Олимжон эса партиянинг узоқ йиллар давомида олиб борган ташвиқот ва тарғиботига ишониб, советлар мамлакатидаги барча халқларни тенг ва шу билан бирга бахтиёр, деб ўйлаган эди.

Мана бу мисраларга эътибор беринг:

Невский ухлаган буюк бешикда  
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.  
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда  
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Йўқ, Пушкинни эъзозловчи ҳар бир рус хонадони, айрим истисноларни эътибордан соқит қилганда, ҳеч қачон Навоийни билмаган, ўқимаган, шарафламаган. Билишни ҳам, ўқишини ҳам, шарафлашни ҳам истамаган. Сирасини айтганда, биз, ўзбекларнинг ўзимиз ҳам Навоийни бир чеккага суриб қўйиб, Пушкинни таржима қилиб, нашр этаверганимиз. Фурқатдан бошлаб қарийб барча машҳур шоирларимиз, маърифатпарварларимиз бизда миллий фурур туйғусини эмас, рус маданияти, фани ва техникаси олдида ҳайрат туйғусини тарбиялаб келишган. Faфур Гулом “Улуғ рус халқига” шеърида ўз номидан “Аъло ташаккуримни рус халқига айтаман, Менинг инсонлигимдан у берди менга хабар”, деб, ўзбек халқининг куйчиси сифатида эса “Ижодкор зеҳнимизга қанот берган ўзингсан”, “Яна ҳам баландроқ уч, яна ҳам осмон бўл!”, деб “оға халқ”ни дуо қилган. Хўш, бу сатрлардаги “осмон бўл” дегани нима? Бутун ер юзини эгаллаб, бошқа халқлар устидан ҳам қуёш бўлиб нур соч, булат бўлиб сувга сероб эт, момагулдирак бўлиб титрат ва чақмоқ бўлиб даҳшатта сол, дегани эмасми?!

Атоқли шоирларимиз билиб-билмай ўз шеърлари билан, романнависларимиз эса ёстиқдек-ёстиқдек асарлари билан ўз халқини руслаштириш жараённига катта ҳисса қўщдилар. Амин Умарий қизи Алфияга бағишланган “Қуёш жарчиси” шеърида ана шу жараённинг қандай кечганини кўрсатувчи бундай сатрларни ёзган:

Тилинг чучук ҳали... Куйлаб “Катюша”,  
Яслини ҳайратта соласан, қизим.  
Кичик граждансан... Бахтинг ҳамиша  
Соябонинг бўлсин, яша сен, қизим!

— Мамуля, вставай! — дебон ҳар сафар  
Бахтли оилани уйфотувчисан.  
О, қуёш жарчиси! Берид хуш хабар,  
Ҳаёт рубобини сайратувчисан.

Бу шеърда тасвирланган оиланинг ўзбек халқига ҳеч бир алоқаси сезилмайди. Қизнинг исмида ҳам, куйлаётган қўшиғида ҳам, онасиға қилган мурожаатида ҳам бирор ўзбекона руҳ йўқ. Зеро, Амин Умарий партия ғояларига тўла-тўкис ишониб, ўзбек халқининг ҳаётини тасвирлашни миллий маҳдудлик деб билган ва шахсий ҳаётида ҳам, ижодида ҳам ана шу маҳдудликдан қочишга интилган ёшлардан эди. У тасвир этган ўзбек баҳорида ҳам миллий ранглар учрамайди, миллий тароват йўқ:

Шеър ёзаман... Юрак тўлқинда,  
Саҳроларда баҳор кўринар.  
Ярим оқшом, сахар кўринар  
Акация гуллаган тунда.

Акация гулламоқдадир,  
Оқ шоҳидан унинг кўйлаги.  
Шаббодада пир-пир этаги  
Ҳилпираиди... Анқийди атири.

Бундай мисолларни ўзбек адабиётидан қоплаб топиш мумкин.

Мен мисолларни марҳум шоирлардан олганим учун улар руҳи мени кечирсин. Мен бу истеъдодли шоирларга орадан қанча-қанча йиллар ўтгандан кейин маломат тошлирини

отмоқчи эмасман. Миллий бадий тафаккурдан узоқлашиш мазкур шоирлар ижодида аён кўрингани ва ана шу жараён, ҳийла беозор шаклда бўлса-да, кейин ҳам давом этгани сабабли улар ижодига мурожаат этдим, холос. Аммо, сираси-ни айтсак, ижтимоий силсилаар даври адабиётида миллий бадий тафаккур устуворлик қилди, деб бўлмайди. Асқад Мухтор шеърларини оламизми ёки унинг айrim издошли-рига разм соламизми, уларда катта фикр мавжуд бўлгани ҳолда, бу фикрнинг ифодаланиш усусларида миллий бўёқ ва оҳанглар етарли, деб бўлмайди.

Шубҳасиз, мен рус шеъриятидан ё испан шоирларидан ўрганишни бас қилайлик, демоқчи эмасман. Мен энди шу орттирилган бадий тажрибани миллий адабий анъаналар билан уйғунлаштириш лозимлигини, уларни миллий заминга, ҳалқнинг миллий дидаига ва эҳтиёжига яқинлаштириш йўлларини ахтариш зарурлигини таъкидламоқчиман. Токи, жаҳон миқёсига чиқажак ўзбек адабиёти соф миллий ва ўзига хос жозибали ҳодиса сифатида етти иқдимда эътибор қозонсин.

Ўзбекистон серқуёш ўлка деб таъриф ва тавсиф қилиб келинади. Чиндан ҳам, унинг жуғрофий жойланиши шундайки, бу юртда ҳалқ учун, унинг иқтисодий турмуши учун зарур бўлган барча ўсимлик, барча мевали дарахт, барча дармондорини ўзида мужассам этган кўкат ўсади. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари тўғрисида эса сўзламаса ҳам бўлади. Олимларнинг бутунги назарий хулосаларига кўра, Ўзбекистон сингари ўлкалар жойлашган минтақада инсоннинг ақл-заковати ва истеъодининг гуллаши учун барча табиий имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон қуёшга бошқа минтақаларга нисбатан яқин ва қулай жойлашгани сабабли ундаги ўзгаришлар бу замин ва унинг кишилари ҳаётига, руҳиятига бевосита таъсир ўтказди. Кишилардаги, айниқса, ёш авлоддаги қизиқонлик ҳам ана шу ҳодисага алоқадор бўлса ажаб эмас. Аммо, шу билан бирга, юртдошларимиз ўз сажияларида ўлкамизнинг табиий хусусиятларига уйғун бўлган саховат, эзгулик, меҳри-бонлик, фидокорлик, меҳмондўстлик, болажонлик, меҳнат-севарлик, сабр-қаноат сингари инсон руҳининг олтин зараларини тажассум этганлар. Юртимиз ва кишиларимиз табиатидаги ана шу хусусиятлар уларга хос бўлган тафак-

кур тарзининг шакланишида фаол қатнашган, албатта. Шу билан бирга, юртдошларимиз асрлар давомида турли урфодатларни, халқнинг миллий қиёфасини ташкил этган диний, лисоний ва бадиий маданият қатламларини ҳам ишлаб чиққанларки, улар ҳам миллий тафаккуримизнинг сайқалланишида муҳим мавқе туттган.

Халқимизнинг Абдулла Қодирий романларини севиб ўқишининг сабаби шундаки, уларда ана шу миллий тафаккур шуълалари балқиб туради. Бугун бу асарларни ўқир эканмиз, кишиларимиз руҳий оламидан аста силжий бошлиған фазилатлар билан учрашамиз ва бу фазилатларнинг хира тортганлиги бизни изтиробга солади. Бугун Чўлпон шеърларини ўқир эканмиз, уларда биз аллақачон унугтан ўта самимий, ўта майин туйғулар чаппор уриб турганини кўрамиз. Бу шеърларни ўқиганимизда, бўйларида ялпиз ва исмалоқлар ўсиб турган ариқларнинг шалдираб оқиши эши-тилгандек бўлади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон асарларидағи бизни мафтун этувчи ана шундай ҳолатлар миллий бадиий тафаккур самараларидир. Бундан кейин яратилажак асарларимизда ҳам ана шу миллий руҳ товланиб туриши лозим. Бундан кейин истеъоддли шоирларимизга таъриф бериш учун уларни “фalonчи – ўзбек Пушкини”, “фalonчи эса ўзбек Лоркаси” деб атамаслигимиз керак.

Тўғри, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши билан миллий заминда, унга хос бўлган мундарижада, кишиларнинг шуури, руҳияти, эмоционал оламида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Лекин жамиятда қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз бермасин, халқнинг миллий характеристери, миллий тафаккури ёт таъсирлардан омон сакланиши лозим.

Бениҳоя ўйчан, салобатли ва мунгли мусиқамиз совет даврида “Яна ўйнаймиз, яна куйлаймиз” қабилидаги енгилелпи қўшиқларга ўз ўрнини берди. Шу руҳ шеъриятимизга ҳам, рақс ва тасвирий санъатимизга ҳам кириб борди.

Бугун ўзбек адабиётига янги шоир ва ёзувчилар авлоди кириб келмоқда. Бу авлод Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Ойбек ва Миртемир, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари устозларидан миллий бадиий тафаккурни ҳозирги тарихий шароитда қайта ишлаб чиқишга ёрдам берадиган унсурларни олиши, ўзбек адабиётини она заминга, халқ са-

жиясига яқинлаштириши, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий тилининг гўзаллиги ва бойлигидан тўла баҳраманд бўлиши зарур. Седанали, иссиқ нон ҳиди уфурган, райхон ва жамбилларни ўпид эсган шабадани эсга солувчи, қулоқларимизда танбур наволари бўлиб жарангловчи ва ҳақиқий ўзбек халқининг ҳаётини тасвирловчи асарлар билан XXI аср китобхонларига пешвоз чиқайлик.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АДАБИЙ ҲАРАКАТЛАР

Ўзбек адабиёти тарихида (саройлар атрофидаги адабий муҳитни истисно қилганда) қalam аҳлини ўзаро уюштириб, адабий ҳаракатга йўналиш бериб турган ташкилотлар бўлмаган. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиёти XX асрнинг биринчи чорагига қадар “Қўқон адабий муҳити”, “Хоразм адабий муҳити”, “Тошкент адабий муҳити” сингари турли жўпрофий-адабий ҳудудларга бўлинган ҳолда яшаб келди.

“Чифатой гурунги” эса Ўзбекистонда ташкил топган дастлабки адабий уюшмадир.

“Чифатой гурунги”. Ўзбекистон ёзувчилари 1934 йили Совет ҳокимияти томонидан ташкил қилинган Ёзувчилар уюшмасига бирлаштирилгунларига қадар ўзларининг бир неча кичик-кичик жамиятларига эга бўлганлар. Шулардан бири 1919 йили ташкил этилган “Чифатой гурунги”dir.

Совет даври ўзбек адабиёти тарихига бағишлиланган барча китоб ва мақолаларда “Чифатой гурунги” миллатчилик ва пантуркизм ғояларини олға сурган, ўта реакцион адабий уюшма сифатида тилга олиниб келинган. Шунинг учун ҳам бирор адабиёт тарихчиси бу дастлабки уюшма фаолияти билан қизиқмай, унинг вужудга келиши ва тугатилиш тарихини ўрганмай келган.

Чифатой Чингизхоннинг иккинчи ўғли бўлиб, Амударё бўйларидан Фулжага қадар ёйилган ерлар – Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқар унинг тасарруфида бўлган. Чифатой 1242 йили вафот этганидан кейин унинг аждодларига мерос сифатида ўтган бу жустрофий кенглик “Чифатой улуси” деб аталган. Шу кенгликда яшаган халқлар тили “чифатой тили” улар яратган адабиёт эса “чифатой адабиёти” деб юритилган.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, 1919 йили Фитрат бошлиқ бир гурух шоир ва олимлар биринчи адабий уюшмани тузганларида, унга “Чифатой гурунги” деб ном беришган. Фитрат ва унинг маслақдошлари мӯғул истилосидан ўзларига қадар туркий тилда яратилган адабиётни ўзбек халқининг маънавий-маданий бойлиги сифатида сақлаб қолиш ва халқнинг том маънодаги мулкига айлантириш мақсадида бу бой адабий меросни тўплаш, ўрганиш ва нашр этишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун эса улар аввало саводсизликни тутатиш, мураккаб араб имлосини ислоҳ қилиш ва ўзбек тилининг софлигини таъминлаш лозим, деб топдилар.

“Гурунг”нинг илмий ва ижодий дастурини амалга оширишга киришган Фитрат ўзбек мумтоз адабиётини унинг қадимги даврларидан бошлаб ўрганишга киришди; Элбек халқ ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганишни ўз зиммасига олди; Қаюм Рамазон ўзбек тилининг тарихи ва назариясини ўргана бошлади; Чўлпон ҳам ўзининг серқирра ижодий фаолияти билан бу хайрли ишга ҳисса қўшишга уринди.

Октябрь тўнтаришидан кейин собиқ чор мустамлакалири, шу жумладан, Ўзбекистонда сунъий равищда пролетар адабиёти яратилаётгани ва бу адабиётнинг нафис санъатдан узоқ, ғариб бир адабиёт бўлиши мумкинлигини кўрган бир гурух ёзувчилар ана шу “чифатой адабиёти” анъаналарини сақлаб қолиш ниятида “Чифатой гурунги”га асос солгандар. Бу дастлабки адабий уюшманинг асосчиси XX аср ўзбек адабиётининг буюк сиймоларидан бири Фитрат бўлиб, у Совет давлати тонгигдаёқ ўзбек халқи энди “қизил” кишалар билан занжирбанд этилиши мумкинлигини сезган ва бу хавфдан қутулишнинг бирдан-бир йўлини Туркистонда истиқомат қилган халқларнинг бир байроқ остида бирлашишида ва улар маданиятини юксалтиришда кўрган. “Чифатой гурунги”нинг асосий мақсад-вазифаси ҳам ёлғиз ўзбек адабиёти ва ўзбек тилининг софлигини сақлаб қолиш, ўзбек адабиёти эришган бадиий ютуқларни мустаҳкамлаш эди. “Миллий-маданий мухторият” сўзларини ўзига шиор қилиб олган “Чифатой гурунги” бир йил муқаддам қизил қўшин томонидан тор-мор этилган “Туркистон мухторияти” фояси ни адабий-маданий жабҳада давом эттиришни ўзининг бурчи деб билди.

“Чифатой гурунги”, чиндан ҳам, сиёсатга аралашмаслик ваъдаси билан майдонга чиқди. Лекин унинг миллий тил ва миллий адабиётнинг софлиги йўлида олиб борган фаолияти Октябрдан кейинги ўзбек адабиётининг пролетарлашиш жараёнига, русланиш ва советлашиш жараёнига қарши қаратилди. У ўзбек тилини арабий ва форсий сўзлардан халос этиш учун кураш олиб борар экан, бу курашнинг асосий йўналишини русланишга қарши, ўзбек тилига русчабайналмилал сўзларнинг оқиб киришига қарши қаратди. Худди шу нарса совет ҳокимияти ва унинг мафкура соҳасидаги посбонлари томонидан аксилинқилобий ва миллатчилик ҳаракати деб баҳоланди.

Совет ҳокимиятининг ширин ваъдаларига ишонган ва 1918 йили Туркистон учун рус тили билан бирга умумтуркий тилнинг давлат тили деб эълон қилинганини кўрган “гурунг” қатнашчилари “Чифатой тили” ёки умумтуркий тилнинг софлиги учун курашиб, арабий ва форсий сўзларни туркий сўзлар билан алмаштириш, араб ёзувини ислоҳ қилиш, атамашунослик мезонларини ишлаб чиқишга киришдилар. Фитрат ва унинг маслакдошлари ўз дастурларини амалга оширишда, бир томондан, панисломистлар, иккинчи томондан, пантуркистларнинг қаршилигига дуч келдилар. Панисломистлар “чифатой тили”дан араб сўзларини қувиб чиқариш бу тилнинг адабий тил сифатида нуфузини йўқотади, деган даъво билан “гурунг”га қарши ҳаракат бошладилар.

“Дейдиларким, – деб ёзган эди Фитрат уларга жавобан, – туркчадан адабий сўзларни чиқармасга тейиш. Буни биз ҳам қабул қиласиз. Адабий сўзларни туркчадан чиқорингиз, демаймиз. Бизнинг тилагимиз – адабий сўзларни эмас, арабий сўзларни чиқармоқ. Англашиладирким, бизга қарши бўлғон оғолар арабий билан адабийни айирмасдан гапирадилар”

Фитратнинг “чифатой тили”ни ислоҳ қилишга қаратилган фаолиятини тўғри тушуниш учун унинг яна қуйидаги сўзларига эътибор бериш лозим: “Шул чоқда тилимиздаги араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайди, демоқчи эсангиз, ўрганинг! Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайди, десангиз, сўзларингиз тўғридир. Биз ҳам унларни чиқармоқчи эмасмиз, унларни олурмиз, лекин ўзимизники қиласиз, туркчалашдуурмиз. Айтайликким, “қоңга”нинг туркчаси йўқдир.

“Ҳарф”нинг-да туркчасин тополмагиқ, иккисин даҳи олурмиз. Лекин сизлар каби “қавоиши хурфия” демасдан, “ҳарф қоидалари”, дермиз

Фитратдан ташқари, “гурунг”да Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Чўлпон, Элбек, Боту, Сайд-аҳмад Назиров ҳам аъзо бўлганлар. Улар Ҳадрада умумтурк тили адабиётини ўрганиш бўйича пулсиз курслар ташкил этиб, шаҳар мактабларидағи кўплаб муаллимларни ўз дарсларидан баҳраманд этганлар. Бу дарслардан оддин, 1918 йилда Фитрат саккиз ойлик курсларда ҳам умумтурк тили ва адабиётидан сабоқ берган.

“Бир кеча, — деб ёзади Фитрат, — “Чигатой гурунги” нинг мажлиси бўлғон эди. Гурунг аъзолари томонидан ёзилғон асарларни ўқиб, муҳокама қилмоқда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг бираига турғон бир ўртоқ винтovka кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. “Муҳаммад пайғамбарнинг меърожини инкор қилас экансиз”, деб тафтишга киришиди ва бизни мұнақа йўлсиз ҳаракатлардан ман қилиб кетди. Мана буларнинг ҳаммаси пантуркистларнинг иғвоси билан бўлар эди”.

Фитрат бу сўзларни ёзганда, пантуркизмга қарши кураш авж олган, унинг ўзи ҳам пантуркист сифатида қораланаётган эди. Шунинг учун у пантуркистларни ўта қора бўёқлар билан тасвир этган бўлиши мумкин. Лекин шу нарса ҳақиқатки, у келажақда ўзбек давлатчилигининг Россиядан ҳам, Туркиядан ҳам мустакил яшашини орзу қилган ва “Чигатой гурунги”нинг сиёсатта аралашмаган ҳолда шу ғояга хизмат қилишини кўзлаган эди.

Фитратнинг ёш маслақдошлиаридан бири Ботудир. У кеийинчалик, турли омиллар таъсирида, Фитрат ва Чўлпондан узоқлашган, ҳатто уларга қарши курашган. Лекин у 1931 йил 16 февраль санали кўргазмасида “Чигатой гурунги” ва унинг раҳбари Фитрат тўғрисида ҳаққоний маълумот берган ва, жумладан, бундай ёзган:

“Мен Фитратни биринчи марта 1918 йилнинг ўрталарида, 8 ойлик курсларда кўрдим... Фитрат ўша вақтда чигатой тили ва чигатой адабиётини тарғиб қилас эди. Мен ўша вақтда Фитратни билмас ва мутлақо тушунмас эдим. Агар янгилишмасам, мени Фитрат билан 1919 йили Икромов таништирган. Фитрат бу даврда ҳокимият тепасига бўлган

Мунаввар қори гуруҳининг таъқибидан яшириниб яшарди. Уни, менга маълум бўлишича, даҳрийлик ва ғайрипантуркизмда айблашган эди...

Икромовнинг “Изчи тўға” гуруҳи *Saид Аҳрорий* группаси ва турк зобитлари билан уришиб қолгач, биз Фитрат томонига ўта бошлидик. Мен баъзан Шорасул Зуннун, баъзан Икромов билан Фитратнинг олдига ўз шеърларимни олиб борадиган бўлдим. Шорасул Зуннун тез орада *Saид Аҳрорий* томонига ўтиб кетди ва биз у билан биродарлик муносабатларини уздики.

1919 йили *Saид Аҳрорий* гуруҳи билан “Изчи тўға” ўртасидаги кураш бизнинг қаттиқ мағлубиятимиз билан тугаб, Икромов Наманганга иш сафари билан кетди, мен Тошкентда осмон билан ер ўртасига муаллақ бўлиб қолдим. Шу вақтда мен “Чифатой гурунги”нинг котиби Элбек билан танишдим. Унинг таклифи билан 1920 йилнинг бошларида “Чифатой гурунги”га аъзо бўлиб кирдим ва техник котиб вазифасини ўз зинмамга олдим. “Чифатой гурунги” биздан сал нарида, Баландмачитда жойлашган экан, мен у ерга бир ой мобайнида ёлғиз ўзим ишлай бошлидим”

Фитрат, юқорида айтиб ўтилганидек, бу вақтда рақиблар таъқибидан қочиб юргани учун ҳатто “Чифатой гурунги”нинг мажлисларида ҳам иштирок эта олмаган.

Боту “гурунг” қатнашчилари ташкил этган мажлислар тўғрисида ҳам озми-қўпми муфассал маълумотлар беради:

“Мен бир марта “Чифатой гурунги” биносида бўлиб ўтган мажлисда қатнашдим, унда янги имлони ўрганиш курсларини очиш, чамаси, Қ.Рамазон томонидан тузилган ўзбек тилининг имлосини ўрганиш, ўзбек халқ қўшиқларини тўплаш, ҳукумат идоралари олдига ўзбекларни ўзбек деб аташ масаласини қўйиш каби муаммолар муҳокама қилинди. Сўнгги масала қандай муҳокама этилганлиги ёдимда йўқ. Мен қатнашган иккинчи мажлис Рамзийнинг уйига бўлиб ўтди. У ерга Рамзий ва Фитрат ўз шеърларини ўқидилар. Мен тез орада кетиб қолганим учун кейин нима бўлганини билмайман. Учинчи мажлис амакиваччамнинг уйига бўлиб, унда мусиқа чалинди. Дарвоҷе, бу мажлисларнинг ҳаммасига мусиқа чалинар эди. Фитрат суҳбат пайтига ҳар доим ўзбек миллий маданиятини барпо этиш, аниқроғи, тирилтириш ва мустақил ўзбек миллатини яратиш масаласини қўтариб

чиқарди. У ўша пайтда босмачилик ҳаракатига шубҳа билан қарапди. У дерди: аввал – маданият, кейин – мустақиллик; босмачилар Русияга қарши ҳеч нарса қила олмайдилар; бизнинг ҳозирги вазифамиз миллатни маданий жиҳатдан тарбиялашдир. Мен ўша пайтда айтилган гапларнинг аксарига тушунмаганман. Билишимча, ўша пайтда маданий ўзбек миллатини яратиш (қайси йўл билан эканлигини ҳали ҳам тасаввур этмайман), динга қарши кураш, янги алифбо учун кураш зарурлиги қайта-қайта айтилган.

1919 йил охирида бўлса керак, турклар “Чифатой гурунгчилар” билан келишиб олиш учун Ҳайдар афанди ва унинг тарафдорларини юбордилар. Уларнинг Фитрат ва “Чифатой гурунги”нинг бошқа раҳбарлари билан нима ҳақда сўзлашганлари менга қоронғи, аммо бу музокарадан ҳеч нарса чиқмаган; натижада барча пантуркистлар ўзаро бирлашиб, бизларга қарши шиддатли ҳужум бошлаганлар. Улар янги имлони ўрганиш бўйича Тошкентда очган курсларимизни ёпиб, аҳоли ўртасига гўё динга қарши иш олиб бораётганимиз ҳақида овоза тарқатдилар. Бу сўнгги тадбир аҳволимизни ўша заҳоти ёмонлаштириб юборди ва “Чифатой гурунги” чок-чокидан сўклишиб кетди”

Фитрат гарчанд Туркияда таълим олган ва ёш турклар таъсирида жадидчилик ҳаракатига кириб келган бўлса-да, икки дарё оралиғида яшаган халқларнинг турк тилидан мустақил ўзбек тилини, турк адабиётидан мустақил ўзбек адабиётини янги тарихий-маданий шароитда ривожлантириш лозимлигини тушунди. Бу фоя ўша вақтда Эски шаҳардаги совет ҳокимиятини ўз таъсир доирасига олган Мунаввар қори ва унинг беҳисоб маслақдошлари учун мутлақо ёт эди. Бундай қудратли кишилар билан курашда Фитратнинг ва “Чифатой гурунги”нинг мағлубиятга учраши тайин эди. Зероки, бу икки гурухни ўзаро уриштириб қўйишдан манфатдор бўлган учинчи бир куч ҳам бор эдики, у ўз мавқенини мустаҳкамлаш учун ҳеч нарсадан, ҳатто мунофиқона ҳаракатлардан ҳам тоймас эди.

Фитратнинг “Чифатой гурунги” раҳбари сифатидаги сўнгги иши 1921 йил январида ўзбек тили ва унинг имлосини ўрганиш бўйича биринчи ўзбек ўлка қурултойини ўтказиши ва 1922 йилда “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламини чоп этиш бўлди.

Фитрат қурултойда янги ўзбек имлоси тўғрисида “Чигатой гурунги” номидан маъруза ўқиди. Ашурали Зоҳирий ва секин-аста советлар томонига ўта бошлаган Боту Фитратга қарши сўзга чиқдилар. Боту 20-йилларнинг аввалидаёқ лотин ёзувига ўтишни таклиф қилди, лекин унинг ўша давр учун фур тақлифи ҳатто муҳокама учун қабул ҳам қилинмади. Панисломизмнинг 20-йиллардаги йирик арбоби Муса Бегиевнинг қурултой ишида қатнашганлигидан руҳланган Тошкент зиёлиларининг руҳоний қисми “Чигатой гурунги” тақлиф қилган янги имло лойиҳасининг қабул қилинишига қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Мунаввар қори гуруҳи билан “Чигатой гурунги” ўртасидаги келишмовчиликнинг туб моҳиятини тушуниш учун яна Фитратнинг ўзига мурожаат этайлик. У Бойбўлатовга ёзган очиқ хатида 1917 – 1918 йилларда Тошкентда айниқса кучайган туркпаратстик кайфияти тўғрисида сўзлаб, бундай деган: “...Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида “Чигатой гурунги” ташкил этилди. “Чигатой гурунги”... ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва уларга берилган ўнг жадидларга қарши курашди”

Демак, “Чигатой гурунги”ни тузишдан мақсад Тошкентдаги туркпаратст зиёлилар ва асир турк зобитлари туфайли кучайиб бораётган пантуркизм ғояларига зарба бериш, ўзбек тили ва адабиётининг турк тили ва адабиётига сингиб кетишига қарши курашиш эди. Ўзбек жадидларининг сўл қанотидан ташкил топган “Чигатой гурунги” ана шу хайрли вазифани ўз елкасига олиб, ўзбек тилининг соғлиги учун, янги ўзбек имлосини яратиш, ҳалқнинг маънавий ва маданий ўсишига ёрдам бера оловчи ёзувчиларни етиштириш учун фидокорона кураш олиб борди. Бу, ниҳоятда қисқа умр кўрган дастлабки адабий уюшманинг катта тарихий хизмати эди.

Ботунинг айтишича, қурултойнинг руҳоний қисмида Фитратни жисмоний жиҳатдан маҳв этиш фикри ҳам туғилди. Буни сезган Фитрат ўз муҳолифларига қарши дипломатларча муносабатда бўлиб, “Аввал – мустақиллик, сўнг – бирлашиш”, деган шиор билан чиқишига мажбур бўлди.

Туркий ҳалқлар адабиётининг улкан билимдони бўлган Фитрат ўзбек тили ва ўзбек адабиёти эришган ютуқлар би-

лан ҳақли равища фахрланган. У қурултойда қилган маърузасида “Чигатой адабиёти турлича шевали турк адабиёти орасига энг юксак, энг муҳим ўринни тутгандир. Бошқа шевадаги турк адабиёти орасига юксак, юқори, олий бўлғонидан кейин чигатой тилининг ҳам турк тиллари орасига юксак, юқори, олий бўлғонлигин қабул этмак мутлақо лозимдир”, деган фикрни бежиз олға сурмаган.

ХХ аср шеъриятида фикрнинг аниқ, ифоданинг халқчил ва лўнда бўлишлiği лозимлигини сезган “Чигатой гурунги” ўзининг дастлабки шеърий тажрибалари билан янги ўзбек шеъриятининг туғилишига унумдор замин яратди. “Гурунг”-нинг тил ва адабиёт бобидаги изланишлари маълум қусурлардан холи бўлмаса-да, Чўлпон, Ойбек, Faфур Гулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир шеъриятининг майдонга келиши учун қутлуғ замин бўлиб хизмат этди.

Афсуски, 20-йиллар аввалида авж олган адабий кураш ёш советлар мамлакатида жорий этила бошлаган адабий сиёsat натижасида “Чигатой гурунги” 1922 йили ўз фаолиятига нуқта қўйишга мажбур бўлди. Лекин бугун, орадан 85 йил кечганига ва турли мафкуравий шамоллар эсиб ўтганига қарамай, Фитрат асос соган “Чигатой гурунги”нинг тўғри йўлни танлаб, ўзбек тили ва адабиётини, демак, ўзбек халқини мустақиллик хиёбонидан олиб боришга интилгани бизда мамнуният ҳисларини уйрогатди.

“Гурунг” қатнашчилари ўзбек тили ва адабиётининг факат умумий масалалари билангина чекланиб қолмай, адабий жараённи ҳам синчковлик билан кузатдилар. Шу маънода уларнинг “Фарғона фожиалари” асарига муносабати бир мунча ибратли. “Фарғона фожиалари” Ҳамзанинг бизга етиб келмаган кўп қисмли пьесаси бўлиб, “гурунг”нинг унга муносабати салбий бўлган. Чўлпоннинг айтишича, 1919 – 1920 йилларда Фарғонада тўкилган қонлар нафақат Тошкент ва Самарқанд, балки Москва ва Ленинградга қадар етиб борган. Аммо бу воқеалар ниҳоятда мураккаб бўлганига қарамай, Ҳамза ўз асарини шошма-шошарлик билан ёзган ва унинг моҳиятини тўғри оча билмаган. “Чигатой гурунги” эса ўз мажлисларида бундай асаларни муҳокама қилиб, янги адабиётнинг шаклланиш йўлидаги қусурларни бартараф этишга ҳаракат қилган.

“Гурунг” аъзолари 1922 йили “Ўзбек ёш шоирлари” деган шеърий тўпламни чоп этдилар. Тўпламдан Фитрат, Чўлпон, Ботунинг шеърлари жой олган эди. Бу шеърлар орасида Фитратнинг “Миррих юлдузига”, “Шоир”, “Шарқ”, Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” сингари асарлари ҳам бўлиб, уларда мазкур шоирларнинг Фарғона водийсидаги воқеалардан жунбишга келган қалблари ҳамон фифон қилиб турарди.

Мазкур тўплам эълон қилингандан кейин Фарғона аҳлининг тинчини бузган қўллар 1922 йили “Чифатой гурунги”-нинг фаолиятига ҳам чек қўйдилар ва “гурунг” мустақиллик офтоби чиққунига қадар қораланиб келинди. Тарихдан бехабар кишилар “гурунг”ни “пантуркизм” ғояларини тарғиб қилишда, ўзбек маданияти байробини турклар қўлига бериб қўйишида айбладилар. Ҳолбуки, Фитрат ва унинг маслақдошлари бу масалада мутлақо бошқа фикрда эдилар.

Совет ҳокимияти “Чифатой гурунги”нинг ташкил топишига рухсат берганида, сиёсатга аралашмаслик шартини қўйган эди. Фитрат ва унинг биродарлари шу шартга қанчалик амал қилмасинлар, уларнинг ўзбек тилини чет таъсирдан муҳофаза қилиш, мумтоз адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганиш, янги ўзбек адабиётининг эстетик гўзаллигини саклаш ҳамда ҳаётни тўғри акс эттиришга қаратилган ишлари кундан-кунга нотўғри баҳолана бошлади. Шунинг учун ҳам “Чифатой гурунги” номатлуб адабий уюшма сифатида тарқатилиб юборилди.

**“Нашри маориф”**. Дунёқараси 1917 йилга қадар шаклланган ва шу даврда маърифат соҳасида жонбозлик кўрсатган зиёлилар “Чифатой гурунги” тарқатилганидан кейин ҳам ҳалқни маориф ва маданият меваларидан баҳраманд этиб боришни виждоний бурчлари, деб билдилар. 1922 йилнинг сўнгги кунларида навбатдаги норасмий йиғинларига тўпланган тошкентлик зиёлилар “Нашри маориф” номли янги жамиятни ташкил этишга қарор қилдилар. Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан тузилган бу жамиятнинг таъсисчилари эса қуидагилар эди: Умархон Акрамхонов, Маннон Рамзий, Сайдносир Миржалилов, Толибжон Мусабоев, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммад Усмонов, Холмуҳаммад Охунов, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) ва Ҳами-

дуллахон Орифхонов. 1923 йил 1 январида “Туркистон” газетасида ана шу таъсисчилардан таркиб топган ижроия гуруҳининг Туркистон республикасидағи маориф ходимларига мурожаати эълон қилинади. Бу мурожаатда таъсисчилар жамиятнинг мақсад ва вазифаларини тушунтирибгина қолмай, унга аъзо бўлиб киришни ҳам маориф ва маданият ходимларидан илтимос қилган эдилар.

Агар шу мурожаатни “Нашри маориф” жамиятининг ilk қадами сифатида қабул қилсан, унинг вужудга келиш санаси 1922 йил декабрининг сўнгги кунлари бўлади. Тошкентдаги Эски шаҳар халқ маориф шўъбаси қошида қад кўтарган жамият тез орада қанот ёзиб, республикамизнинг бошқа қатор вилоятларида ҳам ўз бўлимларини ташкил этди. Жамиятнинг Тошкент шаҳридаги бўлими ҳайъати эса қуидаги маориф ва маданият фидойиларидан таркиб топди: Шокиржон Раҳимий (раис), Мунаввар қори Абдурашидхонов (раис ўринбосари), Миркомил Алиев (котиб), Сайдносир Миржалилов (хазиначи), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Холмуҳаммад Охунов, Толибжон Мусабоев, Зуфар Носирий, Абдулла Авлоний, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар. Бу тилга олинган зиёлилардан ташқари, жамиятнинг Тошкент бўлими фаолиятида Маннон Рамзий, Элбек, Шоҳид Эсон каби сиймолар ҳам яқиндан иштирок этдилар.

XX асрнинг 10 – 20-йилларида Тошкентдаги маърифатпарварлик ҳаракатининг бошида халқимизнинг улуғ фарзандларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов турган. Бу даврда қандай ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбир амалга оширилган бўлмасин, уларнинг аксари Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан майдонга келган. “Нашри маориф” жамияти ҳам даставвал унинг хаёлида туғилган. Аммо Тошкент аҳолиси ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган бу сиймо дастлаб “оқ”, кейин “қизил” таъқиб остида яшагани учун, жамият манфаатидан келиб чиқиб, расмий раислик қилиш ҳуқуқини бошқаларга берган. Шунга қарамай, у “Нашри маориф”нинг фаолиятида асосий роллардан бирини ўйнаган. Мунаввар қори билан келишувга мувофиқ, Шокиржон Раҳимий “Туркистон” газетасининг 13 феврал сонида “Нашри маориф” нима?, Мунаввар қорининг ўзи эса шу газетанинг 4 март сонида ““Нашри ма-

риф” уюшмасининг аҳамияти”” деган мақолаларини эълон қилишган. Жамият фаолларидан яна бири Усмонхон Эшонхўжаев ҳам бу “баҳс”дан четда қолмай, шу газетанинг 28 апрель сонида “Яна “Нашри маориф” тӯғрисида” деган мақола билан чиқиб, уюшманинг маориф ходимлари ўртасида машҳур бўлишига ўз ҳиссасини қўшган.

Жамият раиси Ш.Раҳимий ва котиби М.Алиев имзолари билан, шунингдек, муҳр билан тасдиқланган низомга кўра, жамиятнинг асосий мақсади: а) ўзбек адабий тили, атамашунослиги ва имлоси масалаларини ишлаш; б) миллий санъат тӯғрисидаги билимни ўрганиш ва тарқатиш; в) ўзбек халқининг тарихи ва майший ҳаётини ўрганиш; г) ўзбек мактабларидағи таълим ва тарбия масалаларини йўлга қўйиш; д) ўзбек халқ таълими ходимлари ва санъат арбобларига ёрдам кўрсатиш; е) Туркистон, Россия ва хориждаги олий ҳамда қуийи мактаблардаги ўзбек ўқувчилари сонини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш; ж) аҳоли ўртасида мавжуд бўлган ўтмиш сарқитлари ва фанатизмга қарши кураш йўли билан ўзбек халқини маданий жиҳатдан ўстириш эди.

Жамият ана шу вазифаларни ҳал қилиш учун: а) мунозаралар, сухбатлар ва маърузаларни ташкил этиш; б) экспедиция ва экскурсияларни уюштириш; в) кўргазмалар очиш; г) муваққат ва номуваққат нашрларни босмадан чиқариш; д) китоблар, қўлёзмалар, осори атиқа ва санъат асарларини тўплаш ҳамда тарқатиш; е) танловлар ўтказиш ҳамда илмий ишлар ва санъат асарлари учун мукофотлар белгилаш; ж) ўзбек мактаблари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича курслар очиш; з) муваққат ва номуваққат нашрлар учун ўзбек таржимонлари, мусахҳиҳлари ва ходимларидан иборат бюрони ташкил этиш; и) ўзбек стенографиясини яратиш ҳамда ҳукумат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларидан мадад сўраш ҳуқуқига эга эди.

Туркистон мухторияти тутатилгандан сўнг ўлкада авж олган сиёсий таъқиб шу даврда бир оз юмшаган, Москвада эса Лениннинг хасталиги туфайли пролетариат инқилобининг кемаси хийла қалқиб-қалқиб кетаёттан эди. Буни сезган зиёлилар яқин орада мамлакатнинг сиёсий ҳаётида жиддий ўзгариш рўй бериши мумкинлигини ва ҳозирги номўтадил вазиятдан фойдаланиш лозимлигини тушундилар.

Уларнинг яна бир мақсади ҳалқ ўртасидаги бошбошдоқликка, даставвал, зиёлилар ўртасидаги гуруҳбозликка чек қўйиш, у ёки бу гуруҳга ёпиширилган “қадим”, ё “жадид”, ё “уламо” ёрлиқларини олиб ташлаш эди. Улар Февраль инқилобидан кейин бой берилган имкониятларни қайта чамалаб кўриб, асосий хато зиёлилар ва умуман ҳалқнинг ноиттифоқлигида эканлигини эътироф этдилар. Шунинг учун ҳам улар, модомики, ҳалқимиз ислом динининг кучли таъсирида экан, демак, биз Маҳкамай шаръия билан ҳамкорлиқда иш олиб боришимиз, ҳалқимиз мусулмон ҳалқи эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим, деган қарорга келдилар.

Чор охранкаси ҳам, ҳар қандай янгиликдан чўчиган амалдорлару руҳонийлар ҳам жадидчилик ҳаракатининг камол топишига тўғаноқ бўлдилар. Шунинг натижасида жадидлар маълум даражада ҳалқдан узилган эдилар. Таъсисчилар жадидчилик ҳаракатининг ана шу нуқсонини инобатта олиб, “Нашри маориф”ни тобора ҳалқ ичига яқинлаштириш чораларини ахтардилар. Шу мақсадда улар, масалан, Эски шаҳардаги мусулмонлар ўртасида маориф ва маданият ишларини олиб борар эканлар, қарийб барча маҳаллаларда “гап”лар ташкил этдилар ва бу “гап”ларда маориф ишлари билангина чекланиб қолмай, кишиларнинг сиёсий онги ва миллий фурурини оширувчи фикрларни ҳам ўртага ташладилар.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) эълон қилингач, Тошкентда 1-Туркистон ширкати тузилди. Маърифатпарвар Сайдносир Миржалилов ташаббуси билан майдонга келган бу ширкат гарчанд савдо-саноат жамияти деб ҳисобланган бўлса-да, у амалда тошкентлик илфор ёшларнинг учрашиши ва фикрлашиши мумкин бўлган марказ ҳам эди. “Нашри маориф” ташкил этган “гап”ларнинг аксар қатнашчилари ҳам шу ёшлар бўлди. Жамият раҳбарлари ўз ғоя ва маслакларини ана шу ёшлар орқали тарқатиш, уларни уюшма ҳисобига хорижга ўқишига юбориш йўли билан янги маърифатли авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдиларига қўйдилар. Улар бахтига, шу даврда ширкат қошида худди шу масала билан шуғулланувчи “Кўмак” жамияти ҳам фаолият кўрсата бошлаган эди.

Шу тарзда жамият, биринчидан, “Нашри маориф”номида Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда чоп этилган

муваққат нашрлари, иккинчидан, “гап”лари орқали, айниқса, мусулмон ўқитувчилари ва ўқувчи ёшлари ўртасида катта тарбиявий-маърифий ишларни олиб борди; учинчидан, “Кўмак”ни ўз ихтиёрига жалб этиб, Россия, Туркия, Германия ва бошқа мамлакатларга ўқишига юборилажак ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўз зиммасига олди.

Жамиятнинг барча аъзолари учун (фаҳрий аъзолардан ташқари) кириш бадали ярим пуд буғдой бўлган. Жамият маблағи аъзолик бадаллари, ионалари, давлат ва жамоат муассасаларидан олинадиган ёрдам, нашрлар, пулли маърузалар, спектакллар, сайиллар ва бошқа тадбирлардан тушган даромад асосида тўпланган. Бу маблағ, ўз навбатида, муваққат нашрлар, мактабларнинг ўқув-методик эҳтиёжлари, хорижга ўқишига юборилаётган ё юборилган талабалар ўртасида тақсимланган.

Жамиятнинг 1923 йилдаги фаолияти, айниқса, самарали бўлди. Жамият бир йил ичидаги оёққа турибина қолмай, турли нашрларни амалга оширди. Жамиятнинг вилоят бўлимлари ҳам орқада қолмади. Афсуски, биз турли кутубхоналарда сақланиб қолган жамиятнинг журнал ва нашрларини ҳали тўплаб ўрганиб чиққанимизча йўқ. Бу – келажакнинг иши. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса аниқки, “Нашри маориф” қисқа фаолияти мобайнида ҳалқ маориф ва маданиятини кўтариш бўйича кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. У олиб борган хайрли ишларнинг асосий нишаби эса истиқлол сари – элу юртимизни миллий мустақилликка олиб чиқишига қаратилган эди.

Жамият фаолларидан бири Салимхон Тиллахонов ўз маслақдошлари билан сухбатда бундай деган экан: “Биз шу пайтга қадар бурчак-бурчакларда яшириниб ишлаб келган эдик, эндиликда ошкора ишлаш пайти келди. Шунинг учун ҳам гайратимизга гайрат кўшишимиз керак” Шокиржон Раҳимий эса Мунаввар қори билан сухбатлашар экан, бундай сўзларни айтган: “Агар жамиятимиз биз хоҳлаган йўналишда яхши ишларни олиб борса, худо хоҳласа, тез орада ажнабий ҳалқларнинг таъсиридан қутулиб қоламиз”

Бундай некбин кайфиятга берилган жамият аъзолари 1924 йилнинг январида уюшма фаолиятини янада жонлантириш истагида ҳайъат таркибини қайта сайладилар. Мунаввар қори жамиятта раис, Фози Олим Юнусов эса котиб этиб сайланди.

30 январь куни “Нашри маориф” ва “Кўмак” жамиятлари раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтди ва унда ҳар иккала жамиятни бирлаштириш масаласи ўртага ташланди. Аммо шу пайт, кутилмаганда, Шокир Раҳимий “Нашри маориф” жамиятини тарқатиб юбориш ҳақидаги таклифни ўртага ташлади. Ва унинг таклифи кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Советлар мамлакати шу вақтда ўз ҳаётининг оғир бир даврига қадам қўйган эди. Ленинизм “тутаб” сталинизм бошланганини кўрган маорифчилар шу даврнинг хосиятсиз бўлишини Сталиннинг мақбара олдидаги қасамларидан аниқ сезган эдилар.

**“Қизил қалам”**. 1923 йилда “Адабий-бадиий тўгарак” деган Йўқсил (пролетар) ёзувчилар уюшмаси тузилди. Бу уюшма ҳозир Санъат музеи жойлашган ва ўша йилларда Кафанов номидаги Ишчилар клубига қарашли бинода ўз фаолиятини бошлади. Ўша йилларда ўзбек адабиётига кириб келган йўқсил шоир ва ёзувчилар шу тўгаракнинг аъзоси бўлганлар. Лекин бу тўгарак ўз атрофига йўқсил адабиёт вакилларини тўплаш ва тарбиялашга қаратилган вазифасини, ижодий начорлиги орқасида, бажара олмади ва бирор амалий натижага эришмади. Шу сабабдан унинг аъзолари тез орада пароканда бўлиб кетдилар.

1926 йили эса Самарқандда “Қизил қалам” жамиятига асос солинди. Шокир Сулаймон раҳбарлик қилган бу жамиятда Отажон Ҳошим, Боту, Зиё Сайд, Сотти Ҳусайн, Анқабой, Олтой билан бирга янги етишиб келаётган Уйғун, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ойдин сингари ёш қаламкашлар ҳам бор эди. Ўша йилнинг охирларида жамиятнинг Фарғона ва Наманган вилоят бўлимлари ҳам ташкил этилди. Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистонда барпо этилаётган социалистик тузумга хайриҳоҳ ёзувчиларни тўплаш ва тарбия қилиш эди. Лекин “Қизил қалам” аъзолари орасида, бир томондан, катта авлод вакиллари, иккинчи томондан, ёшлар бўлгани ва улар, дунёқарашларига кўра, фарқлангани учун жамият йиғилишларида ўзаро қизғин баҳс ва мунозаралар тез-тез бўлиб турди. Бу мунозаралар 1928 йилда, “Қизил қалам” мажмуасининг биринчи китоби чоп этилганидан кейин, айниқса, авж олиб, кекса ва ёш аъзолар ўртасида жиiddий ихтилоф юзага келди. Бу ихтилоф ҳатто жа-

миятнинг маълум муддатга тарқалиб кетишига ҳам сабаб бўлди.

Ихтилоф туфайли пайдо бўлган қисқа муддатли танаффусдан сўнг “Қизил қалам” 1928 йили яна ўз фаолиятини давом эттириди. 1929 йилда эса жамиятнинг бошқарув органи қайта кўрилиб, Зиё Саид унинг раҳбари этиб сайланди. Шу йили жамиятнинг иккинчи мажмуаси нашрдан чиқди.

Совет ҳокимияти “Қизил қалам” орқали ёзувчиларни Ўзбекистондаги социалистик қурилиш мавзуига бағишиланган, шунингдек, СССРнинг пахта мустақиллигига эришиши учун қишлоқ аҳлини “қаҳрамонона меҳнат”га сафарбар этувчи асарлар ёзишга рафбатлантириди. Бундай асарлар пайдо бўлиши биланоқ улар янги ўзбек адабиётининг ажойиб намуналари сифатида баҳоланди. Шу тарзда яланғоч ғоялар ифодаланган долзарб мавзулардаги асарлар оқими вужудга кела бошлади.

“Қизил қалам” Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида ўз бўлимларини очиш ва улар ҳаётини жонлантириш устида қайфурибина қолмай, Озарбайжон ва Татаристондаги адабий ташкилотлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатди.

**“Ёш ленинчи” газетаси қошидаги тўғарак.** Шу йилларда “Қизил қалам” жамияти билан бирга бъязи газеталар ва олий ўқув юртлари қошида ҳам адабий тўғараклар ташкил этилиб, улар ёш қалам аҳлини тарбиялаш ишлари билан шуғулланди. Шундай тўғараклардан бири Тошкентда, “Ёш ленинчи” газетаси қошида тузилди. “Ёш пролетар адабиётшоирлари” деб номланган бу тўғарак газетанинг янги муҳаррири Сотти Ҳусайн ташаббуси билан 1927 йилда ташкил топди.

Сотти Ҳусайн газетада ўз шеърлари, ҳикоя ва очерклари билан қатнашган ёш ижодкорларни тўплаб, уларнинг дастлабки асарларини тўғарак муҳокамасига қўйди, эпақали асарлар устида муаллифлар билан бирга ишлаб, сўнг газетада эълон қилиб борди. Бундан илҳомланган ёшлар тўғарак атрофида янада жипслashiб, дастлабки адабий сабоқларни шу ерда олдилар.

Тўғарак қатнашчиларидан бири – Миртемирнинг “Шульалар қўйнида” (1928) деб номланган дастлабки тўплами ўша даврда катта воқеа бўлди. Бу тўпламдан жой олган аксар

шеърлар шу тўгаракда муҳокама қилиниб, сайдалланган эди. Мазкур тўпламга кириш сўзи ёзган Сотти Ҳусайн истеъдодли ёш шоир туғилганидан ғоят мамнун бўлиб, унинг адабий келажагига катта умид билдирган эди. Бу, ўша пайтда Миртемирга нисбатан уч-тўрт қўйлакни ортиқ кийган айрим қаламкашларнинг ғашини келтиради. Улар Миртемирга қарши мақолалар билан чиқиб, сиёсий идоралар эътиборини унинг келиб чиқишига жалб этмоқчи бўладилар. Бундай ошкора ғаразгўйлик ва ҳасад ёш шоирни майиб қилиши мумкинлигини сезган мураббий уни ўз паноҳига олади. У фақат Миртемирни эмас, бошқа ёшларнинг адабий келажаги ҳақида ҳам қайфуриб, 1929 йилда тўгарак аъзоларининг асарларидан таркиб топган “Кўрмана” тўпламини бостириб чиқаради. Бу тўпламдан Миртемир, Яшин, Собир Абдулла, Эргаш, Ҳасан Пўлат, Юнус Латиф ва бошқа шоирларнинг шеърлари ўрин олган эди.

*Миртемир Сотти Ҳусайн тўғрисидаги хотираларида ўша даврни эслаб, бундай ёзган: “Сотти Ҳусайн ташаббуси билан қаламкашларнинг “Кўрмана” сарлавҳали тўплами ёруғлик кўргани ҳам катта ҳодиса бўлгани ёсимда. “Ҳозирги воқелик бадиий асар учун илҳом беришдан ожиз!” деб айюҳаннос солганга бу тўплам: “Кўр, мана!” маъносига бўлганлигини Сотти Ҳусайн фахр билан адабий ишғинларда тақорролагани эсимда”.*

Сотти Ҳусайн марксчи мунаққид бўлгани учун тўгарак аъзоларида марксизм-ленинизм таълимотига нисбатан ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни совет даври мавзуларида асарлар ёзишга рағбатлантиришга уринди. Ўзининг маркс-ча-ленинча қарашларига ҳаддан зиёд ишонган мунаққид ҳатто бир туркум мақолалар ёзиб, ўзбек адабиётининг “Ўтган кунлар”дек буюк асарини чилпарчин қилиб ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо у тўгарак раҳбари сифатида шу йилларда кўплаб шоирларнинг шаклланишида муайян ролни ўйнади.

**Пролетар ёзувчилари уюшмалари.** 1923 йил мартада бўлиб ўтган Москва пролетар ёзувчиларининг 1-қурулто-йида Москва пролетар ёзувчилари уюшмаси – МАППга асос солинади. Ва ўша йилнинг май ойида МАПП ташкилотчилари Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари уюшмаси (ВАГП) ни ташкил этишга қарор қиласидилар. Бу ҳар иккала

уюшмани тузишдан мақсад адабиётга раҳбарлик қилиш хуқуқини партияга бериш ва шу йўл билан пролетар адабиётини яратища иштирок этмаган ёзувчиларни партия ёрдамида четлаштириш эди. Уларнинг асосий шиорлари эса адабий меросни ўрганишга чек қўйиш, йўқсил ёзувчилар қаршисида кенг ижодий майдон ва шароитни яратиш, “йўловчи” ёзувчиларни адабиётдан четлаштириш орқали “буржуа мафкураси”нинг жонланишига имкон бермаслилк эди.

Афсуски, бундай қарашлар Ўзбекистонда туғилиб келаётган йўқсил ёзувчиларга ҳам бегона эмас эди. Улар 1924 йил июнида юқорида зикр этилган Кафанов номидаги Ишчилар клубида таъсис йиғилишини ўтказиб, ВАГПНинг Тошкент бўлими (ТАГП) ни очишга қарор қилдилар. Шундан кейин ТАГП мутасаддилари МАГП ва ЛАГП билан алоқа ўрнатиб, пролетар адабиётининг аҳволи ва вазифаларига бағишлиланган кечалар ўтказдилар, маърузалар қилдилар.

1928 йил апрелида ТАГП замирида Ўрта Осиё пролетар ёзувчилари уюшмаси (САГП) ташкил этилди. Ўз навбатида бу уюшманинг Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон бўлимлари тузилиб, улар бу ўлкаларда пролетар адабиётининг кенг қанот ёзиши учун турли-туман тадбирларни амалга оширдилар. Уюшма қошида рус тилида “Ўрта Осиё адабиёти” газетаси ва “Ўрта Осиё халқарининг совет адабиёти” журнали нашр этила бошлади.

1928 йилнинг апрель-май ойларида Москвада Пролетар ёзувчиларининг 1-Бутуниттифоқ қурултойи ўтказилиб, унда ВАГПни Пролетар ёзувчилари уюшмасининг бутуниттифоқ бирлашмаси (ВОАГП)га айлантириш ҳамда Россия пролетар ёзувчилар уюшмаси (РАГП)ни тузиш ҳақидаги қарорга келинди. Шу вақтдан эътиборан ВАГП ўз мавқеини йўқотиб, пролетар адабиётига раҳбарлик жилови РАГП қўлига ўтди. РАГПчилар ўз қарорларини қабул қилмаган барча ёзувчиларга қарши курашиб, уларга “йўловчи” ёрлигини ёпиштира бошладилар. Улар ҳатто М.Горький ва В.Маяковскийни ҳам “йўловчи ёзувчилар”, деб эълон қилдилар.

РАГПнинг бутуниттифоқ пролетар адабиётидаги кундан-кунга ошиб бораётган мавқеини қўрган республика раҳбарияти 1930 йилда “Қизил қалам” жамиятини тутатиб, Ўзбекистон пролетар ёзувчилар уюшмаси (ЎзАГП) га пойдевор

қўйди. Умаржон Исмоилов бу янги ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланди. Шу вақтдан бошлаб РАППнинг Ўзбекистондаги издошлари рус оғаларининг ҳар бир ҳаракатидан ибрат олиб, завод ва фабрикалардаги “ижодий кучлар”дан пролетар ёзувчиларни етиширишга киришдилар. “Сельмаш” сингари завод ва фабрикалар қошида ишчилар учун адабий тўгараклар ташкил этилди. ЎзАПП ўз сафларидағи айрим ёшларни “ҳаёт мактаби”ни ўташ учун бу завод ва фабрикаларга ишга юборди. “Қизил қалам”нинг ғоявий хатоларини тузатиш баҳонаси билан адабий меросни ўрганишга қарши кураш бошланди. Пролетар ёзувчилари 1-бутуниттифоқ қурултойининг делегати бўлган ўзбек ёзувчи ва танқидчилари ўз ҳамкасбларини турли гурухларга ажратиб, “йўловчилар”ни ҳар томонлама сикув ва таъқиб остига ола бошладилар.

Шу йилларда ЎзАППнинг мафкуравий раҳбарларидан бири бўлган Сотти Ҳусайн дастур аҳамиятига эга бўлган бир мақоласида қаламкаш биродарларини гурух-гурухларга ажратиб, бундай ёзган эди:

“...Энди йўловчиларнинг кимлигини билиб қўяйлик.

Йўловчини белгилаганда, унинг табақаларга бўлининини кўзда тутишимиз лозим. Йўловчиларни ажратишда ҳозирча фақат мафкуравий ёқдан қараймиз, ҳозирги адабиётимизда ўнг бурилишдаги йўловчи Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпондир. Абдулла Қодирий ўнгчиликдан бир мунча қайтиб келмақдадир.

Фитрат, Чўлпонлар инқилоб бошига ўта ўнг эслар. Кеинин-кейин миллий бойлар томони енгилиши билан сўниб қолдилар. Сўнишлари табиий эди. Уларга бир чора инқилоб билан бирга бориб, ёзувчиликда кучланиш бўлса, иккинчи чора бутунлай сўнишдир...

Шокир Сулаймон, Элбек, Ойбек, Н.Раҳимиий сўллашмакда бўлган ёзувчилардир. Булар ичидан Шокир Сулаймон мафкуравий ёқдан ўсиб, сўллашиб келмоқда”.

РАПП билан ЎзАППнинг шу йиллардаги фаолиятини ўзаро қиёсласак, ажабтовур бир манзарани кўрамиз. Агар РАППчилар нафақат М.Горький ва В.Маяковский, балки А.Толстой, С.Есенин, С.Сергеев-Ценский, И.Эренбург, Л.Леонов, К.Федин ва бошқа рус ёзувчиларига ҳам шубҳа билан қараган бўлсалар, ЎзАППчилар ҳам шу даврдаги барча энг

истеъоддли ёзувчиларни бадном этмоқчи бўлдилар. Фитрат ва Чўлпонларга қарши 20-йилларнинг ўрталарида матбуотда бошланган кураш уларни адабиётдан сиқиб чиқариш билан тугади. ЎзАППчилар улар қаршисида матбуот ва нашриёт эшикларини ёпиб қўйдилар. Нафақат бу улуф ёзувчилар, балки адабиётда ўзига эндиғина ўрин ҳозирлаётган ёшлар шаънига ҳам бўлмағур гапларни айтдилар. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 5 июль сонида босилган мақола муаллифи Ойбекка мурожаат этиб: “...асарларингиздаги мағкуруни ленинчи комсомол номига жавоб берадиган вазиятга келтирсангиз, сизга – најот, бўлмаса – ҳалокат”, – деб ёзди. Элбек эса “йўлдан озган муртаг”, деб аталди. Оддий инсоний маданиятни унутган ЎзАППчиларнинг “фикр афкори” – “Қурилиш” журнали эса Навоий, Машраб, Турди, Муқимий ва бошқа мумтоз адабиётимиз намояндаларини “ҳозирги замон кемаси”дан улоқтириб ташлашга чақирди.

ЎзАППнинг шу йилларда олиб борган амалий фаолияти ҳақида қўйидаги фактлар ҳам аниқ тасаввур бериши мумкин: “Қурилиш” журналининг 1931 йил 3-сонида берилган маълумотда айтилишича, Ҳусайн Шамс ЎзАПП топшириғига кўра “Ишчилар кутубхонаси” учун 12 та асар ёзиб берган; ҳозир эса “Колхоз кутубхонаси” учун 3 та асар ёзмоқда. Агар бундай хабарларнинг шу йилларда Чўлпон ва Ойбекларга қарши олиб борилган ҳаракат билан қиёслайдиган бўлсак, ЎзАПП фаолиятидаги файримаданий ҳолат кўзга яна-да яққолроқ ташланиши мумкин.

Шу нарса ажабланарлики, агар биз 30-йиллар адабиётига назар ташласак, унинг энг яхши намуналарини на Ҳусайн Шамс сингари ЎзАПП ишончини қозонган ёзувчилар, на завод ва фабрикалардан адабиётта “кириб келган” Фиёс Соатий, Фатхулла Фулом, Солиҳ Собирий, Ҳошим Зоҳидов сингари қаламкашлар, балки “ўнг ва сўл йўловчилар” ёзганини кўрамиз. Қизиги шундаки, рус адабиётида ҳам пешонасига “йўловчи” тамғаси босилган ёзувчиларгина шу даврдаги энг машҳур асарларни яратганлар.

Шу тарзда пролетар адабиётини яратишга қаратилган уриниш пировардида сароб бўлиб чиқди; пролетар ёзувчилари уюшмаларининг фаолияти эса адабиётта фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирди.

**Ёзувчилар уюшмаси.** 30-йилларнинг бошларига келиб, собиқ иттифоқ, республика ва ҳатто вилоят миқёсидағи пролетар ёзувчилари уюшмаларининг адабий ҳаракатта салбий таъсир кўрсатаётгани кундек равshan бўлди. Партия, бир томондан, ўз мақсадига эришди: яхшими-ёмонми, талайги на пролетар ёзувчилари етишиб чиқди; завод ва фабрика-ларнинг дудини озми-кўпми симирган қаламкашлар ҳам пайдо бўлдилар; партия бу икки кучнинг ёрдами билан “буржua кайфияти”даги истеъодди адибларни жиловлаб олди. Лекин, иккинчи томондан, турли мавқедаги уюшмалар ҳатто бир-бирлари билан ҳам рақобатлашадиган, бир-бирларининг бурунларини қонатадиган гурухларга айланиб қолдилар. Шунинг учун ҳам ВКП(б) Марказкоми 1932 йил 23 апрелда “Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ пролетар ёзувчилари уюшмалари тарқатилиб, совет ҳокимиятини қўллаб-қувватловчи барча қалам аҳлини совет ёзувчиларининг ягона уюшмасига бирлаштириш вазифаси қўйилди.

9 май куни ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси мазкур қарорга асосланиб, “Ўрта Осиёда адабий-бадиий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида” қарор қабул қилди. 16 июнда Тошкент шаҳар совет ёзувчиларининг Самарқанд шаҳар ёзувчилари вакиллари билан биргаликдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг мазкур қарорини муҳокама қилишга баринанда. “Ўрта Осиё совет адабиёти” журнали муҳаррири Алексеевнинг кириш сўзидан кейин Садриддин Айнийнинг йиғилиш номига ёзган “адабий комбинатлар”ни ёқлаган хати ўқиб эшилтирилди: мунаққид Раҳмат Мажидий ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси қарори муносабати билан совет ёзувчилари ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Ушбу маъруза юзасидан бўлиб ўтган муҳокамада сўзга чиқсан нотиклар бюро қарорини қўллаб-қувватладилар. Йиғилиш сўнгидан Совет ёзувчилари иттифоқининг Раҳмат Мажидий раислигидаги ташкилий комитети сайланди. Комитеттага Ойдин (котиб), Зиё Саид, Голович, Ҳамид Олимжон, М.Усмонов, М.Алексеев, Элбек, Анқабой,Faфур Фулом ва З.Фатхуллин аъзо қилиб сайландилар

Шундан кейин янги адабий уюшма таъсис этилгунга қадар ЎзАПП муассислигига нашр этиб келинган “Қурилиш” жур-

нали тўхтатилиб, унинг ўрнига июнь-июль ойларидан бошлаб “Ўзбекистон шўро адабиёти” журнали (муҳаррири Р. Мажидий) чиқарила бошлади.

Шу йилнинг август ойида Москвада Совет ёзувчилари уюшмасининг М.Горький раислигида бутуниттифоқ ташкилий комитети тузилди. 50 кишидан иборат бу комитетга Ўзбекистондан М.Алексеев, Р.Мажидий, У.Исмоилов, Faфур Fuлом, Ойдин ва Садриддин Айнийлар киритилди.

1933 йил 22 февралда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси контибияти Ўрта Осиё ёзувчилар уюшмасининг ташкилий комитетини тузиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарорга биноан комитетга М.Алексеев – раис, Қосим Лоҳутий – раис ўринбосари, Р.Мажидий, С.Трегуб, Тошназаров ва А.Тоқомбоевлар раёсат аъзолари қилиб сайландилар.

Совет ёзувчилари уюшмасининг бутуниттифоқ, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ташкилий комитетлари тинимсиз равища турли пленум, йифилиш ва мунозаралар ўтказиб турди. Аммо СССР Ёзувчилар уюшмасининг низоми ва тузилмаси устидаги олиб борилган ишлар ўз вақтида тутгалланмаганлиги сабабли бу ташкилий комитетларнинг фаолияти узоқ давом этди.

Ниҳоят, 1934 йилнинг 7 март куни Ўзбекистон совет ёзувчиларининг I қурултойи ўз ишини бошлади. Ташкилий комитет раиси Р.Мажидий Ўзбекистондаги адабий ҳаракатни қайтадан қуриш якунлари ва галдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди. Зиё Саид драматургия, Анқабой ёш ёзувчилар билан ишлаш, Н.Сафаров Ёзувчилар уюшмасининг ташкилий масалалари бўйича қўшимча маърузалар билан чиқдилар. Қурултой 37 кишидан иборат Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкилий комитетини сайлади. 12 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг пленуми бўлиб, унда Р.Мажидий раёсат раиси этиб тасдиқланди.

Шу тарзда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вужудга келди.

Ўша йилнинг 17 августида совет ёзувчилари I Бутуниттифоқ қурултойи Москвада ўз ишини бошлади. Қурултой СССР Совет ёзувчилар уюшмасининг низомини ҳам қабул қилди. Унда, жумладан, совет адабиётининг ижодий методига оид бундай сўзлар битилган эди: “Социалистик реализм совет бадиий адабиёти ва адабий танқидининг асосий методи

бўлиб, санъаткордан воқеликни инқилобий тараққиётга ҳаққоний, тарихан аниқ тасвирлашни талаб этади. Айни пайтда воқеликни ҳаққоний ва тарихан аниқ бадиий тасвирлаш меҳнаткашларни социализм руҳига ғоявий қайта қуриш ва тарбиялаш вазифаси билан бирлашиши лозим”

Совет адабиётининг бу сўзларда ўз ифодасини топган методи адабиётимизни ўта сиёсатлаштириб, партияви йлаштириб юборди. Лекин шунга қарамай, 1934 йилдан кейинги адабиётимизнинг тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, катта ва чинакам истеъдоднинг, юқори адабий маҳоратнинг маҳсули бўлган кўпгина асарларнинг ҳам яратилганини кўрамиз. Ана шу асарларнинг майдонга келиши, неча-неча истеъдодли ёзувчилар авлодининг етишиб чиқиши, адабиётимизнинг янги адабий тур ва жанрлар, рус ва жаҳон ёзувчиларининг бадиий тажрибалари билан бойиши, адабий ҳаракатнинг эса мислсиз даражада ўсиб, халқ ҳаётига яқинлашишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳам хизмати каттадир.

# ИЖТИМОЙ СИЛСИЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ



ФАФУР ФУЛОМ  
(1903–1966)

Шеърият гулшани

XX аср ўзбек шеърияти тарихи саҳифаларини вараклар эканмиз, ҳар бир адабий даврнинг ўзига хос шеърияти бўлганлиги ва бу шеърият аввалги ва кейинги давр шеъриятларидан ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан ажralиб тургани аён бўлади.

Уруш даври шеъриятида соф лирика намуналарининг оз яратилгани бежиз эмас. Негаки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида нафақат совет давлати, балки миллионлаб кишилар ҳаёти ҳам тақдир тарозига қўйилган эди. Шундай вақтда шоирнинг шахсий дарду ҳасратлари шеърият учун муҳим ҳисобланмаган. Шеърият билан тарихий давр ўртасидаги бундай узвий алоқани кўрган ва сезган Faafur Fyulom ўз шеърлари билан уруш йилларида жабр-жафо чекаётган ҳалқ жароҳатларига малҳам бўлишга интилди. “Софиниш” шеърининг ҳужайраларидан ана шу малҳам зриб-оқиб туради.

“Faafur Fyulom поэзияси, – деб ёзган эди Асқад Мухтор, – янгроқ гражданлик пафоси билан бирга самимий инсоний ҳисларга шу қадар бойки, кўплар бу жиҳатни таҳлил қилиб ўтиришни ортиқча, деб биладилар... Faafur Fyulom поэзияси ширага тушган олмадек ҳис билан лиммо-лим. Жанговар гражданлик руҳи ва инсоний ҳислар бойлиги – бу катта поэтик талантнинг икки қудратли қанотидир. Унда ижтимоий салмоқ ва ҳиссий бойлик бир-бирининг манбаи, бир-бирининг давомидек юзага келади”.

“Кўнгил шеърияти” гуркираб камол топаётган ҳозирги даврда Асқад Мухторнинг бу сўзлари кимгадир эриш тую-

лиши, Faфур Fуломнинг биз тилга олган ва тилга олажагимиз шеърлари эса ўз умрини ўтаган бўлиб туюлиши мумкин. Агар шундай мезон билан ёндашсак, нафақат совет даври ўзбек шеърияти, балки мумтоз шеъриятимиз, шу жумладан, ҳазрат Навоий ижодининг баъзи бир намуналари ҳам ўз қимматини йўқотган бўлиб чиқадики, бу мутлақо хатодир.

Лекин Faфур Fуломнинг гражданлик рухи балқиб турган шеърларида бошқа бир қусур бор. Бу – совет даври “қадриятлар” и тасвирига катта ўрин ажратилганигири. Худди шундай қусур туфайли шоирнинг ҳатто айрим илиги тўқ шеърлари ҳам, сир эмас, дами чиқиб кетган ҳаво шарларидек бўшашиб қолган. Шу сабабдан биз ушбу мақолада ўз эътиборимизни Faфур Fуломнинг давр синовидан ўтган сара шеърларигагина қаратмоқдамиз.

Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан тугаши – ўтган асрнинг мунааввар тарихий воқеаларидан бири. Собиқ совет мамлакатида яшаган барча ҳалқлар шу улуғ кун умидида тўрт йил мобайнида барча азоб-уқубатлар, кўргиликлар ва мусибатларга дош бериб яшадилар. Шунинг учун ҳам Faфур Fулом шу даврда яратган аксар шеърлари бағрига фашизм устидан эришилган ғалаба нашидасини тилла кукунларидек сочиб юборган. Аммо шу билан бирга бу шеърларда мусибат оҳанглари ҳам йўқ эмас.

Халқ фронтнинг оловли сўқмоқларида қолган фарзандларини унутмаслиги лозим. Ғалаба, жумладан, ўзбек ҳалқига жуда қимматга тушган. Faфур Fулом буни яхши билади. Ғалаба шавқи билан яшаётган ҳалқقا назар ташлаб, шоир: “Орада кимлардир кўринмас..,” – дейди ва “Голиблар байрами” шеърида ҳалок булган жангчилар шаънига шон-шараф ўқиб, ёзади:

Шон ила шарафлар... Бали, интиқом  
Жаллодлар устидан ҳукмин юргизди.  
Эрк учун тўкилган ҳар бир қатра қон  
Саодат асрини барпо турғизди.

Ушбу сатрларда биз икки мавзуни – икки образни кўрамиз. Уларнинг бири эрк иккинчиси эса *саодат*dir. Faфур Fулом учун саодат – фашизм асоратидан холос бўлиш ва эмин-эркин нафас олиш. Шу маънода саодат – эркнинг олий нуқтаси ва тантанаси. Шоир ҳаттоки *бахт-саодат*

тушунчаларига ҳам ижтимоий маъно ва мазмун бағишила-  
ган.

Faфур Fулом назарида, Иккинчи жаҳон урушининг за-  
фарли якун топиши билан янги тарихий давр, янги замон  
бошланган эди. Юқорида келтирилган сатрларда у шу за-  
монни *саодат асри*, деб атаган.

Ана шу саодат асри Faфур Fулом учун кечаги жангчи-  
ларнинг она-Ватанларига ғолибона қайтиши билан бошлан-  
ган. Бошқа юртдошларимиз қатори, шоирнинг жияни Ҳами-  
дулла Xусанов ҳам урушдан омон-эсон қайтган.

Ҳамидулла ака ҳаётининг шу унутилмас кунини бундай  
эслаган:

“1945 йилнинг 3 сентябрь куни урушдан қайтиб, Тошкент  
тупроғига қадам қўйдим. Вокзалда ота-онам, Faфур акам,  
қариндош-уруғларим зўр қувонч билан кутиб олишди. Ора-  
дан кўп ўтмай, Faфур акам: “Бу кунларга ким етди-ю ким  
етмади, ғолибларни эъзозласак, шарафласак арзийди” – дея  
оиласизни Арпапоя кўчасидаги уйига чорлаб чақирдилар.  
(Ҳали у пайт ҳовлиниң кунгай, шимол томонидаги иморат  
солинмаган эди.) Ўша зиёфат асносида мен қўлимдаги со-  
атимни Faфур акамга совға қилдим. У киши мамнуният би-  
лан қабул этдилар-да, “Бунақа олтин соатлар биздака шоир  
одамларгагина ярашади. Ҳали сен ёшсан бунақа соат тақиши-  
га. Совға қилмаганингда барибир тушириб қўядинг”, дея  
ҳазиллашиб қўйдилар...”

Шу ўринда Ҳамидулла аканинг сўзларини бўлиш жоиз  
кўринади. Гап шуپдаки, душман собиқ совет мамлакатига  
бостириб кирганидан кейин хонадонлар борми, давлат му-  
зейлари ёки бошқа тарихий обидалар борми – ҳаммасини  
вайрон қилиб ташлаган. Уруш тутагач, бизнинг жангчила-  
римиз ҳам немис тупроғидан қуруқ қайтмаганлар. Ҳами-  
дулла Xусановнинг қўлидаги соат ҳам ўлжа соат эди.

Fафур Fулом А.Наумов билан қилган суҳбатида ўша соат  
воқеасини эслаб, бундай деган:

“Мен нималардир деб миннатдорчилек билдирган киши  
бўлдим, уни қўлимдан қўймаслигимни айтдим. Аммо менда  
жирканиш десаммикин ёки ирим десаммикан, қандайдир бир  
туйку бор эди: мен бу соатни бирорта фашист, бунинг ус-  
тига ўлган фашист тақъан бўлса керак, деб ўйладим...”

Ҳамидулла ака хотирасини давом эттириб, деган:

“Бу соат воқеаси “Вақт” шеърининг қоғозга тушишига бир турткى бўлди, холос. Шеърнинг ўзи эса Faфур акамда пишиб-етилиб турган эди, албатта”

Воқеанинг давомини яна Faфур Фуломнинг ўзидан эши-ting:

“Менда бирор фикр ҳали шакланиб ултурмаган эди – мен энди уни тақиб юришим мумкин эди, холос. Ва қайси бир зиёфатда – байрамлар кетма-кет ўтаётган эди ўшанда – қадаҳ сўзини айтар эканман, қўлимдаги ўлжа соат шунчаки соат эмас: у илгари душманга хизмат қилган эди, бугун бизни вақтимизни ҳисоблаб бермоқда, дедим. Ва шароб қўйилган пиёла билан жойимга чўкар эканман, бу у қадар баланд бўлмаган сўз орқасида оддий қадаҳ сўзига қараганда каттароқ маъно борлигини сездим... Бу, албатта, Вақт эди, қўлимдаги кичкина машина шу вақтнинг тимсолига айланган эди”.

Шундай қилиб, шоирга ўлжа соатнинг ҳадя этилиши “Вақт” шеърининг яратилишига сабабчи бўлди.

Ушбу шеър “Қизил Ўзбекистан” газетасининг 1945 йил 21 сентябрь сонида илк дафъа эълон қилинди. Шу вақтдан бери ушбу шеър ҳақида жуда кўп ёзилди. Унинг Faфур Фулом фалсафий шеъриятининг шоҳ намуналаридан бири эканлиги айтилди. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Аммо бу шеър ҳақида қанчалик кўп ёзилган бўлмасин, унинг шу вақтга қадар эскирмай, оҳорини тўқмай келиши, сир-синоати ҳамон очилмай қолмоқда.

Шеър марказида фақат бир образ бор – Вақт образи. Шеърнинг дастлабки уч бандида шоир шу Вақт атрофида фалсафий мулоҳазалар юритади. Шеърнинг биринчи бандида Вақт образини очишга қаратилган ғунча ва капалак “образчалари” тасвир ипига тортилади, сўнг капалак ёнига юлдуз, юлдуз бўлганда ҳам минг юлдуз “образча”си ёрдамга келади.

Вақт – бу бениҳоя қисқа, оний лаҳзадан асрларга қадар бўлган даврни ўз қамровига олади. Шоирнинг фикрига кўра, бир ғунчанинг очилиши учун зарур бўлган вақтда бир капалак ҳам туғилиб, ҳам ўлиши мумкин. Вақт – ҳам шундай қисқа, ҳам бениҳоя бепоён тушунча. Модомики, ғунча очилиши учун зарур бўлган вақт капалак умри учун ҳам, минг юлдузнинг сўниши учун ҳам етарли экан, демак, Вақтнинг ҳар бир зарраси ўз қимматига эга бўлиши лозим:

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтиндан тарозу олмосдан тош оз.  
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг  
Барини тутолмас айюҳаннос овоз.

Бу сатрларда, бир томондан, ҳар бир лаҳзанинг қиммати олтин билан белгиланиши қайд этилса, иккинчи томондан, нафақат секунднинг, балки умрнинг ҳам чопағон эканлиги катта шоирона маҳорат билан таъкидланади.

Faфур Гулом ана шу руҳдаги фалсафий мулоҳаза ва мушиҳадалардан кейин инсон ҳаёти тасвирига кўчади. Тўғрироғи, у инсон ҳаётининг фақат бир нуқтасига эътиборимизни жалб этади:

Йигит термулади қизнинг кўзига,  
Киприк сузилиши, майин табассум.  
Қўша қаримоққа муҳр бўлади  
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Инсон ҳаётининг ранг-баранг лавҳаларидан шоирнинг фақат шу манзарани танлаб олиши бежиз эмас. Негаки, бу манзарада биз зарҳал китобни, шоир айтмоқчи, яшаш дарвозасини кўз олдимизга келтирамиз. Бу шунчаки яшаш дарвозаси эмас, балки унинг орқасида катта ҳаёт, катта олам бор:

Яшаш дарвозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам.  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат.  
Фурсатдири қилувчи азиз, мукаррам.

Сўнгги сатрдаги фурсат сўзи туфайли яна соат милларининг товуши эшитилгандек бўлади. Шоир яшаш дарвозасининг орқасида кишиларни азиз ва мукаррам қилувчи икки нарсанинг — меҳнат ва муҳаббатнинг борлигини айтади. Тириклик ана шу икки нарсанинг мавжудлиги билан гўзалдир, деган фикр шу сатрлар оша яшил ёғду сочиб туради. Баъзи бир лирик чекиниш ёки тафсиллардан кейин шоир айтмоқчи бўлган ғоя қуидагича узил-кесил шаклланади:

Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

АгарFaфурFулом шеърнинг биринчи қисмида Вақт образини яратган ва унинг фалсафий қирраларини ёритган бўлса, иккинчи қисмида инсон ҳёти лавҳалари тасвир этила бошлаши билан Вақтнинг Инсондан четда эмаслиги маълум бўлади. Вақт ва Инсон ўзаро муносабатда намоён бўлади. Шоирнинг диққат марказида капалак ҳам, ҳатто юлдузлар ҳам эмас, балки Инсон турғанини ойдинлашади. Шоир ана шу Инсоннинг Вақт фарзандигина эмас, балки Вақт Ижодкори эканлигини ҳам чуқур ҳисқилади:

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Шеърнинг умумий мусиқасида ана шу даъват оҳангидек устуворлик қилган бўлса-да, у аслида Вақт ва Инсонга – Ижодкор ва Фолиб Инсонга, саодат асрининг бунёдкори бўлган инсонга гўзал мадҳия ўлароқ жаранглайди.

Fафур Fулом билан бир вақтда ўзбек шеъриятининг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода ва Собир Абдулла сингари машҳур намояндалари ҳам ижод қилдилар. Улар бир замонда, бир адабий муҳитда яшаб, ижод қилганинига қарамай, уларнинг бири иккинчисига мутлақо ўхшамайди.

Fафур Fулом, ўз моҳиятига кўра, лирик шоир. Аммо унинг шеърларидағи қарийб ҳар бир сатр эпик кенглиқка эга. Шоир турли тарихий воқеалар ва шахсларни шунчаки тилга олиб ўтган пайтларида ҳам китобхон бу воқеалар ва шахсларсиз шеърнинг ғоявий мазмуни ғариф бўлиб қолиши мумкинлигини сезади. Мақалан, ҳозиргина таҳдил этишга уринганимиз шеърда бундай сатрлар бор:

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек  
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.  
Кўпларнинг баҳтига, ўзликни жамлаб,  
Шу улуғ бинога бир фишт қўйсак, бас.

Герострат милоддан аввалги 356 йилда яшаган юнондири. Шуҳрат қозониш васвасасига чалинган бу зот ўзининг худбин мақсади йўлида Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонасида

насига ўт қўйган. Артемида Юнонистондаги машҳур маъбуналардан бири бўлиб, у турли даврларда турли соҳаларнинг ҳомийси сифатида танилган. Агар у энг қадимги даврларда ўсимликлар ва дов-дараҳтлар маъбудаси ҳисобланган бўлса, кейинчалик у ҳомиладорлик “соҳа”сига ҳам ҳомийлик қилган. Артемида ибодатхонаси бўлган ва Герострат ўт қўйган Эфес шаҳрининг аҳолиси эса унга ҳомиладорлик маъбудаси сифатида сифинган.

Юон мифологияси Римга муайян ўзгаришлар билан кўчиб ўтган. Жумладан, Артемида маъбудаси Римда Диана исми билан машҳур бўлган. Аникроғи, Артемида бу ерда ой маъбудаси Диана билан туташиб кетган.

Faфур Фулом ўз шеърида бор-йуғи шуҳрат қозониш учунгина Эфес шаҳридаги Артемида-Диана ибодатхонасига ўт қўйган Герострат номини бежиз тилга олмаган. У бу бадиий усулдан қўйидаги мақсадларда фойдаланган. Биринчидан, у айтмоқчики, тарихда ном қолдириш учун Геростратдек ибодатхонага ўт қўйиш шарт эмас, аксинча, бу, Худо ва инсоният олдидаги энг катта жиноятлардан биридир; шуҳрат қозониш ва тарихда қолиш учун эса инсон хайрли ишларни амалга ошириши, масалан, эркин ва баҳтли келажак биносига бир фишт қўйиши лозим. Бу фикр шеър матнига узвий равища сингдириб юборилган. Аммо шу билан бирга ушбу шеърда, хусусан, юқорида тилга олинган сатрларда тагмаъно ҳам йўқ эмас.

Гап шундаки (*иккинчидан*), шуҳрат қозониш учун жиноят йўлига кирган кимсалар орасида Нерон исмли император ҳам бўлган. У худбинона мақсади йўлида ўз ватани Римга ўт қўйган. Аммо Faфур Фулом “Вақт” шеърида Нерон эмас, балки Герострат номини тилга олган. Маълумки, гер немис тилида жаноб дегани. Faфур Фулом Герострат исми ёрдамида бизга Гитлерни эслатмоқчи, унинг фашизмоялари билан заҳарланган мақсади йўлида қанчадан-қанча мамлакатларни вайрон қилгани, қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқларни култепаларга айлантирганини ёдга солмоқчи бўлган.

Хуллас, шоир биргина Герострат исмини тилга олиш билан шеърда олға сурилган бунёдкорлик ва инсонпарварликояларининг янада бойиши ва ранг-баранг жилолар билан товланишига эришган.

Faфур Fулом шеърларини ўқир эканмиз, шоирнинг жаҳон халқлари тарихини яхши билганини доимо ҳис этиб турамиз. У шеър ёзаётган пайтида ўзига туртки берган нарса ё воқеадан бир зумда кўтарилиб, тасвир этилаётган воқеликка юксак бир нуқтадан туриб ёндашади. Бу нуқтада одатда шоирнинг мияси, ақл-заковати ҳаракатга келиб, соат механизмидек аниқ ва бетиним ишлаб туради. Бинобарин, шоирнинг фалсафий олами ўз шуълаларини худди шу нуқтада сочиб юборади.

“Йигитларга” шеъри 1946 йили “Вақт” билан бир даврда ёзилган.

Одатда, ҳамма халқлар ва ҳамма даврларда ҳам шоирлар қизлар тўғрисида ёзишган. Хотин-қизлар ҳамма даврларда шеъриятнинг бош қаҳрамонлари бўлишган. Бундан кейин ҳам шу анъана, албатта, давом этади.

Fафур Fуломнинг бу шеъри ёзилган вақтда йигитлар даҳшатли урушнинг қонли сўқмоқларида ўз ҳаётлари эвазига халқни қуллиқдан, мамлакатни эса вайрон ва пайҳон бўлишдан сақлаб қолишган, машаққатли ғалаба улар жасорати эвазига эришилган эди. Шунинг учун шоирнинг уруш йилларида ҳам, урушдан кейинги ҳали замбараклар наъраси ёддан кўтарилемаган даврда ҳам йигитларни шарафлаб шеърлар ёзиши табиийдир.

Шеър мумтоз адабиётдаги ҳамду санони эслатувчи бундай сатрлар билан бошланади:

Йигитлар халқларнинг мақтови-кўрки.  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Кўрамизки, шеърда бадиий тасвирнинг таъриф ва тавсиф усули устуворлик қилмоқда. Шеър бошдан-оёқ шу усул асосига қурилган. Шу усул устуворлик қилган шеърларда одатда поэтик тафаккур қушлари у қадар парвоз қила олмайди. Faфур Fулом буни яхши билгани ҳолда “Йигитларга” шеърида шу бадиий усулдан фойдаланишни лозим, деб топган. Бунинг сабаби шундаки, у ўз олдига йигитларнинг жамиятда тутган ўрнини, халқ тақдирида касб этган аҳамиятини очищдек муҳим ижтимоий вазифани қўйган. Шеърдаги йигитларни таъриф ва тавсиф этувчи сўзлар шунчаки

оддий, сийқаси чиққан чиройли сўзлар эмас. Аксинча, улар йигитлар образининг туб моҳиятини очувчи қалитсўзлардир.

Шоир давом этиб, ёзган:

Йигит қалқон бўлса, хавфу хатар йўқ.  
Қалқон бор: қалъа бут, қўргон саломат.  
Қизлар кулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Ушбу сатрларда йигитларнинг ҳалқ ва Ватанини ҳимоя этувчи бирдан-бир куч сифатидаги образи қалқон ташбеҳи ёрдамида катта поэтик қувват касб этганки, биз бу сатрларга келиб оддий тавсиф усулининг Faфур Гуломдек улкан шоирга ярамай ва ярашмай қолганини сезамиз. Шоирнинг поэтик тафаккури бу сатрларда бояги фалсафий фикрлар маскани – ёғдулар таратган чўққи сари парвоз қилгандек бўлади. Аслида, йигитларнинг ҳалқ ва мамлакат тақдиридаги роли шу сатрларда ўзининг тўла бадиий инъикосини топган; образнинг энг муҳим қирралари очилган. Шундай бўлгач, поэтик тафаккур, кўкка отилган мушак сингари, энди турли ранглар сочиб, ерга тўкила бошлайди. Бу, шубҳасиз, кишида бир оз нохуш кайфият, маъюсона туйғулар уйғотувчи ҳолат. Шунинг учун ҳам шоир шу ҳолатга монанд равища бундай кечинмага берилади:

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг  
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...

“Йигитларга” уруш жароҳатлари ва ғалаба нашидалари ҳали унут бўлмаган бир вақтда ёзилган. Шунинг учун ҳам шу фамгин кайфиятнинг шеър сатрларига кўз ёшлариdek тўкилиши табиий. Аммо шоир марсия эмас, мадҳия ёзмоқда. Унинг илҳомий ҳолатида тушкун бир руҳ эмас, балки гулгун туйғулар ҳукмрон. Шоир ана шу ҳолат тақозоси билан яна шеърнинг “пилиг”ини кўтариб юборади:

Расо қоматингиз бизга асадир,  
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир ўлимни юртдан кўчириб.  
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.  
Сиз ахир улуг юрт иқболи учун  
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Агар йигитлар образи шеърнинг даромад қисмида бир оз умумий режада тасвир этилган бўлса, энди у сатрдан-сатрга аниқлик касб этиб боради. Биз йигитлар образининг қайси макон ва замонда тасвир этилаётгани ҳақида аниқ ва ҳаққоний тасаввур ҳосил қиласиз. Faфур Fуломнинг поэтик тафаккури умумийлиқдан хусусийлик сари, конкретлик сари ҳаракат қилар экан, йигитлар образи қўйидагича ёрқинлик касб этиб, шоир ижодидаги энг баркамол қаҳрамонлар образи даражасига кўтарилади:

Лаънати галалар ердан суприлди  
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.  
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз  
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Сир эмас, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қардош ҳалқларнинг жанговар жасорати ва улар берган қурбонлар эвазига эришилган буюк ғалаба фақат бир кишининг номи билан боғланди. Faфур Fулом шеъриятида ҳам шахсга сифиниш даврининг ана шундай таъсири йўқ, эмас. Лекин таҳдил қилинаётган шеър шу маънода истиснодир. Faфур Fулом бу шеърда “лаънати галалар”нинг ер юзидан қувилиши ҳам, янги тарихий даврининг бошланиши ҳам йигитлар туфайли, кечаги жангчилар туфайли юз берганини айтмоқдаки, бу ўша давр шеърияти учун фоят муҳим ва жасоратли фикрdir.

Faфур Fулом шеърларини қалб “назар”идан ўтказар эканмиз, шоирнинг 40 – 50-йилларда ижодий камолот босқичига эришгани ва унинг ижод булоғидан худди шу даврда қўплаб сара шеърларнинг отилиб чиққанини кўрамиз. Унинг ижоди шу даврда шундай қайнаган эдики, у ҳатто бир кунда турли-туман мавзуларда бир неча шеърлар ёзган. Ва бу шеърлар чин маънода фафурона юксак шеърлар бўлган.

Камина шу ўринда Faфур Fулом билан, айниқса, ўша йилларда яқин бўлган Шукруллонинг қўйидаги хотирасини келтиришни истар эдим:

“Бир куни мен Faфур Fуломнинг уйига эрталаб барвақт келдим. У жуда барвақт турарди. Гоҳ қушлар сайроғи шоирни, гоҳ шоир шеъри билан қушларни уйғотарди. Кўпчилик шеърлари тонгда ёзиларди. Унинг ўз таъбирича, “Шеър тонгдек ёқимли бўлсин, тонгнинг нафасини уфуриб турсин”. Бу сўзини 1948 йилнинг апрелида эшишган эдим. Чойгача ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиридик. Гап орасида ҳазил тариқасида туш кўрганимни айтиб, таъбирини Faфур aka шу кунларда таҳрир этаётган ўз тўпламимни тезроқ тугаллашига йўйдим. Афсус, таъбир тўғри чиқмаги. Тўпламнинг таҳрири кейинга қолди. Туш сабаб бўлди-ю Faфур aka дарҳол “Шукруллонинг тушига таъбир” деган шеърини ёзишга кириши. Мана, шеър ҳам битди. Таажжуб, шу бугунги сухбатимиз қайси мавзуда бўлмасин, Faфур aka кетма-кет шеър қиласверди. “Москвич”, “Сиёҳдон”, “Қизимга”, “Гилам”, “Лолақизғалдоқ”, “Умр” (бу тўртлик тўпламларда йўқ, лекин мен ёд биламан) каби шеърлар бир кунда ёзилди. Мен ёзиб туришдан, Faфур aka қуйилиб келаётган шеърларни айтишдан чарчамасди. Буларнинг ҳар бири бир дунё эдики, назаримда, Faфур Fулом бу дунёнинг у бурчишдан-бу бурчига бир дақиқага сакрай оладиган кучга эга одамдек кўриниб кетгү”

Мазкур шеърларда намоён бўлган Faфур Fуломга хос бош хусусият шундаки, шоир қайси мавзуда шеър ёзмасин, қайси бир кичик нарса ёки ҳодисадан илҳом олмасин, у шу мавзу доирасидагина чекланиб қолмаган; уни ўзининг faфурона катта кўзлари билан кўрган, уни ўзининг фалсафий оламига олиб кирган, уни ўзининг бой билими ва ҳаётий тажрибаси асосида бойитиб юборган.

Бугунги ва келажак китобхон Faфур Fулом ва унинг тенгдошлари яшаган замонни нафақат ҳис қилишлари, балки тушунишлари ҳам осон эмас. Қарийб ҳар куни партиянинг бирор ҳужжати эълон қилинган, бирор йифилиши ўтказилиб турган даврда жамият шу қадар сиёсатлашиб кетган эдики, ҳатто шеъриятнинг ҳам фақат сиёсий лирика, минбар лирика, гражданлик лирикаси деган навларигина омон қолган эди. 1937 – 1938 йиллардаги қатағонга ҳамоҳанг равишда Ойбекнинг “Назъматак” сингари шеърлари “буржуа лирикаси” намуналари, деб эълон қилинди; табиат лирикаси, севги ва муҳаббат лирикаси шеърият бағридан юлиб таш-

ланди. Ўзбек шеъриятига “Туйгулар” ва “Кўнгил найлари” шеърий китоблари билан кириб келган Ойбек узоқ йиллар мобайнида қалбидаги нуқра туйгулар фавворасини яшириб юрди.

Нихоят, 60-йилларнинг бошларида сталинизмнинг чиркин сиёсатига зарба берилиши муносабати билан жамиятда янги шабадалар эса бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Ёзувчилар уюшмасида 1963 йил шеъриятининг муҳокамаси ўтказилди. Сўнг, оқшом чоғида мушоира бўлиб ўтди. Мушоирани Faфур Fuлом бошлаб берар экан, гўё шу йиллардаги ўзбек шеъриятининг байроқдори эмас, балки тетапоя қилаётган ёш шоирдек: “Ҳозир ўқийдиган шеърим лирикамикан”, — деб хотини Муҳаррам аяга бағишлиланган икки шеърини ўқиб берди. Биринчи шеър бундай сатрлар билан бошлиланган эди:

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,  
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?  
Ишқингда кезганим тонготарларни  
Ўраб олгандирсан, шу дурранг кўркам.

Бу шеър бошдан-оёқ соф лириканинг, унугилаёзган муҳаббат лирикасининг гўзал намунасиdir.

Ушбу шеърнинг ёзилишига Муҳаррама ая сочидағи оқ толаларнинг кўпайиши сабаб бўлган. Тўғрироғи, шоир худди шу нарсадан илҳомланган, туртки олган. Маълумки, сочнинг ёки соқолнинг оқариши умр кузининг келганидан нишона. “Соқол оқи ўлимга пешравдир”, — деган эди Навоий. Faфур Fuлом ҳаётбахш ғоялар куйчиси сифатида Муҳаррама ая соchlарида беғубор ва покиза тонглар рангини, тонг бўлганда ҳам ёр ишқида кезиниб чиққани Қўқон ва Тошкент тонгларининг рангини кўрган. Унинг шоирона хаёлига кўра, Муҳаррама ая ана шу тонгларни дурра қилиб ўраб олган. Ташибеҳнинг гўзаллиги ва ўзига хослигини қаранг-а!

Шеърни ўқишида давом этар эканмиз, шоир интим туйгуларини баён қилиш, вафонинг “оқ йўли”да босиб ўтилган “бекат”ларни эслаш орқали севимли ёр образини ёрқин гавдалантириб берганини кўрамиз. Шеър сўнгида у яна соч поэтик образига қайтиб, энди унга бутунлай янги маъно юклайди:

Менинг Мұхаррамим, шеърлар ёзиб,  
Күнглингни овламоқ ниятим эмас.  
Сочинг юлуғидан тузоқ боғлабон  
Қалбим бедонасин овлагансан, бас!

Ушбу шеърда Мұхаррама аяning шоир муҳаббатини қозонган, у билан бирга узоқ йиллар мобайнида “вафонинг оқ йули”ни босиб ўтган ва шоир кезинган тонготарларни кўркам дурра қилиб ўраб олган аёл сифатидаги образи фафурона маҳорат билан яратилибгина қолмай, шеърдан ишқий кезиндилар маскани – оппоқ тонготарларнинг майин уфори ҳам эсиб туради.

Мұхаррама аяга бағишлиңган иккинчи шеър, “Сочинг оқарибди” шеъридан фарқли ўлароқ, аruz вазнида ёзилган. Аммо биз қуйида бу шеърга ҳам, Fafur Fуломнинг 60-йилларга қадар ёзган бошқа машҳур шеърларига ҳам тўхталмоқчи эмасмиз. Негаки, бу шеърларни таҳдил этиш юқорида баён қилинган қайсиdir фикрларни такрорлашга олиб келиши мумкин. Аммо бу мулоҳаза Fafur Fуломнинг “Қозоқ элининг улуғ тўйи”, “Алишер”, “Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим”, “Алишер Навоий қабри устида” сингари ўнлаб шеърлари эътиборга лойик эмас, деган маънони мутлақо англатмайди.

Fafur Fулом Чўлпон ва Фитратлар фожиали тақдирининг гувоҳи сифатида улар ҳаётидан сабоқ олишга уринди. У ёзиши мумкин бўлган кўплаб мавзу ва масалаларни онгли равишда четлаб ўтди. “Fafurning ихтиёри ўзида эмас эди” – деган эди қаламкаш биродари ҳақида Мақсуд Шайхзода. Фақат Fafur Fулом эмас, Ойбек ҳам, Миртемир ҳам, Шайхзоданинг ўзи ҳам шундай қисматта гирифтор бўлган эдилар. Шунинг учун ҳам Fafur Fулом 60-йилларда эса бошлаган “янги ҳаёт” шабадасидан умидвор бўлди. Бунинг устига, у 1964 йилда, вафотидан атиги икки йил аввал орзу қилгани Афғонистонга бориб, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий қабрини зиёрат этиш шарафига эришди. “Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб, Мазоринг бошида турмақдадурман сарҳисоб айлаб...”, деб ёзди у Навоий қабрини зиёрат қилгандан сўнг.

Шу ўринда нима учундир каминанинг кўнгли Файзулла Хайруллаев исм-шарифли кишининг 1936 йилга оид бир хотирасидан лавҳа келтиришни тусаб қолди.

...Ўша йили август ойига, — деб ёзган эди у юқорида номи тилга олинган Ҳамидулла Хусановни назарда тутиб, Faфур ака мен билан Ҳамидулланы дам олиш куни Шивлидаги Ёзувчилар боғига олиб бордилар. Боғса шу куни ҳазрат Навоий түғилган кун муносабати билан ўтказиласиган юбилейга тайёргарлик кўрадиган комиссия мажлиси бўлиши керак эди. Мажлисга Тошкент, Хоразм, Қўқондан катта-кичик ёзувчилар йиғилган. Бое шундай обод эдик, қараб баҳри дилингиз очилар эди. Ҳар хил мевалар пишиб, тагига тўкилиб ётган эди. Боқقا кирганимизда, биринчи бўлиб кўзимиз хоразмлик Шерозий домлага тушди. У эса бир неча созандалар билан ёқимли куйни ижро этарди. Бонинг бир томонига катта биллиард қўйилган экан. Биллиарднинг таёқчаси ни ушлаган Усмон Носир ким биландир шар сурмоқда. Улар атрофини ёш ёзувчилар ўраб олган. Шукрулло, Рамз Бобоҷон, Шуҳрат, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, мен танимаган ёш ёзувчилар бор эди. Яна бир томонда, узун катта столда ёзувчи ва меҳмонлар шоҳмот суринмоқда эди. Яна бир улкан супанинг устига гиламлар тўшалган, шоҳи кўрпачалар ёзилган. Бу даврага Абдулла Қодирий, Чўлпон, Шайхзода, Уйғун, Фитрат, Миртемир, Назир Сафаров, Абдулла Қахҳор, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Faфур ака, Яшинлар сұхбатлашиб ўтиришар эди..."

Бу хотираада тилга олинган 1936 йилда ҳали Навоий юбилейини ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланмаган, бинобарин, ҳеч қандай комиссия ҳам тузилмаган. Шунга қарамай, модомики, шу куни Навоийга бағишлиланган гурунг бўлиб ўтган экан, унда Чўлпоннинг ҳам, Ойбекнинг ҳам, Faфур Ғуломнинг ҳам сўзлаган бўлиши эҳтимолдан узок эмас. Негаки, уларнинг қалби ўша йиллардаёқ Навоийга нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиром туйғулари билан тўла эди.

Навоий ҳаёти ва ижодига нисбатан ўша кезларда Faфур Ғуломда бошланган қизиқиши, улуғ шоир 500 йиллигининг зўр нишонланиши билан янада авж олди. Ниҳоят, у 1964 йил ноябрида Афғонистон сафарида бўлиб, Навоий номи билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат этгач, улуғ шоир ғазалига "тун била тонг" радиофли мухаммасини боғлади.

"Хазойин ул-маоний"нинг учинчи китоби — "Бадоеъ ул-васат"даги "тун била тонг" радиофли 363-ғазал бундай байтлар билан бошланган:

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун били тонг.

Фарид зулфу юз эрмас букун, жаҳон элига,  
Кўрунмамиш бу икканинг мисоли тун била тонг.

Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур  
Кўнгул аро юзу зулфинг хаёли тун била тонг...

Навоий ана шу тарзда лирик қаҳрамон билан ёр ўртаси-  
даги “тун била тонг”дек фарқли ҳолатларни тасбех донала-  
ридек бирма-бир санаб, уларни шеъриятнинг шоҳи ипига  
териб чиққан. Ва ана шу жараёнда жавобсиз севгини ҳар  
қандай изтиробларига қарамасдан баланд пардаларда куй-  
лаб, лирик қаҳрамоннинг ёрга бўлган муҳаббатини кўклар-  
га кўтарган. Навоий ишқий шеъриятига хос бўлган энг яхши  
хусусиятлар бу ғазалда ўзининг такрорланмас ва гўзал ифо-  
дасини топган. Навоий лирикасининг шоҳ намуналаридан  
бўлган бу ғазалга мухаммас боғлаш, шак-шубҳасиз, осон  
эмас эди. Шунга қарамай, Faфур Fулом Афғонистон сафа-  
ридан қайтгач, Навоийнинг лирик меросини мутолаа қилиш  
асносида худди шу ғазалга мухаммас боғлашни ўзига ният  
қилиб олган.

Маълумки, мухаммас боғловчи мухаммас боғланаётган  
ғазалнинг ҳар бир байтига уч мисра қўшади. Мухаммас ана  
шу уч мисра билан бошланади ва шу уч мисрада нафақат  
вазн, радиф ва қофия, балки мухаммас боғланаётган шоир-  
нинг тирик нафаси ҳам сақланиб қолиши лозим.

Faфур Fулом Навоий ғазалининг юқорида келтирилган  
матлаига бундай мисраларни қўшишни муносиб деб билган:

Менинг қарогиму онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг,  
Менинг куюқ маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг.  
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Кўрамизки, Faфур Fулом Навоий ғазалидаги мавзу, вазн  
ва қофия талабларига тўла риоя қилган ва ғазал матлаи  
билинг узвий алоқага кириша олувчи мисраларни яратади.

Faфур Fулом кейинги бандларда ғазалдаги лирик мавзуни Навоийга хос баланд маҳорат билан ёритишга киришиб, мухаммас боғланаётган ғазалнинг ич-ичига “сингиб” кетади:

Нечук тушунтира олдим буни гумон элига,  
Ҳамиша ишни қилувчи имтиҳон элига,,  
Ки бирни икки дейиб бўлмагай замон элига.,  
Фарид, зулфу юз эрмас букун жаҳон элига,  
Кўринмамиш бу икканинг мисоли тун била тонг.

Аруз гарчанд Faфур Fулом шеъриятида етакчи вазн тизими даражасига эришмаган бўлса-да, шоир мумтоз адабиётимиздаги бу асосий вазн табиатини жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам у ушбу мухаммасда улуғ Навоий билан шеърий баҳс юритиш ҳукуқига эга эканлигини намойиш қилган. Биз мухаммасни ўқишида давом этар эканмиз, унинг Навоий байтлари билан баравар шеърият уфорини таратувчи, Навоий ғазалида олға сурилган муҳаббат тароналарини баланд пардада давом эттирувчи асар ёзганига ишонч ҳосил қиласиз.

Навоий ижодининг моҳир тадқиқотчиларидан бири профессор Абдуқодир Ҳайитметов Faфур Fулом билан кўп мулоқотда бўлган. У атоқли шоирга бағишлиланган мақолаларидан бирида ундан эшиттан қуидағи мароқли воқеани ҳикоя қилган: “Faфур Fулом Умархон ва Нодира ҳаётлари, ижодлари билан бир умр қизиқди, ўрганди. Faфур Fулом Умархон шахсида ҳақиқий шоиртабиат инсонни кўрар, “Умархонга кимлардир шеър ёзиб берган!” деган фикрдан мутлақо узоқ эди. Faфур aka ҳикоя қилишича, кунларнинг бирида Умархон (Амирий) шеър ёзиш учун ўлтирган. Лекин ҳадеганда янги шеър ёзилавермаган. Умархон эса бу ахволдан ортиқча ранжимай, шоирона хаёл суреб ўлтиришда давом этган. Ogатда у шеър ёзаётганда бир канизак қиз олдига туриб, қамишқаламнинг учини майдага хас ва бошқа қуйқалардан тозалаб бериб туаркан. Хаёл асносига Умархоннинг кўзи канизак қизга тушади. У бир пайтда қаламнинг учини қошига тегизиб тозалаётган бўлади. Умархон бу манзарадан илжомланиб, қуираги матлаъни битган ва шеърни давом эттириб, тўла ғазал ҳолига келтирган экан:

Қошингга тегизмагил қаламни,  
Бир хат ила бузмагил рақамни...

*Буни ҳам Faфур Fuлом ана шундай чиройли ҳикоя килиб бердики, биз Умархондаги шоирлик назокатига қойил қолдик”*

Ушбу ҳикояни келтиришдан мақсад Faфур Fuломнинг нафақат мумтоз ўзбек шеъриятини, балки мумтоз шоирларимиз ҳаётини ҳам foят яхши билганлигини айтиштир. Шундай чукур билимга эга бўлган шоирнинг аruz вазнида кўплаб асарлар яратиши, чунончи, Навоий ва бошқа мумтоз шоирларга муҳаммас боғлаши мумкин эди. Аммо у ўзининг ўзбек адабиёти олдидаги бурчини давр билан ҳамқадам ва ҳалқ билан ҳамнафас бўлишда, ўзи нафас олаётган даврга муносабат билдиришда, ўзи яшаётган даврнинг бадиий йилнома-чиси бўлишда кўрди.



## АБДУЛЛА АЛАВИЙ (1903–1931)

### Ҳаёти ва ижоди садифалари

*Абдулла Алавий...* Бу ажойиб шоир ва нозиктаъб инсон ҳаётдан кўз юмганида, мен ҳали дунёга келмаган эдим. Лекин XX аср ўзбек шеърияти тарихини унча-мунча билганим ва ана шу шеъриятивимиз бўстонида Абдулла Алавийнинг ҳам бир нечта хушбўй ва хушранг гуллари борлигига амин бўлганим учун йиллар ўтган сайин унга бўлган меҳрим озаймай, аксинча, янги-янги жилвалар касб этиб борди. Бунга таниқли фольклоршунос олима ва шоира Музайяна Алавия билан тоғаси ҳақида қилган сұхбатларим, Чўлпоннинг унга бўлган муносабати-ю унга бағишланган шеърлари сабабчи бўлди, десам, хато бўлмас.

Одатда бевақт вафот этиб кетган, айниқса, вафотидан кейин миллатчига, аксилиниқилобчига чиқарилган илм-фан

ва маданият арбоблари ҳақида бирор тайинли маълумот, бирор ёзма ҳужжат қолмайди. Абдулла Алавий ана шундай кишилар тоифасидан. Бир томони, у ҳаддан зиёд камтарин ва маданиятли киши бўлгани учун на таржимаи ҳолини ёзиб қолдирган, на шеърларини бир ерга жамлаб улгурган. У ҳақда фақат адабиётшунос Мұхсин Зокиров томонидан нашрга тайёрланган ва “Тошкент оқшоми” газетасининг 1966 йил 28 ноябрь сонида эълон қилинган бир саҳифалик маълумотнома бор, холос. Мен Музайяна опадан Абдулла Алавий тўғрисида мукаммалроқ бир хотира ёзиб беришни қанчалик сўрамай, у мазкур газетада эълон қилинган хотирасига жузъий қўшимчаларнигина киритиб берган. Бинобарин, қуида адабиёт муҳлислари эътиборига ҳавола қилажагим аксар маълумотлар Музайяна опанинг хотиралари-ю М.Зокировнинг шоир ҳақидаги муҳтасар маълумотномасига асосланган.

Абдулла Алавий 1903 йили Тошкент вилоятининг Пискент туманига қарашли Мўминобод маҳалласида адабиёт ва санъатдан узоқ бўлмаган бир оиласда дунё юзини кўрди. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Қурара тизма тоғларининг этаклари ва Оҳангарон дарёси бўйларидағи қир-адирларда кечди. Қишлоқнинг қайрағочзор ва бутазор ерлари кўклам келиши билан қўзиқорин ва чамбичларга, Олмалиқ тоғлари ва теварак-атрофдаги адирлардан келтирилган қизил, тарғил, сариқ рангли лолалар билан тўлар, кейинчалик қишлоқ, аҳлиниг бутун умр бўйи ёдида қолган баҳор сайиллари шу яшил кенгликларда ўтказилар эди. Абдуллахон тоғ этакларида жойлашган қишлоқнинг ипак ҳавоси, шўх ва ўйноқи ариқларнинг шифобахш тароватини симириб ўсади. Унинг инсоний табиати ва сажияси ҳам боғдор қишлоқ табиатига эш ҳолда майин ва дилбар шакл-шамойил касб этиб борди.

Абдуллахоннинг отаси Ҳакимхон Алавий ерли-сувли дехқонлардан бўлиб, эрта баҳордан кеч кузга қадар боғдорчилик юмушлари билан шуғулланар, қиши кунлари эса ёр-биродарлари билан баёзлар ва жангномаларни ўқиб, илм-урфон ва адабиёт оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиб яшарди. Бўлажак шоирнинг онаси Ҳабибаҳон эса зийрак, донишманд ва тадбиркор аёл бўлгани учун қишлоқ аҳлиниг турли-туман кор-ҳолларида бирдан-бир беминнат

маслаҳатчи эди. Ана шу ўқимишли, шоиртабиат кишилар бағрида катта бўлган Абдуллахон болалик чоғларидан бошлаб Шарқ мумтоз ғазалиёти ва ҳалқ қўшиқларидан баҳраманд бўлиб ўсади.

Абдуллахон дастлаб мадрасада таҳсил қўриб, араб ва форс тилларидан сабоқ олади. Сўнг Марказий Россиядаги бой ва бадавлат ота-оналарини ташлаб, тақдир тақозоси билан шу ерга келиб қолган агроном Арсентьев ва врач Спиридонов-ларнинг маслаҳати билан рус-тузем мактабига ўқишига киради. Бу мактабда рус тили ва адабиётидан ташқари, француз ва лотин тилларини ҳам ўргана бошлайди. Ўтган асрнинг 20-йиллари аввалида Тошкентта келиб, таҳсилини давом эттиради. 1922 – 1923 йилларда эса Ленинградга ўқишига боради. Афсуски, биз ниҳоятда оз умр кўрган, ҳали ижодий имкониятлари тўла рўёбга чиқмай туриб ҳаётдан кўз юмган шоир тўғрисида етарли билимга, ҳатто унинг Тошкентдаги қайси билим юртида таҳсил кўрганлигига оид маълумотга ҳам эга эмасмиз. Аммо шу нарса аниқки, у Ленинградда таҳсил олиш билан бирга Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек тилидан машғулотлар ҳам олиб борди. Бу ерда рус шарқшунослик илмининг В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, К.Н. Юдахин сингари забардаст намояндалари билан яқиндан танишди. Рус фани ва маданиятининг машҳур марказларидан бирида яшаш Абдуллахон учун беиз кетмади.

Абдуллахон қанчалик билимли ва маданиятли бўлгани сайин эскилик билан янгилик ўртасидаги қизғин курашлар даври ундан, умуман, жамиятнинг илфор кишиларидан ошини ошаб, ёшини яшаган урф-одатларни ислоҳ этиш, янги тарихий давр билан ҳамқадам бўлишни тақозо этар эди.

*“Тоғам Абдулла Алавий жуда тараққийпарвар, хурофот, бидъатларга қарши, ортиқ даражада илм-маърифатга берилиган, жуда хассос, нозиктаъб, озода, юқори маданиятли йигит эзилар, – деб эслаган эди Музайяна Алавия. – Тоғамиз ёш бўлганларига учун биз уни “ака”, дер эзик. Отам бир оз мутаассиб бўлганларидан акам билан отамнинг фикрларидаги, қарашларидаги, ҳатти-ҳаракатларидаги зиддижат борган сари кучаяр, икки орага акам қаттиқ эзилар эзилар.*

Акам ҳар қандай қаршиликка қарамай, Тошкентга ўқишига кетиб, ҳар келганиларида менга турли газета-журналлар олиб келар, ўқиганларимни сўрар эдилар.

1922 – 23 йилларда Тошкентдан Ленинградга ўқишига кетиб, у ерда Шарқ тиллари институтидага ҳам ўқиб, ҳам ўзбек тили тарихидан дарс берганлар. Сил касалмигига чалингларидан кейин Кавказ томонларда кўп даволанардилар. 1922 йилларда ўқиши орқасидан узоқ шаҳарларга кетган Абдулла Алавийнинг Тошкентга ҳар келиши катта хурсандлик эди. Ўша вақтларда педагогларда ўқиб, муаллимлик қилаётган тенгкурлари, Пискентда яшовчи рус, татар, қозоқ яқинлари келиб, биз билан узоқ ўтиришга вақтлари ҳам бўлмас эди... ”

Музайяна опанинг сўзларини шу ерда бўлиб, бир масалага ойдинлик киритиш жоиз кўринади. Аввало шуни айтиш лозимки, олиманинг отаси Акмалхон Алавий ўз даврининг истеъоддли шоирларидан бўлган. У “Осий” тахаллуси билан кўплаб ажойиб ғазаллар битган. У совет ҳукумати амалга ошираётган аксар тадбирларнинг ҳалқ бошига фалокат тошлари бўлиб ёғилиши мумкинлигини яхши сезган. Акмалхон Алавий ҳатто Қудратулла Маҳзум ва Раҳимбобоевларнинг таклифига кўра ер-сув ислоҳоти бўйича тузилган комиссия аъзолари билан бирга ишлашига қаттиқ қаршилик кўрсатган. “Мол аччиғи – жон аччиғи. Ерлари тортиб олинаётган кишиларнинг ҳам ҳолини ўйла. Қарғаса нима бўлади? Тагин жувонмарг бўлиб юрма! ” – деб танбеҳ берган қайнинисига.

Музайяна опа давом этиб, ёзади:

“Абдуллахон акамнинг онаси (сўз ажойиб шоира Ҳабибахоним ҳақида бормоқда – Н.К.) – бувим оқила, фаросатли ва тадбирли хотин бўлиб, қизини эрга берадиган, ўғил уйлантирадиганларнинг яхши маслаҳатчиси, гапи ўтадиган обрўли эди. Маърифат деган хотин қизини ўқитувчилик қилиб юрган камбағал етимга сўраб совчи келганини айтиб маслаҳат сўраганига: “Тожинисо камбағал экан, деб ўлтирма. Қизинг илмсиз бойваччанинг кўйнига ётгандан кўра, илмли камбағалнинг оёғига ётгани яхши”, деб маслаҳат берганлари ҳамон қулогимда. Чиндан ҳам, шу қиз баҳтли бўлиб кетди. Фижим рўмолини орқага ташлаб очиқ юриши ҳамманинг ҳавасини келтирапди. Бу билимдон бувимиз кўп китоб ўқир, шоирлик табиати ҳам бор эди.

Абдулла Алавийнинг фақат бир опасигина бўлгани учун улар бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Мўътабархон – нозик табиатли, раҳмдиш, чумолига ҳам озор беришини истамайдиган опагинам – кўп шеърни ёд билар эдилар. Ўрни келганда айтилган гапни тасдиқлаш учун ишлатиб қўяр ҳам эдилар. Опамдан ҳам акамнинг ҳофиза қуввати кучли эди. Бу ҳақда дўстлари ўртасида қизиқ нақллар юрарди.

1927 йили педакадемияда доцент ва илмий-текшириш институтидага катта илмий ходим бўлиб ишлаб турганларида оиласизни Самарқандга кўчириб олиб келдилар. Акам курортга кетганларида бизга ҳам бир боғ олиб бериб, кўчириб қўйиб кетардилар. Акам курортдан келганларида боғимизга Самарқанддаги созандалар, Абдуқодир найчи, бир қанча бухоролик созандалар келар, айниқса, хоразмлик Матиосуф Харратов янги басталаган куйларидан чалиб берарди. Мақсад: хаста акамни хурсанд қилиш эди. Қизиқчи Ҳожи Сиддиқ, Миршоҳид Мироқиловлар ҳам келиб турардилар...

Самарқанднинг Янги Хайробод маҳалласида турганимизда бир куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Газет Маҳсум деган киши билан келиб, анча вақтгача гаплашиб ўлтириди. Дарвоқе, шу вақтда билимдон таржимон Санжар Сиддиқ, журналист Фози Юнус ҳам келишган эди. Мен ошни сузиб келтиргунимча меҳмонлар жуда кўп қаҳқаҳа отиб, кулишиб ўлтиридилар. Бу кулдираётган киши “Муштум”да ишловчи Фози Юнус экан.

Сира унутмайман: Оҳаклик ўйлидаги боғимизга эндиғина ўқишини битириб, Ленинграддан келган рассом Искандар Икромовни дўстлари бошлаб келдилар. Акам шу яқин орада шундай хурсанд бўлганмишлар-йўқми, билмайман. Бу санъаткорнинг яна бир санъати бор экан. Ҳали ёш Искандар оғзига гугурт чўпини қўйиб, ҳуштак қилиб, классик куйларни жуда ёқимли чалар экан. Акам мамнун бўлиб, таъсирилануб ўлтириар эдилар. Бир жойида бошларини кўтариб, санъаткорга қараган эдилар, у ҳам тўхтаб: “Янглишиб кетдим”, деди. Шоир Шокир Сулаймон билан Наим Саид акамнинг мусиқани нозик тушунишига таҳсин ўқидилар...”

Кези келганда айтиш лозимки, Абдулла Алавий жияни Музайяна опанинг фольклоршунос олима ва шоири бўлиб шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Музайяна ҳали Пискентда янги асрнинг талаб ва эҳтиёжларидан бехабар яшаб

юрган пайтларида турли газета ва журналларнигина эмас, балки глобус ва граммофон сингари техника мўъжизалари ни, ҳатто рус ва татар муаллималарини ҳам олиб келиб, жия-нининг илфор тенгдошлари қаторидан ўрин олиши ҳақида астойдил қайфурган. 1926 йили таътил кезларида Ленинграддан Пискентга келганида эса Оҳангарон дарёси бўйла-рида жойлашган Эвалак қишлоқлик Берди баҳшидан “Ал-помиш” достонининг бир лавҳасини ёзиб олиб, Музайяна-га ўқиб берган ва Тошкентта олиб бориб, ҳалқ ижодини тўплаш ишлари билан шуғулланаётган биродарларига беражагини айтган. Шунда Музайяна: “Ака, менинг ҳам эртак ва қўшиқ-ларни ёзиб юрган дафтарим бор. Шуни ҳам олиб кетмайсизми?” деб дафтарни тоғасига берган. Абдулла Авлоний жия-нидаги фольклорга бўлган майлни кўриб, рағбатлантирган.

Шу йили Самарқандда Манзура Собирова (Ойдин), Хо-сият Тиллахонова, Собира Холдорова сингари қизларнинг шеърларида иборат “Эрк қўйлари” деган тўплам нашр этил-ган эди. Абдулла Алавий Музайяна бу тўпламни берар экан: “Мана бу китобчадаги шеърларнинг муаллифи сенга ўхша-ган қизлар. Ўқиб кўр, балки бу шеърлар сенга ҳам маъқул бўлар”, деган. Музайяна тенгдошларининг қалб қўшиқла-рини ўқир экан, ўзида ҳам улардек шеър ёзиш ҳаваси уй-ғонади.

Иллар ўтган сайин тобора унтулиб бораётган бу шоир ҳақидаги маълумотлар оз бўлганлиги сабабли биз уни юқорида жияни Музайяна Алавия хотиралари орқали ва унинг тақдерида ўйнаган роли орқали эслашга уриндик. Афсуски, шоирнинг адабий ижоди қачон ва қандай бош-лангани, унинг мероси нимадан таркиб топгани ва бу ме-роснинг тақдери қандай кечгани тўғрисида бирор маълу-мот йўқ. Абдулла Алавийга вафотидан кейин “пантуркист ва миллиатчи шоир” деган тамға ёпиштирилганлиги учун унинг қўлёзма асаллари йўқотиб юборилган. Матбуотда эса унинг бор-йўғи 9 та шеъри ҳамда “Алифбо масаласини ҳал қилиш керак” (“Туркистон” газетаси, 1924 йил, 12 ноябрь), “Ҳалқ ашулалари бузилмасин” (“Қизил Ўзбекистон” газатеси, 1925 йил 12 январь), “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” (“Ер юзи” журнали, 1926 йил, 8–9, 10-сонлар) ва “Тилимиз тўғрисида бир-икки оғиз сўз” (“Аланга” журнали, 1928, 2-сон) мақолалари эълон қилинган. “Қизил Ўзбекистон” га-

зетасининг 1929 йил 17 май сонида эса Абдулла Алавий билан Наим Сайднинг “Ўзбек адабий тили ҳақида” деган илмий конференцияда қилган матьузалари босилган, холос. Унинг адабиёт назарияси (шеър техникаси) га доир рисоласи, “Хурросон хотиралари” мақоласи ва талай шеърлари қўлёзма ҳолида йўқолган.

Шоирнинг бизга маълум бўлган дастлабки шеъри 1922 иили “Маориф ва ўқитувчи” журналида чоп этилган бўлиб, “Англадим” деб аталади. Ўшбу шеър қуидаги сатрлар билан бошланади:

Ахтардим, ахтардим, ахтардим сени,  
Ерлардан, кўклардан, тоғлардан, чўллардан.  
Ахтардим, ахтардим, ахтардим сени,  
Тўлқинли дengизлар, сокин кўллардан!  
“Алла” деган куйлар, ширин сўзлар-ла  
Энг аввал бошимда кўриндинг. Кўрдим...  
Олтин табассумлар, қийроқ кўзлар-ла:  
“Юксал! Ахтар!” – дединг, ўрнимдан турдим.  
Умримнинг энг тиник, маъсум чоғидан  
Алдамчи кўзларнинг мафтуни бўлдим.  
Олтин табассуминг район боғидан  
Бир гул уздим, унинг мажнуни бўлдим.

XX аср бошларида дунёга келган бошқа биронта шоир 20-йиллар тонгида зариф туйгуларини Абдулла Алавийдек юксак шоирона маҳорат билан ифодалай олмаган, десак хато бўлмайди.

Ушбу шеърнинг лирик қахрамони нимани ахтармоқда? Онаними? ““Алла” деган куйлар, ширин сўзлар-ла Энг аввал бошимда кўриндинг. Кўрқдим...” сатрларини ўқиган кишида шундай тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Аммо: “Олтин табассуминг район боғидан Бир гул уздим, унинг мажнуни бўлдим” сатрлари-чи, улар кимга қаратилган? Ўша онагами?... Келинг, яхшиси, шеърнинг кейинги дилбар сатрларини ҳам ўқиб кўрайлик:

У кундан йўл солдим сени сўроқлаб,  
Ахтардим, изладим, ҳар қайси ердан.  
Ишқинг гули кўлда, бағримни доғлаб,  
Ўсанмай: “Қайдасан? Қайси диёрдан?”

Гўдаклик чоғимда қидирдим сени  
Таҳурнинг титраган нозик куйидан.  
Йигитлик кунимда чорладинг мени  
Гул танли қизларнинг ниҳол бўйидан.

Топмадим унда ҳам, яна югурдим  
Хаёл гулшанингга самандар каби....

Лирик қаҳрамоннинг оташин ишқини қозонган ким бўлди экан? Агар у она бўлса, лирик қаҳрамон нега уни Робин-дранат Тагор (Таҳур)нинг “титраган нозик куйи”дан ахтармоқда? У нега лирик қаҳрамонни “гул танли қизларнинг ниҳол бўйи”дан чорламоқда?...

Шеърни ўқиганингиз сайин шоирни қуршаган лирик туйгулар қалавасига тобора ўралашиб қоласиз. Сиз ҳам лирик қаҳрамонга қўшилиб, у излаётган рўёни ахтара бошлайсиз. У билан бирга умидланиб, у билан бирга саробланасиз:

Изладим, қидирдим, топмадим дарак,  
Нақадар югурсам, тинмай елсам-да:  
Қуёшни қутлашиб чинор-ла терак  
Кулганда ахтардим, йўқинг билсам-да...

Изладим, ахтардим, топмадим сира.  
Излашда кўзимнинг зиёси кетди.  
Зиёдан каттароқ юз милён марта  
Қалбимнинг сафвати, жилоси кетди...

Бу сатрларни ўқир экансиз, лирик қаҳрамоннинг нафақат меҳр-муҳаббати, балки бутун борлигини банд этган ва у ахтараётган нарса мустамлакага айланган, бошқалар эга чиққан, бошқалар ўзини ҳам, халқини ҳам вайрон этгани учун ҳатто таниш-да маҳол бўлиб қолган она-Ватан, мустақиллик экани ойдинлашгандек бўлади. Абдулла Алавий Фитрат ва Чўлпон сингари дилидаги жароҳат сабабларини ошкор этмайди, балки ахтариш мавзуи, ахтариш мотиви орқали мустақил Ватанини бутун вужуди билан қўмсаётганини жўшқин сатрлар орқали ифодалайди.

Шубҳасиз, шоир 1922 – 1927 йиллар орасида ҳам лирик туйфу ва кечинмалар тасвиридан иборат шеърлар ёзган бўлиши мумкин. Нозиктаъб ва нуктадон шоирнинг, айниқса, Ленинградда кечирган ёлғизлик йилларида лирик хаёллар

оғушыда яшамаганлигига ишониш қийин. Лекин у азбаройи камтарлиги туфайли на бу шеърларни Тошкентдаги газета ва журналларга юборган, на бирор дафтартарга жамлашни ўйлаган. Шунинг оқибатида биз Абдулла Алавийнинг фақат 1927 – 1928 йилларда асосан Ялта ва Арслонбобда, хасталик пайтида ёзган ҳамда дўстлари туфайли “Маориф ва ўқитувчи” журналида босилган шеърларигагина эгамиз, холос.

Абдулла Алавийнинг “Карвон” шърида (1927) Ялта оқшомларида шоирни қуршаган кечинмалар тасвири устуворлик қиласди. Шоир карвон босиб ўтаётган йўлни тасвирлаб туриб, ўзига-ўзи бундай савол беради:

Кўп кунлар йўл юрдик кўзлаб манзилни,  
Билмаймиз манзилга етар кун борми?  
“Севгилим шунда”, деб титратиб дилни,  
Кездим... Бу йўлга ҳам етар кун борми?

Манзилим қаерда? Ўзим хабарсиз,  
Билмайин кетдим мен карвон-ла оқиб.  
“Унда – у манзилда мен севдигим қиз”, –  
Деган хаёл билан уфққа боқиб...

Шоирнинг бу сатрларида чўлпонона рух, чўлпонона аро-  
сат туйфуси ҳайқириб туради. Аммо у Чўлпон сингари найқа-  
лам шоиргина эмас, балки устозига нисбатан некбин ва ран-  
гин туйгулар рассоми ҳамдир. Мана, қаранг юқорида ифо-  
даланган туйгулардан кейин уни қандай кечинмалар ўз  
оғушига тортади:

Қоронғу кечанинг юмшоқ бағрида  
Юлдузлар эртагин тинглаб йўл кездим.  
Саҳарнинг маъноли у оқ бағрида  
Сабонинг нашъали бўясасин сездим.

Лекин Абдулла Алавий, айрим қаламкаш биродарлари сингари, шеърни некбин ғоявий мазмун билан, яланғоч ҳаёт-севарлик пафоси билан тутатмайди. Балки бизни бир оз ўйлашга мажбур этади:

Кун қизиди. Чўлнинг қуми қайнар чоғ –  
Яқин келди. Йўл кетаман мен ҳамон.  
Яқин келди самум йили ёнар чоғ,  
Манзил ортда қолди... Тўхта, эй карвон!

Бу сатрлардан қандай оҳанглар эшитилмоқда – ҳаётдан, жамият етиб келган манзилдан мамнун шоир қалбининг садоларими ёки бедаво дардга чалингган шоир рубобининг мунгли ёлворишларими? Балки у ҳам, бу ҳам эмасдир?..

Шеърни шеър қилувчи ҳоллардан бири ҳам шунда – уни турлича талқин этиш мумкинлигида.

Шоирнинг “Эркин сахоб (оқ булат)” шеъри 1927 йил 19 марта Ялтада ёзилган. Ленинграднинг нам ҳавосини симириб, сил касаллигига йўлиққан шоир ёр-биродарларининг хатларини интиқлик билан кутаётган кезларида Самарқанддан бир хат олади. Унда паранжи-сачвоннинг ташланаётгани, хотин-қизларнинг мажлисларда эркаклар билан бара-вар иштирок этишаётгани ҳақида ҳам икки оғиз сўз бўлиб, у худди шу сўзлардан мутаассир бўлади. Негаки, паранжи хотин-қизларнинг инон-эркини қафас янглиғ ўраб олиб, нафақат улар ижодий имкониятлари ва истеъдодларининг барқ уришига монелик қилган, балки инсоний ҳақ-ҳуқуқларининг ҳам поймол бўлишига шароит яратган эди. Паранжини ташлаш хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдан ўрин олиши, ҳақ-ҳуқуқларининг тикланиши, истеъдодларининг гуллаши, деган гап эди. Шунинг учун ҳам Абдулла Алавий мазкур хабардан илҳомланиб, ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида расм бўлганидек, икки қисмдан иборат шеър ёзади ва шеърнинг ўтмишни тасвирловчи қисмида мавзуни бундай бадиий образлар ёрдамида ёритади:

Қоронғу даҳшатли кечанинг қўйнида  
Кўмилмишди нозик оқ булат.  
Зулматдан кишанлар у нафис бўйнида  
Бўғар эди: “Ҳаққинг, – деб, – унут!”

“Унугтил “мен”лигинг, унугтил барчасин,  
Эсдан чиқар ўйноқ кунингни.  
Баҳорнинг шамоли белингдан қучмасин,  
Титратмасин нафис танингни...”

20 – 30-йилларда хотин-қизлар озодлиги мавзуига бағишлиаб ёзилган юзлаб шеърлар орасида бадииятнинг ҳарир либосига ўранган бундай шеърлар жуда-жуда оз. Абдулла Алавий ҳатто ана шу сийқаланган мавзуда ҳам китобхоннинг дил торларини ўйнатиб юборадиган шеър ёза олган. Шеър

сатрлари оша юксалиб борган оқ булат хотин-қизлар обра-  
зига, абадий гүзгиллик ва эркинлик образига айланиб боради:

“Сен менга туткунсан, сен менга ўлжасан,  
Чиқараман деб эркка, ўйлама.  
Зулматдан сен учун бичганман кафан,  
Кун нуридан кўйлак сайлама!

Бу кафан ичида сув бўлиб эрирсан,  
Зулмат каби қора тус олиб.  
Бўларсан мендайин эзгучи бир туман,  
Қуёш нурин тўсгил тўр солиб...”

Шундайин сўз билан қўрқитиб сўкарди  
Жаллод каби манфур қора куч.  
Оқ булат индамай ёшин тўкарди,  
Кўтармасдан бошин сира ҳеч...

Шеърнинг сўнгги сатрларида хотин-қизлар озодлиги мав-  
зуининг оқ булат образи ёрдамида ёритилиш сабаблари ман-  
тиқан асослаб берилган. Бу мантиқ шеърнинг иккинчи қис-  
мида янада гўзал бадиий қиёфа касб этиб боради.

Шеър зулмат қўйнидан халос бўлган хотин-қизларни  
кўриб беҳад қувонган оқ булат тасвири билан тугайди:

Булутнинг кўзлари шодлиқдан ёшланди,  
Қизил нурга юзи кўмилди.  
Эртанинг балқиган кўлига ташланди,  
Қуёш сочиган сувда чўмилди.

Шу сўнгги сатрлардаги бадиият гавҳарларига эътибор  
беринг-а. Нақадар ҳассослик билан терилган марварид до-  
налари! Шоир: “Булутнинг кўзлари ёшланди”, деб ёмғир-  
нинг бошланишини эмас, шафақ нурларининг булаттга қизил  
ёмғир ўлароқ сочилишини тасвир этмоқда. Шоир талқини-  
даги булат юз ва кўзларига эга бўлибгина қолмай, балки  
кўлнинг қуёшдан сочилган сувида ҳам чўмилади. Аксар шо-  
ирларга қуёшнинг ботишини англатгани учун мунг, маъюс-  
лик ва ҳазинлик рамзи бўлган шафақ Абдулла Алавий тал-  
қинида эртанги куннинг муждаси ўлароқ намоён бўлади.  
Шоир банднинг биринчи сатрини 12, иккинчи сатрини эса  
9 ҳижолик вазнда ёзиши билан шеърга ўзгача бир жозиба  
ва ўйноқи оҳанг бағишилаган. Шеърнинг на мусиқий тасви-

ри, на образли тафаккури ва на луғати – сўзлар тизмасида архаизм унсурлари бор.

Абдулла Алавийнинг Қора дengиз соҳилларида ёзилган, Тифлис оқшомлари нашъаси билан тўйинган ёки Арслон-бобнинг шаффоф ҳавосини симирган шеърлари шу қадар гўзал ва ҳар жиҳатдан баркамолки, улкан шоирдан фақат ўнга яқин шеърнингтина қолганига афсусланасан, киши. Аммо шуниси ҳам борки, бу шеърларнинг барчаси ўзбек шеъриятининг олтин хазинасини безайдиган дуру гавҳарлардир.

Музайяна Алавиянинг айтишича, Нева дарёси ғалаён кўтарган 1926 йил баҳорида Ленинградга машҳур шарқшунос олим Фуод Кўпрулузода ташриф буюрган. Ленинграддан қайтиб кетаётганида Абдулла Алавий меҳмонни ҳурмат юзасидан вокзалга қадар кузатиб чиққан. Шоир шу куни ҳам шимол ёмғири, ҳам тошқин оқибатлари орасида шамоллаб, сил касалига мубтало бўлган. 1927 – 1929 йилларда у Қора дengиз бўйларидаши шифогоҳларга бориб, у ерда ойлаб даволанганди.

Аммо Абдулла Алавийнинг 1929 йил 7 январь куни Ялтада ёзган “Йўловчи” шеъри унинг сиҳат-саломатлиги ҳаддан зиёд оғирлашганидан шаҳодат беради. Шоирнинг бу сўнгги шеърида бундай сатрлар ҳам бор:

Кечмишнинг ботқоғи  
Бор кучимни олган,  
Ёлғиз суратим қолган.  
Шунинг-чун  
Ҳар тўсиқ  
Бир ўқ  
Бўлиб менга қадалар...

1929 йилнинг ёзида Боту, бошига маломат тошлари ёғилиб тургани учун, хотини Валентина Васильеванинг ёлғиз ўзини Қримга дам олгани юборган. Валентина Петровна “Ўзбекистон” санаторийсига етиб келгач, Абдулла Алавийнинг неча ойдан бери шу масканда даволанаётганидан дарак топган. Улар баъзан-баъзан, шоир ўзини ҳийла яхши сезган кезларда санаторийнинг рақс майдонида кўришиб турганлар. Шундай кунларнинг бирида Тошкентдан Валентина Петровнанинг эри, оташин ўзбек шоири Ботунинг қамоқقا олингани ҳақида хабар келади. Рақс майдонининг бир чеккаси-

да ўтирган шоир бу даҳшатли хабардан ларзага тушиб, ҳатто оғир хаста эканлигини ҳам унугтади-да, оркестрдан “Лезгинка”ни чалишни сўрайди ва устидаги хасталик либосини улоқтириб, рақсга тушиб кетади. Бу қувонч ва шодлик рақси эмас, алам ва қайғу рақси, Ференц Листнинг “Мефистовальси” сингари оташин рақс эди. Музика тутар-тутамас шоир ҳолдан тойиб йиқилади.

Шундан кейин уни даволашнинг фойдасиз экани маълум бўлади. Ўн бир ойлик даволанишдан кейин Абдулла Алавий Самарқандга қайтиб келади. Уни дўстлари Санжар Сиддиқ билан Искандар Икромов уйига суюб олиб кирадилар.

Абдулла Алавий Самарқанддаги хастахонада тўққиз кун ётиб, 1931 йил 8 январда вафот этади. Самарқанд улуғ шоир ва улуғ бир инсоннинг вафот эттанини қарийб сезмайди. Уни бор-йўғи бир неча кишигина сўнгти манзилга кузатиб қўяди.

9 январь куни эрталаб фотиҳага келган Чўлпон марҳум дўсти хотирасига тиловат қилгач, кечагина Абдулла Алавий ётган хонага кириб, унинг суратини қўлига олади. Нималардир унинг хаёлидан ўтадию, сўнг секин суратни ўтириб, орқа тарафига титроқ қўллари билан шу сатрларни ёзади:

*“Абдулла Алавий абадий уйқуга кетди.*

Эй улвий йўлдошим, юмшоқ тилингни  
Ўлимнинг омонисиз панжаси олди.

Мен сендан айрилдим. Шу ондан бошлаб  
Тилимда сўз деган нарса йўқолди.

У юмшоқ тилингда у юмшоқ сўзлар...  
Шулар эмасмиди кўпни банд этган?  
Демак, эй йўлдошим, қора ерларга  
Ширин сўзларингнинг Лайлоси кетган.

Дедим-ку, тилим йўқ! Бу сўзсиз тилим  
Теваси йўқолган бадавий бўлди.  
Менинг тилим эмас, бутун бир элнинг  
Мулойим шеваси ерга қўмилди.

Сен тилга ипақдек кўйлак кийгиздинг...  
Кўй, дўстим, у кўйлак битмасдан қолди.  
Мен сендан айрилдим. Шу ондан бошлаб  
Айрилиқ тилимга калолат солди.

*Абадий дўстинг:  
Абдулҳамид Сулаймон. 9.1.1931 й.*

Орадан бир неча кун ўтгач, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг бир чеккасида ўзбек шеърияти тарихида бир умрга қолган шоирнинг вафот этгани ҳақида қуйидаги хабар босилиб чиқади: “Шоир ва адабиётшунос Абдулла Алавий вафот этди”

## Илова ўрнида

Ўтган асрнинг 90-йилларида Абдулла Алавийнинг 90-йиллигига бағишлиланган кўрсатувни ёзиб олиш учун телестудия ходимлари билан бирга шоирнинг жияни Музайяна Алавия яшаган хонадонга борган эдик. Шунда Абдулла Алавийнинг яқин қариндошлардан бири Рашодхон aka тоғасининг но маълум бир шеърини менга ўқиб берган. Унда бундай сатрлар бор эди:

Гул ва булбул билан баҳорлар ўтар,  
Ёз ўтар, куз ўтар, қора қиши кетар.  
Ҳеч нарса абадий қолмас жаҳона,  
Ёлғиз эсдаликлар сақлар замона.

Менимча, бу сатрларда баён қилинган ҳақиқат, биринчи навбатда, Абдулла Алавийнинг ўзига тааллуклидир.

## БОТУ (1904–1937)

### Ҳаёти ва ижоди саҳифалари

Шоирнинг ҳаёт йўли. Ўтган асрнинг 20-йилларида Боту тахалуси билан ижод қилган Маҳмуд Ҳодиев 1904 йил 16 майда Тошкент шаҳрида дунёга келди.

“Боту бўзчи оиласига дунёга келган, – деб ёзади шоирни яхши билган замондошларидан бири Лазиз Азиззода. – ...Отаси Мақсуд Ҳодиев катта илм эгаси бўлмаса-да, улкан қалб эгаси эди, тараққийпарвар ёшлар ва олимлар билан доимо му-



носабатда бўлиб, ҳамиша газета ва журналларни қўлидан қўймасди. Саррожлик касбини ҳам яхши биларди”.

Ботунинг хотини Валентина Васильева берган маълумотга кўра, Мақсуд ака ўттиз ёшида халол меҳнати билан топган маблағи ҳисобига Тўхта исмли Бешоғоч даҳалик ўн уч яшар қизга уйланган. Эр билан хотиннинг ёши ўртасидаги фарқ катта бўлгани сабабли улар бир-бирларини яхши тушунмаганлар. Шунинг учун ҳам Тўхтахон ўз қалбининг барча нозик туйғуларини ўн тўрт ёшида кўргани Маҳмудга бағишлаган, уни оқ ювиб, оқ тараган.

Маҳмуднинг болалиги Шайхонтаҳур даҳасидаги Қатортерак маҳалласининг тор кўчаларида кечди. У қиши кунларида маҳалла болалари билан гурпанглашиб, турли ўйинлар билан машғул бўлар, баҳор келиши билан кўм-кўк ўт-ўланлар ва лолақизғалдоқлар билан тўла томларда варрак учирар эди. Аммо унинг энг севган машғулоти онасидан чўпчак ва эртаклар, ажабтовур воқеаларни тинглаш эди. Маҳмуд беш ёшга кирганида Тоҳир ва Зухра эртагини ёд олиб, ўзи ҳам онасига қўшилиб айтадиган бўлди. Олти ёшида эса эски мактабга бориб, хат-савод чиқарди.

ХХ аср, дengiz сингари, тўлқинлананаётган пайт эди. Кўп ўтмай, Биринчи жаҳон уруши бошланди. Урушнинг момогулдиракли акс-садолари Туркистонга қадар етиб келди. Туркистон аталмиш кеманинг руслар томонидан бошқарилаетгани оддий кишилар ҳаётига ҳам ўз таҳририни киритди. Мақсуд ака замонасининг шайхонтаҳурлик илғор кишилигига яқин бўлгани учун тўнғич фарзандини рус-тузем мактабига ўқишига берди. Боту русчага унча-мунча тушунадиган, рус тилида чиққан “Самарканд” сингари газеталарни бинойидек ўқийдиган бўлди.

Биринчи жаҳон урушида чор Россиясининг танг аҳволга тушиб қолиши ва шу муносабат билан мардикорликка олиш ҳақидаги фармоннинг эълон қилиниши Туркистон халқарини жунбишга келтирди. Туркистон халқ қўзғолонларининг ўтли ҳалқасидан иборат ўлкага айланди. Халқнинг норозилик кайфияти билан йўғрилган ҳаракати шафқатсизлик билан бостирилди. Жабрдийда халқ ҳали эс-хушини йиғиб ҳам олмаган эдики, 1917 йил Февраль инқилоби содир бўлди.

Турли сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг, занжир ҳалқалари ўлароқ, кетма-кет келиши ижтимоий ҳаётдан узокда

яшаётган ёшларнинг сиёсий кураш майдони сари интилишига сабаб бўлди. Боту 1918 йилда “Ватан” мактаби қошида Саид Аҳорорий ташаббуси билан ташкил этилган “Изчи” тўдасининг, 1919 – 1921 йилларда эса Фитрат ташаббуси билан тузилган “Чигатой гурунги” ташкилотининг фаолиятида иштирок этди. Ўзбекистонга турк зобитлари қаторида келган Саид Аҳорорийнинг ҳам, Фитратнинг ҳам ўз ташкилотларини тузишдан мақсади ёшларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларини шакллантириш эди. Боту шу даврда, айниқса, Фитрат таъсирида бўлиб, устози муҳаррирлик қилган “Тонг” журналининг нашр этилишига котиб сифатида ҳисса қўйди.

Шу мураккаб тарихий даврда Боту сингари илфор ёшларни ўз таъсири доирасига тортмоқчи ва келажакда улардан сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган бошқа кучлар ҳам йўқ эмас эди. Шундай кучлар туфайли Боту 1921 йилда “Фарғона” газетасига муҳаррир этиб тайинланади, 1922 йилда эса Москвага, Покровский номидаги институт қошидаги ишчилар факультетига ўқишга юборилади. Боту ўқишини тутатгач, 1923 – 1927 йиллар мобайнида 1-Москва Давлат университети ижтимоий факультетининг иқтисод бўлимида таҳсил кўради.

Фалакнинг гардиши билан шу йилларда Фитрат ва Чўлпон ҳам Москвага бориб қолган, уларнинг бири Жонли Шарқ тиллари институтида, иккинчиси эса Ўзбек драма студиясида ишлаётган эдилар. Боту Москвадаги қайноқ, сиёсий-ижтимоий ҳаётда нафас олиш билан бирга бу устозларининг таъсири доирасида ҳам яшади.

Боту Москвада таҳсил кўрган йилларида отаси Мақсуд aka хасталикка чалинади. Тўнгич фарзанд бўлгани учун Боту Москвадаги Бухоро маориф уйида фаолият олиб бориб, Маориф институтида дарс бериб, баъзи бир рисолаларни таржима қилиб, топган қўшимча пулинни ота-онасига мунтазам равишда юбориб туради.

Ботунинг 1923 йилдан кейинги қувонч ва изтиробларга тўла ҳаёти Валентина Петровна Васильева номи билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина 1904 йили Курск вилоятида туғилган, 1922 йили Москва Давлат университетига ўқишга боришидан аввал эса Ашхобод шаҳрига кўчиб бориб, ёшлар ташкилотида ишла-

ган эди. 1923 йили совет давлати комсомол аъзолари сафидан маданият ва халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш шиорини ўртага ташлайди. Ва Валентина беш нафар тенгдоши билан бирга Москвага ўқишига боради. У университетга ўқишига кирганининг дастлабки ойларида ўқув юртидаги жамоат ташкилотларининг бирида иттифоқо Боту билан учрашиб қолади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижод завқи билан яшагани учун адабий мавзуларда баҳслашадиган, бир-бирларининг ижод намуналари билан танишадиган бўлишди.

Шу йилларда Москва ва Ленинградга ўқишига борган аксар ўзбекистонлик ёшлар юпун кийинганларни ва аёзли рус қишига кўниkmаганлари сабабли турли хасталикларга дучор бўлганлар. Оғир хасталикка чалинган Боту таътил кунларида Валентина билан Тошкентта келган ва ота-онасиmallасоч қизни хушмуомалалик билан қарши олганига қарамай, шифокорларнинг тавсиясига биноан, тез орада Кримга йўл олган.

“Боту дengизни кўриб, foят завқланиб кетди, – деб эслаган эди В.П.Васильева. – Dengiz уни шлҳомлантириб юборди. У қирғоқдаги тош устида ўтириб, тўлқинлар шовқинига қулоқ солган ҳолда шеърлар ёзди. Ba тез-тез: “Нақадар гўзал-а, бу дengиз!” – деб қўярди.

Биз тоғга сайр қилдик. У Крим тоғларини Фарғона ва Чимён тоғлари билан қиёслаб: “Бизнинг тоғларимиз ҳам чакки эмас. Шундай жойларимиз борки, улар гўзалликда Кримдан ўзса ўзадики, ундан асло қолишмайди! ” - деди...

У Ўзбекистоннинг келажаги ҳақидаги, ўзбек халқининг бошқа илғор халқлар қатори маърифатли ва маданиятли бўлиши, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда маданият ўчоқлари бўлиши ҳақидаги орзуларини изҳор қилди... ”

Боту назарида, ўзбек халқининг тараққий эттан халқлар қаторидан ўрин олишининг муҳим шартларидан бири бошқа илғор халқларга, биринчи навбатда, рус халқига яқинлашиш, унинг маданий, илмий ва техник салоҳиятидан баҳраманд бўлиш эди. Унинг 1924 йили Валентинага уйланишида шоир шуурига, балки, шундай фикр-мулоҳаза ҳарорат бағишлигандир.

20-йилларнинг ўрталарида Москва ва Ленинград сингари шаҳарларда ўқиб келган ёшлар кўп бўлмаган. Шунинг

учун ҳам нафақат ота-оналари, балки ҳамشاҳарлари, ҳатто бутун Ўзбекистон уларни интиқлик ва катта умидлар билан кутиб олган.

Боту Тошкентга олий маълумотли иқтисодчи дипломи билан қайтиб келгач, 1927 йил январида Ўзбекистон К(б)П Марказий Қўмитасида инструктор лавозимида қисқа муддат хизмат қилди. Сўнг Марказқўмнинг матбуот бўлимига мудир этиб белгиланди. 1928 йил январида эса Самарқанд округ партия ташкилоти тарғибот ва ташвиқот бўлимига мудир этиб тайинланди. Боту мазкур бўлимнинг мудири сифатида хотин-қизлар озодлиги масалаларига катта эътибор берди; “Аланга” ёшлар журналини ташкил этиб, унинг биринчи муҳаррири бўлди; шунингдек, “Қизил қалам” адабий уюшмасининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида адабий жараёнда фаол иштирок этди.

Шу йилларда республика раҳбарларининг умид кўзи Ботуга қаратилган эди. Улар Ботуни партиявий ишларда обдан пишишиб, сўнг республика миқёсидағи юқори мартабаларга кўтариш ниятида эдилар. Унинг 1929 йил 28 августда ҳалқ маорифи комиссари ўринbosари этиб тайинланиши ҳам шу мақсаддаги дастлабки қадамлардан эди.

**Боту ижодий ва ижтимоий фаолиятига чизгилар.** Ботунинг илк шеъри 1919 йилда ёзилган. Бўлажак шоир шу вақтда эндиғина ўн беш ёшга қадам қўйган эди. Шундан кейин унинг вақтли матбуот саҳифаларида бир неча шеърлари эълон қилинди. 1922 йилда эса “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламида Фитрат, Чўлпон, Элбек шеърлари билан бирга улар издоши бўлган Ботунинг ҳам дастлабки шеърлари нашр этилди. Фитрат ва Чўлпонларнинг ёш шоирни ўз баърларига олишларида катта ҳикмат бор эди. Улар шу йўл билан ҳам Ботуни ўз таъсир доираларида ушлаб турмоқчи, уни ўз маслаклари руҳида тарбияламоқчи эдилар. Ёш шоир ижодининг дастлабки даврида адабий устозларига манзур бўла оладиган, ҳам янги тарихий давр руҳи билан тўйинган шеърлар ёзди. 1925 или “Умид учқунлари”, 1929 или эса “Тўлқин товушлари” тўпламларининг нашр этилиши билан Боту ўзбек ёшларининг энг севимли шоирлари қаторидан ўрин эгаллади:

Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш кучлар излайман.  
Ортга тортганга ҳадям — тош,  
Ҳар чоқ мен илгари ундайман.

“Ўзбек қизига” шеъридан олинган бу сатрларда Ботунинг шу йиллардаги ижодий дастури, дунёқарашининг асосий йўналиши ўз ифодасини топган. Чиндан ҳам, жамият шу йилларда ўзгариб бораётган, янгилик билан эскилик ўртасида жадид зиёлилари туфайли бошланган кураш янги тарихий шароитда давом этаётган эди. Модомики, ёшлар янгиликни<sup>1</sup> нафақат тарафдори, балки, энг аввало, яратувчиси сифатида дунёга келар эканлар, Боту ҳам ўз асарлари билан ана шу ёшлар ҳәтига кириб бормоқчи, уларга ўз орзу ва интилишларини юқтироқчи ва шу йўл билан янгиликнинг фалаба қозонишига ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлди.

Ботунинг шу йилларда ёзган шеърларидан бири С. исмли қизга бағишлиланган. “Севган қиз” деб номланган ва 1928 йилда ёзилган бу шеър бундай сочма сатрлар билан бошланади:

У севади...

У алангали севгини кўнглида ўстиради, яшнатади.

У чиндан севади...

Унинг севгиси хаёлларни эзади, у дам азобдан, дам роҳатдан безади. Бироқ у ҳар дам севги аллаларини сезади... Унинг қулоқларига ҳар вақт эшитилган:

- Севгисиз яшаш яшаш эмасдир...
- Балиқ сувсиз, кўнгил севгисиз яшолмас...
- Севмоқ ва севилмоқ — буюк саодат...

У бунга губорсиз ишончларини бағишилаган...

Бу ҳаяжон шаробини симирган сатрлар ўзбек саҳнасининг бўлажак юлдузи Сора Эшонтўраевага бағишлиланган. В.П.Васильеванинг айтишича, Боту ҳатто Сора опа тўғрисида достон ҳам ёзмоқчи бўлган. Эҳтимол ҳозиргина келтирганимиз сатрлар шу достоннинг дебочасидандир...

Сора Эшонтўраева Боту ижодининг тадқиқотчиларидан бири Бобохон Шариповга шоир ҳақидаги хотираларини сўзлаб, бундай деган:

“Мен Боту билан илк бор 1925 йилда учрашган эдим. Бу вақтда мен 14 яшарлик қизча бўлиб, Зебунисо номли мак-

табда ўқир, ҳаваскорлар тўғарагига қатнашар эдим. Ўша иили Москвага Ўзбек драмстудиясига ўқишига иккита йўлланма берилди. Шу йўлланмалардан бирини гастлаб менга бериши, аммо кейинчалик ёшим етмаганилиги сабабли мени қолдирадиган бўлишди. Шунда бу ишга Боту аралаши. У мени билар эканми ёки эшишган эканми, хуллас, ўртага тушиб, ҳатто Маориф ҳалқ комиссарлигигача бориб, ўша йўлланмани менга тўғрилаб берди. Ўзи бош бўлиб, мени ва Турсуной Саидазимовани Москвага бошлаб олиб борди. Биз у ерга ўқиб, санъат сирларини ўргандик”.

Боту 1928 иили юқорида тилга олинган шеърини ёзганида ўзи Москвага олиб борган 14 яшар қизалоқ студияни тутатиб, театр санъати сирларини эгаллаб, ўзбек профессионал театрнинг илк қадирғочларидан бири бўлиб она юртига қайтган ва Сора Эшонтўраева исми билан театр мухлислари даврасида ҳурмат қозона бошлаган эди. Бу, Ботулар, қолаверса, Чўлпон ва Фитратлар орзу қилган келажакнинг аён мевалари эди. Шундай бўлгач, Ботунинг янги даврни куйлаши табиий эди. Бинобарин, у шу даврни жўшиб куйлашга киришди. Унинг шоирик нигоҳи янги Сорахонлар туғилажак, янги ҳаёт чечаклари бўй чўзажак кунларга – келажакка қаратилди.

Боту шеърлар билан бир қаторда достонлар, ҳикоялар ва мақолалар ҳам ёзди. “Ҳайит ҳаром бўлди”, “Тоғ қизи” ва “Йўл” қиссаларини ёзишга киришди. Айни пайтда тил ва имло масалаларига фаол аралаши, араб ёзувидан лотин ёзувига ўтишнинг илмий-назарий жиҳатларига катта эътибор бериб, қатор мақолаларни эълон қилди. 1928 иилда тузилган Янги алифбо Марказий Қўмитаси ҳайъати аъзоси сифатида Боку ва Махачқалъада бўлиб ўтган йиғилишларда иштирок этди.

Гарчанд мавзуга алоқадор бўлмаса-да, камина, хонаси келганда, архив ҳужжатларидан топилган бир маълумотни ошкор қилишни истар эдим. Ботунинг маориф соҳасидаги биродарларидан бири – Қамчинбек (Абдулла Гайнуллин) тергов пайтида бундай маълумотни берган: У (яъни Қамчинбек) 1929 йилнинг июнь ойида Махачқалъада янги турк алифбосига бағишлиланган илмий анжуманда Боту билан учрашиб қолади. Маълум бўлишича, Боту бу анжуманга Боку шаҳридан келган ва озар диёрида бўлган вақтида ўзбекистонлик

талабаларнинг мушкул бир аҳволда яшаётганидан хабар топиб, улар билан учрашган ва улар шароитини тубдан яхшилаш учун барча чора ва тадбирларни кўриб келган экан.

Бу вақтда шоир сифатида шухрат қозона бошлаган, маданият арбоби сифатида “Аланга” журнали ва “Қизил қалам” уюшмасини ташкил этган, жамоат арбоби сифатида мактаб ва маориф соҳасида ислоҳот ишларини олиб борган, лотин ёзувига ўтишнинг илмий-назарий муаммолари билан қизғин шуғуланаётган Боту эндиғина йигирма беш ёшга тўлган эди.

Боту Маориф халқ комиссарлигида узоқ вақт ишламади. Аммо у қисқа вақт ичида маориф тизимини биринчи навбатда юқори малакали педагоглар билан таъминлаш, кекса педагоглардан мақсадли фойдаланиш, ҳунар-техника билим юртлари сони ва сифатини оширишга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, маориф тизимини бутунлай ислоҳ этишга киришди. Педагогика фанлари номзоди Йўлдош Аблуллаев берган маълумотга қараганда, Боту Ўзбекистонда ўқитувчилар учун махсус газета нашр қилишнинг ташаббускори бўлган. 1930 йил 14 майда Боту раислигида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида “Қизил Ўзбекистон” ва “Узбекистанская правда” газеталарига илова тарзида ўқитувчилар учун варақалар чиқариш масаласи муҳокамага қўйилган ва бу ташаббус маъқулланган. Шундан кейин ўқитувчилар учун “Маданий инқилоб” (ҳозирги “Маърифат”) номи билан махсус газета нашр этила бошлаган.

**Боту сиймосига чизгилар.** Ўтган асрнинг бошларида дунёга келиб, ҳаёти совет ҳокимияти йилларида кечган ва шу туфайли совет-партия идораларида хизмат қилган кишилар маълум маънода мустабид тузумга хизмат қилган бўлишлари мумкин. Аммо бундай кишиларнинг айни пайдада халқ ва мамлакат манфаатларини ҳам ёддан чиқармаганлари сир эмас. Шунинг учун уларнинг фожиали ҳаёти ва тақдирига хайриҳоҳлик билан қарав лозим бўлади.

Қатағон даврининг аччиқ тузини тутган, умрининг қарийб чорак асрини азобгоҳларда кечирган Лазиз Азиззода Боту ҳақидаги хотираларида бундай самимий сўзларни ёзган:

“Ботунинг руҳига зариф бир туйғу, нозик ҳис, одамийлик бор эди. Халққа хизмат қилиш ғояси унинг миясидан

кенг ўрин олганди. У роҳатни, завқни меҳнаткашларга хизмат қилишдан олган. Табиатга руҳ билан эмас, кўз билан қараган. У кенг манглай, кучли иродали, азим бўлиши билан бирга самимий, ...ўзига хос ажиб бир шахс эди. У ёшлик чоғиданоқ жамоат ишларига жўшқин муҳаббат билан киришига тездан жамоат арбоблари қаторидан ўзига муносиб ўрин эгалаги. Шунинг учундирки, мен Ботунинг сиймосида гуомо бир инсоний севги ва фидойишик сезардим”

Мен Лазиз Азиззоданинг Боту ҳақидаги бу дил сўзларини келтирас эканман, ундаги бир иборани қисқартиришмай иложим бўлмади. Бу, Ботунинг коммунизмга ишонгани ҳақидаги жумладир. Боту ва унинг аксар замондошлири совет давлати раҳбарларининг коммунизм ҳақидаги афсоналарига астойдил ишонгандар. Бу раҳбарларнинг бепоён мамлакатда яшовчи халқларни тарихнинг боши берк кўчаларига олиб бораётгани уларнинг ҳаттохи тушига ҳам кирмаган.

30-йилларда Йўқсил тахаллуси билан унча-мунча шеърлар ёзган Баҳром Иброҳимов Боту ҳақида қизиқ бир воқеани ҳикоя қилган: Улар мактаб ва болалар уйларини текшириш учун Самарқанддан Тошкентга келгандаридан Боту бир бола билан танишган. Боту болалар уйида тарбияланатётган бу боланинг илк шеърларини эшишиб, уларни ўзи муҳаррирлик қилган “Аланга” журналида эълон қилган. Кейинчалик ўзбек шоирлари даврасидан муносиб ўрин эгалаган бу боланинг исми Ҳасан Пўлатдир.

Боту ана шу тарзда бир неча истеъдодли ёшларнинг ўзбек адабиёти ва санъатига кириб келишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳимжон Отажоновнинг Боту ҳақидаги хотираларида ҳам эътиборли жиҳатлар оз эмас. У таниқли шоир билан бўлган учрашувларини бундай эслаган:

“Юзларидан самимият барқ уриб турган йигитча 1921 йилнинг баҳорида Таълим ва тарбия техникумига кириб келди. Бу ўша йили Фарғона вилоят газетаси – “Фарғона”га муҳаррир бўлиб келган Маҳмуд Ҳодиев – Боту экан. Табиаттан серҳаракат йигитчани менга ўшанга Қори ака (сўз Т.А. Қори-Ниёзий ҳақида бормоқда. – Н.К.) таниширгандилар. Маълум бўлишича, Боту энсигина ўн етти ёшга тўлган, унинг фикрлаш қобилияти кенг, рус тилига чечан

эди. Ўша куни Боту газетага обуна масаласида маслаҳатлашиш учун келган экан.

Боту “муаллим”, “иншоомло” сўзларини кўп ишлатар экан. Кексайиб қолган ота-онасини ташлаб, вилоятма-вилоят кўчиб юриш ҳам жонига теккан эди. Бир тумандан иккинчи туманга, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш учун пиёда узоқ ўйл босиш осон эмас эди, ўшанда. Шунда ҳам у умидсизланмас, нурли кунларнинг келишига ишонар эди. Баъзан-баъзан: “Ҳа, майли, бу қийинчилклар ҳам ўтиб кетар, ҳукумат Туркия билан Олмониядан машина сотиб олиш ҳақида музокара олиб боряпти, келиб қолар”, дега ўзига ҳам, бизга ҳам тасами берар эди.

Ботуни охирги марта 1930 йилнинг 5 майида Фарғонада кўрганман. Ҳозирги Фарғона Давлат университети мен мудир бўлиб ишлаган Таълим ва тарбия техникуми базасида ташкил топган. Ўша куни Боту Маориф халқ комиссари-нинг ўринbosари сифатида Фарғонада педагогика олий ўқув юртини очиш учун келган эди. Институтнинг очилишига бағишиланган танланали кеча Зобитлар уйи биносида бўлиб ўтди. Боту Ўзбекистон ҳукуматининг Фарғона педагогика институтини очиш тўғрисидаги қарорини ўқиб, катта нутқ ёзлади. Залда ўтирганлар унинг нутқини қарсаклар билан бўлиб турдилар. Боту йиғилиш охирига кўпчиликнинг таклифи билан “Фарғона ёшларига” деган шеърини ўқиб берди”:

Фарғонанинг етим-есир, дардли йўқсил ёшлари,  
“Юртимизнинг кўп баҳоли тупроқлари, тошлари  
Бир неча йил қон эмди”, деб бўлманг сира умидсиз.  
Умидсизлик йўқликларга йўл бошлайдир, шубҳасиз.  
Илгарига югурингиз, юксалингиз, учингиз!  
Қарши чиқса тоғни янчинг таңда боркан кучингиз!

Юқорида номи тилга олинган Қамчинбек (Абдулла Гай-нуллин) 1930 йил 18 октябрь куни бўлиб ўтган терговда Боту ҳақида бундай кўрсатмани берган:

“Боту Ҳодиев билан танишишим 1922-24 йилларда Москвада ўқиган пайтимга тўғри келади. Шу вақтда Москвада таҳсил кўраётган туркестонлик талабалар иккى лагерга – ўртоқ Сталин номидаги Шарқ халқлари коммунистик уни-

верситетида ўқиётган талабалар бир лагерга, бошқа ўкув юртларида таҳсил олаётган талабалар эса иккинчи лагерга ажralиб чиққан эдилар. Мен коммунистик университетда ўқип эдим, шунинг учун дастлаб шу университет талабалари даврасига, кейин матбуотда ўзбек ёшларининг Германияга ўқишга юборилишига қарши мақола билан чиқдим. Мақолам чоп этилганидан кейин талабаларнинг ҳар иккала қисмида узоқ вақт муҳокама қилинди. Кунларнинг бирисида Боту билан учрашиб қолдим, шунда у гўё менинг яхши ўйланмай ёзилган мақолам Туркистан ёшларининг тараққиёти ишига катта зарар келтиришини айтди... ”

Тергов материалларига қараганда, Қамчинбек ўша кезларда Москвада яшаган Фитрат шаънига ҳам ножӯя сўзларни айтган. Боту унинг матбуотда эълон қилган мақоласидан ҳам, Фитратга нисбатан шаккоклик қилганидан ҳам қаттиқ ранжиган.

Замондошларнинг бундай хотираларини кўплаб келтириш мумкин. Улар Ботунинг ҳар томонлама гўзал, меҳрибон, жонкуяр, ташкилотчи, иродали, бир сўзли инсон бўлганидан далолат беради.

**Ботунинг қамоқقا олиниши.** Андижон вилояти халқ маориф бўлими мудири Носир Саидов 1930 йил 23 июнь куни Самарқанддан поездда кела туриб, Тошкент вокзалида тушган ва акаси Обид Саидов билан дийдорлашгач, яна Андижонга, бола-чақаси бағрига қайтмоқчи бўлган. Аммо шу куни унинг режаси бузилиб, кимлар билан қарашнига келиб қолган. Улар кечқурун уй бекаси тайёрлаган лафмонни пок-покиза тушириб, узоқ сухбатдан сўнг уйқуга кетганлар. Аммо кўп ўтмай, Обид Саидов безовталаниб, пировардида вафот этган.

Носир шубҳа найзаси ўзига келиб санчилмаслиги учун мурдани суд-тиббиёт текширувидан ўтказишларини талаб қиласиди. Биринчи текшириш натижада бермайди. Иккинчи текширишда марҳумнинг ошқозон ва ичак деворчаларида заҳар излари борлиги маълум бўлади. Обид Саидов ГПУ айғоқчиси бўлгани ва Ўзбекистон Олий Суди раиси Саъдулла Қосимов устидан ўтказилган суд жараёнида бир гурӯҳ зиёлилар ва давлат арбобларининг босмачилар билан алоқада бўлганликларини фош этганлиги учун унинг ўлимига сиё-

сий тус берилади. Текшир-текшир натижасида Маориф халқ комиссарлиги тизимидағи 20 кишидан иборат гурух қамоққа олинади. Улар Обид Саидовни ўлдириш мақсадида Самарқандда тузилган яширин аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида айбланадилар. 1930 йил 23 июль куни навбат Ботуга келади ва унга Маориф халқ комиссарлигидаги аксилинқилобчи ва миллатчилар гуруҳининг раҳбари деган жиҳдий айб қўйилади.

Бу, 30-йиллар аввалида тайёрлана бошлаган катта қаттафоннинг репетицияси эди. Шунинг учун ҳам маҳбуслар Москвага олиб кетилиб, Бутиръка қамоқхонасида сўроқ қилинади. 1933 йил 31 март куни бўлиб ўтган судда Боту ўлим жазосига ҳукм қилинади, сўнгра бу жазо 10 йиллик қамоқ муддати билан алмаштирилади ва маҳбус жазо муддатини ўташ учун Соловец оролларидағи концлагерга юборилади.

Боту қамоққа олинганидан кейин Валентина Петровна эрининг совет давлати олдида мутлақо гуноҳсиз, аксинча, ватанпарвар, халқпарвар, тараққийпарвар инсон эканлигини айтиб, кирмаган эшиги қолмайди. Аммо бирор идора раҳбари унинг сўзларига қулоқ осмайди. 1941 йил июлида эса унинг ўзи қамоққа олиниб, 10 йиллик қамоқ жазосини ўташ учун Магаданга юборилади. 15 яшар Эркли билан 13 яшар Наима энди онасиз ҳам қоладилар.

Ўзбекистон НКВДсининг ўша кунларда қабул қилган қарорига кўра, Боту оиласининг бошқа аъзолари ҳам сургун қилиниши лозим эди. Аммо Эркли билан Наимани тақсимот пунктига олиб борганларида, икки дийдираган ва кўз ёшлари шашқатор оқиб турган болани кўрган ходималардан бири раҳми келиб, Ботунинг ота-онаси қўлида қолишига ижозат беради. Лекин орадан кўп ўтмай, бошқа “халқ душманлари”нинг 16 ёшга тўлган фарзандлари қатори, Эркли ҳам қамоққа олинади. Аввал унга 10 йил берилади, кейин бу муддат 4 йилга қисқартирилади. Ва Эркли Ҳодиев бу муддатни тўла ўтиб, 1946 йилда озодликка чиқади.

1937 йилнинг мудҳиши воқеалари бошлангандан кейин Боту Москвага олиб келиниб, 1938 йил 9 май куни отиб ташланади.

Ботунинг ҳозир Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган «иши» билан танишган киши унинг ҳатто Тошкент ва Москвадаги қамоқхоналарда ётганида ҳам рус ва ўзбек тилларида шеър ва достон, қисса ва романлар ёзганини кўриб ҳайратта тушади. Агар у тирик қолганида, замондошлари айтганидек, ўзбек адабиёти хазинасидан ўрин олган кўплаб асарлар яратган бўларди.

Афсуски, мустабид тузум нафақат Чўлпон ва Фитрат сингари миллий уйғониш даври адабиёти намояндалари, балки Боту сингари совет даврида шаклланган шоир ва ёзувчиларга ҳам эркин яшаш ва ижод қилиш имконини бермади. Акс ҳолда “Умид учқунлари” (1921) ва “Тўлқин товушлари” (1929) шеърий тўпламлари билан 20-йиллар ўзбек шеъриятига чақмоқ сингари отилиб кирган ва ёш авлод муҳаббатини қозонган Боту шоир, носир ва таржимон сифатида ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўларди.

50-йилларда совет давлати азобгоҳларидан соғ-омон қайтган В.П.Васильева Боту номининг тикланиши, асарларининг нашр қилиниши йўлида жонбозлик кўрсатди. Унинг саъи-ҳаракати билан шоирнинг “Ёз куни” (1983) шеърлар тўплами, кейинчалик эса “Танланган асарлар”и (2003) нашр этилди.

*“Замон, – деб ёзган эди у, – яхши ишни ҳам, ёмон ишни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади, аммо тарих қолади. Кишилар авлодларга мерос бўлиб қолувчи ишлари ва хатти-ҳаракатлари билан, жўшқин уммонга интилган дарё тўлқинлари сингари, халқ ва инсоният тарихига кириб қоладилар.*

*Агар инсон ўзи учун яшамай, аксинча, бошқалар учун, келажак авлодларнинг баҳт-саодати учун яшаса, миннатдор авлодлар уни асло унутмайдилар”.*

Махмуд Ҳодиев – Боту ана шундай чин инсонлардан бири эди.



## Ижоди саҳифалари

Иил тўрт фаслдан иборат. Баҳордан кейин ёз, ёздан кейин куз, ундан кейин эса қишилди. Инсон умри ҳам табиатнинг ана шу темир қонунига бўйсунган. Агар болалик ва ёшлик йилларини баҳорга менгзасак, ёз унинг шаклланиш, ижодий тўлишиш ва дастлабки тансиқ меваларини бериш палласидир. Кузда инсон зоти ҳам камолот босқичига эришади, ҳам дастлабки талафот аламларини тотади...

Ойбекнинг маشاққатли умри ҳам ана шу зайдилда кечган. У Чўлпон ва Фитратлар отилган, номларига қора бўёқ суркалган даврда яшагани сабабли ҳаётлик пайтида ҳам, кейин ҳам ўзининг муносиб баҳосини топмади. Тўғри, у ҳаётлик пайтида мафтункор ижодий фаолияти учун турли унвон ва мукофотларга сазовор бўлди. Бу унвон ва мукофотлар бошқа ҳар қандай ижодкор учун турли ҳужумларга қарши қалқон бўлиши мумкин эди. Аммо Ойбекка қарши кураш, уни қатағон этиш истаги юқоридан идора этиб турилгани учун жангарилар бу қалқонни парча-парча қилиб, улуғ ўзбек адабини 46 ёшида, ижод булоғи авжи қайнаган чоғида бир умрга тўшакбанд этдилар. Ойбек тили ва қўли қаттиқ шикастланганига қарамай, марҳум устозлари учун ҳам сўнгги нафасига қадар тинмай ижод қилди.

Бундай гигант сиймоларни халқ юз — икки юз йилда яратади. Бироқ: “Табиатдан меҳр-эҳсон кутмаймиз” сўзлари тилдан тушмаган замонларда ҳаётнинг бу азалий қонуни билан ким ҳам ҳисоблашарди. Ойбек сингари улуғлар ортидан тош отишни обрў қозонишнинг осон йўли, деб ҳисоблаган кимсалар адаб вафотидан кейин ҳам у ҳақда турли туман фисқ-фужурларни бичиб тўқидилар...

Аммо Навоий сингари буюк устозлари ҳузурига борган Ойбек бугунги ва келгуси авлодларга бадиий ва илмий тафakkur ёғдуларини ҳамон сахийлик билан сочиб турибди.

Европада ҳам, Шарқда ҳам илмий шеърият деган тушун-ча бор.

Ойбекнинг шеърий ижоди шаклланган 20-йилларда ажо-йиб рус шоири Валерий Брюсов туфайли “илмий шеърият” умуминсоний шеъриятнинг муҳим бир тармоғи сифатида адабиёт ихлосмандарининг диққат-эътиборларини қозон-ган. Шу даврда фан ва техникани ривожлантирумай туриб, “янги ҳаёт”ни барпо этиш мумкин эмас, деган фикр кенг тарқалиб, шўролар жамиятида катта акс-садо берган. Бу фикр, бошқа илфор ёшлар қатори, Ойбекнинг ҳам дилига яқин бўлгани сабабли у илм-фанни тарғиб қилувчи қатор шеърлар ёзган. Ойбекнинг бундай шеърлари билан ўзбек адабиётида “илмий шеърият”нинг дастлабки намуналари майдонга келган.

Агар Ойбекнинг 30-йиллар аввалида ёзган “Фикр”, “Фанга юриш” сингари шеърларини ўқисак, 26 яшар шоирнинг ҳали ҳалқ ҳаёти ва онгини диний бидъат ва хурофот ўргим-чаклари ўраб турган бир вақтда фикрнинг, фаннинг ижод-кор кучини нечоғлик катта ишонч билан тасвиrlаганидан ҳайратга тушамиз.

Шоир шу шеърларининг бирида Фикрга мурожаат этиб, бундай ёзган:

Бир колба ичида биқиниб, яна  
Йилларча ишлайсен жасурлик билан.  
Сирлар ўлкасида олтин машъала  
Ёндириб, жаҳонга нурлар сепасан...

Эски ҳақиқатлар харобасидан  
Юксалиб, қурасан фан саройини.  
Йиқасан баъзида бир ҳамла билан  
Минг йиллик даврнинг эътиқодини...

20 – 30-йилларда янги ўзбек фанига тамал тоши қўйилди. Замонавий фанлар ва уларнинг кейинчалик кенг қанот ёйган тармоқлари вужудга келди. Ойбек ана шу жараёнда оддий шоир эмас, балки қишилик жамиятининг иқтисодий тараққиёт қонунларини пухта ўрганганд шоир сифатида шаклланди. У янги тарихий давр тақозоси билан майдонга

келган, шу даврнинг иқтисодий асосларини яхши билган ва ўз билимидан адабий ижодида маҳорат билан фойдаланган шоир ва ёзувчи эди.

## 2

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романига қадар ўзбек роман-навислик мактабида кўплаб йирик асарлар яратилган, деб бўлмайди. Шу даврда Абдулла Қодирийнинг икки машҳур асаридан ташқари, Садриддин Айнийнинг “Қуллар”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” сингари бармоқ билан санаарли романларигина мавжуд бўлган, холос. “Қутлуғ қон” бу асарлардан кескин фарқ қилювчи, ўзбек романнавислик мактабини нафақат янги тарихий роман жанри билан бойитган, балки, биринчи навбатда, Биринчи жаҳон уруши давридаги ўзбек халқи ҳаётини бадиий таҳдил этган, илмий ифода билан айтсан, шу даврдаги ўзбек жамияти анатомиясини шафқатлизилик билан очиб берган асардир.

Биз бу асарни ўқиганимизда Ойбекнинг улкан бадиий маҳорати билан бирга унинг тасвир этилган давр ҳаётини иқтисодчи олим сифатида ҳам чуқур ўргангани ва бадиий таҳдил қилиб берганини яққол кўрамиз.

Шундай романлар борки, уларда тасвир этилган қаҳрамонларни бошқа тарихий даврларга бемалол кўчириш мумкин. Бундан мазкур асарлар заррача ҳам ютқазмайди. “Қутлуғ қон”, шу тоифадаги агарлардан фарқли ўлароқ, XX асрнинг 10-йиллари билан, Ўрта Осиёга кириб келган рус капиталига қарши миллий сармоядорлар авлодининг пайдо бўлиш тарихи билан узвий боғлиқ асардир.

Оддий китобхон учун бу асарда муҳаббат мавзуининг мастона тасвирлари муҳим. У Йўлчи билан Гулнорнинг ишқий муносабатлари катта маҳорат билан тасвирангтан саҳифаларни зўр ҳаяжон билан ўқиёди. Айни пайтда Йўлчининг Мирзакаримбой ва бошқа қаҳрамонлар муҳитида кечган ҳаёти бу китобхонга зерикарли туюлиши мумкин. Аммо ёзувчининг асосий мақсади бош қаҳрамонларнинг баҳтсиз севгисини тасвиrlаш эмас. Муҳаббат мавзуси Ойбек учун, агар таъбир жоиз бўлса, ўзига хос “гарнир” У ана шу хуштаъм “гарнир” ёрдамида тарихнинг бурилиш нуқтасида халқнинг бир-бирига зид икки ижтимоий қатламга ажralиб ке-

тишини кўрсатиш, шу аччиқ муаммо “гўшт”ини унга “едириш”дир. Ойбек XX аср бошларида кўзга ташланган ана шу муаммони бир оила – Йўлчи оиласи тақдири орқали ёритади.

Йўлчи – Мирзакаримбойнинг жияни. Унинг онаси Хушрўйбиби эса, Мирзакаримбойнинг яқин қариндоши. Аммо янги тарихий-ижтимоий даврнинг тақозоси билан Хўжакент қишлоғида истиқомат қилган Хушрўйбибилар оиласи қашшоқдашган бўлса, Мирзакаримбой, аксинча, Тошкенти азимнинг манаман деган бойларидан бирига айланади. Шунинг учун отаси вафоти олдида бир парча ерини ҳам сотиб, ночор аҳволга тушган Йўлчи, онасининг маслаҳати билан, бадавлат тоғаси ҳузурига мадад излаб келади. Бу, ўша пайтда, шарқона қариндош-уругчилик удумларига кўра, фурбатли вазиятдан чиқишининг бирдан-бир йўли эди.

Аммо бойлик жамиятдаги ҳал қилувчи омилга, асосий қадриятга айлана бошлаган бир даврда қариндош-уругчилик муносабатлари ҳам жамиятнинг шу қонуни асосида ўзгарган, ўзининг азалий кучини йўқота бошлаган эди.

Мана, Йўлчи тоғаси қошида мўлтираб ўтирибди:

“Чол ўтмишни эслади. Йўлчи ўз онасидан юз марталаб эшиштан гапларни ҳикоя қила бошлади, яъни опасидан икки ёш қиз етим қолгани, улардан Хушрўйбиби ўз отаси тарбиясида қолиб, унинг синглиси Ойимбибини Мирзакаримбой ўзи тарбия қолиб, нақ эрга бериш олдига вафот этгани, Хушрўйбибининг толеи пастлик қолиб, ота ўлгандан сўнг амакила-ри қишлоққа, Шералига эрга берганликлари ва ҳоказони сўзлади. Сўнг чол сукутга ботди, кичкина, лекин ҳали тетик кўзларини мудроқ босган одам каби, секингина юмди. У ҳозиргина ёдига олган қишлоқи Хушрўйбибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам, кутимаган вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқи жиянчани ҳам унутган, унинг фикрини ёлғиз ўз ишлари ишғол этган эди. У банклар орқали ўз рақибларига қарши олиб бормоқчи бўлган сирли ишларни, ўз қарздорларига қандай муюмала ва муносабатда бўлишини ўйлар эди...”

Биз мана шу тасвирнинг ўзиданоқ Йўлчи билан Мирзакаримбой бир оиланинг эмас, балки бошқа-бошқа оламнинг фарзандлари эканлигини, уларнинг ўзаро яқинлашиши маҳол эканини сезамиз.

Мирзакаримбой шу дақиқада ўз “дарди”, ўз хаёли билан банд экан, Йўлчи тоғасининг чеҳрасини, у яшаётган манзилни, ичкари ҳовлиданчувиллашиб чиққан болаларни кузатади. Тўғрироғи, адиб “пайтдан фойдаланиб”, бизни Мирзакаримбой ва унинг ҳовли-жойи билан таништиради. Яна ҳам тўғрироғи, биз Мирзакаримбойни ҳам, унинг ҳовли-жойи-ю ичкариданчувиллашиб чиққан болаларни ҳам Йўлчининг нигоҳи орқали кўрамиз. Ойбек бу ва бундан кейинги кўпгина ўринларда бизни воқеалар ва кишиларга Йўлчи назари билан қарашга мажбур этади.

Ночор бўлса-да, ҳар қалай жияни эмасми, Мирзакаримбой Йўлчининг олдига нонни ушатиб, патнисни суриб қўяр экан, бундай дейди:

“— *Ол, жиян, йўл юриб келгансан. Бир парча ерларинг борлигини эшитар эдим, кўлларингдами?*”

“Мирзакаримбой, — адибнинг изоҳ беришича, — ерга ўч одам эди. Ерли-сувли одамлар қандай бўлмасин бир сабабдан қийналиб қолсалар, дарров уларнинг пинжига тиқилар ё ўртага киши қўйиб, ерни тезроқ ўз қўлига ўтказишга тиришар эди”. Шунинг учун у жиянининг бир парча ерни ҳам асрай билмаганини эшитиб, ўзининг машҳур сўзларини айтади:

“— *Чакки бўлибди, жиян. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ... Ер сотганиларнинг кўпини кўрдик, ахри гадой бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақп пулни жарак-жарақ санаб оладилар. Пул — ҳамма нарсанинг отаси. Пул — белга қувват, бошга тож. Пулдор одам — қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан машриқча учасан, ҳар ерга ошна-օғайни, дўст-ёр топасан... Пулдор одам Маскавгача, Варшавгача боради. Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам силжисин-чи! Бе!.. Пул шундай азиз нарса, жиян...*”

Мирзакаримбойнинг бу сўзлари хусусий мулкни, бойликни рад этган, асосий шиорларидан бири “Йўқолсин бойлар!” сўзлари бўлган совет даврида инсоний қиёфасини йўқотган, пулга ҳирс қўйган, очкўз кишининг сўзлари сифатида талқин этилиб келди. Совет давлати билан бирга унинг иқтисодий-ижтимоий фалсафаси ҳам тарих ғалвиридан тушиб қолган ҳозирги даврда эса пулга, мол-мулкка, бойликка муносабат тубдан ўзгарди. Ана шу ўзгаришлар даври Мирзакарим-

бойларни жамият тараққиётiga таъсир ўтказа биладиган куч сифатида тарих саҳнасига олиб чиқди.

Тўғри, бугунги мулқдорлар пулни шу қадар фетишлаштириб, унга ошкора ҳамду сано ўқимасалар керак. Аммо бу ҳол Мирзакаримбой руҳиятининг бугунги мулқдорлар руҳиятидан кескин фарқланишини мутлақо англатмайди. У, айниқса, қўйидаги сўзлари билан бугунги мулқдорларга устоз бўлиши мумкин:

*“Лекин пулни жуда мақтаб юбордим, шошма, ерда ҳам хосият кўп. Ер туғади. Ерга чўпни тиқиб қўйсанг, кўкариб, қулоч сиғмас дарахт пайдо бўлади. Пул ҳам туғади. Жуда кўп туғади, тез туғади. Айниқса, бу замонда пул сертухум бўлиб кетган. Аммо, пулни тутиш қийин; еб, ичиб қўйиш жуда осон. Пул асов қушга ўхшайди, сал бўш тутдинми, қўлингдан учади-кетади. Ер ҳам туғади, ҳам пулга кишан солади. Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг мағзини чақ, жиян!”*

Ойбек Мирзакаримбойнинг бу сўзлари билан ҳар қандай жамият, бинобарин, шу жамиятда яшаётган кишилар тараққиётининг иқтисодий асосларини нафақат адаб, балки, энг аввало, иқтисодчи мутахассис сифатида ҳам очиб ташламоқда.

Пул эмас, балки ернинг бирдан-бир қадрият эканини халқقا биринчи бўлиб жадид ёзувчи ва публицистлари тушунтиromoқчи бўлганлар. XX асрнинг 10-йилларида Туркистоннинг чекка вилоятларига темир йўл келиши муносабати билан ернинг нарх-навоси бир оз кўтарилиган. Шунда сода халқ кўзига ортиқча кўринган ерини дуч келган кишига сота бошлаган. Убайдулла Хўжаев ва Чўлпон сингари жадидлар охир-оқибатда халқни қашшоқланишга олиб борувчи бу ҳолатдан ташвишга тушиб, келажақда нарх-навоси ўн карра, йигирма карра ошиши аниқ бўлган ерни сотиш нафақат фарзандлар, балки невара-чевараларнинг ҳам туз-насибалини қирқиш билан баравар, дея бонг урганлар, ўшанда. Негаки, ота-боболардан мерос бўлиб келаётган ерда авлодларнинг ҳам насибаси бор.

Ойбек халқ манфаати йўлида жон куйдирган буюк устозларининг бу саъй-ҳаракатларини яхши билган.

Ер, Ойбек назарида, ватанинг бир парчаси. Ери бор инсоннинг ризқ-насибаси муҳайё. Ер — туганмас хазина.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Ойбек 1942 йил ба-  
ҳорида, урушнинг айни долзарб кунларида Шимолий Тош-  
кент канали қурилишига ижодкор сифатида сафарбар этил-  
ган эди. Ер тўғрисида шундай фикр билан тўйинган адаб  
канал қурилишини олқишловчи шеърни эмас, балки ўзи-  
нинг ерга бўлган меҳрини ифодаловчи бундай сатрларни  
ёзган:

Кўксимдаги севинч шунча зўр,  
Думалаймен далада танҳо.  
Гоҳ тентираб кетамен узоқ,  
Ерни қучиб ўпамен гоҳо.

Қир, тепалар, адирлар чаман,  
Кўклам ёйган ҳар ерда гилам.  
Олтинланган хушёқар ҳаво,  
Шўх, маст шамол тинмайди бир дам.

Турналарнинг қоп-қора или  
Жилпоқланиб кўқда сўнар жим.  
От кишинаши ҳусн далага,  
Гувиллайди сойда сув лим-лим...

Она-ер бағрида, турналарнинг “қоп-қора или”ни кузатиб ётган шоир шундай тўлқинли бир ҳолатда эдики, у ҳатто бир кун келиб ана шу замин бағрига сингиши мумкинлиги-ни, кутилмагандა, ҳаётининг баҳтли дақиқасидек некбин бўёқлар билан тасвирлайди. Шеър бундай сатрлар билан ниҳояланади:

Танҳо кезиб, мирқиб думалаб,  
Софинч билан ерни ўпамен.  
Деймен: кўп соз, меҳрли она,  
Қучоғингга бир кун қайтамен...

Ойбек учун ер *Ватан* тушунчасидан асло ажралмайди-  
ган ана шундай муқаддас қадриятдир.

Адаб Ўзбекистон Миллий академик драма театри бино-  
сининг шундоққина орқасида жойлашган Говкүш маҳалла-  
сидаги торгина бир ҳовлида дунёга келгани, сўнг Тошкент  
ва Ленинграддаги ўқув юртлари ётоқхоналарида яшагани учун  
бир парча ери бўлишини дил-дилидан орзу қилган эди. 1934  
йили “Бахтигул ва Соғиндиқ” тўплами нашр этилиб, қўли

хийла пул күргач, Оқота мавзеидан боғ сотиб олган. Ва шу боғда шийпон қуриб, шийпон атрофига райхон-у жамбиллар экиб, гуллаб-яшнаган жажжигина ватанида яшай бошлаган. Бу, адид ҳаётининг энг баҳтиёр кунлари эди. Афсуски, саодат дараҳтининг гуллари узоқ вақт яшамайди... Орадан икки-уч йил ўтмасдан, Юнусобод мавзеидаги жамоа хўжалиги кенгайиб, Ойбек бофини ҳам “ютиб” юборди...

Йўлчи оиласининг бир парча ердан жудо бўлишининг эса бутунлай ўзгача сабаблари бор.

Гарданида қарзи бўлган отанинг касали оғирлашганидан кейин у: “Кўзим очиқ экан, қарздан қутулиб олай, гўримда тинч ётай, Йўлчи рўзгорга қарибдими, қарзимни узадими”, дейди хотини Хушрўйбибига. Хуллас, ер сотилиб кетади...

Мирзакаримбой бу воқеани эшишиб, дейди: “Бу энди бошқа гап. Қарз ёмон нарса, жиян. Қарздан қутулиш учун ер тугул, киши ўзини қул қилиб сотиши керак. Одамнинг ҳайвони киши молига кўз олайтиради... Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз сўм ҳам пул. Сен ҳар нарсани оллодан сўра, у берса – хўп; бермаса – хафа бўлма, тақдирга шукур қил, номусли камбағал бўл...

Мирзакаримбойнинг бу сўzlари – кўпни кўрган номусли бойнинг эмас, балки “эвини топиб” бойлик ортирган кишининг сўzlари. Яъни, бир томонлама фалсафа.

Мирзакаримбойнинг лақаби ёшлигида бежиз Карим читтак бўлмаган. Камтарин маҳалла боққолининг бу фарзанди Тошкентнинг бадавлат кишиларидан, сармоядорларидан бири даражасига эришгунига қадар мураккаб йўлни босиб ўтган. Эҳтимол, у Ракат мавзеидаги отасидан қолган уч та-nob жойни эмас, балки хотинининг “уйни безашдан бошқа нарсага ярамайдиган асбоблар”ини сотиб, “ишини тўғриламагани”да Йўлчи сингари “номусли камбағал” бўлиб яшашда давом этган бўлармиди...

Шу ерда бир савол туғилади: Йўлчи сингари ор-номусли йигитларнинг бу дунёда бой-бадавлат кишилар бўлиб яшashi ёки Мирзакаримбой сингари кишиларнинг ор-номусли, халол сармоядорлар бўлиб қолиши мумкинми?..

“Қутлуғ қон” романида тасвир этилган тарихий даврда, Ойбекнинг талқин этишига кўра, Мирзакаримбойларнинг халол йўллар билан бойлик ортиришлари мумкин бўлма-

ганидек, Йўлчиларнинг ҳам эмин-эркин яшашлари, қилган меҳнатларинингроҳатини кўришлари маҳол. Тарихий-ижтимоий шароит, мұхит уларнинг тақдирларини олдиндан ҳал этиб қўйган. Тоғаси Мирзакаримбойнинг хонадонидаги ҳалол меҳнати эвазига рўшнолик кўрмаган, ҳатто севгани, ўзи сингари “номусли камбағал” Гулнорга етолмаган Йўлчининг бу дунёга сиғмаслиги ва 1916 йил ғалаёнлари пайтида ҳалок бўлиши олдиндан программалаштирилган. Ўз жиянини қулдек ишлатганига қарамай, уни одам ўрнида кўрмаган, кўп йиллик хизмат ҳақини бермаган, ҳатто хотини бўла туриб, унинг севгани Гулнорни тортиб олган Мирзакаримбойга бало ҳам урмайди. Бу ҳам олдиндан программалаштирилган.

Шундай экан, инсоннинг ўзи ким? Унинг жамиятдаги ўрни қандай? У тақдири азалнинг қулеми? Кимларнингдир фақат азоб-уқубатда, бошқаларнинг эса роҳат ва фароғатда яшашлари инсоният тарихининг ўзгармас қонуними? Эрк ва ҳуррият, роҳат ва фароғат, баҳт ва саодат сингари тушунчалар орқасида ётган илоҳий неъматлар фақат бир сиқим кишилар учунгина яратилганми?.. Агар шундай бўлса, *адолат* деганимиз нима, у шунчаки ширин сўзми?..

### 3

Йўлчининг бундай саволларга жавоб топиши ҳам, бу саволлар замирида ётган зиддиятларни ҳатто кураши ва ўлими билан бартараф этиши ҳам асло мумкин эмас. Умуман, ҳалқ қўзғолонлари ва инқилобларининг на раҳбарлари, на минглаб иштирокчилари тарихий жараённи ўзгартира олмайдилар. Жамият тараққиёти ўз маромида, турли суръат билан давом этаверади.

Ойбек иккинчи романида ўзбек ҳалқи тарихининг янада олис даврига – XУ асрга мурожаат этди. Ва Навоийдек ҳам улуғ шоир ва мутафаккир, ҳам давлат арбобини ўз романига бош қаҳрамон этиб танлади.

Биз бундан беш юз йил илгари бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ва бу воқеаларнинг қандай натижага билан тутаганини, ҳар қалай, яхши биламиз. Шунинг учун ҳам юқорида берилган саволларга бу асарда жавоб топамиз, дейиш соддалиқдан ўзга нарса эмас. Аммо бу асарда буюк инсонпарвар шоир ва давлат арбобининг ўзи яшаган даврда, ўзи яшаган салтанатда

адолат ўрнатмоқчи бўлгани, ғарибу ғураболарнинг ҳақ-хуқуқларини тиклаш учун, инсон деган номнинг шарафли бўлиши учун жон куйдирганини аён кўрамиз.

Навоий ижодининг марказий нуқталаридан бири адолатли подшо ва адолатли давлат масаласининг талқин этилиши-дир. Ойбек ҳам ўз асарида Навоий учун фоят муҳим бўлган ана шу масала тасвирига катта эътибор берган.

Адиб Навоийнинг дўсти Хўжа Афзал ҳузурига ташриф буориб, унинг шахсий ишлари ҳақида сўраганидан кейин, аввалги сухбатларда бўлганидек, баҳс давлат ва халққа доир умумий масалаларга кўчади.

Адиб ёзади:

*“...Навоий адолатли давлатнинг асосий сифатлари нималардан иборат бўлиши кераклиги, подшоҳнинг халққа ва халқнинг подшоҳга муносабати, вазирлардан ва беклардан тортиб, то энг кичик амалдоргача ҳар бир иш учун қонун олдига масъул бўлиши, халқнинг тирикчилигини яхшиламоқ учун лозим бўлган чоралар ва ҳоказо тўғрисида гапирди. Бутун бу масалалар устида Хўжа Афзал шоирнинг фикрини қувватлади ҳам бу яхши ниятларни ҳаётда кўрмоқни орзу қилди.*

*—Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, — деди Навоий шавқланиб, — ўзга халқлар ибрат ола билсинлар... Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоги керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантироқ мумкин ”.*

“Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоги керак”. Бу сўзлар нафақат Навоийнинг, балки Ойбекнинг ҳам инсон ҳақидаги концепциясининг ўзагини ташкил этади. Аммо Ойбек бу олтин сўзларни ёзар экан, фикрини давом эттириб: “Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар...” деган шартни ҳам айтишни унутмайди. Унинг қатъий ишончига кўра, давлат арбоблари ақл ва адолат билан иш кўрганларида гина инсон шарафли, соф ва гўзал яшаши мумкин. “Кутлуғ қон” романида қўйилган саволларга Навоий даврини, Темурийлар даври тарихини яхши ўрганган Ойбек шундай сўзлар билан жавоб беришга уринади.

Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда ҳам (“Навоий” романида тасвирланганидек!), Мусулмонқул ҳукмдорлик қилган замонда ҳам (“Үтган кунлар” романида тасвирланганидек!) халқ ақволини эътиборга олмай, турли-туман соликларнинг солиниши халқнинг бусиз ҳам оғир турмушини мушкуллаштириб, унда норозилик кайфиятини уйғотган. Натижада халқ билан давлат ўртасида зиддият пайдо бўлган. Куч давлат қўлида бўлгани учун подшоҳ ғалаён кўтарган халқни беаёв жазолаган.

Ойбек “Навоий” романида ана шундай ҳоллардан бирини тасвирга тортади.

Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасида бундай “сухбат” бўлиб ўтади:

“Навоий ўзига хос улуғворлик, назокат ва мулоийимлик билан деди:

— Подшоҳ ҳазратлари, мулки Хуросоннинг тақдири ва ҳаёти сизнинг қўлингиздагир. Сизнинг муборак хотирангиз бу алам-ангиз ҳодисса хусусига не фикр баён қилур?

— Бу тожу давлатни қилич билан олибмиз, — бир нафас сукутдан сўнг кескин гапириди Ҳусайн Бойқаро, — уни яна айни қилич билан пойдор қилмоққа ҳаракат қилгумиздир.

Бу сўзлар шоирни чўчитмаги. Дунёнинг ярми устида қилич ўйнатган жаҳонгирнинг бу авлоди қилич тутишни яхши билса, қилич билан фахрланишни севса ҳам, лекин қиличдан кўра майга, жанг майдонларидан кўра чаман боғларда тузишган шўх базмларга кўпроқ мойил эди. Шоир ақлли кенгаш билан уни тўғри йўлга солиб юборши мумкинлигига ишонарди ҳам. Лекин арзимаган бир баҳона тоғро унинг ғазабига, оловни бирдан гурнлатган шамолдай таъсир қилар эди. Навоий вазминлик билан мурожаат этди:

— Ҳоқон, яралик кўнгилларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ бўлишингиз керак. Каминанинг фикрича, бу ерда қиличнинг асло ҳожати йўқдир!

Ҳусайн Бойқаро хаёл сургандай, чодир шипига қараб қолди. Ҳамсуҳбатлар елкаларидан бир нима босгандай, паст чўкиб ўтирилар”.

Шу пайт суҳбатга вазир Мажидиддин аралашиб, сultonни “жоҳил оломон”ни тиф ёрдами билан тарбия қилишга чақирмоқчи бўлади.

Ойбек давом этиб, ёзади:

*“Навоий титраб, кинояли кулди:*

— Масала адолат ва ҳақиқат масаласидир, — жавоб берди Навоий ўзини тутишга тиришиб, — ҳақиқат оломон тарафиагидир. Ҳақ сўзни айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур. Закот ўифмоқ давлат ишидир, лекин бир неча баднафс, чиркин махлуклар учун бойлик манбаи эмас! Бундан сўнг бутун Хуросонда жамики фуқаро тирикчилигини назарда тутиб, закотни ислоҳ этмоқ керак. Бу игорани ширага ўч чиркин пашшалардан тозаламоқ зарур! Такрор айтаманки, элнинг қаҳри, ғазаби асослидир. Унинг овозига қулоқ солмоқ, шикоятларини сабр-тоқат билан тингламоқ вазифамиздир... ”

Навоийнинг бу сўзларидан кейин Мажидиддиннинг ранги қув оқариб кетади. Сухбатдошлар зимдан бир-бирларига қарайдилар, сulton нима дер экан, деб. Ҳусайн Бойқаро давлат одамларига қўл кўтарган халойиқни жазога тортишни мақбул, деб топади. Унинг мантиқдан холи бўлмаган фикрига кўра, бугун айбдорларга нисбатан қўлланган жазо истиқболда рўй бериши мумкин бўлган ғалаёнларнинг олдини олади, халойиқ учун эса сабоқ бўлади.

Мантиқ, ханжар тифи янглиғ, икки томонлама бўлмайди. Ҳусайн Бойқаронинг сўзлари мантиқдан холи бўлмаганига қарамай, мантиқ адолатсизликка қарши бош кўтарган халқнинг томонида эди. Буни яқъол кўриб ва сезиб турган Навоийнинг ҳатто подшоҳ қаршисида ҳам оғзига талқон солиб ўтириши ёки ўзини панага олиши асло мумкин эмас.

Ойбек ёзади:

*“Навоий яширин, ичдан хўрсинди. Подшоҳнинг бемаъни ўжарлигини синдириш учун жасур оҳанг билан деди:*

— Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширилса, улар бу қонхўр махлуклар гастидан фифон кўтарса, уларга қулоқ солмаслик авл-инсофдан эмас. Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Ҳалқ билан бўлгуси муоммалада қиличга эмас, авл кучига суюнмоқ, халқни жабр-зулмдан қутқармоқ лозим. Зоро, ҳалқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур, у шундай бир ўтқи, унинг бир учқуни туташса, на хашакни қўяр, на фалакни... Бас, яхшилик қилмоқ ке-

рак: элнинг, юртнинг баҳти барқарор бўлса, салтанат ҳам бехатар бўйур”.

Навоий тили билан айтилган бу сўзлар фақат Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган давргагина тааллуқли эмас. Навоийнингadolat мезонлари ҳақидаги Ойбекнинг бу ҳикматли сўзлари барча тарихий даврлар ва барча давлат тузумлари учун ҳам мўътабардир. Ойбек Навоий гуманизмининг моҳиятини белгиловчи бу сўзларга шундай катта урғу қаратганки, улар, худди олтин кукунлари сингари, бутун асарга сочилиб, барча воқеалар давомида бизнинг хотирамизда товланиб, бизнинг эътиборимизни ўзига жалб этиб, бизнинг қалбимида ҳаётбахш туйгуларни уйғотади ва нурли келажакка умид иқлимини мавжлантириб юборади.

Шубҳасиз, жамиятдаadolat қонунининг қарор топиши фақат давлатта раҳбарлик қилаёттан кишигагина боғлиқ эмас. Арофат тоғида шайтонни кўпчилик бўлиб, тош отиб қувганларидек, жамиятдаги ноҳақликка қарши ҳам кўпчилик бўлиб курашиш зарур. Негаки, ноҳақлик чекинган жойниadolat обод этиб, шу ерда ўзининг осмонўпар мовий қасрини барпо этиб боради.

Отаси Ҳусайн Бойқаро билан ораси бузилган Бадиуззамон ноҳақликдан шикоят қилганида, Навоий эл-юрт олдида, тарих олдида шахсий гиналарнинг ҳеч бир қиммати йўқлигини исбот этишга уриниб, бундай дейди:

“— Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ҳам виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдига ўз масъулиятини сезмоқ шарт!”

Агар “Қутлуғ қон”да қўйилган саволга бирор тайинли жавоб бериш мумкин бўлса, Ойбек, эҳтимол, шу сўзлар билан жавоб берган бўлармиди.

#### 4

1968 йил 1 июль куни Муса Тошмуҳаммад ўғли Ойбек пайғамбар ёшида вафот этди.

63 ёш — инсон умрининг ақл ва заковатта тўлган, ижод булоғи қайнаб-тошган, дунё сирларининг тагига етган гўзал бир палласи. 63 ёшни қишининг биринчи куни, деб аташ ўриниз. Шунинг учун ҳам биз Ойбекни халқقا, Ватангага, адаби-

ётта бахшида этилган умрининг авжи куз фаслида ёруғ дунёни тарк этди, деб айтишимиз мумкин.

Хозиргина айтганимдек, инсон шу ёшида нафақат ўзини, балки дунё сирларини ҳам қашф этган бўлади, ўзини қийнаган кўплаб саволларга жавоб топган бўлади. Лекин Ойбекнинг олтмиш ёшга кириши муносабати билан босиб ўтилган ва ортда қолган довонларга назар ташлаб ёзган ру боийларининг биридан маълум бўлишича, у тагига етмаган муаммолар ҳам оз бўлмаган. Хусусан, “Қутлуғ қон”, “Навоий” сингари романларида ўзини ҳам, қаҳрамонларини ҳам ҳаяжонлантирган масала ҳақида Ойбек бундай ёзган:

Сирли йўллар босиб, кезамен осмон,  
Ўйлаймен, ўйлаймен, сира билмаймен...  
Осмонга сепилган олтиндан сомон,  
Ҳақиқат нимадир, ўйлаймен ҳамон...

Айтишларича, Афлотун умрининг охирида: “Мен фақат бир нарсани – кўп нарсаларни билмаслигимни биламан”, деган экан. Балки Ойбекнинг ҳам бу сўзларини шундай тушунишимиз керакдир. Негаки, унинг ўлмас асарларини ўқиганимизда кўпгина мураккаб фалсафий саволларга жавоб топгандек бўламиз. Ойбек гулшанида мавжуд бўлган асарларни ўқиб, инсон ва дунё тўғрисидаги билимимиз кенгайгандек, руҳимиз енгиллашгандек, фикр ва туйгуларимиз эса қанот боғлагандек бўлади.

### **Ёзувчи, қаҳрамон ва китобхон**

*А*дабий қаҳрамон – ёзувчи қалбининг кўзгуси. Китобхон қайси бир асарни ўқимасин, унда тасвиirlанган қаҳрамон образида ёзувчи қалбининг зарраларини кўради. Агар қаҳрамон олижаноб ва меҳридарё инсон бўлса, демак, ёзувчи ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби. Борди-ю қаҳрамон шўх ва қув бўлса, шундай инсоний хислатлар асар муаллифига ҳам бегона эмас.

Ойбек асарларидағи қайси қаҳрамонни кўз олдингизга келтирманг, уларнинг маънавий гўзал, олижаноб, танти, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйфуси билан йўғрилган инсонлар эканига амин бўласиз. “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи ҳам, “Навоий”даги бош қаҳрамон ҳам,

“Қүёш қораймас”даги Бектемир ҳам, “Олтин водийдан шабадалар”даги Ўқтам ҳам китобхонни ажойиб инсоний фазилатлари билан мафтун этадилар. Агар: “Ана шу барча қаҳрамонларнинг муштарак фазилатлари нимада?” деб сўралса, ҳар бир китобхон, сўзсиз: “Одамийлик ва инсонпарварлик”, деб жавоб бериши мумкин.

“Навоий” романида, эҳтимол, кимнингдир хотирасидан ўчган, аммо адабнинг бу буюк асарини тилга олишим билан ҳар сафар каминанинг ёдига келадиган ва ҳайратга соладиган бир лавҳа бор.

...Ҳусайн Бойқаро баҳорги сайилдан сўнг пойтахтга отланар экан, навкарлар Навоийнинг қошига келиб, ундан чодирни йиғиштиришга рухсат беришни сўрашади.

— Кўчиш дарагини эшишгандан бўён бир мушкулотни ҳал қилишдан ожизмен, — дейди Навоий ўйланиб.

— Қандай мушкулот? — навкар ҳайрон бўлиб, кўзларини шоирга тикаги.

— Ана! — кулимсираб дейди Навоий чодирнинг бир бурчагини кўрсатиб.

Чодирнинг бир бурчагида эса одам бўйи баландликда, бир парча ҳас-хус устида кўзларини мўлтиллатиб мусича ётар эди. Навкарлар ҳеч нарса тушунмасдан бир-бирларига қарайдилар.

— Чодир йиғиштирилса, у бечорага озор етур. Бундан кўрқамен, — дейди Навоий.

Навкарлар кулишади.

Уларнинг бири гадиллик билан шоирга эътиroz билдиради:

— Тақсир, қанотли-қуйруқли маҳлук, учади-кетади.

— Тухумларига ҳам қанот боғлаб учира олурсизми? — қаттиқроқ гапиради Навоий ва мулоzими Ҳўжа Ҳасанни чақириб, унга уқтиради:

— Чодирни йиғиштирмаймиз. Мусича бола очиб, учирма қилиб, бу инни тарк этгунча сен шу ерга қол. Чодирга ҳам, қушга ҳам қоровуллик эт. Кейин чодирни йиғиштириб, Ҳиротга қайтурсен. Бу хизматинг учун сенга яхши ҳақ тўлурмен...

Ойбек Навоийга хос бўлган меҳр-шафқатни, инсонпарварликни ана шу кичик бир лавҳа орқали ёрқин кўрсатишга эришган.

Тўғри, мусича янглиф беозор жонворлар у ёқда турсин, ҳатто одамзоднинг қони тинимсиз оқаётган ҳозирги замонда Навоийнинг бир паррандага бўлган шафқатли муносабати кимгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин сирасини айтсак, инсонпарварлик паррандаларга, ҳайвонларга меҳр-муруватдан бошланади. Мусичага шафқатли муносабат эса, Ойбек талқинида, инсонпарварликнинг оддий, аммо ёрқин бир кўринишиди.

Ойбек “Навоий” романида фақат бош қаҳрамоннинг эзгу хислатлари ва ээгулик ҳақидаги қарашларини ифодалабгина қолмай, умуман, инсонни “барча маҳлукотлар тожи” сифатида талқин этиб, унинг “шарафли, соф, гўзал яшамоги керак” лигини айтган ва бу фикр асарнинг марказий тоясига келиб туташган.

“Навоий” романини ўқиб, қаттиқ мутаассир бўлган арман китобхони адига миннатдорчилик изҳор этиб ёзган хатида: “Агар Сиз Навоий сингари улуғ ва меҳридарё инсон бўлмаганингизда, унинг образини бу қадар ҳаяжонли ва ишонарли қилиб ёза олмаган бўлардингиз”, деб жуда тўғри айтган.

Агар биз Ойбекнинг машаққатли ҳаётига назар ташлайдиган ва замондошларнинг адига ҳақидаги хотираларини ўқийдиган бўлсак, унинг ниҳоятда олижаноб ва ҳатто авлиёсифат инсон бўлганлигини кўрамиз.

“Ойбек, – деб хотирлаган эди шоир Шухрат, – жуда саховатли ва раҳмдил одам эди. Унинг саховати ва меҳрибонлиги ҳақига ҳатто ҳикоя ва латифалар ҳам тўқилган. Эмиш Ойбек уруш йиларида бозорга тушса, бир хотин гилам сотиб турган экан. Нега сотаётганини сўрабди. Хотин: “Эрим фронтда ўлган, тирикчилик...”, дебди. Ойбек астойдил гилам олиш ниятида бўлмаса ҳам, хотинни гилами билан бошлаб уйига олиб келади ва унинг айтган нархини беради. Кимдир “жуда қиммат-ку”, деса, Ойбек дарров унинг сўзини бўлади:

– Унақа деманг, эри фронтда ўлган экан!”

Таниқли адабиётшунос олим ва педагог Фулом Каримов ҳам Ойбек ҳаётининг уруш йиллари билан боғлиқ бир саҳифасини хотирлаб, бундай воқеани ҳикоя қилган:

Ўша йилларда Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўлими ҳамда Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик

қилган адид бир куни Фулом Каримовга: “Юр, Юсуф Султоновнинг уйидан хабар олиб келамиз”, дебди. Юсуф Султонов Ҳамза ижоди билан шуғулланган олимлардан бўлиб, уруш йилларида ҳарбий хизматга чақирилган, ўша йилларда жорий этилган инсонпарварлик қоидасига кўра, ҳар бир ташкилот раҳбари урушга кетган ҳодимларининг бола-чакаларидан хабар олиб тураг экан. Ойбек билан Фулом Каримов ҳамзашунос олимнинг отасидан қолган ҳовлисига йўл олишади. Улар бориб, эшикни қоқишганда ҳам, ичкарига кириб, теварак-атрофга назар ташлашганда ҳам ҳеч зоғ кўринмайди. Фулом Каримов Ойбекни ҳовлида қолдириб, айвонга кирганида қулоғига заиф ингроқ овози эшитилган-дек бўлади. У ичкарига кирса, хонанинг ўртасига ёзилган эски шолча устида Юсуф Султоновнинг хотини Инобатхон уч яшар ўғли Фарҳод билан оғир касал ҳолда ётган экан. Буни кўрган Фулом aka дарҳол Ойбекни бошлаб келади. Маълум бўлишича, қариндош-уруглар бу икки хастанинг ҳолидан хабардор бўлсалар ҳам, даврнинг қийинчилик ва ташвишлари орқасида уларга узоқ вақт қараш имконига эга бўлмаганлар ва уларнинг хасталиги қундан-қунга оғирлашган.

Ойбек аҳволни диққат билан кўздан кечириб, ҳамма гапни эътибор билан тинглайди, Фарҳоднинг бошини силаб: “Бўш келма, хафа бўлма, болакай, туриб кетасан. Ҳали қараб тур, полвон йигит бўлиб улғаясан”, деб унга далда беради ва охирида Инобатхонга мурожаат қилиб, катта-кичик билан маслаҳатлашиб, ўйлашиб, албатта, бирор чора топажагини, ёрдам беражагини айтиб, хотиржам қилади. Уйдан чиқар экан, Ойбек Инобатхондан Юсуф Султонов хизмат қилиб турган ҳарбий қисмнинг адресини сўрайди.

Ойбек ўша куннинг эртасигаёқ институт аёлларини чақириб, уларга Юсуф Султонов оиласидан галма-гал хабар олиб туришни топширади ва олим хизмат қилаётган ҳарбий қисмга телеграмма юбориб, унинг келиши ва оиласини оёққа турғизишига ёрдам беради. Шундай қилиб, ҳалокат ёқасига бориб қолган оила Ойбекнинг саъй-ҳаракати ва ёрдами орқасида омон қолади.

Афсуски, адиднинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлган кишилар ўз вақтида бирор хотира ёзиб қолдирмаганлар. Аммо замондошлиар унинг кўплаб қариндош-уруглари, қўни-қўшни-

лари ва ёзувчиларга ёрдам бергани, мушкул кунларида улар дардига малҳам бўлганлиги тўғрисида кўп гапирганлар.

Истеъодди болалар шоири Қудрат Ҳикмат – Ойбек-нинг назар-эътибори туфайли адабиёт оламига кириб келган қаламкашлардан бири эди. Ойбек Олой бозорида паттачилик билан кун кечирган бу тутма шоирни Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиб, дастлабки китобларининг нашр этилишига ёрдам берган. Бу билан кифояланиб қолмай, шоир Шухратнинг гувоҳлик беришича, ҳатто унинг уй-жой қуришида ҳам моддий ёрдам кўрсатган.

Яна бир хотира:

“1948 йилда, – деб ёзган эди Шухрат адаб ҳақидаги хотирасида, – менинг отам вафот этди. Таъзияга бориб келган Ойбек эртасига кабинетига чақириб қолди. Мен бу маҳалда “Шарқ юлдузи” журналида ишлар эдим. Ойбек яна бир марта чуқур таъзия билдириб, ака-укаларим бор-йўқлигини суриштирди. Ёлғиз ўғил эканимни билгач, аҳволимни сўради-да, таъкидлаби:

– Албатта, отангизга жонингиз ачииди. Лекин бисъат аҳлиниңг сўзига кириб, ўзингизни қийнаб қўйманг. Уларнинг урф-одат деганинг ҳаммаси бисъат, бизнинг миллий урф-одатимизга алоқаси йўқ. Ота-она учун энг аъло нарса уларни ёддан чиқармаслик, эслаб туриш ва яхши ишларини давом эттириш, – деди”.

Ойбек ҳақидаги хотираларда ана шундай бағри кенг, ҳаммага яхшилик қилиш истаги билан яшаган олижаноб ва улуғ инсон образи қад кўтаради ва шундай Инсоннинг ажойиб фазилатлари адаб қаҳрамонларини ичдан нурлантириб туради.

Адаб олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан ёзган ва тантанали йиғилишда шоир Ҳамид Фулом томонидан ўқиб берилган хатида бундай деган эди:

“Халқа хизмат қилиш – катта баҳт. Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонига қалам тебратиб келяпман. Шу қирқ йил давомига мен ижодимни ҳалқ тақдиди билан боклашга ҳаракат қилдим, ҳалққа фойдали иш қилишга, унинг орзу-қувончларини ифодалашга интилдим, ҳалқнинг қувончлари ва қийинчилкларига ҳамдарг бўлдим”.

Ойбек фақат илҳомбахш асарлари, ижоди билан, яъни ёзувчи сифатидагина эмас, балки инсон сифатида ҳам ҳалқ-

нинг қувонч ва қийинчиликларига ҳамдард бўлишга, унинг давр мураккабликларидан дол бўлган қаддини кўтаришга, унга тиргак бўлишга интиди. Шу маънода XX аср ўзбек адабиётида унга тенг келадиган бошқа бир адабни топиш қийин.

Ўзбек ёшларининг “Гулхан” журнали адидан кириб келлаётган 1963 йил муносабати билан Янги йил тилакларини ёзиб беришни сўраганида, у табрик сўзини “Юртнинг кўз қорачиғи эркатойлар!” деган ўта самимий сўзлар билан бошлаб, бундай истак билдирган эди: “...Сизнинг пок қалбларингизда Ватанга севги, садоқат, ота-оналарингизга, муаллимларингизга эътибор, чукур эҳтиром, муҳаббат жо бўлсин. Энг юқори таълим-тарбия, энг гўзал ахлоқ эгаси бўлингиз”

Энг гўзал ахлоқ... Ойбек ёшларга бундай сўзлар билан мурожаат этганида, уларнинг Йўлчи ва Гулнор, Ўқтам ва Комила, Навоий сингари Ватан ва халқ ишига камарбаста, инсонпарвар, адолатпарвар, меҳрибон, камтар, одобли бўлишларини ва ахлоқ-одоб бобида мазкур қаҳрамонларидан ибрат олишларини айтмоқчи бўлган. Ойбек 1965 йили олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан ёзган ҳайёмана рубоийларининг бирида эса бундай пурҳикмат сўзларни шеъриятнинг тилла ипига тизган:

Гўзал хулқ гавҳардир, асло бўлмас хор,  
Ҳаёт илдизида ундан бир нур бор.  
Ҳақиқат ва ахлоқ яқин, туғишган,  
Ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор.

Бу сўзлар буюк шоир ва адаб Ойбекнинг авлодларга қолдирган васиятидир.

### **Ойбек ижоди XX аср ўзбек адабиёти кўзгусида**

*XX* аср ўзбек адабиёти тараққиёти тарихи бир неча даврлардан иборат. Адабиётшуносликда XX аср ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича бир неча фикрлар юради. Бу фикрлар билан баҳслашмаган ҳолда шу давр адабиёти тарихида учта катта адабий даврлар борлигини айтиш ўринли. Булар: 1) миллий уйғониш даври адабиёти, 2) ижтимоий силсидалар даври адабиёти ва 3) мустақиллик даври адабиётидир. XX аср адабиётининг сўнгти, мустақиллик даври –

XXI асрда ҳам давом этувчи адабий жараён. XX аср ўзбек адабиётининг ижтимоий силсилаар даври эса, ўз навбатида, яна бир неча босқичларга, “даврча”ларга бўлиниади. Ойбек ижоди шу даврдаги энг катта адабий ҳодисадир.

\* \* \*

Ойбек авлоди адабиёт оламига кириб келган вақтда М.Беҳбутий, А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари устозлар туфайли ўзбек адабиёти ва тилининг янги тараққиёт даври бошланган эди. Шеъриятда бармоқ вазнининг камол топиши, насрда реалистик ҳикоя, қисса ва роман жанрлари ҳамда драматургиянинг пайдо бўлиши биринчи навбатда шу устозларнинг номлари билан боғлиқ.

Ойбек 1922 йилдан бошлаб шеъриятда тетапоя қила бошлаган пайтда Чўлпон ва янги турк шеърияти намояндаларининг асарлари ёшлар ўртасида машҳур эди. У 20-йилларда, бошқа тенгдошлари қатори, ана шу шеърият жилғаларидан баҳраманд бўлди. Ойбек 1927 – 1929 йилларда Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезларида А.Блок, В.Брюсов, В.Маяковский сингари рус ва Э.Верхарн сингари Farb шоирлари ижоди билан танишиди. 1936 йилда “Евгений Онегин” шеърий романини таржима қилиш асносида А.С.Пушкиннинг сехрли шеъриятини кашф этди. 1938 йили эса Ойбекнинг “Рим адабиёти” хрестоматиясини таржима этиши унга жаҳон адабиётининг олтин саҳифалари билан яқиндан танишиш нашидасини ҳадя этди... Ана шу тарзда адабий билим доирасининг кенгайиши билан Ойбек шеърияти ҳам сайқаланиб, янги шакл, ранг ва оҳанглар билан бойиб, ўн тўрт кунлик ойдек гўзаллашиб борди.

Шеърият туйгулар гулшанидир. Биз Чўлпоннинг “Гўзал” сингари лирик шеърларини ўқиганимизда, қалбимиз шу гулшандан таралган нафосат уфори билан тўйинади. Аммо, афсуски, бир томондан, ўз ижоди билан эрк ва ҳуррият учун курашгани, иккинчи томондан, исканжага олингани ва шу курашда соғлигини батамом йўқотгани учун Чўлпон 30-йилларда ўзбек лирик шеъриятини янги ижодий босқичга олиб чиқиши имконига эга бўлмади.

Ойбекнинг шеърий истеъоди худди шу даврда олмос қирралари билан товланиб юборди. Айниқса, 1936 йили ёзил-

ган ва “Чимён дафтари” туркумини ташкил этган шеърида Ойбек, Чўлпондан кейин, бармоқ вазнининг аруз сингари, ҳатто арузга нисбатан ҳам катта бадиий имкониятларга эга эканини исботлаб берди. У ўзбек шеърининг мусиқий-ритмик оҳангларини бойитиб, нафис ташбеҳлар билан безангандишига янада сайқал берди. Лирик қаҳрамоннинг руҳий оламини шу қадар ажойиб поэтик топилмалар ва тасвир воситалари ёрдамида очдики, шоирнинг лирик туйғува кечинмани ифодалашда нафақат Чўлпон, балки Пушкин мактабида ҳам таълим олгани кундек равшан бўлди. У шеърларида замон ва маконни ёрқин бўёқлар билан нурлантириб юборди; бинобарин, унинг шеърларида ҳаётийлик, ҳаққонийлик, бадиий ҳақиқат кучайди. Лирик туйғунинг теранлиги, бокиралиги, порлоқлиги, поэтик тилнинг эса фавқулодда нафислиги Ойбек шеъриягининг ўзига хос белгилари сифатида намоён бўлди.

Мана бу сатрларга эътибор беринг:

Сен гурубнинг олтин қўлларидасен,  
Табассуминг, Қуёш, сўнар оҳиста.  
Дала ва қирлардан тиниқлик учар,  
Сувлар ойнасига шом қора суркар,  
Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен...

Куёш ботаётган ва табиат маъюсона бир кайфият оғушига кира бошлаган манзарани Ойбек шундай аниқ бўёқлар билан чизган. Биз шу сатрларни ўқиганимизда шоирнинг ҳар бир сўзи, рассомнинг бўёқлари каби, оқшом манзарасини аниқ гавдалантириб берганини кўрамиз. Айни пайтда табиатнинг шу лаҳзадаги манзараси киши руҳида уйғотадиган ҳазин бир ҳолатни сезамиз. Бу ҳолат эса бизда мавҳум фалсафий ўйларга мойиллик уйғотади. Ойбек ўзини забт этган ана шундай ҳолатни: “Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен” сатрларида аниқ ва гўзал ифодалаган.

Ойбек лирик шеър устаси. Аммо у айни вақтда ўткир нигоҳли ижодкор. Шунинг учун ҳам у табиат манзараси ёки инсон образини тасвирлар экан, сийقا сўзлар ва туссиз бўёқларга мурожаат этмайди, балки шу манзара ва шу инсонга хос энг муҳим ҳаётий тафсилларни топиб, шеърият маржонига тизади.

Шоир 1931 йили марҳума онаси Шаҳодат Назар қизини эслаб ёзган шеърида поэтик тафсиллардан шундай маҳорат билан фойдаланганки, шунинг натижаси ўлароқ биз шоирнинг онасини кўз олдимизга яққол келтирамиз:

...Ёз чоғи... Сен якка ариқ бўйида  
Ёдингга келган бир дардли қўшиқни  
Куйлаб секингина... хаёл қўйнида  
Қатим тортиб қучдинг умиқ-тўпиқни.

Қуйиларкан секин руҳсиз оқшомлар  
Сенинг ёниқ кўзларинг қорачифида,  
Кундузги меҳнатнинг излари қатор...  
Биз-ла ўлтирадинг айвон бурчида.

Еттинчи лампанинг олов тилчаси  
Қоронгилик бағрин аста тиларкан,  
Тиззангда бир дўппи ё тўн жияги,  
Ишлардинг тинмасдан, асло тинмасдан.

Қаҳратон қиши... Совуқ... Титрар қўлларинг...  
Тутолмас игнани... Ўлик бир кеча  
Илиқ нафаслари сўнган танчага  
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг —

Ўқирдинг ичингда...

14 банддан иборат бу шеърни достон деб аташ ўринли. Ойбек бутун бир достонда ҳам тасвираш осон бўлмаган она образини ана шу шеърда буюк шоирона маҳорат билан мужассамлантирган. Бу шеърдан келтирилган сатрлардаёқ замон ва макон образлари ёрқин қиёфага эга: Она ана шу замон ва маконда секингина “дардли қўшиғи”ни куйлаб, қаҳратон қищда, “еттинчи лампа”нинг жонсиз шуъласида совуқдан титраган қўллари билан қатим тортади. Она кўзларининг қорачифида кундузги меҳнатнинг излари аён сезилиб турди.

Шоир она образини тасвиrlар экан, фақат бир нарсани — унинг тинмасдан ишлашини, асло тинмасдан ишлашини таъкидлайди. Биз айни вақтда онанинг айвон тўрида эмас, балки бир бурчида ўтиришига эътибор қаратмоқчимиз. Зоро, худди шундай тафсилларда ўта меҳнаткаш, меҳридарё, кам-

тар, жабрдийда, хоксор ўзбек аёлларининг образлари очилади. Ойбек шеъридаги яна бир ғоят муҳим нарса – она-нинг болаларини ётқизгач, ўша совуқ кечада китобини очиб ўқишидир. Лирик сюжет ана шу нуқтага етганида шеър портлаб юборгандек бўлади...

“Онамни эслаб...” шеъри – ойбекона лиро-эпик шеъриятнинг юксак намунаси. Ойбекнинг шеърий меросида бундай дурданалар оз эмас. Кези келганда айтиш жоизки, Ҳамид Олимжон қаламкаш дўстини “прозада шоири поэзияда прозаикдир”, деб бежиз таърифламаган. Ойбек ўз истеъодидининг хусусиятидан келиб чиқиб, 1933 йилдан то сўнгти нафасига қадар достон жанрида бошқа барча ўзбек шоирларига қараганда изчил ва самарали меҳнат қилган ва 18 та достон ёзган. Бу достонлар халқ, мамлакат ва Ойбек яшаган давр ҳаётининг энг муҳим масалаларига бағишлиланганлиги, халқ манфаати йўлида яшаган ва курашган фидойи кишилар образини яратишга бағишлиланганлиги, ўзбек шеъриятида реалистик тасвир санъатининг қарор топишидаги ўрни ва аҳамияти билан, айниқса, қимматлидир.

Ойбек шоир сифатида лирик ва лиро-эпик дурданалар яратибина қолмай, лирик (масалан, “Навоий”), драматик (масалан, “Махмуд Торобий”) достон жанрларига асос солди; уч сатрли (терцет) ва “Онегин банди” таъсирида ўн сатрли (“Қизлар” достонида) банд тизимларини, шунингдек, мансур шеър жанрини бошлаб берди; энг муҳими, Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар туфайли шаклланган замонавий ўзбек адабий тилига ойбекона сайқал берди.

Ўзбек шеъриятининг XX асрда янги, юксак босқичга кўтарилишида Ойбекнинг ҳиссаси буюқдир.

\* \* \*

Ойбек-шоирни уч муҳим фазилат ажратиб туради. Булар билим ва дунёқарашнинг кенглиги, туйғу ва фикрнинг ўзаро муносабатида фикрнинг устуворлиги ва лиро-эпик тасвирга мойиллиқдир. Худди шу хусусиятлар Ойбекнинг наср оламига дадил кириб келишида асос бўлди.

Ойбек биринчи романи – “Қутлуғ қон”ни 1938 иили, 33 ёшида ёза бошлади. Шу вақтда у “Туйгулар”, “Кўнгил найлари”, “Машъала”, “Бахтигул ва Соғиндиқ” сингари шеърий китобларнинг, “Евгений Онегин” шеърий романни тар-

жимасининг муаллифи, машҳур шоир эди. Ойбек шеърият соҳасида катта ютуқларга эришганига қарамай, шеърият майдони торлик қила бошлаганини сезди. Дарвоҷе, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, у катта ижодий куч-қувватга тўлган, ҳалқ ва мамлакатнинг олис ва яқин ўтмиши ҳамда ҳозирги куни ҳақидаги билими, мушоҳадалари, дардли фикрлари боши ва юрагига сифмай қолган эди. Шунинг учун ҳам шоир ички эҳтиёж талаби билан “Қутлуғ қон” романини ёзишга киришди.

1937 – 1938 йилларнинг қонли кунларида Ойбек камбағал оиласдан чиққанлиги ва совет ўқув юртларида тарбияланганлиги туфайли қатағон қиличидан омон қолган, лекин хизмат қилаётгани Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган эди. Бундай кимсаннинг нафақат асарлари, ҳатто номини ҳам матбуотда чиқиши мумкин эмас эди, ўшанда. Ойбекнинг шундай қалтис тарихий даврда ва мушкул иқтисодий-руҳий шароитда роман ёза бошлишининг ўзи том маънода жасорат эди.

“Қутлуғ қон” – ўзбек ҳалқининг XX аср бошларидағи миллий уйғониши ҳақидаги асар. Ойбек Тошкентдаги 1916 йил воқеаларининг шоҳидигина бўлмай, Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Мұнаввар қорининг шогирди ҳамdir. Шу сўнгги омил адаб дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. У “Қутлуғ қон”да мустамлака шароитида яшаган, чексиз-чегарасиз зулм орқасида сабр косаси тўлган ҳалқнинг Биринчи жаҳон уруши арафасидаги оғир аҳволини Л.Толстой сингари даҳо санъаткорларга хос зўр бадиий куч билан очиб берди.

Адаб бадиий мақсадининг рўёбга чиқиши учун ҳалқнинг мустамлакачилик шароитида икки соҳилга ажralиб чиққан вакилларини, бир томондан, Йўлчи ва Гулнор, иккинчи томондан, Мирзакаримбой ва унинг күёву фарзандларини қаҳрамон қилиб танлади. Аслида, Йўлчи Мирзакаримбойнинг жияни бўлади: улар қариндош. Бинобарин, асарда ўзаро яқин қариндошлар ҳаёти мисолида ўзбек ҳалқи тарихининг муҳим бир даври бадиий тадқиқ этилган.

Ойбекнинг ушбу асарни ёзишдан мақсади ҳалқ миллий онгининг уйғонишини кўрсатиш. Шунинг учун ҳам у, бир томондан, ҳалқнинг ижтимоий омиллар таъсирида турли

қатламларга бўлиниб кетишини, иккинчи томондан эса, зулм ва зўравонлик қурбони бўлган қатламнинг қашшоқланиши ва инсоний ҳукуқларининг поймол этилишини тасвиралашга алоҳида эътибор берди. Халқ икки қатламга ажralиб чиққач, бойлар қатлами камбағаллар қатламига зулм ўтказиши, уларни хизматкорларга айлантириши, уларнинг ионихтиёри, эрк-иродаси билан ҳисоблашмаслиги табиий. Худди шунингдек, бу икки қатлам ўртасида низо ва жанжал чиқиши ҳам тайин. Мустамлакачи давлат эса ҳалқнинг парчаланишидан ҳам, ички низо ва курашлардан ҳам манфаатдор. Лекин у Туркистон аҳолисини муте ва итоаткор омма ҳисоблаб, катта хатога йўл қўяди: Биринчи жаҳон урушида Россиянинг танг аҳволга тушиши муносабати билан 19 ёшдан 43 ёшгacha бўлган кишиларнинг фронт орқасида қора ишларни бажариши учун сафарбарлик эълон қилади. Бу, сабр косаси тўлган ҳалқнинг миллий уйғониши ва кураш майдонига чиқишига сабаб бўлади. Ойбек ўз асарида катта ижтимоий аҳамиятга молик шу воқеани бадий тасвир доирасига тортади.

“Ўтган кунлар” романининг китобхонларга манзур бўлишининг асосий сабаби Отабек билан Кумуш муҳаббатининг юксак маҳорат билан тасвир этилишида. Агар “Қутлуғ қон”-да ҳам Отабек билан Кумуш муҳаббатига тенг ёки яқин ишқий сюжет чизифи бўлмаганида китобхонлар оммаси асарни, шак-шубҳасиз, шавқ-завқ билан ўқимаган бўларди. Ойбекнинг санъаткорлик маҳорати шундаки, у ўз оддига қўйган муҳим ижтимоий масалани бадий тадқиқ этганига қаралмай, муҳаббат чизигини асарнинг бадий тўқимасига усталик билан сингдириб юборди. Натижада китобхон Йўлчи билан Гулнор фожиали муҳаббатининг тасвири оша асарда тасвирланган ижтимоий масалаларни идрок этиш имконига эга бўлди.

Хуллас, адаб 1937 – 1938 йиллардаги қонли воқеаларни бошидан кечирган ва яна шундай воқеалар туфайли азобуқубат чекиши мумкин бўлган замондошларига ҳалқнинг 1916 йил воқеаларига бўлган фаол муносабатини эслатиш билан уларда ижтимоий фаоллик ва муросасизлик хислатларини тарбиялашга интилди.

Агар Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” асари билан романтик тасвир тамойилига асосланган ва Шарқ адабиёти

анъаналари билан уйғун бўлган ўзбек романчилик мактабига пойдевор қўйган бўлса, Ойбек устози Чўлпон билан бирга Европа адабиётидаги бадиий тасвири мезонларига тўла жавоб бера олувчи дастлабки реалистик ўзбек романлари ни яратди.

“Кутлуг қон” – ўзбек халқининг мустамлакачилик даври ҳақидаги асар. Аёнки, ўзбек халқи тарихининг бу шармандали давридан аввал халқ ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаган даврлари кўп бўлган. Шулардан бири Амир Темур ва Темурийлар давридир.

Ойбек ўзининг иккинчи буюк романида ана шу даврга, шу даврнинг тимсоли бўлган буюк мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётига мурожаат этди.

Адибнинг “Навоий” романи яратилгунига қадар Европа, шу жумладан, рус ижтимоий фанларида “Навоий – форс шоирларининг тақлидчиси”, деган қараш ҳукмронлик қилган. Совет мафкурачилари Навоийга берилган бундай “баҳо” билангина кифояланиб қолмай, улуғ ўзбек шоирини “феодал давр маддоҳи”, деб ҳам атадилар. Бу, ўз моҳиятига кўра, Навоий билан XX асрдаги ўзбек халқи ўртасига қўйилган темир парда эди. Ойбек ўз романи билан ана шу пардани парчалаб ташлади. У “Навоий” романини ёзишдан аввал шоир яшаган даврни, унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқотчи олим сифатида пухта ўрганиб, шундай илмий мақолалар ёздики, бу мақолалар ўзбек адабиётшунослигида навоий-шунослик фанининг вужудга келишида пойдевор бўлиб хизмат этди.

Шундай катта тайёргарлик билан асар ёзишга киришган адаб Навоийни ўзбек халқи тарихининг бурилиш нуқтасида майдонга келган, шу даврдаги миллий уйғонишнинг тимсоли ҳисобланган мутафаккир ва гуманист (инсонпарвар) шоир сифатидаги пурвиқор образини яратди. Роман Фарб ва Шарқдаги қатор тилларга таржима қилинди. Турли мамлакатлардаги китобхонлар роман муаллифига Навоийни қайта тирилтириб, халқа қайтиб берган ёзувчи сифатида ҳурмат билдирилар. Ойбек бу ўлмас асари билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солди.

“Навоий” романининг “Ўтган кунлар” тарихий романидан фарқи аввало шундаки, биринчидан, Ойбек ўз асарига тарихий шахсларни асосий қаҳрамонлар сифатида олиб кир-

ган бўлса, иккинчидан, асарда бош қаҳрамоннинг муҳаббати тарихини эмас, балки Султонмурод билан Диidorнинг – иккинчи режадаги қаҳрамонларнинг муҳаббатини тасвир этди ва китобхондаги руҳий эҳтиёжни шундай йўл билан қондирди. Айни пайтда бу муҳаббат чизигини романдаги асосий воқеалар тизмаси билан узвий равишда боғлай билди. Учинчидан, адаб адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдирни, Навоий ва халқлар дўстлиги сингари масалаларни бадиий талқин этди ҳамда замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун эса ибратли бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларини шоир образи орқали олға сурди.

“Қутлуғ қон” ҳам, “Навоий” ҳам фоят нафис, ширали, камалак нурлари билан товланувчи адабий тилда ёзилган. Бу ҳар иккала асар Ойбек қаламидан тўкилган ҳикматли иборалар билан тўла. Мана, бир-икки мисол:

“Чақмоқ қанчалик баландда чақмасин, эгри бўлгани учун ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, аслдир – куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр ”;

“Кишиларни баҳтили кўрмакнинг ўзи баҳтдир ”;

“Кўмирчининг юзи қаро, жаллоднинг кўзи қон бўлганидек, разилларнинг разолати улар учун жазо ва шармандаликдир ”;

“Бир гул юз ғунча очади ”;

“Табиатнинг ўзи ҳусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуғ кўзгусидир ”

“Навоий” – ана шундай шоҳи иплар билаш тўкилган ажойиб асар.

Ҳикоя қилишларича, роман совет давлатининг юксак мукофотига тавсия этилганида, давлат бошлиғи А.А.Фадеевдан: “Қани, айтинг-чи, Александр Александрович, “Навоий” романининг қандай фазилатлари учун унинг муаллифига мукофот бермоқчисиз?” деб сўраган ва шунда СССР Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби бундай жавоб берган экан: “Агар Алексей Толстой “Улуғ Пётр” романидаги Пётр сиймоси орқали рус халқининг бундан 250 йил аввалги ҳаётини бадиий мужассамлантирган бўлса, Ойбек ўз романидаги Навоий сиймоси воситасида ўзбек халқининг бундан 500 йил аввалги ҳаётини шундай мужассамлантирган”

Чиндан ҳам, биз Ойбек асарини ўқир эканмиз, унда Навоий сиймоси орқали XV асрда Моварауннахрда яшаган халқ ҳаётининг ёрқин манзараларини кўрамиз. Шу маънода “Навоий” романи XV асрдаги ўзбек халқи ҳаётининг ўзига хос қомусидир.

Ойбек Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар номи халқ хоти-расидан ситиб чиқарилган, асарлари куйдириб ташланган, уларни ўқиши эса ўта хавфли бўлган замонларда зикр этилган бадиий полотнолари билан ўзбек романчилик мактабига фубор қўндирилмасдан, уни янада юксак поғонага кўтарди. Унинг бу икки буюк асари яратилажак янги ўзбек романлари учун бадиий мезон вазифасини бажарди.

\* \* \*

Навоий – Ойбек ижодининг қалби.

Ойбек 1928 йилдан – Ленинграддаги Плеҳанов номли Халқ хўжалиги институтида ўқиб, айни пайтда Жонли Шарқ тиллари институтида ишлаб юрган кезларидан то умрининг сўнгги кунларига қадар Навоий яшаган тарихий даврни, шоир ҳаёти ва ижодини тинмай ўрганди ва у ҳақда турли жанрларда асарлар яратди. Айтиш мумкинки, у бутун умри давомида Навоий олами билан яшади.

Ойбекнинг бу қутлуғ мавзуга бағишлиланган “Навоий ҳақида” ва “Хамса”нинг асосий образлари” деган икки йирик тадқиқоти 1935 – 1936 йилларда навоийшунослик илмининг ilk намуналари сифатида майдонга келди. Шундан кейин Ойбекнинг “Навоийнинг дунёқараши масаласига доир”, “Навоийнинг “Мажолис-ун нафоис” асари ҳақида” (1940), “Навоийнинг таржимаи ҳоли” (1941), “Навоийнинг адабий меросига доир” (1948) деган тадқиқотлари юзага келди. Ойбек Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан 1948 йил май ойининг ўзида қардош халқларнинг 10 дан зиёд тилларида 30 дан ортиқ газета ва журнал мақолаларини эълон қилди. У, бошқа навоийшунослардан фарқли ўлароқ, улуғ шоир ҳаёти ва ижодини рус тили орқали собиқ совет мамлакати ва жаҳон миқёсида тарғиб этишга алоҳида эътибор берди. Ойбекнинг рус адиби ва адабиётшуноси А.Дейч билан ҳамкорликда ёзган мақолалари 1968 йили алоҳида китоб шаклида нашр этилди. 1948 йилда Навоий юбилейининг собиқ иттифоқ миқёсида баланд савияда нишонланишида

Ойбекнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатидаги хизматлари улкандир.

Ойбек Навоий сиймосига шоир сифатида илк бор 1937 йил майида, ўзбек санъатининг Москвадаги декадаси кунларида мурожаат этиб, “Навоий” лирик достонини яратди. 1942 йилнинг қаҳратон қишида тутгалланган “Навоий” романни 1944 йилда нашр этилиб, рус (1945), латиш (1947), литва, эстон, чех, француз (1948), қозоқ (1949), украин (1950), уйғур (1952), туркман (1955), хитой (2002, 2006) тилларига таржима қилинди. (Бирорта ўзбек ёзувчининг асари шу вақтгача бу қадар кўп тилларга таржима этилмаган.) Ойбек ана шу тарзда, ҳам навоийшунос олим, ҳам шоир, ҳам романнавис ёзувчи сифатида Алишер Навоийни ҳар бир ўзбек хонадонига барҳаёт сиймо сифатида олиб кирди, унинг жаҳон бадиий маданиятидаги қонуний ўрнини тиклаб берди.

Ойбек адабиётшунос, тарихчи, адаб сифатида ўзбек фани ва маданияти равнақига қўшган катта хизматлари учун 1943 йилда янги ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Адаб “Навоий” романини ёзган вақтда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонлари муаллифининг муҳаббати тарихи ҳамда болалик ва ёшлик йилларини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Шунинг учун ҳам у ҳаётининг сўнгги кунларида ижодидаги шу кемтикни тўлдириш ниятида “Бола Алишер” қиссаси ҳамда “Гули ва Навоий” достонини ёзди.

\* \* \*

Ойбек – нафақат Навоий ижоди билан шуғулланган адабиётшунос ва тарихчи олим, айни пайтда замонавий адабий жараённинг ҳам нозик билимдони ва тадқиқотчиси бўлган. У 1934 – 1937 йилларда ҳозирги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, 1943 – 1951 йилларда эса янги ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси академиги ва гуманитар фанлар бўлимининг раҳбари бўлиб хизмат қилган. Шу даврда у “Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси”, “Ўзбек поэзиясида тил” (1934), “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” (1936), “Ўзбек совет адабиётининг юқори ғоявийлиги учун” (1947), “Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти тўғриси-

да” (1948), “Йигирма беш йил мобайнида ўзбек совет поэзияси” (1949) сингари тадқиқотлар, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.М.Горький сингари рус, Чўлпон, Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон каби ўзбек, Файз Аҳмад Файз, М. Ауэзов, Б.Кербобоев сингари Шарқ адабиёти намояндалари тўғрисида кўплаб мақолалар ёзган.

Ойбекнинг адабиётшуносликка оид тадқиқот ва мақолалари орасида Абдулла Қодирий ва Чўлпонга бағишлиланганлари, айниқса, муҳим аҳамиятта эга. “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” монографияси совет мағкураси таъсиридан холи бўлмаган бўлса-да, мазкур тадқиқотнинг асосий патфоси “Ўтган кунлар” романи муаллифининг бадиий маҳоратини очишга қаратилди. Ойбек бу тадқиқоти билан биринчи ўзбек романини вульгар социологизм марраларидан туриб баҳолаган Сотти Ҳусайнга кескин зарба берди. Унинг 1927 йилда Олим Шарафиддиновнинг “Ўзбек шоирлари. Чўлпон” мақоласига қарши “Шоир Чўлпон ижодини қандай текшириш керак”, Усмонхон Эшонхўжаевнинг “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласига қарши эса “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласининг муаллифига жавоб” деган мақолалари том маънода илмий ва ижодий жасоратdir. Ойбек бу мақолаларида Чўлпонни рус аристократияси вакили Пушкинга муқояса қилиш орқали устоз шоирни доноларча ҳимоя қилди.

\* \* \*

Ойбекнинг бой адабий меросида таржима алоҳида ўринни эгаллайди.

Адид 1937 йилнинг қонли бўрони тингач, 1938 йил охирида Ўқув-педагогика Давлат нашриётига таржимон лавозимида ишга қабул қилинди. Шу даврда у “Антик адабиёти” мажмуасининг Рим адабиётига бағишлиланган 2-жилдини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига жаҳон адабиётининг ilk манбаларидан бири билан танишиш имконини яратди. Бундан ташқари, у “Довуд Сосунли” арман эпоси, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романни, Мольернинг “Тартюф” комедияси, М.Ю.Лермонтовнинг “Маскарад” драмаси, В.Г.Белинскийнинг машҳур мақолалари, шунингдек, қатор хорижий шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўтиргди.

У ҳаётининг бир кунини ҳам адабий меҳнатсиз ўтказган эмас. Ҳамиша ижод иқлимида яшаган адаб учун адабиёт халқ ва мамлакатни юксак ғоялар ва идеаллар асосида олға етакловчи буюк куч эди. У ўзининг олтин қалами билан ўзбек халқини ер куррасидаги тараққий этган халқлар қаторига олиб чиқишига интилди. Аммо бундай истак ва орзу билан яшаган кишилар мустабид давлат раҳбарлари назарида “миллатчилар” бўлишган.

Сталинча қатағоннинг навбатдаги тўлқинида Ойбек бошига маломат тошлари ёғилди. Унинг кундан-кунга ортиб бораётган шуҳрати туфайли кимлардир роҳат ва фароғатларини йўқотган эдилар. Улар НКВДнинг Ойбек атрофига қўйган тузоқларини интиқлик билан кузатибгина қолмай, унинг шу тузоқقا илиниши учун астойдил ҳаракат қилдилар. Натижада 1951 йил 16 апрель куни Ойбек инсульт хасталигига йўлиқиб, тили ва ўнг қўлидан ҳаёт асари кетди.

Тошкент, Москва ва Пекиндаги бир неча йиллик даволанишдан сўнг Ойбек яна ижодий ҳаётга қайтди. У ўз қўли билан ёза олмагани сабабли кўнглида туғилган катта-кичик асарларни вафодор хотини Зарифахонимга қийинчилик билан бўлса-да, айтиб турди. У шундай йўл билан 1968 йили вафот этгунига қадар “Олтин водийдан шабадалар” романини қайта ишлади, чала қолган “Қуёш қораймас” романини тутатди, “Улуғ йўл” романи, “Нур қидириб”, “Болалик хотираларим”, “Бола Алишер” қиссалари, “Даврим жароҳати”, “Гули ва Навоий” достонлари, талайгина шеър ва мақолаларни ёзди.

Ижодга ўта ташна адаб 1959 йили дилидаги орзу ва армонини ифодалаб, бундай ёзган эди:

Ҳастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб,  
Ой менга ҳамқадам – сокин юрамен.  
Софайсам бир куни ёзамен тўйиб,  
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен...

Кечалар юурмэн телбадай ҳориб,  
Бошимда ой борур – менга ҳамқадам.  
Хаёллар учади машъалдай ёниб,  
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам.

Ойбекнинг бу мовий орзуси рўёбга чиқмади. Аммо у хаста ҳолда ҳам, шоир айтмоқчи, ўлимларни доғда қолдириб, умрининг сўнгти нафасига қадар она ҳалқи учун, адабиёт учун мардона ишлади.

## АБДУЛЛА ҚАҲХОР (1907–1968)

### Ҳалқ дилининг таржимони

Гўзалликнинг рангба-ранг кўри-нишлари мавжуд. Зулмат пардасини тилиб, кўкка ҳамла қилган мушакнинг минг бир парчага бўлиниб товланиши ҳам, метин ерни тешиб чиқиб, қуёш сари талпинган ва ҳандон уриб турган гуллар ҳам гўзал. Аммо тун бағрига сочилиб, эриб ва бир лаҳзада сўнган мушакнинг гўзаллиги бебаҳодир. Гулнинг гўзаллигида эса унга нур ва сув берган ҳаётнинг абадий гўзаллиги мужассам.

Абдулла Қаҳхор ҳаётни нозик, ҳатто айтиш мумкинки, шоирона нигоҳ билан кузатар экан, ана шундай ажойиб хуносага келган.

Камина ҳар сафар адибнинг шундай нафис мушоҳадаларга бой қайдларини ўқир эканман, ижодкор учун – у адиб, мусаввир ёки бастакор бўладими – ҳаётни, табиатни, кишиларни кузатиш санъати қанчалик инжа бўлса, унинг асарлари шунчалик юксак санъат намунаси даражасига эришади, деган ҳаёлга бораман. Шунда бадиий тафсил ва ундан фойдаланиш санъати бадиий маҳоратнинг асосий омиларидан бири бўлиб туюлади, менга.

XX аср ўзбек адабиётининг пешқадам намояндаларидан бири Абдулла Қаҳхор нафақат ҳаётни кузатиш, воқеликда кечеётган жараёнларга муносабат билдириш, балки ҳалқ тили ва дилининг таржимони бўлишга интилган адиб сифатида шухрат қозонган.

Хозирги ўзбек адабиёти намуналарини ўқиган китобхон Fafur Fулом ва Ойбек авлоди ижод майдонига кириб кел-



ган вақтда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва Ҳамзанинг ижодий жасорати билан замонавий наср, шеърият ва драматургия шаклланиб улгургани, бой тажрибага эга бўлган жаҳон адабиётига эса эндиғина дарча очила бошлаганини билмасликлари мумкин. Ваҳдолангки, XX асрнинг бошлари га келиб, фақат миллий адабий анъаналар ҳисобига ўзбек адабиётини ривожлантириш ва уни жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисмига айлантириш амри маҳол эди. Масаланинг мураккаб томони шунда эдикни, ўзбек ёзувчиларининг ҳар иккала авлоди Европа ҳалқлари тилларини билмас ва шу тилларда ижод қилган ёзувчиларнинг бадиий тажрибаси ва ижодий ютуқлари билан бевосита танишиш имкониятига эга эмас эди. Аммо ўша пайтда адабий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги ва аксар жаҳон мумтоз ва замонавий адабиёти дурдоналарининг рус тилига таржима қилинганлиги ёзувчиларимиз олдида турган вазифани бажариш имконини берди.

Адабий жамоатчилик Чўлпоннинг 1925 йили “Маориф ва ўқитувчи” журналида босилган “Улуф ҳинди” мақоласини яхши билади. Бу мақоладаги шоирнинг “Кўнгил янгилик қидирадир”, деган сўзлари шу вақтда ижод эта бошлаган аксар қалам аҳли учун ҳам бегона эмас эди. Эҳтимол 1924 йилда ижодини “Ой куйганда”, “Салла тўн”, “Эшонимнинг бошларидан ўтганлари” сингари ҳажвий шеърлар билан бошлаган Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам янги бадиий-услубий имкониятларни ахтара бошлишига Чўлпоннинг худди шу мақоласи туртки бергандир. Ҳар ҳолда у ўз олдига катта мақсад қўйиб, бири насрнинг, иккинчиси эса назмнинг “пир”лари бўлган Абдулла Қодирий ва Чўлпон таъсиридан ҳоли бир майдонда ижод қилмоқчи бўлди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи ҳақидаги мақолаларидан шу нарса маълумки, у 1925 йили Тошкентта кўчиб келиб, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида ишлаб юрган кезларида ўзидан уч-тўрт кўйлакни ортиқ йиртган, ўзбек тилини пухта билган Павел Шафрин деган университет талабаси билан танишган. Шафрин бўлажак адабни университетнинг ишчилар факультетига ҳамма фанлардан тайёрлаш билан бирга унинг Гоголь ижоди билан танишишига сабабчи бўлган. Ҳали рус тилини яхши билмаган Абдулла Қаҳҳор улуф рус адабининг “Иван Иванович ва Иван Никифорович орала-

рида бўлиб ўтган низолар” қиссасини Павелнинг қистови билан қайта-қайта ўқиб, ҳатто ёд қилиб олган. “Бу китоб, – деб ёзган эди у “Биринчи домлам” деган мақоласида, – менга, бир томондан, рус тилини ўрганишда, иккинчи томондан, мени янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларнинг товуши эшишилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади”

Абдулла Қаҳҳор Чўлпон айтган ва ўзи ахтарган янгиликни “ҳаёт одамларнинг товуши эшишилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт олами” – рус мумтоз адабиётидан топди. Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида шаклланаётган ижтимоий-маданий давр ҳам ундаги ана шу майлнинг авж олишини тақозо этди. У 1935 йили “Сароб” романи учун энг яхши насрый асарлар танловида мукофот олгач, Москва ва Ленинград шаҳарларига бориб, у ердан рус ва Фарб ёзувчиларининг бир дунё китобларини олиб келди. Шу китоблар орасидан илк бор ўқигани Чехов асарлари Абдулла Қаҳҳорга шу даражада самарали таъсир кўрсатдики, ҳатто унинг асарларидан буюк рус адабининг “ҳид”и келадиган бўлди.

Абдулла Қаҳҳор Чехов туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан 1960 йилда ёзган “Устод” номли жажжи мақоласида бу ҳолни қўйидагича эътироф этган: “Мен кўлимга қалам олиб рус адабларидан мадаг сўраган вақтларимда буларнинг кўпига эргашганман, лекин услубда менга ҳеч ким Чеховчалик таъсир кўрсатган эмас” Адид худди шу йили ёзган “Муборак кўзойнак” деган мақоласида эса шу жараённинг қандай бошлангани ва қандай кечгани ҳақида бундай маълумот берган:

“Бундан йигирма беш йил бурун (яъни 1935 йилда – Н.К.) мен у кишининг инқилобдан олгин босилиб чиққан 22 томлик асарлари тўпламини кўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим. Шунда аломат ҳодиса юз берди: шу билан муҳтарам устод менга муборак кўзойнакларини бердилар-у: “Мана буни тақиб, ўз халқингнинг ўтмишига назар сол”, дедилар.

Устоднинг муборак кўзойнакларини тақиб, халқимнинг ўтмишига қарадим. Бир томонда – темир ўйл гайкаларини бураб олган “ёвуз ниятили киши” Денис, иккинчи томонда – отқоровул юр деса юрган, тур деса турган, устидан оши-

риб ўқ узганда киприк қоқмаган “баттол ўғри” Бабар! Булар замона дарахтига етишган бир олманинг икки палласи эди.

Шундай қилиб, болалигимда зеҳнимга чўкиб қолган хотиралар уйғонди, юзага чиқди, ўша вақтдаги халқ ҳаётини кўз олдигимга келтирди. Шунинг натижаси бўлиб ғам-ғуссага тўла “Ўғри”, “Томошабор”, “Бемор”, “Анор” – ўз вақтида ёзилмай қолган ҳикоялар вужуга келди.

Мен ҳикоячилик ҳунарининг алифбесини ҳам шу муборак кўзойнак билан ўқиганман”

Миллий анъана ва қадриятлар эъзозланиб, ҳатто тавоф этилаётган ҳозирги вақтда адабининг бу эътироф сўзлари кимгадир эриш туюлиши табиий. Кимдир бу сўзларни одатда юбилей муносабати билан айтиладиган ва муболағадан ҳоли бўлмаган сўзлар сифатида талқин қилиши мумкин. Яна кимдир: “Абдулла Қаҳҳорга, биринчи навбатда, Абдулла Қодирий ижоди маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган, аммо ўша пайтда бу ҳақда оғиз очиш ҳам хатарли эди”, дейиши ҳеч гап эмас.

Гап шундаки, Абдулла Қаҳҳор ижодининг дастлабки даврида, худди Чўлпондек, адабиётимиздаги бир хиллиқдан қочишига, янги ижодий уфқларни забт этишга интилди. Тақдир худди шу пайтда унга Гоголь ва Чехов сингари рус ёзувчилари ижоди билан яқиндан танишиш имконини берди. Чеховни кашф этиш, унинг ортиқча безаклардан холи, сиқиқ, ўзига хос услубини ўрганиш натижасида Абдулла Қаҳҳорнинг на Абдулла Қодирий, на Чўлпон, на Ойбекнинг услубига ўхшамаган ижодий услуби шаклланиб борди. Бу услубнинг Чеховнинг услубига яқинлиги эса шубҳасизdir.

Адид юқорида тилга олинган мақолаларининг бирида Чехов ижодининг ўзига энг манзур бўлган хусусияти ҳақида сўзлаб, бундай деган: “Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади. Устод Антон Павловичнинг кўзни қамаштирадиган гўзал ҳикояларини қайта-қайта ўқиб, буларнинг гўзаллик сирини ахтарганимда шу фикрга келган эдим”. Агар ана шу сўзларни ёдда тутган ҳолда Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқисак, ҳар иккала адабининг ижодий услуби ва шу услубнинг тамал тоши – эстетик қарашларидаги яқинлик ҳам яққол кўринади. Аммо бу ҳол ўзбек адабининг адабиёти-

миз олдидағи буюк хизматларини асло камситмайды. Зереки, агар шоир ва ёзувчиларимиз рус ва жаҳон адабиёти-нинг энг яхши анъаналаридан, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Тагор сингари мумтоз адибларнинг бой тажрибалари-дан баҳраманд бўлмаганларида, ўзбек адабиёти ҳозирги тараққиёт даражасига, шак-шубҳасиз, эришмаган бўларди.

\* \* \*

1924 йил август ойининг бошларида Кўқонда рўй берган воқеа Абдулла Қаҳҳорни ларзага келтирди. Ўша куни ярим тунда ой тутилишини кўрган аҳоли, худди қиёмат қойим бўлайтгандек, ваҳимага тушиб, шовқин-сурон кўтарди. Катталарнинг бақириб-чақиргани, болаларнинг йифлагани, сиғирларнинг маъраб, итларнинг увлагани оламни бузди. Ҳамشاҳарларининг илм-фан асрида оддий табиат ҳодисасидан жазавага тушиб, ўзларини ўрта асрларда яшаган оми оммадек кўрсатиши учча-мунча ҳажвий шеърлар ёзиб юрган йигитни ҳам куладирди, ҳам ўйлатди. У дастлаб шунга ўхашаш шармандали ҳоллар тўғрисида ҳажвиялар ёзди. “Норин шилпиқ” тахаллуси билан “Муштум” журнали саҳифаларида эълон қилинган бу ҳажвиялар орқали у танилиб, таниш-билишлари ўртасида шуҳрат қозона бошлади. Ҳатто Тошкентга, республиканинг марказий газетасига ишга таклиф этилди. Лекин ёш қаламкаш ҳаётида шундай учрашувлар ва воқеалар юз бердики, у шу учрашув ва воқеалар таъсирида нодонлик ва жаҳолат иқлимида яшаётган ҳамшаҳарларини олға етаклаш, фан ва маданият меваларидан баҳраманд қилиш, бунинг учун эса, аввало, улар қаршишига кўзгу тутиб, шу кўзгуда улар онги ва ҳаётидаги қусурларни акс эттиришни лозим, деб топди. Хуллас, у, Абдулла Қодирий ифодаси билан айтсак, ўтмишнинг кирли саҳифаларини варақлашга киришди. Шу тарзда ўтмиш мавзуи Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг бош ва устувор мавзуи бўлиб қолди.

Агар Абдулла Қодирий ўз вақтида фельветонлар қироли сифатида машҳур бўлган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ҳикоя жанрининг устаси сифатида донг қозонди. Аммо унинг ҳикоя-навислик маҳорати ўтмиш мавзуига бағишлиланган асарларида, айниқса, намоён бўлди. Бунинг сабаби ёшлик йилларида кўрган, эшитган ғайритабиий воқеаларнинг, Бабар сингари

ажабтовур кишиларнинг адаб хотирасига бир умрга муҳрланиб қолганидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг айтишича, унинг ҳикоялари саксонга яқин бўлиб, шулардан ярминигина олти жилдлик “Асарлар” тўпламига киритган, холос. Ана шу ҳикоялар орасида “Даҳшат”, “Анор”, “Бемор”, “Үгри”, “Жонфиғон”, “Минг бир жон” сингари адабиётимизнинг олтин фондидан ўрин олган асарлар борки, уларнинг ҳар бирида Абдулла Қаҳҳорнинг нафақат ҳикоянавислик маҳорати, балки инсоний моҳияти ҳам мана мен деб туради. Шу ҳикояларнинг бири – “Минг бир жон”да ўн йилдан бери тўشاқдан турмаган, умрининг аксар бўлаги касалхонада ўтаётган Маствора образи яратилган. Иттифоқо у билан бир пайтда касалхонада даволанаётган кишилар хаста аёлнинг эри борлиги ва шу эри унга ўн йилдан бери қараётганини, ҳозир ҳам у билан бир хонада хотинига парвона бўлиб яшаётганини эшитиб, шу хаста аёл ва унинг вафодор эрини кўрмоқчи бўладилар. Ҳожи ака (ҳикоя қаҳрамонларидан бири) аёлнинг юзидағи ўлим шарпасини кўрибоқ ҳушидан кетгудек бўлиб, хонадан аранг чиқиб кетади. “Уч кунлиги борми-йўқми” бўлган аёл қолган икки марднинг ҳам ичида рўй берётган ғалаённи сезиб, уларга турли ҳазил-ҳузуллар билан “таскин беради” “Ташрифчилар”дан яна бири Маствуранинг ўлим билан қаҳрамонона курашаётганини кўриб: “Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта!.. Ҳозир тугаб қолган шамдай ли-пиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам, қолган мингтасини ёқиб, кейин сўнаги”, – дейди кечаси уйқуси қочиб. Аслида бу сўзлар гарчанд қаҳрамонлардан бирининг тили билан айтилган бўлса-да, унинг эмас, балки муаллифнинг Маствора Алиеванинг темир иродаси ҳақидаги сўзлариdir, унинг иродаси кучига берган юксак баҳосидир.

Абдулла Қаҳҳор “Минг бир жон”да тасвир этилган аёлни яхши билган, уни, худди Ҳожи ака сингари, касалхонада кўрган. Умуман, унинг аксар ҳикоялари ҳаётда рўй берган воқеалар асосига қурилган ва уларда аксар ҳолларда адабни узоқ йиллардан бери бири ранжитиб, иккинчиси эса ҳайратлантириб келаётган кишилар образи яратилган. “Минг бир жон”да тасвир этилган аёл 20–30-йилларда машҳур бўлган ўзбек хотин-қизларидан бири Тўрахон аянинг қизи Жўрахон эди. Жўрахон ўн йил дард чекиб, ахийри, шифо

топмай, вафот этиб кетган. Аммо унинг ўн йил давомида хасталик билан мардона олишгани, эшиқдан эмас, тешикдан кириб келмоқчи бўлган ўлимга чап бериб келгани адабни ҳайратга солган. Унинг назарида, Жўрахон сингари иродали аёллар ўлимни ҳам енгишлари мумкин. Ана шу ҳаёт-бахш фикр Абдулла Қаҳҳорни шу ҳикояни ёзишга илҳомлантирган. У айни пайтда фақат ўн йил давомида хасталик билан олишган Мастура образинигина эмас, балки хаста хотинини тарқ этмай, эрлик меҳр-муҳаббати билан унинг кучига-куч қўшган Аҳмаджон образини ҳам қаҳрамонлаштирган.

Аслида 1956 йилда ёзилган бу асар Абдулла Қаҳҳор учун характерли эмас. У, айниқса, ўтмиш мавзууда ёзилган ҳикояларида бирор воқеа ёки қаҳрамон образини тасвирилаш орқали ўтмишнинг кирли томонларини, ўзида шу ўтмишни муҗассамлантирган кишиларни фош этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Юқорида тилга олинган ҳикояларда худди шу тамойил устуворлик қиласди.

Маълумки, адабнинг болалик ва ёшлик йиллари “каттакатта, оғир ва шафқатсиз воқеалар юз бериб турган вақтлар”га тўғри келган. У ота-онаси билан бирга қишлоқма-қишлоқ кўчиб юргани сабабли “қўпгина фожиали ҳодисалар”ни кўрган ёки эшигтан. Масалан, “Анор” ҳикоясининг майдонга келишида Бувайдада рўй берган воқеа “хамиртуриш” бўлиб хизмат қилган. Бу ҳикоядаги Туробжон уларга қўшни бўлиб, асл исми Бабар бўлган. Бабарнинг бирдан-бир толеи, Абдулла Қаҳҳорнинг айтишича, дунёга келиб яхши кўрган қизига уйланганидир.. Ҳикояда унинг ана шу қувончли кунлари тасвир этилади. Аммо унинг ҳаётидаги “энг баҳтли дақиқалари ни ҳам йўқчилик татитмаган” – бечора Бабар бошқоронги хотинига иккитагина анорни ҳам олиб бера олмаган. Ҳикоя қаҳрамони Туробжон ҳам хотинининг ана шу арзимаган талбини қондиришга ожизлик қиласди, қийналади, ночорлигидан асабланиб, хотинини тепишгача боради. Шундан кейин уйидан чиқиб кетган Туробжон алламаҳалда каттагина бир тутунни кўтариб келади.

У Муллажон қозининг боғига ўғирликка тушган эди.

Ҳикоя бундай сўзлар билан тугайди:

“У тутунни уйнинг ўртасига ташлади. Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси обрезга тушди. Ту-

робжон хотинига қаради. Унинг рангини кўриб хотини кўрқиб кетди – бу қадар оқарган! Турабжон ўтириб пешонасини ушлади. Хотини югуриб олдига келди ва елкасига қўлини қўйди.

– Қаёққа бордингиз? – деди энтикиб. – Нима қилдингиз?

Турабжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрап эди ”

Бу ҳикояда тасвирланган воқеа ҳам, қаҳрамон ҳам айни ҳаётдан олинган. Абдулла Қаҳҳор Бабар – Турсуналиниңг ўғирлик қилишга, бир томондан, йўқчилик, иккинчи томондан эса, хотинига бўлган меҳр ва шафқат мажбур қилганини яширмайди. У ҳатто мақолаларининг бирида шу ҳақда: мулоҳаза юритиб: “Менимча, Турабжон бу ишни қилгани йўқ, зотан, ўғирлик қилиш қўлидан келадими! Лекин яна писандага қиласман, ҳар нечук бу воқеани ичимдан чиқарганим йўқ”, деб ёзган ва яна бундай қўшимча қилган: “Менинг онам ҳам бошқоронғи бўлганини эслайман. Ҳикояда айтилган боғ эсимда бор, бизнинг ҳовлидан анча нарида, Олим саркорнинг боғи эди”

“Анор” ҳикояси “Минг бир жон”дан роса йигирма йил аввал, 1936 йилда ёзилган. Дарвоҷе, адабнинг энг яхши ҳикоялари ана шу йигирма йил оралиғида дунё юзини кўрган. Бу ҳикояларнинг аксарида қандай воқеалар тасвирланган ва қандай кишилар образи яратилган бўлмасин, уларни асосан бир нарса – Турабжонни ўғирлик қилишга мажбур этган, унинг бошқоронғи хотинини эса икки дона анорга зор қилган ўтмишни қоралаш пафоси бирлаштириб туради. Бадий тафсиллар устаси Абдулла Қаҳҳор “Анор” ҳикоясида ана шу ғояни анор тафсили орқали катта маҳорат билан ифодалаган.

\* \* \*

Ҳикоя шундай бир жанрки, бу жанр табиатини чуқур ҳис этган ва муайян адабий тажрибага эга бўлган киши катта эпик жанрларда ҳам ижод қилиши мумкин. Умуман, ҳикоя аксар ёзувчилар учун қисса ва роман жанрларига ўтишда дастлабки поғона бўлиб хизмат қиласди.

Шу нарса ғаройибки, Абдулла Қаҳҳор, бошқа ҳамкасларидан фарқли ўлароқ, ҳали ҳикоя жанрининг қонун-қоидаларини тўла эгалламай туриб роман жанрига қўл ур-

ган. Агар “Сароб” романининг 1930 йилда бошлангани ва 1933 йил охири – 1934 йил бошларида яқунланганини эътиборга олсақ, шу давргача ва ҳатто шу даврда ҳам адабнинг бирорта эпақали ҳикоя ёзмаганини кўрамиз. Абдулла Қаҳҳор ҳатто шу тўрт йил ичида ҳам ёзган “бир қанча катта-кичик ҳикоялари”ни “ҳикоячиликда уста кўрмаган шогирднинг ҳар мақомда йўрғалаши”, деб эътироф этган. Модомики, адаб “Сароб”ни муайян тайёргарлик босқичини ўтмай туриб ёзган экан, унинг, кутилмагандаги атоқли мунаққид Озод Шарафиддинов томонидан “иккинчи чўққи” деб баҳолангани қандай яратгани жумбоқдир.

Сир эмас, мазкур роман ёзилган 30-йилларнинг бошлари синфий кураш деб аталган алғов-далғов воқеалардан иборат бир давр эди. Шу даврда минглаб оиласар “қулоқ” қилиниб, Украина нинг даштларига-ю Қозоғистонда ташкил этилган меҳнат посёлкаларига жўнатилган. Қанчадан-қанча ватандошларимиз аксилинқилобчилик, миллатчилик ва советларга қарши тарғиботда айбланиб, қамоқقا олинган... Хуллас, халқнинг тинчи, хотиржамлиги йўқолган замон эди. “Сароб” ана шундай мураккаб бир шароитда даврнинг ижтимоий буюртмаси сифатида ёзилди. Абдулла Қаҳҳорнинг ана шу мушкул ва чигал бир замонда рўй бераётган воқеаларни бир изга тушириб тасвирлаши осон эмас эди. Аммо адабнинг катта ютуғи шу бўлдики, у романни ёзишдан аввал Жек Лондоннинг “Мартин Иден” асарини мутолаа қилиб, унинг асосий сюжет чизиги (канваси) дан ўринли фойдаланди. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу икки асар ўртасидаги муштаракликка биринчи бор Озод Шарафиддинов эътиборни қаратган. Унинг “Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар” (1988) китобида бу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “Жек Лондоннинг бу романни Абдулла Қаҳҳорга ўз романининг композициясини топиб олишга ёрдам берган. Ҳар икки романни ўқиган китобхон улар ўртасидаги айрим ўжшашликларга эътибор беради. Маълумки, Жек Лондон романининг қаҳрамони Мартин Иден зодагонлар доирасига мансуб Руфъ деган қизни ўлимдан кутқаради. Шу баҳона бўлиб улар ўртасига яқинлик пайдо бўлади. Йигит қизни севиб қолади, аммо Руфъ оддий табақадан чиқсан деңгизчи йигитнинг муҳаббатини қабул қилолмайди. Мартин қизга қасдига йирик ёзувчи

*бўлиб етишишга интилаги ва бунга эришади. Шундан ке-йин Руфъ унга кўнгил қўяди. Аммо у кечиккан эди – бу орада Мартиннинг қарашлари кескин ўзгаради, у魯фнинг Мартинни эмас, унинг шухратини севаётганини тушунади ва қизнинг муҳаббатини раг қиласди. Пировардда бу дунёда ўзининг идеалини тополмаган, ўзини тушунадиган дил маҳрамини учратолмаган, барча орзулари ер билан яксон бўлган Мартин Иден ўз жонига қасд қиласди”*

Озод Шарафиддиновнинг ёзишича, “Мартин Иден”ни ўқигач, Абдулла Қаҳҳор хаёлотида пайдо бўлган турфа характерлар бир сафга тизилгандек, турли тўқнашувлар жойжойини топгандек бўлади – энди ўтириб ёзишгина қолади, холос. “Шунинг учун ҳам романнинг дастлабки саҳифалари устидаги иш анча равон кечади”, деб якунлайди фикрини Озод Шарафиддинов.

Шубҳасиз, Абдулла Қаҳҳор Мартин Иденни Саидий, Руфни Мунис деб, воқеаларни эса Фаргона водийсига кўчириб-гина қолмаган. У Жек Лондон романнининг композицион қурилишидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда шундай янги бир асарни яратганки, у ўзбек адабиёти тарихида дастлабки психологик роман бўлиб қолган.

Одатда Абдулла Қаҳҳор тўғрисида сўз борганда адабиёт-шунослар уни тутма ва ноёб ҳикоянавис сифатида баҳолайдилар. Бу баҳо қанчалик тўғри ва одилона бўлмасин, унинг замирида Абдулла Қаҳҳор романнависни камситиш оҳангидек эмас. “Сароб” ва “Кўшчинор чироқлари”нинг адаб ҳикояларида машҳур бўлмаганининг сабаби шундаки, биринчидан, бу ҳар иккала роман атрофида бўлиб ўтган баҳслар, мутахассисларнинг бу асарлар бўйича ягона фикрга келмаганлари уларнинг оммалостишига салбий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчидан, бу ҳар иккала асарда тасвирланган тарихий даврнинг ўта мураккаб бўлганлиги ва ўша даврда кечган воқеалар талқинининг ҳозирги қарашлар билан у қадар уйғун эмаслигидир.

Ҳар бир ёзувчи – ўз даврининг фарзанди. У, истайдими ё йўқми, давр унинг асарларига ўз муҳрини босади. Фақат улуғ санъаткорларгина ўз даврининг мафкуравий чегараларини ёриб чиқиб, келажак авлодлар билан ҳам узоқ мулоқотда бўладилар.

50-йилларда шахсга сифиниш фожиали оқибатларининг фош этилиши ёзувчиларга сталинизм даврида рўй берган сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеаларга янгича назар ташлаш, бир оз бўлса-да эркин нафас олиш ва ижод қилиш имконини берди. Абдулла Қаҳҳор шу даврда “Оғриқ тишлилар”, “Тобутдан товуш” комедияларини ёзди, умрининг сўнгти кунларида эса “Зилзила” қисссасини ёза бошлади. Адабиётда бадиий ночор асарларнинг серобланавётганига, пахта далаларига заҳарли дориларни сепиш орқасида қишлоқ аҳли сиҳат-саломатлигининг ёмонлашаётгани ва бу ҳолнинг ҳалқ генофондига катта салбий таъсир кўрсатаётганига, порахўрликнинг эса кундан-кунга авж олиб бораётганига қарши дадил курашди. Шу даврда у ёзувчининг бурчи фақат гоявий соғлом ва бадиий юксак асарларни яратища эмас, балки ҳалқ дилининг таржимони бўлищда, деган тамомила янги ва жиҳдий шиорни ўртага ташлади. “Ёзувчининг қулоги, – деб ёзди у, – ҳамиша ҳалқнинг кўксида бўлиши, унинг қалбидағи ҳаяжонни дарҳол сезиши, илғаб олиши, шундан илҳомланиши, асарини мана шу илҳом, кучли эҳтирос билан ёзиши керак. Ўшанда ёзувчи ҳалқнинг тили учига турган гапни айтади, ҳалқ дилининг таржимони бўлади” Бу, шу давр адабиёти назарияси учун янгилик эди. Бу, ўзбек адабиётини янги тараққиёт босқичига олиб чиқувчи, унинг ҳалқ ҳаёти билан алоқасини янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи янги эстетик мезон эди.

Абдулла Қаҳҳор кейин яратган бадиий асарлари ва публицистик мақолалари, ҳаттоқи адабий ва илмий анжуманлардаги чиқишилари билан жамият ҳаётини соғломлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшди. У юқорида келтирилган фикрини давом эттириб, бундай ёзди: “Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, ҳалқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазолардан қўриқлаш, адабиётинг сергак, жасур пособони бўлиш ҳам киради”.

Бу сўзларни айтган адабиётни бало-қазолардан сақлаш ҳалқни бало-қазолардан асраш, деганидир. Зероки, унинг учун адабиёт ҳалқнинг виждони ва ҳалқ қалбининг кўзгуси эди.



# МИРКАРИМ ОСИМ (1907–1984)

## Тонг сирлари

XX аср ўзбек адабиёти ва унинг намояндалари ижоди, фаолияти турли сир-синоатлар билан тўла. Мустабид тузум уларнинг бирларини қатағонга учратган бўлса, иккинчиларини ўз измига солиб, собиқ тузум мафкурасига хизмат қилишга мажбур этди.

Тилга олинган давр адабиётида забардаст тарихнавис адаб Миркарим Осимнинг ўзига хос салмоқли ўрни бор. Агар ўша давр адабиётида ўзбек халқи тарихини Миркарим Осимдек пухта билган адиларнинг бор йўғи уч-тўрт нафар эканини инобатта олсак, унинг ўрни ва хизматлари янада ойдинлашади. Аммо афсуски, адаб барча ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлмади.

Турли манбалардан шу нарса яхши маълумки, Миркарим Осим 1907 йили Тошкентда дунёга келиб, 1917 – 1920 йилларда Лангар маҳалласидаги “Шамс ул-урфон” бошлангич мактабида, сўнг Навоий номидаги мактабда ўқиган. Бўлајак адаб 1921 – 1925 йилларда билим юртида таҳсил кўргач, Тошкент мактабларининг бирида ўқитувчилик қилган. 1926 йил августида эса Москвага бориб, Бубнов номидаги Педагогика институтига ўқишга кирган. Мазкур институтнинг тарих факультетида тўрт йил давомида таҳсил кўргач, Самарқандга келиб, ўқитувчиларни тайёрлаш курсларида дарс берган. Сўнг Тошкент... Педагогик йиллари... Адабиёт майдонидаги ижодий изланишлар...

Ижод тонгини шеър ва мақолалар билан бошлаган Миркарим Осим шу кезларда бундай сатрларни ёзган:

Ҳар нарса ўзгарар, ҳар нарса оқар,  
Тинмасдан оқади буюк табиат.  
Табиат тинмасдан тўнин ўзgartарар,  
Оlamda тиним йўқ, мана, ҳақиқат!...

Шу буқун тарихдан дарс берар экан,  
Эсладим Гераклит фалсафасини.  
Эсладим қўрқинчли туш каби бирдан  
Қулликнинг қоронғу дабдабасини...

Мен бу сатрларни ўқир эканман, Миркарим Осимнинг бизга номаълум бўлган, аммо ушбу шеърнинг замирига яши-ринган ўтмиш ҳақиқати хаёлимда секин-аста жонлана бошлиди.

Миркарим Осимнинг таҳсил йиллари турк асир зобитлари Тошкент мактаблари ва билим юртларида фаолият кўрсатган даврга тўғри келди. Бу даврда тошкентлик Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигидаги ўзбек зиёлилари ўз олдиларига Романовлар суоласининг тарих саҳнасидан кетиши ва чор ҳокимиятининг ағдарилиши муносабати билан пайдо бўлган баҳтли имкониятдан фойдаланиб, ўзбек юртини мустақиллик йўлига олиб чиқишини мақсад қилиб қўйдилар. Ана шу мақсад билан йўғрилган жадид маърифатпарварлар замона зайли билан Красноярскдаги ҳарбий асиrlар лагеридан қочиб Тошкентга келиб қолган турк зобитлари билан биргалиқда ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашга бел боғладилар. Миркарим Осим Навоийномидаги мактабда ҳам, таълим ва тарбия билим юртида ҳам турк ўқитувчилари таъсирида шаклланана бошлади. Билим юртини юқори кўрсаткичлар билан тутатган Миркаримни жўрофия ўқитувчиси Шаҳобиддин Аҳмадий ҳатто Туркияга олиб бормоқчи бўлади.

Шаҳобиддин Аҳмадий Эски шаҳар аҳли ўртасида Шаҳобиддин эшон номи билан танилган шахс бўлиб, диний ва дунёвий билими билан талабалар ҳурматини қозонган зот эди. У кейинчалик Ойбек домланинг қайнотаси атоқли маърифатпарвар Сайдносир Миржалилов билан бирга Тошкентда, НКВД ертўласида ёттан. Зарифа Сайдносирова ҳаётининг ана шу таҳликали йилларини эслаб, “Ойбегим менинг” китобида Шаҳобиддин эшон тўғрисида бундай маълумотни берган.

“Дадам билан бир хонага Шаҳобиддин эшон ҳам ётган. Унинг отаси машҳур эшонлардан бўлган. Шаҳобиддин эшон ўрта яшар, баланд бўйли, ниҳоят келишган қоматли, чиройли, соқол-мўйлови қоп-қора киши эди. У Ойбекнинг синфдо-

ши Миркарим Осимни ўзи билан бирга Туркияга олиб кетмоқчи бўлган".

Хуллас, Миркарим Осим Туркия дорилғунунларида олий маълумотни олиш иштиёқида бўлгани учун олис ва махфий сафарга жон деб отланади. Аммо устоз билан шогирд совет-турк чегарасини кесиб ўтиш пайтида қўлга тушадилар. Бу воқеа 1925 йил 19 ёхуд 20 июнъ куни Ожаристон чегараларида юз беради.

Шаҳобиддин Аҳмадий Миркарим Осимга мактабда ҳам, билим юртида ҳам жўтрофия ва бошқа табиий фанлардан дарс берган. Бўлажак адид бу фанлардан аъло баҳо олиб ўқигани ва устоз меҳрини қозонгани учун Шаҳобиддин Аҳмадий унга Туркия ва Татаристонда нашр этилган китобларни ўқишига берар, Миркарим эса уларни шавқ-завқ билан ўқир эди.

Навоий номидаги билим юртида Ёқуб Файзий ва Бокий исмли Туркияда таҳсил кўрган ўқитувчилар бўлиб, улар талабаларда Туркияга ва умуман Шарққа ҳурмат туйфусини тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Бокий Шарқ саркардаларининг жасоратлари тўғрисида сўзлаганда талабаларнинг қонлари жўшиб кўпирниб кетган. Кунларнинг бирида у синфда Амир Темир тўғрисида ҳаяжон билан сўзлаб туриб, ҳамманинг олдида йифлаб юборган. У Темурнинг Грузия ва Туркияга қилган ҳарбий сафарларини берилиб ҳикоя қилганида, талабалар ифтихор ҳиссига тўлибтошганлар.

20-йилларнинг аввалида Истанбулдан Эсон афанди келиб, дастлаб Миркарим ўқиган Навоий номидаги иккинчи босқич мактабида адабиётдан дарс беради, сўнг билим юртига мудир этиб тайинланади. У билан бирга келган ИброХим афанди эса тарих фанини ўқитади. Кўп ўтмай, Навоий номидаги мактаб билим юртига айлантирилиб, Туркиядан келган муаллимлар талабаларга туркий халқларнинг тарихий-маданий илдизларига ҳурмат ва садоқат руҳини сингдириб борадилар.

Эсон афанди тошкентлик зиёлилардан бўлиб, совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатидан – Ўзбекистонда кечган нохуш воқеалардан изтиробга тушган ҳолда талабаларда большевиклар тузумига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотишга интилди. У маҳаллий халқнинг камситилиши,

пахтанинг ўзбек халқи бошига тушган кулфатга айланиб бораётгани, соликларнинг кундан-кунга ошиб, иқтисодий аҳвол оғирлашаётганининг даҳшатли манзараларини тасвирлаб берган.

Аслида, Эсон афанди томонидан тасвирланган манзаралар Миркаримга бегона эмас эди. У отаси ташлаб кетганидан кейин тоғаси Шолутфулла Шоикромовнинг қўлида тарбияланган. 1918 йили Шолутфулла аканинг мол-мулки ёш Миркаримнинг кўз ўнгида мусодара этилган ва бу адолатсизлик унга қаттиқ таъсир ўтказган эди. Шунинг учун ҳам у Эсон афандининг ҳар бир сўзида ҳақиқат булоғининг фаворва бўлиб отилишини кўрган.

Эсон афанди Миркарим Осим ўқиган синфга катта умид боғлаган эди. Бу синфда эса Ойбек, Маҳмуд Ҳакимов, Муқсид Қориев, Азиз Мақсудов, Маннон Эминжон, Сайдвали Шарафиддинов, Темучин Аъламов ва бошқалар ўқишган. Улар учун Эсон афанди том маънода мураббий бўлган.

“Мен, — деб ёзган Миркарим Осим 1931 йилга оид таржимаи ҳолида, — табиийки, Эсон афандининг сўзларига бутун қалбим билан ишонганман ва Эсон афандиган юксакроқ бошқа кишининг бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаганман. Мен унга шеърларимни кўрсатар эдим. Борди-ю у бу шеърларни яхши чиқмабди деса, уларни парча-парча қилиб йиртиб ташлар эдим. Эсон афанди бу вақтда менинг шеърларимни Ойбекнинг шеърларига қараганда юқори баҳолар эди.

Шу кезларда Тошкентнинг Эски шаҳарида Эсон афандининг обрў-эътибори беҳад баланд эди. Эсон афанди Эски шаҳар кенгаши йиғилишига зикр тушишдан воз кечиш тўғрисига сўзлаганига ҳеч ким унга қарши чиқишга журъат этмаган. Йиғилишида Эски шаҳар партия ташкилоти котиби Обид Маҳзум ва вақф ишлари мудири бўлишган”.

Миркарим Осим нафақат Эсон афанди, балки Шаҳобиддин Аҳмадийга ҳам эътиқод қўйди. У билим юртида ўқиб юрган кезларида синфдоши Туроб Худоёрий билан бирга бир ойда бир марта унинг уйига бориб, нафақат бадиий асарлар, балки дин, ахлоқ ва одобга оид китобларни ҳам олиб ўқир эди.

1924 йили Шаҳобиддин Аҳмадий шогирдига Туркияга кетиши ниятида юрганини айтади ва уни ҳам олиб боришга ваъда беради. Шарқ адабиётини пухта ўрганиш ниятида юр-

ган Миркарим Туркияни Шарқдаги энг илғор мамлакатлардан бири деб ўйлаб ва у ерда олий таълим олиш истиқболидан сархушланиб, сафар чоини орзиқиб кутади.

1925 йил июнь ойида устоз билан шогирд йўлга чиқадилар. Уларнинг Туркияга бориш ниятларидан фақатгина Эсон афанди билан Иброҳим афандигина хабардор эди.

Шу ўринда Миркарим Осимнинг оиласвий ҳаётига назар ташлаш жоиз.

Миркарим Осимнинг отаси Миросим Насруллахўжаев 1880 йили таваллуд топган. Эски шаҳардаги Чопонбозор яқинидаги унинг отамерос каттагина боғида етиштирилган мева-чеваларни сотиш орқасида рўзгор тебратмай, чопон савдоси билан шуғулланган. Унинг тўнғич фарзанди Мирмаъруф Миросимов 1900 йили дунёга келган бўлиб, у ҳам тижорат ишлари билан машғул бўлган. 1930 – 1931 йилларда хусусий савдо билан шуғулланиш большевиклар томонидан тақиқланганча, у Фулжага борган ва ўша ердан доимий макон топган, янги оила қурган. Бироқ шунга қарамай, у вақти-вақти билан Тошкентга келиб, бола-чақасидан хабар олиб турган.

Миросим ака 1924 йил охириларида Тошкентта келиб, 1925 йил февралига қадар фарзандлари бағрида яшайди. Шу вақтда у ўғлининг Туркияга боришга шайланганидан хабар топиб, унга 300 сўм миқдорида пул беради.

Шундай қилиб, 1925 йил июнининг 19 ёхуд 20 куни Миркарим Осим устози билан бирга Тошкентдан йўлга чиқиб, поездда Москвага боради. Улар Москва меҳмонхоналари да бир ҳафта давомида яшайдилар. Миркарим Осим имкониятдан фойдаланиб, Москвадаги тарихий жойлар ва музейлар билан ташнишади. Шаҳобиддин Эшон эса сафар ташвишлари ва муаммоларини ҳал этиш билан банд бўлади. Орадан бир ҳафта ўтгач, улар поездда дастлаб Тифлисга, сўнг Ботумига борадилар. Ботумида кечган тўрт-беш кун давомида Шаҳобиддин эшон 35 – 40 ёшлардаги Ҳусайн деган бир ожар йигит билан танишади ва у тошкентлик ўлчиларни чегарадан яширин равишда ўтказиб қўйишга ваъда беради.

Шанба куни, оқшом пайтида, устоз билан шогирд фэтонга ўтириб, чегарага яқин ерга борадилар. Ҳусайн уларни шу куни кечаси Грузия-Туркия чегарасидан ўтказиб қўйи-

ши лозим эди. Аммо устоз билан шогирднинг чегарадан ноконуний йўл билан ўтишлари ҳақида маълумотга эга бўлган чекистлар уларни жиноят устида ушлаб оладилар.

Ожаристон Фавқулодда комиссияси мазкур иш билан жиёддий равишда шуғулланади ва Миркарим Осим уч ойдан зиёдроқ вақт давомида Ботумида биринчи марта совет қамоқ-хонасининг тузини тотади. Ниҳоят, 1925 йилнинг октябрь ойида озодликка эришган Миркарим Осим Тошкентга қайтиб, Хадрадаги Навоий номидаги иккинчи босқич мактабда жуғрофиядан дарс бера бошлайди. Орадан бир йил ўтгач, 1926 йилнинг кузида у Москвага бориб, 1930 йилга қадар вилоят Педагогика институтида таҳсил кўради. Сўнг Самарқанд... Ўқитувчиларни тайёрлаш уч ойлик курси... Давлат нашриёти... Тошкент...

Миркарим Осим хизмат қилаётган Педагогика институтининг 1931 йил кузида Душанбе шаҳрига кўчирилиши муносабати билан Маориф ҳалқ комиссарлиги қошидаги илмий муассасада 1949 йилнинг ёзига қадар кичик илмий ходим лавозимида ишлайди.

Миркарим Осим чегарада юз берган воқеалардан омон-эсон чиқиб, она юртига қайтгач, “Янги ариқ” деган қисса устида иш бошлаган. Қисса мавзуи Фарғона водийси тарихидан олинган ва унда Намангандан қурилиши билан боғлиқ воқеалар тасвир этилган эди. Асар урушдан кейинги йилларда “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилингандан сўнг унда бадиий муҳрланган воқеалар “ҳалқ ўртасида ўзининг шафқатсизлиги ва зулм-зўравонлиги билан машҳур бўлган Қўқон хони Умархон даврида юз бергани ва Умархон даври идеаллаштирилгани, тарихий воқеаларнинг эса нотўғри акс эттирилгани” маълум бўлиб қолади. Тошкент шаҳар партия ташкилотининг котибларидан бири 1948 йили бўлиб ўтган фаоллар йигинининг бирида феодал ўтмишни гўё идеаллаштиргани учун Миркарим Осимга маломат тошларини отади. Шундан кейин кўп ўтмай, адаб хизмат жойидан ҳайдалади. 1950 йил 15 январида эса Миркарим Осим қамоқقا олинади.

Тергов ўн ой давом этади. Ниҳоят, ўша йилнинг 18 октябрида Миркарим Осим советларга қарши тарғиботда ва айрим маълумотларни ошкор этганликда айбланиб, 10 йилга кесилади. Афсуски, маҳбуснинг “жиноий-архив иши”-

да унинг жазо муддатини қаерда ўтганлиги тўғрисида бирор маълумот йўқ. Аммо шу нарса маълумки, у “соқчилар-нинг назорати остида кечувчи умумий ишлар”да банд бўлган. Бу “умумий ишлар” эса 1955 йилгача – СССР Олий Совети Президиумининг “Афв тўғрисида”ги Фармони эълон қилингунига қадар давом этган.

Адиб НКВДнинг ички қамоқхонасида ҳаммаси бўлиб 22 ой бўлди. 1925 йил воқеалари ҳам, айниқса, 50-йиллардаги терлов ва қамоқ даҳшатлари ҳам унинг ҳаётида беиз кетмади. Вужудида отасининг эмас, балки мусичадек беозор она-сининг қон зарралари кўпроқ бўлган ўта камтарин, хокисор, камгар, эҳтиёткор адабнинг сажияси ана шу шафқатсиз жараёнда шаклланди. У тарихга бўлган беадад муҳаббати туфайлигина фақат тарихий мавзуларда қалам тебратмади. У совет даврига ёзувчи сифатида мурожаат этгани ва замонавий мавзуларда асар ёзгани тақдирда “ҳаёт хақиқати”ни бузганликда айблашлари мумкинлигидан қўрқди. Шу давр ҳақида ҳақ гапни айтиш мумкин эмаслигини билиб-сезиб яшади. Бу оғир сезги уқубатли тонгдан умр шомига қадар давом этган даҳшат кўланкаси эди.

Аммо Миркарим Осимнинг ижодий жасорати шундаки, у тақдир берган имкониятдан фойдаланиб, ўзбек халқи тарихининг нурли сахифаларини ўзининг умрбоқий асарларида ҳаққоний тасвирлаб, XX аср ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳар бир миллый адабиётнинг ўзига хослигини ва миллат олдидағи тарихий вазифасини белгиловчи нарса тарихий мавзудир. Агар асрлар давомида туғилиб, шаклланадиган ҳар бир авлод ўз миллати тарихини билмаса, нафақат шу авлод, балки бутун бир миллат маънавият ва маданият оламидан четда яшайди. Шундай вазият юзага келмаслиги учун ёзувчилар тарихий мавзуга мурожаат эта-дилар ва тарихий мавзу ҳар бир миллый адабиётнинг етакчи мавзуи бўлиб қолади. Миркарим Осим бутун ижодий ҳаётини устози Абдулла Қодирий ва дўсти Ойбекнинг шу борадаги анъаналарини давом эттиришга бағишлади. У Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи тарихининг энг қадимги давридан 1917 йилга қадар кечган вақт ичida рўй берган тарихий воқеаларни ва шу даврда яшаган ўзбек халқининг улуғ фарзандлари ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб

ажойиб қисса ва ҳикояларни яратди. Адид “Тўмарис”, “Широқ”, “Искандар ва Спитамен”, “Темур Малик”, “Маҳмуд Торобий”, “Ўтрор” каби қиссаларида олис аждодларимизнинг хорижий истилочиларга қарши эрк ва ҳуррият йўлида олиб борган қаҳрамонона курашини бадиий музассамлантириб берди. Унинг бу асарлари, айниқса, ҳозирги даврда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида муҳим аҳамият касб этади.

Миркарим Осим асарларида тасвиirlанган қаҳрамонлар галереясини назардан ўтказар экансиз, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаган қарийб бирорта машҳур тарихий шахснинг адид эътиборидан четда қолмаганини кўриб, ҳайратта тушасиз. У юқорида тилга олинган асарларидағи қаҳрамонлардан ташқари, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Машраб сингари ўнлаб тарихий шахсларнинг ёрқин образларини гавдалантириб берди. Унинг “Зулмат ичра нур”, “Аждодлар қиссаси”, “Жайҳун устида будлутлар”, “Ибн Сино қиссаси”, “Синган сетор” сингари асарлари ўзбек тарихий қиссачилигининг юксак намуналари бўлиб қолган. Тарихий мавзуда ижод қилган ёзувчилар совет даврида замонавий мавзулардан қочища, совет даврида рўй берган воқеалардан юз ўтирища айбландилар. Шундай татьна ва дашномлар Миркарим Осимни ҳам четлаб ўтмади. Аммо у ҳеч нарсага қарамай, тарихий мавзуда тинмай ижод қилиб, шундай асарларни яратдики, бу асарлар туфайли ҳалқимиз совет даврида ҳам ўз тарихининг шавкатли саҳифалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Одатда Миркарим Осим сингари камтарин ёзувчилар вафотларидан кейин унут бўлиб кетадилар. Аммо умид қиласизки, ҳозирги ва келажак авлодлар бу аллома адиднинг энг яхши асарларини қайта-қайта нашр этиб ва ўқибгина қолмай, улар асосида кино, театр ва музика асарларини ҳам яратадилар ва шу тарзда Миркарим Осимнинг XXI асрдаги ҳаёти аввалгисига қараганда мунаvvар бўлади.

Миркарим Осимнинг мустақиллик йилларида давлатимизнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани ана шу эъзознинг шояд дебочаси бўлган бўлса...

# МАҚСУД ШАЙХЗОДА (1908–1967)

## Ҳаёти ва ижоди саҳифалари



Бундан қирқ йил муқаддам XX аср ўзбек адабиётининг буюк сиймаларидан бири Мақсуд Шайхзоданинг жабрдийда юраги уришдан тўхтади. Ўтган давр мобайнида унинг нафақат бошқа тенгдошлари, балки издошлари, шогирдлари ва муҳлислирининг ҳам аксари ҳаётдан кўз юмди. Шу даврда туғилиб, вояга етган авлодлар эса унинг жўшқин сўзини эшийтмай, нурли чехрасини кўрмай, танти қалбининг заррин шуълаларидан баҳраманд бўлмай ўсмоқдалар. Бинобарин, уларнинг Шайхзодани нафақат буюк шоир, балки буюк инсон сифатида ҳам идрок этишлари, унинг порлоқ истеъоди олдида таъзим қилишлари қийин. Шунинг учун ҳам бу оташнафас шоирнинг қандай ноёб сиймо бўлганлиги тўғрисида ёзиш биз, замондошларнинг вазифамиздир.

Шайхзода 1908 йил 25 октябрда Озарбайжон Республикаси Ганжа вилоятининг Оғдош шаҳрида шифокор Маъсумбек ва Фотимахоним оиласида дунёга келган. Маъсумбек Шихлиев Петербург университетининг тибиёт факультетини тутатган ва Оғдошда янги усуулдаги илк мактабни ташкил этган зиёлилардан бири эди. Мақсуд 1917 йилда ана шу 1-босқич мактабда муаллим Мухтор Афандизоданинг қўлида таълим олди. Иккинчи синфни фақат аъло баҳолар билан тутатгани сабабли юқори босқич мактабнинг 2-синфига ўтказилди.

Кези келганда айтиш жоизки, мазкур мактабда Мақсуд билан бирга ўқиганлардан Сайд Рустам таниқли композитор, халқ артисти, Шокир халқ рассоми, Идрис Алиев эса маориф ходими бўлиб етишди. Шайхзоданинг 70 йиллиги мунносабати билан Озарбайжонга қилинган сафар вақтида Идрис Алиев болалик дўсти ҳақида сўзлаб, бундай деган эди:

*“Биз, Мақсуд, Сайд ва Шокир бир синфда ўқир эдик. Биз таълим олган билим маскани Мақсуднинг отаси Маъсум-*

бекнинг саъй-ҳаракати билан ташкил топган Оғдошдаги янги усулдаги биринчи мактаб эди. Маъсумбек мактаб ва ўқув-чиларнинг аҳволидан тез-тез хабар олиб турад эди.

Мақсуд ёшлигида ўзи ҳам тинчимас, бизга ҳам тинчлик бермас эди. У зийрак, синчков, шижоатли ўғлон бўлиб, бир ишни бошлидими, албатта, уни охирига етказмай қўймасди...”

Мақсуд шундай зийраклиги ва тиришқоқлиги туфайли муаллимлар эътиборини қозониб, 1921 йилда бир гурӯҳ тенгдошлари билан бирга Боку шаҳридаги дорилмуаллиминга ўқишга юборилди. 1925 йили мазкур билим юртини аъло баҳолар билан тутатган Мақсуд Озарбайжон Маориф ҳалқ комиссарлигининг йўлланмаси билан Дарбанд шаҳрига йўл олди. У ўша пайтда Доғистон автоном республикаси ҳудудида бўлган Дарбанддаги 1-босқич мактабда бир йил хизмат қилгач, Доғистон Маориф ҳалқ комиссарлигига мурожаат қилиб, Бўйноқ шаҳрига ишга кўчиришларини сўради. Ва 1927 йилнинг июнь ойига қадар Бўйноқдаги педагогика билим юртида жамиятшунослик фанидан дарс берди.

Идрис Алиевнинг юқорида келтирилган сўзларидан маълум бўлганидек, Мақсуд Оғдош сингари кичик шаҳарларда камдан-кам учровчи тараққийпарвар кишилар оиласида туғилган эди. Бўлажак шоирнинг шаклланишида отаси Маъсумбекнинг иштироки ниҳоятда катта бўлган; нафақат отаси, балки онаси Фотимахоним ҳам оғдошлик аёлларнинг ижтимоий фаоллашувига таъсир кўрсатган кишилар эди. Машҳур озар адиби ва жамоат арбоби Мирза Иброҳимовнинг шаҳодат беришига кўра, унинг ота-онаси зийрак, зеҳнли фарзандларининг қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор берган, уларда илм-фанга ихлос, гўзалликка нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотган. Мақсуд улар таъсирида хушёр, зукко, билимдон, янгиликка талпинувчи, жамиятда рўй берәётган воқеа ва ҳодисалар моҳиятини тушунишга интилевчи йигит бўлиб ўса бошлаган. Шундай зукко йигитнинг ўша пайтда ёшлар ўртасида тарқалган ва улар эътиборини қозонган газета ва журнallарни ўқимаслиги ақл бовар қилмас ҳодиса эди.

Мақсуд Бокуда таҳсил кўрган йилларда “Ени Кавказ” журнали ёшлар ўртасида, айниқса, машҳур эди. Истанбулда Мамед Эмин Расулзода томонидан нашр қилинган ва

Бокута яширин йўллар билан келтирилган мазкур журналда босилган “Қизил империализм” мақоласи Мақсуддинг дунёқарашига таъсир этмай қолмади. Мазкур мақолада 1917 йил октябрида тарих саҳнасига келган совет давлатининг миллий республикаларга ва шу республикаларни туб аҳолисига эркинлик бермагани, аксинча, миллий халқларнинг диний ва дунёвий маданиятини сиқув остига олгани айтилган ва Озарбайжон ҳаётидан бундай фикрларни тасдиқловчи кўплаб мисоллар келтирилган эди.

Мақсад Бокуда ўқиб юрган кезларида “Ени Кавказ” журнали билангира эмас, балки 1925 йили Бўйноқ шаҳрига келиб, “Маориф йўли” журналини чоп эта бошлаган Эдҳем Файзий билан ҳам танишган. Унинг Дарбанддан Бўйноққа бориб ишлаши ҳам шу кимса билан бевосита боғлик.

Эдҳем Файзий Мустафо ўғли асли қримтатарлардан бўлиб, 1885 ёки 1886 йилда Руминиянинг Селистра шаҳрида туғилган. 1914 йилга қадар Туркия, Болгария ва Францияда яшаб, педагогика ва иқтисод бўйича олий маълумот олган. 1914 йили турк-рус уруши бошланиши билан ота юртига қайтиб келган. Эдҳем Файзий 1918 йили Кримда Миллий фирмә партиясида аъзо бўлиб, маълум вақт партияни “Миллат” газетасига муҳаррирлик қилган. Сўнгра “Ени дунё” журнали муҳаррири, таълим ва тарбия техникуми муаллими, шунингдек, Крим миллий банки комиссиясининг аъзоси сифатида фаолият олиб борган. 1925 йили эса Доғистонга кўчиб бориб, Бўйноқдаги педагогика билим юртида ишлаган ва айни пайтда “Маориф йўли” журналини нашр қилган.

Мақсад Бўйноққа кўчиб борганидан кейин Эдҳем Файзий билан бирга бир ўқув юртида ишлаш билан бирга, “Ени дунё” журналида асосан таржимон сифатида қатнашади. Шу аснода “эркин дунё”ни кўриб, оқ-қорани таниган, большевикларнинг Кримда қилган жиноятларига гувоҳ бўлган Эдҳем Файзийнинг таъсир доирасига кириб боради.

Эдҳем Файзий Миллий фирмә партияси “Миллат” газетасининг муҳаррири, шунингдек, Февраль инқилобидан кейин Кримда барпо қилинган мухтор ҳукуматга моддий ёрдам кўрсатган Миллий банкнинг ходими бўлгани учун ГПУнинг уни назорат остига олмаслиги маҳол эди.

1923 йили Муса Бегиев “рус мусулмонлари”нинг раҳбари сифатида жаҳон мусулмонларининг Калькуттадаги конгрес-

сига таклиф этилган. У конгрессда Қрим мусулмонларининг вакили сифатида ҳам қатнашиш учун қримлик муфтий Иброҳим Тарпининг розилигини олмоқчи бўлган. Эдҳем Файзий шу жараёнда фаол иштирок этиб, муфтийнинг розилик хатини Ленинградга, Муса Бегиевга олиб борган. Шу воқеадан кейин ГПУ ходимлари нафақат Эдҳем Файзий, балки у билан мулоқотда бўлган бошқа кишиларни ҳам таъқиб остига олишган. Хуллас, Мақсуд Шейхизоданинг (атоқди ўзбек шоириниг исм-шарифи ўша вақтда шундай бўлган) Бўйноқقا кўчиб келиб, Эдҳем Файзий билан бирга ишлаши ва у муҳаррири бўлган журналда қатнашиши унинг ҳам ГПУнинг назорат доирасига тушишига сабаб бўлган.

ГПУ ходимларининг Эдҳем Файзийга яқин бўлган кишилардан, шу жумладан, Шейхизодадан шубҳаланиши асосиз эмас эди. Зеро, Шейхизода, Тавфиқ Жалол ва Селим Фитрат ўзаро мулоқотлари пайтида “устоз”лари таъсирида бундай сўзларни айтиб юришган: “Озарбайжон ҳозир русларнинг мустамлакаси бўлиб қолди. Шўро мухтор жумҳурияти қазиб олинаётган нефтнинг 10 фоизига ҳам эга бўлолмайди. Шўро ҳокимияти Озарбайжоннинг Туркиядан ўзи хоҳлаган агадиётни сотиб олишига, долзарб масалалар бўйича матбуотда эркин чиқишимизга рухсат бермаяпти. Агар Озарбайжонда мусовотчилар ҳокимияти ўрнатилганида биз анча илгарилаб кетган бўлардик. Биз ўз ишишимизни ВЛКСМга кириш йўли билан олиб бормоқчи бўлган эдик, аммо бизни бу ташкилотдан миллатчи деб ҳайдаб чиқаришиди. Мана, ҳозир ВЛКСМ сафида ёлғиз Шейхизоданинг ўзигина бор...”

Маълум бўлишича, Шейхизода 1927 йили Бокуга бориб, у ердан Истанбулда нашр этилган “Ени Кавказ” журналини олиб келган. Озарбайжоннинг мустамлакага айланиб, Догистоннинг эса руслалиб бораётганидан ташвишланадиганни яширмаган. Ва нима учундир Бўйноқдаги ҳарбий қисмнинг сон-салмоли, аҳволи ва миллий таркиби билан яқинлашишга уринган. Гарчанд у ўзининг сиёсий қарашларини ошкор қилмаган бўлса-да, у билан бирга Дарбандан Бўйноқка келган ва билим юртида ўқитувчилик қилган Тавфиқ Жалол Догистонга маҳаллий аҳолининг руслалиб кетишига йўл қўймаслик учун келганларини очиқдан-очиқ айтган.

Хуллас, 1927 йил июнь-июль ойларида Шейхизода аксил-инқиlobий тарғибот олиб борища айбланиб, Эдҳем Файзий ва Мамед Файзий билан бирга қамоққа олинади. Эдҳем Файзий таъсирида ҳаракат қилган Селим Фитрат ва Тавфиқ Жалол эса Догистон ҳудудидан чиқиб кетгандари учун улар иши алоҳида ажралиб чиқади. Махачқалъада бўлиб ўтган суд 1927 йил 6 декабрда юқорида номлари тилга олинган уч кишини ОГПУ ихтиёридаги сиёсий қурилишга юбориш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шейхизода ўзига қўйилган айбни асословчи бирорта далил бўлмаганлиги сабабли ишни қайта кўришларини талаб қилиб, тегишли идораларга аризалар ёзади. Шундан кейин ОГПУ коллегияси ҳузуридаги Махсус кенгаш бўйноқлик муаллимлар ишини қайта кўриб, Э.Файзийни концлагерда ўташ шарти билан З йиллик қамоққа, Шейхизодани эса З йиллик сургунга юбориш ҳақида ҳукм чиқаради. Мазкур ҳукмга кўра, Шейхизода Москва, Ленинград, Тибилиси ва Бокудан бошқа шаҳарларда сургун муддатини ўташи мумкин эди.

Шейхизода қамоқдан озод бўлгач, онасининг маслаҳати билан (отаси ўша вақтда Москвада ўқишида бўлган) сургунгоҳ сифатида Тошкентни танлайди ва ўзбек юртига келиб, отасининг танишларидан бири Собир Шариповнинг Шаҳрисабз кўчасидаги уйида яшай бошлади.

У Тошкентда ҳаётининг ҳар томонлама янги, баҳор тароватидек тоза ва беғубор даврини бошлашга аҳд этади, исм-шарифига жиндек таҳrir киритиб, Шайхзода тахаллусини қабул қиласи.

\* \* \*

Шайхзода ижодининг бошланиши Дарбанд билан боғлиқ. Унинг бизгача етиб келган аксар шеърлари 1922 йилда ёзилган. Аммо Шайхзоданинг ўзи ижодининг қачон бошланганлиги ҳақида сўзлаб, бундай ёзган эди: “Мен агар китобхонларимга ҳали алифбони эгалламасдан олдин шеър яратгандман, деб айтсан, улар балки менинг бу гапимни ё ҳазил, ёки киноявий маънода бир муболагадур, деб талқин қилишлари мумкин. Аммо бу чин гап. Менинг отам раҳматлик (ўз замонасининг илғор зиёлиси, доктор) одатда бола-

ларга шеър ўқиб берар ва кейин айрим сўзларни айтиб бериб, шу сўзга мос қофия топишни бизлардан талаб қилар эди. Қофия ҳам вазн оҳангига қулогум ўрганиб кетиб, мен беш яшарлигимда 8–10 мисрадан иборат бир “масал” тўқиганим эсимда. Албатта, муайян фикр ва сюжетдан холи бўлган бу “масал” бўри билан олмахон ҳақида тўқилган эди. Ҳар қалаӣ, шеърга муҳаббат умримнинг илк йилларидан бошлиб қонимга, қалбимга, фикримга сингиб кетганини айти оламан”

Номи юқорида тилга олинган Идрис Алиев (дарвоҷе, у ўша мактабда муаллим, кейинчалик эса директор бўлиб ишлаган) Шайхзода ижодининг бошланиши ҳақида бундай маъумотни берган:

“Мақсуг ёшлигидан агадиётга жуда ҳавасманг эди. Эсимда, мактабда ўқиб юрган кезларимизда у кичик бир пьеса ёзди. Мен, Мақсуг, Саид, Шокир ва бир неча ўқувчилар иштирокида “28 апрель инқилоби” деган шу “пьеса”ни саҳнага қўйдик. Томошага ўқувчиларгина эмас, кўпчилик ота-оналар ҳам йиғилиб, бизни қизғин олқишилаганлари ҳали-ҳали ёдимга.

Мактабимизда бўлган бир тарихий воқеа ҳануз кўз ўнгимда: 1920 йилнинг охирлари бўлса керак, шаҳримизга Наримон Наримонов келиб қолди. Халқни мактабга тўплаб, ката йиғин ўтказди. Шунда Мақсуг минбарга чиқиб, шеър ўқиди. Бағоят таъсирангандан Наримон Наримонов Мақсудни бағрига босиб, пешонасидан ўпди, “Қизил аскар қўшиғи” деган ўша шеърни олиб кетиб, Боку газетасига чоп эттиргди”

Шайхзоданинг Наримон Наримоновни ҳаяжонга солган “Қизил аскар қўшиғи” (1920) деб номланган илк шеъри “Ой билан суҳбат” шеъри билан бирга “Гулистан” журналининг 1978 йилдаги сонларидан бирида босилган. Ўн икки яшар боланинг бу шеърини ўқир эканмиз, унда ифодаланган фикрдан ҳозир ҳам ҳайратга тушиш мумкин:

Биз жанговар аскармиз,  
Эл ишига дастёрмиз.  
Халқ эркини сақлашга  
Кеча-кундуз тайёрмиз.

Биз жанговар аскармиз  
Энг шиддатли жабҳада.  
Муҳаққақ ғолиблармиз  
Метин, олов сафларда.

Севинчимиз — юрт ишқи,  
Таянчимиз — бирдамлик.  
Ватан бурчи — олий бурч,  
Бизга ётдир беғамлик...

Ижодининг дастлабки намуналарини 1922 йилда озарбайжон тилида ёзган Шайхзода 1928 йилда Тошкентга келиб, “Шарқ ҳақиқати” газетасида ишлар экан, ўзбек тилини Ойбек ва Faфур Fuлом сингари дўстлари кўмагида шиддат билан ўрганиб, 1929 йилда шу газетада “Трактор” деган шеърини эълон қилди. Бу, атоқли шоирнинг ўзбек тилидаги биринчи шеъри эди. У шу вақтдан бошлаб умрининг сўнгги нафасига қадар ўзбек адабиётининг равнақи йўлида тер тўкиб, адабиётимиз хазинасини ўзига хос шайхона жўшқин шеър ва достонлар, драма ва таржималар, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар билан бойитди.

\* \* \*

Озарбайжондан сургун қилинган шоирнинг шўролар Ўзбекистонида эмин-эркин яшashi асло мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у Совет давлати раҳбарларини, партияни олқишлоғчи шеърлар ёзиб, даврнинг ўткинчи масалаларига ўз вақтида муносабат билдириб туришга, замонасоз шоир никоби билан яшашга интилди. У 1933 йили бадиий ижоддан кўра илмий фаолият билан шуғулланишни хавфсиз, деб билибми, Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурани тутгатгач, кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Лекин 1937 йил ўроғи бу институт ходимларини ҳам ўриб кетганини, ижодини текшириб, рисола ёзаётгани Чўлпоннинг эса қамоқقا олинганини кўрган шоир илмий жабхани тарк этди-да, дастлаб Тошкент вилоят кечки педагогика институти, кейин эса шаҳар педагогика институтида ўзбек мумтоз адабиётидан маърузалар ўқиди. Табиатан сахий, топган-тутганини дўстёрлар даврасида сочиб яшайдиган шоир учун домлаликтининг доимий маоши айни муддао эди. Аммо у, ўзи эътироф этганидек, туғма шоир бўлган. Шеър ёзиш унинг учун нафас олишдек табиий бир жараён ва ҳаётий эҳтиёж эди. Агар Шайхзода бошқа тарихий-маданий шароитда яшаб

ижод қилганида Оллоҳ берган буюк истеъдоди туфайли бадий маданиятнинг кўплаб муҳташам обидаларини яратган бўларди.

Шоирнинг “Ҳаёт дафтаридан” деб номланган шеърида бундай сатрлар бор:

Бизнинг қадар ҳаётта  
Ҳақли бўлган кимлар бор,  
Сазоворми сўлмоққа  
Бор экан қиши, ёз, баҳор?

Ол мени бағрингга, юв,  
Эй замон шаршараси,  
Соф тиззангга ястанай,  
Эй руҳим музикаси!

Замон шаршараси Шайхзодани кумуш сувлари билан ювиб-тарабгина қолмай, ўзининг баланд чўққисидан асов тўлқинлар қайнаб турган ҳавзасига неча бор олиб тушди. Агар Шайхзода ўрнида бошқа бир инсон бўлганида бу шаршарадан омон чиқмаган бўлармиди. Аммо оташнафас шоир омон чиқибгина қолмай, мағрур руҳининг айни пайтда ҳам дилбар, ҳам жўшқин музикасини сақлаб қолди. Ва бу музика ҳозир ҳам унинг асарларидан ҳаволаниб, қудратли симфония ўлароқ янграб-жаранглаб турибди.

Шайхзода мансуб бўлган ўзбек шоирлари авлоди турфа овозлар ва услублардан иборат.Faфур Гуломнинг мумтоз ўзбек шеърияти булоқларидан отилиб чиқсан шеърияти Ойбекнинг ўйчан шеърларидан кескин фарқланганидек, Миртемирнинг халқона шеърлари Ҳамид Олимжоннинг дилбар шеърий асарларига мутлақо ўхшамайди. Улар билан бир ҳаводан нафас олиб, бир бурда нонни баҳам кўрган Шайхзоданинг шеъри эса бутунлай ўзгача! Унинг шеърларида шоирнинг танти табиати ва ёш боладек тоза қалби-ю турк ва озарбайжон шеъриятига хос мавжлар товланиб-долгалиниб туради. Шайхзода ўзига хос оҳанглар ва ҳис-туйфуларга бой шеърлари билан ўзбек шеъриятининг янада юксак даражага эришишига улкан ҳисса қўшган.

Шубҳасиз, замон шаршарасида оқсан шоирнинг партияга, Октябрга, советлар ватанига, “оқ олтин”га ҳамду санодан иборат шеърларни бағишиламаслиги, Совет давлатининг ташқи сиёсати туфайли жаҳон тақдирни қил устида турган вақтларда тинчлик учун кураш каби мавзуларда ижод қилмаслиги маҳол эди. Аммо унинг юрагида бошқа туйгулар, муаммолар, дардлар ҳам бўлган. У ўзини қийнаган изтиробли масалаларни тасвиrlаш ва, умуман, макродунё ҳақида фикр

юритиши, ҳозирги даврда рўй берадиган воқеалар мөхиятини тарих сабоқлари кўзгусида кўриш ва тушуниш учун 40-йиллардан бошлаб драматургия соҳасида қалам тебратада бошлиди.

Аммо бу масалага кўчишдан аввал шоир ҳаётида рўй берган мудҳиш воқеани ёд этиб ўтайлик.

Маълумки, 50-йилларнинг бошларида қатағоннинг навбатдаги тўлқини ўз гирдобига шу давр адабиётининг кўзга кўринган вакилларини тортган. Шухрат, Сайд Аҳмад, Шукрулло сингари шоирлардан фарқли ўлароқ Шайхзода совет ёзувчиси деган “шарафли унвон”га доғ туширган ижодкор сифатида дастлаб Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилган. Сўнгра қамоқقا олиниб, уни яхши билган, унинг инсоний фазилатлари ва ижодий ютуқларидан баҳраманд бўлган кимсалар олдига ғажиши учун ташланган.

Шундай кимсалардан бири С. фамилияли аёл эди. Шайхзода Театр ва рассомлик институтини сиртдан тутгатаётган бу аёлнинг “Бой ила хизматчи” драмаси ҳақидаги диплом ишига илмий раҳбар этиб тайинланган эди. У 50-йиллардаги қама-қамаларнинг ташкилотчиларидан бири В. Мильчаковнинг нофорасига мақом қилиб, устозини миллатчиликда, Шарқни ҳаддан зиёд идеаллаштиришда айбаган. Маълум бўлишича, у Ҳамза асарининг Н. Островскийнинг “Момагулдирак” асари таъсирида яратилганига урғу бермоқчи ва шу фикрни диплом ишининг янгилиги сифатида олға сурмоқчи бўлган. “Мен, — деган у терговчига берган кўргазмасида, — диплом шишимда Ҳамза Ҳакимзоданишиг агадиий ижо гуна Октябрь инқилоби, рус мумтоз ва совет агадиёти катта таъсир кўрсатгани тўғрисида ёзган эдим. У (яъни Шайхзода — Н.К.) очиқ-ойдин айтмаган бўлса ҳам, Ҳамза энг аввало Шарқ маданиятидан ўрганган, демоқчи бўлган... Умуман, Шайхзода Шарқ ҳақида ҳамиша ҳайрат билан сўзлар, унинг фикр-мулоҳазаларидан шундай хулоса чиқар эдики, гўё Шарқ ҳамма нарсадан афзал эди. Шайхзода Қадимги Шарқни назарда тутган ҳолда Шарқ маданиятига бирламчи аҳамиятни берарди. Шайхзода учун рус маданияти Қадимги Шарқ маданиятига нисбатан сариқ чақалик аҳамиятга эга эмас эди...”

Шайхзода ана шу Шарқнинг шоир ва олимлари, давлатчилик тарихига асос соглан подшолари, босқинчиларга қарши

эрк ва ҳуррият учун курашган саркардалари билан ҳақли равища ифтихор қилган. У ана шу ифтихор туйғусини Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет мамлакати тақдири хавф остида қолган бир пайтда ҳалқни курашга, ғалабага чорловчи “Жалолиддин Мангуберди” трагедиясида ифодалаган. Аммо бу асар ҳалқни ватан озодиги йўлида қаҳрамонона меҳнат ва курашга рағбатлантириш ишига қанчалик хизмат қилмасин, кўп ўтмай, саҳнадан олиб ташланди. Фалакнинг гардиши билан Ўзбекистонга келиб қолган айрим кимсалар Шайхзодани тарихий ўтмишга синфий мезонлар асосида ёндашмаслиқда айблаб чиқдилар. Сталин мукофотига тавсия этилган асар муаллифи феодал ўтмишни идеаллаштиришда, Кавказ ҳалқларига жабр-зулм ўтказган Жалолиддин образини бузиб талқин қилишда айланди. 1952 йилда Шайхзоданинг қамоққа олинишида худди шу масала рақиблар қўлида асосий дастак бўлиб хизмат қилди. Агар 1953 йил баҳорида қатағон даҳоси вафот этмаганида, 25 йилга ҳукм қилинган маҳбуснинг умри Сибирдаги азобгоҳларнинг бирида якунланган бўлурди. Аммо Оллоҳ севган кишиларини, барибир, асрар экан. Шайхзода советлар дўзахидан тирик қайтибина қолмай, Шарқнинг бошқа бир буюк сиймоси – Улуғбек ҳақидаги шекспирона кўламга эга бўлган асарини яратиш имкониятига эришди. Агар шоир вафот этган куни ўғирланмаганида, унинг Беруний тўғрисидаги яна бир муҳташам асари адабиётимиз хазинасини бойитган бўларди.

Тарих мустабид тузум даврида Жалолиддиннинг миллий қаҳрамон сифатидаги образини яратган, аммо тергов пайтида рақиблар фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлган Шайхзоданинг юз карра ҳақ бўлганини исбот қилди. Ўзбек ҳалқи 1998 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини зўр тантана билан нишонлаб, Шайхзоданинг ҳам пок руҳини обод қилди.

“Жалолиддин Мангуберди” пьесасида бундай саҳна бор. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг душманга қарши кураш олиб боришига фотиҳа бермай, ундан юз ўгиради. Шундан кейин изтиробга тушган Жалолиддин онасидан ким ҳақ эканлигини билмоқчи бўлиб сўрайди:

## Жалолиддин

Сўйла, она, ким ҳақли, отам ёки мен?  
Қароримга ишонай, сўйла, токи сен!

### Она (тумор бераги)

Ўғлим, жавоб – туморни армуғон қилиш,  
Отанг бўлсам берардим дудама қилич!  
Тиз чўкмайсан дўзахдан келса фотиҳ ҳам,  
Оқ сутимни оқлагин – сенга фотиҳам!

## Жалолиддин

Хоразмшоҳ, йўқ деса, ҳа, дер хотини,  
Жалолиддин онаси – дерлар отини.  
Бу дунёда онасиз туғилган ким бор?  
Жон берганга жон бермоқ мардларга даркор!  
Онамизнинг онаси бўлса шу Ватан –  
Кўрлик афзал шу юртни асир кўрмоқдан.

Бу сатрларда Шайхзода ижоди учун бирламчи аҳамиятта молик масала – Ватани озод кўриш масаласи катта эҳтирос ва маҳорат билан ифодаланган. Балки 1943 йил ёзида шу сатрларни ёзганида, Шайхзода Ўзбекистоннинг мустақиллиги билан боғлиқ орзу-умидларини ифодаламагандир. Лекин Догистоннинг озод бўлиши йўлида саъй-ҳаракат қилган шоирнинг 1952 – 1954 йилларда аччик ҳаётий тажриба орттиргани ва мустабид тузумнинг кирдикорларини ўз кўзи билан кўрганидан кейин бошқа ўйларга борган, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилмай туриб озод ва баҳтли яшashi мумкин эмас, деган бирдан-бир хуносага келган бўлиши шубҳасизdir.

“Мирзо Улуғбек” трагедияси яратилган 1960 йилдаёқ, инсоният табиат сирларини кашф этишга жиҳдий киришган ва сунъий йўлдошларни учира бошлаган эди. Инсоният жаҳоншумул қашфиётлар олдида юзма-юз турган бир пайтда Шайхзода Шарқнинг буюклигини тасдиқловчи яна бир мавзуга қўл уриб, буюк ватандошимиз – астрономия илмига пойдевор қўйган олимларнинг бири ҳақида асар яратади. Улуғбекнинг Темурийзода подшо бўла туриб мутаассиб кимсалар қўлидан ҳалок бўлиши ва бу фожиада ўз

фарзандининг яқиндан иштирок этиши Шайхзодани турли ўй-хаёлларга олиб боради. Инсон олим бўлиб, олис юлдузларнинг сиру асрорини билиши, уларни инсониятга хизмат қилдириши мумкин-у, аммо ўзи яшаётган заминдаги муаммоларни бартараф эта, ўз фарзандини мутаассиб кимсалар чангалидан торта ололмаслиги, ҳатто шу фарзанди қўлидан ҳалок бўлиши мумкинлиги инсон руҳий ҳаётининг чигалликлар, зиддиятлар, жумбоқлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шайхзода Улуғбекнингadolатли подшо, буюк олим ва олижаноб инсон сифатидаги образини яратиш билан бирга инсон зотининг турли заифликларга мояиллигини, ундаги юксакка интилиш туйфусининг сустлинини ёрқин кўрсатди. У ўзи билан Улуғбек ҳаёти ўртасидағи фожиали нуқталарни сезиб, муҳим хулоса чиқаришга интилди.

Улуғбекнинг асар муқаддимасида айтган қўйидаги сўзларини айни пайтда ҳам асарда тасвирланажак воқеаларнинг фалсафий қалити, ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тотган муаллифнинг васияти ўлароқ идрок этиш мумкин:

### У л у ғ б е к

...Қирқ йил бўлди коинотнинг китобин ўқиб,  
Маърифатнинг даргоҳига қўйдим ихлосим.  
Оғир бўлди қисмат менга ортган вазифа.  
Мен султонлар ўртасида бўлдим донишманд,  
Донишманлар тепасида султон санадим.  
Маърифатни ҳукуматга қилиб раҳнамо,  
Бу ўлканинг ерида ҳам юлдузлар ёқдим.  
Инсонларга айтиб турдим: боққин самога,  
Қанча тоза ва мусаффо, фараҳбахш, зебо.  
Эй одамзод, ибрат олгин юлдузлардан сен  
Хайриҳоҳлик ва баландлик хислатларида.  
Шалтоқларга ағнамагин, кўтарил, юксал,  
Сўқир баҳтдан кўрар кўзли баҳтсизлик афзал...

Шайхзода назарида, ер юзидағи барча фожиалар инсонларнинг шалтоқларга ағанаши, хайриҳоҳлик ва баландлик хислатларидан маҳрум бўлиши орқасида содир бўлади.

Шайхзода, ўзи эътироф этганидек, шеъриятда замона-  
вий воқеликни, драматургияда эса тарихий ўтмишни тас-  
вирлашга, халқ ва мамлакатнинг оғриқли масалаларини  
ўтмишга багишланган асарларида ифодалашга интилди. У  
юқорида номлари тилга олинган авлоддошлари билан бирга  
адабиётимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. “Бу  
авлоднинг аъзоси бўлган мен ҳам, — деб ёзган эди шоир, —  
25 га яқин шеърий тўпламлар нашр эттирудим. Ўзбек туп-  
роғини қайтадан эккан илк тракторларнинг мадҳиясидан  
бошлаб фазо йўларини айланувчи олтин кемалардаги сай-  
ёҳларни тараннум этишгача барча муҳум ҳодисалар, халқи-  
мизнинг меҳнат қаҳрамонлиги, кураш ва жанг, озодлик ва  
дўстлик, баҳт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва ин-  
соннинг маънавий жамоли менинг қаламимга ошно ва дилим-  
га мазмун бўлиб келди”

Шайхзоданинг шеър ва достонлари шундай ранг-баранг  
мавзуларга багишланганлиги билангина эмас, шунингдек,  
турли вазн ва жанрларда ёзилганлиги билан ҳам ўзбек шеъ-  
риятини бойитганлиги шубҳасизdir.



## **ҲАМИД ОЛИМЖОН (1909–1944)**

### **Сехр**

*Машҳур рус шоири Н.А.Некра-  
сов ўз шеърларидан бирининг қўлёз-  
маси ҳошиясига бундай сўзларни  
ёзган экан: “Ўхшатиш – шеърият,  
картина – шеърият, воқеа шеърбоп  
бўлиши мумкин, табиат – шеърият,  
ҳис-туйғу – шеърият, фикр эса таҳ-  
лил, тадқиқот, совуқ хаёлот маҳсули сифатида ҳамиша наср-  
дир. Лекин бундан шеърият фикрсиз яшashi мумкин, деган  
холоса келиб чиқмайди. Гап шундаки, бу фикр-наср айни  
пайтда куч-қудрат, ҳаётки, уларсиз чинакам поэзиянинг  
бўлиши мумкин эмас”*

Н.А.Некрасов бу сўзларни шунчаки, ўзи учун ёзган бўлсада, уларда барча ижод аҳли учун, барча шоирлар учун муҳим фикр ўз ифодасини топган: чиндан ҳам, шеърият фикрсиз яшаши мумкин эмас: шеъриятнинг ҳаётбахш кучи унда ифодаланган фикр билан, унинг салмоғи билан ўлчанади.

Ҳамид Олимжон ўз лирикаси, Некрасов айтмоқчи, фикрнасрни, ҳаётбахш қудратга эга бўлган фикр ва ғояларни юксак шеърият билан узвий равишда бирлаштира олади. Унинг лирикасида мужассамланган фикр ва кечинмалар китобхон қалбини ҳамиша мафтун этувчи, унга эстетик завқ бағишлоғичи, уни нафосатнинг илоҳий оламига олиб кирувчи шаклга эгадир.

Шеър дастлаб фақат шоир учунгина тушунарли бўлган бир тилда вужудга келади. А.Блок замондошлари билан қилган сұхбатларининг бирида ўз шеърларини дастлаб “қандайдир ўзга бир тил”да ёза бошлишини, шундан кейингина уни рус тилига таржима этишини айтган эди. “Мен баъзи бир шеърларимни ҳали тўла-тўкис таржима эта олмаганман”, деб эътироф этган эди у ҳатто. Ҳамид Олимжоннинг аксар лирик шеърлари ҳам дастлаб ана шундай “ўзга бир тил”да пайдо бўлган. Лекин биз бу “ўзга бир тил”ни туйфулар тили деб атаган бўлардик. Зоро, шеър сўз шаклида, ритмик бирликлар шаклида қофозга тушмасдан аввал шоир хаёлида, ҳиссиёт ва кечинмаларнинг фира-шира жилвалари шаклида пайдо бўлади, сўнгра у тобора ёришиб, аниқ қиралар касб этади. Шундан сўнггина у сўз ёрдами билан реаллаша бошлайди.

Чамаси, Ҳамид Олимжоннинг “Ишим бордир ўша оҳуда” сарлавҳали шеъри ҳам шу таҳлитда майдонга келган.

Бу шеър 1936 йилнинг ёз ойларида Чимёнда ёзилган. Шоир бу шеърда ижодий жараён ҳақида, илҳом ҳақида фикр юритади. Илҳом унинг тасаввурида қоядан-қояга сакраб, кишига тутқич бермай юрувчи оҳу бўлиб кўринади. Ана шу истиора шеърнинг бошидан охирига қадар изчил ўтиб турувчи поэтик образ вазифасини ўтайди. Ҳамид Олимжон умуман илҳом ҳақида эмас, балки ўзининг “илҳом париси”га бўлган муносабати тўғрисида ёзади. Шеърда илҳом ва ижод шоир ҳаётининг ажралмас бир қисми ўлароқ гавдаланади. Лекин шунга қарамай, у шоирдан четда – сойнинг жўшқин оқимида, қоялар учida оқ булуғлар бағрида – қай-

ноқ ҳаётнинг юксак доираларида яшайди. Шоир уни ахтариб топиши учун ҳаётни кезиши керак. Шундагина у “офушада баҳор яширинганд” ўша охуни топиши ва ўз мақсадига эришиши мумкин. Шеърнинг ғоявий мундарижаси худди шундан иборат. Ҳаёт – илҳом, гўзаллик ва ижод манбайдир, деган фикр бу шеърни ёритиб, унинг ҳар бир бандидан қуёш янглиғ нур сочиб туради.

Ана шу таҳлитда шакл ва мазмун, фикр-наср ва шеърият бу шеърда узвий алоқада, яхлит ҳолатда намоён бўлади.

Ҳамид Олимжоннинг бу шеърдаги маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ижодий услубига оид баъзи бир масалаларга, унинг асарларида кўпроқ фойдаланилган баъзи бир бадиий приёмларга назар ташлаш керак бўлади.

Ҳамид Олимжоннинг поэтик образлари силсиласида истиора айниқса салмоқли ўрин тутади. Истиора шоир учун оддий шеърий безаклардан эмас. Умуман, тасвирий воситалар Ҳамид Олимжон шеърларининг паспорти бўлиб келмайди. Маълумки, айрим жўн шеърлар бирор тасвир унсури туфайли шеъриятнинг ясама паспортига эга бўлиши мумкин. Бироқ бундай шеърий тизмаларга дурустроқ назар ташлаш биланоқ уларнинг шеърий санъатга алоқасиз эканлиги аён бўлади. Ҳамид Олимжон эса тасвир воситалидан ўз ҳаётий фалсафасини, табиат ва жамият ҳаётига фаол муносабатини ифодалаш ниятида фойдаланади. Шу маънода истиора унинг шеърларида айниқса катта аҳамият касб этади.

Шоирнинг “Шинел” шеърида тасвирланган жангчи либоси оловли йилларнинг тимсолигагина эмас, балки озодлик учун кураш рамзига ҳам айланади (“Агар улғайса ўғлим, Кийгазаман унга ҳам, Тушмасин деб қайтадан Элимнинг бошига ғам!”). “Ниҳол” шеъридаги кўчат эса фронтда жон олиб, жон бераётган йигитдан осуда ҳаёт бағрида қолган ёдгорликкина эмас, балки унинг ёри қалбида қолган ва кундан-кунга ўсиб улғаяётган муҳаббатнинг нафис бир образи ҳамдир. “Сен туғилган кун” шеърида эса жангчи йигитнинг қалби олисдаги ёр ҳузурига қуш бўлиб учиб боради ва уни таваллуд куни билан муборакбод этади. Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” ва бошқа қатор шеърларидағи гуллар лирик қаҳрамон баҳт ва саодатининг муждаси ўлароқ гавдаланади.

Истиора ана шу тарзда Ҳамид Олимжон шеърларидағи лирик сюжет ҳаракатини уюштириб, уни идора этиб келади. Шоир айтмоқчи бўлган фикр-наср, шоир ифодаламоқчи бўлган ҳаёт фалсафаси ана шу лирик сюжет ҳаракатида ечилади.

Биз таҳлил этаётган шеърнинг лирик сюжети оҳу билан боғлиқ истиоранинг табиатидан келиб чиқади. Шоир бир ҳодиса (илҳом) да иккинчи бир ҳодиса (у) нинг аломатларини кўрибгина қолмай, балки бир-бирига ўхшамаган икки хил ҳодисани ўзаро қиёслайди, уларнинг ҳар иккисини бир-бирининг фазилатлари билан бойитади. Оҳу ижод табиатини ифодаловчи кўзгута, илҳомнинг моддийлашган ифодасига, образига айланади. У ижодининг сир ва мashaққатларга тўла жараёнини очувчи восита сифатида кўринади. Оҳу образи ижод табиатини, илҳом табиатини тушунтириш учун хизмат қиласди. Айни пайтда ижод ҳам, илҳом ҳам оҳу табиатини тушунишимизга ёрдам беради. Ана шу тарзда ҳар иккала ҳодиса ўзида бир-бирини акс эттира бошлияди.

Физикавий тажрибаларнинг бирида бир-бирига қаратиб иккита кўзгу қўйилади, улар ўртасига эса ёниб турган шам ўрнатилади. Кўзгуларда ҳар иккала ойна ва шамнинг порлоқ акслари ҳисобсиз суратда пайдо бўлади. Мазкур шеърдаги истиора ҳам ана шундай ҳисобсиз жилвалар билан товланади.

Ўзбек тилида “оҳу” сўзининг турли синонимлари мавжуд. Лекин Ҳамид Олимжон бу тушунчанинг кийик, физол, сайғоқ каби ифодаларидан эмас, айнан “оҳу” формасидан фойдаланади. Бунинг сабаби охунинг анъанавий шеърий ифодага айланганидагина эмас балки унинг товуш хусусиятларида ҳамдир. Зотан, “оҳу” сўзининг ўзиёқ, енгил бир шабада янглиғ эсади. Шоирга тутқич бермовчи, қоялардан bemalol учиб ўтувчи “оҳу” сўзи айнан шундай нафис бир садога эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам унинг кийик ё физол, сайғоқ ёхуд тоғ эчкиси сифатида бу шеърга кириб келиши Ҳамид Олимжон шеъриятининг табиатига мувофиқ келмаган бўларди.

Мазкур шеър шундай қурилганки, ҳар тўрт мисрадан кейин “Ишим бордир ўша оҳуда” сатрлари айнан такрорланади. Агар шеърнинг ҳар бандини тоғ қояларига қиёс қил-

сак, лирик қаҳрамон ахтараётган оҳу қоядан-қояга сакраб ўтаётгандек таассурот қолдиради.

Ҳамид Олимжон учун характерли хусусиятлардан бири тўрт мисрадан ташкил топган баңдарнинг шоир шеъриятида етакчи ўрин эгаллашидир. Мазкур шеър шу маънода истиснодир. Шеър мухаммас – беш мисрали баңд шаклида ёзилганлиги сабабли Фурқатнинг “Сайдинг қўявер, сайёд” мусаддасини беихтиёр ёдга туширади. Ҳар иккала шеърда ҳам оҳу тасвирланиб, тимсол даражасига кўтарилади. Ҳар иккала шеърдаги оҳу баңдан-баңдга янги-янги шеърий бўёқлар билан бойиб, ўзига катта фоявий “заряд”ни тўплайди.

Шеъриятни ташкил этувчи, уни вужудга келтирувчи барча нарса – образлар ҳам, ритм ҳам, қофия ва товуш товланишлари ҳам тил замирида майдонга келади. Шеърий сатрдаги сўз фақат ўзининг ўлчови ва салмофи билангина эмас, балки шоир қалбининг нозик тебранишларини акс эттириши билан ҳам ана шу фоявий “заряд”нинг тўпланишига хизмат қиласи.

“Ишим бордир ўша оҳуда” шеъридаги қарийб ҳар бир сўз ва бу сўзнинг товуш компонентлари шеърнинг фақатгина мазмуний эмас, балки мусиқий мавзусини ҳам ёритиб келади. Шеърнинг биринчи, иккинчи ва учинчи баңдларида “оҳу” сўзининг товуш компонентлари аста-секин сочила бориб, ниҳоят, латиф куйчанликни – шеърнинг мусиқий мавзусини вужудга келтиради. Биринчи баңддаги “у”, “оҳу”, “ҳар замон”, “беомон”, “ёмон” каби сўзлардаги *o*, *x*, у товушлари ш товуши билан уюшган сўзларнинг шитирлашлари оша иккинчи баңдга кўчар экан, “сувда-осуда-оҳуда” қофиялари орқали янги оҳанглар билан бойииди. Ниҳоят, “сув”, “оҳу”, “осуда” сўзларининг товуш компонентлари учинчи баңдда мусиқий мавзунинг қудратли тўлқинига келиб қўшилади:

Тунда ухламадим ахтариб,  
Кутиб турдим булоққа бориб,  
У-чи? Қоқиб ўтди қанотин,  
Оқ булатлар бағрини ёриб,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Бу мисралардаги товуш товланишлари *т*, *б* ва қ товушларининг аллитерацияси билан бойиб, шеърнинг янада бой ва ранг-баранг ички мусиқасини ҳосил қиласди.

Чинакам шеърият намуналарида товуш товланиши шоирнинг руҳий ҳолати, бадиий нияти, шеър мазмунига бевосита алоқадордир.

“Оҳу” сўзининг товуш компонентлари Ҳамид Олимжон шеърининг бошидан охирига қадар қизил ип сингари ўтар экан, бу мусиқий мавзу шеър лейтмотивини очиш, ундаги foявий пафосни янада таъкидлаш учун хизмат қиласди.

Товуш товланишлари шеърнинг мусиқий мавзусини яратибина қолмай, баъзан ҳар бир банд, баъзан ҳар бир мисра доирасида шеърнинг ички оҳангдорлигини ҳам вужудга келтиради:

У юрганда очилар гуллар,  
Бахмалга бурканар баҳорий чўллар,  
У бор ерда жонланар ҳаёт,  
Уни кўрса чайқалур кўллар,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Дастлабки мисралардаги “гуллар-чўллар” қофияси “очилур” сўзидағи актив ҷ товуши туфайли мукаммал ва нафис қофия тусини олади. Иккинчи мисрадаги *б* товушининг изчил такрори эса шеърнинг умумий ички мусиқасига янги оҳанг қўшади. “Очилар”, “гуллар”, “чўллар” сўзларидағи – лар қўшимчасининг жарангি эса кейинги мисралардаги “жонланар”, “кўллар”, сўзларида акс-садо янглиғ такрорланиб, шеърнинг сехрли оқимига янада равонлик бағишлиайди.

Сўз жарангি, сўз мусиқаси унинг мазмуни билан бевосита боғлиқ. Ҳамид Олимжон шеърининг сехрли мусиқий садолари унда ифодаланган фикрнинг шеърият фактига айланиши учун хизмат қиласди.

Яхши шеър, чинакам шеърият кишини ҳамиша ҳайратга солади.

“Ишим бордир ўша оҳуда” шеърининг лирик қаҳрамони илҳом излаб, сойма-сой, боғма-боғ, тоғма-тоғ кезади; уни топмасдан яшашни тасаввур ҳам этмайди. Бу лирик қаҳрамон – шоирнинг айнан ўзи. Қисқа умри давомида жўшиб ижод этган шоирнинг илҳом ахтариб қийналиши, шубҳасиз, ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Шоир бу шеър орқали

илҳомсиз, ижодсиз яшай олмаслигин айтади, илҳом ва ижод манбаи бўлган ҳаётни улуғлайди, шеъриятнинг ҳаёт билан ҳамиша мустаҳкам алоқада бўлиши лозимлигини уқтиради.

Шеърнинг сехри ва шеърий латофати худди шу фикрни, Некрасов айтмоқчи, фикр-насрни ифодалашга қаратилган.

Ҳамид Олимжон 30-йилларнинг ўрталарига келиб, ўз ижодий камолотига эриша бошлади. Шоирнинг шу даврдан бошлиб ёзган барча шеърий асарларида чинакам истеъдод муҳри мавжуд. “Ишим бордир ўша оҳуда” шеърида кўзга ташланган ижодий тамойиллар шоирнинг кейинги асарларида янада такомиллашди. Унинг поэтик санъати шеърдан-шеърга ўсиб борди. У олий инсоний қалбининг нозик ва нафис тебранишларини, даврнинг ўз қалби оша ўтган фояларини юксак шеърий шаклда акс эттиради. У шеър илмини, шеър сехрини буткул эгаллади.

Биз Ҳамид Олимжоннинг шеърий оламига назар ташлар эканмиз, шоир асарларининг сехрли кучи ҳамон бизни мафтун этади.

### Ўша машъум йилда

Ҳамид Олимжон тўғрисида сўз борганида, биз уни, албатта, шодлик ва баҳт куйчиси деб айтгимиз келади. Бундан олтмиш уч йил муқаддам марҳум шоирнинг “Танланган асарлари”га сўз боши ёзганида, Уйғун унинг “Шодлик йўлга бошлади мени, Баҳтиёрлик бўлди одатим...” деган мисраларини пешсўз тарзида келтирган ва уни “шодлик ва баҳт куйчиси” деб атаган эди. Шундан бери шоир китобхонлар ва мунаққидлар орасида шу ёрлиқ билан яшаб келади.

Шубҳасиз, Ҳамид Олимжон шеъриятида баҳт мавзуи баланд пардаларда тараннум этилган. Аммо шоир ижодининг моҳиятини фақат баҳт мавзуи билан чеклаш адолатдан эмас. Унинг шеъриятида ўз талқинини топган мавзулар, шу жумладан, абадий мавзулар бениҳоя қўп ва ранг-барангdir.

Ҳамид Олимжон бошқа қаламкаш дўстлари сингари мурракаб тарихий даврда яшади. Шу даврда ҳалқлар ва улар маданияти Октябрь ва социализм шаънига чалинган карнай ва сурнай садолари остида топталди. Совет кишиларидан, шу жумладан, шоирлардан фақат сталинча ақидалар билан яшаш талаб этилди. Қашшоқона яшаш ва фикрлашни ис-

тамаган кишилар “янги буржуазия” вакиллари деб эълон қилиндилаар, уларга қарши қақшатқич кураш бошлианди. Бундай кишиларнинг муайян қисми эса фан ва маданият арбоблари эдилар.

30 – 50-йилларда эълон қилинган аксар қарорларни ўқиган киши уларнинг инсон фикри, ҳукуқи ва яшаш тарзини назорат қилишга, чеклашга, пролетар бўлмаган барча унсурларни эса топташ ва секин-аста маҳв этишга қаратилганини сезади.

Ҳамид Олимжон ана шундай мураккаб ижтимоий-мафкуравий шароитда яшади. У 1931 йилда Ўзбекистон Давлат Педагогика академиясини битириши арафасида паспорт олиш учун ариза беради. Маълум бўлишибича, ўша йилларда паспорт балоғат ёшига тўлган кишиларга осон-гаров берилмаган. Бунинг учун балоғатга етган кимсанинг яшаш жойидан, унинг келиб чиқишини тушунтирувчи, ғоявий соғлом оиласдан эканлигига кафолат берувчи гувоҳнома ҳам талаб этилган. Мана, 1931 йил 31 марта Жиззахлик маҳалла шўросининг раиси Халилов томонидан Ҳамид Олимжонга берилган ҳужжат:

### **“Справка**

Берилди Жиззахлик маҳалла шўроси томонидан ўртоқ Ҳамид Олимжонга шул тўғридаким, мазкур 1909 йилда туғилган, отасидан 4 ёшда сағир қолғон. Отаси 1912 йилда ўлган. Жамъи отаси 32 ёш умр кўрган. Мазкур умрида 20 ёшгача ўқифон. 6 йил атторлик, 3 йил гумашта бўлиб қолғон. 3 йил ҳам кейинги йилда дехқончилик қилғон. Дехқончилиғи мазкурни ўрта ҳол ҳисобида бўлиб, шул кейинги даврда Ҳамид туғилғон. Шул сабабдан Ҳамиднинг ижтимоий чиқиши ўрта дехқон оиласидан бўлиб, Ҳамид 7 ёшдан буён шўро мактабида, Эски шаҳар(даги) ҳозирги Наримон(ов) исмидаги мактабда ўқуди ва 1923 йилдан буён Самарқандда ўқийди. Ҳамид Олимжон ижтимоий чиқиши, ижтимоий аҳволи жиҳатидан ҳеч қандай хавфли эмас”

Бу ҳужжатни берган маҳалла шўроси раисининг имзоси етарли бўлмай, уни Йўлчибоев исмли шаҳар шўросининг мастьул котиби ҳам имзо чекиб тасдиқлаган. Шундан сўнггина ёш шоирга совет фуқароси эканлиги ҳақида васиқа берилган.

Бугун бу ҳужжатни ўқир эканмиз, унда Ҳамид Олимжоннинг совет жамияти учун хавфсиз кимса эканлигини исботлаш ниятида унинг келиб чиқишига доир муҳим тафсилотлар баён этилганига ҳайрон қолмай бўлмайди. Сталинча сиёсий тузум ҳаётга эндиғина йўлланма олаётган ёшларни ҳам ана шундай ўз исканжасига олган эди.

Мана бу ҳужжат эса Ҳамид Олимжоннинг 1931 йил 12 апрелда Педагогика академиясини тутатиши муносабати билан комсомол ячейкаси томонидан берилган:

### **“Характеристика**

Ушбу характеристика берилган (Ўз)ЛКСМ аъзоси Олимжоновнинг миллати ўзбек, келиб чиқиши ўрта ҳоллардан бўлиб, 1924 йилдан комсомол, билет № 2831, ЎзДПАсини 1930/31 ўқув йилида тутатди.

Ўр. Олимжонов мафкуравий жиҳатда соғлом бўлиб, партиянинг бош йўлидан оғмаган, интизомли, ЎзДПАси қошидаги (Ўз)ЛКСМ ячейкасида бўлган вақтида автогаражда комсомол ячейкасини бошқарган. Ишга вижданан муносабатда бўлган ”

Рус тилида битилган ушбу ҳужжатга академия қошидаги комсомол ячейкасининг масъул котиби Ёқубов ва техник котиб Сафоев имзо чекканлар.

“Мафкуравий жиҳатдан соғлом бўлиш”, “партиянинг бош йўлидан оғмаслик”, шубҳасиз, “совет ҳалқининг гениал доҳийиси” чизиб берган чизикдан чиқмасликни англатади. Бу кўйга туша бошлаган, Сталинга, у раҳнамоси бўлган партияга астойдил ишонган ёшлар 20 – 30-йилларда ҳатто ўз оталаридан ҳам воз кечиб, уларни ўз қўллари билан ГПУ ходимларига топширганлар. 30-йилларда яшаган комсомол шоирлар Сталин истибдодининг дастлабки қурбонлари ҳибсга олинган кезларда “халқ душманлари”ни яқдиллик билан қоралаганлар. Ҳамид Олимжон ҳам “Жабҳа бўйлаб” дostonида (1931) ана шундай сергаклик намунасини, мафкуравий жиҳатдан соғлом эканлигини кўрсатган.

30-йилларда бўлиб ўтган воқеаларга бугунги юксакликдан туриб баҳо бериш, кимларнидир қоралаш қийин эмас. Аммо бу мураккаб ҳодисага тарихий давр хусусиятларини назарда тутган ҳолда ёндашиш лозим. Ҳамид Олимжон сингари совет даврида тарбия кўрган ёшлар “жаҳондаги би-

ринчи социалистик мамлакат”да партия номи билан, Стalin номи билан амалга оширилган ҳар бир ишни түфри, деб билганлар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. 1937 йилда Фитрат, Чўлпон сингари суяги инқилобдан аввалги йилларда қотган зиёлилар ҳибсга олина бошлаганди, Ҳамид Олимжон ҳам, унинг аксар тенгдошлари ҳам мамлакатимизда улуғ жиноят содир бўлаётганини мутлақо сезишмаган. Аксинча, улар “халқ душманлари” деб лаънатлаган қўзсиз ва қулоқсиз омма орасида бўлишган. Аммо шунга қарамай, катта суръат билан келаётган зулм тошқини Ҳамид Олимжонга ҳам ўз қучофини очган.

Адабиётшунос олим Фулом Каримовнинг хотирлашига кўра, қора қирғин навбати республика Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси Раҳмат Мажидийга ҳам келиб, уни ҳибсга олганларида, Ҳамид Олимжон сиёсий идорага қўнфироқ қилиб, унинг ҳақиқий коммунист эканлиги ва ноҳақ ҳибсга олинганини тушунтиromoқчи бўлган. Аммо уни тушунишни хоҳламаганлар. Шунда шоир: “Ундай бўлса, мени ҳам қаманг. Мен кўп масалаларда Раҳмат Мажидий билан маслақдош бўлганман”, деган экан. Ҳамид Олимжоннинг бу сўзларига берилган жавобни айтмаса ҳам бўлади. “Керак бўлса, сизни ҳам қамоққа оламиз”, деганларини китобхон ҳис этиб турган бўлса ажаб эмас.

Дарвоҷе, шундай кун яқинлашиб ҳам келган.

1937 йил 14 декабрда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг умумий мажлиси бўлиб ўтади. Бу мажлисда пароканда бўлган уюшманинг ташкилот бюросига Холмат Қурбонов, Насрулло Охундий, Ковалъчук, Ҳасан Пўлат ва Кураев ўртоқлар сайланадилар. Ушбу кенгаш муносабати билан “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 18 октябрь сонида босилган мақолада Мажид Усмон ва Насрулло Охундий бундай деб ёзганлар:

“...Совет Ёзувчилари союзининг III ва IV пленумларида профессорларга хос “камтарлик” билан кўпроқ “объектив” масалалар тўғрисига гапириб ўтган Ҳамид Олимжоннинг кенгашда музокарага чиқиб гапирган сўзларига ҳам тўхталмай ўтиб бўлмайди.

Дуруст, Ҳамид Олимжон эътиroz қилиш мумкин бўлмаган факtlар ёғила бергандан кейин у халқ душманлари бўлган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг чет эл-

лардаги шериклари – оқ қочоқ Мустафо Чўқаев, Заки Валидийлар томонидан чиқарила турган аксилиниқилобий “Миллий йўл” журналини 1931 йилда Миртемир орқали олиб турганни, Миртемир сургундан қайтиб, назорат остига юрганинга, унга “раҳми” келиб, мосдий ёрдам қилгани, аксилиниқилобий буржуа миллатчиларнинг уни миллатчи қилиб тарбиялашга қандай тиришганлари тўғрисида гапириб беришга мажбур бўлди.

Лекин у гапиракан, кенгаш президиуми аъзоларидан бири:

– “Қизил қалам” ташкилотига Акмал Икромов устновкаларини қандай амалга оширганингиз тўғрисида гапириб беринг, – деб “лукма” ташлаганида, Ҳамид Олимжоннинг:

– Мен ўз тўғримда гапирайман, – деб берган жавоби масалани анча ойдинлаштириб ташлади.

У фақат ўзи тўғрисида гапиради. Демак, у бошқаларнинг “ишлари” тўғрисида айтиб беришни, шу йўл билан душманларнинг сўнгги томирлари юлиб ташланишини ихтиёрийми, гайрииҳтиёрийми, истамайди. Ҳамид Олимжоннинг ҳалиги жавобидан фақат шу холосанигина чиқариш мумкин”

Мазкур йиғилиш ҳақида “Маданий инқилоб” рўзномасининг 17 октябрь сонида берилган Б.А (Акбаров) нинг ҳисоботида эса қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

“Шоир Ҳамид Олимжондан ёзувчилар жамоатчилиги кўп нарсани қутган эди. Бироқ, Ҳ.Олимжон ўзининг Анқабой, Усмонов, Берегинлар билан бўлган яқин алоқасини яшириб келди. Ҳ.Олимжон уларниг сирларини очишдан кўрқади. Чунки, Ҳ.Олимжоннинг ўтмиши жуда қоронғи. У 1925 йилда Олтой, Боту каби ўзбек халқининг ашаддий душманлари билан яқин алоқада бўлади. Душманлар Ҳ.Олимжонни мақтаб кўкка кўтарадилар. Ҳамид шу вақтларда миллатчилар таъсирига умидсизлик билан тўлган, давримиздан норози бўлган, миллатчилик руҳига шеърлар ёзди. Ҳамид “Сиёб” шеърида ўзбек халқига ўлим ва очлик келтирган қора буржуа ўтмиши “кечмишдек вафоли ёз” деб қўмсайди. Ҳамид шу хилдаги таъсирини яна “Бухорони соғинганда”, “Ишим бордир ўша охуга”, “Зарафшон” каби шеърларида акс эттирган. Ҳамид бир вақтлар Самарқандга аксилиниқилобий ташкилот бўлган “Қизил қалам” жамиятида масъул котиб бўлиб ишлаган. Шу вақтлари Ҳамид номига фашистик журнал келиб турган.

Ҳ.Олимжон ҳамма вақт ҳалқ душмани Анқабойни кўча-кўйда саводсиз одам деб юриб, унинг уйига бориб юрган.

Ҳ.Олимжон ўзининг бу жиноятларини жамоатчилик олдуга чин кўнгил билан бўйнига олмади, буларни у тасодифий бўлиб қолган ҳосиса деб қаради”

Маълум бўлишича, Ҳамид Олимжон шу мажлисда бошқа дўст-ёрларини тузоққа тутиб беришни хоҳламай, фақат ўзи тўғрисида гапирмоқчи бўлган. Шоирга нисбатан хайри-хоҳлиги сезилмаган муаллифларнинг бу маълумотларига ишонса бўлади ва бу маълумотлар Ҳамид Олимжонни бизнинг назаримизда бир порона кўтаради.

Ҳамид Олимжонга қўйилган айблар кун сайин ортиб борди. Нихоят, 2 ноябрь куни Ёзувчилар уюшмаси республика ташкилот қўмитасининг қарори билан Ҳамид Олимжонни миллатчи шоир сифатида уюшмадан чиқариб ташлади. Шоирнинг рафиқаси Зулфиянинг гувоҳдик беришича, Ҳамид Олимжон шу қарордан кейин ҳам ташкилот қўмитасининг ялпи мажлисида иштирок эта берган. Йиғилиш ҳайъатида ўтирган кечаги дўстлари эса ундан мажлисни тарк этишни талаб этиб, дағдаға қилганлар. Бу дағдағаларга чидолмаган Зулфия Ҳамид Олимжондан: “Юринг чиқиб кетайлик”, деб илтимос қилган. Лекин ўзига, ўзининг советлар фоясига содиклигига қатъий ишонган шоир: “Нега чиқар эканман? Менинг жойим шу ерда. Улар чиқиб кетсин!” деб ўтира берган. “Ахийри, – эслаган эди Зулфия, – Ҳамид Олимжоннинг мажлисдан чиқиб кетиши масаласини овозга қўйдилар. Менинг бир томонимда Ҳамид Олимжон, иккинчи томонимда Оппоқова ўтираси эди. Мен Ҳамид Олимжоннинг залдан чиқиб кетиши учун қўл кўтартмаганимда, Оппоқова қулогумга яқин келиб, “қарши овоз бер, бўлмаса, сени ҳам қамаб қўйишади”, – деди. Унинг бу сўзлари ҳозир ҳам қулогумдан нари кетмайди”

Шу воқеадан кейин шоирнинг ҳибсга олиниши нақд гап эди. Буни сезган Ҳамид Олимжон “Башар қуёшига” деган шеърини ёзиб, уни ўша кунларда Ҳамза театрида бўлиб ўтган спектакль премьераси олдидан саҳнага югуриб чиқиб, ҳукумат раҳбарлари олдида ўқиган ва шу тарзда омон қолган. Аммо бу воқеа билан ҳам хавф-хатар тутгамайди. 19 декабрда Ҳамид Олимжоннинг шахсий иши Ўзбекистон Фанлар Кўмитаси комсомол ташкилотининг йиғилишида батафсил кўриб

чиқилади, аммо унга қўйилган айблар тасдиқланмайди. Шундан кейин ҳам унинг уюшма аъзолигига тиклашларини сўраб 25 декабрда ёзган аризаси узоқ вақт эътиборсиз қолади. Факат 1938 йил апрелидагина Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ташкилот қўмитасининг Тошкент ёзувчилари билан биргалиқда ўтказилган мажлисида шоир аризаси кўриб чиқилади. “*Бу масала юзасидан информация қилган ташкилот комитетининг ўринбосари, – деб ёзади “Қизил Ўзбекистон” газетаси ўзининг 1938 йил 18 апрель сонида, – шоир Ҳамид Олимжон тўғрисидаги материалларни текшириб чиққандан кейин уни Ёзувчилар союзида ҳақиқий аъзо қилиб қолдириш фикрига келганини маълум қилди*”

Ҳамид Олимжоннинг 1937 йилдаги ҳаёти ана шундай ларзалар оша кечган.

Хўш, шундай экан, қандай қилиб у айни қатағон йили баҳт ва шодлик тароналарини куйлаган?..

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Ҳамид Олимжон шу ийларда ёшлик ва муҳаббат сурори билан яшаётган шоир эди. У ўзининг Зулфияга муҳаббати, тўнгич фарзандни кўриш нашидаси, ижод юлдузининг тобора порлаб бораётган ёғуллари билан чиндан ҳам баҳтиёр эди. Иккинчидан, у 37-ийлнинг биринчи тўлқинида қурбон бўлган шоирлар “партиянинг бош йўли”дан четда борганлигига астойдил ишонган ва шу ҳолни нотўғри деб ҳисоблаган. Учинчидан, шу даврда баҳт ҳақида куйлаш унинг учун “Башар қуёшига” шеърини ёзишдек омон қолишнинг бирдан-бир чораси бўлган. (Ҳасан Пўлатнинг ҳам худди шу кезларда “Мен баҳтиёр” деган шеърини ёзиши бежиз эмас!)

Чўлпон, Фитрат ва Усмон Носир ҳибсга олингач, 19 июль куни ёзган бир шеърида Ҳамид Олимжон: “Йўлдан озганларга ҳеч бир бўлмадим мен қайғудош, Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиш қуёш”, деб ўзини “халқ душманлари”дан четга олмоқчи бўлган. Худди шундай фикр шоирнинг “Ўлка” шеъридаги “Билсинларким, йўлдошим бўлмас Кўзда ёши билан кулганлар”, деган сатрида ҳам товланиб туради. Ҳамид Олимжоннинг ўзини Чўлпонлардан четга олмоқчи бўлганининг сабаби бор, албатта. 30-ийлар матбуотида, жумладан, Шокир Сулаймон қаламига мансуб “Тарихнинг қора тахтасига” (1930) мақоласида Ҳамид Олимжондан Чўлпон руҳини қидириш ва шу баҳона билан уни

миллатчилиқда айблаш тамойили күрина бошлаган эди. Шунинг учун ҳам шоир 37-йил гирдобидан омон қолиш истагида ўзини оқлаш йўлларини ахтарди.

1937 йилнинг 30 августидан бошлаб 1938 йилнинг 27 марта қадар шоирнинг бирорта асари матбуот юзини кўрмади. Бу давр Ҳамид Олимжон учун ҳам хавф-хатар билан тўла бўлган. Аммо бутун қалби билан Октябрга, партияга, социалистик келажакка ишонган шоир шу йилларда совет воқелигини шарафловчи асарларни жўшиб-тошиб яратди. Бугун бу асарларнинг бир қисми ўз вазифасини ўтаб, тарих фалвиридан тушиб қолган. Аммо Ҳамид Олимжон ижодида шундай асарлар бор ва кўпки, улар абадулабад XX аср ўзбек шеъриятининг том маънодаги дурдоналари бўлиб қолади.

## МИРТЕМИР (1910–1978)

### Ҳаёти саҳифалари

XX аср ўзбек адабиёти тарихининг аксар саҳифалари зулмат пардаси билан бурканган. Биз ҳатто ўзимизга замондош бўлган ижодкорларнинг машъум даврлардаги ҳаёти ва ижодидан ҳам яхши хабардор эмасмиз. Эҳтимол, ушбу мақолада баён қилинган воқеа XX аср ўзбек адабиётининг мураккаб тарихи фонида кимгadir жузъий бўлиб туюлар. Аммо бундай таассурот мутлақо тўғри эмас. Зеро, агар шу мудҳиш воқеа рўй бермаганида, биз тилга олмоқчи бўлган шоир тағин ҳам юксак парвоз қилган ва қўпроқ ўлмас асарларни қолдирган бўларди.



**“Зафар” ортигаги хатарлар.** Миртемир ўз таржимаи ҳолида 1929 йили Тошкентдаги билим юртини тутатиб, Самарқандга боргани, ҳам педакадемияда таҳсил олиб, ҳам жумҳурият президенти Йўлдош Охунбобоев ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилганини айтгач, бундай ёзган: “Ўшандан буён

институтларда марксизм-ленинизм ва агадиётдан дарс бердим. Редакцияларда, театрларда агадий эмакдош, Ёзувчилар уюшмасига маслаҳатчи, нашриётларда редактор бўлиб ишладим”.

Шоир ҳаётининг 1929 йилдан кейинги даври унга бағишланган адабий-танқидий рисолаларда ҳам қарийб шу фактларни санаш орқали ёритилган. Жумладан, шоир билан яқин мулоқотда бўлиб, дастлаб номзодлик диссертациясини ёқлаган, сўнг 1969 йилда “Миртемир” номли рисоласини эълон қилган Нодир Азизов ҳам шундай йўл тутган: “Миртемир, – деб ёзган у, – 1929 йили Тошкент эрлар билим юртини битиргандан сўнг... Самарқанд шаҳрига ишга жўнатилган эди. У ерга (ўша йилларда Самарқанд республикализнинг пойтахти эди) Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раиси ўртоқ Йўлдош Охунбобеянинг шахсий секретари вазифасига ишлади. Айни вақтнинг ўзида педагогемия (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) да ўқиб, “Агроколхоз”, “Сиръевоӣ” институтларида ижтимоий фанлардан дарс берди. У 1935 йилда Тошкентга қайтиб, марказий болалар ижодий тарбия уйига агадий ходим бўлиб ишлади”

Бу маълумотдаги “у 1935 йилда Тошкентга қайтиб” сўзларини ўқиган китобхон, шак-шубҳасиз, Миртемир Самарқанддан Тошкентга қайтган, деб тушунади.

Худди шу давр Озод Шарафиiddиновнинг шоир ҳақида ги адабий очеркида бундай тавсиф этилган: “Самарқандда у Ҳамид Олимжон ва бошқа талай шоирлар билан танишиб, қизғин агадий муҳитнинг ҳавоси билан нафас ола бошлиди. Кетма-кет “Зафар” (1929), “Қайнашлар” (1931), “Коммуна”, “Бонг” (1932) сингари шеърий тўпламлари нашр этилди” Мунаққид бу тўпламларга кирган шеър ва достонларга қисқа тўхтаб ўтгач, ёзади: “Миртемир 1934–1935 йилларда Россиянинг улкан қурилишларини ўз кўзи билан кўрги. Бу қурилишлар бутун социалистик Ватан бўйлаб олиб борилаётган улуғ меҳнат фронтининг нафаси ва моҳиятини англашда ёш шоирга ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилди. Ҳаёт мактаби деяётганимизнинг боиси шундаки, у шу сафарлар вақтида унумиллас, ўзи учун бутунлай янги таассуротлар олди”.

Озод Шарафиiddиновнинг бу сўзларидан маълум бўлишича, Миртемир Самарқандда кечган ҳаётидан кейин 1934 –

1935 йилларда “Россиянинг улкан қурилишлари”да бўлган, сўнг Тошкентта қайтган. “Ҳаёт мактаби” бўлган, ўзида унтилмас “янги таассуротлар” қолдирган бу “сафарлар” ҳақида шоирнинг ўзи таржимаи ҳолида: “Бошимга синоғлик кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинманман”, деб ёзган холос.

Миртемир айтган “синоғлик кунлар” 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йилларнинг бошларида ўзбек ёзувчиларининг чекига туша бошлаган ва, ниҳоят, 1937 йилда энг сара ёзувчиларимизни олиб кетган катта қирғиннинг дебочаси эди. Шоир ўз ҳаётининг бу қора саҳифаларини ҳеч эсламас, эслашни ёқтирумас, шунинг учун ҳам биз, унинг хонадонига, ижодхонасига яқин бўлган адабиётшунослар ҳам шу ҳақда сўрашни одобсизлик деб билар эдик.

Аммо камина марҳум шоирнинг мероси билан шуғулланиш ва унинг асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида Миртемирнинг ўша “синоғлик кунлар”га оид кундалигини тошишга маваффақ бўлдим. “Эсадаликлар” деб номланган дафтарчанинг беш-олти саҳифаси шу мудҳиш кунлар нафасини ўзига сингдирган бўлиб, улар билан танишиш шахсга синфитириш даврининг вабоси Миртемир ҳаётини ҳам четлаб ўтмаганини кўрсатди.

“Эсадаликлар” қўйидаги сўзлар билан бошланган: “1932 йилнинг 7 августи кечаси соат 1 ga Самарқанд шаҳрига, ўз уйимда сиёсий идора томонидан қамоқقا олиндим. Уйда: онам, синглим, иним, ўртоғим ва қизалогим қолди. Ўзим ҳеч нарса сезмасдан кетдим”

“Ўзим ҳеч нарса сезмасдан кетдим” – Миртемирнинг бу сўзларини бундай тушуниш керак: у нима учун қамоқقا олаётганларини билмаган, бирор айби бўлмагани учун бу ҳолни қандайдир англашилмовчилик, деб ўйлаган ва “сиёсий идора”га бориб, ўзини танитгач, шу заҳоти узр сўраб, қўйиб юборишларига ишонган. Лекин қоқ ярим кечада унинг уйини тақиллатиб келган чекистлар кимнинг уйига ва нима мақсадда келганларини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам улар уйни обдон титиб-текшириб, айниқса, шоирнинг китоб ва қўлёзмаларини ҳафсала билан тўплаганлар-да, уларни чойшабга ўраб, олиб кетганлар.

Бу даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлган кишиларнинг аксари ўша йиллардаёқ бу ёруғ оламдан ўтган. Шоирнинг иниси

Тўра ака ҳам бутун барҳаёт эмас. Камёб гувоҳлардан бири – шоирнинг собиқ рафиқаси Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист, ракқоса Ҳалима Раҳимова ўша кечани бундай эслаган эди:

“1931 йилнинг апрель-май ойларида бўлса керак, Уста Олимнинг Эски шаҳардаги ҳовлисида бизнинг тўйимиз бўлиб ўтди. Шу оқшомда Тамараҳоним, Ҳалимаҳоним, Яшин сингари машҳур санъаткорларнинг қатнашгани ҳали ҳам хотирамда. Тўй ўтиши билан биз Янги шаҳардаги Йўлдош Охунбобоевнинг собиқ уйига кўчиб ўтдикик. Жумҳурият маркази Тошкентга кўчиши муносабати билан Йўлдош ота ўз уйини бизга қолдириб, янги пойтактга кетди. Биз унинг бир катта, бир кичик хона ва айвондан иборат уйига истиқомат қила бошлидик. 1932 йилнинг 15 январида шу ерда қизимиз Клара туғилди. Биз Миртемир оиласи билан аҳил ва тотув яшардик. Уйимизда севги ва ўзаро ҳурмат ҳукмрон эди. Миртемир мени астойдил ҳурмат қилар ва менга бағишлаб шеърлар ёзарди.

Ўша мудҳиш кун кечаси бевақт уйимизга кириб келган кишилар ҳаммаёқни кавлаштириб, Миртемирнинг китоб ва қўлёзмаларини олиб кетмоқчи бўлдилар. Шунда Миртемирнинг жаҳли чиқиб, бу қўлёзмалар орасига менга бағишланган шеърлар ҳам борлигини, уларни менга қолдиришлари лозимлигини айтди. Лекин улар бунга парво ҳам қилмадилар...

Миртемир ўзининг заррача ҳам айби йўқлигини айтиб, унинг соғлигига ишонишими сўради ва тезда қайтиб келишига ишонч билан чиқиб кетди”.

**Танқид тўқмоқлари.** 1928 йилда Миртемирнинг илк шеърлар тўплами “Шуълалар қўйнида” номи билан чоп этилди. Бу тўпламни ташкил этган сочмалардаги шоирнинг ўзи айтган “жиндек пафос шаклий янгилик, оптимистик рух, жиндек ҳайқириқ” шеърият муҳлисларига манзур бўлди. Китоб тез орада ёш китобхонларнинг эътиборини қозонди. Шоирнинг устозлари Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайн эса китобга юксак баҳо бериб, Миртемирнинг ижодий истиқболига катта умид билдирилар. Китобга кирган сочмалар ўша кезларда ёшлар газетаси қошида унинг муҳаррири Сотти Ҳусайн томонидан ташкил этил-

ган тўғарак машғулотларида ўқилган, муҳокама қилинган ва маромига етказилган асарлар эди. Шунинг учун ҳам Сотти Ҳусайн мазкур тўпламга “Андақ” деб номланган сўз боши ёзиб, унда, чунончи, қуиидаги самимий фикрларни баён қилган эди:

“Кўлингиздаги тўплам ўзбек адабиётига янги қўзғолон, янги умидлар бағишлайди.

Бизда шу чоққача социализм қуришда ўтган йўллар, курашларни адабий тилда қониқарлик куйлаб берган асар йўқ. “Шуъалар қўйнига” ту сочмаларда ҳақиқатан кураш, исён, зафар тароналарини тинглаб оларсиз...

Бу тўплам ёш Миртемирнинг пролетариат адабиёти майдонига биринчи армуғонидир. Ўзбек ишчиси, дехқони ўз ҳаётини, курашини шу китобчадан ўқиб кўради, завқланади, лаззат олади. Шунинг учун санъатда юксак, кучли ва нафис пролетариат шоирини ўзбек адабиётидан яратиш қаҳрамонлиги нишони умидли ёш Миртемирга тақиласидир”

Бундай юқори баҳо ўша давр матбуотида бошқа бирор ўзбек шоирига берилмаган. Чўлпон ва Фитрат сингари катта шоирлар “миллатчи”, Ойбек сингари ўрта авлод вакиллари “йўловчи”, Олтой қабилидаги шоирлар эса “футурист” деб аталган кезларда Миртемирнинг бирдан-бир пролетар шоири сифатида баҳоланиши кимларнингдир ғашини келтирган. Файратий, Элбек, Ойбек, Наср Раҳими, Боту, Шоқир Сулаймон, Олтой ва, табиийки, Миртемир ижоди баҳона матбуот саҳифаларида қизғин адабий мунозара бошланиб кетди. Кашибоф Тригуловнинг “Нафис адабиёт жабҳамизни согломлаш йўлида” мақоласи билан бошланган бу мунозарада Олтой (“Нафис адабиётга соғлом мафкура ва соғлом танқид керак”), Ботир (“Нафис адабиёт тўғрисида-ги мунозараларга”), Юнус Латиф (“Пролетариат адабиёти тўғрисида”, “Бугунги шеъриятимиз ва “Шуъалар қўйнида”, “Миртемир сочмалари устида”) сингари шоир ва мунаққидлар иштирок этдилар. К.Тригулов Миртемир ижодидан катта ва кичик нуқсонлар “топган” бўлса-да, “бу алан-галик ва энг умидлик комсомол шоиримизнинг нафис-фосих сўзлар чашмаси” чуқур эканлигини эътироф этди. Ўз мөхиятига кўра, бу мулоҳаза ҳам Сотти Ҳусайннинг ёш шоир ҳақиидаги фикр-хуносасига яқин эди. Шунинг учун ҳам Ол-

той мунозара жараёнида масалага аниқлик киритмоқчи бўлди.

Бу даврда ўзининг футуристик машқлари билан танилган ва бошқа йўналишдаги шеърий изланишларни тан олмаган шоир бундай деб ёзди: “*Бу ёш комсомол шоири тўғрисига бир нарсани қатъий айтишга тилим бормайди. Ҳақиқат, бунда талант борлигида шубҳам йўқ. Бу талантини қайси йўлда (русло – оқум) тараққий эттириш масаласи бор. Ул фақат сочма усулига ёзадиган бўлиб қоладими? Бу номаълум*” Олтой Сотти Ҳусайннинг “оқ йўл” тилаб айтган сўзларидан сўнгги парчани келтириб, яна давом этади: “*Миртемир ҳали оқни қорадан энди ажратай деб турган бир ёш бола. Бу қадар ортиқ баҳо бериш, менимча, нотўғри. Балки келгусига шундай бўлиб... чиқмас. Ҳозир бир нарсани қатъий айтиш мутлақо келишмаган бир нарса. Бу ёш шоир ҳали ўзининг қатъий бир йўлини белгилаб олгани йўқ*”

Юнус Латиф ҳам “Шуълалар қўйнида”ги айрим нуқсонларга гарчанд ўта танқидий муносабат билдирган бўлса-да, ўша вақтга қадар ёзилган сочмалар орасида Миртемир сочмалари ажралиб турганини эътироф этган.

Шундай қилиб, аксар шоир ва мунаққидлар “Шуълалар қўйнида” китобини самимий кутиб олдилар. Олтойнинг Миртемир истеъоди ва истиқболига нисбатан туйган шубҳаси эса унтилгандек бўлди. Шу орада шоир “Зафар” (1929) деб аталган иккинчи шеърлар тўпламини нашр этди, қайноқ илҳом ва янги ижодий ниятлар билан яшади.

Аммо шу йилларда Ўзбекистон Пролетар шоирлари уюшмалари ва уларнинг вилоят бўлимларига кириб олган айрим мунаққидлар ўзбек адабиётининг пурвиқор чўққилари ва улар этагида улғая бораётган ниҳолларга қарши курашни авж олдирдилар. Жамики чин истеъодод соҳиблари “душман” деб ёки “душман муридлари”, деб эълон этилди, уларга туҳмат тошлари отила бошлади. Ўзбек адабиётида душман ёзувчи образини ахтарган ва “топган” мунаққидларнинг бири Қосим Бобоев бўлиб, у шу даврда адабиётимизга мислсиз даражада катта зарап етказган қатор мақолаларни ёзди. Ана шу мақолалардаги вуљгар танқид найзаларидан бири Миртемир кўксига қадалди.

“Ўзбек совет адабий танқиди тарихи” китобининг 1-жилдида (1987) қуийдаги сўзларни ўқиймиз:

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1930 йил 30 октябрь сонига бир танқиудчининг “Ниқобли шоурлар” сарлавҳали мақоласи босилди. Унда муаллиф истеъодогли ёш шоурлардан Ҳамид Олимжон ва Миртемир шеърларини саводсизларча таҳдил этади. “Танқиудчи”га шоурларнинг табиат манзараларини тасвир этганилари ёқмабди. Бундан у мана шундай хулоса чиқаради: “Бутун ҳалқимиз социализм қуриш учун ҳормай-толмай курашаётганида, булар ойга қараб суҳбат қуришади” Муаллиф қарашича, совет ёзувчиси табиат ҳақида ёзиши мумкин эмас, муҳаббат ҳақида ёзиш эса, “порнография моментларига ўрин бериш” бўлар эмиш. Шундан кейин танқиудчи Миртемирнинг “муштумзўр боласи”, Ҳамид Олимжоннинг “савдогар ўғли” эканини даъво этади ва, бинобарин, улар бошқача ёзишлари мумкин эмас эди, деган хулосага келади”

“Танқид тарихи”да тилга олинган бу мақола Қосим Бобоев қаламига мансуб бўлиб, у ўзининг бутун руҳи билан яқинлашиб келаётган 1937 йилнинг қалдирғочи, тўғрироғи, қора қузғуни эди. “Танқидчи” Миртемир ижодини таҳдил этмоқчи бўлиб, бундай шахсий мушоҳада ва мулоҳазаларини баён этган: “Миртемир вазнисиз, қофиясиз, сочма йўли билан ёзди. Дуруст, унда қайноқ парчалар бор. Лекин у агабий соҳада тез бузилиш томон йўл олди... Сотти Ҳусайн Миртемирнинг биринчи асари – “Шуълалар қўйнига” деган китобига сўз бошига у “биз пролетар шоури Миртемирга “пролетар шоури” лақабини бошлаб унга тақамиз”, деб Миртемирнинг пешонасига сиёсатсиз печать уради... (Миртемир) хотин-қизларни хотин-қиз бўлганлиги учун мақтаб, “комсомол билетли” “Лайли-Мажнуналар” туғуриб, порнография моментларига шеърдан жой берди... (Миртемир) символист, идеалист, майдага буржуазиянинг ўзгинаси бўлди. Агар Миртемирнинг бир қулоқ-помешчик боласи бўлиши, унинг бир вақтлар аксилинқилобчилар уяси бўлган Тошкент ўлка билим юртида тарбияланишини эсга олсангиз, Миртемирнинг шундай бўлганлигига шубҳа қилмайсиз...”

Бу сўзларнинг бирор далилсиз эканлигини сезган танқидчи Миртемир шеърларини титиб, фоясиз, маслаксиз сатрларни топмоқчи бўлган. Қуйидаги уч мисра эса унга худди излагани пролетар адабиёти руҳига батамом зид бўлган парча бўлиб туюлган:

Тун қоронғу,  
Күқда юлдуз нурсиз.  
Ерда сукут...

“Мана бу сатрларни, — қувона-қувона ёзади танқидчи, — “пролетар шоири” ёзади. Минг-миллион ишчи-дехқон ёшлари янги ижтимоий дунё қуриш учун жонбозлик кўрсатиб кўришаётган бир пайтда “қоронғу тун”, “нурсиз юлдуз” кўради шоир” Миртемир ижодидан бошқа сиёсий нуқсонларни топишга ожизлик қилган муаллиф энди унинг шахсий ҳаётидан кир ахтаради, “аксилинқилобчи шоир” Чўлпоннинг Миртемир ижодига кўрсатган таъсирини тасдиқловчи фактларни топади. “Шоир, — давом этади у, — шахсий ҳаётида ҳам артистларга ошиқ бўлиб, ишлаб хатлар ёзиб боришларини, 700 сўмлаб қалин тақдим қилишларини ёзиб, сўзни чўзмадик”

“Танқид тарихи”да Қосим Бобоевнинг Ҳамид Олимжон ва Миртемир шеърларини саводсизларча таҳлил қилганлиги тўғри айтилган. Аммо “танқидчи”нинг шоирнинг шахсий ҳаётига хаёсизларча назар ташлаб, унинг бўлажак рафиқаси билан муносабатларини жамоатчилик эътиборига олиб чиқмоқчи бўлганлигини қандай баҳолаш керак? Бу маълум ташкилотларга манзур бўлишга уринган “танқидчи”нинг ўз мақсади йўлида фойдаланган фирром усулларидир. Ана шу фирром усул кейинги парчада янада яққол кўринади: “Энди “Қизил қалам”нинг ичкарисигаги қора пардан очайлик... Қора парда орқасида саҳифалар, аксилинқилобий миллатчилар “Қизил қалам” жамиятининг тенасига миниб, ...котиб қилиб муштумзўр боласи Миртемирни тортдишлар. Чўлпоннинг аксилинқилобий шеърларидан ўзининг “Қува қўйнига” деган очеркида (“Фарғона” газетасига) парчалар олган. Уни ҳалқ ашулалиридан деб ўқувчиларни алдаган, батракларнинг онгизлигидан кулган...”

Бундай айблар фақат 1937 йилда эмас, балки 20-йилларнинг сўнгида ҳам хоҳлаган шоирни занжирбанд қилиш учун етарли эди. Буни яхши тушунган Сотти Ҳусайн “Қурилиш” журналининг 1931 йил 1 – 2-қўшма сонида “Адабий танқидда партия чизигини маҳкам ўтказув учун” деган мақола билан чиқиб, ёш шоирни ҳимоя қилмоқчи бўлди. Аммо шу журналнинг кейинги сонида босилган “Ўзбек пролетар ёзув-

чиларининг ижодий юзи” сарлавҳали мақоласида Анқабой ҳам баҳсга аралашиб, Миртемирни фош этувчи янги “далил”ларни ўртага ташлади.

Бу танқидий мулоҳазалардаги саводсизлик, тухмат, бадиий ижод табиатини мутлақо ҳис этмаслик ўша йилларда гуркираб ўсиб бораётган вуљгар социологизмнинг таркибий унсурлари эди. Шу тоифадаги “танқидчи”лар учун маъно ва мантиқ, ҳалоллик ва холислик, виждан ва эътиқод янги давр истеъмолидан тушиб қолган тушунчалар эди.

Ўша даврда сиёсий идоралар учун ҳам, мунозараға киришган унсурлар учун ҳам дадил айтилган тухмат ийманиб айтилган ҳақиқатдан юз чандон кучли эди. Шунинг учун ҳам Сотти Ҳусайннинг ҳимоя сўзлари бошқа танқидчиларнинг тухматлари олдида эшитилмай қолди.

**Синоклик кунлар.** Шундай қилиб, Миртемир ҳибсга олинди ва уч ой мобайнида Самарқандда, НКВД ҳибсхонасида ётди. Ўша йилнинг ноябрь ойида эса Тошкент ихтиёрига жўнатилди. Тошкентта келгач, яна олти ой чамаси ертгўлада ўтирди. Сўнгра маҳбус 1933 йил 23 апрель куни Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагерларининг 1-шўйбасига юборилди. Ўша йилларда Тошкентнинг Кўйлиқ даҳасида жойлашган лагерда Миртемир ҳукмни кутиб, икки ой ётди. Ниҳоят, 27 июнь куни бўлиб ўтган суд шоирни уч йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Миртемир “Эсадаликлар”да ҳибсга олинган ва озодликдан маҳрум этилган йилларига тааллуқли энг муҳим воқеалар ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар берган. Бу маълумотлар орасида қандай айби учун ва қайси моддалар билан унга жазо муддати белгилангани ва ҳоказолар ҳақида бирор сўз учрамайди. Ўн ойлик терговдан сўнг унга З йиллик жазо муддати берилганига кўра, Миртемирга катта сиёсий айблар кўйилмаган. Унинг гуноҳи кичик бўлганини тасдиқловчи далиллардан бири шундаки, у ҳатто лагерь бошлигининг ижозати билан ора-сира уйига бориб, хаста қизи, рафиқаси ва касалхонадаги онасининг ҳолидан хабар ҳам олиб турган.

Шоир ҳибсга олинганидан, айниқса Тошкентта жўнатилганидан кейин оиласи ҳам Самарқандда туролмади. Ҳалима опа қизи, онаси ва қайнинглиси билан Тошкентта кўчиб келиб, Шайхонтаҳур даҳасида яшай бошлади. Шу йилларда

Миртемирнинг оғир хасталикка чалинган онаси шаҳар қалоҳоналаридан бирида даволанмоқда, ииниси ва бошқа яқин қариндошлари ҳам Тошкентда истиқомат қилмоқда эдилар.

Келинг, яхшиси, “Эсдаликлар”ни варақлаб кўрайлик:

“9.VII.33 да айрим киши билан бирга жавоб олиб, “үй ”га бориб келдим: кампир<sup>1</sup> бутун кийимларимни сотган, китобларим йўқолган, асбобларим йўқ! Клара<sup>2</sup> касал ва ёмон тарбияда; Ҳалима бир оздан сўнг келди.

Онамни кўролмагум ҳам оғир хафа бўлиб қайтдим.

\* \* \*

8.VIII.33. Бу кун ҳибсга олинганимга роса бир йил тўлди. Кечакан “үй ”га бориб келдим (З-маротаба)...<sup>3</sup> кўрдим. Кечқурун кўчаларда юрдим. Ҳалима маҳкам кўришадир. Онам касал, Маҳфуз<sup>4</sup>, Клара ориқ. Кампир хурсанг!

\* \* \*

16.VIII.33. Эртага “үй ”га бориш хаёли бор. Билмагим-бораманми ё йўқ?

12.да бордим, онамнинг аҳволи жуда оғир. Яна унинг бу аҳволини Ирис<sup>5</sup>нинг хафачилиги ортиригадир.

Тағин папирус чека турган бўлиб қолдим. Ҳозир дарсга ўтириб ёздим.

\* \* \*

Қирқ, соchlарингни ёй-да,  
Гўзалим, боғла мени.  
Узоқ-яқин ҳар жойда  
Суйганинг чоғла мени.

\* \* \*

28. IX.33. Ўтган ҳафта олдига бордим. У қаттиқ касал. Онам олдига, унинг қаршисида жуда уятлиман.

<sup>1</sup> Ҳалима Раҳимованинг онаси.

<sup>2</sup> Шоирнинг тўнғич қизи. 1932 йилнинг 15 январида туғилган.

<sup>3</sup> Ўчирилган. “Охунбобоев” деган сўз бўлиши ҳам мумкин. Нима учун-дир Охунбобоев шу мушкул кунларда шоирга ёрдам қўлини узатмаган.

<sup>4</sup> Шоирнинг синглиси.

<sup>5</sup> Шоирнинг яқин қариндоши.

*Мен она хизматини қилолмадим!*

*Бу кун ҳам уйга бордим: Клара касал, у мунгли ва аламли боқадир. Ҳалима Москвага. У хою ҳавас қилиб кетди. Эҳ сен, шафқатсиз она, кимга ишондинг болани?*

\* \* \*

*2.X.33. Қандай баҳтсиз түғилғанман: онам оғир ҳаста, касалхонада шундай оғир аҳволда ётадир. Ох, мен қандай чиғайман!*

*Клара 2/X да ўлди.*

*Онаси ишглав... ”*

Миртемирнинг НКВД ертўлалари ва меҳнат-тузатув ла-терида кечган ҳаётида ғамли-аламли кунларнинг зиёд бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Куни кеча сочмалари “йи-ғинлару намойишларда, митингларда, байрамларда ва ра-диода” қайта-қайта ўқилган, саводхон юртдошлиари ўртасида машҳур бўла бошлиган, ёшлиқдаги дўсти Ҳамид Олимжон билан Й.Охунбобоевнинг Ўзбекистон бўйлаб сафарларига ҳамроҳ бўлиб, унинг маданият бобидаги ишларига ва мат-буотдаги чиқишиларига қарашган, меҳнаткаш ҳалқ билан суҳбатлари, учрашувлари ҳақида очерклар ёзган, қаламкаш дўстлари билан Озарбайжонга бориб, қардош шоирлар билан адабий алоқаларни ўрнатаётган, қайнар булоқ янглиғ ижод қилаётган шоир учун бу ҳол оғир кўргулик, муси-батли ҳодиса, хўрлик ва хорлик эди. Ҳасадгўй рақибларнинг асл мақсадлари ҳам ана шу булоқнинг кўзини ёпиш бўлган.

Миртемирнинг юраги ёш ва бардам бўлгани учун бу таҳ-қирларга чидади. Лекин ўша мушкул кунларда унинг бошига кетма-кет оғир синовлар тушди.

*“Мен Москвага гастролда эдим, — деб ҳикоя қиласи Ҳалима опа, Миртемир Қўйлиқдаги турмада бўлиб, онда-сонда, рухсат берганларида бизни кўриб кетар эди. У келмаган пайтларда қизимиз Клара агасини йўқлаб, ишглавани-ишглаван эди. Аям куз кунларининг бирига Клара билан пе-редача кўтариб, Қўйлиқча борган. Турма назоратчилари передачани олганлару қизимнинг агаси билан учрашувига рух-сат беришмаган. Шунда қизим ўзини тўхтатолмай, қон-қон ишглаван экан. Аям қайтишда овунар деб Кларага музқай-*

моқ олиб берибди. Хум-хум йиглаб, бутун ичи яллигланиб турган қизалоқ шундан кейин қизилча касалига мабтало бўлиб, оламдан ўтди”.

Шу пайтда Ҳалима опа гастролда эди. Шунинг учун ҳам у Кларанинг ҳақиқатда қандай ўлганини кўрмаган. Шоир қариндошларидан бирининг хотирлашига кўра, Миртемир қамалиши билан қайнона ёш, гўзал, эл-юрт оғзига тушган раққоса қизининг бахти қаро бўлмаслигини истаб, унинг бошқа, бахтли турмуш қуриши билан боғлик режаларни тузган. Шу орада эрининг кейинги тақдиди даргумон бўлган раққоса ортидан ўлдим-куйдим деб елиб-югурувчи йигитлар ҳам оз бўлмаган. Шулардан бири Файзулла Ҳўжаевнинг ёрдамчиларидан бири – Абдулла Зокиров деган кимса эди. Унинг ҳукумат идораларига мансублиги ва бошқа фазилатлари қайнонаага, айниқса, маъқул бўлган. У ҳар икки гапнинг бирида: “Эрингдан умидингни уз. У энди отилиб кетади”, дегани-деган, ҳукуматнинг куёви ҳам Ҳалима опанинг келажакда Миртемир билан бирга яшашга бўлган умидини сўндиришга астойдил ҳаракат қилгани-қилган эди. Ана шундай вазиятда бечора гўдакнинг хасталикка йўлиқиб, вафот этиши кимлар учундир айни муддао эди...

Хуллас, биринчи фарзандининг ўлими ёш ота қалбига санчилган иккинчи найза бўлди.

Халқда “Офат кетидан офат келади”, деган гап бор. Чиндан ҳам, бало-қазолар ҳаётда қузфунлар сингари галалашиб юради. Ҳали Клара вафот этмасдан илгарироқ ўлим шарпаси Миртемир оиласи атрофида кезиб юрган эди. Унинг онаси очлик йилларида силласи қуригани туфайли оғир юқумли касалликка қарши курашиш учун ўзида куч-қувват тополмай, шамдек сўниб борди. Озодликдан маҳрум этилган шоир эса онанинг ҳолидан хабар олиб туриш, унинг дардига мал-ҳам бўлиш, унинг сўнгти кунларида тўшаги қошида туриб хизмат қилиш имкониятига эга бўлмади. У ана шу фарзандлик бурчини ўтай олмагани учун бутун умри мобайн иде ўзини кечира олмай, ичини кемириб яшади.

Шоирнинг отаси беш марта уйланган бўлиб, Моҳирой хола унинг тўнгич хотини эди. “Она кичкина, қора, ориқ, меҳнаткаш, ўта мушфиқа, ўта мақолгўй аёл эди. Сўзи мақолосиз бўлмас эди. Бувим билан бирга турардик. Бизни гўдакликдан меҳнатга ўргатган онам бўлади”, деб ёзган эди Мир-

темир таржимаи ҳолида. Моҳирўй хола номига яраша руҳан гўзал, олижаноб ва мунис аёл бўлган. “Менинг аям фарғоналик бўлгани учунми қайноқ ва тез эди. Миртемирнинг онаси эса *фоят камтар, камган, камсукум, меҳрибон, заҳматкаш* бир аёл эди”, – деб эслаган Ҳалима опа.

1933 йил 5 октябрда Миртемирнинг онаси касалхонада оламдан ўтди. Моҳирўй хола юқумли касаллиқдан вафот этгани учун, билишимча, унинг жасадини оила аъзоларига бермаганлар. Бечора онанинг жасади қандай дафн этилгани ҳам номаълум. Миртемир кейинчалик бу даҳшатли воқеадан хабардор бўлган бўлса ажаб эмас “Эсдаликлар”даги қуидаги сўзлар шундан далолат беради:

“5. X.33. *Бу кун Онам ўлган...Она.*

7. XI.33 *Онам ўлганини Баҳром акам сўзлаб берди – уятсиз!*”

Баҳром ака Миртемирни Тошкентга олиб келган амакиваччаси эди. У, чамаси, она ўлеми ҳақидаги даҳшатли ҳақиқатни айтиб, шоирнинг жигар-бағрини тилиб юборган. Балки шундай таҳликали бир пайтда қамоқда бўлгани учун аччиқ устида уни койиган, гуноҳкор қилган; “Онанг сен деб куйиб ўлди!” деган. Эҳтимол, шунинг учун шоир уни “уятсиз”, деб атамоқда.

Орадан роса тўрт ой ўтгач, 1934 йил 7 марта Миртемир илож топиб, синглисидан хабар олади. Бу ҳақда у ёзади: “*Бу кун, Маҳфузани кўриб келдим, онамнинг ёѓгори!*” Бу иборадаги сўнгти икки сўздан шоирнинг аламнок юраги зарб бериб, кўзларидағи ёш эса шашқатор оқиб турибди.

Шоир қалбида Онанинг ўлеми туфайли бўлган алам ва армон, зардоб ва фашлик узоқ йиллар мобайнида унинг шеъриятига юзиб чиқмади. У кўпроқ социалистик реализм талабларига жавоб берувчи некбин шеърлар, чақириқлар ижод қилди. Аммо орадан қарийб ўттиз йил ўттач, 1960 йилда шоир кўнглида қонталаш бўлиб ётган туйфулар дафъатан булоқ янглиғ отилиб, мусибат тиканлари ҳануз унинг юрагида санчилиб ётгани аён бўлди. “*Онагинам*” деб номланган бу шеърни кўз ёшилиз үқиши мумкин эмас:

...Дунёга қайтиб келишингга кўзим етсайди,  
Йигит ёшим тўлмай туриб,  
Айрилиқ зайлida қоқ ёғочдай қуриб  
Жон берган онамни кўришга кўзим етсайди,

Тиззасига бир нафас бош қўйишимга  
кўзим етсайди,  
Оналик меҳрига обдон тўйишимга  
кўзим етсайди,  
Менга ғашлик нетарди?

..Онагинам!  
Одам бўлдимми менам?

Бу шеърнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сўзида шоир қалбидан қолган жароҳат қон сочиб туради.

Миртемир кейинчалик ҳам, айниқса, умрининг сўнгги кунларида Она хотираси билан тўйинган кўпгина ажойиб шеърлар ёзди. Лекин у Она олдидаги қарзини, улуғ армонини, айбизз айбини асло унутмади. Муштипар онанинг ўлими синофлик йилларда шоир қалбига санчилган ва уни бир умр жароҳатлаган учинчи, энг оғир найза бўлди.

**Этап.** 30-йилларнинг бошларида биринчи беш йиллик режаларида кўзда тутилган улкан иншоотларни қуриб битказиш гумон бўлиб қолган эди. Ишчи кучи, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги ва бошқа иқтисодий тангликларнинг авж олиши собиқ оқ гвардиячилар, “муштумзўрлар” ўзига тўқ ва ўрта ҳол дехқонларнинг меҳнат фаолиятига шубҳа билан қарашни келтириб чиқарди. Оғир иқтисодий эҳтиёж орқасида бир сиқим буғдой ўғирлаган ё қўрпаланган пахтани давлатга топширишдан бош тортган дехқонлар, трактори бехос ишдан чиқсан ишчилар ё қора мойни исроф қилган темирйўлчилар заараркунандачи сифатида ҳибсга олина бошлади. Қамоқлар ва меҳнат-тузатув лагерлари бундай кишилар билан тўлиб-тошиб кетди. Шундай қилиб, сталинча биринчи беш йиллик қурилишлари учун текин ишчи кучи топилди. Бу ишчи кучи фақат текин бўлиб қолмасдан, уни яхши овқат ва иссиқ кийим-бош билан таъминлаш, унга зарур шарт-шароит яратиш ҳам шарт эмас эди. Шунинг учун кўп ўтмай, мамлакатнинг турли чеккаларидаги лагерь ва қамоқларда жамланган маҳбуслар “улуг қурилишлар” сари оқиб бора бошлади.

Миртемир қисматида ҳам ана шундай қурилишларда маҳбус ишчи сифатида иштирок этиш бор эди.

*“18. VII.34. Қамоққа тушганимга 2 йил тўлиб келаётир. Бу кун этап бўлиб Москвага кетаётирман.*

Хеч кимни кўрмадим. На ака, на ука, на ота, на она, на дўст, на ўртоқ?

Кимсасиз, якка кетдим.

Йўлдан Баҳром акам, Қумри<sup>1</sup> ва бошқаларга хат ёзарман”

Миртемирнинг шу йилларда нобуд бўлган тўнгич фарзанди – Кларанинг фотосурати тагига шоир қўли билан “Кимсасиз ўлган қиз Клара” деган сўзлар ёзилган. Шоир бу сўзларни ҳали этап бўлмасдан туриб ёзган ва мурғак жasadни қабристонга элтган эди. Мана, ҳозир унинг ўзи қарийб ўша жасаддек бегона кишилар қуршовида бормоқдада...

Мана, ниҳоят, маҳбус шоир Москвага етиб келади:

“7. VIII. 34. Бу кун Москов келиб, V-PУ участкасига тушдик. Бошимдан оғир кунлар кечаётир. Кўрмаганни кўриб, эшитмаганни эшитаётирман”

Москва яқинидаги Дмитров лагери ихтиёрига етиб келган маҳбусларнинг йигирма кунлик йўли хорлик ва хўрлик йўли бўлгани шубҳасиз. Миртемир ҳам, бошқа маҳбуслар ҳам ана шу йўлда “кўрмаганни кўриб, эшитмаганни эшитиб” келдилар. Бу йўл уларни 30-йиллардаги энг азобли, энг одамютар қурилишлардан бирига олиб келган эди.

**Канал қурилишида.** Москва-Волга канали қурилиши 1932 йилнинг охиirlарида бошланган ва 1937 йил 15 июлда тутгалланган. Миртемир ва унинг ҳамюртлари 1934 йил августда қурилишнинг III ва бошқа участкаларига келиб, Дмитров меҳнат-тузатув лагерининг маҳбуслари сифатида иш бошлаганларида, Волгани Москва дарёси билан боғловчи сув йўли муайян масофани босиб ўтган эди. Аммо иссиқ ўлқадан келган маҳбуслар бу ерда энг мураккаб ишларнинг ҳам рус қиши шароитида асосан қўл кучи билан бажарилаёттанига гувоҳ, бўлдилар.

Қурилишнинг асосий ишчи кучини маҳбуслар ташкил этгани сабабли улар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш мақсадида рус тилида “Перековка” газетаси ва “На штурм трассы” журналидан ташқари, ўзбек тилида “Ўттизбешчилар Перековкаси” ва “Канал зарбдори” номли иккита га-

<sup>1</sup> Шоир амакисининг қизи.

зета чиқарилган. Бу нашрларда қатнашган маҳбус мухбирлар сонининг ўзиёқ 5 мингга яқин бўлган. Бу ҳол қурилишда маҳбус ишчилар сони камида 10 – 20 марта кўп бўлганидан дарак беради.

“Канал зарбдори” газетасидан қирқиб олинган ва Миртемир архивида сақланиб қолган баъзи бир расм, шеър ва хабарлардан маълум бўлишича, қурилишга юборилган ўзбеклар орасида аёллар ҳам бўлган ва улар агитбригада таркибида иш олиб боришган. “Канал аскарлари”дан бири Б.Ф.Страдовскийнинг “На штурм трассы” журнали ҳақида билдирган ва ҳозир Москвадаги М.Горький музейида сақланайтган “таассуротнома”сида бундай сўзларни ўқиймиз: “Биз лагерларда қаттиқ меҳнат мактабини ўтмоқдамиз ва айни пайтда тонг саҳардан тунга қадар радио овозлари, агитбригада постановкалари билан қуршалганимиз, тўгараклар, курслар, қизил бурчаклар, клублар, кинолар, кутубхоналар ва бошқалар тизими билан ўралганимиз”

Бу сўзлардан аён бўладики, канал қурилиши, бир томондан, оғир ва машаққатли меҳнат майдони бўлган бўлса, иккинчи томондан, лагерда маҳбуслар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб борилган. Лагерь раҳбарияти мазкур нашрлар атрофига Миртемир, А.Державин, В.Соловьев, И.Беляев, Н.Жигулин сингари ижод ахлини тўплаб, уларни “канал аскарлари”га илҳом беришга ундаган. Чунончи, Миртемирнинг “Канал зарбдори” газетасида қуйидагидек мисралари бўлган “Янgra, товуш бер!” сингари шеърлари эълон қилинган:

Қум тўла ғалтаклар, юринг тўхтовсиз,  
Дардлик қўшиқлари, янgra, садо бер!  
Тарих варақларига чизиб олтин из,  
Ударник, қаҳрамон, ишда кўкрак кер!..

Миртемирнинг шоирлик иқтидоридан хабар топган ва унинг “канал аскарлари” ўртасида ҳурмат қозонганини кўрган лагерь раҳбарлари унинг ана шу шоирлик-тарбиячилик қобилиятидан фойдаланишни маъқул деб билганлар. Шундай қилиб, шоир қурилишга келганининг дастлабки давридан бошлаб тарбиячи бўлиб хизмат қила бошлади. У ҳамюртлари қаерда меҳнат қилсалар, ўша ерда ҳозир бўлиб, улар билан бирга ишлаб, бирга яшаб, улар руҳини кўта-

ришга, ўз шеърлари билан уларга далда беришга, улар меҳнатини шарафлашга уринди.

Шундай қилиб, Миртемир тез орада ҳалол меҳнати, шоирлик истеъоди ва инсоний сифатлари билан “канал ас-карлари” ўртасидагина эмас, лагерь маъмурияти олдида ҳам эътибор қозонди.

Янги, 1935 йилнинг биринчи қуни Миртемирнинг озод этилганлиги тўғрисида хушхабар келди.

*Сўнгги наиза.* Ҳалима ўша йилларда эндиғина санъат бўсағасига қадам қўйган ёш, истеъододи, Фарфона сойлари-дек шўх раққоса эди. Миртемир уни чин дилдан севаради. У ҳали бўйдоқ кезларида Ҳалиманинг рақслари тутар-тугамас, унга даста-даста гуллар тутар, унга бағишлаб шеърлар ёзар эди. Рафиқасини шундай ўтли туйғулар билан севган шоир 1935 йил январида азоб-уқубатлардан қутулиб, меҳрга зор бўлиб қайтганида, унинг бошқа бир кишига турмушга чиқиб кеттанини эшитади. У бундай хиёнатнинг бўлиши мумкинлигига ишонмайди. У Ҳалимани эридан чиқишига, у билан узилган турмуш ипларини қайта, ипакдан ясад, янги муҳаббат чаманзорини бунёд этишга чорлайди. Аммо Ҳалима бундай кескин ҳаракатга қодир эмас эди.

*“Мен Миртемирнинг кейинги тақдиридан бехабар эдим. Менга эринг отилиб кетди, деб айтишиди. Шундан кейин бошқа турмуш қуришга рози бўлдим. Миртемир қайтиб келгач, мен билан қайта турмуш қурмоқчи бўлди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Шундан кейин у: “Мени сенинг эринг қаматган”, деб менга таъна қилди,” – деб эслаган эди Ҳалима опа.*

Ким билади, балки шоирнинг таънаси ўринли бўлгандир?

Лекин таъна қилиш билан шоирнинг изтироблари, алами, бир умрга олган жароҳати малҳам топмаган, албатта. Бу сўнгги наизадан чавақланган қалб узоқ йиллар давомида фақат ижоднинг шифобахш чашмасидан даво ахтарди.

Қанча-қанча йиллар, сувлар оқиб ўтди. Шоир бошига қиоров қўниб, умрнинг хазонрез палласи яқинлашди. Аммо дафъатан қофозлар, китоблар орасида ёш Ҳалиманинг сурати чиқиб қолди:

Қайдан чиқиб қолибди бу бало сурат...

Йигирма йилдан зиёдроқ вақт илгари бўлиб ўтган воқеалар шоир хаёлига хийла озор бериб ўтди:

На олтин, на жавоҳир эдим...  
Армонли бир ёш шоир эдим.  
Зуҳро бўлмасанг ҳам чиройда,  
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.

Тошлон ўлди, деган ким ахир?  
Гулдай сўлди, деган ким ахир?  
Наҳот поймол қутлуғ ишқ аҳди,  
Бол бўлурми шунчалар тахир?...

Гуноҳим на? — Жангда бўлганим,  
Қон кечганим, юз бир ўлганим...

Эски яралар очилиб, улардан сачраган қон бугун Миртемирнинг “Сурат” номли гўзал лирик қиссасининг ҳар бир сатрида яшамоқда. Бу қон томчисида машъум даврлар, синофлик йиллар акс этиб турибди.

## ТОПИЛМАЛАР

### ФИТРАТ

#### ТУРК ЭЛИ·

Турк эли, эй буюк эл, кўзинг оч!  
Оч кўзинг, бир қара жаҳонга.  
Кўкрагингда ёнган ўтларинг соч!  
Қўйма золимларни Туронга.

Сен кимнинг ўғли, сен ўйласанг-чи,  
Сенга бунча хорлик ёқишишас.  
Ўз отингни ерга урмасанг-чи,  
Турқдирсан, қуллигинг ярашмас!

Давлатинг, иззатинг йўқ қўлингда,  
Бошқага қул бўлиб қолибсан.  
Тоғ юрак, отга мин, чоптири энди,  
Қўйма золимларни Туронда.

#### БИЗ КИММИЗ?

Биз киммиз? Олтой торининг ўқтам, алп арслонлари!  
Ернинг энг улкан ботирлари, энг улуғ хоқонлари!

Дастлабки ўзбек кимёгар педагог ва олимлардан бири Саттор Жаббор Фитратнинг севимли шогирдларидан бўлиб, 1922 йилда Бухоро Ҳалқ Республикасининг ёрдами билан Германияга ўқишига борган. У Берлиндағи таҳсили пайтида ҳам устози билан яқин алоқада бўлган ва унинг “Чин севиш” драмасининг Берлинда нашр этилишида ташаббус кўрсатган. Фитрат ва бошқа истиқдолсевар ўзбек шоирларининг ижодини яхши билган Саттор Жаббор Берлинда Ҳайри Тўқай исмли туркиялик талаба билан танишиб, унинг маслаҳати билан “Қутулиш йўлида” деган китоб ёзган. 2000 йили Истанбулда нашр этилган ушбу китобда, бошқа ўзбек шоирлари қатори, Фитратнинг ҳам бир неча шеърий асари эълон қилинган. Қўйида Ўзбекистонда илк бор дунё юзини кўраётган Фитратнинг “Турк эли”, “Биз киммиз?”, “Темур сағанаси устида” шеърлари шу нашрдан олинди. Бу шеърларнинг барчаси 1923—1924 йилларда ёзилган ва муайян доирада қўлёзма шаклида тарқалган. “Турк эли” шеъри эса 20-йилларнинг бошларида шарқия сифатида ижро этилган.

Отта минсак, титрар "урҳо"миз эшигтан тоғ, денгиз,  
Олға чопсак, бош эгар ёвнинг бутун эл-хонлари.  
Биз қилич чекканда душман тупроқ узра бош қўяр,  
Биз юриш этганда арслон тулкилар янглиф қочар.

Тешмадими сунгимиз бир кун темир қалқонлари?  
Оқмадими ханжаримиздан чиққан ўт қонлари?  
Эрк учун титратмадикми бир замонлар ерни биз?  
Юрт йўлинда тўқмадикми ерга сувдек қонлари?!  
Биз қилич чекканда душман тупроқ узра бош қўяр,  
Биз юриш этганда арслон тулкилар янглиф қочар.

Бор экан биз, турк элининг гавдамиизда жонимиз,  
Фанимларнинг қўлинда қолмас сира Туронимиз,  
Фанимнинг маймунлари-ла чопишар юрт йўлинда  
Хотинимиз, эркагимиз, қаримиз, ўғлонимиз.  
Биз қилич чекканда душман тупроқ узра бош қўяр,  
Биз юриш этганда арслон тулкилар янглиф қочар.

### ТЕМУР САҒАНАСИ УСТИНДА

Ювош эс, тонг ели, тўхта, бу ерларни кўрарсенми?  
Бу тошнинг остида кимдир ётиб қолган, билурсенми?  
Бутун очунни титратган буюк хоннинг туғу тошин  
Зиёрат этмайин, юз суртмайин илдам ўтарсенми?

Бу сипсидал қора тош остида бор ўйла бир хонким,  
Ёритганди қоронгуликларда қолган турк дунёсин.  
Оғир тупроқлар ичра ён босиб тинган бу арслондирким,  
Туради ериндан-да эшигтан чоғда "урҳо"син.

Бу хоқоннинг қиличлар синдириб тузган улуғ мулки  
Эсизлар, оҳлар, мунглар, ёзишларким, бузилмишдир.  
Бутун қонлар тўкиб, жонлар сочиб кўрган чечак бояи  
Фифонлар, қайгулар ва ҳасратларким, бузилмишдир.

Ёрил, эй турк бахтини эсга соглан тош, ёрил илдам,  
Ёрилким, кўкрагинг ичра ётиб қолган хон уйғонсин!  
Талантан, ёндирилган юртини – Туронини кўрсисин!  
Эзилган, яраланган бойқиши элга йўлни кўрсатсан!

# ЧҮЛПОН

## ОЗОД ТУРК БАЙРАМИ\*

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!  
Қардошлар, қандай замон!  
Шодликка тўлди жаҳон!  
Фидо бу кунларга жон!

Нақорат:

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,  
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Бизлар темир жонлимиз!  
Шавкатлимиз, шонлимиз!  
Номусли, вижданлимиз!  
Қайнаган туркъ қонлимиз!

Нақорат:

---

1917 йил 26–29 ноябрда Қўқонда бўлиб ўтган Умуммусулмонлар қурултойи Туркистон Мухторият ҳукуматининг ташкил топганини эълон қиған. Узоқ тарихий даврлар мобайнида ижтимоий тарқоқлик ва мустамлакачилик шароитида яшаган, шу туфайли хонавайрон бўлган ўлкада Мухторият ҳукуматининг барпо этилиши тараққийпарвар кишилар томонидан катта қувонч ва шодлик билан кутиб олинган. Туркистон халқларининг тақдирни билан куйинган Чўлпон биринчи бўлиб Мухториятни олқишлиовчи “Озод турк байрами” шеърини ёзган. Мухториятнинг эълон қилинишига бағишланган намойишда эса оташин нутқ сўзлаб, нутқи орасида бадиҳа йўли билан “Оллоҳу акбар” шеърини айтган ва бу шеърнинг ҳар бир сатридан кейин намойиш аҳли “Оллоҳу акбар!” сўзлари билан шоирга жўрлик қилган.

“Озод турк байрами” шеъри варақа шаклида тарқатилиб, Мухториятнинг мадҳияси сифатида халқ орасида ижро этилган. Мазкур варақалардан бири қўқонлик таниқли адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминов томонидан топилган ва у бу шеърни илк бор эълон қилиш ҳуқуқини каминага лутфан берган. Шеър “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1991 йил 20 сентябрь сонида тегишли изоҳ билан эълон қилинган.

\* Ўтган асрнинг 20-йилларига қадар аксар манбаларда, шу жумладан, жадид шоирларининг асарларида ўзбек халқи “турк эли”, ўзбек тили эса “турк тили” шаклида кўлланган.

Бўлди кенглик, зўрлик йўқ,  
Берилди бизга ҳуқуқ!  
Тараққийга йўл очуқ!  
Жаҳолатга йўл ёпуқ!

Н а қ о р а т.

Мухторият олинди,  
Ишлар йўлга солинди,  
Миллий маршлар чолинди,  
Душман ўргансун энди!

Н а қ о р а т.

Шодлик, хурсандлик чоғлар,  
Кетсун юрақдан доғлар,  
Ватан боғиндан зоғлар!  
Селкулласун байроғлар!

Н а қ о р а т.

Хуррият – байроғимиз,  
Адолат – ўртоғимиз,  
Хурсанд бўлган чоғимиз  
Мевалансун боғимиз!

Н а қ о р а т.

Турк бешиги – Туркистон!  
Ери олтун, тоғлари кон!  
Болалари қаҳрамон!  
Ватан учун берур жон.

Н а қ о р а т.

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,  
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

## ЮРТ ҚАЙГУСИ\*

Юртнинг чексиз кўкларинда қанот ёйган қора қуш!  
Бу кўринган қизилликлар – нур ўйнаши, бу бир туш!..  
Ўликларнинг суюклари шақиллашиб чопалар,  
Чопалар ва эл кўксиндан юксак ўрин топалар...  
Йўқсиз элдир, подачисиз пода каби ташланган,  
Ойидан-да, кунидан-да эрта ва кеч таланганд...  
Ёв кўзлари, олов каби, тўрт бурчақда ялтирадар,  
Эл бошинда бир тўп маймун... япроқ, каби қалтирадар...  
Айрилиқлар уя солган узун йўлга қара бир,  
Тандан эмас, кўзлариндан қонлар тўкар ботир ер...  
У қонларни даво дея кўкрагимга томизма,  
Фоҳишанинг юпқа ипак кўйлагини қўрсатма,  
Кўнгилдаги яраларни “кавсар” билан ҳўл этма!  
Қара, бузук соchlарингда қон йиғлаган “нурлар” бор,  
У нурларнинг инглайиши яраларни қонатар...  
Қатор турган ўксикларнинг кўнгиллари оппоқдир,  
Улардаги қора кафан, эй маймунлар,  
Сиздаги тилаклардан соф, покдир.  
Эл кўксига шам ёқгали топилмасми синиқ тош?  
У эзгу шам ёқилмаса ҳеч тўхтамас қонли ёш.  
Қўлларига гугурт тутган у йўлбосар маймунлар  
Шамни ташлаб, гугурт билан ўйнайлар...

Юртнинг сўнгсиз кўкларинда қанот қоққан қора қуш,  
Йўқсил элни ташлаб кел-да, энди мени бир оз қуч!

---

Бу шеър 1921 йил 9 июнда Фитратнинг шу номдаги туркум шеърлари таъсирида ёзилган ва илк бор Саттор Жабборнинг “Қутулиш йўлида” китобида эълон қилинган.

# ФАРХОД ВА ШОПУР ДУЭТИ\*

(“Фарҳод ва Ширин” музикали драмасидаи)

## Фарҳод

Сабо, етгил саломимни, етургил кўйи дилдора,  
Паришон хотирамдин арзаи қил нозанин ёра.

\* Таниқли драматург Хуршид (Шарафиiddин Шамсиiddинов) 20-йилларнинг бошларида “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” саҳна асарларини яратган. Бу асарларнинг биринчиси 1923 йилда, иккинчиси эса 1924 йилда саҳна юзини кўрган. Аммо драматург бу асарларни яратишида Навоий ва Фузулий асарларидан кўра кўпроқ ҳалқ эртакларига таянган.

Ўзбек миллий театри асосчиларидан бири М.Ўйғур Москвадаги ўзбек драма студиясини сафдошлари билан бирга тутатиб келганидан кейин, 1929 йилда “Фарҳод ва Ширин” спектаклини қайта саҳнага кўйган. У шу жараёнда асарнинг биринчи саҳна талқинидаги камчиликни барта-раф этиб, уни, бир томондан, Навоий достонига яқинлаштиришни, иккинчи томондан эса, томошабоп қилишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Янги спектаклнинг яратилишида Уйғурнинг маслақдош дўсти Чўлпон яқиндан иштирок этиб, бир неча ария ва дуэтлар ёзиб берган.

Хозир Санъатшунослик институти кутубхонасида сақлананаётган “Ўзбек театри тарихидан материаллар”да Хуршид мазкур масалани бундай талқин қилган: “1927 йили Карл Маркс труппасининг директори Қосимхўжаев орадан беш йил ўтгач, менинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмамни Чўлпонга берган (сўз асарнинг 1923 йилдаги постановкаси устида бормоқда. – Н.К.). Чўлпон менинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмамни, унинг топшириғига кўра, менинг рухсатимсиз мусиқали комедияга айлантирган, аммо мени пьесанинг муаллифи қилиб қолдирган. Чўлпон сўнгги кўринишларга бир неча ариялар қўшган... Агар Фарҳод ва Шириннинг лирик ҳис-туйғулари мазах қилинмаганида (?) биринчи картина фоят ажойиб чиққан бўларди. Чўлпоннинг биринчи картинага қўшган ариялари узукка қош кўйгандек бўлган...”

“Онамнинг айтишича, – деб ёзган эди Чўлпоннинг жияни Ўқтам Мирзахўжаев, – Чўлпон Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асосида ёзилган саҳна асарига қўшиқлар ёзиб берган экан. Бунинг исботига мисол тариқасида қўйидаги матлали фазални келтиради:

Сабо, юргил, саломимни етургил кўйи дилдора,  
Паришон хотирамдин арзаи қил нозанин ёра”

Бир томондан, Хуршидинг юқоридаги сўzlари, иккинчи томондан, Фоиқа аяннинг хотираси қуида келтирилаётган Фарҳод ва Шопур дуэтининг Чўлпон қаламига мансублигини тасдиқлади. Мазкур матн Хуршидинг “Танланган асарлар”ига айнан киритилган.

Баён этгил юзини ёди била қилган фифонимни,  
Этар шояд келиб бу Кўҳканъ ҳолига наззора.

Нигорим лаб очиб сендан агар аслим савол этса,  
Хўтандандир мусофир, севги саҳросида овора.

### Шопур

Эмиш юртида Фарҳод исми, бунда Кўҳканъ ўлмиш,  
Матои ҳусн олмоққа келибдур ушбу бозора.

### Фарҳод

Менга учмоҳ, кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи,  
Нигорим шарбати васлида, во, мен ташна бечора.

## ШОИР АБДУЛЛА АЛАВИЙ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ ИЛА ОНАЛАРИ ҲАБИБАХОНИМ ЁЗГАН МАРСИЯ-ҒАЗАЛГА МУХАММАС<sup>\*</sup>

Бордир бу жафо устида фурбатни қароси,  
Йўқдик ичида мангу ниҳон дилни сафоси.  
Хавф остида доим бу узун йўлни ароси,  
Йўқдир бу фалакнинг меҳри-ю ҳеч кимга вафоси,  
Йўқдир бу жаҳоннинг ғаму дардига давоси.

Ҳеч менга насиб бўлмади бу дунёда саодат,  
Ёлғиз ғамига, ғуссасига айладим одат,  
Дунёда бирор кун топа олмай тўла роҳат,  
Тўлди жигарим қон ила, дил бўлди жароҳат,  
Фурқат чўлида қолди кўнгил, қайдадоси.

\* Кўҳканъ – 1) тош қазувчи; 2) Фарҳоднинг лақаби.

20-йиллардаги ўзбек зиёлиларининг “гул”ларидан бири Абдулла Алавийнинг вафоти (1931 йил) истеъододи шоира онаси Ҳабибаҳон Умар қизи учун катта фожиа бўлган. Унинг шу муносабат билан ёзган марсия-ғазалидан фоят мутаассир бўлган Чўлпон мазкур ғазалга мухаммас боғлаган. Камина мазкур мухаммас матнини 1991 йилда шоирнинг синглиси Фоиқа аядан ёзиб олиб, 1992 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигига эълон қилганман. Маълум бўлишича, “Ўзбек шоира-лари” китоби муаллифи Тўхтасин Жалолов таниқли фольклоршунос олима ва шоира Музайяна Алавия билан Ҳабабаҳон ая тўғрисида сухбатлашганида, ундан мазкур мухаммаснинг гўё Ҳабибаҳон ая томонидан ёзилганилиги ҳақидаги маълумотни олган. Ва мухаммаснинг Музайяна Алавия архивида сақланиб қолган чала нусхасинини шу нуқтаи назардан таҳдил қилган.

Билмам, ким учун ушбу жаҳон жойи сафодур,  
Аммо менга қисматда фақат жабру жафодур,  
Дардимга менинг мулки адам хоки даводур,  
Хижрон майидин ичди кўнгил, айди, шифодур,  
Чок бўлди юрак, битмади бағримни яроси.

Умид кўзини юммади ул кунгача абёт,  
Йигларди мени ташлама, деб ул кеча абёт,  
Сўнг дамда у ҳам дерди: ўқинглар пича абёт,  
Илгимга қалам олдиму ёздим неча абёт,  
Бошимга тушиб марсия қилмоқнинг ҳавоси.

Ёширма ниқоб остига, эй ёр, сен юзингни,  
Кўнгил сўзидин ўзгага сарф этма сўзингни,  
Ҳар кўйга солиб қилма ҳалок бир кун ўзингни,  
Алданма жаҳон гулларига, солма кўзингни,  
Бир гул ғамида, кўр, неча булбулни навоси.

Дунёга келиш эрдими, билмам, менинг айбим,  
Бўш қўймади бир кун мени занжир ила қайдим,  
Ул кунки, менга ҳол сўргали келса-да, айдим:  
“Ер остига кирди менинг куррат ул-аъйним,  
Кетди кўзимнинг нури-ю йўқ бўлди зиёси”

Девонага мен ўзни нечук ўхшатайинким,  
Дурдонага ул сўзни нечук ўхшатайинким,  
Мастонага ул кўзни нечук ўхшатайинким,  
Ойнага ул юзни нечук ўхшатайинким,  
Ойинада ҳам йўқ эди ул юзни жилоси.

Кўз юмди адиб маҳфилининг суюкли ёри,  
Юксалди фалакларга адаб аҳдини зори,  
Йўқ энди на шоир, на адибларни мадори,  
Баҳри ғамида ғарқа ҳама хеши табори,  
Оlam юзига парда бўлиб тушди азоси.

Бир кун сўлиши бўлмаса, ҳеч бир гул очилмас,  
Ҳар ёнда ўлим чангали бордурки, қочилмас,  
Ҳеч кимга ҳаёт паттаси мангута сотилмас,  
Кўнгил тилаган нарса бу дунёда топилмас,  
Ғаддора фалакнинг тугамас жабру жафоси.

Қандоқ қилайин босса мени ғам ила аълом,  
Шам бўлмаса, зулмат ичида қолса бу маъвом,

Ўлмоқ ва қутулмоқ менинг фикрим ва таманном,  
Ўтди бу жаҳондин сўзи ширин, юзлари раъном,  
Туфроқни ватан қилди, кафан бўлди либоси.

Туфроғи анинг сурма-ю, қабри ватанимдир,  
Ўлсам-да қовушсам — менга шул биргина тадбир,  
Чўлпон қошида ой эди ҳам кун эди ул бир,  
Шўрлик она ҳар қанча куйиб йигласа арзир,  
Кетди бу жаҳондин жаҳон аҳлининг сароси.

## ШАРАФИДДИН САЛОҲИДДИН ЎГЛИГА МАКТУБЛАР\*

### БИРИНЧА МАКТУБ

Эй аҳди Шараф, олинг қулоққа  
Юк юкламангиз бу бесўлокқа.  
Мумкинки чопиш ва ёки йўртиш  
Бу шўр пешона даканг чўлоққа.  
Ҳар бор ўқигандан бу номангизни  
Қандоқ жавоб айлайин сўроққа.  
Деб хавф ила бағри қон калима  
Бошлар дил-у эвонга йиғламоққа.  
Ночор тутаман қалам қўлимга  
Дил дафтарини варақламоққа.  
Дил дафтарида аламдан ўзга

---

Маълумки, Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Мулла Юнус ўғли Ўш вилоятининг Ёркент қишлоғида туғилган ва Андижонга кўчиди келганидан кейин баззозлик билан шуғулланган. У Салоҳиддин баззоз исмли ўшлик дўсти билан, айниқса, яқин алоқада бўлган ва шу сабаб катта қизи Фозилани унинг ўғли Шарафиiddинга берган. Шарафиiddин Салоҳиддин ўғли Чўлпоннинг сирдош дўсти бўлиб, умрининг сўнгти нафасига қадар қатагон этилган шоирга содик бўлиб қолган. Чўлпон 1931 йили Москвага бориб, СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ва СССР халқлари марказий нашриётига таржимон бўлиб ишга борганида моддий аҳволи бир мунча яхши бўлган Шарафиiddин Салоҳиддин ўғли дўстини иссиқ кийим ва бошқа зарур буюмлар билан таъминлаб турган.

Чўлпоннинг қўйида эълон қилинаётган шеърий мактублари шу даврда Шарафиiddин Салоҳиддин ўглиниң якъофия шеърий хатларига жавоб тарзида ёзилган. Бу хатларнинг биринчиси 1932 йил февралида, иккинчиси эса ўша йилнинг апрель ойида битилган. Мазкур мактублар Чўлпоннинг андижонлик муҳлисларидан бири шоир Восит Саъдулланинг архивидан топилди.

Бир ҳарф бўлурми номламоққа?  
Илҳом ариғи қуриб ётибдир,  
Йўқ хафсала ани ковламоққа.  
Ковлаб, ани гар равона қилсан,  
Бошлар ўзгаларким лойламоққа.  
Кўнгул яна тунд бўлиб бузулгач,  
Тушгай яна эски сирқироққа.  
Умид шудурки, афв этарсиз  
Йўқ нарсаларимни борламоққа.  
Эй, дўст, мени қитиқлафонсиз,  
Зил кеттганин англамай туёққа.  
Ҳа, майли, дедим, жавоб ёзай бир  
Мен, бир ола қарға, гағламоққа.  
Ё бўлмаса маҳмадона, эзма,  
Бемаъни сўзимни сўзламоққа.  
Ҳозир шаҳар ичра сокин ўлдим,  
Гўё эгаман баланд равоққа.  
Хурсандлик ила бу дардли бошим  
Тенг бўлди-ку кўк ўпгувчи тоққа.  
Тор бўлса-да энди соҳиб ўлдим  
Бир кичкина хонаи ётоққа.  
Хизмат ерим жойида ва лекин  
Мушкуллигини ўхшатинг сабоққа.  
Ўрганмаган иш қийин бўлибдир  
Ўргангувчи ўзни қарғамоққа.  
Ойлик-да яна кифоят этмас  
Рўзфор иши ҳам тушиб чатоққа.  
Ҳеч қурбимиз ўлмади, биродар,  
Ҳатто онамизни йўқламоққа.  
Оз-оз юборилди икки-уч бор,  
Лозим буни яхши англамоққа.  
Айниқса, кийим хусуси чучмол,  
Бир маҳсидан ўзга йўқ оёққа.  
Сўрмангки, сариқ ботинка бирлан  
Кетти қораси, дебон, қаёққа?  
Сиз берганингизни тоза кийдим,  
Мажбур бўлинди ташламоққа.  
Йиртилди, яқоси чок бўлди  
“Ҳа, бор”, жавоб айлайин демоққа.  
Ҳожи Ражабин йўғон қароси  
Тор келди бу тўнкадек оёққа.  
Начораки, бошқага узатдим,  
Кун қолди шу маҳсии ямоққа.

Ёз вақтида шул маҳси бирла юрмоқ  
Хеч одат ўлинмамиш бу ёққа.  
Гар бўлса иложи, қирқ учинчи,  
Тезроқ юборинг олиб бу ёққа.  
Гар почта ила юборсангиз сиз,  
Шукр айлардим жаноби Ҳаққа.  
Гар Сизни юборсалар Қримга,  
Тўғри кетиш ўлмагай у ёққа.  
Чунки, йўлингиз шу ердан ўтгай,  
Лозим яна бунда ўфрамоққа.  
Хўп ўйнатамиз азим шаҳарда,  
Бошлаб сизни боққа-ю равоққа.  
Эй, аҳли Шараф, бас энди нома,  
Куч битди, олинг муни қулоққа.

## ИККИНЧИ МАКТУБ

Толе қуши энди қўнди шоҳқа,  
Ўт кирди бу қақшаган ўчоққа.  
Сизнинг у соғ дил билан юборган  
Хоҳишларингиз эришди Ҳаққа.  
Бир хона тегиб шаҳар ичиндан,  
Турмуш гули очилди саёққа.  
Лампа ёғиниким талоқ қилдик,  
Тутқун бўлиб интирис чироққа.  
Тўп-тўғри ва тез топармиз уйни,  
Урмай ўзимизни оққа-боққа.  
Кўп тегди кўнгилга эски манзил,  
Асло ҳавас айламай йироққа.  
Ёз бўлса, "чу!" деб юриб қоларсиз,  
Бир отланубон тез аргумоққа.  
Биз бўлсак, бу ерда интизормиз  
Воғзолда Сизни қабул қилмоққа.  
Сиз балки бу ерни тенг қилмассиз  
Ўш шаҳри ила оқ уйли тоққа.  
Биз ҳам биламиш: баробар ўлмас  
Хеч ўлка бу мазҳари пачоққа.  
Минг бод ёзишга моне ўлди  
Уйқу қушики келиб қавоққа.  
Бир номаи соз Шароғ кетирсин  
Бечора-ю ожиз-у саёққа...

# МУШОАРА\*

## Чўлпон

Бу масоил<sup>†</sup>дан зериқдим, сўнгра ислоҳ истадим,  
Сўнгра ислоҳдин қочишга ўзга бир роҳ истадим.

## Faфур Fuлом

Шак яқин, Муҳдис<sup>\*\*</sup> буларнинг барчаси мендан йироқ,  
Бен эса салқин шаробли хийра<sup>\*\*\*</sup> коргоҳ истадим.

## Чўлпон

Бул жавобни мен қабул қилдим чиройлик қиз каби,  
Май ила, мутриб ила шоҳона даврагоҳ истадим.

## Faфур Fuлом

Бир қоронгулик чўқди охир вожиб ул-автод<sup>\*\*\*\*</sup> дин,  
Бен реал қўқдин буларнинг қалбига моҳ истадим.

## Чўлпон

Кўз ўнгимда ҳар замон Хайём қиласи жилвалар,  
Бир кеча маасту аласт ўлмоқни валлоҳ истадим.

## Faфур Fuлом

Теврагим дўзах, беҳинет, аърофларнинг шубҳаси,  
Шу чигалларни ечирга бунда Оллоҳ истадим.

---

\* Чўлпон гарчанд Faфур Fuлом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор сингари совет давлатига ишонган ёш ёзувчилар билан яқин алоқада бўлмаган эса-да, 1934 йили, Москвадан қайтиб келганидан кейин, улар билан яқинлашишга эҳтиёж сезди. Шу йили Намангандаги қилган сафари вақтида ҳатто Faфур Fuломга бағишлиб “Дарё бўйи” деган шеърини ёзди. Куз ойларида эса, Чўлпон Faфур Fuлом билан, тахминимизга кўра, қайсиdir қаҳвахонада учрашиб, у билан мушоара қилди.

Қуйида эълон қилинаётган мушоара матни андижонлик шоир Восит Саъдулла архивидан топилди.

\*\* Масоил – масалалар.

Муҳдис – янгидан яратувчи.

Хийра – қоронги.

Вожиб ул-автод – азиз-авлиёлар эрки.

## Чүлпон

Ушбу жойдин кетсайидик бирор сайфия<sup>1</sup>га,  
Лолазор төг бағрида улвий сағаргоҳ истадим.

## Фафур Фулом

Лола жомидек қизил майгун дудоқлар бўсасин  
Яхши ҳам эсга тушурдингиз ки ногоҳ истадим.

## Чүлпон

Лола жомидин йироқ тушгач, бу Чўлпон найласин,  
Ноилож созимни тўхтатдим, қароргоҳ истадим.

## Фафур Фулом

Ҳар қароргоҳида соз бўлганда мен унга Фулом,  
Сиз каби гапга тушунган марди огоҳ истадим.

## БОТУ

### ГУЛЁР<sup>2</sup>

Қуш уяси бузилди,  
Аҳд иплари узилди,  
Ўзга тузук тузилди.  
Иш бузилгач қуш кетди,  
Аҳд иплари узилгач,  
Мен йўқсилдан эс кетди.

Қоп-қоронғи зиндонга  
Сени кучлаб солдилар,  
Мени Мажнун қилдилар.  
Сен яшарсан зиндонда,  
Севмадигинг бир ёвуз  
Зиндончининг қўлида...

<sup>1</sup> Сайфия — ёзлик қароргоҳ.

<sup>2</sup> Ботунинг мазкур шеъри Тошкент жадидларининг сарвари, “Милий иттиҳод” ташкилотининг асосчиси Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1921 йилда биринчи марта қамоққа олиниши муносабати билан “Гулёр” халқ куйи оҳангига ёзилган. Мунаввар қори шу йили бир неча ойлик қамоқдан озод этилгач, маслақдош дўст ва шогирдлар устозларини Тошкент қамоқхонаси олдида шу ашулани айтиб кутиб олганлар.

Шеърнинг мазкур туталланмаган нусхаси тергов материаллари орасидан топилган.

# МИРТЕМИР

\* \* \*

Ҳалиманинг гафтарига<sup>1</sup>

Энг лирик шеъримнинг сен илҳомчиси,  
Шеърки, юрагимнинг қайноқ томчиси.

Шеърим ҳам оҳимдир, ҳам фифонимдир,  
Томчи-томчи оққан юрак қонимдир.

Шеърки, азобларим, қора тунларим,  
Бутун ҳасратларим, бутун мунгларим.

Шеърки, қайнаб турган юрак томчиси,  
Шу мунгли ноланинг сен илҳомчиси.

1934 йил 16 январь.

---

Ҳалима Раҳимова – таниқли раққоса, шоирнинг биринчи хотини. Миртемир 1932 йилда номаълум сабабларга кўра қамоққа олиниб, дастлаб Кўйлиқдаги лагерда ётган, сўнгра этап билан Москва-Волга канали қурилишига юборилган. Шу вақтда Ҳалима Раҳимова шоир эрига бева-фолик қилиб, бошқа бир кишига турмушга чиққан.

“Мен Миртемирнинг кейинги тақдиридан бехабар эдим, – деган эди Ҳалима опа камина билан сұхбатида. – Менга: “Эринг отилиб кетди”, – деб айтишди. Шундан кейин бошқа турмуш қуришга рози бўлдим. Миртемир қайтиб келгач, мен билан қайта турмуш қурмоқчи бўлди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Шундан кейин у: “Мени сенинг эринг қаматтган”, – деб менга таъна қилди”

Миртемирнинг “Сурат” лирик қиссасида шоирнинг Ҳалима Раҳимова билан боғлиқ ҳаёти саҳифаси тасвир этилган.

И.В.ГЁТЕ

ЭГМОНТ\*

(Трагедиядан парча)

КЛЕРХЕН ҚҰШИГИ

(Музика)

Янграп барабанлар  
Ҳам флейта куйлар.  
Менинг ёрим отряд  
Олдіда борар.

Эй, завқинг келар,  
Күнглинг қўзғолар.  
Эй, бўлса агар  
Дубулға, қалқон,  
Курашга чиқардим  
Мен ҳам бегумон.

---

\* Ўтган асрнинг 30-йилларида таниқли рус артистлари буюк немис шоири И.В.Гётенинг “Эгмонт” трагедияси ва Бетховеннинг шу асарга ёзган музикаси асосида моносспектакль тайёрлаб, радио орқали ижро эттанлар. Ушбу асар 30-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон радиоси адабий-музиқий эшилтиришлар таҳририяти раҳбарларида ҳам катта қизиқиши уйғотган ва улар ташаббуси билан Усмон Носир “Эгмонт”дан кичик бир лавҳани ўзбек тилига таржима қилган. Радиосспектаклда Эгмонт ролини ижро этиш Аброр Ҳидоятовга топширилган. У таржима матни билан танишиб, Эгмонт ролини завқ-шавқ билан репетиция қила бошлиган. Аммо ўша кунларда Усмон Носир қамоққа олиниб, асар устидаги иш тўхтаб қолган.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, 50-йилларда радио комитетига ишга келган Убай Бурҳон ушбу асар матнини топиб, уни радиосспектакль сифатида эфирга олиб чиққан. Мазкур радиосспектакль ўша йилларда радио тингловчилари ўртасида катта муваффақият қозонган. Аммо матндан “халқ душмани”нинг исми олиб ташлангани учун таржима муаллифи номаълум бўлиб қолган.

Камина тергов материаллари орасидаги шу масалага доир ҳужжатлар асосида “Эгмонт”дан олинган мазкур парчанинг Усмон Носир қала-мига мансуб эканлигини аниқладим.

Борардим ортидан  
Қолмай изма-из.  
Чекинди ёв. Олға –  
Борар полкимиз.  
Қандай яхши ботир,  
Зўр жангчи бўлмоқ,  
Зўр жангчи бўлмоқ.

Э г м о н т (ёлғиз). Қадрдон дўстим! Вафоли уйқу! Бошқа дўстларим каби наҳотки сен ҳам мени тарқ этдинг! Сен ахир эркин ўйларимга ором берар, гўзал ва сўнмас бир севги чамбари каби ардоқлар эдинг. Жанглар сурони ва дунё ташвишлари остида мен бир бегуноҳ гўдак сингари оғушингда тинч ва енгил нафас олар эдим. Бўрон дараҳт бутоқлари ва япроқлари орасидан эсиб ўтиб, унинг танасини силкитса ҳам ўзаги омон қолади-ку! Нечун мен қалдирамоқдаман? Дадил ва содик қалбимни ғалаёнга солаётган нима? Биламан: бу – қотил болтаси! У менинг ҳаёт илдизларимни кемирмоқчи бўлади. Қоматим расо турса ҳам, ичдан қалтироқ сезаётирман. Нима учун сен, энг қўрқинчли хавф-хатарларни совун кўпиклариdek учириб юборган киши, сенга қарши келаётган даҳшатларни маҳв этиб ташлаёлмайсан? Ахир сен ўлимнинг ҳар қандай даҳшатлари ичида, ҳаётнинг оддий ташвишлари ичида яшагандек баҳузур яшардинг-ку!.. Йўқ. Мени даҳшатга соглан ўлим эмас. Бу мард юрак ногиҳон ўлим билан олишишга ҳар қачон тайёр. Гўрга ўхшаш бу зиндан қўрқоқлар назарида ҳам, ботирлар назарида ҳам жирканч кўринади. Давлат кенгашида князлар ҳал қилиниши жуда осон бўлган масалалар устида узундан-узоқ музокара юритганларида, юмшоқ креслода ўтириб, уларни тинглаш нақадар оғир эди менга! Узилмас залнинг деворлари остида мен ўзимни худди бўғилгандек ҳис қиласдим. Ўшанда мен имкон борича у ердан тезроқ қочишга шошилар ва отга минар, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун олисларга, эркинлик қўйнига, қирларга чопардим. У бепоён далаларда табиат ўзининг ер тагидан чиққан бутун ноз-неъматларини инъом этар ва осмон ўз юлдузлари билан оламни ёритарди. У ерларда биз она ернинг фарзандлари каби унинг оғушида худди паҳла-

вонларга ўхшаб юксакларга баланд парвоз қилиш учун яна кучлироқ интилардик. Биз у ерда бутун инсоний ҳис-туй-гуларни сезардик, қонларимизда бутун инсоний интилишлар алангаси ёнар, у ерда ёш овчининг кўнглида олға интилиш, зафар ташналиги, ўз куч-қудратини кўрсатиш орзуси жўш уради.

Оҳ, бу фақат хаёлот, холос. Кўп замонлар молик бўлганим саодатнинг сохта хаёлоти, холос! Бу маккор тақдир сени қаёққа ундар? Ёки сени ҳеч қачон қўрқита олмаган ўлимни қуёш чехрасига келтириш ўрнига гўр азобидан дарак бермоқчими? Бу тош деворлар нақадар бадбўй ҳид сочадилар менга! Ҳаётим сўнаётири. Тобутга ўхшаш бу уйқу тўшагига бош қўйиш нақадар даҳшатли...

Оҳ, ҳасрат, қайғу! Мени бевакт ўлимга маҳқум этмоқчи бўлган ҳасрат, тўхта, қўй мени!.. Қачондан бери Эгмонт оламда бутунлай танҳо қолди? Сени эзаётган нарса баҳт эмас, шубҳалар, шубҳалар эзаётири... Наҳотки, сен бутун умр ишонганинг қиролнинг адолати ёки маликанинг муҳаббатсимон дўстлиги сени қоронғи сўқмоқда ёлғиз қолдириб, тун қўйнида ғойиб бўлиб кетди? Наҳотки, шаҳзода Оранский дўстларга бош бўлиб, мени озод этишга журъат этолмаса? Наҳотки, халқ кўтарилимаса? Наҳотки, қудратли куч бўлиб ўз қадрдан дўстига нажот бермаса?

Эй, мени ўз исканжасига олган деворлар! Ўз қалбларини қалқон қилиб мен учун ёрдамга келаётганларнинг йўлини тўсмангиз! Авваллари менинг кўзларимдан эмиб олганлари у жасорат оловлари энди уларнинг қалбларидан яна менинг қалбимга қуюлсин. Ҳа, ҳа! Улар мингминг бўлиб қўзғолаётилар! Улар менга мадад берадилар! Уларнинг ўтинч нидолари кўкка учмоқда, улар мўъжи-за истайдилар, улар найза ва қилич олажаклар. Уларнинг зарбалари остида дарвозалар қулаб тушади. Кишанлар парчаланади, деворлар йиқилади ва Эгмонт ёришаётган тонг шуълалари остида озодлик қаршиjisiga пешвоз чиқади. О, қанча-қанча таниш юзлар шодиёналик билан кутиб олурлар мени!..

## КЛЕРХЕН ҚҰШИФИ (Музика)

Шодлик ва қайфу  
Фикринг банд этар.  
Ёрим чарчаб, нафас  
Кучланар, қийнар.

Азоб тугаб, уни  
Құчади шафқат  
Ва бахтиёрлик.  
Фақат муҳаббат  
Бахту баҳор билан,  
Севги-муҳаббат.

Э г м о н т. Ҳаммаси тугади. Ҳаммаси ҳал. Нажот йўқ. Турмадан чиқишига ҳам йўл йўқ. Жаллодлар бостириб кирадилар. Мен эса бошимни болта остига қўяман ва шу турмада мангу уйқута кетаман. Мен қўлда қилич билан эмас, шуҳратли жангда эмас, Гравелин жангидага ўзини жангта ташлаган ва орқасидан бутун қаҳрамонлар полкини етаклаб борувчи қаҳрамон сифатида эмас, турмада ҳаёт билан видолашмақдаман. Энди шу қора турма деворлари остида, шу болта остида танҳо жон бераман.

Ҳаммаси тугади. Ҳаммаси ҳал. Нима бўлди менга? Нима учун кўнглимда осойишталик? Бу қандай тоза руҳ? Менга ҳеч нарса кўрқинчли эмас. Мен танҳо эмасман. Эй, менинг дўстларим, жонажон ҳалқим, ўртоқларим! Мен сиз учун яшадим ва менинг руҳим абадий сиз билан бирга. Қалбим тўла нур ҳам ором. Мен ухламоқ истайман ва ишонаманки... Эй, жаллод, мени уйқудан уйғотмасданоқ...

Кел, эй, менинг тинч оромим! Мен ухламоқ истайман ва ишонаманки, ухлайман. Ум-м... жаллод мени уйқудан уйғотмасданоқ умримга хотима бера қолсайди. (Музика.) Кел, эй, менинг тинч оромим! Кел, ҳаёт ва ўлим ҳақида бутун тасаввурларни бир-бирига қоришириб юбор. Шодлик ва ўлимни ҳам бир-бирига қўш. Сен ҳам кел, эй, менинг севгилим! Кел, эй, менинг ягона Кларам, лабларимга лаб қўйиб, сўнгги видолашув бўясасини бер. Кел, тинч оромим, ҳаётимнинг сўнгги ороми, кел. (Музика.)

Мен ажойиб лавҳани кўрдим! Қуёш нурига бурканган озодлик тимсолини кўрдим ва унинг орази, бу – эрк орази, севгилим Кларанинг оразидек табассум қилди менга. Сизлар – менинг қалбимдан жой олган эрк ва севгилим, айтинг, қайси бирингизнинг севгингиз кучли экан?.. Бироқ мен сўнгида кўрдимки, Кларанинг табассуми озодлик қайғуси билан ва қон офтоб қиёфасида равшан кўринди. Бу қон эрк оёғи остида тупроқни қип-қизил қилиб бўяди. “Бу, сенинг қонинг, сенинг, Эгмонт! Бу, кўпларнинг қони, эрк севувчиларнинг қони!” – деган садо янгради. Бу қон беҳуда тўкилмади. Бу қон озодлик учун тўкилган қутлуғ қондир.

Сенинг қонинг табаррук бўлади, Эгмонт! Қўзғол, халқим, қўзғол, сени зафар кутади. Сен денгиздек улуғвор халқсан, денгиздек қудратли ва қўрқинчлисан. Сен денгиз тўфони каби бутун тўсиқларни парчалаб ташлайсан.

О, жонажон шаҳрим, душман сенинг деворларингга яқинлашмоқда. Халқим, гражданлар, дўстларим, нега ҳозир сиз билан бирга эмасман? Аммо руҳим сиз билан бирга. Яна мардон бўлинг, ўлимдан қўрқманг! Озодлик учун, ўлмас муҳаббатга эга бўлган ҳамма одамлар учун ўлим йўқ! Демак, озодлик учун курашингиз! Бу турмада тинч ва шодлик билан жон бераётган мен каби сиз ҳам жангда шодлик билан жон беринг.

Жаллод, қани кир, ўз ишингни тутат! Эй, сиз, ёлланган солдатлар, сиз жанг майдонида керак эмассиз. Менинг олдимга бостириб кирсангиз ҳам, ўз сафларингизни оширсангиз ҳам, барибир, менинг олдимда ожиз қоласиз, мен энди икки умр билан яшайман. Бирини сиз оласиз, аммо иккинчисини сизга бермайман. Иккинчиси – менинг умрим. Бу умр халқ билан озодлиқда яшайди. (*Тантанали музика.*)

\* \* \*

## Холида Сулаймоновага<sup>•</sup>

Татар қизи! Яшил кўзларингдан  
Аллақандай сирлар англадим.  
Сенга айтам, ишон, маъсум қиз,  
Мен ҳеч қачон буляй ёнмадим.

Сўйла, сенинг ўйноқ кўзларингдан  
Мен анлаган сирлар сирини.  
Нега шулай бир ёндириб ўтдинг  
Шоирингнинг касал дилини?

Сенинг кўзлар сирли, шоён боқди,  
Менинг юрак эриб, сувдек оқди.

---

• Қуийда эълон қилинаётган шеър Усмон Носирнинг озодлиқда ёзилган энг сўнгги шеърларидан бири. Шеър узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Давлат нашриётида, сўнгра “Ўқитувчи” нашриётининг ўзбек тили ва адабиёти таҳририятида бўлим мудири бўлиб ишлаган, аксар шоир ва ёзувчилар билан ҳамкорлик қилган Холида Сулаймоновага бағишлиланган. Холида опа ўта гўзал, ақл-заковатли ва зукко аёл бўлиб, кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг хурмат ва муҳаббатларини қозонган аёл эди.

Мазкур шеър 1936 йилда ёзилган. Шеърнинг Холида опа томонидан тақдим қилинган лотин ёзувидаги машинкалланган нусхаси каминанинг шахсий архивида сақланади.

# ИККИ СОҲИР – ИККИ ЖАВОҲИР

---

## МУҚАДДИМА

Янги, XXI асрнинг бошланиши билан ўзбек адабиёти тарихининг XX асрдан кейинги яна бир муҳташам даври бошланди. Бу давр ҳар жиҳатдан, шу жумладан, маданий, маърифий ва маънавий жиҳатдан ҳам биз учун янги тарихий давр бўлажак. Бу даврда Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари ҳамдўстлигига қўшилиши, бозор иқтисоди қонунларининг тобора қарор топиши ва янги авлоднинг пайдо бўлиши билан аввалги тарихдан, шу жумладан, адабиётимиз тарихидан узилиш янада кескин тус олажак. Бу, қонуний тарихий жараён.

XX аср ўзбек халқи тарихига улуғ бир давр сифатида киради. Бу асрда пайдо бўлган миллий уйғониш ҳаракати адабиёт ва санъат турларини ҳар томонлама янгилаб ва бойитиб берди. У ўзининг тараққиёти давомида халқ ҳаёти билан яқинлашибгина қолмай, уни нурли манзиллар сари етаклашга ҳам интилди. 1917 йил Октябрь тўнтаришига раҳбарлик қилган партия миллий уйғониш ҳаракати ва адабиётiga қанчалик чек қўйишга, унинг намояндаларини ўз тарафига ағдаришига қанчалик уринмасин, 1917 – 1937 йиллар адабиётининг ёрқин намуналарини улар – Абдулла Қодирӣ ва Ҳамза, Чўлпон ва Фитратлар яратиб бердилар. Улар қатл этилганларидан кейин эса миллий уйғониш руҳи Ойбек ижодида, айниқса, порлаб юборди.

Одатда Ойбекнинг дастлабки шеърларини таҳдил этган мутахассислар уларда Чўлпон руҳининг балқиб турганига эътиборни қаратганлар. Камина шу фикрни давом эттириб, Ойбекнинг “Гулнор”, “Фанорчи ота”, “Мусича” сингари настрий машқларида ҳам “Тонг юлдузи”нинг таъсири сезилиб турганини таъкидлашни хоҳлардим. Умуман, Ойбек аталмиш улуғ ҳодисанинг туғилишида Чўлпоннинг таъсири ва ўрни бекиёсdir.

Ойбек ўз ижодининг тадрижий ривожида соф лирика уфқларидан кўтарилиб, насрнинг бепоён олами сари парвоз этди. Шеъриятнинг латиф либосини ечмаган ҳолда у ўзига ўзбек, рус ва Европа адиларининг ҳам либосларини чамалаб кўрди. Шунда унга “Ўтган кунлар” муаллифининг либоси кўпроқ ярашгандек бўлди. Бу либосни яхши таниган ва хуш кўрган халқнинг бадиий диidi унинг наср майдонидаги изланишларида бадиий мезон бўлиб хизмат қилди. Аммо, Германияда ўқиган талабалардан бири: “Шекспир Шекспирдир, Чўлпон Чўлпондир”, деганидек, Ойбекнинг ҳам Абдулла Қодирий соясида қолиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Ойбек Абдулла Қодирий ижодини пухта ўрганиш биланги-на кифояланмай, унинг адабий тажрибаларини бойитиш лозимлигини ҳам теран тушунди.

Кўп асрлик ўзбек адабиётининг XVI – XVII асрлардан бошлаб ўз тараққиётида тўхтаб қолишининг сабабларидан бири шунда бўлдики, шоирлар узоқ асрлар мобайнида адабий тақлид, юмшокроқ айтсак, адабий анъаналар доирасида кўпроқ ижод қилдилар; шеъриятнинг эскириб ва торайиб бораётган либосини янгилаш лозимлигини ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Ҳатто Шарқ адабиёти билан ошно бўла бошлаган ва унинг намуналарини таржима қилишга киришган Фарб бу адабиётдан баъзи бир унсурларни, масалан, ғазални “қабул қилиб олди” Ҳатто Гёте “Шарқу Фарб девони”ни яратди. Баъзи бир илмий доираларда жилва бериб турадиган мулоҳазаларга кўра, итальян шеъриятида сонетнинг пайдо бўлишида ғазалнинг, япон шеъриятидағи танка ва хоккуларнинг туғилишида эса қитъанинг таъсирини йўқ, деб бўлмайди. Аммо Шарқ (ўзбек) шеърияти фақат XX асрга келибгина бошқа жаҳон халқлари адабиётини кашф этди. Кашф этганда ҳам бу адабиётлар тажрибаси ёрдамида шиддат билан камол топа бошлади. Шу туфайли XX аср ўзбек адабиёти, ҳатто коммунистик мафкура тазиикىда яшаганига қарамай, буюк ва ўлмас адабий ҳодисадир.

XX аср ўзбек адабиёти деганда, нафақат Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, балки Ойбек бошлиқ кейинги авлоднинг мумтоз вакиллари ҳам кўз олдимизга келади. Улар ўз ижодларида салафлари анъаналарини давом эттирибгина қолмай, давр берган имкон даражасида ривожлантирилар ҳам.

Камина ушбу рисолада XX аср ўзбек адабиётининг икки буюк сиймоси Абдулла Қодирий билан Ойбекнинг ижодий муносабатлари ва улар қаламига мансуб “Ўтган кунлар” ҳамда “Қутлуғ қон” романларига назар ташлаб, бу икки умрбоқий асарнинг бадиий жозибасини ташкил этувчи ма-салаларга сиз азизларнинг диққат-эътиборингизни қаратмоқчиман.

Адабий жараён фақатгина ҳозирги кун ва эртанги режалар билангина яшамайди. У кечаги бадиий ғоялардан, адабий тажрибадан, маданий заминдан озиқ олган ҳолда ҳаракат этиди. Шу маънода Абдулла Қодирий ва Ойбекнинг бадиий-услубий изланишлари ҳам келгуси адабий ютуқларни кўлга критища омил бўлиб хизмат қилиши табиий.

Ниҳоят, яна бир нарса. Агар Абдулла Қодирий дастлабки, ўзбек романини яратишдан олдин араб романавислиги билан яхши танишган, жумладан, Жўржи Зайдон романларини қунт билан ўргангандан бўлса, Ойбек ҳам “Қутлуғ қон”-ни яратишда биргина А. Қодирий анъаналари билан чекланиб қолмади. “Ўтган кунлар” яратилган 20-йилларнинг аввали билан “Қутлуғ қон” ёзилган 30-йилларнинг сўнгги ўртасида кечган вақтда китобхон ҳам, адабиёт ҳам, унинг олдида турган вазифалар ҳам ўзгарган эди. Бинобарин, ана шу давр сўнгги асарнинг бадиий ва ғоявий фазилатларига ўз муҳрини босди. Агар 20-йиллар этагида роман ёзишга жазм этган Абдулла Қодирий ихтиёрида зарур миллий адабий анъаналар мавжуд бўлмаган бўлса, 30-йилларнинг охирида Ойбек ҳузурида ҳатто романнавислик мактаби бор эди. Аммо бу мактаб асосчисининг “халқ душмани” деб эълон қилингани ва асарларининг эса ёндириб ташлангани, шунингдек, қайси бир ёзувчи “халқ душмани” ижодидан баҳраманд бўлгудек бўлса, унинг “дум”и сифатида жазоланиши нақд бўлгани учун Ойбекнинг бу мактаб сабоқларидан бевосита фойдаланиши хатарли эди. Бошқача айтганда, Абдулла Қодирий ихтиёрида бор бўлган ижодий эркинлик Ойбекда бўлмаган, 1937 йил дорларидан аранг омон қолган ва НКВДнинг назорати остида яшаётган адаб шунинг учун ҳам 30-йилларда “халқлар турмаси” ҳисобланган чоризмга қарши қўтарилган 1916 йил қўзғолонини ўз романни учун мавзу этиб танлади. Абдулла Қодирийнинг романтик тасвир услуби билан француз реализмидан пайдо бўлган ва

айни пайтда социалистик реализм талаблари билан зиддијатда бўлмаган ижодий методни ишлаб чиқди.

А.Қодирий ва Чўлпон романларини ўқиши қатъий тақиқ-ланган, 1937 йилда “халқ душмани” Анқабой муҳаррирлик қилгани учун Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ҳам зарарли, деб эълон этилган даврларда “Кутлуғ қон” кейинги ўзбек романларининг вужудга келишида ягона адабий мактаб вазифасини ўтади. Шунинг учун ҳам бу романларнинг аксарияти бағрида Ойбек романининг “қон”и оқиб туради. Аммо шуниси ҳам борки, Ойбек ўз асари тўқимасига жуда моҳирлик билан “Ўтган кунлар”нинг ҳаётбахш адабий руҳини киритган эди. У шу йўл билан адабнинг романнавислик анъаналарини мустабид тузум даврида унут бўлишидан сақлаб қолди.

## ИККИ СОҲИР

Абдулла Қодирий номини тилга олганимизда, даставвал “Ўтган кунлар” романи кўз оддимизга келади. “Ўтган кунлар” хаёлимиз саҳнасида жилвалана бошлиши билан Ота-бек ва Кумуш сиймолари бетакрор қиёфалари билан қад кўтаради. Бу ўлмас асар дунё юзини кўрибдики, олис 20-йилларда ҳали роман нималигини билмаган китобхонларнинг ҳам, даҳшатли 30-йилларда ҳар қандай ҳадик ва қўрқувни енгиб, севимли асарни яшириб ўқиган ватандошларимизнинг ҳам, 50-йилларда адаб “фуқаро сифатида” оқланиши биланоқ “Ўтган кунлар”нинг халқ ва адабиёт бағрига қайтиши йўлида фидойилик кўрсатган муҳибларнинг ҳам қалби ва ақд-заковатини банд этиб келди. Бугун ҳам адабиётимиз хазинасида 400 га яқин роман мавжуд бўлишига қарамай, худди шу асарга бўлган китобхон эҳтиёжи асло сусаймаган. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Ҳар бир халқ ўзининг олис ва яқин ўтмишини нурлантириб турган фарзандлари ё афсонавий қаҳрамонлари номини авлоддан-авлодга эртак шаклида етказиб келган. Роман жанри шу тарихий ва афсонавий қаҳрамонлар ҳаётини агадийлаштириш ва уларга, зарур бўлган ҳолларда, янги мазмун бағишилаш мақсадида пайдо бўлган. Бундай асарларнинг қаҳрамонлари халқ руҳига яқин бўлгани, унинг орзу ва интилишлари билан йўғрилгани учун севиб ўқилган. Бино-

барин, роман бадий адабиётнинг кенг эпик тасвирига асосланган жанри сифатида адабиёт ва жамият тараққиёти билан бирга равнақ топиб борган.

Бошқа тараққий этган халқларнинг романнавислик мактаби аллақачон шаклланиб, улар намуналари XX аср бошлирида Туркистонга кириб келганида, халқ “Абу Муслим”, “Тоҳир ва Зухра”, “Баҳромғўр” сингари китобларни севиб ўқир эди. Жадид ёзувчилари адабиётимиздаги ана шу кемтикни тўлдириш чорасини изладилар. Ҳамза 1914 йилдаёқ “Янги саодат” насрый асарини ёзиб, халққа тақдим этди. Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Бефарзанд Очилдибой”, Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Эски мактаб турмушки ёки Толиб” деган қиссалари нашр этилди. Лекин улар “Тоҳир ва Зухра”ларнинг ўрнини боса олмади. Халққа унинг ақлхушини мутлақ ишғол эта биладиган севги ва вафо ҳақидағи, қаҳрамонлик ҳақидағи асарлар керак эди. Абдулла Қодирий халқнинг ана шу эҳтиёжини, дидини биринчи бўлиб тушунди ва шу эҳтиёж, шу диiddни аъло даражада қондира оладиган асар ёзишга киришди.

Адид романга илова қилган сўзида ўзбек халқининг янги даврга қадам қўйгани, бинобарин, ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашаётгани, ёзувчиларнинг эса ўзларида “шу замоннинг “Тоҳир ва Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромғўр”лари билан танишдириш”га мажбурият ҳис этаётганини таъкидлаган. “Ёзмоққа ниятлаганим ушбу – “Ўтган кунлар”, – деб ёзган у – янги замон романчилиги билан танишиш ўлида кичкина бир тажриба, яна ҳам тўғриси, бир ҳавасдир”<sup>1</sup>

Абдулла Қодирий, кўрамизки, ўз романига “янги замон романчилиги билан танишиш” ўлидаги кичкина бир тажриба сифатида киришди. Лекин натижа адид кутганидан юз чандон аъло бўлди. У ўзбек романнавислигидаги биринчи ва барча замонларда ўзбек халқи томонидан севилиб ўқилувчи асар бўлиб қолди.

Бугунги китобхон роман деганда ёзувчи ижодий хаёлининг маҳсули бўлган воқеалар тизмасини ва шу тизма орқа-

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. Романлар. – Тошкент, 1992. – Б. б. Ушбу романдан бундан кейин олинажак парчалар саҳифаси қавс ичидаги бериб борилади.

ли ифодаланган давр ё ҳаёт ҳақиқатини назарда тутади. Ҳолбуки, ҳикоянависликнинг, шунингдек, ўзбек романнавислигининг бошланғич даврида ёзувчи шахсан гувоҳ бўлган ё тирик гувоҳлардан эшигтан ажабтовур воқеаларга асосланган ҳолда насрый асар яратган. “Ўтган кунлар” ҳам шу маънода истисно эмас. Унда тасвир этилган қаҳрамонлар ва воқеалар аввало ишонарли, ҳаётий ва айни пайтда бадиий жозиба кучига эга бўлгани учун ҳам севимли асарга айланди.

Абдулла Қодирийнинг боғ қўшниси Ёқуб Алиевнинг нақл этганига кўра, адид ушбу асарнинг яратилиш тарихига оид бундай маълумотни берган:

“Карийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларнинг шоҳиди бўлган отам ёшлигимда қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб берарди...

Кунларнинг бирауга боғимизга отамни кўргани эшак мениб, шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. У отамнинг эски қадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юзларда бўлиб, меҳмон эса ундан беш-үн ёш кичик кўринар эди. Улар суҳбат қиларкан, қулоқлари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшига олмас эди. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуийб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: “Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?..” Уларнинг суҳбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо ёшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерга кўп йиллаб истиқомат қилган, Андижондан ҳам уйланиб, бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига келган экан.

Меҳмоннинг ана шу соддагина тарихи менга чувалган ининг учини топиб бергандаи бўлди. Ёзмоқчи бўлган “Ўтган кунлар” романининг шаклини чизиб бергандаи бўлди. Шу асосда бошимда воқеани аста-секин кенгайтира, ривожлантира бошладим”<sup>1</sup>.

“Ўтган кунлар” шунга ўхшашиб кўплаб ҳаётий воқеалар ва тарихий давр манзаралари тасвири ўзаро уйфун бўлган нуқ-

<sup>1</sup> Ҳабибула Қодирий. Отам ҳақида хотиралар. – Тошкент, 1983. – Б. 63–64.

тада майдонга келган ва ўз бадий ҳақиқати билан китобхонлар оммасини ҳам, ижод ахлини ҳам баравар ларзага келтирган асардир.

80-йилларга қадар Тошкентда яшаган шоир ва адабиётшунос А.Наумов “Дружба народов” номли Москвада нашр этилган журналнинг мухбири сифатида Ойбек билан мулоқотда бўлган. Мухбирнинг: “Сиз ҳозиргача классик адабиётдан нималарни ўрганганилигинизни айтдингиз. Замондош ёзувчилардан ҳам бирор тасининг адабий таъсирини сездингизми?” деган саволига жавоб бериб, атоқли адаб, жумладан, бундай сўзларни айтган:

“Техникумнинг студенти эканлигимдаёқ муаллимларимиздан бири мени Абдулла Қодирий билан танишитирди. Ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва баҳмал дўпли кишиб юрадиган, кўринишидан дехқонларга ўхшаган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса, худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринган бу киши ўша пайтлардаёқ ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийидиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романнинг муаллифи эди. Мени у одамнинг салобати ниҳоятда босиб қолганидан, зўрға нималарни дурди, ўшанда унинг менга нималар дегани эсимда йўқ. Кейинчалик мен у билан тез-тез учрашиб турдим, бироқ уни фақат 30-йиларнинг бошларида, Ленинграддан қайтиб келганимдан кейингина дурустроқ билиб олдим.

Абдулла Қодирий истеъодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди. Сиртдан қараганда, босик, камган кўринар, чунки, у ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермас, секин ва гапи, худди ўзига халал бераётгандек, ёқинқирамай гап бошларди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди. Жисмоний меҳнатга чалғиб, унинг қандайлигини ўзида синаб кўриш ҳар бир зиёлининг зарур эҳтиёжи эмасди. Қодирийнинг меҳнатга ўчлиги дехқондан чиққанида бўлса керак. Ўзи ҳам худди дехқонлардай тиним билмасдан, қаттиқ меҳнат қиласар эди. У Самарқанд дарвоза яқинига турар, каттагина боғи бўлиб, унда шафтоли, олма, тоголчаларнинг кўп нави бор, уларни ўзи парвариш қиласарди. Айтмоқчи, унинг адабий асарларидан келадиган даромад қозонини ҳам қайнатавермас, шу-

нинг учун ҳам гоҳо бола-чақасини боғи боқарди. Бөгнинг ичкарисига бир неча қути асалариси бўларди. Ўттизинчи йилларнинг бошларида уни тақсимот дўконида кўриб қолганимга, рафиқамга:

— Бу ерга менга асал ҳам тегади, хўп, десанглар, тегишимни ола қолинглар, уйда асал ўзимдан чиқади... — дегани эсимда”<sup>1</sup>

Ойбек А.Наумов билан сұхбат қурган пайтда (1966 йил) бемалол сўзлаш имконига эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий журналистлар ва ёзувчилар у билан камдан-кам сұхбат қилгандар. А.Наумов эса хаста адид билан сұхбатини унинг ажойиб рафиқаси Зарифаҳоним ёрдамида олиб борган. Юқорида келтирилган гапларнинг бир қисми, эҳтимолки, мавзуга алоқадор эмасдир. Аммо хаста адиддан бизга етиб келган бу сўзларнинг барчаси катта маърифий аҳамиятга молик бўлгани учун уларни қисқартириб беришдан ўзимизни тийдик.

Энди муддаога кўчиб, яна Ойбекнинг рус шоири билан қилган сұхбатига қулоқ тутайлик. Адид давом этиб, деган:

“...Ўзининг айтишига қараганда, у шундай ёзарди: аввалига кўчада, қўпинча кечқурунлари ҳувиллаб қолган пайтда узоқ вақт айланиб юриб, янги асарининг бўлажак қаҳрамонлари ва сюжет йўлларигача ўйлаб, роса пишишарди. У гоҳи пайтларда эрталабгача ҳам кўча кезарди, қайтиб келгандан кейин эса, кўрпача ёзиб, сиёҳ билан қофозни бош томонига қўйиб оларди-да, ётиб ёзаверарди...

— Бу жуда ноқулай усул бўлса керак, — дерди у кулимсираб. — Бошқа ҳеч кимга буни маслаҳат бермайман. Ўзим эса ўрганиб қолганман, бўлмаса ёзолмайман...”

Абдулла Қодирий ўзининг бундай ёзиш услубини гарчанд “жуда ноқулай”, деб айтган бўлса-да, у, чамаси, ниҳоятда куляй услуб эди. “Кеча ва кундуз” романида тасвир этилган воқеаларнинг Москва трамвайларида пишириб етилгани тўғрисидаги хотиралар ҳам, ҳатто Ойбекнинг ўз ижодий тажрибаси ҳам бу услубнинг қулагигидан далолат беради.

Ойбек Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби ёзувчиларга нисбатан маломат тошлари отилган йилларни эслаб, адиднинг

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами, XIV том. — Тошкент, 1979. — Б. 286—287.

ўша кезларда айтган қуидаги изтиробли сўзларини бундай баён қилган:

“— Айтишларича, гўё мен бутунги ҳаёт ҳақига ёзмаётган эмишман. Ёзувчи ўзи энг яхши билган нарсасини акс эттириши зарур-ку, ахир. Мен бошқа кўплар қатори ёшлигимда кўп кўрган нарсаларимнигина яхши биламан... — У жим қолди-га, ўйчан ҳолда қўшиб қўйди. — Ҳозирги замон мавзуси шундайгина “ёз-ёз”, деб туради, бироқ бирон нарса чиқара олармиканман? Уҳ, билмайман, ақлим етмай қолди... — У кулимсираб қўйди-га, ўзига-ўзи: — Ҳамма гап мана шу билмаслигимда! Кам нарса биламан. Мен оғир карвон одамман, кўп кузатиш им керак, — деб қўйди.

Мен кейинчалик насрга ўтганимда унинг “кўп кузатиш им керак”, деган сўзларини тез-тез эслаб турардим.

Абдулла Қодирийнинг насли, биринчи навбатда, ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганилиги яққол сезилади. Унинг режалари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У маълум нуқсонлардан қатъи назар, туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди”<sup>1</sup>.

Ойбекнинг устоз адид тўғрисидаги бу юрак сўзлари ўз вақтида ёзиб олинган эди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, унинг ўзи ҳам Қодирий ва Чўлпонлар руҳи яшаётган манзилга жўнади.

Ойбек юқорида катта бир парчаси келтирилган сұхбатда Абдулла Қодирий тўғрисида нима деган бўлса, уларнинг қарийб барчаси унинг ўзига ҳам тааллукли сўзлар. Нафақат кўча-кўйда юриб, романнинг бадиий қурилмасини пишишиб, унга ҳаёт бағишлиашдек ижодий жараён, балки ҳаётийликка эришиш, халқнинг бой ва ажойиб тилини ўзлаштириш, ҳаттоқи замонавий мавзуда ижод этишнинг мураккаблиги хусусидаги мулоҳазалар остига Ойбекнинг ўзи ҳам имзо чекиши мумкин.

Дарвоҷе, замонавий мавзу хусусида. Бу ҳақда ёзишнинг азобли томони шунда бўлганки, нафақат Ойбек, балки Қодирийнинг ҳам совет воқелиги тўғрисида ҳақ гапни айтиши маҳол эди. Партиянинг адабиёт ва санъат ҳақидаги қарор-

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 288.

лари, социалистик реализмнинг темир қонунлари ёзувчидан совет воқелигини идеаллаштиришни, партиянинг жамият тараққиётидаги етакчи роли-ю оталарча меҳрибонлигини кўрсатишни талаб этарди. Шундай талаблар ҳатто “Қутлуг қон” романда ҳам Ойбекнинг бўғзига чанг солиб турганини сезиш қийин эмас.

## ТАРИХИЙ СЮЖЕТ ВА ТАРИХИЙ МАНЗАРА

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрликдир, дейдилар” Абдулла Қодирий шу биргина оддий ибора билан икки фикрни илгари сурмоқчи. Биринчиси – мавзуни мозийдан танланганига ишора. Иккинчиси эса мозийга, яъни ўтмишда рўй берган воқеаларга қиёсан бугунги ишларга муносабат билдириш тўғридир, деган фикр. Ана шу иккинчи фикрда ёзувчининг тарихий романни ёзишдан кўзда тутган мақсади ўз аксини топган.

Абдулла Қодирий ва Ойбекдек ёзувчилар учун тарихий мавзу китобхонга ўтмишдаги турли-туман кишилар ва воқеаларни чапдастлик билан кўрсатувчи калейдоскоп эмас. Улар мозийда содир бўлган ё содир бўлиши мумкин ҳисобланган воқеаларни жонлантириш орқали ҳалқнинг бугунги тақдирига таъсир кўрсатажак хавф-хатардан ҳам огоҳлантирадилар, кечаги сабоқлардан хulosса чиқаришга китобхонни, демак, ҳалқни даъват этадилар. Шунинг учун ҳам “Ўтган кунлар” ва “Қутлуг қон” романларидағи таг маънони тошиш уларнинг ғоявий йўналишларини белгилашга қарагандада муҳимдир.

Абдулла Қодирий ўзининг биринчи романига нима учун ўтган асрнинг иккинчи палласига оид воқеаларни танлади? Ойбек нима учун Биринчи жаҳон уруши ва у билан боғлиқ воқеаларни қаламга олди? Уларнинг бошқа, олисрорқ тарихий даврлардан қаҳрамонларни танлаши мумкин эмасмиди? Масалан, Ойбек Алишер Навоий ҳаёти ва яшаган даврига биринчи романидәёқ назар ташлаши мумкин эди-ку!

Шубҳасиз, мумкин эди. Лекин улар бошқа йўлни танладилар.

Замондошларнинг айтишларига кўра, Абдулла Қодирий ўз романини ёзишга 1918 – 1919 йилларда киришган. Ойбек

эса 1938 йил ўрталарида романнинг биринчи нусхасини қўлдан чиқарган. Биз “Қутлуғ қон”нинг яратилиш тарихига оид баъзи бир маълумотларга эгамиз. Адабнинг рафиқаси Зарифахонимнинг гувоҳлик беришига кўра, Ойбек 1937 йил сурони уни четлаб ўтаётганига озми-кўпми умид ҳосил қилгач, роман ёзишга киришган. “Бу даҳшатли кунлар ўтиб, дориломон замонлар келса, мен бу замонларни бўш қўлларим билан кутиб оламанми?!” деган ва қутлуғ кунлар келишига умид боғлаб, узоқ давом этган ишсизлик йилларида (бу вақтда у Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган, асалари эса, матбуот кўчасига йўлатилмаган эди!) улкан насрий асарини ёза бошлиган.

Адидба ушбу романни яратиш нияти пайдо бўлишидан олдин, у 1936 йил ёзида, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини таржима қилган эди. Агар 1937 йил ўзининг қонли қиличи билан халқ ва мамлакат ҳаётига кириб келмаганида, Ойбек, эҳтимол, рус шоири таъсирида ишқий-қаҳрамонлик мавзуидаги дастлабки ўзбек шеърий романини яратган бўлармиди? Лекин у ҳатто номи ҳам 1937 – 1938 йиллар руҳига ҳамоҳанг бўлган “Қутлуғ қон” романини ёзишни айни вақти, деб билди.

Адид таржимаи ҳолида ижодий ҳаётининг худди шу даври тўғрисида бундай ёзган: “Мен таржима билан шуғуллана бориб, роман ёзишга аҳд қилдим. Романда ўзбек халқининг революциядан олдинги ҳаётини, унинг ўз ҳақ-хуқуқи учун курашга интилишини ва бу ҳаракатнинг машҳур 1916 йил қўзғолонига қўшилишини ҳикоя қилмоқчи бўлдим” Ойбек романда болалик даври хотиралари кенг ўрин эгаллаганини айтгач, яна бундай деган: “Мен ўз қаҳрамонларим қиёфасига бўлажак революцион курашчиларни, совет жамиятини қурувчиларни пайқаб олган эдим. “Қутлуғ қон” романимни ёзиш учун материал йиғиб ўтиргадим, роман учун материал кўнгилдан, хотирадан куйилиб келаверди, шу тарзда қисқа фурсатда – 1938 йил ёзида уни тамомладим”<sup>1</sup>.

Бугун адабнинг бу сўзлари ортида ҳали ҳам 1937 йил ҳадиги турганини сезмай иложимиз йўқ. 1916 йили чор полицияси маҳкамасини қўпориб ташлаш учун борган Йўлчиларнинг совет жамияти қурувчиларига алоқаси бўлмагани-

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 15.

ни яхши биламиз. Ойбек 1937 йилнинг яланғоч қиличи ўзбек халқини каллаклаб турганида 1916 йил қўзғолонини кўз олдига келтирган, халқнинг, Йўлчиларнинг қонхўр, мустабид тузумга қарши бош кўтаришини истаган ва шу истак унинг кўлига қалам тутқазган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Сталин чор ҳокимиятини “халқлар турмаси”, деб атаган эди. Сталинизм йилларида ёзувчиларга чор ҳокимияти давридаги зулмни, бедодликни тасвирлаш имкони берилган. Ойбек сталинизм берган ана шу якка-ю ягона имкониятдан фойдаланиб, мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган 1916 йил қўзғолонини, халқнинг топталган ҳақ-ҳуқуқи учун олиб борган курашини бадиий гавдалантириб берди. У ўз асари билан 1937 йилнинг қонли воқеаларига фаол муносабат билдириди. 1916 йил чор ҳокимиятининг фармони келтирган хўрликлар олдида 1937 йил даҳшатлари ҳеч гап эмас, халқ ҳар қандай замонда ва ҳар қандай шароитда зулмга қарши ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиши лозим, деган фояни асарнинг пинҳоний қатламига сингдирди. •

Хўш, Абдулла Қодирий-чи? Адиг ўз романини 1918 – 1919 йилларда ёзишга киришган ва асарни бош қаҳрамоннинг “Олма-ота устидаги ўрус билан тўқунишма”да ҳалок бўлиши хабари билан тутатган. Демак, адигнинг 1918 – 1919 йилларда, Туркистон Мухторияти қонга ботирилиб, чор мустамлакачилари ўрнини большевиклар эгаллаб, энди улар ўз кучларини намойиш эта бошлаган пайтда “Ўтган кунлар”ни ёза бошлагани тасодифий эмас.

Хуллас, ҳар иккала роман муаллифларнинг муҳим замонавий муаммоларни ўртага ташлаш, замондошларни ва келажак авлодларни тарих сабоқларидан хulosса чиқаришга даъват этиш мақсадида тарихий материалга мурожаат этганларидан шаҳодат бериб турибди. Демак, тарих бу адиглар учун шунчаки мозийга, “ўтган кунлар”га назар ташлаш эмас, балки мозийга қайтиб иш кўриш, ўтмишдаги тарихий тажрибалар асосида халқнинг дунёқарashi, фаолият даражаси, тафаккури ва интилишларига таъсир кўрсатищdir.

Шу нарсани ахборот тарзида айтиш лозим. 30-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институтига замонавий адабий жараён ва шу жараёнда иштирок этаётган “кекса” ёзувчилар ижодини марксча-ленинчча таълимот нуқтаи назаридан ўрганиш ва-

зифаси топширилган. Шу топшириққа биноан Ойбек Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон Фитрат, Шайхзода эса Чўлпон ижодини ўргангандар. Шайхзоданинг Чўлпон ижоди бўйича бирор рисола ёки мақола ёзганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Ҳамид Олимжон “Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида” деган каттагина адабий-танқидий очеркини 1936 йилда ўзбек ва рус тилларида эълон қилган. Ойбек эса “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” устида олиб борган кузатишларини монография тарзида шу йили нашр этди. Биз 1966 йили Ойбек “Мукаммал асарлар тўплами”ни нашрга тайёрлаш ишига киришганимизда, адаби бу тадқиқотидан рози эмаслигини, уни коммунистик мағкура таъсирида ёзганини айтган. Чиндан-да, мазкур рисоланинг руҳи ҳам, текшириш услуби-ю айрим хulosалари ҳам бугунги илмий тафаккур билан уйғулашмайди. Бу фикрни айтишдан мурод шуки, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романини “марксча-ленинча таълимотдан узоқ” “буржуа адаби”нинг бевосита таъсири остида ёзиши, унинг адабий тажрибасидан самарали фойдаланиши маҳол эди. Бу, 1937 йил сиртмоғи ҳали бўйнидан олинмаган адаб учун ўта хатарли эди. Шунинг учун ҳам ҳар иккала роман ўртасидаги муштарак ва ўзаро ҳамоҳанг нуқталардан бир томонлама хulosи чиқариш ва Ойбекни тақлидчи даражасига тушириш мутлақо хатодир. Зеро, адабий муштараклик ўзаро яқин ёзувчилар ижодидагина эмас, балки бошқа-бошқа асрларда ва бошқа-бошқа миллий адабиётларга мансуб ёзувчиларнинг асарларида ҳам мавжуд бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Агар Ойбекнинг насрий ижодига назар ташласак, ма-роқли бир ҳолни кўрамиз:

“Навоий” романни улуғ шоирнинг Ҳиротга келиш хабари билан бошланади. “Олтин водийдан шабадалар” романни воқеалари Ўқтамнинг Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларидан қайтиб келиши билан бошланади. “Қутлуғ қон” ҳам шундай муқаддимага эга: асар бошланмаси Йўлчининг Тошкентга, тоғаси Мирзакаримбой хонадонига келиши билан борлиқ.

Инсон, қисқа ё узоқ умр кўришидан қатъи назар, бу дунёга меҳмон бўлиб келади. Кимдир: “Дунёга келдиму бордим бозорга, Кафан олдим-у кетдим мозорга”, деган экан. Шоирлар-у файласуфлар инсон умрининг ана шундай қисқалигини унинг юзига солиш билан кишиларни эзгуликка, са-

воб ишларни қилишга чорламоқчи бўлганлар, улар устидан ҳукмронлик қилган шахслар олдида Адолат ва Ҳақиқат чироғини ёқишига интилганлар. Лекин кишилик жамияти пайдо бўлибдики, кимдир камбағал, кимдир бой; кимдир эзилади, кимдир эзади. Табақаланиш оқибатида униси ҳам, буниси ҳам, умид билан яшайди. Агар биринчиси ўз аҳволининг яхшиланишига умид боғласа, иккинчиси янада боийищдан умидвор.

“Кутлуг қон”нинг қаҳрамони Йўлчини ҳам бой тоғаси хонадонига ана шундай умид етаклаб келади.

“Вақт пешиндан оққан эди. Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай оқ аланга билан жимгина ёнгандай...

Қаҳратон қишида яланг оёқ муз босиб, саратонда қизғин қум кечиб, иссиқда, совуқда обдон пишган бизнинг йигитни ҳам (каптта масофани пиёда босгани учунми) кун хийла бетоқат қилган эди. У қуйиб ётган билқ-билқ юмшоқ тупроқда салмоқли оёқларини илдам ва иирик-иирик босар, кўзлаган жойига тезроқ етишига ошиқиб, ўткинчилардан сўрар эди:

Тўпқайрағочга яқин қолдими?.. ”<sup>1</sup>

Роман шундай сўзлар билан бошланади. Сўнг бундай туғайди:

“Қоқ ярим кечага Йўлчини тобутга солиб, ҳовлида уч киши – Шокир ота, Қоратой, Ўроз – жаноза ўқишиди. Бошқа одам йўқлигидан ва кечаси маҳалладан йигитларни чақириш анча хавфли бўлганидан, Қоратой билан Ўроз ўз кучларига ишониб, тобутни кўтардилар...

Унсин қабр тупроғига гоҳ бошини, гоҳ кўксини қўйиб, ўлчовсиз, ниҳоясиз қайғу билан узоқ йиғлади. Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан, Шокир ота унинг қўлидан тутиб, куч билан судраб етаклади.

Улар жуда секин юришиди. Йўлни ярмидан ўтганда, уфқларга қон каби тоза, қизил шуълалар югурди. Чиқаётган қуёшини саломлаб, яшил дараҳтларда қушлар сайрай бошлади... ” (358-бет).

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами, V том. – Тошкент, 1976. – Б. 9. Ушбу романдан бундан кейин олинажак парчалар саҳифаси қавс ичida бериб борилади.

Йўлчи “вақт пешиндан оққан”да роман саҳифаларига кириб келган эди. Қоқ ярим кечада унинг дағы этилиши билан асар тутгайди. Икки ярим – уч йил ичида рўй берган воқеалар пешин билан қоқ ярим кеча ўртасида кечгандек таассурот қолдиради, кишида.

“Ўтган кунлар” ҳам шундай қолипга эга. 1264 ҳижрий йили далв (22 январь – 22 февраль) ойининг ўн еттинчисида Отабек Марғилонга, мусофиirlар учун бино этилган саройга келиб тушади.

А.Қодирий қўйидаги сўзлари билан асарга нуқта қўяди:

“1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авламётадан ёзар эди:

“Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунушмамизда биринчи сағимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб, шаҳид бўлди. Мен ўз кўлим билан иккисини дағн этдим...”

Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб, юртга ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, таъзия очди” (303-бет).

Агар биринчи асар икки ярим-уч йиллик воқеалар тасвирига бағишлиланган ва бу воқеалар Йўлчининг Тошкентта келиши билан ўлими ўртасида бўлиб ўтган бўлса, Отабекнинг Марғилонга келиши билан ўлими ўртасида кечган тўккиз йиллик воқеалар иккинчи романнинг мундарижасини ташкил этади.

Хар иккала қаҳрамонни тенгдош, дейиш мумкин. Йўлчи, илк бор кўришганимизда 23, Отабек эса 24 ёшда бўлишган. Агар Йўлчи камбағал бўлса ва ноchorлиги орқасида бой тоғасининг хузурига иш қидириб келган бўлса, Отабек халқнинг бадавлат қавмига мансуб ва у Марғилонга савдо ишлари билан боради. Агар Йўлчи Тошкентда Гулнорни кўрган ва уни севиб қолган бўлса, Отабек Марғилон гўзалига ошиқ бўлиб қолади. Агар Отабекнинг баҳтли муҳаббатига Ҳомид тўғаноқ бўлган бўлса, Гулнорга Йўлчининг тоғаси, кекса Мирзакаримбойнинг ўзи уйланади. Агар Отабекнинг Кумуш билан қурган баҳт кошонаси “ота-она орзуси” туфайли барбод бўлиб, кундош Зайнаб Кумушни заҳарлаб ўлдириган бўлса, Гулнор ота меросининг тақсимланиши хавфидан қўрқсан Салимбойвачча томонидан заҳарлаб ўлдирилади. Агар ҳаётининг маъноси қолмаган Отабек ота уйини тарк этиб, Олмаота бўсағасидаги истилочилар билан урушда ша-

ҳид кетган бўлса, Йўлчи 1916 йил миллий озодлик ҳаракатида иштирок этиб, ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, ҳар иккала адаб воқеалар оқимини ривожлантира бориб, эркинлик ва мустақиллик учун, истило-чиларга қарши кураш лавҳалари билан боғлайди. Тўғри, агар Зайнаб Отабекнинг баҳтига заҳар сочмаганида, у савдо ишлари билан машғул бўлишда давом эттан бўларди. Зеро, у XIX асрнинг 60 – 70 йилларида яшаган, ҳали фаол ҳаракатга кўниkmаган авлоднинг вакили. У Йўлчига нисбатан ақлли, дунё воқеаларидан яхши хабардор, тадбиркор, ҳалқнинг, хусусан бекларнинг тотувсизлиги орқасида содир бўлган вазиятдан изтироб чекувчи йигит. Агар у (Отабек) истило-чилар билан курашда тирик қолганида, XX аср бошларида етишиб чиққан жадидлар билан ҳам маслакдош бўлиши мумкин эди. Йўлчи эса Мирзакаримбой хонадонидаги адолатсизликни кўравериб, дунёқараши секин-аста ўзгариб боради. У ҳалқ бойлар ва камбағаллардан иборат, улар ўртасидаги кураш эса узлуксиздир, деган хуносага келади. Йўлчига нисбатан ақл-заковат соҳиби бўлишига қарамай, Отабекнинг бундай қарорга келиши мумкин эмас. Йўлчи Гулнорни йўқотганлиги учунгина ўзини ўтга-чўқقا урмайди. У янги давлатнинг, инқилобий даврнинг фарзанди. Зулм унда кураш руҳини, адолат, тенглиқ, ор-номус учун кураш хоҳини уйғотган. Йўлчи, Отабекдан фарқли ўлароқ, адолатсизликка қарши бош қўтарган ҳалқнинг – XX аср бошларидағи ҳалқнинг вакили ва фаол ҳаракат кишисиdir.

Йўлчи сингари кишилар оқил ва доно йўлбошли раҳбарлигига иш олиб борганларидағина тарих ижодкорларига айланишлари мумкин. Акс ҳолда уларнинг Йўлчидек ё ҳалок бўлиши, ё ҳалқни эгри кўчаларга етаклаши ҳеч гап эмас. Йўлчининг ўлими маълум маънода 1916 йил қўзғолонига раҳбарлик қилувчи оқил бир кучнинг бўлмагани натижасидир.

Мутахассислар Абдулла Қодирийни Отабекнинг асосий прототипи, деб биладилар. Чиндан ҳам, адаб “Ўтган кунлар”ни ёзишга киришган вақтда Отабек билан тенгдош бўлган ҳамда ўзининг айrim ижтимоий ва маънавий-маърифий қарашларини Отабек образи орқали акс эттирган. Аммо у, Отабекдан фарқли ўлароқ, 1917 йил воқеалари рўй берганда, шунингдек, Туркистон Мухторият ҳукумати бар-

по этилган ва тутатилган вақтда ҳаёт бўлган эса-да, уларнинг бирортасида иштирок этмаган. Отабек ҳам тирик қолганида, юқорида айтиб ўтганимиздек, асар муаллифи сингари, ижтимоий фаол кишилар қавмига мансуб бўлмаган бўлармиди? Ё Абдулла Қодирий ва Отабек сингари кишиларнинг ўзларини ўтга-чўққа урмасликлари, жамиятда ке-чаётган курашни четдан туриб қузатганлари ақл-заковат белгисимикан?

Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, Йўлчи тоифасидаги кишиларнинг халқ ҳаракатидан четда туриши маҳол. Улар бу курашда, худди йўқсилмар сингари, фақат ўз кишанларинингина йўқотишлари мумкин. Шунинг учун ҳам улар бу курашга жон-жаҳдлари билан киришадилар. Йўлчи худди шу нуқтада қашшоқлашган, бинобарин, ижтимоий зулм қамчисини ўз елкасида ҳар куни тотиб, зулмга ва зулм оламига қарши бош кўтариши мумкин бўлган халқнинг тимсоли дарражасига кўтарилади. Шу маънода у Отабекка нисбатан халқнинг ич-ичидан чиққан ва ўзида халқ характерини ифодалаган қаҳрамондир.

Яна шу нарса борки, халқ ҳар доим ҳам жўшиб турган денгиздек бўлмайди. Жамият уни ўз исканжасига олиб, бу исканжа уни тобора эза бошлагандагина у азбаройи бўғилганидан фарёд чекиб, зулм ваadolatsizlikka қарши бош кўтаради. Агар 1916 йили, Тошкентга “оқ подшо”нинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони етиб келмагани ва, бу фармонга кўра, бойларнинг фарзандлари ҳам мардикорликка юборилувчилар рўйхатига киритилганида халқ балки қўзғолон кўтартмаган ва бу қўзғолон алангаси бутун Ўрта Осиё ва Қозогистонни забт этмаган бўлармиди. Бинобарин, халқ тарихнинг муайян бурилиш нуқталарида гина, дарё сингари, ҳаракатга келади. Йўлчи ҳам муайян тарихий фурсатда нафақат Тошкент, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозогистон бўйлаб кўтарилган халқ руҳининг ифодачисига айланади. Шу маънода Йўлчи Отабекка нисбатан чуқур ижтимоий илдизга эга бўлган ҳодиса. У сиёсатлашган, тўғрироғи, елкасига ижтимоий вазифа юкланган кишиларнинг тимсоли. “Ўтган кунлар”га нисбатан Ойбек романидаги тасвирда ижтимоий қатламнинг кенг ўрин эгаллаши, воқеалар ривожининг борган сайин ижтимоийлашиб, сиёсий руҳ касб этиб боришининг сабаби ҳам худди шундадир.

“Қутлуғ қон” романынде, “Үтган кунлар” ҳам тарихий сюжетта асосланган.

“Тарихий сюжетта молик романлардан, — деб ёзган эди Ойбек “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” монографиясида, — тарихий ҳақиқатга бадиий образлар орқали эришув ва мозий картинасини аслига монанд бериш, асрларга кўмилган ҳаётни бадиий қайтадан яратиш, образларда жонли ҳаётни кўрсатиш талаб қилинади. Бадиий образларда қайтадан яратилажак даврнинг конкрет тарихий мазмунини бериш, ўтмиш давр фактлари, воқеаларнинг объектив маъносини кўрсатиш, умумлаштириш, даврнинг ижтимоий муносабатларини одамлар образи орқали кўрсатиш жуда муҳим”<sup>1</sup>.

Ойбек “Үтган кунлар”га ҳам, ўзи яратажак “Қутлуғ қон”га ҳам шундай талаблар асосида ёндошли. Айниқса, Абдулла Қодирий романини шундай бадиият талаблари асосида ўрганиб, ундаги ибратли ва нуқсонли ўринларга эътиборни қаратди. Шубҳасиз, биз “нуқсон” деганда тадқиқотчига синфийлик нуқтаи назаридан нохуш кўринган нуқталарни назарда тутамиз.

Ойбек давом этиб, ёзади: “Үтган кунлар” романни тарихий сюжетта эга. Ҳақиқатдан, асарга жуда кўп тарихий материалларни кўпроқ киритиб, асарда тарихий турмушни эслаттиришига, тарихий манзарани таъмин қилишига муваффақ ҳам бўлади. Воқеаларни чиндан ҳам тарихий бир шароитда, тарихий картиналар доирасига инкишоф қиласи. Воқеаларнинг давомига ёзувчи обстановкани (шароитни — Н.К.) шундай тасвирлайдики, чиндан ҳам бўёклар турмушнинг тарихий хусусиятга эга эканини гавдалантиради. Лекин романда тарихий жараённинг моҳияти ҳамма вақт ҳам образлар, характерлар, уларнинг инкшофи орқали очилиб бормайди. Тарихийлик кўпинча фақат чиройли ёзилган бир хроника характеристига берилади”

Ойбекнинг бу сўзларидан кейин тарихий сюжет тушунгасига ойдинлик киритиш жоиз.

Аввало шуни айтиш керакки, ҳар иккала асар ҳам тарихий роман жанрига мансуб. Бир пайтлар мутахассислар Ой-

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами, XIV том. — Тошкент, 1979. — Б. 121.

бекнинг “Қутлуғ қон”ини 1916 йил воқеаларидан кейин атиги йигирма бир йил ўтгач ёзганини назарда тутиб, романнинг тарихий жанрга мансублиги масаласида баҳслашган эдилар. Ҳолбуки, бу тарихий воқеа ҳақида изма-из ёзилган тақдирда ҳам “Қутлуғ қон”ни тарихий роман деб аташ учун барча асослар бор эди. Бинобарин, ўтмиш ҳаётдан олинган асарнинг тарихий бўлиши шубҳасиз. Лекин барча тарихий асарларда ҳам тарихий сюжетнинг бўлиши шарт эмас.

“Ўтган кунлар”даги тарихий сюжет Ойбек хроника деб атаган воқеаларни ўз қамровига олади. Азизбек ва Мусулмонқул тарихий шахслар бўлибгина қолмай, уларнинг бири Тошкентни, иккинчиси эса умуман Қўқон хонлигини идора этган ва шу даврдаги тарихий шароитга таъсир кўрсатган шахслардир. Абдулла Қодирий XIX асрнинг иккинчи ярмида Азизбек ва Мусулмонқулнинг бедодлиги туфайли мураккаблашган ҳалқ ҳаёти лавҳаларини ўз романига тарихий сюжет сифатида жалб этган. Отабек ва Кумуш ўртасидаги муҳаббат муносабатлари бу тарихий сюжетсиз ҳам яшави ва тасвирланиши мумкин. Аммо адид ўз олдига реалистик тарихий романни яратиш вазифасини қўйган. Китобхон, унинг бадиий ниятига кўра, Отабек ва Кумушнинг, улар оташин муҳаббатининг мавжуд бўлганига ишониши лозим эди. Шундагина биринчи ўзбек романни олдига қўйилган мақсадга эришилиши мумкин эди. Алалхусус, Абдулла Қодирий Отабек ва Кумуш яшаган даврнинг тарихий манзарасини ёрқин ифодалаш, улар ҳалокатининг ижтимоий илдизларини очиш истагида бояги тарихий сюжетни асар “тўқилма”сига (Ойбек ифодаси) киритган. Бу, биринчи навбатда, асар воқеалари тарихий фонининг аниқ бўлишини таъминлаган, иккинчидан, қаҳрамонлар ҳаёти ва муносабатининг турли реал синовлардан ўтиши, ҳалокат ёқасига келиб қолиши-ю худди шу нуқтада улар маънавий куч-қудратининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлишига имкон яратган, учинчидан эса, асарнинг маърифий қимматини реал тарихий маълумот ва тафсилотлар билан оширган.

Бу тарихий сюжет “Ўтган кунлар”нинг бадиий қурилмасида ўқтин-ўқтин юзага чиқиб, момагулдирак сингари, тарихий давр пўртаналяридан дарак бериб туради.

“Қутлуғ қон” худди шу масалада Абдулла Қодирий асаридан фарқланади. Унда ёзувчи томонидан қаламга олин-

ган аксар воқеалар бадиий түқима маҳсули ўлароқ тасвир этилиб ва ривожланиб боради. Бу воқеалар тарихий давр руҳи билан мутлақо уйғун. Ҳатто Йўлчи билан Гулнорнинг севги муносабатлари ҳам шу тарихий давр манзаралари фонида гоҳ сўниб, гоҳ ёниб боради. Йўлчи тарихий давр, ижтимоий муҳит томонидан гаровга олинган шахс сифатида ҳаракат этади. Романда муҳаббат мавзуининг “қизил ип” сингари ўтмагани, ишқий туйфу ва муносабатларнинг баланд, юлдузўпар чўққиларга кўтарилимагани боиси ҳам шунда. Аммо роман воқеалари изчил бир тусда ривожлана бориб, тарихий сюжет билан табиий равища қўшилиб, ажралмас бир оқимга айланиб кетади. Бу тарихий сюжет эса 1916 йил мардикорликка олиш воқеалари муносабати билан Тошкентда гуруллаб ёнган қўзголондир.

Ойбек болалик кезларида бу воқеаларни ўз қўзи билан кўрган. Гарчанд таржимаи ҳолида романни ёзиш учун материал йиғиб ўтирамадим, деган эса-да, адаб архивидаги хужжатлар, кутубхонасидағи 1916 йил қўзголонига оид китоблар унинг асар ёзишдан аввал тарихий материални пухта ўрганиб чиққанидан гувоҳлик беради. У ана шу манбалар ёрдамида роман тўқилмасидаги тарихий сюжетни ҳаққоний акс эттиришга эришган.

Яна такрор бўлса-да, айтиш лозимки, Йўлчи ва бошқа қаҳрамонлар тарихий сюжетта узвий равища келиб қўшилганлари ҳолда, тарихий сюжет “Ўтган кунлар” романида, Ойбек айтмоқчи, “чиройли ёзилган бир хроника” тарзида қолади. Гарчанд Ойбек бу ҳолга нуқсон сифатида қараган бўлса-да, тарихий сюжетдан қандай фойдаланиш Абдулла Қодирийнинг ижодий нияти ва ёзувчилик ҳуқуқи билан боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

Абдулла Қодирий талқинидаги тарихий сюжет уч компонентдан иборат. Булар: ҳалқ, асарнинг бош қаҳрамонлари ва тарихий шахслар. Улар ўзаро бирлашган ҳолда тарихий сюжетни ташкил этадилар.

Халқ тарихий сюжетда етакчи ролни ўйнаши ҳам, ўйна маслиги ҳам мумкин. “Ўтган кунлар”да у ҳолни ҳам, бу ҳолни ҳам кўрамиз.

Мана, XIX аср ўрталаридағи, ҳатто 1937 йилда ҳам то-мошабин бўлиб қолган ҳалқ:

“Қарамоқғагина эмас, сўзлашга ҳам даҳшат: Камолон дарвозаси билан Самарқандгача бўлған қўргон осталари (бу икки дарвоза оралари беш юз адим келадир) бошсиз ва иштондан бошқаси тунолган инсон гавдалари билан тўлибдир. Бу очиқ мозористонни қўргон кунгиралари устида мудофаадан сўнг чарчаб, қуёшда жилмайиб ўлтурган саллалик, қалпоқлик ва попоқлик Тошканғ мудофиълари минг турлик шодликлар ичида томоша қиласидирлар. Бу икки дарвоза орасига икки хил ҳолат ҳукм сурадир – қўргон осталарида жаҳаннам даҳшати билан яланғоч, боши танидан олиниб, қора қонига беланган одам гавдалари ётиб, қўргон устида иккинчи кишилар дунё шодлиги ичида сузадилар” (81-бет).

Аслида, ўликлар ҳам, тириклар ҳам бир ҳалқа мансуб. Уларнинг бири тошкентлик, иккинчиси Қўқон хонлигига қарашли кишилар. Агар вазият қўқонликлар фойдасига ҳал бўлганида, улар Қўқон устида туриб, ўз қурбонларининг бошсиз, яланғоч гавдалари устидан тантана қилган бўлардилар.

Азизбек тантана қилаётган ҳалқа не-не жабр ва зулмлар келтирган. Лекин ҳалқ Азизбек танг аҳволга тушиб, тил-ёғламалик қилганида, унинг сўзларига ишониб, Тошкентни қаҳрамонона ҳимоя қиласди. Ва шу жараёнда ўз биродарларини, қондошларини ҳалок этаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. У, маълум маънода, пода. Азизбек сингари кишилар қаерга бошласа, ўша ерга боради, қаерни пайҳон этишни буюрса, ўша ерни вайрон қиласди. Аслида, 1937 – 1938 йилларда бегуноҳ отилган, қамалган, жабрланган “ҳалқ душманлари” устига лаънат тошларини ёғдирган ҳалқ ҳам шу оломон, шу омий оммадир.

Романда Отабек билан ҳалқ ўртасида яқин алоқа йўқ. Бу алоқани биз Юсуфбек ҳожи образи талқинида кўрамиз. У Марғилонга, Отабекка йўллаган машҳур хатида Азизбек томонидан алданган ҳалқ тўғрисида бундай сўзларни ёзади:

“Кечагина қонлик қиличини фуқаро устида юргузиб турган Азизбекка унинг тифи зулми билан қора қонига беланган ўғлиниң, отасининг, онасининг, оғасининг мазлум гавдаси тупроқ остида ҳали чириб битмай туриб, бу кун ҳалқ яна Азизбекка, ўша қонхўрга ўз қони билан ямин этди (онт ичди – Н.К.)...

Азизбек:

“Раҳмат, фуқаро! Орқамда сизнингдек фуқаром турганга менга ҳеч бир қайғу йўқдир!”

Халқ:

“Сиз омон бўлиб осойиш ўтирангиз, қипчоққа йўл бермаймиз, тақсир! Қўргон тузатишкага фотиҳа берингиз, тақсир!”

Азизбек фотиҳа берди. Халқ уруш ҳозирлиғига кириши. Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам! Ҳар ҳолда Тошканд устида қонлик булутлар чиқди...” (39 – 40 бетлар).

Азизбекнинг бу сўзларини ўқир экансиз, халқнинг ўз ёстиғини қурутган Сталинга 1937 – 1938 йилларда қанчалик ишонч, ҳурмат ва муҳаббат билдиргани кўз олдингизга келади. Наҳотки, халқнинг кўзлари мустабид раҳбарнинг тобора кучайиб, қонсираб бораётганини кўрмаган бўлса, деб ҳайратга тушасиз.

Қўйон хонлиги устидан муваққат ғалабага Азизбек осонлик билан эришмади: хазина бўшаб қолди. Етмиш кунлик қамал пайтида дехқончилиги, кундалик ташвишлари қолиб кетган халқнинг аҳволига маймун йифладиган бўлди. Аммо шу халқнинг жасорати эвазига ғолиб чиққан Азизбек ўзига янги, кўркамроқ тож-тахтни орзу қилди, халқа ўттиз икки тангадан солиқ солди. Халқни хонавайрон қилувчи бу солиқни ундириш Юсуфбек ҳожининг гардонига юклатилди.

“Ўттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш... Бир ҳафтадан кейинга қолмасин, эмиш... Гёё Юсуфбек ҳам ўзидек бир қонхўрга, бир эолимга айлансин, эмиш... Мен қонхўрик учун худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлум бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиши чоғига кўндаланг келтирган виждан бор, дин бор, диёнат бор” (109-бет).

Юсуфбек ҳожининг хаёлидан шундай фикрлар, кечинмалар ўтади. Ва бу кечинмалар оловидан бундай дуд қўтарилади:

“Бизнинг халқни ер ютсин. Азизбекнинг тулкилигига учдига...”

Адолатсизликнинг метин деворига иккинчи бор боши билан урилиб, кўзи очилган халқ Юсуфбек ҳожи даъвати билан Азизбекка қарши бош кўтариб, ўзидағи ички қуд-

ратни ѫамойиш этади. Азизбек шармандаларча мағлуб бўлади.

Ана шу тарихий сюжет тасвирида бир неча муҳим нуқталаар бор. Шулардан бири қаҳрамонларнинг, хусусан Юсуфбек ҳожининг халқка бўлган муносабатидир.

Юсуфбек ҳожи халқнинг ижтимоий савиясини яхши билади. Унинг яхши яшаш, эркин нафас олиш, тинч ва осуда рўзгор тебратиш ва ўзидан авлод қолдиришга бўлган ҳуқуқини чуқур тушунади. Шу билан баравар унинг жамиятда рўй берётган воқеалар олдида масъулиятли эканини ҳам унутмайди. Айни пайтда у кўзи очиқ бўлгани ҳолда золимни ҳам кўллаб-қувватлаган, унинг макрига учган халқдан ихлоси қайтиб, “Бизнинг халқни ер ютсин!” деб ичичидан ўсиб чиққан фифонни яширмайди, яшира олмайди.

Масаланинг нозик томони шундаки, Юсуфбек ҳожи халқнинг ана шу эргашувчилик хислатини яхши билгани ва ўзи ҳам Азизбекка қарши курашда фойдалангани ҳолда унинг кўзини очиш, ички, руҳий куч-қудратини рўёбга чиқариш борасида ҳеч нарса қилмайди. Ҳолбуки, зиёлиларга, халқнинг пешқадам кишиларига лозим бўлган бу вазифани бажариш учун XX аср бошланиши ва жадидчилик ҳаракати юзага келиши шарт эмас эди. Бинобарин, Абдулла Қодирий, ўзи истамаган ҳолда, Юсуфбек ҳожи сингари кишиларнинг ижтимоий фаолсизлигини, нуқсонларини кўришимизга имконият туғдиради.

Хуллас, XIX аср ўрталаридағи баъзи бир нохуш, ҳатто-ки фожиали воқеаларнинг юз беришида, Юсуфбек ҳожининг фикрича, халқнинг ҳам айби бор.

Юсуфбек ҳожи – Отабекка нисбатан бошқа, ёши улуг авлоднинг вакили. У Шамайгача бориб, яхши-ёмонни кўрган, дунё тўғрисидаги тасаввурлари тўлароқ, ва тўғрироқ бўлган Отабекдан, албатта, фарқ қилади. Абдулла Қодирий ўзбек халқи тарихининг айrim муҳим масалаларига оид фикрарини Отабек орқали айтади ёхуд унинг бундай қарашларини айнан келтиради.

Энди Отабекнинг асар бошида, марғилонлик илк танишлари билан бўлиб ўтган сухбатига эътибор берайлик:

“*Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукумдорлигимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, – деди Отабек,* – лекин *Шамай манинг фикримни ост-уст қилиб,*

ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини икрор этишга мажбур бўлдим...

Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди... ”(16-бет).

Шу руҳдаги сўзлардан кейин бундай хуносавий фикр ўртага ташланади:

“— Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқидан бўлса керак, — деди Отабек, — аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низоъимиз сабаб бўлмоқда... Орамизда бу кўрқунч ҳолатқа баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ, билъакс, бузғучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда ҳалқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар... ” (17-бет).

Абдулла Қодирий бу ерда тасвир этилаётган жамият анатомиясини Отабекнинг тили билан очиб беришга уринган. Отабек эса, биринчидан, истилочи кучи унинг аҳиллигига, иттифоқлигига эканлигини таъкидлаган бўлса, иккинчидан, мустамлакага айланиш арафасида турган юртда шу иттифоқликнинг йўқлиги, аксинча, ўзаро низолар бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга сабаб бўлаётганлигини айтади. Адиб ижодининг муҳлисларидан бири – Тоҳир Малик ушбу нашрга ёзган сўнгсўзида мазкур масала ҳақида мулоҳаза юритиб, бундай якунга келади:

“Юртнинг қора кийишига сабаб нима? Худоёрхоннинг ҳарбий жиҳатдан қолоқлигими? Йўқ! Ҳалқ орасида тотувлик йўқлиги асосий сабаб бўлди. Ёзувчи тарихни тўғри англаб, тўғри таҳлил қилиб, ўз хуносаларини дам очиқ тарзда, дам рамзлар орқали ифода қилганлар”<sup>1</sup>

Ҳалқнинг савияси боягидек бўлгани ҳолда ҳамма айбни унда тотувликнинг бўлмаганига қўйиш соддалиқдир. Амир Темур асос солган құдратли давлатнинг асрдан-асрга дарз кетиб, кучсизланишига сабаб шаҳзодалар ўртасида парчаланиб, турли хонлик ва амирликларга айланиши ва ички низоларнинг авж олишигина эмас, балки, энг аввало, давлат тузумининг, механизмининг асрлар мобайнида ислоҳ

<sup>1</sup> Абдулла Қадирий. Ўтган кунлар. – Тошкент, 1994. – Б. 384.

этилмай, чириган унсурлари янгиланмай, занг босиб қолишидир. Эҳтимол, Отабек “ўриснинг идора ишлари” борасида сўзлаганида шу фикрни ҳам айтмоқчи бўлгандир.

Ҳар ҳолда Абдулла Қодирийнинг тарихий сюжетни тасвирлашда турли усуллардан фойдалангани сезилиб туради.

Энди яна Камолон ва Самарқанд дарвозалари яқинидаги даҳшатли манзарага қайтайлик.

“Уч-тўрт юз инсон бошидан турғузилган бир тепа.

Қаричга келадиган узун соқоллар, бошдаги хун олуд (қонга беланган – Н.К.) сийрак соchlари бўзарган юзлар, қонға беланиб, ярим оч ҳолда қорачиқ ўрнини қўрқунч бир оқлиқ босқан кўзлар дунёга ва ҳаётга лаънат уқуғандек қарайдилар. Айниқса, бир бош, эҳтимолки, ҳали йигирма йилни ҳам ўтмагандир, мурти ҳам чиқмаган. Хун олуб қуюқ қошлар ортидаги ярим очиқ кўзлари кимнидир излагандек қарайдир... Ярим очин иринлари (лаблари – Н.К.) ичидаги оқ тишлари билан тилини гарчча тишлаган-да, гўё шу турмушда, шу бесар ҳалқ ичида туғилгани учун “аттанг” ўқуидир” (66-67-бетлар).

Адид шу ваҳшиёна манзарага на Юсуфбек ҳожи, на бошқа бир қаҳрамоннинг нигоҳи билан қараган. Йўқ, унинг ўзи худди шу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлгандек, уч-тўрт юз инсон бошидан ҳосил бўлган тепага кўзларини катта очиб қарайди. Уларнинг айримлари ҳолатида қотиб қолган фикрни ўқииди. Уларнинг тирикларга қараганда фожия моҳиятини яхшироқ, кўрган, бинобарин, бесар ҳалқ, яъни ақд-ҳушидан маҳрум бўлган, манқурт одамлар эмаслигига умид қилали. Абдулла Қодирий ана шу тарихий манзара тасвирида буюк гуманист ёзувчи сифатида қад кўтаради.

Шундай қилиб, тарихий сюжет ва тарихий манзара гарчанд асар қаҳрамонлари характеристи орқали инкишоф этилмаса-да, ёзувчига ўтган кунлар ҳақиқатини рўй-рост кўрсатиши имконини берган, деб айтишимиз мумкин.

Тарихий сюжетнинг бадиий мужассамланиши турли омиллар иштирокида кечади. Ана шу омиллар, ўз навбатида, тарихий манзарани вужудга келтиради.

“Қутлуғ қон” романидаги тарихий сюжет 1916 йил Тошкент қўзғолони тасвиридан иборат. Қўзғолон воқеалари эса асарнинг сўнгти, ўн саккизинчи бобининг иккинчи ва учинчи фаслларини ташкил этган, холос. Лекин асарнинг дастлаб-

ки барча бобларида тасвириланган воқелик шу сүнгги воқеани – икки ёқлама зулмга қарши күтарилилган миллий озодлик ҳаракатини яратувчи заминдир. Ана шу заминда содир бўлган асосий воқеалар романдаги тарихий манзарани нурлантириб туради.

Бу воқеалар нималардан иборат? Биринчидан, мустамлакачилик шароитида яшаётган оддий ҳалқ икки ёқлама зулм натижасида, Биринчи жаҳон уруши олиб қелган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар таъсирида янада қашшоқлашади, айрим кишилар, масалан, Йўлчи ер-сувидан маҳрум бўлиб, шаҳарга келиб, бойлар қўлида чорикорлик қилишга мажбур бўлади. Ушбу вазиятдан фойдаланган маҳаллий бойлар эса бева-бечораларнинг ер-сувларини арzon баҳога сотиб олиб, бойлик орттирадилар. Тарихий шароит ҳалқни ана шу тарзда икки соҳилга ажратиб юборади. Ойбек ўз асарида ана шу жараённи Йўлчи ва унинг дўстлари тақдири орқали ёркин кўрсатиб берган.

Тарихий манзаранинг иккинчи томони шундаки, кундан-кунга кучайиб бораётган табақаланиш ортида қудратли бир куч – мустамлакачилар ва улар идора этаётган давлат машинаси туради. Улар маҳаллий бойлар ёрдамида мустамлака ўлкани бошқараётганлари учун зулм қамчиси камбағал ҳалқнинг елкасида синади, ҳақиқат тарозуси ҳам маҳаллий бойлар тарафига оғади. Бу ҳол уларнинг адолат байроғини истаганча оёқости қилишларига имкон беради. Ўлкадаги ана шу вазият мустамлакачиларга ҳам, маҳаллий бойларга ҳам қулай ва мақбул. Шунинг учун улар ҳалқни зулмат қўйнида ушлаб туришга, янги давр ғояларининг ўлкага кириб келмаслигига ҳаракат қиласидилар. Асадаги воқеалар занжирида даврнинг шу ҳақиқати очилиб боради ва ҳаёт ҳақиқатининг шундай нурланиши жараёнида қаҳрамонлар инкишофи юзага келади.

Мустамлакачилик тузуми ўз қоидаларига эга. Бу тузум забт этилган ўлкадан барча бойликларни, шу жумладан, маданий бойликлар ва осори атиқаларни ҳам олиб кетади ва булар эвазига фоҳишабозликни, ичкиликбозликни олиб киради. Тантибойвачча билан Салимбойваччанинг Гулнорни олиб қочиб яширишдан мақсадлари ҳам шу бечора қиз билан айш-ишрат қилиш. Бойлар меҳнатсиз топган пулларини ресторанлардаги ойимқизлар устидан сочадилар.

Дарвоқе, асардаги айрим қаҳрамонлар ва, умуман, мустамлакачилик тузуми моҳияти ресторандардаги сұхбатлар пайтида очилади.

Абдушукур Жамолбой ва Салимбойвачча билан ресторанда майшат қилиб ўтирад эканлар, ўқиган бой билан ўқимаган бой ўртасидаги фарқ мавзу боиси бўлиб қолади:

“— Бу чизи тўғри гап. Ўзимдан қиёс қиласман. Ишим ёмон эмас-ку, лекин йўл-йўриқни билмайман. Закунга тушунмайман. Ўрис орасига юриб, беш-үнта сўз ўрганиб олганман, шуни ишга солавераман. Энди болаларимни ўқитмоқчиману, аммо дини сусайб кетмасмикан, деб қўрқаман. Тунов кун бир абразаван ўрис билан учрашганимда, энди бизнинг “сартия” болалари ҳам школда оз-моз ўқияпти, десам, у хафа бўлди... “Сарт чистий ҳалқ, школда сартнинг дини бузилади, сенларнинг эски школмаринг яхши”, деги. Кофир бўлса ҳам инсофли экан, деб ўйладим” (91-бет).

Маҳаллий ҳалқ фарзандларининг ҳатто рус-тузем мактабларида ўқишини хоҳламаган рус Жамолбойга ҳам ўқимишли (образованный), ҳам инсофли бўлиб кўринади. Худди шу маданиятли рус кишисига ўхшашибошқа бир кўзойнакли, кийимига зеб берган кимса ресторанда шеригини бундай “кашфиёти”дан воқиф қиласди:

“— Сартлар ирқ жиҳатдан, албатта, паст, — тарелкагаги гўштни пичоқ билан кеса туриб гапирди чиновник, — улар маданиятга мутлақо қобилияти эмас. Яқинда бир профессор илмий жамиятда бу даъвони жуда яхши исбот қилди. Биласизми, мен бу иссиқ мамлакатда йигирма йилдан бери яшайман. Сартларнинг психологиясини яхши ўргандим. Улар ирқан паст. Лекин шунга қарамай, баъзи хусусиятларни кўрсатадиларки, буни фан ҳали ойдинлата олмайди. Менинг мушоҳадамга қараганда, уларда, масалан, бадиий сезги анча ўсган. Улар гулни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам қулоқларига гул қистириб юрадилар... Лекин уларнинг ҳаммаси қўрқоқ, ҳаммаси айёр...” (97-бет).

Рус амалдори бу сўзларни айтмасидан аввал маст Салимбойваччанинг саховати тутиб, кўчада совуқ қотган Йўлчини ресторанга таклиф этади. Йўлчининг атрофини бир зумда Анна билан Мария ўраб олиб, уни шароб ичишига мажбур қилмоқчи бўладилар. Шу пайт...

“Йўлчининг орқасидан кимдир туртди. Йигит ялт этиб қаради: баланд бўйли, йўғон, серсоқол, текис сочлари мой суркалгандай ўилтираган кекса рус унинг орқасида турарди. У “эшикка чиқ!” деган маънони қўл билан ишорат қилди. Йўлчининг бошидан олов қуигандек туюлди...” (96–97-бетлар).

Бу сўнгги лавҳани ўқир эканмиз, биринчи ўзбек кино-режиссёри Сулаймон Хўжаевнинг 1916 йил Жиззах қўзғлоннига бағишлиланган “Тонг олдида” фильмидан омон қолган кадрлар кўз олдимииздан ўтади. Бу кадрларда Тошкент курантини ёнидаги томошабоғ тасвиrlанган бўлиб, унинг дарвозаси олдидаги лавҳага катта ҳарфлар билан “Сартам и собакам вход воспрещается” деган сўзлар ёзилган эди.

Ана шу тарзда Мирзакаримбойлар Йўлчиларнинг тумордек ерини қарз ҳисобига тортиб олиб, у севган қизга ўзлари эга чиқадилар. Ўлкага янги маданиятни олиб келган мустамлакачилар эса Йўлчиларни улар юртидаги истироҳат боғларига ҳам йўлатмай, ресторонлардан қувиб чиқармоқчи бўладилар. Бу, икки томонлама зулмнинг ёрқин тимсолидир.

“Кутлуг қон” романидаги ана шу тарихий манзара тарихий сюжет билан узвий бадиий муносабатта киришиб, тасвир этилган давр ҳақиқатини ҳаққоний гавдалантириб берган.

Ҳар иккала асардаги тарихий сюжет ўзбек ҳалқи ҳаётининг турли, аммо бир-бирларига тарихан яқин давридан олинган. Бу ҳар иккала давр – XIX асрнинг 60-йиллари ва XX асрнинг 10-йилларида рўй берган ҳалқ тақдирни билан боғлиқ воқеалар ўзбек адабиётининг бошқа намуналарида ҳам ўз тасвирини топган. Аммо бу асарларда даврнинг тарихий манзараларига оид айрим лавҳалар тўғри акс эттирилгани ҳолда тарихий сюжет, Абдулла Қодирий ва Ойбек асарларида бўлганидек, катта фуқаролик жасорати ва ёзувчилик маҳорати билан бадиий ифодасини топмаган.

## ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН

Биз юқорида Абдулла Қодирийнинг Отабек образида қисман ўз ҳаёти лавҳаларини ва кўпроқ маънавий оламини, дунёқарашини ифодалаганига шама қилган эдик. Бундай ижодий тамойилни фақат Абдулла Қодирийнинг мулки, деб бўлмайди. Француз адабиётининг машҳур намуналаридан

бири – “Бовари хоним” романни муаллифи Гюстав Флобер: “Эмма – бу менман”, деган эди. Модомики, ёзувчи зоти (маълумки, уларнинг аксари эркак жинсига мансуб) аёл қаҳрамон образида ўз руҳияти ва ҳаётта қараашларини ифодалаши мумкин экан, нега, масалан, Алишер Навоий Фарҳод ёки Мажнун образларида, ёхуд бошқа достонларидаги ижобий қаҳрамонлар образида ўз ҳаётининг унутилмас саҳифаларини, дард ва аламлари-ю орзу ва интилишларини ифодаламаган бўлсин?! Шубҳасиз, ижобий қаҳрамонлар образлари замираида Навоийнинг “мен”и ҳам озми-кўпми ўз бадиий тажассумини топган.

“Ўтган кунлар” нинг яратилишида ёзувчига замондош кишиларнинг хотиралари муҳим манба бўлиб хизмат этган. Эҳтимол, Отабекнинг андижонлик прототипдан ташқари, бошқа “хамиртуруш”лари ҳам бордир. Лекин, бизнингча, Отабекнинг асосий прототипи адибнинг ўзиdir.

Отабек Марғилондаги қиласи ишни қилиб, баҳти ва баҳтсизликларининг боиси бўлган шу шаҳарни тарқ этиши олдида Уста Алим билан учрашиб, ундан – кўнгли булоқ сувидек топ-тоза кимсадан гуноҳини ўтишни сўрайди. Отабекнинг шароит тақазоси билан айтган ёлғони учун узр сўрамай кетиши унинг исломий тарбиясига зид эди. Шунинг учун у ҳам Уста Алимдан гуноҳини кечиришини ўтинади:

— Менга қолса, сизнинг ҳеч гуноҳингиз йўқ... Менга но маълум гуноҳингиз бўлса, кечирдим.

— Раҳмат, — degu Отабек ва сўради: — Мен ким?

— Сизми, сиз Шокирбек!

Отабек уят араласиб кулиб қўйиб, degu:

— Ана, уста, маним борлиқ гуноҳим сизнинг шу кунгача мени Шокирбек, деб билишингиздагина!

— Бўлмаса, сиз ким?

— Гуноҳимни кечиргансиз-а?

— Кечиргранман.

— Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкандлик Юсуфбек ҳожининг ўли ва марғилонлиқ Мирзакарим аканинг куёви – Отабек! ” (201–202-бетлар).

Отабек романдаги ҳаёти давомида юксакликка ҳам кўтарилади, чуқурликка ҳам неча бор ағдарилиб тушади. Аммо мазкур лавҳада у ўзини маҳкам ушлаб олиб, китобхон ҳам, Кумуш ҳам севган мумтоз шахс даражасига эришади.

Отабек Уста Алим билан биринчи учрашувда ўзининг кимлигини айтиши мумкин эмас эди. У ўша пайтда, Имре Кальманнинг машҳур “Сильва” опереттасидаги қаҳрамон сингари, Мистер Икс бўлиб қолиши лозим эди. Лекин ўзига нисбатан шунчалар илтифот кўрсатган, ўзининг баҳтли ва баҳтсиз муҳаббати тарихи, қоронги ҳаётининг пинҳоний чироғи Саодат ҳақидаги ҳикояси билан унга қайта куч бағишилаган киши олдида ёлғончи бўлиб қолиши, ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, унинг инсоний ва исломий ақидаларига терс эди. Шунинг учун ҳам у мавруди келиб, уста Алим қаршисида кийиб юрган ниқобини олиб ташлайди. Абдулла Қодирий шу лаҳза тасвирини ўз руҳий оламининг бирламчи ранги – ҳақиқат ва самимият нурлари билан музайян этади.

Отабек одоб ва ахлоқи билан, теварак-атрофдаги кишиларга муносабати сингари юксак туйғунинг қадр-қимматига етиши, тубан кишилардан узоқда юриши, аммо зарур бўлган тақдирда уларни маҳв этишга қодирлиги билан ҳам, Абдулла Қодирий назарида, идеал кишидир. Адид ўзбек адабиётидағи биринчи романни ёзганда бош қаҳрамонни ўз идеалидаги киши сифатида танлаб, унинг инсоний улуғворлигига, севги ва вафо масаласида “Тоҳир ва Зухра” каби ҳалқ китобларидаги, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари дostonлардаги ошиқ қаҳрамонлар билан баҳслаша оловчи фазилатларига ургуни қаратиб, тўғри қилган. Негаки, ўзбек ҳалқи учун ҳалқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналари доимо ибратнома бўлиб келган. Ҳалқ узун қиш кечаларида тўп-тўп бўлиб бундай асарларни ўқиши асносида ўз руҳининг, инсоний хислатларининг тарбия топаёттанини сезган. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз менталитетини ташкил этувчи белгилар яқин-яқингача асло хира тортмай, ўзида Ўзбекистон табиатининг турфа рангларини ифодалаб келган.

Отабекка хос инсоний ва исломий фазилатлар отаси Юсуфбек ҳожи орқали унга ўтган. Ота билан бола роман яратилган йилларда, совет давридагиdek, икки қутбга ажраблиб чиқувчи ҳодисалар бўлмаган. Ислом ўзининг қатъий қоидалари билан жамиятнинг маънавий иқлимини узоқ асрлар мобайнида мўътадил ҳолатда ушлаб турган. Шунинг учун ҳам Отабеклар Юсуфбек ҳожи сингари улуғвор дарахтнинг тагига тушган олмалар эди.

Аммо бизнинг Отабек савдо ишлари билан қилган сафарлари чоғида отасига нисбатан кўпроқ воқеаларни кўради. Турк дунёси унинг ёшлиқ йилларида олис юртлар билан яқин алоқада бўлган. Олис юртлар шабадаси турк дунёсига тобора кўпроқ кела бошлаган. Қисман шунинг натижаси ўлароқ Отабекнинг кўзи ўз даврида юз берётган воқеаларни Юсуфбек ҳожига нисбатан кўпроқ кўра бошлади.

Олис юртлар шабадаси... Бу шабаданинг ўзбек юртига кириб келиши қонуний ва табиий ҳодиса. Худди шунингдек, чириган сиёсий ва ижтимоий тузум туфайли аввалги асрлар бағрида қолган Туркистоннинг Россия империяси томонидан забт этилиши ҳам тарихий жараённинг табиий маҳсулидир. Дунё XIX асрдаги супердавлатлар ўртасида тақсим қилинаётган пайтда Россия ўз нигоҳини нафақат Туркистон, балки Ҳиндистонга қадар бўлган кенгликларга ҳам қаратган эди. Гапнинг қисқаси, XIX асрнинг 60–70-йилларида Туркистон Россия томонидан тўла забт этилди. Ва ана шу тарихий чегара ўзбек халқи тарихини икки бўлакка ажратиб юборди. Шу даврдан кейинги воқеалар халқ характеристи ва менталитетига таъсир кўрсатмаслиги амири маҳол эди. Бинобарин, “Ўтган кунлар” романида Отабек ўз қиёфасида мустамлакачилик даврига қадар бўлган ўзбек характерини ифодаловчи қаҳрамон образи сифатида яратилемди. Абдулла Қодирий учун шу характер қимматли эди. Унинг эстетик идеалини Отабекдан бошқа қаҳрамоннинг ифода этиши маҳол эди.

Ойбек – бошқа авлоднинг вакили. У камбағал оилада туғилгани ва улғайгани учун 1917 йилдан кейин совет давлати томонидан ташкил этилган таълим-тарбия техникумida ётиб ўқиган. Ўрта Осиё Давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг сиёсий иқтисод бўлимида таҳсил кўрган. Агар у ярим оч, ярим яланғоч ҳолда яшамаганида, Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтини тутатган бўларди. Айтмоқчимизки, у мадраса тарбиясини кўрган Абдулла Қодирийга нисбатан ўзга муҳитда, бояги тарихий чегаранинг бериги бўлагида шаклланди. Давлат турли йўллар билан уни ўз таъсирига олишга уринди. Аммо унинг баҳтига, у ҳаракат этган муҳитда Туркияда таҳсил кўрган ва туркий халқларнинг ўзаро яқинлашуви фояси билан яшаган Эсон афанди, Иброҳим афанди ва Мунаввар

қорилар, адабиёт боғ-роғлари билан “чангланган” даврида эса Чўлпон ва Абдулла Қодирийлар бор эди. Улар туфайли Ойбекнинг ҳаёт ҳақидаги, адабиёт ҳақидаги, келажак ҳақидаги тасаввури мукаммаллашди.

1929–1930 йилларда Боту бошлиқ маориф ходимларининг, Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлиқ “миллий иттиҳодчилар”нинг қамалиши Ойбекнинг кўзларини яна-да очди. У совет давлати учун ўзбек халқининг қулдек меҳ-нати-ю табиий бойликлари кераклигини тушунди. 1937 йил болтаси эса унинг ҳам бошига тушишига бир баҳягина қолди, холос. Унинг камбағал оиласида туғилгани, “етимхона”да яшаб ўқигани жонига оро кирди. Аммо у ўша йили “миллатчилар” билан алоқада бўлган унсур сифатида иш-дан ҳайдалди.

Абдулла Қодирий ўз романини цензура деган ғалвир эн-дигина тўқилаётган, ижод эркинлиги деган баҳт гулларини эса ҳали совуқ урмаган бир пайтда ёзган. 1937 йилнинг қонли бўрони ҳали тинмаган бир пайтда биринчи йирик асарини ёзишга киришган Ойбекнинг 1916 йил мавзуига қўл уриши, асар қаҳрамони сифатида эса Йўлчини – онгиз бир камбағал кишини танлаши ҳам табиий, ҳам ғайритабиий эди. Табиийлиги шундаки, 1916 йил қўзғолони ҳар қандай романга етарли даражада ҳаётий материал беради. Ғайри-табиийлиги эса Йўлчидек содда, гўл, саводсиз, ижтимоий онги ҳали ҳатто куртак ҳам очмаган қаҳрамон образи билан адабнинг эстетик идеали ўртасидаги масофанинг узоқлиги-дадир. Абдулла Қодирийдан кейин бир бечора камбағал ҳаётининг тасвири билан китобхон эътиборини қозониш осон эмас эди.

Ойбек бундай муаммолар қаршисида каловланиб қолмади. Ўзи ҳам жулдор турмуш бағрида улғайгани, кимсан, машхур маърифатпарвар ва тадбиркор Сайдносир Миржалиловнинг қизи Зарифахонимнинг муҳаббатини қозониб, унга уйлангани, халқнинг умидбахш адаби даражасига эришгани учун Йўлчи сиймосида китобхон эътиборини жалб эта оловчи эстетик идеал нурларини кўрди. Ойбек ҳам Флобердек фурур ва сурур билан: “Йўлчи бу – менман!” дейиши мумкин. Қолаверса, қишлоқ кишиларига хос бўлган гўзал бир сод-далик, тошқин самимият, дўст бўлиб кўринган кишига чек-сиз садоқат, ҳордик нима эканлигини билмай меҳнат қилиш

нафақат Йўлчи, балки Ойбекнинг ҳам бирламчи фазилатларидан.

“...Юк ортиб, отни қамчилаб, зидлаб қайтаркан, Хадрага келганда у бирдан отни тўхтатди: аптека деворига қисилган Шоқосим паст, аянчли овоз билан бир нималар сўзлаб, ўткинчилардан садақа сўрайди! Унинг деворга ёпишиб туриши, кўзларини ердан узолмаслиги, қўлини чўзмасдан, тавозе билан кўксига олиб туриши – унинг бу вазиятдан қандай азоб сезганини, одамгарчилигининг емирилганидан, уятдан, номусдан ўлимга рози эканини кўрсатар эди. У кўзини ерга тиккани учун Йўлчини кўрмаги. Йўлчи эси оғтан одамдай, бир нафас бақрайиб қолди, сўнг бошига шу фикр учқунланди: “Мен чақирсан, бадтар уялади, ерга киради ҳам унинг кўзига қандай қарайн! Ёнимда пулим бўлсаиди, ёрдамлашардим. Ҳеч нимам ийқ!.. Ух!.. Отни ҳайдаги. Фақат озгина юриб, яна тўхташга мажбур бўлди: “Ҳар нима бўлмасин, унга суюнчиқ керак”. Отдан тушиб, бир неча қадам орқага юрди ва чақирди: “Шоқосим ака!” Шоқосим бошини кўтариб, атрофга аланглади. Иккинчи чақиришда Йўлчини кўриб, эгилган ҳолда чоригини судраб келди” (129–130-бетлар).

Ойбек бу нохуш манзарани тасвирлаб бўлгач, бундай маълумот беради:

“Уч кундан сўнг Шоқосим тиланчиликдан қутулди. Йўлчи уни бир жувозкаш бойга хизматкорликка – унинг жувозини ҳайдовчи сифатига ўрнаштириди” (131–бет).

Бу лавҳа роман қаҳрамонининг инсоний моҳияти билан танишишимизда муҳим аҳамиятга молик. Йўлчи – камбағал. Айниқса, Мирзакаримбой хонадонига келганининг дастлабки босқичида қўли қисқалиги уни фаол ҳаракатдан тизгинлаб туради. Лекин унинг кўнглида олижаноб инсоний ҳислар фаввораси жўш ургани-жўш урган. Бу, Ойбекнинг ўзидан унга ўтган фазилатдир.

Ўзбек адиларининг бизга замондош вакиллари орасида учта Ҳотамтой бўлган. Булар – Ойбек, Шайхзода ва Миртемирдир. Ойбекнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳурмат ва эътибор минбарига кўтарилишидан, моддий аҳволи яхшиланишидан баҳраманд бўлган кишилар оз эмас. У нафақат қариндош-урувлари, балки ёрдамга муҳтоҷ нотаниш кишиларга ҳам ҳиммат ва саховат кўрсатган. Улуғ донишманд шоирнинг “Одами эрсанг демагил ода-

ми, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” деган ҳикматли сўзлари Ойбек қалбидан ҳам таралган нурлар бўлиб, ўзида унинг ҳаёти маъносини, саховати кўламини акс эттиради.

Юқорида Йўлчи ҳаётидан келтирилган лавҳада Ойбек қалбининг таманнолари жилва бериб туради. Ҳеч шубҳа йўқки, моддий аҳволи имкон бермаган пайтларда Шоқосимга ўхшаш кишиларни кўрган Ойбек кўзларидан раҳмшафқат ҳислари кўз ёш бўлиб отилган ва адид мазкур ҳаётий лавҳада ўзининг мунгли учрашувлари ва хотираларини акс эттирган. Ойбек гуманизмининг моҳияти ҳам худди шундадир. Унинг ўз романи учун бош ижобий қаҳрамонни Шоқосимлар даврасидан танлаши, булардаги руҳий гўзалликни заррин турмуш қучофида яшаётган кишиларнинг маънавий оламидан устун қўйиши, уларнинг эмас, худди шу кишиларнинг халқ тақдирида муайян роль ўйнажагини қўрсатиши тасодифий эмас. Шу маънода Йўлчи адид эстетик идеалига озиқ бера оладиган ва шу эстетик идеалнинг бадиий мужассамланишига имкон берадиган қаҳрамондир.

“Дин адолатга буюрадир” (340-бет), — дейди Абдулла Қодирий. Лекин на “Қутлуғ қон”да, на “Ўтган кунлар”да масаланинг адолат фойдасига ҳал этилишида аксар кишилар қалби ва руҳиятидаги диннинг қудратли садосини эшиitmаймиз. Наҳотки, диннинг адолатга буюрувчи амри фақат Йўлчи билан Отабек сингари кишиларгагина тааллуқли бўлса?! Кўмакка муҳтоҷ бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш у ёқда турсин, “қора чопонли” деб тошкентликларни, Мусулмонқул авлодидан деб қирғизларни қириб ташлаган шон-шухрат ва куч-қудрат соҳиблари диннинг бу амридан бехабар яшаганларми?!

Агар масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, яқиняқингача Ўзбекистонда эмин-эркин яшаган маҳаллий яҳудийлар орасида миллионерлар бўлганидек, ноchor кимсалар ҳам бўлишган. Лекин бу ноchorларнинг тиланчилик қилганини ҳеч ким кўрмаган. Улар бир-бирларини, бир оила фарзандларидаек, қўллаб-қувватлаганлар. Сталинча қирғин қурбонлари бўлган қримтатарлар ҳам Ўзбекистонга кўчириб келтирилганларидан кейин, кўп ўтмай, ўз меҳнатлари билан дастурхони тўкин халқقا айланганлар. Улар ҳам бир-бирларидан нажот ва меҳр қўлини яширмаганлар. Демак,

ўзбек бойларида ҳиммат туйфуси шу даражада баланд эмас чиқади.

Нафақат Шоқосим, балки Йўлчининг ўзи ҳам пулга муҳтож. У тоғасининг бой-бадавлат хонадонида хизмат қилганига қанча вақт бўлганига қарамай, муштипар онасига сарик чақалик ёрдам бера олмаган. Ҳатто онаси вафот этганида дафн маросимида сарф бўлган қарзи эвазига тумордек ҳовлисининг яна бир қисмини сотган. Мирзакаримбой, тоғаси, жилла бўлмаса, синглисининг дафн этилиши учун етарлича пул бериши мумкин эди-ку! Аммо бу оиласининг чўнтағи дўппайган аъзолари ҳам, уларнинг дўст-ёрлари ҳам этакларида оч-ялонгоч хизматчилари яшаётганини кўра туриб, ким ўзарга меҳмондорчилик билан машғул бўладилар, ресторонларда айш-ишрат сурадилар, бу ҳам камлик қилгандек ҳатто содик қуллари Ёрматнинг қизини, Йўлчининг севгилисини бирлари олиб қочиб, у билан ишрат қилмоқчи, иккинчилари унга уйланмоқчи, яна бирлари мерос ташвиши билан уни гумдон қилмоқчи бўладилар, аниқроғи, заҳар бериб ўлдирадилар. Диннинг адолатга буюришини улар ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бинобарин, дин жамиятнинг бу қатлами учун юлиш ва эзиш воситаси бўлган, десак, марксизм термомонига сув қўйган бўлмаймиз.

Тўғри, ўртада Юсуфбек ҳожилар, Мирзакарим қутидордек кўнгли жамиятдаги иллатлардан холи бойлар ҳам бўлишган. Аммо уларнинг ўzlари ҳам турли-туман қиёфадаги Ҳомидлар туфайли азоб-уқубат чекиб адо бўлганлар.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 20-йилларига қадар бўлган даврда ўзбек халқининг ижтимоий табақаланиш жараёни кучайди. Абдулла Қодирий тасвир этган даврда ҳали Йўлчилар “синфи” шаклланмаган, Отабеклар эса ҳали худбинлаша бошламаган эдилар. Шунинг учун ҳам Отабекнинг “Ўтган кунлар”да “могиканларнинг сўнгтиси”, Йўлчининг эса “Қутлуғ қон”да эзилмиш “синф”нинг исёнчи вакили сифатида танланиши ва улар характерида А.Қодирий ва Отабек орзу-умидларининг ифодаланиши табиий.

Ҳар иккала асар икки қатламдан иборат. Агар биринчи қатлам қаҳрамонларнинг муҳаббати ҳақида ҳикоя қилиб, севгидек илоҳий ҳиссиётнинг камалак рангларини намойиш этса, иккинчи қатламда уларни қуршаган ижтимоий муҳит

тасвири устувор аҳамиятга молик. Агар Абдулла Қодирий романнинг ишқий қатламини тасвирлашда катта имкониятга эга бўлган эса, Ойбекнинг Йўлчиси қаршисида Отабекдагидек шарт-шароитлар бўлмаган. Ёрматдек қулнинг қизи билан Йўлчидек камбағал йигит ўртасидаги муҳаббат қушларининг қанчалик баланд парвоз қилиши мумкинлиги ҳаммага аён. Бунинг устига, романдаги ижтимоий қатламнинг ўқтин-ўқтин, пиравардида эса бутунлайин биринчи ўринга кўтарилиши қанчалик тарихий давр ҳақиқати билан уйғун бўлмасин, “Ўтган кунлар”ни ўқиб шаклланган китобхон учун зерикарли бўлиши аниқ. Аммо Ойбек худди шу масалада ўз маҳоратини намойиш этди ва китобхонни ўз қаҳрамонлари, бинобарин, ўзининг эстетик диди ва тасвир санъати билан мафтун эта билди.

Отабекнинг Кумушга бўлган муҳаббати ғалат нуқталардан холи эмас. У Кумушни биринчи нигоҳ “қонун”и билан севиб қолган. Уни тушларида, демак, ўйлаймизки, ўнгиде ҳам ёдан чиқармайди. У ўз севгисида изтиробланади. Аммо у нафақат ишқий орзуларига эришиш, балки шу орзуларини ошкор этишда ҳам роят сустдир. Худди шу нуқтада фоллик Ҳасаналининг қўлига ўтади. У Отабекка билдирамаган ҳолда Мирзакарим қутидорнинг уйига Зиё шоҳичи билан бирга бориб, Кумушни Отабекка унаштириб келади.

Хўш, Юсуфбек ҳожи оиласининг қули Ҳасаналида бундай ҳуқуқ бўлганми? Ҳар ҳолда у қул-ку! Биринчи навбатда Юсуфбек ҳожининг қули-ку! Наҳотки, у йигитнинг Тошкентдаги ота-онаси олдидан ўтмай туриб, бундай жиҳдий ҳаракатга қўл урса!

Шу ерда Гули ва Навоий ҳақидаги халқ эртаги ёдга келади. Уйланиш истаги уйронган Алишер бир-биридан гўзал қизларни кўрса-да, улардан бирортасини ҳам кўнгил маликаси сифатида танлай олмайди. Шундан кейин у мулоzими билан бирга қизлар тўпланиши мумкин бўлган жойларга боради. Ниҳоят, Алишер бир ерда халойиқ эътиборини ўзига жалб этмоқчи бўлиб, мулоzимини ура бошлайди. Ушбу ҳодисадан ажабланган халойиқ ундан бу ҳолнинг сабабини суриштиради:

— Хизматкорим айтганимни қилади. Шунинг учун урапланман, — жавоб беради Алишер.

Бунга ҳайрон бўлган халойиқ эса дейди:

- Шунинг учун ҳам урадими?
- Айтганингизни қилса, яхши эмасми?
- Бундай хизматкорни жазолаш эмас, тақдирлаш керак-ку!..

— Уни яхшилаб уринг! Хизматкор соҳиб буюрган ишни-гина эмас, у ўйлаган юмушни ҳам қилиши лозим!

Алишер бу сўзларни айтган дилбар қизнинг ақлига қо-йил қолиб, унга уйланади.

Ҳасанали Гули кўйган ана шу талабга амал қилиб, Отабекнинг хаёлида уйғонган орзусини рўёбга чиқаради ва на-фақат зийрак хизматкор, балки олижаноб ҳислар соҳиби сифатида ҳам ўзини намойиш этади.

Шундан кейин Отабек Кумушга уйланиб, бир неча баҳтли кунларни бошдан кечиради. Кейин эса унинг чекига турли синовлар тушади. Жаллод қиличи унинг боши узра кўта-рилганда нақд ўлимдан уни Кумуш қутқариб олади. Сўнgra тухмат... Ҳасаналининг нажоткор чопар бўлиб келиши... Ота-она орзуси... Марғилонга қатнов... Қутидор томонидан ҳайдалиш...

Отабек бу узлуксиз жараёнда фаолиятсиз. Агар таъбир жойиз бўлса, у фаолиятсизликда фаол... У фақат ҳамма тухмат-у жабрлар Ҳомид туфайли рўй берганини ва унинг бар-ча макрлари Кумушга эришиш учун бўлганини билганидан кейингина ундаги йигитлик вижданни уйғонади ва у ҳара-катга тушади. Унинг журъати билан уч қабиҳ унсур йўқ қилиниб, орадаги тиканли симлар бартараф этилади. Аммо Отабек яна Тошкентга бориб олиб, гафлат тўридан чиқа ол-майди. Унинг ҳаракатга келиши учун яна бир пўртана, яна бир ларза лозим. Кумушнинг Зайнаб томонидан заҳарла-ниб ўлиши Отабекка ана шундай ларза ва зарба бўлди. Ўз ҳаётининг маъносини йўқотган Отабек ота уйини тарк этиб, Олмаота яқинида руслар билан бўлган жангда “қаҳрамоно-на урушиб”, шаҳид кетди.

Роман қаҳрамонининг характеристери ана шу чизиқда ривож-ланади.

Абдулла Қодирийнинг бундай қаҳрамонни танлаши та-садифий эмас. Ушбу романни ёзишдан адаб кўзлаган бади-й мақсад ўзбек давлатчилигининг парчалана-парчалана, XIX асрнинг 60-йилларида мустамлакага айланиш сабабла-рини таҳдил этишдир. Бу жараён эса ички низолар ва ку-

рашлар оқибатигина, давлат идора тузилишининг эскирганлиги оқибатигина эмас, балки шу ҳолларнинг сабабчиси бўлмиш лоқайдлик, фаолсизлик ва шу фаолиятсизликнинг жамиятдаги барча қатламларни, ўргимчак инидек, ўраб олишидир. Абдулла Қодирий асарининг тагмазмунида ана шу фикр ётади.

Йўлчи ҳам курашчи бўлиб туғилмаган. Лекин Отабекдан фарқли томони шундаки, унинг кўзи фақат ўз бошига тушган кўргиликлар туфайлигина очилмайди. Халқ қалбида кун сайин рўй бериб турган жароҳатлар унинг “зулм дунёси”-ни яққолроқ кўришига имконият яратади. Ва Йўлчи “Мирзакаримлар дунёси”га қарши бош кўтаради. Аммо унинг исёни диннинг адолатга чақиришдек қутлуғ вазифасидан четда кечади.

“Йўлчи бозор айланиб, газлама ташиб, тоғасининг дўжони олдиға баъзан соатларча ўтириб, бозорнинг, савдонинг, савдогарларнинг кўп сирларига ошно бўла бошлади. Тури рассталарда оломоннинг шовқини, олтин-кумушнинг жарангни, қоғоз ақчаларнинг шилдираши, савдо дарёсининг тўлқини, бўрони қўйнига одамларнинг турмуши, руҳи, юраги, баҳт ва фалокати унинг кўзига яланючланди. Косиблар, дехқонлар, ҳар наф камбағал қашшоқларнинг олов кўйлак кийган каби бозор жаҳаннамида куйиб ўтаётганларини пайқади. Лекин ҳали у кўп сирларга тушунмас эди... Аммо ҳаёт ҳар кун, ҳар соат унга янги меваларини ошкор қилар, сирлар яланючланар эди” (127-бет).

Ойбек Йўлчи онгида ижтимоий рангларнинг пайдо бўлишини секин-аста кузатиб боради. Теварак атрофдаги адолатсизликларни, бойларнинг бепоён ҳуқуқларини кўриб, бунга чек қўймаслик инсон зоти учун ҳақоратдир, деган фикрга келган Йўлчи илк бор Салимбойвачча билан “теп-па-тенг гаплашади”:

“— Сан абраҳ! Кўзингни олайтирма! — бойваччанинг тумшугига келиб қичқирди Йўлчи ва унинг билагидан маҳкам сиқди.

Салимбойваччанинг кўзлари ола-кула бўлиб, юзидағи гўштлари пириллади: бу қандай гап? Бир хизматкор унга қичқирсан, “сан” десин, “абраҳ” десин!.. Йўлчининг юзига урмоқ учун зонтикни кўтарди. Йўлчи у қўлини ҳам ушлаб, силтади. Зонтик ерга тушди.

— Уятсиз! Ёш қизга тиккан кўзларингни ўйиб оламан!

Салимбойвачча лабини тиржайтириб заҳарханда қилди.

— Кўлимни қўй, бақириш шунгами! Синглинг ким? Поздшоҳ қизими?! Жуда олтин бўлса ҳам... Йўқ, тузим, ноним сани қутуртирган, им! — ўдагайлади Салим.

Йўлчи тишини қайраб, бойваччанинг кўкрагига зарб билан бир мушт тушируди. Бойвачча гандираклаб уч-тўрт қадам нарида қорга йиқилди. Йўлчи этиги билан унинг думбасига бир-икки *tengi*... ” (271-бет).

Агар Йўлчи бозорга қовун ортиб кетаётган дехқоннинг араваси синиб, унинг ёз бўйи не-не умид билан етиштирган қовунини “сув текин” олганларини, шолғом эккан йигитнинг ерига сув бермаганларини кўриб, аламини ичига ютган, аммо базм пайтида бечора баччанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун маст Тантибойваччанинг тўппончали қўлини даст ушлаб олган бўлса, энди унинг Салимбойваччага қўл кўта-риши ундагиadolatcizlikка қарши норозилик ҳисси тобора учқунланиб, исёнга айланиб бораёттанидан дарак берар ва асар хотимасидаги 1916 йил қўзғолончиларининг олдинги сафларига келиб қўшилиши Йўлчи характерида рўй берраётган сифат ўзгаришларининг қонуний натижаси эди.

Салимбойвачча билан бўлиб ўтган илк тўқнашувдан кейин, шу воқеанинг гувоҳи бўлган Қодир сувоқчи Йўлчининг елкасига қоқиб, огоҳлантиради.

“— Болам, — dedi у, — эҳтиёт бўл. Замон кимники — бойники! Одам отиш ҳам буларга ҳеч гап эмас. Буларни пул қутуртирган, булар ёмон одам: илондан чаён түғилган-да! Камбағалнинг тириги нима эди, ўлиги нима бўлади, — шундай ўйлайди булар. Тўғрими гапим? — одамларга қараб қўйди сувоқчи ” (272-бет).

Қодир сувоқчининг бу сўзларини тўпланган кишилар маъқуллашади.

“Илондан чаён түғилган! ” Сувоқчининг бу сўзлари маънодан холи эмас. Бир замонлар бойлар, савдогарлар халқнинг олди кишилари бўлишган. Улар замона зайлар билан ўз қулларига эга бўлишган, ер-сувларида чоракорларни, бева-бечораларни ишлатишган бўлса-да, уларнинг ҳақ-ҳуқуқла-рига озор беришмаган. Буни биз Юсуфбек ҳожи хонадонининг Ҳасаналига бўлган муносабатида яққол кўрамиз. Аммо Туркистонга капиталистик муносабатларнинг кириб кели-

ши билан бойлар ва савдогарлар табиатида салбий хислатлар кўпайди. Диннинг таъсири сусайиб, ичкиликбозлиқ, фоҳишибозлиқ каби иллатлар авж олди. Ана шундай ижтимоий-маънавий иқдимда бойлар худбинлаша, золимлаша, Қодир сувоқчи тили билан айтсак, илонлаша бошлиди. Шундай шароитда Йўлчи сингари оммани қўзголонга бошловчи кишилар етишиб чиқди. Уларнинг том маънодаги ҳалқ ҳаракати раҳбарлари бўлиши маҳол эди. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракатлар мағлубият ва фожиалар билан тугади. Шунга қарамай, Йўлчиларнинг адолатсизлик билан муроса қилиша олмай, унга қарши бош кўтаришлари ҳалқнинг ижтимоий онги куртак ёзаётганидан дарак бераётган эди. Бинобарин, Йўлчилар ўз фаолиятларининг кейинги босқичида бундан кўра самарали натижаларга эришишлари мумкин эди.

Модомики, Туркистоннинг мустамлакага айланиш сабабларидан бири ва муҳими идора усулининг, давлат институтларининг эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганида экан, бу ҳол кишилар руҳияти, ҳаёт тарзи ва оиласвий тартиб-қоидаларга ҳам ўз кўланкасини ташлаши табиий эди. Давр ўтиши, қабилачилик давридан қолган урф-одатлар ва қарашларнинг эскириши билан жамиятнинг оиласек муҳим институтига ҳам янги тартиблар кириб келиши, фарзанднинг оиласаги мавқеи ўзгариши, унга ота-онанинг қули сифатида қарашдан воз кечиш зарур эди. Жамиятнинг Юсуфбек ҳожи, Отабек сингари илфор кишилари мавжуд идора тизимини, шу жумладан, оиласаги эскирган тартибларни ҳам янгилаш заруратини тушунишлари лозим эди. Ўзбекойим қабилидаги аёлларнинг оиласаги ўз эрк-хоҳишлирини ўтказишларига чек қўйиш вақти келган эди. Лекин...

Лекин эскилик кишилар руҳиятида теран илдиз отган бўлади. Кишилар эски анъаналар ва оиласвий тартиблар туфайли бирор фожиани бошдан кечирганларида гина бу анъана ё тартибларга қарши исён кўтарадилар.

Отабек исломий тарбия олгани учун ота-онасини хурмат қиласди. Ҳатто у Кумушни севиб уйлангани ҳолда “ота-она орзуси”га бўйсунниб, Зайнаб билан ҳам турмуш қуради. Зайнабни севиши, Зайнаб у билан жўяли турмуш кечириши мумкинлигига ишонмаса ҳам, ота-она олдидаги “бурч”ини ўтайди. Унинг хатти-ҳаракатини идора этувчи ахлоқ нор-

малари шунга мажбур этади. Биз бу ўринда Отабекни танқид қилишимиз ўринсиз. Отабекнинг аксар ҳоллардаги сусткашлиги, фаолиятсизлиги ҳам у олган исломий тарбия билан боғлиқ.

Отабек Кумушдан жудо бўлиши мумкинлигини, Кумуш Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбекка ё Ҳомидга тегиб кетиши мумкинлигини сезгандан кейингина ҳаракатини қиласи. Аммо Ҳомид бошчилигидаги уч жиноятчини ўлдириб, Кумуш ва қутидорнинг меҳр-муҳаббатига сазоворли иш қилганига амин бўлади-да, яна Тошкентта қайтиб келиб, боқибекам бир ҳолда – “обломовча”сига яшайди. Кумуш Зайнаб томонидан заҳарланиб, вафот этганидан кейингина Отабек фаолият кишисига айланади. Дастреб ота-она уйини тарқ этиб, Марғilonга кетади. Бир йилдан кейин қайтиб келиб, Кумуш қабрини зиёрат қиласи-да, сўнг, эркакларда бўлганидек, уч йўлдан энг даҳшатлиси – қайтиб келмас томонга равона бўлади. Отабек ана шу сўнгги хатти-ҳаракати билан “ота-она орзуси”га қарши, гарчанд кечикиб бўлсада, исён кўтаради. Бу, ўз навбатида, нафақат “ота-она орзуси”, балки умуман эскирган урф-одатлар-у идора усулига қарши унинг сокин исёни эди.

Қўқон хонининг қипчоқларни қириш ҳақидаги фармонидан ларзага тушиб, мамлакат ҳаётида ортиқ қатнашмасликка аҳд қилган Юсуфбек ҳожи Отабек билан мулоқотида бундай дейди:

“.. – Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида бир-бирини еб ичкан мансабпарат, дунёпарат ва шуҳратпарат муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кета-дирган, бир-бirimизнинг тегимизга сув қуядиган бўлсак...” (237-бет).

Шу ерда Юсуфбек ҳожининг нутқини кесиб, лирик чекиниш тарзида қуйидаги мулоҳазани ўртага ташлашни хоҳлардим. Отабек биз тушунган маънодаги ижобий қаҳрамоннинг намунаси эмас. Унга бошқача мезонлар билан ёндашиш лозим. Умуман, ижобий қаҳрамоннинг фақат Йўлчига ўхшаб тўғри йўлдан заррача ҳам толмай-чекинмай, олгага

қараб, юксаклик сари бориши шарт эмас. Отабек – XIX аср ўрталаридағи навқирон йигитларнинг вакили. У суст ҳам бўлиши, Кумушни сева туриб, Зайнабга ҳам уйланиши, кайфияти тубанлашган пайтда Чуқур қишлоқда тушиб, бўзахўрлик ҳам қилиши мумкин. Аммо, барибир, у Кумушга ҳар томонлама муносиб йигит. Шу билан бирга у, Йўлчидан фарқли ўлароқ, отаси Юсуфбек ҳожидек донишманд кишидан руҳий мадад, ақл-заковат ва тафаккур дурданаларини олиши мумкин. Мана, ҳозир ҳам Юсуфбек ҳожи унинг кейинги ҳаётига, аҳду қарорига таъсир кўрсатувчи сўзларни айтмоқда:

“— яқиндирики, ўрис истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйиндириғини кийдирган бўламиз. Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлиға тутқин қилиб топширқучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати, албатта, тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадхун (дағи қилингандар – Н.К.) Туркистонимизнинг тўнғизхона қилишиға ҳозирланған биз, итлар, Яратғучининг қаҳрига, албатта, ўёлиқармиз! Темир Кўрогон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлар бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!..” (237–238-бетлар).

Эҳтимол, Отабек бу сўзларни кейин тез-тез эслаган, келаётган ҳавф қаршисида ўзининг ҳам масъул эканлигини ўйлагандир. Айниқса, отанинг: “Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлиға тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға...”, деб бошлиған сўзлари унга таъсир кўрсатгандир. У эҳтимол, ўғлининг қарғишига қолмаслик учун истибдод лашкари билан кечайдан курашга ўзини отгандир.

Абдулла Қодирий муайян мулоҳаза тақозоси билан Отабекнинг сўнгги сафари тафсилотларидан қочади. Шунга қарамай, биз қаҳрамоннинг Амир Темур Кўрагон каби доҳийлар, Мирзо Бобур каби фотиҳлар, Форобий, Улуғбек ва Али Абу ибн Сино каби олимлар ўсиб унган ва нашъу намо қилган ўлканинг мустақиллиги йўлида курашга отлангани ва шу қутлуғ кураща шаҳид бўлганини яхши биламиз. Отабек ҳаётининг шу сўнгги нуқтаси уни Йўлчи билан яқин-

лаштиради ва улар бизнинг қаравшимизда биродарлардек фуур билан қад кўтарадилар.

Эстетик идеал тажассуми бўлган қаҳрамонларнинг буюк инсоний фазилатларга эга бўлиши шубҳасиз. Абдулла Қодирий ҳам, Ойбек ҳам ўз қаҳрамонлари образини яратишдан муайян мақсадни назарда тутганлар. Лекин бу қаҳрамонлардан бирининг турли ҳаётий муаммолар ва азоблар во-дийисидан ўтиб, Олмаота яқинидаги жангларда, иккинчиси-нинг эса Туркистонни тўла забт этиб, мустамлакачилик си-ёсатини изчил амалга ошириб бораётган империяга қарши кўтарилиган қўзғолонда иштирок этиши ва ҳалок бўлиши фактининг ўзи мақсадларнинг муштараклигидан шаҳодат бериб туради.

## ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН ВА КОНФЛИКТ

Абдулла Қодирий ва Ойбекдек улуғ адилларнинг эсте-тик идеали фақатгина эркак қавмига мансуб асосий қаҳра-монлар образида мужассамланмаган. “Тоҳир ва Зухра” сингари оғзаки адабиёт намуналарида ҳалқ ўзининг орзу ва умидларини, ижобий қаҳрамон тўғрисидаги тасаввурини ҳар иккала қаҳрамон образида ифодалаганидек, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” сингари достонлардаги қўшалоқ қаҳрамонлар Алишер Навоий эстетик идеалининг жонли тимсоллариdir. Абдулла Қодирий билан Ойбек ҳам ўз эстетик идеалларини бадиий гавдалантиришда Кумуш ва Гулнор образларидан самарали фойдаланганлар.

Шу билан бирга бу ҳар иккала образнинг “Ўтган кунлар” ва “Қутлуғ қон” романларининг бадиий қурилмасида тутган мавқеларида айри ўринлар ҳам йўқ эмас. Аммо бу ҳақда қуйироқда баҳс юритамиз.

Ойбекнинг бош қаҳрамонлардан бирини Йўлчи деб атаганининг боиси хусусида аввалги фаслларда сўз юритган эдик. Аммо Абдулла Қодирийнинг роман қаҳрамонини нима учун Отабек деб атагани тўғрисида, бизнингча, бирор сўз айтилмаган. Ҳолбуки, “Ўтган кунлар” муаллифидаек заргар адилнинг севимли қаҳрамонларидан бирига бундай ном бергани тасодифий эмас. Чамаси, биз бермоқчи бўлган талқин дастлаб Ойбекнинг хаёлига келган бўлса керакки, у атоқди бастакор Юнус Ражабийга бағишлиланган мақоласини “Санъ-

атимиз “Отабеги” деб номлаган. Яъни у ўзбек халқ мусиқасини биринчи бўлиб тўплаб, ўрганиб, нашр этган ва шу тарзда буюк бир маданий меросимизнинг сақланиб қолишида бекиёс роль ўйнаган санъаткорнинг ўзбек мусиқаси тарихидаги ўрнини шу ном билан белгилаб берган. Айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонининг ўлка химоясига биринчилардан бўлиб отилиб чиққани учун уни шундай исм билан атаган. У ҳолда нима учун адаб Отабекнинг севгилисига Кумуш деб ном берди? “Заррина” ёки “Дилбар” деб эмас? Балки бунда ҳам биз билмаган маъно бордир. Ҳар ҳолда “Кумуш” – кам учрайдиган исм. Ойбекнинг “Дилбар – давр қизи” достонидан кейин ўзбек қизлари орасида Дилбар, “Қутлуғ қон” эълон қилинганидан сўнг эса Гулнор исмлари кенг ёйилиб кеттан. Аммо Кумуш образи муаллиф томонидан нафақат катта маҳорат, балки муҳаббат билан ҳам тасвирлангани ва китобхонлар оммасининг фоят севимли қаҳрамонига айланганига қарамай, бу гўзал исм у қадар оммалашмади. Шунга қарамай, Кумуш – барибир адабиётимиз яратган энг порлок, ўлмас ва завол билмас образлардан бири.

Кумуш образидан фарқли ўлароқ, Гулнор Ойбек романнида катта ақл ва заковат соҳибаси сифатида намоён бўлмайди. Кумуш, келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеига кўра, Гулнордан кескин фарқ қиласди. Бир томони, исломий қарашлар нуқтаи назаридан, жамиятнинг “кейинги қатлами”га, мансуб бўлган, иккинчи томони, Мирзакаримбой хонадонининг том маънодаги чўриси бўлган Гулнорнинг ақл ва заковат бобида Кумуш билан баҳслашиши куялгилидир. Лекин Ойбекнинг новаторлиги ҳам шундаки, у ўзбек роман-навислигига Йўлчи ва Гулнордек оддий, фоят камбағал халқ вакиллари образини биринчилардан бўлиб олиб кирди. Олиб кирибгина қолмай, уларнинг, хусусан Гулнорнинг ички гўзалиги ва руҳий шаффоғлигини бадиий кашф этди. Ойбек тасвиридаги Гулнорга нафақат Йўлчи муҳаббат боғлаши, балки унча-мунча мансабдор ва бадавлат кишиларни-да менсимайдиган, синфий мавқеига бирорта ғуборнинг тушишини истамаган, ҳатто яқин қариндошини танимаган Мирзакаримбойнинг уйланиши ҳам мумкин. Демак, Гулнорнинг Йўлчи томонидан ҳар томонлама қадрланиши нафақат субъектив, балки объектив асосларга ҳам эга.

Адабиёт аёл қаҳрамондан, худди аксар эркаклар сингари, гўзал бўлишни тақозо қиласи. На Зуҳра, на Шириннинг гўзаллик бобида бошқа аёллардан паст туриши мумкин эмас. Буни адабиётнинг нафис санъат эканлиги, ҳаётдаги гўзаликни акс эттиришга сафарбар этилганлиги тақозо қиласи. Гулнор билан Кумуш аввало гўзал қизлар бўлганликлари учун ҳам, биринчи фойибона учрашувдаёқ, бири Йўлчининг, иккинчиси эса Отабекнинг муҳаббатини қозонган. Ёзувчанинг вазифаси ҳам шундаки, у асар бошидаёқ ташқи қиёфаси билан бош қаҳрамон қалбини ром этган аёл образини ривожлантириб, унинг гўзал чеҳраси билан уйғун бўлган руҳий дунёсини очиши ва китобхонни шу қаҳрамонни севиб қолишга мажбур эта билиши лозим.

Мана, Йўлчининг Гулнор билан илк бор кўришуви сахнаси:

*“Йўлчи катта тўнкани яланғочлаб, илдизларини, йўғон томирларини болта билан уриб, ердан айирап экан, ўзидан ўн беш-йигирма қадам нарида, бедапоя этагида, ёнига пақирини кўйиб, унга яширинча тикилиб турган бир қизга кўзи тушди. Қиз паранжи ўрнига чукур бир яктак ёпингган эди. Эгнида эски, лекин оқ чит кўйлак. Оёқларида жуда эски калиш...”* (29-бет).

Мана, Отабекнинг Кумуш билан илк бор юзма-юз келиши:

*“Отабек Марғилон келганинг иккинчи куни пойафзал бозорига бўлган эди. Аср намознинг вакти ўтиб борғонлиқдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради... Дўкондор унга сувнинг қуладай ўрнини кўрсатди. “Мана шу бурчакдаги дарвозадан ичкарига кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб, таҳорат олурсиз”, деги. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича, қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вакт тасодифан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтағон чингилин (бежирим – Н.К.) йигитка беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайрииҳтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бир мунча вақт кўз ололмагилар”...* (52-бет).

Ҳар икки ҳолатда ҳам қаҳрамонлар бир-бирлари билан тасодифан учрашиб қоладилар. Агар Йўлчи тўнканинг йўғон томирларини болта ёрдами билан ердан айираётган пайтида

парамжи ўрнига чуқур бир яктакни ёпинган Гулнорни иттифоқо кўриб қолган бўлса, намоз ўқишига шайланган Отабек билан ариқ ёқасига келиб тўхтаган Кумуш ҳам шундай тасодифан учрашиб қоладилар. Отабекнинг Кумуш билан биринчи учрашувини яхши билган Ойбек ўз қаҳрамонларини атайин қора иш устида, эски-туски кийимлар кийган бир ҳолда учраштиради:

“Бу кимнинг қизи, қайдан келади, қаёқча боради, унинг боқишиларини сездими, йўқми – Йўлчи билмас, аммо унинг гўзаллигини биринчи қараашдаёқ ҳис этди. Қиз ҳали ёш бўлсага, бўйчан эди, бичими ингичка ва самбит гули навдасидай адл эди. Оппоққина, нозик юзи қуёшда шундай тиниқ кўриндики, гўё у нурдан яратилгандай... Пешана ва чеккасида салқиган соchlарининг жингалакларида шуълалар мавжланиб ёнар эди. Ниҳоят, Йўлчи, болтани қўйиб, манглайидан терини сидирди-га, қизга дадилроқ қаради. Лекин қиз уялиб, дарров юзини яширги. Бир минутча қимир этмасдан, қаёққадир қараб турди, сўнг пақирни кўтариб, бедапоя бўйлаб юқорига, бойнинг боғи томонга юрги. Йўлчи кўзларини қиздан узмай қотиб қолди. Қиз нарироқ бориб, орқага бир қайрилиб бокди. Йигит уни юзларида, кўзларида қандайдир мулоийм табассум сезди” (ўша бет).

Ойбек шу лаҳзанинг ўзидаёқ Гулнорнинг Йўлчи хаёlinи ўзига жалб этган портретини чизиш билан бирга унинг ҳам Йўлчига нисбатан бефарқ бўла олмагани, ҳатто унга қандайдир мулоийм табассум ҳадя этгани ва Мирзакаримбойнинг боғига юриб кетгани, демак, шу атрофда яшаганини ҳам айтган.

Абдулла Қодирий эса мазкур саҳнада, асарда қабул қилган “сир сақлаш” бадиий тамойилига риоя қилиб, Кумушнинг тўла портретини бермаган. (Биз унинг қиёфаси ҳақида аввалроқ тасаввур ҳосил этганимиз.) Лекин... лекин у шу оний лаҳзанинг ўзидаёқ Отабекнинг ақл-ҳушини ўғирлаб кетади:

...Охирда Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тутиб ётқан қирқ кокиллари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка яна бир қараб қўйди ва бу қараашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя

қилди... Кумуш ичкарига кириб, кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди. Охирда кўзини катта очиб, ўтган дақиқада учрашканни хаёлий гўзални истаб хаёлланди. Яширинган гўзал иккинчи қайта кўринмаги, эҳтимолки, Отабекни ипсиз боғлаб, ўзи қайси бурчакдан бўлса ҳам асирини томоша қилар эди” (52-бет).

Абдулла Қодирий шу саҳнада Кумушнинг орқа-ўнгини тутиб ётган қирқ кокилларининг (қирқ кокилининг эмас!) тўлқинланганлигигагина бизнинг эътиборимизни қаратади. Отабек ҳам Кумуш кокилларининг ана шу оғатижон тўлқинни кўради. Кўради-ю ерга михлангандек қотиб қолади.

Хўш, ана шу кокилларнинг орқа тарафида қандай хаёлий гўзаллик бор? Адид тасвиридаги Кумушнинг ташқи қиёфаси қандай?

Абдулла Қодирий бизни Мирзакарим қутидор оиласи аъзолари билан таништирас экан, бундай ёзади:

“Биз булар билан танишишни шу ерга қолдириб, айвоннинг чап тарафидағаги дорича орқалиқ уйга кирамиз ҳам уйнинг тўрига солинған атлас кўрпа, пар ёстиқ қучогига соvuқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётган бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингтила киприк остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлған ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизиллиқға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонига, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қошиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтирги. Сарик рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртacha кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасига унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб, жонсўз (жон ўртовчи – Н. К.) бир суратка киргизди. Бу қиз суратига кўринган малак – қутидорнинг қизи Кумушбиби эди” (25-бет).

Агар назаримизга илк бор тушган Гулнор 16 ёшни қора-лаган бўлса, Кумуш 17 ёшга тўлиб, 18 ёшга қадам қўйган,

бинобарин, Йўлчининг маъшуқасига нисбатан жисмоний (ва, албатта, ақлий) камолотга эришган қиздир. Абдулла Қодирий унинг портретини шу қадар мукаммал тасвирлайдики, ҳатто бу тасвир реал инсон қиёфасидан чизилгандек таасусрот қолдиради. Бу тасвир билан танишган китобхон Отабекнинг уйқусираган ҳолатда “қора кўзлари, камон қошлиари”, “ой каби юзлар, кулиб боқишилар, чўчиб қочишлар...”, дея “үф” тортиши сабабини яхши тушунади.

Аммо адид Кумуш сеҳрининг юқоридаги тасвири билангина кифояланмайди. У эндикина нозик уйқудан уйғонган Кумуш эди. Энди у ўз қаҳрамонининг бояги машҳур ариқ бўйигача бўлган йўлни босиб ўтиб, Отабек билан юзлашган пайтдагига ўхшашиб ҳолатини қаламга олади. Аммо бундан аввал нима учундир унинг хомуш ҳолатига эътиборни қаратиб, бундай гўзал тасвирни беради: “*Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликомиди, ҳар ҳолда намозшом гули каби ёпиқ эди*” (34-бет).

“Намозшом гул каби ёпиқ...” Нақадар ажиди ташбеҳ! Бу ташбеҳда нафис бир мавжудотнинг хомуш бўлишига, теварак-атрофдагиларнинг гап-сўзларига кар ва кўр каби бўлишига қарамай, нафис бир ёпиқлик ҳолатида эканлиги жонлантирилади.

Кўп ўтмай, Кумуш ҳолатдан чиқади:

“Кумушбиби ўзининг бир соатча вақтини шу кўйи кечирди, сўнгра ўрнидан туриб, кичкина латиф оёқларига отасининг яқиндагина олиб берган қала кавишини кийди ва ошхона юмуши билан қоришиб ётқан онасининг олдига борди.

Кумушбиби энди ўн еттини кўйиб, ўн саккизга қадам боссанликтан бўйи ҳам онасига етадаётган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди. Онасининг юмишига бир оз қараб турганидан кейин ташқарига томон кетди... Энди бояғига қаратганда бир оз енгиллангансумон, жон олғучи қора кўзлари ҳаракатлана бошлиған, бўғриққан қизил юзлари очилинқураған эдилар. Айвон устуниға суюнғач, қора қийиғ қошлиари чимириб, кўча йўлак томонга қаради, бир оз қараб турди-да, айвондан ерга тушиб, йўлак томонға, ариқ бўйига кетди. Сув бир дўйконнинг остидан чиқиб, бу ҳовлида учтўрт қулоч чамаси очиқ ҳавода оқар ва кўприк-том остиға кетар эди. Кумушбиби ариқ бўйигдан бир ўринни кўзлади-да,

сакраб нариги юзига ўтди ва чўққайди. Унинг кўзлари мулоиймфина сув остига оғдишлар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошфина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устига ўлтурган соҳиранинг сихрига мусаххар бўлган каби тару бир каттароқ доирага айлангач, оҳистагина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўтиб тушган сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишга бу фитна тару ҳам кучайди...

Нозик оёқлар толдилар шекиллик, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди” (26-27-бетлар).

Бу сўнгги парчани Кумуш портрети тасвирига бағишлиланган, деб бўлмайди. Бу парчадаги адиднинг вазифаси Кумуш қиёфаси тасвирига эмас, балки унинг намозшом гул каби очилиш жараёнини кузатишга қаратилган. Адид ана шу вазифани ғоят усталик билан бажарган. Аммо шу аснода Кумуш портретига доир баъзи бир чизгилар беришга эришганки, биз буни Кумуш портретининг сочма чизгилари, деб атасак тўғри бўлади.

Мавзууга дахлдор бўлмаса-да, Кумушнинг намозшом гул каби ёпиқ бўлгани ва ҳатто эрталаб ўрнидан туришга эрганининг боисига келсак, улар ҳам Отабекда бўлгани каби, руҳий силсиланинг оқибатидир. Кумуш ҳам Отабекни севиб қолгани учун хомуш бир ҳолатда юради, сўнг ариқ бўйига келиб, куни кечаги ҳолатни, кино тасмасидек, кўнглидан ўтказади-да, юзини ўтиб тушган сув томчилари билан ариқни ҳаракатга келтириб, енгиллашади.

Ойбекнинг Гулнор тасвирига бундан катта ўринни ажратиши шарт эмас. Гулнорнинг ўз ҳусн-жамолини намоийиш этиш имконияти, шубҳасиз, чегараланган. Унинг Йўлчи қаршисида намоён бўлиши эса умуман камёб ҳодиса. Шунинг учун ҳам Ойбек Гулнор портрети тасвирини беришга шошилмайди.

Гарчанд Нури образи билан боғлиқ масалани кейинроқقا қолдирган бўлсак-да, ҳозир Йўлчи ва Нури муносабатларини четлаб ўтиш маҳол. Негаки, Нури жисмоний жиҳат-

дан вояга етгани, ўз вужудининг талаби билан Йўлчига яқинлашгани ва уни бошқалардан рашқ қила бошлагани учун у Гулнорга ҳам шубҳа билан қарайди. Нури Фазлиддинга турмушга чиқиши ва ўзининг аёллик ҳирсини қондириш истаги билан ёнган паллада эшикни оҳиста очиб, танчага солиш учун қўлида бир хокондоз лақقا чўф билан Гулнор кириб келади:

“Нафис, нозик, маъсум бир қиз. Бўйи ёшига қараганда баландроқ, лекин бутун гавдаси мутаносиб. Болаларча кулимсираган ва юқоридан пастга тобо майин ингичкалашган, оқ, тиник юзи, қалам билан чизгандек ингичка, маънодор қошлари, узун, қуюқ киприклар орасида ёнган иирик қора кўзлари бор эди. Бу кўзларда туйғунлик, олижаноблик, кўнгилнинг баҳорий тозалиги, ишиклиги ва қандайдир паришонлик, хаёлчанлик жилваланар эди. Аммо Гулнорнинг кийими чўри қизларники каби эди: бошига эски, тўзиган қизил шойи рўмол, эгнида пахтаси юқа солинган ёки ювила-ювила юпқалашган каттагина қора липис камзул, этаклари ғижимланган, ранги айниган чит кўйлак. Мўъжаз оёқларида маҳси ҳам ўйқ...” (105-бет).

Агар Кумушни тасвирлаш жараёнида Қодирийнинг ўзида ҳам унга нисбатан муҳаббат туйғулари пайдо бўлгандек бўлса, Ойбек қарийб ҳар сафар Гулнор суратини чизар экан, унинг уст-бошига назар ташлаб, ўзида раҳм-шафқат ҳисларининг оловланиб борганини яширмайди. Аммо уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз қаҳрамонининг фақат нозик бўёқлар билан чизилган портретини китобхонга тақдим этади. Бу портретлар билан танишиб борар экансиз, Кумуш ҳам, Гулнор ҳам сизнинг яқин кишингизга, тирик инсонларга айланиб боради. Ва сиз улар тақдирининг азоб ва уқубатлар оша ўтганини кўриб, фалакнинг ўз бандаларига юборган синовларидан ўртанасиз.

Мана, Нурининг тўй куни ҳам етиб келди. Тўйда эса ҳатто чўриларнинг ҳам дурустроқ кийиниши шарт.

“Ховлида тинмай-қўнмай хизмат қилиб юрган пахмоқ сочили, исқирт кийимли ёш-қари хотинлар ҳам анчагина. Буларнинг орасида Йўлчи кеча ташқарида бир зум кўрдиги қизни таниди. Лекин у энди бир оз дуруст кийинган. Бошига янги рўмол, эгнида эски бўлса ҳам бекасамдан пахталик камзул,

оёқларида янгироқ маҳси, эскироқ калиш... (таъкид бизники – Н.К.) У югуриб-елиб хизмат қиласи... ” (133-бет).

Худди шу оқшом Йўлчи билан Гулнор хизмат юзасидан бир-бирлари билан яқинлашадилар:

“...Мирзакаримбойнинг хотини бир катта бўлак чойни Йўлчига бериб, Гулнорни имлади. Гулнор келгач, у Йўлчи билан қизга шивирлади:

– Мана бу жуда тоза чой. Катта уйда эшон ойимлар ҳам Тўрахўжабойнинг хотини, келинлари, Маҳаммад Шариф қозининг қизлари ўтиришибди. Уларга чойни аччиқ-аччиқ дамланглар, тузукми? У уйга чой сўрашса, Йўлчи акангта келиб шипшиш, Гулнор қизим! – деб тўй бекаси Лутфиниса кетди.

Унинг орқасидан қиз ва Йўлчи киноя билан бирдан қаттиқ кулишиди. Бу кулги уларнинг руҳларини қандайдир улагандай бўлди. Бундан сўнг Гулнор ҳам минут сайн келаверди. Йўлчи ҳар гал кулиб сўрайди: “Эшон ойимми? Шариф қозими? Ё Халча бувими? Айтинг?” Гулнор “қуюқ”, “нимтатир”, деб жавоб беради. У чироили майин товуш билан сўзларкан, йигитнинг қўлидан чойнак-пиёла оларкан, шўх, хумор қўзлари билан йигитга қарайди, унинг юзларида, дудоқларида йигитнинг юрагини эритувчи бир табассум ёнаги (таъкид бизники – Н.К.).

Мана шу кундан бошлаб, Йўлчи бу қизнинг асири, мафтуни бўлди” (133–134-бетлар).

Гулнор ва Кумуш сийрат ва суратларининг икки адаб томонидан нозик бўёқлар билан чизилишида улар танлаган тасвир методи бонг уриб туради. Гарчанд ўзбек адабиёт-шунослигида “Ўтган кунлар” романи назарда тутилиб, “Абдулла Қодирий миллий адабиётимизда реалистик роман жанрига асос солди”, деган фикр ҳукмронлик қилса ва бу фикр илмий жиҳатдан тўғри бўлса-да, мазкур асардаги тасвир методида романтик жилвалар устуворлик қилганини эътироф этиш лозим. Айниқса, таҳлил этилаётган икки романни ўзаро қиёслаш бирининг романтик, иккинчисининг эса соғ реалистик тасвир анъаналарига таянганини намо-йиш этади. Агар бу асарлардаги портрет тасвирига шу нуқтаи назардан ёндашсак, Абдулла Қодирийнинг Кумуш жамолини истаганча тўлиб-тошиб тасвирлаганига, Ойбекнинг эса Гулнор қиёфасини бир-икки ёниқ чизгилар билан гав-

далантириб берганига гувоҳ бўламиз. Шунга қарамай, уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳусну малоҳат бобида қиёссиз эканлиги равшан бўлади. Бундай гўзаллик эса ҳар кимнинг, айниқса, унга муносиб бўлмаган кимсаларнинг ҳам назарини тортади. Ва улар одатда ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида шиддат билан ҳаракат этадилар. Ва, афсуслар бўлсин-ким, ўз мақсадларига эришадилар ҳам.

Отабек билан марғилонликларнинг биринчи учрашуви чоғида унга берилган саволлар орасида “Уйланганмисиз?” деган одатдаги савол ҳам бўлган. Ҳасаналининг бу саволга берган жавоби ва шу йўналишдаги баҳслардан кейин Раҳмат Отабекни ҳам баҳсадан четда турмаслиги учун:

“— Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, — degu, — шундоғ кўҳликки, бу ўртага унинг ўхшиши бўлмас, деб ўйлайман.

Ҳомид бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қарагу. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этти:

— Шахримизда марғилонлик Мирзакаримбой отлиғ бир савдогар киши бор, бу шу кишининг қизидир. Балки сиз Мирзакарим акани танирсиз, у бир неча вақт Тошкентда қутидорлик қилиб турған экан?

— Йўқ, танимайман.

Ҳомиднинг юзидағи бояги ҳолат яна ҳам кучайиб, гўё тоқатсизлангандай кўринар эди” (12-бет).

Романнинг дастлабки саҳифаларида берилган бу имоишоранинг ўзидаёқ Ҳомиднинг аллақачонлардан бери Кумушни кўз остига олиб юргани ва унинг Отабекка Марғилондаги энг кўҳлик қиз сифатида таништирилишидан ғаши келгани аён сезилиб туради. Ҳолбуки, у икки бор уйлангани ва бу ҳодиса яқин ўтмишимиз учун ажабтовур ҳодиса бўлмаганига қарамай, хотинбоз лақабини орттирган эди. Демак, хотинларга нисбатан пайдо бўлувчи ҳирс унинг сажиясидаги асосий белгилардандир.

Бояги сухбат чоғида Раҳмат уйланишнинг дунёдаги энг нозик ишлардан бири экани хусусида фикр билдиригач, бунга жавобан Отабек:

“— Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, — degu, — аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладирған хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинига мувофиқтабъ (муносиб — Н.К.) бўлсин” (11-бет).

Бу сўзлар Отабекнингтина эмас, аввало, асар муаллифинг Отабек тили орқали айтаётган сўзларидир. Шу сўзларда кейинчалик воқеалар ривожи билан тарангланиб борувчи конфликтнинг учи нурланиб туради.

Отабекнинг бу одилона сўзлари Ҳомиднинг эътиrozига сабаб бўлади:

“Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмаслиқни унга кераги йўқ, — деди Ҳомид эътиrozланиб, — хотинларға “эр” деган исмнинг ўзи кифоя.., аммо жиян айтгандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас” (ўша бет).

Ҳомиднинг Отабек олдида ўзини шарманда қилаётганини кўрган Раҳмат бу сўзларга нисбатан эътиroz билдиришни лозим, деб топади. Шундан кейин:

“Жиян, — деди Ҳомид Раҳматка қараб, — бошлаб уйла-нишинг, албатта, ота-онанг учун бўлиб, улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса, учинчисини ол. Хотиним мувофиқ эмас, деб зорла-ниб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас” (11–12-бетлар). Биз Ҳомиднинг бу сўзларини бутунлай бошқа мақсадда — унинг инсоний моҳиятини очиш ва роман бадиий курилмасидаги ўрнини кўрсатиш мақсадида келтирмокдамиз. Аммо унинг ҳозирги сўзларида Отабекка оид бир ҳақиқат ҳам бор. У “Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил”, дейди. Афсуски, Отабек гарчанд ота-онасининг хоҳиши билан бўлса-да, хотинни иккита қиласи.

“Раҳмат Отабекка кулимсираб қаради-да, тоғасига жавоб берди.

— Хотин кўпайтириб, улар орасига азобланишнинг нима ҳикмати бор? — деди. — Бир хотин билан мұхаббатлик умр кечирмак, менимча, энг маъқул иш. Масалан, икки хотинликнинг биттаси сизми? Уйингизда ҳар куни жанжал, бир дақиқа тинчлигингиш йўқ” (12-бет).

Раҳмат Отабек билан Ҳомид ўртасида чиқсан баҳсга ҳакамлик қиласи экан, Отабек тарафида туриб, тоғасига жиддий эътиroz билдиради, унинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди. Айни шу пайтда унинг бу сўзлари, истайсизми ёки йўқми, Отабек учун огоҳлантириш ўлароқ жаранглайди.

Кўчирмани келтиришда давом этамиз:

“ – Сенингдек йигитлар учун, албатта, битта хотин ҳам ортиқчалик қиласидир, – деб кулди Ҳомид. – Кўп хотин ўртасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қиласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйғанимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас ” (ўша бет).

Ҳомид Марғилондаги “шундоқ кўхлик”, “бу ўртада ўхшиши йўқ” Кумушбиби ҳисобига – Абдулла Қодирий сурат ва сийратини жўшиб тасвирлаган малак ҳисобига хотинини учта қилмоқчи эди. Шунинг учун ҳам у Раҳматдан Кумуш таърифини эшитгач, ғайриихтиёрий равишда бир тебраниб қўйган Отабекнинг юзида ўзгариш, вужудида эса чайқалиш рўй берганини сезади. Шу лаҳзадан бошлиб у Отабекни ўзининг душмани деб билади ва Отабек билан Кумуш ўртасидаги масофа қанчалик қисқариши билан унинг кўксидаги пайдо бўла бошлаган заҳарли илон шунчалик тез ўса боради.

Энди Кумушнинг “тутинган эгачи”си Гулнорнинг ҳолидан хабар олсак.

Мана, баҳор келиб, Нурининг ҳовлисида голослар чаман бўлиб очилди. Нури голослар остига қўйилган, панжалири кўк бўёқ билан сирланган катта ёғоч караватга қалин кўрпача ёйиб, ёстиққа ёнбошлиб ўтирибди. Унинг қаршисида Гулнор ҳам секингина қўшиқ айтиб, дам Нури билан у-бу тўғрисида гаплашиб, кир ювмоқда. “У бу кун шод, баҳор унинг нашъасига нашъа, гўзаллигга гўзаллик қўшгин! Енглари шимарилган, тиқмачоқдай оқ билаклари қуёш нурига кумушланар, сочлари куюқ, киприклари майин ёнар эди ” (74-бет).

Гоҳ-гоҳ Гулнорнинг ёнига келиб, унга боқишиб тураётган Нурининг қайнонаси шу пайт нима учундир уни мақташга тушади:

“ – Қон-қон олтин-кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан. Илоҳим баҳтили бўл! Онангга, отангга раҳмат, сенга иш ўргатишилти ” (175-бет).

Қайнонанинг бу сўзларида ғалати бир оҳанг йўқ бўлмаса-да, унинг “Қон-қон олтин-кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан”, деган сўзлари қандайдир самимий жаранглайди. Эҳтимол, китобхон Гулнор шаънига айтилган бу сўзларни

ёдидан кўтариши мумкин эди, лекин кўп ўтмай, рўй берган бошқа бир ҳодиса уларда ҳақиқат зарралари йўқ эмаслиги-ни яна бир бор эслатади.

Гулнор меҳмонхоналардан бирини супуриб-сидирмоқда эди. Бир уйдаги ёғочдан ишланган шкафни, катта-кичик чиройли хитой вазаларини латта билан яхшилаб артгач, ик-кинчи хонага ўтади. Бу уйда Мирзакаримбой ўтирас эди. Танчанинг устида бойнинг садаф тасбеҳи билан кўзойнаги ётарди. Гулнор уларни токчага олиб қўйди, чанг чиқиши учун деразаларни очди. Шу пайт оёқ товуши эшитилиб, Мирзакаримбой уйга келди. Гулнор четланиб, деворга қиси-либ, секингина “ассалом”, деди. Мирзакаримбой Гулнорга оталарча муносабатда бўлиб, темир сандигини жаранглатиб очди-да, бир нима олиб, чўнтағига яширди. Сўнг сандиқни қулфлаб, Гулнорга қайта назар ташлади:

“*Опоқ қиз, кийиминг ёмон-ку-а... – уй ўртасига тўхтаб, деди у, -нимага Ёрмат менга арз қилмайди? Онанг қалай, кийим-кечаги бутми? Уялма, айтавер. Опоқ қиз, нега юзингни бурасан? Вой-вой, уялма, тирикчиликларинг қалай, нима етишмайди? Менга айтмасаларинг, кимга айтасанлар? Оталарингман*” (201-бет).

Мирзакарим шу вақтгача бирорта хизматкорига нисбатан бундай сўзларни айтмаган. Ҳатто ўз жияни Йўлчи онасининг қийналиб қолгани ва пул сўраттирганини айтганида ҳам у бечора жиянига нисбатан ўзида бундай шафқат ва мурувват туйғусини сезмаган. Ана шундай меҳри қаттиқ, тошбагир бой Гулнорнинг вояга етиб, ўн тўрт кунлик ойдек очилганини кўриб тилёфламалик қилишда, тўғрироғи, файрли мақсади йўлида ҳаракат қилишда давом қила-ди:

“*Қизим, ман кўп суриштирмайман, – қизга бир қадам яқинлашиб деди бой, – аввалгидаи, дегин, мазаси йўқ, дегин. Йўқ, энди, албатта, дуруст бўлади. Даданг қанча йилдан бери менга ишлайди. У келганда сан чақалоқмидинг ё онанг қорнидамидинг? Кўп замон ўтди. Қизим, даданг яхши ишлади, яширмайман. Аммо энди роҳатини кўради, энди сизларни рўёбга чиқараман, – бой Гулнорга бошдан-оёқ разм солиб, кўзларини қисиб, лабини ялаб кўйди*” (ўша бет).

Гулнорнинг юзи уят-андишадан оловдек ёнган бўлса ҳам, дадасига яхши турмушни ваъда қилган хўжайин олдида бўза-

риб туришни одобсизлик билиб, унга миннатдорчилек билдириди.

“— Бери кел, санга бир нима кўрсатаман, — секингина дегу хўжайин.

...Бой ҳалиги сандиқни очиб, оқ латтага ўралган бир тугунчак олди.

— Кўрдингми? Бу нима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана бу ёнган — гавҳар. Қолганлари — ҳар-хил тошлар, ёқут, зумраг.

Мирзакаримбойнинг ҳовучига сиғмаган бу қимматбаҳо бе-заклар кўзни қамаштиради. Оқ, сарғиш дур ва марваридлар пориллайди, ёқутлар, гавҳарлар ранг-баранг ёнади. Ҳамма-си бир-биридан гўзал товланади. Гулнор қизиқиб томоша қилди.

— Мана бу дурми? Жуда тоза экан. Нури опамда ҳам бор-а?

— Ҳаммаси асл, қизим. Менда паст нарса бўлмайди, — дегу хўжайин, кейин қизга караб, кўзини қисиб кулади. — Ол, бир шодани тақиб кўр. Жуда ярашади... Буларнинг бари қизларга, хотинларга чиқарилган. Ма, ол, тақ..., — деб Гулнорнинг ҳовучига тўқди...” (201 – 202-бетлар).

Нури қайнонасининг “Қоп-қоп олтин-кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан”, деган сўзлари бежиз айтилмаган экан. Мирзакаримбой темир сандиқчасидаги олтин-кумушлари-ни тақдан Гулнорнинг оддий бир чўридан гўзал маликага айланиши мумкинлигини билар, шунинг учун ҳам унга — кенжатои Нуридан ҳам кичик бир қизга уйланиш режасини тузмоқда эди.

Қайнонанинг Гулнор ҳақидаги сўзлари Нурининг қаҳрини келтиради. Йўлчини ўз уйига хизматкор бўлиб қолишга таклиф этганида, “йўқ” жавобини олган бойвачча қиз хамма “сир” Гулнорда эканини сезган эди. Йўлчига етишиши йўлида тўғаноқ бўлган бечора қизга қарши кураш оловини пуркаб, уни бузуққа чиқарган эди. Аммо воқеалар оқими кескин ўзгариб, отасининг кимсан бир оддий чўрига уйланмоқчи бўлганини эшитган Нури билан Салимбойвачча ўзаро бирлашиб, Гулнорга қарши жанг бошлайдилар. Ва бу жанг турли жабҳаларда, турли йўллар билан кечади. Даствор Салимбойвачча поччаси Тантибойвачча ёрдамида Гулнорни ўғирлаб, уни Қора Аҳмаднинг уйига яширади. Бу икки бой-

ваччанинг мақсади фақат отасининг Гулнорга уйланишига тўсқинлик қилиш, ўз фароғатли турмушларининг бундан кейин-да бир маромда оқишини таъминлашгина эмас, балки баҳор чечаклариdek очилган қиз билан ишрат суриш ҳам эди. Улар ўз мақсадларига эришмай, қудратли оталари олдида ожиз қоладилар. Мирзакаримбой Гулнорга уйланибгина қолмай, ёш келиндан чақалоқ ҳам кутади. Шундан кейин улар...

Шундан кейин Ҳомид ўзининг барча мақр-ҳийласи, олтин-кумушини Отабекни давлат аҳкомлари олдида душман қилиб қўрсатиш ва йўқ қилишга қаратади. Марғилон саройида, Отабекни зиёрат этиш учун жияни билан бирга борган Ҳомид билан асар қаҳрамони ўртасида ғойибона бошланган рақобат кескин ва ўткир қирралар касб этиб, тинимсиз равищда ривожланиб боради. Агар Нури бошлаган курашга дастлаб Салимбойвачча келиб қўшилган ва улар сафига яна кимлардир илашиб турган бўлсалар, Ҳомид бошлаган кураш дастлаб қўрбоши билан қушбеги томонидан қўллаб-қувватланади, аммо кейинчалик Марғилондаги бошқа шубҳали унсурлар ҳам бу курашга ўз “ҳисса”ларини қўшадилар.

Ҳомид бошлаган кураш бир неча “раунд”дан иборат. У боксчилар ўртасидаги курашга ўхшайди. Аммо ундан фарқли жиҳати шундаки, бу кураш икки томондан бирининг ҳалок бўлиши билан тугаши лозим. Ҳомид, шак-шубҳасиз, ғалабага эришиш учун ҳар қандай фирром ўйинга ҳам тайёр.

Хар иккала романда шиддат билан кечган конфликт Отабекни ҳам, Йулчини ҳам фалажлантириб қўяди. Тўғри, Йўлчи Отабекка нисбатан фаол ҳаракат этиб, гоҳ ўзига, гоҳ бошқалар устига тушаётган зарбани қайтариб туради. Унинг ана шундай кескин ҳаракатларидан бири ўғирланган Гулнорни топиши ва уни Қора Аҳмаднинг чангалидан тортиб олишидир. Аммо Йўлчи билан Гулнорга ва улар муҳаббатига қарши бошланган ҳаракатнинг бу икки ёш фойдасига тугаши амри маҳол эди.

Агар Салимбойвачча ва унинг шериклари мурод-мақсадлари йўлида очиқ кураш йўлини танлаган бўлсалар, Ҳомид зимдан зарба бериш тактикасини мукаммал эгаллаган. У Отабек билан қутидорнинг жаллод пичоғидан омон чиқ-

қанлари билан муроса эта олмайды. У Марғилон ҳокими Үтаббой қүшбегини қўлга олиб, унинг кўмагида Отабекни энди “қора чопонлилар” — тошкентлилар душмани Мусулмонқулнинг қонли қўлига топширади.

Аммо Ҳасаналининг Нормуҳаммад қүшбеги қўли билан ёзилган ва Юсуфбек ҳожи ёрдамида Тошкентда исёнчи Азизбек устидан қозонилган ғалаба тафсилоти баён қилинган хатни ўз вақтида етказиб келиши Отабекни иккинчи маротаба нақд ўлимдан сақлаб қолади.

“Ўтган кунлар” романидаги конфликтнинг тинимсиз ривожида Кумуш ҳам, Отабек ҳам, Ҳомид ҳам ўз ролларини бажарар эканлар, тароз палласи навбатма-навбат гоҳ у, гоҳ бу томон фойдасига оғади. Агар конфликтнинг ҳаддан зиёд кескинлашишида Ҳомид ўтакетган иблис сифатида намоён бўлиб, ўзида мусулмон оламидаги барча иллат, макр ва қабиҳликларнинг тирик тажассуми ўлароқ гавдаланса, Кумуш унга қарши курашда малак ўлароқ улуф бир виқор билан қад кўтариб туради.

Отабек билан қутидор ilk маротаба ўлим билан юзмай келганларида, Кумуш қүшбеги ҳузурига нажот излаб боради. Отабекнинг чўнтағидан топиб олинган хат, унинг назарида, ҳар икки маҳбусни қутқаришга қодир эди. Шунинг учун ҳам қүшбеги Кумушдан сўрайди:

“— Буни нега илгари олиб келмадингиз?

Қүшбегининг бу саволидан Кумушбиби қўрқинч бир маънени англади. Гўё “иш ўткан, сўнг келибсан”, дегандек тушунган эди. Шунинг учун ул титроқ бир овоз билан сўрагди:

— Энди ярамайдими?

— Йўқ, йўқ, қизим, — деди қүшбеги, — мен нега кеча ва ўткан кунларда олиб келмадингиз, демоқчиман.

Кумушбиби бир оз энтикиб қўйди ва ўзини тўхтатиб:

— Ўзим ҳам бу мактубни бу кун кўрдим, — деди.

— Мактубни илгари кўрмаган эдингизми?

— Кўрмаган эдим.

— Мактуб қаерда экан?

— Унинг эски камзулининг чўнтағига экан” (78–80-бетлар).

Бу, Юсуфбек ҳожининг Тошкентда, Азизбек туфайли Кўқон хонига қарши кўтарилаётган исён ҳақидаги, Отабекни эҳтиёткор бўлишга чорловчи хати эди.

“— Бу мактуб билан эрингизни ўлимдан қутула олишини сизга ким айтди?

— Ўзим билдим.

— Бўлмаса илгаридан эрингизнинг ўша ҳаракатидан ҳам билар экансиз-да?

— Йўқ, тақсир, — деди Кумуш. Қушбегининг мақсадига тушиниб олган эди, — мен онам билан то шу кунгача уларнинг нима гуноҳ билан қамалғанларини билалмай ҳасратда эдик. Фақат бу кун кишиларнинг оғзидан эшишиб билдикки, сиз уни Тошканндан исён чиқарғали келгучи, деб гуноҳкор қилур экансиз. Онам билан маним баҳтимга кутмаган жойдан мўъжизадек бу мактуб топилди-да, мен хизматингизга юргирдим... “ (80-бет).

Хуллас, Кумушнинг ушбу хатти-ҳаракати туфайли қутидор билан Отабек дор остидан омон қайтадилар. Кумуш шу саҳнада нафақат эри билан отаси, балки қушбеги қаршисида ҳам нажот фариштаси ўлароқ мағрур қад кўтаради. “Кизим, — дейди унга қараб қушбеги, Отабекнинг адолатли талабларига жавоб бериб бўлгач, — сизнинг бунчалик заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар қанча ташаккур айтсалар ва ўзларининг мундан сўнгги умрларини сизнинг баҳшишингиз (марҳаматингиз —Н. К ), деб билсалар арзир (101-бет).

Ҳар иккала асаддаги конфликт ана шу тарзда аёллар туфайли кескин тус олади. Аммо бу конфликт ва унинг ривожи жамиятдаги асосий иллатларни келтириб чиқарган ижтимоий илдизлар, сабаблар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар иккала асаддаги конфликтнинг бир қутбини эзгулик тимсоли бўлган қаҳрамонлар ташкил этади ва бу ҳар иккала асад шу асосий ижобий қаҳрамонларнинг ҳалокати билан тутайди. Агар Кумуш кундоши Зайнаб томонидан заҳарлаб ўлдирилган бўлса, Гулнор Салимбойвачча қўлидан шундай ўлимни топади. Ҳар иккала эркак қаҳрамон эса ўз юртининг озодлиги йўлида курашиб, душман ўқидан ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, конфликт ижобий ва салбий қутбдаги кишилар ўртасидаги “хонаки” курашдан секин-аста катта ижтимоий ва ҳатто сиёсий аҳамиятга молик курашга ўсиб чиқади.

Ўзгариб бораётган жамиятда жоҳиллик билан эзгулик, хурлик билан қуллик, осуда ҳаёт билан истибод ўртасида жангу жадаллар кетаётган бир пайтда Отабек билан Кумуш, Йўлчи билан Гулнор муҳаббатларинингтина эмас, балки уларнинг ўзларининг ҳам тирик қолишлари маҳол эди. Негаки, уларни ҳимоя этиши мумкин бўлган жамият ич-ичидан чириган, бинобарин, ўз фарзандларини ҳимоя қилиш кучига эга эмас эди.

## ТАСВИР ҚАТЛАМЛАРИ

Бош қаҳрамонлар бадий асарнинг юрагидир. Улар атрофини қуршаган, ҳатто уларни курашга чорлаган, улар билан зиддиятта киришган иккинчи ва учинчи даражали қаҳрамонлар ҳам бош қаҳрамонларнинг инсоний ва ижтимоий моҳиятини очища фаол иштирок этади. Ва улар ўзаро бирлашиб, яхлит бадий организмни ташкил этган ҳолда муаллифнинг бадий ниятини ифодалаб келади. Шу маънода реалистик адабиётда адибнинг у ё бу мавзуга мурожаат этиши, у ёки бу қаҳрамон образини танлашида аввало унинг бадий нияти муҳим аҳамиятга молик

Социалистик реализм методига асосланган совет адабиётининг асосий хусусиятларидан бири – ғоя ва ғоявийлик, айрим адабиётшуносларнинг фикрича, шу адабиёт билан бирга ўз умрини ўтади. Ҳатто совет адабиётидан кейинги даврда ғоя ва ғоявийлиқдан ҳоли бўлган баъзи бир асарлар ҳам пайдо бўлди. Аммо ғоя факат марксча-ленинча мафкуранинг мулки эмас. Мустақиллик даври адабиёти ҳам муайян бир ғояни тарғиб этиши лозим. Ғоясиз, маъно ва мақсадиз асарларни ўз вақтида турли адабий оқимларга мансуб ёзувчилар, хусусан, декадентлар ёзиб кўрдилар. Ҳозир ҳам хорижий адабиётда ғоясиз асарлар оқими тўхтаганича йўқ. Бундай асарларнинг муаллифлари ўзлари яшаётган жамиятда ғоясизлик ва маслаксизликни фаол тарғиб қилмоқдалар.

Шарқ адабиёти ўзининг узок асрлик тарихида ҳали бирорта ҳам ғоясиз асарни яратмаган. Шарқ шоир ва ёзувчилари учун адабиёт, биринчи навбатда, маънавий, рухий ва бадий тарбия воситаси. Шу маънода адабиёт Шарқда ҳамиша ғоявий адабиёт бўлиб келган. Ҳали социалистик реа-

лизм методи ўйлаб топилмаган бир пайтда “Минг бир кече”ни яратган араб адабиёти, шунингдек, Жўржи Зайдон романлари таъсирида майдонга келган “Ўтган кунлар” ҳам муайян бир фояни тарғиб қилишга йўналтирилди. Абдулла Қодирий бу асарда Отабек билан Кумуш ўртасидаги муҳаббат тарихини тасвирлар экан, унинг фожиа билан тугашига сабаб бўлган эскича тафаккур, эскирган расм-руссумлардан воз кечиб, жамият ва оила асосларини янгилаш лозимлиги билан боғлиқ фояни илгари сурган. Бу жамият ва оила асосларининг XX аср ўрталарига келиб ўзгарганлиги, рус мустамлакачиларининг бундан манфаатдор эмаслиги, аксинча, маҳаллий амалдорлар ва бойлар билан оғиз-бурун ўпишган ҳолда халқни қуллик ва мутелик муҳитида ушлаб турганлари Ойбек романида бадиий тадқиқ этилди. Ойбек ўз асарида ана шу мудҳиш шароитдан қутулиш учун халқ ижтимоий жиҳатдан фаоллашиши ва қурашиши лозим, деган фикрни ўртага ташлади. Ана шу фикр-хуносада “Қутлуғ қон” романининг фояси камалак ранглари билан товланиб туради.

Ҳар иккала романдаги бош қаҳрамонлар образи ана шу фоянинг бадиий реаллашишида муҳим роль ўйнайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу бадиий жараёнда бошқа персонажлар ҳам, ўз мавқеларидан келиб чиқсан ҳолда, иштирок этадилар. Шу билан бирга ёзувчи бадиий ниятининг мужассамланишига қуйидаги тасвири қатламлари ҳам хизмат қиласади.

**Тарихий воқеалар тасвири.** “Ўтган кунлар”, ўз жанрига кўра, худди “Қутлуғ қон”дек, тарихий романdir. Тарихий роман жанри эса ҳатто бадиий тўқима маҳсули бўлган қаҳрамонларнинг ҳам муайян тарихий шароитда, тарихий шахслар ва тарихий воқеалар муҳитида ҳаракат этишини тақозо этади.

Абдулла Қодирий асарга олтмиш йилдан зиёд вақт аввал содир бўлган воқеаларни тарихий фон сифатида жалб этган. Бу воқеалар ўз даврида халқни ларзага солибгина қолмай, балки роман ёзилган вақтда ҳам одамзод хотирасида тарихнинг мунгли ва фожиали саҳифалари ўлароқ яшамоқда эди. Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам роман учун ҳаётий материалларни ўрганиш мақсадида Қўқон ва Марғилонга борганида бу мудҳиш воқеаларнинг тирик гувоҳлари билан учрашган, улар хотиralари билан танишиб, мутаассир бўлган

ҳамда бу воқеалар авлодлар учун сабоқ бўлсин, деган ниятда уларни роман тўқилмасига олиб кирган.

Романдаги тарихий воқеалар, бир томондан, Қўқон ҳонлигига қарашли Тошкент ҳокими Азизбекнинг исёни, Нормуҳаммад қўрбошининг Тошкентта лашкар тортиб келиши ва енгилиши, кейин эса ғалабадан эсанкираган Азизбекнинг халқقا катта солиқ солиши натижасида Тошкентда Азизбекка қарши кўтарилган қўзғолондан, иккинчи томондан эса Мусулмонқул зулмига қарши бошланган юриш ва у мансуб бўлган қипчоқларни қиришдан иборат.

“Қутлуғ қон” романидаги ягона тарихий воқеа 1916 йил Тошкент қўзғолонидир. Бу қўзғолон асарда тасвирланган барча воқеаларнинг мантиқий натижаси сифатида тасвирланган ва асар бадиий тўқилмаси билан узвий равишда боғланган. “Ўтган кунлар”да эса, Ойбек романидан фарқли ўла-роқ, тарихий воқеалар асарнинг бадиий қатламига шу қадар сингиб кетмаган. Шунинг учун ҳам Ойбек “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” тадқиқотида бу ҳақда қуйидаги мулоҳазани баён этган:

“*Масалан, романнинг учинчи қисмида “Мусулмонқул истибодига хотима” дейилган 13–14 саҳифага чўзилган боб фақат бадиий хроникадир, ёзувчи тарихчи сифатида тарихий воқеани ўқувчига тушунтиради. “Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даккисини еб келган, магар уламо халқда ундан жуда рози, зероки, Мусулмонқулнинг биринчи истинодгоҳи (таянчи) ўзининг қипчоқлари бўлса, иккинчиси уламолар эди. У уламо орқали ўз зулмини машруъ бир тусга қўйган, ўзи учун зарарли унсурларни йўқотишида шу уламолардан “улул амрга боғийлик” деган фатво ни олишни унумтмаган эди. Уламонинг бу янглиғ “боғийлик” ранги билан бўяб бериш мукофоти учун Қўқон ва Андижон каби шаҳарларга маълум мадрасаларни бино қилган ва бу мадрасаларга хизмати билан танилган уламодан мударрислар тайинланган эди. Аммо Мусулмонқулга яқинлаша олмаган, яъни унинг хизмати ва марҳаматидан четда қолган “нимча” уламолар ҳам йўқ эмас эшилар*”

Кўринадики, нақ шунинг каби парчаларда бадиий яратувчилик, яъни тарихни бадиий тушуниш ўрнини тавсифлаш олади. Тўғри, романда тарихий фактлар рангиз, қонсиз тавсифланмайди. Хонлик даври тартиби, у даврдаги майшат,

*одатларни Абдулла Қодирий бир қанча сезгилар билан... равшан кўрсатаги”<sup>1</sup>*

Ойбек шу сўзларни ёзган давр тарих фактлари ва маълумотларидан самарали фойдаланишга, уларни бадиий қатламга “едириб” юборишга монелик қилар, бинобарин, ҳозирги маънодаги тарихий романдан кўра, муайян тарих фактларидан ўсиб чиқсан ва тарих ҳақиқатига нисбатан эркин муносабатда бўлган асарлар кўпроқ қадрланар эди. Айни пайтда шаклана бошлаган социалистик реализм эстетикаси ҳам тарихий воқеадан тарихий декорация сифатидагина фойдаланишни эмас, балки тарихий воқеаларни синфиийлик мезонлари асосида талқин этишни талаб эта бошлаган эди. Ойбек ҳам “Қутлуг қон”да тарихий материалга ана шу нуқтаи назардан ёндашди, аммо шунга қарамай, тарихий давр ҳақиқатини теран очишга эришди.

Шубҳасиз, 60-йилларда Ойбекнинг Абдулла Қодирий романига бўлган муносабати кескин ўзгарган ва у “Ўтган кунлар”да адабнинг тарихий декорациядан фойдаланишда новаторлик белгиларини намойиш этганини эътироф қилган.

Ойбек романдаги “Халқимиз таъбирича, бу замон “мусулмонобод бўлса-да...” сўзлари билан бошланадиган лавҳани келтириб, унга бундай талқин берган эди:

*“Бу парчада келтирилган моментлар гарчи киши образига бадиий конкрет кўрсатилмасдан, фақат нақл қилинсанга, Абдулла Қодирийнинг чуқур сатира сезгилари “мусулмонобод” деб аталган даврни сездиради, ўқувчи хаёлини ўша даврга кўчиради, ўқувчининг тасаввурини дарров мозий ичига олиб киради”<sup>2</sup>.*

Ойбек танқидий мулоҳаза билдирган бояги лавҳа ҳам, бошқа тарихий воқеалар тавсифи ҳам, шак-шубҳасиз, тарихий давр руҳини бериш, китобхон хаёлини ўша даврга кўчириш ишига хизмат қилади.

Кези келганда шуни эслатиб ўтиш жоизки, асримизнинг буюк адиларидан бири Чингиз Айтматов асарлари ер юзидаги кўплаб халқлар ва уларнинг машҳур намояндалари эътиборини қозонган. Шундай сиймолардан бири компози-

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами, XIV том – Б 122–123.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар, 123-бет.

тор Дмитрий Шостакович қирғиз адеби билан қылган сұхбаттарыннан бирида бундай деган:

“Чингиз, ...сендан иккита нарсани шалтимос қиласан. Бириңчиси – асарларингдаги қаҳрамонларни құршаб олған оламни күчинг етганича фалсафий жиҳатдан идрок этиш йўлига ўтгин...”<sup>1</sup>

Атоқли композиторнинг иккинчи истаги ҳозирги баҳста алоқадор бўлмагани учун унинг сўзларини шу ерда бўламан.

Қаранг, бирор тажрибали ёзувчи эмас, балки композитор қаҳрамонларни құршаб турған оламни мумкин қадар терандроқ фалсафий идрок этиш, бинобарин, акс эттириш лозимлигини таъкидламоқда. Воқеликни тасвирлашнинг бундай тамойилига эҳтиёж 60–70-йилларда пайдо бўлган эса-да, Ойбек бу эҳтиёжни 40-йиллар арафасида сеза бошлаган.

*Тарихий шароит тасвири.* Ҳар қандай бадиий асар қаҳрамонлари сингари, Абдулла Қодирий ва Ойбек романларидаги персонажлар ҳам муайян тарихий замон ва мақонда яшайдилар. Агар Отабек билан Кумуш ўтган асрнинг 60-йиларида Марғilon ва Тошкентда умргузаронлик қиласан бўлсалар, улар характерининг шаклланиши ана шу шаҳарлардаги тарихий шароит ва урф-одатлар билан бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ёзувчининг шу шароитни тарихан аниқ тасвирлаши қаҳрамонлар образининг ёрқин ва ҳаққоний чиқишида мухим роль ўйнаган.

Узоқ давом этган ички низо ва урушлар, айниқса, истилочиларнинг Туркистондаги хатти-ҳаракати оқибатида Тошкент, Кўқон на Марғилондаги бир қанча тарихий бинолар бузиб ташланди, кўча ва уйларнинг ички тузилишида ўзгаришлар юз берди. Шунга қарамай, Абдулла Қодирий ҳам, Ойбек ҳам ўз қаҳрамонлари нафас олған шароит манзараларини тарихан ҳаққоний чизганлар, десак, хато бўлмайди. Айниқса, Абдулла Қодирий баъзан шарт бўлмаган, асосий қаҳрамонларнинг руҳий олами ва фаолияти билан бевосита боғланмаган жўпрофий жойлар, мудофаа усуллари, саройлар, расмий идоралар ва бошқа манзилларни ҳам майдада таф-

<sup>1</sup> Шохонов М. Чингиз Айтматов. Чўққида қолган овчининг охи-зори. – Тошкент, 1998. – Б-99.

силотлари билан чизган. Масалан, у биринчи китобнинг “Қамоқ” бобида Марғилон ўрдасини, “Бир ғарип кеч” бобида эса Кўқон ўрдасини мукаммал тавсиф этган ва рассомлар бу тавсифлар асосида ҳар иккала ўрданинг асл кўринишини чизиб беришлари мумкин. Лекин, Ойбек тўғри танқид қилганидек, бу тавсифу тасвирлар “асарнинг бадиий тўқимасига узвий кириб, драматик моментларни ташкил қилмайди” Ҳолбуки, тарихий шароитни ташкил этувчи жойлар, бинолар, уй жиҳозлари ва бошқаларнинг мукаммал тавсифини бериш ёзувчи услубининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Бу услуб, Ойбек айтганидек, асарнинг бадиий тўқимасига узвий кириб, драматик моментларни ташкил этиши лозим.

Биз аввалги фаслда Кумушнинг ноз уйқудан уйғонган пайти билан танишган эдик. Бу лавҳа биринчи китобнинг “Киройи қуёвинг шундоғ бўлса” деб номланган бобида берилган бўлиб, у қуидагича бошланган:

“Пойафзал бозори ва унинг бурчагидаги ҳовли... Ўқуғувчи, албатта, бу ҳовлининг эгаси билан таниш чиқар. Кўримсиз, чирк босиб қорайган, жуда кўп хизмат қилиб кексайган, очиб-ёпканда анвоғи-турлик доди-фарёд қиласурғон, бунда саналган сифатларини бир ерга жамлаб натижажа чиқарғанда “шарти кетиб, парти қолған” бир дарвозасининг остоносидан уч-тўрт қадам ичкарига кирилса, Бухоро зиндононларидан бирини ҳис этилур ва қоронғу йўлакнинг ниҳоятидаги ёруғликка томон ошиқилур... (24-бет).

Адид ана шу руҳдаги узундан-узок, тавсиф ёрдамида бизни Мирзакарим қутидор хонадони билан таништиради. Шубҳасиз, бир-икки муҳим чизмалар орқали бу хонадоннинг ташқи ва ички қиёфасини чизганда ва бу чизмалар Кумуш образини очишга бевосита хизмат қилганда, асар кўпроқ ютган бўлар эди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, адид Ҳасанали билан Зиё шоҳининг қутидор хонадонига борганларидан фойдаланиб, яна назаримизни уй жиҳозларига жалб этади:

“Уй жиҳозга ғоятга бой, гўё музхона тусини берар эди. Тахмонда турлик рангда атлас ва шоҳилардан қопланган кўрпалар, тахмон токчаларига уйилган пар ёстиқлар, қатор-қатор хитойи жононлар: косалар, кўзалар, чинни ишишлар, лаганлар, кумуш қинлик ханжар ва қиличлар, қалқон ва си-

парлар, дөргө солинган түрлүк гуллик эр ва хотин кийимлари: пүстин, чакмон ва бошқалар, қип-қизил гилам ва шоҳи кўрпачалар киши кўзини қамашдирар даражага эслиар” (37-бет).

Бу тавсиф Кумуш ва унинг ота-онаси тўғрисидаги, улар яшаган мухит тўғрисидаги тасаввуримизга аниқлик кирилади, албатта. Аммо, эътиrozли жойи шундаки, қутидор меҳмонларнинг совчи бўлиб келганлари ва уларнинг истаклари тўғрисидаги хабарни Офтоб ойимга етказиш учун уй ичига киргандан кейин шу манзара китобхон эътиборига ҳавола этилади.

Ойбек эса ўз асарида бундай ортиқча тавсифлардан, қаҳрамонлар образини очишга ёрдам бермайдиган портрет, манзара, шароит ва ҳ. к.лар тасвиридан онгли равишда қочади.

...Йўлчининг Мирзакаримбой хонадонига келган дастлабки кунлари эди.

“Кўргон эшигидан Мирзакаримбой чиқди. Йўлчи ўрнидан туриб, салом берди. Бой унга қарамасдан, “ваалайкум”, деб ўтиб кетди. Бир оздан кейин меҳмонлар олдидан қайтди:

— Бу ёқقا юр-чи, жиян, — деди.

Бой ариқдан тетик ҳатлаб, олдинга юрди. Унинг янги амиркон ковуши юмшоқ фирчиллар, шоҳи якtagи қуёшда жи-вири-живир товланиб, учқунланиб ялтирап эди. У боғнинг ташқарига қаратилган кичкина эшигига кирди. Йўлчининг кўзига жаннатдай катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юраверди. Орасидан Кўқон арава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган. Боғнинг тўрт томонини ўраган баланд, пахса девор бўйлаб шафтолилар ўсади. Кўпларига тирговичлар кўйилган бўлса ҳам, меванинг кўплигидан шоҳлари синиб, ерга тегиб ётади. Боғнинг куйисига катта олмазор Йўлчига шуниси қизиқ туюлдики, бу ерга қай томондан қараманг, ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида, текис саф тортиб туради, дарахтлар ўртасидаги масофа ҳам баравар...

Мирзакаримбой боғни айланиб, бир ерга тўхтаги ва кулиб:

— Ишга тобинг борми, жиян? — деди (26-бет).

Биз “Қутлуғ қон”дан Мирзакаримбой характерини очишига хизмат қилювчи ушбу лавҳани бежиз танламадик. Бу лавҳани ўқир эканмиз, камгап, ҳар бир сўзини ўлчаб гапирадиган бойнинг майин ва сокин овозини эшитгандек, унинг кексалигига қарамай, ариқдан тетик ҳатлаб ўтганини кўргандек, аниқ ва пишиқ режа асосида барпо этилган боғ тасвири орқали эса Карим читтакнинг қандай қилиб Мирзакаримбой даражасига эришганини билгандек бўламиз. Сўнг, албатта, унинг: “Чакки бўлибди, жиян. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди”, деган сўзларини эслаймиз.

Ойбек, Абдулла Қодирий сингари, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан ҳолда Тошкентнинг тарихий жойларини ҳам бир-икки чизмалар билан тасвиirlаб ўтади. Аммо у кўпроқ тарихий шароитни тарихий қимматга молик жойлар тасвири орқали гавдалантиради. Мана, масалан, адид Нурининг Гулнордан қутулиш йўлларини ахтариб, фолбинга боришини бундай тасвиirlайди:

“Шўртепа маҳалласидан ўтиб, жарликка тушди. Обжувоз, тегирмоннинг юқорисига, ери шўрҳок, деворлари бузук – ёриқ бир ҳовлига кириши. Ҳовли ўртасига чирик гавдаси ўрадай ўпирилган, қари баҳайбат бир туп тол. Унинг тарвақайлаган кўпол, яланғоч шохлари ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига етади. Уларга кўниб ўйнаган қарғалар, бир нимадан чўчиган каби, аянчли бир товуш билан қағиљлашади... Нури олдиндан юриб, саҳни яланғоч, эни бир бўйра қадар айвонга яқинлашгач, тупроқча қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шилдиратиб, ўрнидан турди... Нурини нақ мозористонга ёлғиз ётган каби бир ваҳима босди... Айвонча билан бир қаторда, қўргон каби баланг, ҳайбатли, лекин жуда эски пахса уйнинг ис босган, қора эшиги жимгина очилди, останага мудҳиш бир маҳлук пайго бўлди: бу фолбин эди” (214–215-бетлар).

Ойбек фолбин яшаган масканнинг бу мудҳиш тасвири билан унинг – олис ва аянчли ўтмишнинг тимсолига бўлган муносабатини, унинг образинигина эмас, балки бу ерга келишни ихтиёр қилган Нурининг қора нияти, ёвуз мақсадиди ҳам нурлантириб юборган.

Ойбек тарихий шароит колоритини беришда мустамла-качилик сиёсатининг меваси бўлмиш исловотхона, ресто-

ран сингари Туркистан ҳаётидаги “яигиликлар” тасвиридан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

**Миллий анъаналар ва урф-одатлар тасвири.** Ҳар бир асарга ҳам миллий рух бағишловчи, ҳам қаҳрамонларнинг миллий “илдиз”ларини намойиш этувчи восита миллий ма-росимлар, урф-одатлар ва бошқа белгилардир. Шубҳасиз, “Ўтган кунлар” биринчи ўзбек миллий романи бўлгани ва Абдулла Қодирий бу тўнғич романини ҳали “ўзбек совет адабиёти” шаклланиб улгурмаган даврда ёзгани учун унда миллий рух ва миллий ҳаёт бўёқлари ёрқин акс этган.

Миллий ҳаётдан олинган романда тўй тасвирининг бўлмаслиги маҳол. “Қутлуғ қон” ва “Ўтган кунлар”да эса қаҳрамонларнинг бир эмас, ҳатто иккита тўйи бўлиб ўтади. Агар биринчи асарда Ойбек (Йўлчига бир оз даҳлдор бўлгани учун) Нури тўйининг баъзи бир лавҳаларини тасвирилаган бўлса, иккинчи асарда биз Отабек билан Кумушнинг тўйига гувоҳ бўлганимиз ҳолда, бош қаҳрамонлар ҳаётини заҳарлаган иккинчи тўйининг бўлиб ўтганидан хабар топамиз, холос. Ойбек ҳам кекса бойнинг Гулнорга уйланганини айтиб ўтиш билангина кифояланади. Ҳар иккала ёзувчининг иккинчи тўйни тасвир этмаганлари бежиз эмас.

Нури Фазлиддинга турмушга чиқишидан аввал Йўлчи билан муҳаббат ўйинини бошлаган эди. Йигит бойвучча қизнинг батракни севиб қолишига у қадар ишонмаган бўлсада, тўй дарагини эшишиб, ўксингандек ва камситилгандек ҳис этади ўзини. Аммо кўп ўтмай, “*Nuriga ўжашаш қизларнинг ишқи баҳорда ёқсан қордай: бир ёқдан ёғиб, бир ёқдан эриб кетади*”, деган хulosага келади у. Шундан кейин биз Нурининг тўйини хизмат билан банд бўлган Йўлчининг нигоҳи орқали кўрамиз:

“*Қиём вақтида бир қанча болалар: тўй келди, тўй келди*”, деб бақириб-чақириб югуришди. Юк орқалаган, оғир қоплар остига икки букилган аравакашлар ва маҳалла йигитлари ҳам кўриниб қолди. Ёрмат Йўлчини судраб, кўчанинг бошига, аравалар тўхтаган жойга юргурди. Тўй учун куёв томонидан ўн беш арава юк юборилган. Ҳар бир аравада бошқа-бошқа моллар ва буюмлар... Бу ерга қийғос тўполнон билан аравакашларнинг юзларига ун сепилди. Аравакашлар бошларини унга тиққангайдай ё тегирмончишдай оқардилар. Йигирма бир қўйнинг маъраши, сўкиш, асқия, маҳалла

болаларининг қий-чуви ичида араваларни илдамлик билан бўшатиб, юкларни бойникига ташишга киришилди” (75–76-бетлар).

Йўлчидек камбағал йигитнинг хотирасига тўй ана шундай дабдабали муқаддимаси билан ўрнашиб қолади. Арава-арава мол келганига ва маҳалла болалари бу молларни терлаб-пишиб ташиганига қарамай, улар тўйдан қувиб чиқарилади. Бир соатдан кейин “ироқ-ёвуқ”дан тўйга даъват қилинганлар кела бошлайди:

“Келувчилар “аҳли раста”, яъни савдогарлардан, сўнгра уламо, мударрис ва эшонлардан иборат. “Аҳли расталар”да бойларча зоҳирий мутавозелик ва ички мағурулрик; дин на-мояндаларида – сохта викор ва савлат... Айниқса, булар салмоқдор одим отиб, секин-аста юриб келишади; эпчил, зийрак “тўй бошилар”нинг мулоим муомалалари билан қарши олиниб, бойнинг ташқари ҳовлисига қадамранжида қиласидилар. Яна бир қанча минутдан кейин, айни даббаба билан мойли соқолларини силаб, кекириб чиқадилар...” (84–85-бетлар).

Адид Нурининг тўйидан бор-йўғи ана шу манзарани “юлиб олиб” тасвирлашни лозим топган. Бу манзарадаги ҳар бир бўёқ, ҳар бир тафсил адиднинг бадиий ниятини очиш. Йўлчи билан Нурилар. Мирзакаримбойлар ўртасидаги ижтимоий фарқни кўрсатишга қаратилган.

Агар Ойбек ушбу тўй маросимидан асар ғоясини очишида фойдаланган бўлса, “Ўтган кунлар”да бошқа бир мақсадни кузатамиз. Абдулла Қодирий, Ойбекдан фарқли ўлароқ, тўйнинг барча жараёнини эринмай, бирма-бир фаслларга ажратиб тасвирлар экан, бу маросимни аввало асрлар давомида шаклланган миллий ҳаёт тарзининг муқаддас бир бўлаги сифатида тасвир этади.

Мана, хотинлар мажлиси ҳам, қизлар мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Аскиялар, лапарлар жаранглади. Ошлар ташилиб, тавонлар тортилди. Катта мاشаққат билан Кумушбибидан ваколат ҳам олинди.

“Ниҳоят, соат беш яримларда куяв келди. Йигирма-ўттиз ҷоғлик ёш йигитлар – Раҳматнинг ўртоқлари, улар орасига Отабек – куяв кўринди: бошида симоби шоҳи салла, устида қора мовут сирилган совсар пўстин, ичида ўзининг Шамайга тиктиргани осмони ранг мовут камзули, мовут шим;

оёғига қалапой афзали, белига Кумушбигининг уста қўли билан тикилган шоҳи қийифи... Томда куяв кутуб ўлтурган хотинлар ичидан Офтоб ойимнинг эгачиси ошиқиб, синглиси ёнига тушди-га: “Офтоб, дарров исириқ ҳозирла, куявингни ёмон кўздан ўзи асрасин!” дегу. Қутидор эшик остида қўл қовуштириб меҳмонларни кутуб оладир...”

Яна: “Йигитлар куявни домлалар қаршисига келтириб тўхтат қаңдан кейин Отабек вакили бўлган Зиё шоҳичи билан Кумуш қиз вакили Мұҳаммадраҳим ораларида маҳр масаласи очиладир. Кўп тортишқаңдан сўнг қўйигаги маблағлар маҳр қилиб белгуланадирлар: уч юз олтин пул, мундан кейин олиб бериш ваъдаси билан Марғилондан ўргадек бир ҳовли, соғиш учун сигир, асбоби рўзгор... Бунга Отабек ҳам ўз ризолигини билдирадир. Домла хутба бошлиайдир...”

Яна: “Ташқаридан эшитилган “куяв! куяв!” сўзи билан тағин ҳам унинг кўз ёшиси кўпайиб, туси ҳам ўзгарди. Янгаси Кумушни шу ҳолда қолдириб, ўзи югирганча эшикка чиқди. Куяв келар эди: икки томонни сириб олган хотин-қизлар ўртасидан Отабек келар эди. Унинг кетидан Офтоб ойимнинг эгачиси исириқ тутматар эди. Хотинлар қўлларида шам билан унга қарар ва кузатиб қолур эшилар...” (48—49-бетлар).

Абдулла Қодирий ўз асарини диidi ҳалқ эртак ва китоблари таъсирида шаклланган ҳалққа бағишилаб ёзган. Аслида, адибнинг эстетик диidi ҳам шу манбалар асосида шаклланган, бинобарин, унинг адабий диidi ҳалқ диидига яқин бўлган. Шунинг учун у асарда тарихий воқеалар у тарихий шароит билан бирга ҳалқ маросимлари ва урф-одатларини ҳам мукаммал таъриф ва тавсиф этган. Унинг учун бу нарсалар тарихий декорациями, асар ғоясини очувчи ё қаҳрамон образини қайси бир жиҳатдан нурлантириб юборувчи воситами – бунинг аҳамияти йўқ. Унинг асосий мақсади ўтган кунларни тасвирлаш, ундаги фоже саҳифаларни жонлантириш, ўтмишдаги гўзал кишилар ва ҳодисаларга мадҳиялар ўқиши.

Шубҳасиз, ҳар иккала романда миллий анъана ва маросимларнинг тўйдан бошқа шакллари ҳам тасвир этилган: Юсуфбек ҳожининг Кумушбиби манглайига қўлини тегизиб, сўнг шу қўлини ўпиши ё Зайнабнинг шарқона тавозе билан чой узатиши ва бошқалар.

**Этнографик кўринишлар ва буюмлар тасвири.** Абдулла Қодирий тасвиридаги тўй манзараларида шу қадар кўп миллий расм-руслар (ваколат бағишлиш, маҳр масаласи, хутба ўқиши, исириқ тутатиш ва ҳ.к.) ларни учратамизки, улар бугунги кунда этнографик кадриятлар сифатида баҳоланиши мумкин. Адид бу миллий одатларнинг янги замонлар таъсирида секин-аста йўқолиб бориши мумкинлигини сезган чофи. Шунинг учун ҳам худди Марғилон ўрдаси ёхуд Тошкентдаги “Беклар беги” мадрасаси бузилиб юборилганидек, бу расм-руслар ҳам йўқолиш хавфидан ҳоли бўлмагани учун уларни муфассал тавсиф этган.

Шу нарса гаройибки, Ойбек ўз асарини “Ўтган кунлар”-дан кейин ёзгани учун Абдулла Қодирий қайси этнографик маросим, расм-руслар, буюмлар тавсифини бермаган бўлса, шу нарсаларни тасвир доирасига тортган.

Ўзбек ойим ўғлининг кўнглини марғилонлик келиндан со-вутиш учун турли-туман домлаларга қанчалик елиб югурмасин, биз унинг жуҳуд домла ёки бошқа домлалардан қандай тутатки, эзиз ички, дуо ва туморлар олгани ва улар ёрдамида Отабекка қандай таъсир этмоқчи бўлганлиги ҳақида маълумот олмаймиз. Биз фақатгина унинг бундай расм-русларга чиндан-да ишонгани, шунинг учун ҳам ўз мақсадига эришиш йўлида елиб-югурганига гувоҳ бўламиз, холос. Абдулла Қодирий эса бу ҳақда қуйидаги маълумотни беради:

“Ўзбек ойим марғилонликнинг домласини кучлик эканида шубҳа қилмаса ҳам, аммо бир ишқа жуда ҳайрон эди: жуҳуднинг қилган жодусини – жуҳуд, мусулмон домланикини – мусулмон дафъ қила олур эди, нега булар асар қилмайди сира? – Ҳозир Ўзбек ойим бунинг сирини ўйлаб тополмас эди. Бу боши берк кўчада ул узоқ қамалиб қолмади – бунинг сиррини дафъатан тонди ҳам жуда тўғри тонди: “Марғилонликнинг домласи жуҳуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас – ҳинди!” Ҳиндларнинг ҳам ҳанноси (маккори – Н.К), бас, ҳанносининг сиҳрини на мусулмон домласи қайтарсан-у, на жуҳуд. Ўшал ҳиндининг ўзи қайтармаса, ўзга илож йуқ! ” (128-бет).

Ўзбек ойим ишга жиiddий равища киришгандек бўлади, ҳатто Ҳасаналини Марғилонга юбориб, ҳинд ҳанносини топишга ундейди. Лекин унинг Кумушбибига бўлган кеки Нурининг Гулнорга нисбатан қаҳр-ғазаби олдида ҳеч гап

эмас. Эҳтимол, шунинг учундир адид Ўзбек ойим ҳаётида рўй берган бундай ҳолларга киноя билан қарайди, ўзини мусулмон ва жуҳуд домлалар “хунар”ини тасвиrlашдан тияди.

Нури – ўз аҳдидан асло қайтмайдиган шахс. Мана, у бояги қўнғироқли фолбиннинг уйига ҳам борди, дардини ҳам тушунтириди.

“Сўнгра ўз кампирига суқулиб, фолбин орқасидан уйга кирди. Уй зиндан каби қоронги ва совуқ. Уйда нима борлигини ғира-шира кўриш ҳам анча қийин. Фолбин уй бурчагида оқариб кўринган чодир ичида йўқолди. Бир оздан сўнг у ердан унинг хаста товуши чиқди: “Эшикни ёпинглар, муаккирларим ёруғдан қўрқаги...”

Эшик ёпилгандан кейин қоронфилик даҳшатли равища қуюқлашди. Нури туртина-туртина чодир томонга бориб ўтиришга тиришди. Қўрқувданми, қоронфилиқданми унинг нафаси тиқилди... Ногоҳ бурчақдан қўнғироқли чирманда гулдираб кетди. Нури бир сесканиб тушди, кўзларини юмди. Чирманда бўғиқ гумбурлайди. Қўнғироқларнинг жарангидан ваҳима учади. Гўё чирмандани одам чалмайди. Қоронги кечада мудҳиш жар ёқасида дев чалади. Оёқларига, қўлларига қўнғироқ таққан қўрқинчли ажиналар рақс этади!

Бу мудҳиш ва машъум базмга ҳалиги ялмоғиз фолбиннинг хафа овоз билан вайсали қўшилади:

“Ё султон! Ё чилтон! Ху-ху-ху!

Фолбин узоқ вайсади. Жинларга ялинди-ёлворди, одам култисши ўхшамаган бир йўсинди қийқириб кулди...” (215–216-бетлар).

Ойбек бу тасвир орқали яқин ўтмишимиздаги мудҳиш манзаралардан бирини яққол гавдалантириб берган. Кишилар ана шундай фолбинлар ёрдамида ўзларининг қора ниятларини амалга ошироқчи бўлганлар.

Жинлар “Гулнор билан Мирзакаримбойнинг дилларини боғлаган ип”ни узган бўлсалар-да, ҳали иш бу билан тугамаган эди.

“Фолбин оғзини йиғишишириб, латтага чандиб ўралган, катталиги данакдай бир нимани енг учидан чиқариб берди. Бу “амал” эди. Бу кичкина тутунча ичида мозор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўпи, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди. Уларнинг ҳар бири Гулнор учун бир бало ва

оғатға ишорат қилиши керак: мозор тупроғи – Гулнор тездан тупроққа қоришин учун; темиртак – Гулнор темирдай қотсин учун; тобут чўпи ва ўлик тирноғи – буларнинг даҳшати ўз-ўзидан маълум; совун – Гулнор совундай эрисин учун. Фолбин бу даҳшатли тутунчакни Гулнорнинг остоңасига кўмиш кераклигини уқтиргди. Кейин бир парча хамирни одам боши каби юмалоқ қилиб, қирқ игна билан ҳалиги хамирни муттасил санчиб туриш кераклигини ва бунинг орқасида Гулнор қаттиқ бош оғригига мубтало бўлиб, тез кунда ўлишини тушунтиргди” (216-бет).

Шубҳасиз, бу тасвирида бўёқлар қуюқлаштирилган, фолбиннинг ташқи қиёфаси-ю хатти-ҳаракатларидағи даҳшат ошириб юборилган бўлиши мумкин. Аммо Ойбек бу манзара тасвири билан Нурининг фолбин қиёфаси ва “амал”ига эш ички оламини, Гулнор билан Йулчининг эса баҳор осмонидек беғубор ва тоза муҳаббатини совурган эски замонлардаги тартибларни очиб ташлайди.

Ойбек – янги даврнинг илғор қарашлари асосида шакланган адид. У эски тузумнинг ошини ошаб, ёшини яшаган томонлари устидан кулишни севади, уларни кулги ёрдамида турмушдан сиқиб чиқаришни хуш кўради, аммо айни пайтда ўзбекона турмуш лавҳаларини севиб тасвиrlайди. Шунинг учун ҳам биз романда азайимхонлар, арвоҳ ошлар, кинна солиш каби одатлар билан бирга қизларнинг тол баргакларидан соchlарини жамалак қилиб ўришлари ва бошқа шу каби гўзал ҳоллар тасвирини ҳам кўрамиз. Йўлчи билан бирга йўлга чиқиб, ҳаммол бозорига йўл оламиз. “Бир томон чиннифурушилк, бир томонда атторлар расласи. Бир томон эса ҳар хил ширинликлар ва бошқа моллар сотиладиган “гул бозор”... У ерда отлар, аравалар, туяларнинг шовқини, аравакашларнинг сўжишлари, новвойларнинг қичқиришлари бир-бирига қўшилиб, аллақандай маъносиз, бошни айлантирадиган доимий бир ғовур-ғувур ясайди” (280-бет). Йўлчи бир мўйсафид кишининг каппондан сотиб олган буғдойини кўтариб, Қорёғди маҳалласига боради. Биз қаҳрамон билан изма-из борар эканмиз, Эски Тошкентнинг ҳар қандай этнограф учун ҳам қизиқарли бўлган манзиллари билан танишамиз. Чилим ва наша чеккан кишиларга, тол навдасидан ясалган ҳуштак билан дилини хушлаган болаларга, зирак, билакузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош,

зебигардон таққан қизларга нигоҳимиз тушади. Түғон ча-  
вондознинг уйида ўтган базмда эса ўн олти-ўн етти ёшлар-  
даги баччани кўрамиз:

“У рангиз, хипча, “текисгина”, яна тўғрироғи, “попукдай”  
бала... Унинг устида янги, ярқираб ёнган бекасам тўн; кўк  
шоҳи белбоғни пастроқ боғлаган. Оёқларида бежирим хром  
этик. У юмшоқ гиламларда енгил учади...

Ноғора чўпининг тез урилиши, баччанинг чир айланиши  
ва кучли, ялпи қийқириқ билан базмнинг биринчи қисми туга-  
ди. Одамлар бирпастгина ёйилиб, ҳой-хуй билан қорилган, қакра-  
ган ҳалқумларини ҳўмаша бошлидилар. Бир неча минутдан  
сўнг ўртага чиройли бир “қиз” тушди. Ноғора ва чирманда-  
лар аввалгидан кўра оҳистароқ, енгилроқ, чалинди. “Қиз” аёл-  
ларга хос ноз ва қилиқ билан рақс эта бошлади.

Этнида узун қизил шоҳи кўйлак, кимхоб нимча, бошида  
шафтоли ранг ёрқин товланган ипак дуррacha. Майдага ўрил-  
ган қора, узун кокиллар белига тушади, енгил йўрғалагани  
сари ёйилиб силкинади. Бу “қиз” ҳалиги бачча эди” (61–62-  
бетлар).

Бундай этнографик кўринишлар бошқа ҳалқларда бўлмас-  
лиги табиий. Бачча – фақат Ўрта Осиё ҳалқарининг “их-  
тиро”си. Шариат хотин-қизларни тўрт девор ўртасига қама-  
ган пайтларда тўй-ҳашамларда шундай баччалар қизлар-  
нинг ролларини ижро этиб келганлар.

Ойбек ўз қаҳрамонининг мاشаққатли йўлини кўрсатар  
экан, уни турли-туман воқеалар оша олиб ўтади. Ва шу  
воқеалар тасвири ёрдамида тарихий давр ҳақиқатини ифо-  
далашга эришади. Адигнинг ўша саҳнадаги маҳорати шун-  
даки, у бачча воқеасини шунчаки тасвир этибгина қолмай,  
бир томондан, баччани отиб ташлашга шайланган Танти-  
бойваччанинг такаббурлиги ва енгилтаклигини, иккинчи  
томондан, унинг тўўпончали қўлини маҳкам ушлаб қолган  
Йўлчи сажиасидаги жасоратни ёрқин гавдалантириб бо-  
ради.

Хуллас, асосий қаҳрамонлар характеристи ва тақдирини ёри-тища Ойбек иккинчи даражали воқеа ва персонажлардан  
кatta маҳорат билан фойдаланади ва бу масалада устоз адигба  
нисбатан бадииятнинг юксак босқичига кўтарилади.

Айрим тақдирлар тасвири. “Кутлуғ қон” поэтикасига  
хос хусусиятлардан бири шундаки, унда бош қаҳрамонлар

ўқтинг-ўқтинг воқеалар ичига “сингиб-йўқолиб” кетади. Натижада иккинчи ва учинчи даражали қаҳрамонлар тасвир майдонига чиқиб, китобхон этиборини ўзига кўпроқ жалб этади.

Ойбек бундай тасвир усули орқали, бир томондан, Йўлчи ва Гулнорнинг қайси муҳитда яшаётганини кўрсатишга, иккинчи томондан, китобхонни жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва уларнинг вакиллари билан таништиришга интилади. Бир қарасангиз, бундай қаҳрамонлар ортиқчадек бўлиб туюлади. Уларнинг тезда ўз вазифаларини ўтаб, яна кўздан фойиб бўлиши сиздаги шу таассуротнинг тўғрилигини тасдиқлагандек бўлади. Аммо адид китобхонни бу ногаҳон пайдо бўлган персонаж тарихи билан шундай ба-тафсил таништиради, у катта асар ичидаги кичик, аммо мустақил бир ҳикоя ўлароқ хотирангизда қолади.

Тантибойвачча асарнинг биринчи даражали қаҳрамонларидан эмас. Лекин унинг ҳар бир хатти-ҳаракати аср бошлиаридағи бойларнинг маънавий ва ижтимоий жиҳатдан та-наззулга юз тутаётганидан дарак беради. У қимор ўйнаб, ҳамма нақд ақчасини ютқазиб қўйгач, ўзига қарашли дўконлардан бирини катта пулга сотиб, бир “шўхлик” қилмоқчи бўлади. Исловатхонага бориб, Гуландом деган ўн тўққиз-йигирма ёшли гўзал аёл билан танишади. Гуландом гўзалина эмас, балки ақлли ва инсоний фурурини ҳали йўқотмаган хотин каби туюлади. Тантибойвачча Гуландомни гапга солиш учун, дейди:

“ – Жоним пошшахон, қаерликсиз, қандай шамол сизни бу ерга учирди?..

– Дафтарни очиб нима қиласиз? – деди енгил хўрсиниб Гуландом.

– Дафтар узунми?.. Узун бўлса, қисқа қилинг, шохдан-шохга қўнинг, – мўйловини бураб тикилди Тантибойвачча” (162-бет).

Ана шу сўзлардан кейин Гуландом ҳасрат ва алам билан тўла тарихини ҳикоя қилиб беради. Китобхон унинг Намангандаги туғилгани, турмуш оғирлигидан кундош устига ёши эллиқдан ошган бир бойга турмушга чиққани, бойнинг ўлимидан кейин унинг гумашталаридан бири томонидан маккорона алданиб, уйсиз-жойсиз ва пулсиз қолгани, энг даҳшатлиси, унга катта ваъдалар билан уйланмоқ-

чи бўлган мирза йигитнинг уни Тошкентга, “тўппа-тўғри номер деган жой” га олиб келиб, шу уйга тиққанидан ха-бар топади.

“— *Худо мени ер юзида энг бадбахт қилиб яратган экан. Бу ифлос ерга туширгандан кўра, жонимни олгани яхши эди. Бузилдим, одамгарчилигим қолмади, суратим одам, бойвачча ака, мендан ҳайвон яхши...* — Гуландом бошини қўйи со-либ, қўли билан кўзларини яширги” (168-бет).

Гуландом тақдири билан боғлиқ бу узун ҳикоянинг на Йўлчига, на Гулнорга алоқаси бор. Лекин араваси синиб қолиб, қовунини “сув текин” сотган деҳқон ё марҳум ота-сининг қарзини узаман, деб каттагина боғидан маҳрум бўлган йигит сингари, бу бечора аёл ҳам XX асрнинг 10-йилари-даги ўзбек жамияти анатомиясининг очиб ташланишида му-хим аҳамиятга молиқdir. Ойбек ана шундай тақдириларни таҳлил қилиш орқали қашшоқлашган ҳалқ оммасининг бо-шига тушган савдоларни катта реалистик куч билан гавда-лантириб беради.

Сирасини айтганда, бундай тақдирилар тасвири “Ўтган кунлар”да ҳам мавжуд. Абдулла Қодирий ҳам, худди Ой-бекдек, уста Алимни воқеалар оқимига олиб кирар экан, биз уста билан унинг ҳикояси орқали танишамиз. Уста Алим, Гуландомдан фарқли ўлароқ, ўз ҳикояси билан чириган ва издан чиққан жамиятнинг “ичак-чавақ”ларини очиб таш-ламайди, балки мувозанатини йўқотган Отабекнинг қалби ва шуурига бир ҳовуч нур сочиб, унда яшаш ва севиш ис-тагини қайта тирилтиради. Боғандалик орқасида рўзгор теб-ратиб, Саодатдек ажойиб бир қизнинг муҳаббатини қозон-ган ва у билан бирга фарзанди туғилгунга қадар баҳтли ҳаёт кечирган устанинг ҳикояси асарга ўзгача бир латофат ба-фишлаган, Отабек оддий, бечораҳол кишиларнииг муҳабба-ти ҳақидаги бу гўзал ҳикояни тинглар экан, ўз қайғусини бутунлай унутиб қўяди, “қаршисидағи ерга сингибкина ёт-қан мужассам ишқдан кўз узолмай”ди, устанинг мозийсида эмас, ҳолида улуғ бир маънони кўради.

“Қутлуғ қон”да ҳам, “Ўтган кунлар”да ҳам бошқа персо-нажлар тарихига доир тавсифий маълумотларни яна уч-ратсан-да, улар китобхонни Гуландом ва уста Алимнинг тақ-дириларидек ҳаяжонлантирмайди. Бу ҳар икки тақдир тас-вири ёзувчи бадиий ниятининг юксак бир шаклда

мужассамланишига хизмат қилиши билан айниқса аҳамиятлидири.

Биз ушбу фаслда икки ўзбек романидаги тасвир қатламларига назар ташлашга уриндик. Кўриб ўтганимиздек, бу ва бошқа қатламлар ёзувчиларга марказий ҳаҳрамонлар образини ёрқин тасвирлаш, асар гоясини теран ифодалаш, шунингдек, тасвир этилаётган тарихий давр ҳақиқатини рўйрост очиш имконини берган.

## БАДИЙ ТАСВИР УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Абдулла Қодирий “ўзбеклар турмушидан тарихий роман”ига киришган пайтда ўзбек насли Саҳрои кабирдек бўмбўш бўлган, деб ўйлаш тўғри эмас. Олис асрлардан бошлаб XX асрнинг бошларига қадар бўлган даврда яратилган диний, тарихий, мемуар асарлар ва ҳалқ китобларини эътибордан соқит қилганда ҳам, жадид насли бир қанча реалистик асарларни берганки, булар орасида Ҳамзанинг “Янги саодат”, Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтур Мұхаммадёр”, Мирмулла Шермуҳамедовнинг “Бефарзанд Очилдибой” сингари ҳикоя ва қиссалари борлигини унумаслик лозим. Шу давр ичиде жадид адиллари ўзбек адабиётининг тематик доирасини кенгайтириб, унга янги ғоя ва образлар олиб кирдилар, янги тасвир усуллари ва воситаларидан истифода этдилар, ўзбек адабий тилига сайқал бериб, уни янги босқичга олиб чиқишига интилдилар.

Ҳамзашунослар узоқ йиллар давомида “Янги саодат”ни ўзбек романнавислигининг биринчи намунаси сифатида талқин қилиб келдилар. Шубҳасиз, ҳақиқий ўзбек романнининг юзага келишида бу асар миллий манба сифатида ўз вазифасини ўтади. Бу асарнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамияти ҳали ҳам катта. Аммо ўзбек романнавислик мактаби тарихи “Ўтган кунлар” романни билан бошланади.

Абдулла Қодирий бу романини яратгунга қадар, тилга олинган миллий манбалардан ташқари, унинг ихтиёрида турк, татар ва озарбайжон ёзувчиларининг, бу ҳалқларнинг тилларига таржима этилган ва универсал араб ёзувида чоп этилгани учун ўзбек китобхонига ҳам тушунарли бўлган жаҳон ҳалқлари, биринчи навбатда, араб ёзувчиларининг романлари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳам Абдулла Қодирий учун

ибрат намунаси, маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилгани шубҳасиз. Аммо юқорида баён қилинган фикрларга қарамай, Абдулла Қодирий ўзбек романининг бадий мезонларини биринчи бўлиб ишлаб чиқди; ўзбек ҳалқининг яқин тарихидан олинган мавзу учун роман жанри талабларидан келиб чиқкан ҳолда воқеалар силсиласини яратди; сюжет чизигининг тугун, ривож ва ечим сингари сирли, мароқди ва ҳаяжонли нуқталарини ахтариб топди; сир сақлаш бадиий усули устуворлик қилган бадий қурилма – композициядан фойдаланди ҳамда ҳар бир образ, воқеа ва унинг шоҳобчаларини тасвирилаш усулини кашф этди; энг муҳими, тасвир, образ яратиш, қаҳрамонлар тилини ифодалаш, тарихий шароит манзарасини чизиш жараёнида ўзбек тилини замонавий адабий тил даражасига олиб чиқди. Булар ҳазилакам хизматлар эмас.

Ўзбек романчилиги шундай бир майдонки, унга ҳар бир истеъдодли ёзувчи ўзининг бадий қашфиётлари билан кириб келиши мумкин.

Орадан ўн беш-йигирма йил ўтгач, бу майдонга Ойбек ҳам “Қутлуг қон” романни билан кириб келди. “Ўтган кунлар” билан бу асар орасида кечган вақт ичидаги ўзбек адабиётида, хусусан, роман жанрида ҳам янги бадий тажриблар тўпланди: Чўлпон, Садрийдин Айний, Абдулла Қаҳҳор романлари юзага келди. Бироқ Ойбек кўзлаган бадий нижатнинг рўёбга чиқишида кўпроқ Абдулла Қодирий анъаналари, шунингдек, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”и ҳам ёш носирга ёрдамга келиши мумкин эди. Аммо бу ҳар икки ёзувчи “ҳалқ душмани” деб эълон қилинган 1937–1938 йилларда Ойбекнинг улар бадий тажрибасидан бевосита фойдаланиши ўз жонига суиқасд қилиш билан баробар эди.

Тарихий давр А. Қодирий ва Чўлпонлар қамалган бир вақтда Ойбек олдига янги ўзбек романини яратиш вазифасини қўйди. У Абдулла Қодирийдек олис ва яқин ўтмишга мурожаат этиб, уни “идеаллаштириши” мумкин эмас эди. Шунингдек, у “буржуа миллатчилари”нинг аксилинқилобий фаолиятларини фош этувчи асарни ҳам ёза олмас эди. Шунинг учун у Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романидаги этиб келган тарихий нуқта – Туркистоннинг забт этилиши тарихидаги муҳим воқеа – 1916 йил миллий-озодлик харакатини ўз асари учун мавзу этиб белгилади. Мавзу ва ҳаётини

материал ўзига яраша тилни, услубни, тасвир усулларини тақозо этади.

Ижодий жараён турли шарт-шароит ва омиллардан тар-киб топади. Агар Абдулла Қодирий баҳор ва ёзнинг долзарб кунларида дехқончилик билан шуғулланиб, қишининг қисқа кунлари ва узун тунларида танча атрофида ўтириб, осуда бир шароитда ўз романини яратган бўлса, тарихий давр Ойбекка бундай имкониятни бермади. Бўйнига турли-ту-ман сиёсий айблар қўйилиб, 1937 йил сиртмоғидан аранг тирик чиққан, аммо хизмат жойидан, Ёзувчилар уюшмаси-дан ҳайдалган, ҳар кеча тонгга қадар эшикка қулоқ тутиб, энкеведечиларнинг келиши мумкинлигидан чўчиб, қўрқув ва ҳадик иқдимида ярим оч ва яланғоч ҳолда яшаган Ойбек-нинг қандай қилиб катта асарга қўл урганини тасаввур этиш ҳам қийин. Шундай мушкул бир пайтда унинг қўли қандай ишга борган экан? Ундаги ёзиш, ишлаш иштиёқи қаердан, нимадан куч олган? Бир нафасда ўқилиши лозим бўлган романни шундай руҳий ва иқтисодий мушкул шароитда қан-дай қилиб олти-етти ойда ёзиш, ёзганда ҳам равон, текис, илҳом билан ёзиш мумкин?..

Ниҳоят, роман ҳам ёзиг туталланди. 1937 йил охирларида бошланган асар 1938 йил ўрталарида қўлдан чиқди. Лекин даврнинг “тавқи лаънат”и ҳали Ойбекдан олиб ташланмаган, нашриёт ва таҳририятлар эшиги Ойбек учун очилмаган, ҳатто Ёзувчилар уюшмаси ҳам бу асарни муҳокама этишга тайёр эмас эди. Орада романни кимлар ўқимади — буни ёлғиз Ярат-ганинг ўзи билади. Ҳарҳолда адаб биринчи мунаққидлари-нинг фикрлари асосида 1939 йилга қадар романни “совет-лаштира” бошлади. Ёзувчилар уюшмасида бўлган биринчи муҳокамада унга 1916 йил миллий-озодлик ҳаракатидаги “улуг рус ҳалқининг роли”ни алоҳида кўрсатиш, бой ва савдогар-лар образи тасвирида “эзувчи синфнинг золимлик даража-сини, ғайриинсоний моҳияти”ни қабартиб тасвиrlаш, айниқ-са, Мирзакаримбойнинг “ваҳшийлиги” тасвирини қуюқлаш-тириш сингари вазифалар топширилди. Ойбек бу танқидий мулоҳазаларнинг бир қисмини инобатта олиб, асарни қайта кўриб чиқди. Шундан кейингина роман 1940 йили китобхон-лар қўлига етиб борди.

Бугун биз романни ўқир эканмиз, Петров образининг шу муҳокамалар, танқид ва тавсиялар натижасида романга зўр-

ма-зўракилик билан киритилганини, “золим синф” вакиллари, биринчи навбатда, Мирзакаримбой образида қора бўёқ-ларнинг қуюқлашганини, “дор остида турган” ёзувчи руҳий ҳолатининг таъсири ўлароқ айрим фасллар, айниқса, қўзғолон арафасидаги воқеаларнинг шошма-шошарлик билан ёзилганини сезмай иложимиз йўқ. Шунга қарамай, бу объектив сабабларни назардан қочирмаган ҳолда қуйида Ойбек романидаги тасвир маданиятига муносабат билдириш, икки улкан санъаткорнинг бадиий тасвир усул ва воситалари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдиришга ҳаракат қиласиз.

*Тасвирдаги ўзига хосликлар.* Ҳар иккала романни бирбири билан тасвир маданияти бобида боғловчи нұқталар оз эмас. Агар “Ўтган кунлар”, қайд этилганидек, бош қаҳрамоннинг Марғилонга келиши билан бошланган ва бу ердан сўнгги маротаба кетиши билан туталланган бўлса, “Қутлуғ қон” Йўлчининг Мирзакаримбой хонадонига – тоғасининг уйига келиши билан бошланади ва шу хонадонни тарқ этиб, исёнчи оломонга қўшилиши билан тутайди. Аммо агар Отабек бегона шаҳар ва бегона оиласида қарор топган тартиб ва қоидалар туфайли унинг ва Кумушнинг тақдири фожиа билан тутаган бўлса, Йўлчи ўз тоғасининг хонадонига бориб, Гулнорни учратади-ю, аммо шу хонадонда унинг баҳт-саодати гуллари хазон бўлади. Ҳар иккала асарнинг муҳтасар ғоявий мазмуни шундан иборат.

Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонларини икки шаҳардан — Тошкент ва Марғилондан танлайди. Ҳар икки шаҳарда ҳам яхши кишилар бўлганидек, ёмон ниятли кишилар ҳам йўқ эмас. Бири Тошкентда туғилган, иккинчиси эса марғилонлик бўлган йигит билан қизнинг ўзаро учрашиб, бир-бирига муҳаббат боғлаши ва ҳатто турмуш қуриши табиий ҳодиса. Худди шунингдек, марғилонлик қизнинг тошкентлик йигитни ихтиёр қилиши марғилонлик бошқа бир кимсанинг ғашини келтириши ҳам табиий. Ваҳолонки, бу кимса уйланган ва ҳатто икки хотинлик бўлганига қарамай, гўзаллиги билан эл-юрт оғзига тушган қизга ҳам уйланмоқчи. Демак, конфликтнинг ниш уриши ва “гуллаб-яшнаши” учун “серҳосил замин” бор.

Яна шу нарсани ҳам ёдда тутиш керакки, Отабек Ҳомид туфайли ўз қаршисида пайдо бўлган энг даҳшатли синов-

лардан аввало Кумуш, сўнгра Ҳасанали ёрдами билан ўтади. Ҳомид қурдирган дор ошиқ ва маъшуқанинг баҳти олдида ожизлик қиласи. Қўрбошини сотиб олиш, Мусулмон-кулга Отабекни душман қилиб кўрсатиш натижа бермайди. Лекин шу орада Тошкентдаги оилавий вазият ўзгаради. “Отаона орзуси” ва марғилонлик қудаларнинг ризоси билан Отабек иккинчи бор уйланади. Бу ҳол, ўз навбатида, Ҳомидни кураш тактикасини ўзгартиришга мажбур этади. Отабекномидан Ҳомиднинг қўли билан ёзилган хат, кутилмагандা, вазиятни, унинг фойдасига бўлмаса-да, Отабек заرارига кескин ўзгартириб юборади. Маънавий иқлим бузилган жамиятда тухматнинг катта ва даҳшатли қуролга айланиши мумкинлиги ойдек равшан бўлади.

Аммо, барибир, Отабек бу даҳшатли синовни ҳам енгиб ўтиб, Ҳомид билан бирга унинг икки разил ўртоғини ча-вақлаб ташлайди. Бироқ бу ечим билан ҳам конфликт тугамайди. Энди кундошлар жанги бошланиб, Отабек билан Кумуш ҳаётларининг энг баҳтли соатларини кечираётган пайтларида бу жанг уларни ўзининг қонли гирдобига тортади.

Бир қараща, бир конфликтдан кейин иккинчи конфликт ўсиб, секин-аста “вояга етгандек” бўлади. Яна бир қараща, ўша машъум конфликт бошқа бир шаклда, бошқа бир киши қиёфасида давом этгандек туюлади. Агар шу таассуротни асос қилиб олсак, романдаги конфликтнинг ижтимоий-миллий қирралари янада ойдинлашади. Адабнинг маҳорати шундаки, у роман жанри табиатидан келиб чикиб, воқеаларни магнитлантириб, улар ичидан ички тугуналарни чиқариб туради, тасвирида детектив адабиёт усулларини кенг қўллайди. Драматизмни детектив тасвири усулларига таянган ҳолда беради. Китобхон худди шу нуқтада “адабий” қопқонга илиниб, асарни энтикиб, бир нафасда ўқиб чиқади. Бу “қопқон”ни яратишда адабнинг усталиги, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Аммо айни пайтда адабнинг ҳамма бадиий ютуқларини шу усулгагина боғлаш тўғри эмас. Қаҳрамонлар тасвири, бадиий мантиқ, ҳаяжонли манзаралар, мангу муҳаббат мавзуи ва тасвири... Булар илоҳий илҳом билан тасвири этилган. Лекин эндиғи гап романдаги детектив-саргузашт адабиётга хос тасвири усулининг устуворлигида.

Абдулла Қодирийдан фарқли ўлароқ Ойбек ўз “ижодий” майдонини торайтириб олган. Йўлчи ҳам, асарнинг бошқа қаҳрамонлари ҳам Тошкент чегарасидан четга чиқмайдилар. Ҳакимбойваччанинг Фарғонадаги ҳаёти ва ишларини, Фазлиддиннинг эса Москва сафарини ёзувчи тасвир доирасига жалб этмайди. Бинобарин, барча воқеалар Тошкентда, асосан Эски шаҳарда рўй беради. Йўлчининг ҳаёти кўпроқ меҳнат муҳитида, ўзига ўхшаш меҳнат аҳли даврасида кечиб, у Мирзакаримбой хонадони ва боғидан камдан-кам четга чиқади. Қаҳрамон ҳаракати майдонининг бундай торлиги ёзувчининг реализмни ягона тасвир методи сифатида танлашига асос берган ва Ойбек бу методни онгли равища, ўзбек адабиёти тараққиётидаги янги босқичнинг тақозоси билан танлаган.

Шубҳасиз, Йўлчининг меҳнатдан иборат ҳаёти тасвири, гарчанд у Гулнорни учратиб, уни севиб қолган ва улар ўртасидаги муносабатлар тасвири романдан катта ўрин эгаллаган тақдирда ҳам, роман жанри учун озлик қилган бўларди. Классик “учлик” қонуни бузилгани ва воқеалар драматизмига эришилмагани учун асарда пайдо бўлган монотонлик – якоҳанглик маълум маънода унинг бадиий латофатига соя ташлаган бўларди. Бир томони, шунинг учун, иккичи томони, баррикаданинг турли томонларидан жой эгаллаган Йўлчи билан Мирзакаримбойлар ўртасидаги жарликни кўрсатиш учун Ойбек асарга Нури образини киритган. Нурининг Йўлчи ҳаётига кира бошлиши билан воқеалар магнитланади, реалистик тасвирда романтик унсурлар пайдо бўлади. Шу орада Гулнорнинг пайдо бўлиши ва Йўлчи эътиборини қозониши билан ҳали куртак ёзиги улгурмаган конфликт янги ранглар касб этади; воқеаларнинг магнитланган оқими давом этади. Лекин кўп ўтмай, Йўлчи билан Мирзакаримбойлар оиласи ўртасидаги фарқ, бинобарин, конфликт муттасил равища катталашиб боради.

Агар Абдулла Қодирий ўз асари конфликтiga халқ оммасини тортмаган, шунинг учун ҳам асосий воқеалар силсиласида халқ оммаси иштирок этмаган бўлса, Ойбекнинг асосий мақсади конфликтга синфий, ижтимоий мазмун бериш бўлгани сабабли “Қутлуғ қон” да халқ дастлаб Ўролзар, Шоқосимлар, Қорабойлар, Шокир оталар, Ёрматлар қиёфасида кўринади ва пировардида халқ тарих ижодкори сифа-

тида майдонга чиқади. Аксар адабиётшунослар худди шу нуқтада соцреализмининг асосий белгисини кўрадилар. Агар ҳалқнинг ижтимоий ҳаракатларда иштирок этиши тасвирини соцреализмнинг мулки, деб ҳисобласак, у ҳолда Виктор Ҳюгонинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси” ёхуд бошқа эпопеяларини нега реализмнинг бу кўринишига мансуб, деб билмаймиз?!

Бинобарин, “Қутлуғ қон” реалистик тасвир услубида ёзилган ва шу жихати билан “Ўтган кунлар”дан фарқ қилали, десак, тўғри бўлади.

Портрет тасвири. Ҳар иккала асар, қайд этилганидек, қаҳрамонларнинг кўзланган манзилга келишлари билан бошланади. Ҳар икки адибнинг бири шароит, иккинчиси эса йўл тасвиридан сўнг асар қаҳрамонларини улар портретини чизиш йўли орқали таништиради. Абдулла Қодирий тасвиридаги Отабекнинг портрети мана бундай:

“*Оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит*” (18-бет).

Кумуш тасвирини муфассал чизган адиб Отабек портретини беришда анчагина “хасислик” қилган. Бунинг боиси, эҳтимол, Отабек образи ортида ўзи ҳам тургани, Кумуш эса унинг идеалидаги, балки тушидаги малаксимон бир қиз бўлганидир. Лекин Раҳматнинг уйида бўлган зиёфат пайтида Ҳомиднинг истеҳзо билан “балки бегингизнинг таъмалири хон қизидадир”, деган сўзларига жавобан Ҳасанали Отабекнинг сурати эмас, кўпроқ сийратига ойдинлик бағишлайдиган бундай сўзларни айтади:

“— Мен унинг хон қизини олиш мақсади борлигини билмайман, ...бироқ ул хон қизини олса арзимайдирган йигит эмас... Ҳатто зархарид қули бўлганим ҳолда менга ҳам қаттиғ сўз айтишдан сақланган бир йигит ўз никоҳига бўлган озод бир қизға, албатта, заҳмат бермас, деб ўйлайман...” (ўша бет).

Отабекнинг гап-сўзларини тинглаб, у ҳақдаги таассурутлари шаклланиб қолган қутидор эса: “*Гапингиз тўғри, ота, ...Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан*”, дея баҳсга нуқта қўяди. Отабекнинг ташқи ва ички қиёфаси тўғрисида ҳам адиб, ҳам персонажлар томонидан берилган дастлабки маълумотлар шулардан иборат. Бош қаҳрамон ха-

рактери ва маънавий олами, шубҳасиз, воқеалар ривожи билан, худди бошқа асосий қаҳрамонларнинг характеристикидек, очилиб боради.

Ойбек ёз иссирида Йўлчининг Тўпқайрағочга етиб келгунигача терлаб пишганига китобхон эътиборини жалб этар экан, унинг устидаги либосни бундай тасвир этади:

“Унинг очиқ ёқали узун кўйлаги, устидаги олача яхтаги сувга пишгандай жиққа ҳўйл бўлган; баъзан ғаши келиб, баданга ёпишган кўйлакни кўчирар ва еллинар эди” (9-бет).

Йўлчи Мирзакаримбой уйига етиб келганидан кейин эса, тоғасининг кўзига “арслондай қишлоқи” йигит бўлиб кўринади. Бойга Йўлчи қиёфасининг шу белгисигина аҳамиятли эди. Шунинг учун ҳам Йўлчи портретининг бошқа белгилари дастлаб унинг эътиборини ўзига тортмайди. Лекин орадан кўп ўтмай, қўлидан жуда кўп хизматкор, қарол ва чоракорлар ўтган, шунинг учун “одамни тез англаб оловчи” ва бу хислати билан мақтанувчи Мирзакаримбой жияни билан узоқ суҳбатлашиб, “йигирма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмаги. Унинг арслондай (яна ўша хислати! – Н.К.) кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси” билан тўла йирик ҳушёр кўзлари, кир яхтаги ичидағи қаваридб турган кенг кўкраги, бақувват қўллари, сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилик (бу хусусиятни камбағал одамларда катта фазилат деб топар эди бой) унга жуда ёқди. “Обдон чиникҳан йигит ва унга берилган овқат беҳуда кетмайди, деб ўйлади у. Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Йўлчининг бутун сиймосига катта жасорат ва ғурур сезди. Бу сифат унга жимла маъқул тушмаги” (19-бет).

Ойбек Йўлчи портретини Мирзакаримбой нигоҳи орқали тасвирлайди. Одатда бу тасвир усули ёзувчининг қаҳрамонига нисбатан холисона бир маррада туриб ёндашганлигидан дарак беради ва қаҳрамон портретига объективлик муҳрини босади. Модомики, қўлида ишлаган ва ишлагани келган хизматкорларни бир назардан ўтказиш ва уларга баҳо бериш Мирзакаримбой характеристининг ажralmas хислати экан, унинг Йўлчи қиёфасига диққат билан назар ташлаши, унинг мусбат ва манфий томонларини кўриши табиийдир.

Мирзакаримбой хонадонида Йўлчига баҳоловчи назар билан қарайдиган яна бир киши бор. Бу, Нури. “Ақалари-

нинг меҳмонларига, боғ ва шаҳар ҳовлисига қатнаб юрувчи дўстларига ва умуман йигитларга, шароитга кўра, гоҳ эшик тирқишидан, гоҳ девор орқали... мўралашни севган” Нури-нисо Йўлчини ҳам узоқ-яқиндан қўп марта кўришга муваффақ бўлган. У ҳатто “қомати келишган ёш йигит”га ўз юрагида кучли бир интилиш сезган эди. У ана шу интилиш кучи билан ҳар қандай қўрқув ва андишани енгиб, яrim тунда Йўлчи сари отилиб боради. “Эртакларда учрайдиган ботир каби ғурур, салобат билан ухлаб ётган Йўлчининг бош устида чўққайди” (66-бет), деб хабар беради адаб ва шу жумланинг ўзида Йўлчининг Нури нигоҳида муҳрланган портрет қирраларини чизиб ўтади.

Шундай қилиб, Ойбек, устоздан фарқли ўлароқ, Йўлчи портретини чизиша унинг куч-қуввати ва йигитлик латофатидан манфаатдор бўлган кишилар фикрига таянади. Улар асарда фотообъектив, воситачи вазифасини бажарадилар.

Ҳар иккала асарда иштирок этувчи персонажлар сони оз эмас. Айниқса, Ойбек ўз романида халқ оммасига катта ўрин ажратиб, кўплаб персонажларни асар бадий тўқимасига киритган. “Ўтган кунлар”даги персонажларни ҳам миқдор жиҳатидан оз, деб бўлмайди. Абдулла Қодирий бу персонажлар портретини, бир-икки бўёқ ёрдами билан бўлсада, чизишга эришади.

Ўзбек ойим шаҳар бўйлаб “зир югуриб”, Отабекка қиз ахтарар экан, унинг нафақат олий доирадан, балки гўзал ҳам бўлишини истагани шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Зайнаб билан илк бор учрашган китобхон унинг ташқи қиёфаси билан, албатта, қизиқсинади. Аммо Кумушга нисбатан меҳри зиёда бўлган адаб ўқувчининг бу хоҳишини қондиришга ошиқмайди. У тушлик пайтида Ўзбек ойимнинг таклифи билан эшиқдан кириб келган Зайнабнинг портретини бундай чизади: “Ўн етти ёшлар чамалиқ, кулча юзлик, оппоққина, ўртacha ҳуснлик Зайнаб қайин онасининг тилак ва шаънига лойиқ тавозиъ-одоблар билан битта-битта босиб, гастурхон ёнига келди” (160-бет). Кўрамизки, адаб Зайнабнинг у қадар гўзал бўлишини, Кумуш билан ҳусн борасида баҳслаша оловчи келин бўлишини истамайди. “Ўртacha ҳуснлик” деган баҳо, шубҳасиз, ҳақиқатдан йироқ бўлиши мумкин. Ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий томонидан чизилган Зайнабнинг бу портретида субъектив-

лик белгилари йўқ эмас. Ойбек китобхонда шундай таассурут пайдо бўлмаслиги учун ҳам Йўлчи портретини Мирзакаримбой воситасида чизган.

Аммо шу нарса мароқлики, адаб Зайнабга нисбатан қанчалик субъектив муносабатда бўлмасин, воқеалар ривожланиши билан китобхон яна Зайнаб портрети билан танишади. Аммо бу сафар китобхон Зайнабни Кумушнинг нигоҳи билан кўради. Зайнабдаги кундошлиқ адовати кучайиб бораётганини сезган Кумуш дастлаб Отабеклар хонадонидан чиқиб кетмоқчи бўлади, лекин зум ўтмай, унинг ўзида рашик ва “қизғончиқлиқ ҳисси” уйғонади.

*“Фикри шу ерга етканга қайси куни дир Отабекнинг Зайнабга бошқачароқ қилиб кулиб қарагани ва Зайнабнинг шу вақтдаги ойдек жозибалик тўла юзи кўрингандек бўлди... Бу кўринишдан сўнг ул сакраб ўрнидан турди-да, токчагаги ойнани олди ва ўзига қаради.*

Маълумки, киши ойнага боққанда нечоғлиқ айбсиз бўлса ҳам ўзини бир камчилиги орқалиқ кўрадир. Шунга ўхаш бир қаравашида Кумуш ҳам ўз-ўзидан рози қолмади... Ўзини Зайнабка қараганда сиқиқ, ёш, боласифат кўрди... Ойнани токчага қўйиб, Зайнабка чинлаб ҳасадланган ҳолда келиб, бояги ўрнига ўлтурди. Анчагина ўйлаб ўлтурғандан кейин кўнглига “у мени сўйса бўлди-да”, деган гап келди... Ўзининг бу ҳукмига рози бўлмади, гўё ўзининг сўйишиши бир неча ойлиқ-қағина ўхшар, Зайнабнинг тўлган ойдек юзи бу сўйишишка шу беш-үн куннинг ичидаёқ хотима бератургандек кўринар эди” (269–270-бетлар).

Кумуш назарида, Зайнабнинг “ойдек жозибали тўла юзи”-да ёшлик ва ҳусн порлоқлиги бор эди, шунинг учун ҳам у Отабек томонидан сўйишига арзирли аёл эди.

Абдулла Қодирий ана шу тарзда, баъзан ўзи истамаган ҳолда, ҳар бир персонаж портретини чизади.

Портрет тасвири қаҳрамоннинг ички моҳиятини очишида мухим аҳмиятта эга. Бу ҳолни Ойбек Офтоб ойим ва қутидор образлари таҳлилида чуқур ҳис этиб, бундай мулоҳазани билдирган:

“Кумушнинг онаси Офтоб ойим қудасига қараганда жуда равшан эмас: бу бойвучча хотиннинг характери унча очилмайди. Шунинг учун Офтоб ойим ўқувчининг кўз олдида яхши гавдаланмайди. Қутидор ҳам шахсиятга молик бир жонли

*одам эмас. Унинг табиати, характери у ёқда турсин, жисмоний аломатлари ҳам ёрқин кўринмайди. Қутидор аллақандай камсухан, ҳеч кимга азоб етказмайдиган, соядек тинч, сокин бир шахс каби таъсир қолдиради* ”<sup>1</sup>

Бу хийла танқидий муносабат Ойбекда Офтоб ойим ва қутидор портретларининг ёрқинлик касб этмаганлиги туфайли туғилган кўринади.

Модомики, биз Ойбекнинг портрет масаласида Абдулла Қодирийга билдирган таъналарига қўшилган эканмиз, унинг қуидаги фикрини ҳам келтириш лозим кўринади.

*“Ўтган кунлар”да мусбат типлар умуман чиройли, қади-қомати келишган, қиёфалари мукаммал шахслардир. Аксинча, аксар манфий типлар, камбағал омма вакилари, ифвочилар хунук, майиб, инсоний қиёфатлардан маҳрум кишилардир. Масалан, Жаннат опа билан ўғли Содиқнинг портретларини чизишда ёзувчи манфий аломатларни аямайди...*

Разил извогар Ҳомидбой ҳам жуда хунук одам. Киши характеристерини бундай ташқи хусусиятларга қараб очиш ҳам бир ёқламалик, юзакиликдир ”<sup>2</sup>.

Ойбекнинг бу таънаси, балки, ўринлидир.

Лекин Ойбек-ёзувчи “Кутлуғ қон”ни ёзганда Ойбек-танқидчининг бу таънаси ўзига ҳам таалуқли бўлиши мумкинлигини ўйламади. Агар биз Тантибойвачча билан бирга бояги манзилга яна кириб борсак, ишратхона ходимлари ифлос иш билан шуғулланувчи кимсаларнинг, Ойбек тасвирлаганидек, дунёдаги энг хунук одамлар эканига ишонализ ва Ойбек бундай унсурлар портретини чизганида Абдулла Қодирий шаънига айтган гина-кудуратлардан онгли равища воз кечганини кўрамиз.

Мана бу тасвирга эътибор беринг:

*“Извош боши берк кўчага тўхтади. Тантибойвачча кира пулини тўлаб, кўримсиз бир дарвозадан ичкарига киаркан, йўлакда, эски курсига ўтирган таниш чолга учради. Чолнинг патак соқоли кирлиқдан оқини йўқотган, эгнида кирланаб, мойланиб йилтиллаган дөғ-дуғли, лекин диққат билан боқилганда, таги асл пахта буюм эканлиги ҳозир ҳам билин-*

<sup>1</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, XIV том. – Б-134.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар, – Б.134–135.

ган узун қора камзул, оёқларида эскириб ола песланган амир-кон маҳси, йиртиқ калиш. Бу киши бир пайтлар Тошкентда ва Фарғонада донг чиқарган Шомуротбой эди. Бутун бойлигини айш-ишрат, фаҳш, бузуклик оламида совуриб, шу оламнинг тўлқинларида бош айлантиргач, телбаликлар қаҳрамони бўлган, ниҳоят, тақдир уни завқ-сафо таҳтидан унинг ифлос останасига отган эди.

Тантибойваччани кўрган ҳамоно ўрнидан турди. Чиркин, хира кўзларининг ёшини кафти билан артиб, кўришмоқ учун кўлларини узатди” (144-бет).

Ойбек уч-тўртга бадий тафсил ва бўёқлар билан бутун бир кишининг тақдирини кўз одимизда яққол гавдалтириб бермоқда. Лекин юқорида айтганимиздек, салбий қаҳрамон портретини чизища у Абдулла Қодирий “анъаналар”ини бузишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Шу лавҳадан яна бир мисол:

“Хўжайин ўрнидан туриб, эшикни қия очди, бировни имлаб, яна жойига ўтирги.

Ёшликда сатанг ўтиб, бу доирага сочи оқарган, лекин ҳали ҳам бутун гавдасидан ноз ҳазонини шилдиратувчи бир кампир кирди.

—Ҳа, бойваччам, энангта нима тортиқ қиласан?.. —ўйноқланди кампир.

—Тортиқим шу: сизга битта куёв топиб қўйдим.., —ҳазилашиб Тантибойвачча.

Кампир унда-бунда қолган, тишқоли сурилган тишларини очиб, қаҳ-қаҳ кулди... ” (160-бет)

Ана шу тарзда Ойбек ҳам, Абдулла Қодирий ҳам воқеалар оқимидағи мавқеига қарамай, ҳар бир ижтимоий аҳамиятга молик персонаж портретини гоҳ яхлит, гоҳ сочма тарзда беради; уларнинг ички оламини, инсоний моҳиятини очиб ташлабгина қолмай, тарихий давр ҳақиқатини ёрқин ва теран ифодалаща портрет тасвиридан ҳам катта маҳорат билан фойдаланадилар.

**Пейзаж тасвири.** Одатда ўзларининг ҳажвий истеъдолари билан китобхон эътиборини қозонган ёзувчилар лирикадан, ҳис-ҳаяжон тўлқинларидан узоқ бўладилар. Абдулла Қаҳҳор ижоди тонгида озгина шеър ёзганига қарамай, асосан реалист ёзувчи ва ичакузди комедиялар муаллифи сифатида машҳур. Лекин унинг эстетик қарашлари ва

ижодий мезонлари учун кўтаринки тасвир унсурлари мутлақо ёт. Унинг қисса ва романларида биз билган ва севган маънодаги пейзаж-манзара тасвири йўқ, даражада.

Абдулла Қодирийни “Муштум” журнали орқали таниган китобхонлар учун у аввалло ҳажвгўй ёзувчи. Ҳажв билан лирика эса муз билан оловдир. Бинобарин, Абдулла Қодирий романларида катта шоирона кўтаринки руҳ билан тасвирланган табиат манзараларининг борлиги мўъжизавий ҳол. Шу маънода Ойбек Абдулла Қодирийдан ҳам, Абдулла Қаҳҳордан ҳам кескин фарқланади. Ойбек романида табиат манзараларининг чин маънода олтин қалам билан чизилганилиги ажабтовур ҳоллардан эмас. Бундай манзараларни фақат бағрида, юрагида улкан шоир яшаган кишигини чи-зиши мумкин.

Ўроз билан Йўлчи хароб уйининг ўртасида қазилган чукурчага ўтин қалаб, ўт ёқиш учун дамма-дам пуфлашар эди. Улар қанчалик уринмасин, уй ичи тутунга тўлиб, олов ёнмайди. Йўлчи нафасини ростлаш учун эшикка чиқади:

*“Осмон тиник, қалин қор билан қопланган далалар устида юлдузларнинг олтин гўзалари ёрқин чақнайди. Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиникроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби... Унинг нурларида қишининг поёнсиз оқ кўрпаси майдо олтин учқунлатиб, ҳаммаёқни чуқур жимжитлик билан ўраб ётарди. Яланғоч дарахтлар майдо юлдузчалар билан ёнган қора ажаб чиройли қўлланкалар ташлайди. Ойдинли қиши кечаси шундай гўзал, шундай улуғворки, ҳатто хизматкорларнинг хароб кулбаси ҳам, деворларига кимнингдир томонидан ёпилиб, йигиштирилмай қолган таппиллар ҳам аллақандай бежирим манзара ясайди...”* (114-бет).

Киши куни хароб бир уйда совуқда яшаётганига қарамай, олам Йўлчининг кўзига шундай гўзал кўринади. Бунинг сабаби унинг Гулнорни ilk бор кўриши биланоқ унинг муҳаббати тўрига илинганидадир. Юқорида келтирилган лавҳа Йўлчи қалбига қўнган гўзаллик билан бениҳоя уйғун, бир-бирини тўлдирувчи ва шарҳловчи ҳодисалардир. Бу лавҳадаги “юлдузларнинг олтин гўзалари”, “қишининг поёнсиз кўрпаси”, “чуқур жимжитлик” каби истиорали ифодалар, яланғоч дарахтдан майдо юлдузчалар билан тўклилаётган қора ажаб қўлкалар ва ҳоказолар тасвиридан нафосатнинг ноzik таманнолари эсади.

Энди қиши кечасининг мана бу манзараси билан танишайлик:

“Кечанинг совуғи, изғириң күчайди. Бадани совуқдан муз кесилди. Чарми тошдай эски этик ичида оёқлари жонсизланди. Лекин у бир зум қўнмасдан тентирайверди. Бир бурда сарик, совуқ ой хира нур тумани сепди. Йўлчи санқиб юриб, анҳор ёқасига тўхтади. Сув шувуллаб, қандайдир сирли, ваҳимали кўриниш билан оқади. Унинг қорамтири ойнаси га қирғоқдаги юпқа муз парчаларида ойнинг олтин нури йилтирайди. Сув ёқалаб ўстган яланғоч дарахтларнинг бутоқ новдаларида совуқ шамол шивиллайди. Йўлчи сувнинг совуқ тўлқинларига узоқ тикилди. Бошига, тўсатдан бир ваҳм, қўрқинчли бир фикр уйғонди: “Уни ўз уйидан ким олиб қочади? Нега олиб қочади? Бу жуда мушкул. Гулнор шу анҳорга ўзини отмаганми?! ” Анҳор узоқ эмас. Ҳар кун деярли ўзи от сугоришга келган бу анҳор ҳозир унга даҳшатли бўлиб кўринди, гўё унинг қалбини, умид ва орзуларини бу анҳор ютган” (233-бет).

Сезган бўлсангиз керак: бу, Гулнорнинг ғойиб бўлгани хабарини эшишиб, уни ярим кечада, қишининг айни чилласида излаётган Йўлчининг ҳолати-ю, унинг шу ҳолатини ўзида, худди кўзгудагидек, акс эттираётган манзара. Бояги манзарада ойнинг илиқ ҳароратли нурлари улуғвор бир гўзалликни ҳосил эттан эди. Аммо бу манзарада ҳатто ой ҳам – Ойбекнинг севимли самовий тусдоши ҳам совуқ нурлар таратмоқда. У куни кечагидек тўлин ой эмас, балки бир бурда ой. Бу ой нур эмас, хира нур туманини сепмоқда. Тасвирнинг заргарона аниқлиги ва образлилигини қаранг! Биргина ой тасвирининг ўзидан Ойбек қанчалик ранглар ва оҳангарни – маъноларни келтириб чиқармоқда.

Мана, Ойбек романидаги сўнгти манзара тасвирларидан бири. Йўлчининг қамалган, Гулнорнинг Мирзакаримбой уйида хотин сифатида яшаб, барча орзу ва армонларидан жудо бўлган ва заҳарланиши олдидағи пайти:

“Қуёш ботган. Лекин унинг олов дарёси турли ранглар билан товланиб, чексиз бир парда каби, уфқларда мавжланаар эди. Боғчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас, ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди. Ҳар ёқдан кўтарилган тутунлар, юпқа кўк булут каби, ҳавода секин-секин эрийди... ” (316-бет).

“Қуёш ботған” Шу икки сўз фақат тасвири этилаётган пайтнигина эмас, балки умуман Гулнор учун, қолаверса, Йўлчи учун ҳам ажратилган умрнинг сўнгги дақиқаларини ифодалаб келмоқда. Қуёшнинг олови қанчалик турфа ранглар билан товланмасин, боғчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмай, ҳаммаёқ туташ яшил манзара ҳосил қилмасин, соат миллари Гулнор учун тўхташ арафасида турибди. У ана шу гўзал манзарага тўйиб, шу манзара фонида Йўлчи билан ёндош кечган ҳаётининг баҳтли сонияларини эслали ва шу гўзал манзарага уйғун хотиралари билан тун бағрига сингиши керак. Ташқи порлоқлик билан тўла манзарадан ана шундай мунгли фикр, мунгли кайфият оқиб чиқади.

Абдулла Қодирий Ойбекка нисбатан пейзаждан кам фойдаланган эса-да, ўрни ва тақозоси билан манзара тасвирини-да чизиш, чизганда ҳам гўзал чизишга интилган. Адид назарида, Отабекдан умидини мутлақо узган, аммо айни пайтда бошқа хушторлар билан ҳаётини боғлашни ҳам истамаган Кумушнинг руҳий изтиробларини ҳаяжонли пардада кўрсатиш учун пейзаж тасвири зарур бўлиб туюлади.

Мана, романдаги ўша машҳур тасвир:

“Куз кунларининг оёғи ва қиши кунларини боши эди. Даражтлардаги сариқ барглар тўклиб тутгалган, ер юзи ўзининг қишики сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томонининг ўралганлиги соясига япроқларини тўклишидан сақлаб қолган гилос ёқочлари ҳам бу кун тунги қора совукча чидолмай, елнинг озгина ҳаракати билан-да баргларини шарт-шарт узуб ташламоқда эшилар. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ўзи ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совук қуёш кучини-да кесган эди... ” (168-бет).

Абдулла Қодирий шу ерда ўрта эшиқдан кўринган Кумушбиини тасвирилашга ўтиб, унинг “бурунги тўлалифи кетиб, озғинланган”ини таъкидлайди. Аммо шунга қарамай, “бу озғинлиқ унинг ҳуснига камчилик бермай, билъакс, юқорилатқани”ни асословчи далиллар келтиради. (Қавс ичидаги шуни таъкидлаш жоизки, адид ўрни келса-келмаса, ўз қаҳрамонининг гўзаллигини тасвирилашни адиллик бурчи деб билади.) Сўнг пейзаж тасвирини давом эттиради:

“Ул (Кумушбии —Н.К.) ерга тушкан ҳар бир япроқда ўзининг таржимаи ҳолини ўқир, ўзини-да мавқеидан айри-

либ, ҳечка чиқиб турган шу хазонлардан айра билмас эди. Айра билмаги-да, латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб, тин олди ва кўзлари жиқ ёшга тўлди” (211-бет).

Бу пейзаж, шубҳасиз, гўзал ёзилган ва, шубҳасиз, аро-сат даштида қолган Кумушнинг руҳий ҳолатини очишга хизмат қиласи. Кези келганда, бу тасвирини “Лайли ва Мажнун”даги хазонрез фасл тасвирини ёдга солаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Аммо шундай нафис бўёқлар билан чизилган пейзаж, назаримизда, Кумушбибининг гўзаллиги-ни тасвирашга бағишлиланган лавҳа ичида эриб кетади ва биринчи ўринга Кумуш портрети чиқади.

Ҳар иккала романда, пейзаждан ташқари, майший ҳаёт, руҳий ҳолат тасвиirlари ҳам борки, улар-да адиларнинг ғоявий ва бадиий ниятларининг руёбга чиқишига ёрдам беради. Аммо биз бадиий тасвириниң барча кўринишларига тўхташни шарт деб билмаганимиз учун Ойбекнинг бу борадаги қуйидаги сўзларини келтириш билан яна пейзаж ма-саласига қайтмоқчимиз:

“Ўтган кунлар”да уй-жой, майший картиналар тавсифи фақат воқеа ва кураш борадиган шароитни кўрсатиш учун-гина зарур бир элемент бўлмай, балки аксар вақт маҳсус бадиий қиммат касб этади, асар учун қўшимча бадиий бир восита каби мукаммал чизилди. Шунинг учун оқ кўпинча воқеа ва кураш тасвир қилинмасдан илгари обстановка (шароит — Н.К.) ва персонаж турган муҳит картиналари биратўласига тавсиф қилина қолади...

Романда табиат кўринишлари ва умумин пейзажлар тасвири ҳам сийрак эмас. Табиат кўринишлари аксар қаҳрамоннинг психологияси, кайфиятига ҳамоҳанг равишда акс эттирилади. Табиат ҳодисаларининг тасвири қаҳрамоннинг кечинмаларини ифода қилиш учун бадиий бир восита роли-ни ўйнайди”<sup>1</sup>

“Ўтган кунлар”да шундай саҳифалар борки, уларни ҳаяжонсиз, қалбнинг вулқонли туйгуларисиз ўқиш асло мумкин эмас. Шундай саҳифалардан бири Кумушнинг ўлими ва дафн маросими тасвиридир. Абдулла Қодирий бу ғоят мунгли саҳнани тасвиrlаганида ўзида пайдо бўлган кўз ёшларининг ўзи етарли бўлган бўлса керакки, пейзаждан фой-

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 139—140.

даланмайди. Аммо Отабекнинг, орадан бир йил ўтгач, Марғилондан келиб, севимли ёр қабрини зиёрат килганини ва энг сўнгти кечани “ёлғиз кўйи Кумуш қабри ёнида” ўтказганини тасвиirlар экан, бундай мунгли манзарани чизади:

“Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоғроқдан Қуръон товуши эшишилар эди. Икки туб чинор бутоқларида кўнуб ўлтурган уч-тўртта бойқушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуий думбайган қабрлар бу тиловатка сомиъ каби эдилар. Қуръон оялари қабристон ичига оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам Қуръон ояларига қўшилишиб оқар эди... ” (376-бет).

Бу пейзажда нафақат табиат тасвири, балки, унда очиқ айтилмаган бўлса-да, ҳаёт билан ўлим, ўлим билан абадият ўртасидаги алоқаларга оид қандайдир шамалар ҳам бордек. Ҳарҳолда Қуръон ояларининг қабр ичига Отабекнинг кўз ёшлари билан бирга оқишида икки руҳнинг арши аъло-да учрашиши мумкинлигига мавҳум бир шама, мавҳум бир умид бор. Сўнгти пейзажнинг ана шундай яширин маънолар касб этишида Абдулла Қодирийнинг санъаткорлиги ва, муҳими, исломий қадриятларга эътиқод қўйган санъаткор эканлиги балқиб туради.

“Кутлуғ қон”нинг бундай хотима ва бундай пейзаж билан тугаши мумкин эмас эди.

**Ички монолог тасвири.** Насрий асарларда бадиий тасвир имкониятлари ниҳоятда кўп. Абдулла Қодирий ўз асарини ўзбек романнавислиги тонгида ёзганига қарамай, ўша вақтдаёқ бадиий тасвирнинг бугун бизга маълум бўлган қарийб барча тур ва кўринишларидан фойдаланганлиги шубҳасиз. Шундай тасвир турларидан бири қаҳрамоннинг ички монологидир. “Ўтган кунлар”да биз нафақат асосий қаҳрамонлар, балки айрим иккинчи даражали персонажларнинг ҳам ўз ҳаётларининг силсилали дақиқаларида кўнгилларида барг ёзган туйфу ва кечинмаларини ички монолог ёрдамида юзага чиқарганларига гувоҳ бўламиз.

Ўйланишга мажбур бўлган ва бу ҳақдаги ноxуш хабар билан Марғилонга, севимли ёри, қайнота ва қайнонаси қошига бораётган Отабек хаёлидан бир-биридан изтиробли фикрлар ўтиши табиий. Бу ҳолни бадиий асарда четлаб ўтиш “инсоншунослик” деб аталган адабиётнинг табиатига асло муносиб эмас. Бинобарин, Абдулла Қодирий Отабек ниго-

ҳига тушган қир манзараси таъсирида унда пайдо бўлган туйғулар пўртанасини ва бу пўртанада шаклланган фикрларини бундай тасвиirlайди:

“— Хов, ана, қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, суйганининг олдига тезроқ етиш учун шошадирғандир: сайроғиға ҳам суйганининг кўриш шодлиги учундир... Бахтилик қалдирғоч: совғаси ҳам қўрқинч эмасдир, ота-онасининг орзу-ҳаваслари ҳам йўқдир. Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, икав-икав, суйган-суйганни оладир-га, тоғларда, ерларда, кўкларда учид юрий берадилар. Мен ҳам шу қалдирғочдек унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим.

Унинг қалдирғочлик қаноти ота-она мукофоти билан қайрилган. Унга учкали эрк бермайдирлар. Лекин ҳайвон унинг қайрилган қанотига қарамасдан, ўзининг эски одим ташлашида қирлар, тоғлар ошиб, сувлар кечадир; етти-саккиз қайта бориб келган таниш шаҳарига интилгандан интила берадир” (113-бет).

Шу пайт узоқдан қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитилади:

Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши...

Ашула Отабекка бошқача таъсир этади. “Гўё бу деҳқон, - ёзади адаб, — унинг истиқболидан ҳикоя қилгандек бўладир. Бу байт деҳқоннинг оғзидан яна тақрорланиб, тағин теваракни ёнғиратадир”

Энди Отабекнинг кўнглидан бундай фикр ўтади:

“Икки ёрни ажратқучи бу фалакнинг гардиши эмас, ота-онанинг орзуси!” (ўша бет).

Отабек ана шу саҳнагача “ота-она орзуси”га қарши дилидаги сўзларини айтмаган, бу “орзу”га мусулмон боласига хос одоб билан, ичдан зил кетса-да, бўйсунганди эди. У яшил ва бепоён кенглиkkка чиқиб, дилида пайдо бўлган норозилик сўзларини ҳеч ким эшита олмайдиган жойда, ниҳоят, айтади. Ўшанда ҳам ички монолог тарзида!

Йўлчи Салимбойвачча билан юз берган тўқнашувга қадар юрагида йифилган дарду аламларни ҳеч кимга очиқ-ёриқ айтмайди. Шунинг учун ҳам шу воқеага қадар у ўз ҳаяжон-

лари, изтироблари, ширин ва таҳдикали хаёллари ва кечин-маларини ички монолог тарзида бизга етказади. Бу ички монологлар адид ғоявий мақсадининг талаби билан гоҳ, у, гоҳ, бу мазмунга эгадир.

“Қутлуғ қон” Ойбекнинг биринчи йирик насрий асари бўлганига қарамай, ёзувчи шу асаридаёқ ўзини ички монолог устаси сифатида кўрсата олган.

Бизнингча, қуида Йўлчи ё Гулнорнинг ички монологларини шарҳлашдан кўра, иккинчи даражали қаҳрамонлар образининг инкишофида нутқнинг бу шакли ўйнаган ролни тавсифлаш муҳимроқ.

Маълумки, Шарқда ҳукм сурган қонун ва қоидаларга кўра, аёл киши нафақат жамият, балки оиласда ҳам ўз овозига эга бўлмаган. Ёрматнинг хотини, Гулнорнинг онаси Гулсумбиби ҳам худди шундай ҳуқуқсиз аёлларнинг бири. Эри Ёрмат хизматкор, бойнинг бошқалар сингари қароли бўлганига қарамасдан, хотинининг унини ўчирган ўчирган. Шунинг учун ҳам Гулсумнинг ўз дилида туфён урган фикрларни фақат ички монолог орқали юзага чиқариши табиий.

Гулнорнинг касалланганидан хавотирланган она ҳамма айни эри Ёрматнинг устига афдаради:

*“Ота бўлмай ўл. Икки гапнинг бирауга хотин устига бўлса ҳам бойга, ерли-сувликка бераман, дейди. Ниятинг қурсин. Қизимни ўтга ёқмоқчи бўласанми? Қизим ақлли, ҳушли қиз, дадасининг бундай бағ ниятини билади, шундан хафаланади, куяди. Ота ўлгур, бироннинг малайи бўлса ҳам, ўлгудай кеккайган, такаббур. Қанча совчиларни қувиб юборди, ахир. Бирини паст одам дейди. Бирини косиб дейди, бирини аравакаш-оворакаш дейди. Дуррагор йигитнинг онаси қатнай-қатнай тинка-мадори қуриди. Айниқса, ўшанга кўнглим чопган эди. Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор экан, бўйдоқ экан, уй-жойи тайин экан. Яна сенга нима керак?! Энди яна бошка баҳона топибди. “Қиз маники эмас, бой отамнинг қизи. У киши ўзлари танлаб узатадилар!” Ўл, ота бўлмай...”* (149–151-бетлар).

Гулсимбибининг юрагидан тошиб чиқсан бу сўзларни ўқир эканмиз, биринчидан, улар чиндан-да Гулсумбибидек оёқ ости қилинган, муштипар, хоксор аёлнинг дил сўзлари эканига ишонамиз. Бундай сўзларни саксонга кирган бўлса-

да, эркак киши айта билмайди. *Иккинчидан*, бу сўзлари орқали у ўз оиласи доирасида мавжуд адолатсизликдан, зулмдан, қашшоқликдан эри туфайли исён қилмоқда ва исён оловини эрига қаратмоқда. *Учинчидан*, Гулнорга совчилар келаётгани ҳақида хабар бериб, булар орасида дурадгор йигитнинг ўзига маъқул бўлганини айтмоқда. *Тўртинчидан*, Ёрматнинг Гулнорни бойга бериш ниятида экани, бунинг устига, қизининг тақдири ўзида, Ёрматда эмас, балки Мирзакаримбойнинг қўлида эканидан дод демоқда. Бу ерда Гулнорнинг кейинги тақдирига алоқадор бир сиқим нурни йўқ, деб бўлмайди. *Бешинчидан* эса, ҳар куни бўлмаса-да, аҳён-аҳёнда кўриб юргани, кимлиги, қандайлиги ҳақида тасаввур бўлгани, эҳтимол, Гулнорга нисбатан туйган майлидан ҳам хабардор бўлгани Йўлчини тилга ҳам олмайди. Бу бејиз эмас. Гулсумбиби ҳар ҳолда она: қизининг уйи-жойи тайин (дурадгор йигитдек!), қўлида гулдай ҳунари бўлган (дурадгор йигитдек!) бўйдоқ бир кишига беришни истайди. Худди шу нуқтада унинг хоҳиши билан реал воқелик ўртасида, мавжуд шароит ўртасида бепоён бир зиддият пайдо бўлади.

Ёрматнинг Гулнор қисмати ҳақидаги фикри аниқ ва равшан. Мирзакаримбойга вафодор ит каби хизмат килган қарол, кекса бўлса ҳам, қизини бойга беришни ўз ҳаётининг катта ютуғи, деб билади. Аммо натижа Ёрмат ўйлагандек бўлиб чиқмайди. Гулнор Салимбойвачча томонидан заҳарланиб, ўн гулидан бир гули ҳам очилмай ўлади.

Ёрматнинг қасос истаган ўткир пичоғи Салимбойваччанинг нақ, кўкрагига бориб қадалади. Қон ва ўлим ҳидини сезган от пишқириб, безовта бўлади. Ёрмат пичоқни суғуриб олиб, “мудҳиш сокинлик ва совуққонлик билан бойваччанинг этагидан тортиб, пастга туширади. Сўнг жасадни бутун кучи билан жарликка улоктиради”

Ўзбек адабиётидаги юрак қонлари сачраб турган энг кучли ички монолог “Кутлуғ қон” романида, шу унтилмас саҳнада Ёрматнинг қалбидан олов каби отилиб чиқади:

“Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми? Соқолим оқарганда қўлимни қонга ботирдим. Мана, ҳали ҳам бармоқларимга чилп-чилп ёпишади! Йўқ, мен қизимдан сўрайман. Айт, жоним, Гулнорим, айт! Ман ёлғиз санинг қаршингда гуноҳкорман. Эски гуноҳкорман. Сан айт, маъқул бўлдими? Бу қон оз

десанг яна тўкаман. Ҳаммасини қираман. Албатта, бу қон бир томчи. Бундайлардан мингтасининг қони бир тола сочингга арзимайди. Биламан, қизим. Ҳаммасини қираман, даганг энди қўрқмайди. Улар энди хўжайин эмас манга, қизим. Елкамга хўп минишди. Энди бас! Кўзим очилди, Гулнор. Лекин бу кўз курғур жуда кеч очилди. Юрагимга заҳар ютурганда очилди. Юрагим сан эдинг, Гулнор. Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едиармишдим? Тонг-ла маҳшарда қай юз билан санга боқаман? Қизим, кечир, бу адашган, кўр дагангни кечир! Гуноҳимни заррача кечиришинг учун қўлимни қонга тиқдим. Оппогум, Гулнор, кечир... Эвоҳ, эсиз умр, эсиз қизим... ” (324-бет).

Бу унча катта бўлмаган ички монологда нафақат Гулнорнинг, балки, муҳими, Ёрматнинг ўзининг тақдири катта бадий санъат билан мужассамланган. Ўзининг бутун умри давомида бойлар хонадонида қулларча хизмат қилган, ҳатто ўзига тақдирдош камбағал кишиларни назар-писанд қилмаган, бойдан қолган ювиндени ичиб, шу билан мағурур юрган Ёрматнинг кўзи, ўзи айтганидек, кўр эди. Бу кўр кўзнинг очилиши учун пичоқ унинг юрагига бориб қадалиши лозим эди. Ёлиз қизи Гулнор унинг юраги эди. Унинг ўлими Ёрматнинг юмуқ кўзларини очиб юборди.

Ушбу монолог Ёрмат қалбидан қон бўлиб оқаётган сўзлар, сўзга айланган алам, мусибат, тақдирнинг аччиқ ўйини ўта ҳаққоний, ўта таъсирли ифода этилганлиги билан китобхонни ларзага солади. “Қутлуғ қон” романидаги энг кучли саҳна деб мазкур воқеа тасвирини, мазкур ички монологни кўрсатсанак, адолатдан бўлади. Ойбек шу монолог тасвирида доҳий саънаткор даражасига кўтарилиган.

**Ҳикоя ичига ҳикоя тасвири.** Бу тасвир усули биз тушунгандан маънода “Ўтган кунлар”да ҳам, “Қутлуғ қон”да ҳам кўп учрамайди. Биз ҳикоя ичидаги ҳикоя деганда, Абдулла Қодирий романида берилган уста Алим ҳикоясини ёхуд шунга ўхшаш ҳолларни назарда тутамиз. Ҳикоя ичидаги ҳикоянинг яна бир мумтоз намунаси, бизнингча, “Қутлуғ қон”даги Гуландом билан боғлиқ эпизодда берилган. Бу ҳикоя нафақат Гуландомнинг ўша пайтдаги ҳолатини, балки ундан кўра каттароқ ижтимоий мазмунни ифодалайди ва ҳатто романдаги воқеаларнинг мантиқий ривожланиш қонуниятларини ҳам англаш имконини беради.

Айтмоқчи бўлган фикримиз тушунарли бўлиши учун Гуландомнинг бу ҳикоясини айтиш сабаби билан танишиш лозим.

Тантибойвачча олажак кайф-сафосини мукаммал қилиш мақсадида Гуландомдан ашула айтиб беришини сўрайди. Гуландом ўйламасданоқ дуторни чертиб, енгил, шўх ашулани айтади, лекин ашулани тутатгач, “Қорним тўйғанлиги учун яхши айтолмадим”, — дейди. “Нима дедингиз, қорин оч бўлиши керакми?!” — ҳайрон бўлиб сўрайди Тантибойвачча. Гуландом Тантибойваччанинг саволига жавобан бундай дейди:

“— Билмагим, мен бир вактлар уйда қариндошларимиз орасига ашула айтган эдим. — Гуландомнинг кўзлари бир онга дарг билан сузилди, винодан бир қултум ютиб, давом этди. — Дадам келди: “Болам, қорнинг тўқ экан овозинг хира чиқди”, деги. Биз тушунмагик. Кейин ўша нарсани ҳикоя қилиб берди, ҳали ҳам ёдимда “Бир замонда, — деги дадам, — Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан, у ҳеч тинмасдан фикр қиласар экан. Лекин фикр қилганда соқолини битта-битта юлиб олаверар экан. Қўлинни баланд қилиш учун бир нима ўйлаб чиқаришга уринибди. Ахир бир танбур ясабди. Танбури жарангламабди. Ҳайрон бўлиб ўтирган экан, кўчадан ҳали баланд овоз билан ашула айтиб ўтган йигитлар яна ашула билан қайтишибди. Лекин йигитларнинг овози энди жуда суст, бўғиқ бўлиб эшишибди. Афлотун югуриб эшикка чиқибди, йигитларни тўхтатиб сўрабди:

— Болаларим, — дебди, — ҳали овозларинг жуда баланд, янгроқ эди, энди нимага суст бўлиб қолди? — Йигитлар кулиб, шундай жавоб беришди: — “Ҳали қорнимиз оч эди, зиёфатга бориб, кўп едик, кўп ичдик, қорнимиз тўйиб, овозимиз пасайди”. Афлотун дарров уйга кирибди, танбурга қараб, “Қорнинг тўқ экан? — дебди-га, танбурнинг ичини кавлабди. Ана шундан кейин танбур жаранглаб чалинибди” (170—171-бетлар).

Бу воқеа гарчанд Гуландомнинг ўзи ҳақидаги ҳикоясига қистирма ривоят сифатида айтилган бўлса-да, унда чиндан ҳам катта мазмун бор. Қорин тўқ пайтида чиқмайдиган ё бўғилиб, суст чиқадиган овоз қориннинг оч ҳолида янграб чиқиши — бу нафақат физиканинг, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳам қонуни. Йўлчининг овози қорин тўқ пайтида чиқ-

магандек, халқнинг овози ҳам 1916 йилда очлиги туфайли, қорнига келиб тушган мушт туфайли чиққан. Зулм халқнинг суст, бўғиқ овозининг жаранглаб, момагулдирак ўла-роқ янграб чиқишига сабабчи бўлган. 1937 йилда, Ойбек роман ёзишга киришган пайтда гунг ва кар бўлган халқнинг овози ҳам, эртами-кечми чиқмаслиги мумкин эмас эди. Социолог ва футурологларнинг таҳдилларига кўра, собиқ советлар мамлакатида 1937–1939 йилларда тайёрлана бошлигаган халқ қўзғолони Иккинчи жаҳон уруши оловининг ёниши билан тўхтаб қолган.

Хуллас, Гуландом ҳикоясида келтирилган танбур ҳақидаги ривоят романда очиқ айтилмаган, аммо матн остида яширилган катта маънони ёритишга хизмат қиласи.

**Кўп овозли (полифоник) тасвир.** Ҳар иккала романда ёзувчи нутқи етакчилик қиласи. Ойбек ҳам, Абдулла Қодирий ҳам воқеалар силсиласини асосан изчил тасвир этиб, кўраётганимиздек, бадий тасвирнинг турли усуllibаридан ўрни билан фойдаланадилар. Агар ўз асарида “сир сақлаш” усулидан самарли фойдаланган Абдулла Қодирий баъзан тасвирнинг изчил оқимини шартта кесиб, бошқа мавзуга ўтиб кетса ва шу йўл билан тасвирнинг магнитланиб қолишига эришса, Ойбек бу йўлдан бормайди. Аммо ҳар иккалasi ўрни-ўрни билан полифоник тасвирдан фойдаланади. Полифоник тасвир эса кўпроқ қаҳрамонларнинг мураккаб ҳолати ва нутқларини ифодалашда, айниқса асқотади.

Гулнорнинг ўғирланиш эпизоди – романнинг энг драматик нуқталаридан бири. Отасининг Гулнорга уйланиш истагини эшитган Салимбойвачча бутун кучи билан қаршилик кўрсатмоқчи бўлади. Ҳатто Тантибойвачча ёрдамида Гулнорнинг ўғирланишига эришади. Аммо... энди нима қилиш керак? Тирик Гулнорнинг бир кунмас-бир кун овози чиқиши мумкин. Ўз ҳатти-ҳаракатининг оқибатидан чўчиган бойвачча поччасидан Гулнорни ўлдиришни сўрайди. Тантибойвачча фақат бир шарт билан бу ишни қилиши мумкинлигин айтади.

“— Тушунмадим, қандай шарт бўлиши мумкин? – бақрашиб сўради Салим...”

Тантибойвачча ўз шартини баён қиласи.

“Салимбойвачча шартнинг маъносини дарров англади. Ношлож унинг қўлини сиқди. Мана шу онда у ўзининг бутун

эркини поччасига топширганлигини, дадаси ва бошқалар олдиға ўз жиноятынинг очилмаслиги, шарманда бўлмаслиги учун Тантибойваччанинг ҳар қандай талабларини, биринчи галда, албатта, ақча талабларини сўзсиз бажаришга мажбурлигини англади... Бу нарсани илгари ўйламагани учун афсус қилди. Лекин энди ўқинишнинг фойдаси йўқ эди. Ранги ўчган, қалтираган Салимбойвачча болаларча ялинид:

“— Сиз ёлғиз поччам эмас, ҳам дўстим, ҳам оғамсиз, ҳамма вақт ишимиз бир”

Тантибойвачча мағрур ва мамнун бир вазият олди, лабига папироқ қистириб, тезда ўрнидан турди...(236–237-бетлар).

Кўрамизки, Салимбойваччанинг ичидаги биринчи овоз поччасидан Гулнорни даф этишни сўрайди: борди-ю сири очилиб қолгудек бўлса, отаси унга марҳамат қилмаслигини яхши билади. Аммо ўз илтимоси билан Тантибойваччанинг тузогига илинганини сезгач, ичидан иккинчи овоз – пушаймонлик овози чиқади. Лекин кеч бўлган эди. Салимбойвачча яна ички овозини эшишиб, ялинишга тушади. У шу хатти-ҳаракати билан ўзидағи даҳшатли ниятнинг эрксиз ижрочисига айланиб қолади: унинг пировардида Гулнорга заҳар бериши табиий бир ҳолдир.

Энди лабига папироқ қистириб олган Тантибойваччанинг кейинги ҳаракатига эътибор берайлик:

“У кўчада юят мамнун ҳам ҳар вақтдагидан кеккайиброқ юрди, чунки у ўзини катта зафарга эришган ҳисоблади. Салимбойвачча энди унинг қули...” – бу унинг кўнглидан чиққан биринчи овоз. Шундан кейин Тантибойвачча бу зафарнинг пайдо бўлиш тарихини эслайди. Бинобарин, бу ҳам янги овоз бўлса ажаб эмас: “...Аввалги кун, кечқурун, Салим унинг уйига бориб, дадасидан шикоятланди. Чол унинг шартини қабул этмаганини ва бунинг устига бутун меҳмонхонани бошига кўтариб, ўғилларини сўkkанини сўзлади... Тантибойвачча Гулнорни олиб қочиш кераклигини мастилик дагдиллиги ва мантиқи билан тушунтирди. Фазабланган Салим бир минут ўйланмасдан, бу таклифни қабул этди...” Ойбек Тантибойваччанинг хаёлидан ўтган шу фикрни учинчи овоз сифатида баён этиб, воқеаларга аралашади. Сўнг яна сўз навбати Тантибойваччага келади: “Эрта-индин бойваччадан ўн минг сўм оламан – векселга қўл қўйса бас. Унинг имзоси –

*нақд пул*” Тантибайвачча шундай ички овоз билан қувониб борар экан, кўзи кўчада қаёққадир кетаётган Ёрматта тушади.

Адид овози: “Унинг бетини кўрмаса ҳам, дардини, ҳасратини унинг юришидан, елкасиган сезди. Юрагининг чеккаси чимчилангандай туюлди. Ихтиёrsиз равишда кўзларини бошқа ёққа бурди”

Тантибайваччанинг ички овози: “Ҳаммадан шу камбағалга қийин, нафсилаңра қийин. Ўзи чакки одам эмас. Бир мусо-фир, фариб. “Боланг кўз олдингда ўлса ишлайсан, додлайсан, ер бағри қаттиқ, ахир кўниказсан. У боёқишининг нури дийгаси, етилган қизи бирдан ғойиб бўлсин... Ўликми, тирикми, бир умр билмасин... Бундай яшаشدан жаҳаннам азоби минг марта енгил. Ёрматнинг қўлидан етаклаб, қизи олдига тўғри бошлаб борсам, “ол қизингни, лекин, буни бир сан бил, бир Олло билсин, бошқа ҳеч ким; жўна, десам...” (237–138-бетлар).

Тантибайвачча шу дақиқада бундай олижаноб қадамга қодир эмас эди.

Адид овози: ...Аммо унинг юрагига бу ёруг фикрни бир зумда бошқа орзу – таъма қораси босди, ҳалиги учқун юракнинг қора ўпқинига сўнди. Чунки Ёрматнинг қизи унга беҳисоб текин пул манбаи очган эди...

Тантибайваччанинг ички овози: “Салимбойваччанинг елкасига миниш учун Гулнор қурбон бўлиши керак...”

Адид овози: ...Бундан ташқари, Гулнор каби, одамларнинг таърифига қараганда, чиройли қиз билан кўнгил қонгунча “сұхбат” қилиш орзуси ҳам унинг кўксини ёқди...”

Тантибайваччанинг ички овози: “...Савобнинг эшиги кўп, дейдилар. Бу бўлмаса, бошқа бир эшикка кириб чиқармиз. Масалан, мачитга гилам олиб бериш. Бунда кишининг номи ҳам чиқади...”

Адид овози: ...деб уйлади-га, қадамини илдам босиб, Ёрматни орқага қолдирди” (238-бет).

Ойбек шу кичкина ҳаётий лавҳада турли овозлар ёрдамида Салим ва Тантибайваччалар руҳида кечган ички курашни бутун мураккаблиги билан очиб беради, улар учун ўз шахсий манфаатларидан бўлак ҳеч нарса йўқлигини, улар ҳатто бир фариб қиз ва унинг фариб отасини хонавайрон, ҳаттоки, қурбон этиб бўлса ҳам, ўзларининг ички, аммо

қабиҳ ниятларига етишга тайёр эканликларини бадий таҳлил ийли билан кўрсатиб беради. Ана шу лавҳада у аччиқ ҳаёт ҳақиқатини китобхонга катта бадий ҳақиқат сифатида тақдим қилишга эришади.

Бундай серовоз тасвир усули “Ўтган кунлар”да ҳам йўқ эмас. Лекин Абдулла Қодирий бундай тасвирнинг айрим унсурларидангина фойдаланиш билан кифояланган, холос. Зеро, унинг ихтиёрида қизиқчилар ва аскиячилар ватани – Марғilon ҳаётидан асар ёзаёттанилиги учун тасвирнинг бошқа жозибали кўринишлари ҳам бор эдики, адид улардан фоят катта маҳорат билан фойдаланди.

**Бадиҳа санъати.** “Ўткан кунлар”да инсон ҳиссиётининг барча турлари кўзга ташланади. Шу турлар орасида Ойбек романида кам учрагани ё Абдулла Қодирий туфайли тасвир турларидан бирига айлангани аския ва бадиҳадир.

Марғilonлик қудалар Тошкентга келиб, Ўзбек ойимнинг уйи хотин-халажга тўлгач, улар ўртасида бўлиб ўтган аския роман тили ва услубига янги, шодон бўёқларни олиб кирган. Лекин биз ҳозир бошқа масалада баҳс юритмоқчимиз. У ҳам бўлса, романда “Кумушнинг сўз ўйини” деб аталган, Кумуш билан Зайнаб ўртасида бўлиб ўтган ажойиб бир гурнгdir. Бу, аслида, сўз ўйини ҳам, бадиҳа санъати ҳам эмас. Аммо кутилмаганда ўзи билан Отабек ўртасида бўлиб ўтган сирни ошкор қилиб юборгани учун Кумуш сухбатни шундай ўйнатиб юборадики, унинг ижодий фантазияси қанот қоқиб, у ўйлаб топган, тўғрироғи, бадиҳа йўли билан топаётган ғаройиб воқеалар осмонида чарх уради. Ҳар ҳолда Кумушнинг Зайнаб билан бўлиб ўтган бу диалоги, бадиҳа санъатининг гултожи бўлгани учун биз ҳам бу тасвир тури ни шундай ном билан атадик.

Зайнаб Отабекнинг Марғilonдан оёғини тортиб қўйишида ким айбдор эканлиги масаласи билан қизиққанида, Кумуш бундай жавоб беради:

“— Тўғри айтасиз, — деди Кумуш, — бу киши эмас, мен уришкан эдим... Бу кишига сира гуноҳ йўқ ва аразимизга бир тўнғиз сабаб бўлган эди.

— Ким бало экан ул? — деди Зайнаб.

— Бизнинг шаҳарда энг ярамаси, — деди Кумуш ва Отабекдан сўради, — сиз эшишдингизми, яқинда ўшани бир бек ўлдирибди?.. ” (263-бет).

Ҳурматли ўқувчи бу ерда сўз Ҳомид устида, унинг Отабек ўлдирганлиги устида бораётганини сезган бўлса керак.

Кўчирмани келтиришда давом этамиз:

“...Отабек кулимсиради.

— Эшишдим...

...Зайнаб сўради:

— Сизларда қандай душманлиги бор экан?

Отабек: “энди нима дейсан?” дегандек қилиб Кумушга қаради. Кумуш бўлса, парвосиз жавоб берди:

— Ўша тўнғиз уйланмакчи бўлиб маним бир ўртоғимга овчи қўйиб юрар эди. Мен эрса ўртоғимни унга тегишидан айниткан эдим. Айнатиш имчилик тўнғизнинг қулогига етиб, мени бу кишига чақибдир. Бу киши бўлса, нега бирорни ўртасига тушасан, деб мендан хафа бўлдишлар.

“Бу киши” Кумушнинг ёлғон уюшдиришидан кулди, Зайнаб эрса, эрини оқлаб тушди:

— Айб сизда экан, — деди, — сиз ҳам нега бирорни ўртасига тушасиз?

— Айб мендаликка менда, — деди Кумуш ва Отабекка қарагу. — Нафси замонга қараганда, айб бизнинг орамизга чўп бўлиб тушкан холамнинг қизи Зайнабда, шундоғ эмасми? — деб сўради.

Отабек сачраб, Кумушка юз ўтиргди:

— Бу ўртаға Зайнабни нимага келтириб тиқасиз, энди?

Кумуш кулди ва эски ҳолини бузмади:

— Сиз ҳовлиқманг, бек, — деди, — тунови кун холамникуга борган эдим, холам қизи Зайнабдан шикоят қилиб, ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулогига етказгичи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлганини бирма-бир айтиб берди, билдингизми?” (263–264-бетлар).

Шу тарзда Кумуш Ҳомид билан Отабекнинг иккинчи хотини Зайнабни ўзи ўйлаб-нетмай, бадоҳатан тўқиёттан воқеаларга олиб кирган ҳолда уларга нисбатан туйган кекини яширмайди, айниқса, Зайнабнинг соддалиги ва зийрак эмаслигидан фойдаланиб, уни ер билан битта қилади.

Гарчанд бу сұхбат диалог тарзида борган ва аҳён-аҳёнда унга Отабек ҳам қўшилган бўлса-да, унинг марказида Кумушнинг ўзи мағрур қад қўтариб туради. У ўзининг қочи-римлари, фантазия бўёқлари мушак янглиғ отилиб, камалак нурларини таратган сўzlари билан ҳар иккала сұхбатдоши-

дан ақл-идрок ва сўзамоллик бобида баланд туришини, ҳар бир нарсага қулги ва ҳазил орқали қараши ёхуд қулги ва ҳазилдан ҳар бир нарсага либос бичиши мумкинлигини на-мойиш этади. Умуман, Кумушнинг нутқи ва хатларидан шу қадар зарофат ёғдулари таралиб турадики, унинг ақл-заковат ва назокат бобида Отабекдан бир бош юқори туриши китобхонда шубҳа уйғотмайди.

**Муаллиф нутқи.** “Ўтган кунлар” Абдулла Қодирийнинг биринчи романигина эмас, балки ҳозирги ўзбек адабий тили ҳали дуруст сайқал топмаган 20-йилларнинг аввалида ёзилган асар ҳамдир. Агар шу йилларда ёзилган ўзбек адабиёти ва матбуотининг бошқа намуналарига тил ва услуб нуқтаи назаридан ёндашсак, қаршимизда анчагина ғарип бир манзара очилади.

XIX асрнинг сўнгги чорагидаги ўзбек тили билан XX асрнинг 20-йилларидағи ўзбек тили ўртасида катта фарқ бўлганидек, сўнгги давр жадид адабиёти ва газеталари тили билан “Ўтган кунлар”нинг тили ўртасида ҳам ер билан осмондек тафовут бор. Абдулла Қодирий мадраса таълимими кўрган киши сифатида араб ва форс тилларини яхши билган ва бу тилларнинг бойлигидан тўла фойдалана олган. Айни пайтда у турк, озарбайжон, татар тилларида эълон қилинган асарларни ўқиб, шу асарлар тили ва услубини ўрганганд. Бундан ташқари, адид гап-гаштакларда бўлиб, улуғ ёшдаги кишиларнинг суҳбатига қулоқ тутиб, тўй-ҳашамлар ва чойхоналарда айтилган халқона гап-сўзлардан ибрат олиб, ўзининг тили ва услубини ишлаб чиққан. Эҳтимол, “Ўтган кунлар” тилида айрим арабий ва форсий сўзларнинг қўлланилганлиги асарнинг ўқилишини қийинлаштириши мумкин. Лекин, агар 20-йиллар арафасидаги ўзбек тили билан солиштиrsак, роман тили ҳозирги миллий адабий тилимизнинг шаклланишида буюк роль ўйнаганини кўрамиз. Бу ҳолни биринчи бўлиб Ойбек қайд этган. “Ўтган кунлар” романига, — деб ёзган у, — ёзувчи тил устига катта маҳорат кўрсатади. Романнинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, согда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишига бу асарнинг роли, шубҳасиз, ғоят каттагур”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – Б.143.

Энди бевосита муаллиф тили масаласига келсак, шуни айтиш лозим: ҳар бир асарда бўлганидек, бу романда ҳам диққат-эътиборни тортиши маҳол бўлган тафсиллар, манзаралар, кишилар ва воқеалар бўлиши мумкин. Лекин Абдулла Қодирий уларни ғоят ширави, турли лисоний рангларга бой, қурилишига кўра китобхонни зериктирмайдиган, аксинча, унинг қалбига етиб борадиган тил билан ёзганки, сиз, биринчи навбатда, шу тилнинг сеҳрига тушасиз, гўзаллигига ошифта бўлган ҳолда адабнинг ҳар бир сўзига ишониб, асарни ўқийсиз.

Адабнинг тили тасвир мантиғидан келиб чиқиб, янги бўёқлар касб этади, узун-узун жумлалар мазмун тақозоси билан қисқа-қисқа жумлаларга айланади, ё улардан истехゾ, ё завқшавқ оҳанглари эсади. Бинобарин, муаллиф тили бир оҳанг, бир темпда, бир суръатда ривожланиб бормайди.

Мана, муаллиф нутқининг ранг-баранглигига баъзи бир мисоллар:

*“Сарой тинч уйқуда, тун ярим. Ҳасанали ҳужранинг узун бурама қулуфини очиб, ичкарига шамъ ёқди ва бекнинг тўшагини ёзиб, унинг кириб ётишини кутиб турди”* (25-бет);

*“Бу кунларда Марғилонда шундай хабар чиқиб қолди. Тошканг ҳокими бўлган Азизбек Кўёнга қарши бош кўтарган. Ҳон томонидан хирож (закот, солиқ) учун юборилган девон бекларини ўлдирган!”* (302-бет).

Бу ҳар икки парча қуруқ аҳборот характеристига эга. Лекин бири оддий майший бир вазиятдан, иккинчиси эса муҳим аҳамиятга молик воқеадан хабар беради. Шунинг учун ҳам биринчи хабарга қараганда иккинчисида ритмик шиддат мавжуд, бирорта ҳам ортиқча сўз йўқ, лекин вазият дарражаси аниқ ифодаланган. Энди мана бу сўзларни ўқинг:

*“Бечора она чигалмаги, қабрни қучоғлаб уввос тортди. Отабек ҳам қабр ёнига тиз чўкиб кўз ёшиси билан тупроғни лой қила берди... Қутидор қаршисида эди. Лавҳани ўқиб чиқғандан кейин ул ҳам пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Ярим соат чамаси шу ҳолда қолдилар”* (302-бет).

Бу лавҳадаги ҳар бир сўз нафақат Офтоб ойим ва Отабек, балки Кумушнинг ўлимидан ларзага тушган муаллифнинг тили калимага келмаётганидан дарак бериб, ўзида улар кўзидан оқдан ёшларни жамлагандек бўлади. Бу лавҳадаги ҳар бир сўз шу қадар намли ва шу қадар ғамлидир.

Ойбек Абдулла Қодирий романидаги айрим нуқталарга давр талаби билан танқидий мулоҳазалар билдиргани ҳолда роман тили, хусусан муаллиф тили ҳақида завқланиб гапирган. Назаримизда, “Ўтган кунлар”даги муаллиф нутқининг ўзига хос рангларини ифодаловчи турли парчаларни келтиришдан кўра, Ойбекнинг шу борада билдирган фикр ва мулоҳазаларини эслаш ўринлидир:

“Ўтган кунлар”нинг тили картинали, эмоционал бир тил. Ўқувчининг ҳиссига таъсир қилиш, маълум фикр, туйғуларини сингдириш учун ёзувчи тилини жуда рангор қилган. Тилни образли, картинали қилиш учун ёзувчи бутун воситаларни қўллайди... Жонли ҳалқ тили бойлигидан, ҳалқ оммаси лексиконидан қандай фойдаланишини қўрсатади. Эски агадий тилдан керакли элементларни олиб, ўзлаштириш учун жонли мисоллар беради.

Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”даги ифода воситалари, образлари маҳсус характерга эга. Унинг образлари аксар содда, очиқ турмушдан олинган, ҳалқча яқин. Абдулла Қодирий “янгилик”ка интилиб, бош қотирувчи, ғайритабиий воситалар қидирмайди” (146–147-бетлар).

Ойбекнинг кузатишига кўра, Абдулла Қодирий нутқида энг кўп қўлланадиган тасвирий восита ўхшатищdir. Масалан, ой каби юzlари, садаф каби тишлари, фариштадек соғ, юлдузлардек яшнов каби.

Агар Абдулла Қодирий ўз тасвирида ўхшатиш, сифатлаш сингари воситалардан кенг фойдаланса, Ойбек аввало истиора орқали қаҳрамон образи ё манзарани тасвир этишни севади. Шубҳасиз, Ойбек ҳам ўхшатиш ва сифатлашга қарши эмас, бу бадиият унсурлари унинг қўлида ҳам порлаб кетади. Аммо унинг кўпроқ истиорани хуш қўришида Ойбек тили ва услубининг ўзига хослиги намоён бўлади.

Мана, Ойбек услубига хос тасвир:

“Боғ гўзал. Ўйда қуёш ва енгил шамолнинг, гуллар ва майсаларнинг қувноқ ўйини кун бўйи давом этади. Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат; ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади. Бир ёқда мевали дарахтлар туташ ҳаво гулзори ясайди. Боғнинг қуий томонига бир чизиқда саф тортган баланд, асл терақлар... Улар ҳар вақт майин титрайди. Қушлар куйлай-

*гу, ариқларда сувлар, дараҳтларда барглар куйлаиди”* (167-бет).

Ойбек шоирона табиат соҳиби бўлгани учун ўрни келиши билан гўзаллик уфори таралиб турувчи манзара чизишга интилади. Қаҳрамонларнинг кайфияти имкон берганида у булбулигё бўлиб кетади. Унинг тилидан бол томади. Сўзлар шамалоқ ранглари билан товланиб кетади. Юқоридаги тасвирида бадиий санъат иштирок этмаган бирорта ҳам ифода йўқ. Айниқса, “сувнинг кумушланиши”, “ҳаво гулзори”, “арикларда сувлар, дараҳтларда баргларнинг куйлаши” Ойбек дилига яқин ифодалардир. Бу ифодаларнинг аксари истиора асосида қурилган.

Энди мана бу тасвир билан танишинг:

“Гулнорнинг шуникига (Қора Аҳмадникида – Н.К.) эканига Йўлчида ҳеч қандай шубҳа қолмади. Бу йигитга сўз уқтиришдан фойда йўқлигини билди-га, унинг ёқасига чанг солиб, кескин бир силташ билан пахса деворга урги. Шу вақтда Йўлчининг кўкрагига қаттиқ ва салмоқли мушт тушди. Йўлчи ҳам Қора Аҳмаднинг башарасига, кўксига, қорнига тўқмоқдай мушти билан тўхтовсиз тушира бошлиди” (226-бет).

Агар биринчи лавҳада нафис бир сокинлик барқ уриб турган бўлса, иккинчисини воқеалар динамизми ўз гирдо-бига тортган. Бу парчада сўз ҳаракат тусини олади, жумла қурилишида ритм марказий ўринни забт этиб, ўйлашга, нафас олишга имкон бермайди.

Ўз руҳи ва оҳангига кўра, бир-биридан узоқ бу икки лавҳани келтиришдан мурод Ойбек тасвирининг шароит билан, айниқса, уйғуналашиши, шу шароитни, шу қаҳрамонни ичдан ёритиб туриши, уни шарҳлаши, тасвир ва талқин этиши ҳамда, шу билан бирга, Ойбек асарида сўзнинг, тилнинг А.Қодирийга нисбатан енгиллиги, равонлиги, аниқлиги, реализм қирғоқларида ҳар қандай хизматта шай бўлиб туришини айтишдир.

**Персонаж нутқи.** Ойбекнинг Абдулла Қодирий тўғрисидаги тадқиқотидан маълум бўлишича, у “Ўтган кунлар” романининг тилини жуда синчковлик билан ўрганган. Ана шу ўрганиш жараёнида у устоз адаб ҳақида бундай фикрхуносага келган:

“Ёзувчи ҳалқ тилини жуда яхши билади. Воқеаларни англатиш учун сира қийналмасдан, ҳалқ тилининг бой хазина-

сиган истаганича материал олади. Асарнинг бадий тўқи-  
масида юзларча мақоллар, махсус ифодалар, тугал гаплар,  
кўчирмалар, сўз ўйинлари ярқирайди. Мана булар тилни қон-  
ли, жонли, образли бир тил қилган.

Персонажлар ҳам бир тилда сўзламайдилар. Ёзувчи шахс-  
ни характерлаш учун унинг сўzlари, ифодаларини ҳам бир  
восита қилади. Шахслар ўзларига муносиб тил или сўзлаб,  
ўзларининг кимликларини равшанроқ англата оладилар. Ёзув-  
чи турли табақанинг тилини яхши англайди”<sup>1</sup>

Ойбек шу сўзлардан кейин Имом Юнус, Мухаммад охун,  
Ниёз қушбеги, Мутал ва Содик каби халқнинг турли қат-  
ламларига мансуб қаҳрамонлар нутқидан мисоллар келти-  
риб, уларнинг бир-биридан нафақат мазмуни, балки тил  
хусусиятлари, лексикони, қурилиши ва ритми билан ҳам  
кескин фарқ қилишини далиллайди.

Биз роман қаҳрамонлари орасида, айниқса, катта маҳо-  
рат билан ишланган Ўзбек ойим нутқига сиз, ҳурматли ки-  
тобхоннинг эътиборини жалб этмоқчимиз.

Марғилонлик келину қудалар Тошкентга келгач, Ўзбек  
ойим аёлларни меҳмонхона тўрига таклиф этар экан, кели-  
нига қараб дейди:

“— Ийманма, Кумуш отин, бу кун-эрта бизга янги келин-  
сан, учунчи кундан бошлиб сен муғомбирнинг бошингда те-  
гирмон юргизишни ўзим яхши биламан! — деди. Оғроб ойим  
ва кейингагилар кулишдилар. — Яна ҳам сен маним собуним-  
га кир ювиб кўрганинг йўқ! — деб қўйди” (252-бет).

Бошқа персонажларнинг ҳам бир-икки луқмаларидан сўнг  
сўз навбати яна Ўзбек ойимга келади:

“— Келмаганларингизда Отабекни сира ҳам юбормаслик-  
ка қарор қўйган эдим, — деди, — бооо худо, ўғлим уч йилдан  
бери ой сайин Марғилонга қайтиб зерикмадингми, энди улар  
ҳам келсин ахир, деб йўлдан тўхтатқан эдим” (253-бет).

Ўзбек ойимнинг бу ва бошқа луқмалари ўзининг оҳанги,  
халқона ифодаси, мақол ва маталларга бойлиги билангина  
эмас, балки қатъийлиги, ушлаган жойини кесувчи характе-  
рини ҳам ёрқин ифодалайди. Шу маънода унинг нутқи  
Юсуфбек ҳожи, қутидор ва бошқалар, ҳатто қарийб тенг-  
доши Офтоб ойим нутқидан ҳам кескин фарқланади.

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — Б.143–144.

Романдаги бошқа персонажлар тили ҳам анчагина пухта ишланган. Юсуфбек ҳожининг нутқи тўғрисида шу вақтгача кўп сўзлар айтилган. Лекин бу нутқи билан боғлиқ бир муҳим нуқта борки, шу ҳол бизни Юсуфбек ҳожининг бир нутқини эслашга мажбур этади.

Кипчоқ қирғини воқеасидан кейин ўша мудҳиш мажлисда иштирок этгани учун Отабек Юсуфбек ҳожини қаттиқ қоралайди. Шундан сўнг айбсиз айбдор бўлган ота мажлисда бўлиб ўтган гапларни бир-бир эслаб, хоннинг қипчоқни қириш ҳақидаги хати мазмунини айтиб, бу хатнинг қачон келганлигини қўрбошидан сўрайди. Унга қўрбоши эмас, Қаюм понсад жавоб беради. Шундан кейин у ўзи билан Қаюм понсад ўртасида бўлиб ўтган баҳсни ҳар кимнинг ўз тилидан ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда ҳожи нутқи ичидан Қаюм понсаднинг нутқи ҳам ўрин олиб, “ҳикоя ичра ҳикоя”га ўхшаш ҳодиса майдонга келади.

Абдулла Қодирий ҳам муаллиф, ҳам персонажлар тилини ишлашда ўз маҳоратини мукаммал намойиш этган. Ойбек асаридан фарқли ўлароқ, “Ўтган кунлар”нинг баддий тўқимасида муаллиф тилига нисбатан персонажлар тили ҳажман катта ўринни эгаллади. Адиг бу йўл билан тасвирнинг динамик тус олишини, китобхон эътиборини персонажлар тилидан отилган турфа ранглар фаввораси билан банд этиб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Одатда асар ғояси воқеалар ва характерлар ривожи билан ойдинлашади. Шу жараёнда, шубҳасиз, персонаж нутқи ҳам муҳим вазифани бажаради. Ушбу роман ғояси Отабекнинг асар муқаддимасидаги, Юсуфбек ҳожининг эса қипчоқ қирғини арафасидаги сўзларида нурлангандек бўлади.

Абдулла Қодирийдан фарқли ўлароқ, Ойбек “Қутлуг қон” романи ғоясини қаҳрамонлар нутқи орқали ёрқин ифодалади. Нафақат бош, балки иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам ўз дунёқарашларини ошкора изҳор этиб, Биринчи жаҳон уруши арафасида ҳалқнинг маълум бир қисми ижтимоий фаоллашганидан дарак берадилар. Хуллас, ана шу ижтимоий фаоллашган кишилар вакили бўлмиш Йўлчи икки ёқлама зулмга асосланган тузумга қарши бошланган ҳаркатнинг олдинги сафига чиқиб олади. Тарихий давр ундан шу нарсани талаб этади.

Севган қизи Гулнорнинг вафот этганини эшишиб, Ёрматнинг эса қамалганини ўз кўзи билан кўриб, ларзага тушган Йўлчи кампир онанинг: “*Нимага титрайсан, болам? Айта қолсанг-чи. Кетипсанки, икки кўзим эшикда, ана келар дейман – ўйқ, мана келар, дейман – ўйқ...*” – деб безовта бўлганига жавобан Йўлчи бундай дейди:

“ – *Она, бошини кўтмармай, – деги Йўлчи, – ман қамалишдан қўрқмайман, гордан ҳам, ўқдан ҳам қўрқмайман. Турма! Бу дунё турмадан яхшими? Олам зиндан қоронгироқ, ифлосроқ эмасми? Ҳаммаёқ қоронғи, ҳаммаёқдан заҳар ёғила-ди. Қачонгача заҳар ичаман?!* ” (316-бет).

Агар бевафо дунё Отабекни бутун борлиги билан севган Кумушдан жудо этиб, унинг устига тоғдай баҳтсизликни ағдарган бўлса, ота-онасидан, бир қарич еридан айрилиб, катта шаҳарга ризқ-рўзини ахтариб келган, ҳалол меҳнати эвазига оёқости қилинган, ҳатто Гулнор исмли баҳти ҳам юлиб олинган Йўлчининг “дод” дейишдан, қўзғолончилар олдига тушишдан ўзга иложи қолмайди. Ана шу Йўлчининг нутқи аста-секин сиёсатлашиб, инқилоб воизларининг нутқига айланиб боради. У Отабекдан нутқининг сиёсий йўналиш касб этганлиги билан ҳам фарқ қиласди. Лекин бунгача бўлган воқеалар жараёнида Ойбек қаҳрамонлари ўз синфларига, савияларига, касб-корларига яраша бир-бирлари билан турмуш ташвишлари, мол-мулк, айш-ишрат сингари ранг-баранг мавзуларда сухбат қурадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “Қутлуғ қон” да диалог муаллиф нутқига нисбатан кам. Шунинг учун ҳам асарда адаб нутқининг салмоғи ва аҳамияти катта. Аммо тасвирга, воқеалар тўқимасига персонажлар кириб келиши билан улар нутқига хос ранг-баранг бўёқлар романдаги овозлар палитрасини бойитиб юборади.

Ойбек қаҳрамонлар нутқини ифодалашда уларнинг қайси ижтимоий табақага мансублиги ва савияларидан келиб чиқиб, жонли тил бўёқларидан, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва қочиримлардан ўрни-ўрни билан фойдаланади. Мана, баъзи бир мисоллар:

Мирзакаримбойнинг ўғли Ҳакимбойваччага берган ўти:

“ – *Ҳалиги гапимни сир деб бил! – давом этди чол. – Пахта бозори мисоли қайнаб тошган бир гарё... Бирдан ўзни*

отиш ярамайди. Олдин дарёning чуқур, саёз жойларини билиш керак. Кўриб турибман; кўп одамлар бу дарёning остида ер тишилади, кўплар гирдобга йўлиқиб, чўп-хасдай гир-гир айланади: қўлини чўзиб, қутқар, дегди. Қайси мард уларни қутқаради! Эҳ-ҳе... Мен бонканинг чилани... Ҳаммасининг сири мёнга равшан, ўғлим” (77–78-бетлар).

Олим элликбошининг Ҳакимбойваччага отаси ҳақида айтган сўзлари:

“— Дадангиз бу тўғрида шундай бир мулоҳаза юргиздилар: ўз қўлимиизда ўстган мўмин-маъкул, синашта қиз сири-мизга ошна... Аммо, менимча, кўз олдиларида оловдай ёниб юрган чироили қиз бўлса керак у, кўнгил у қизга андак мояйилдак кўринади. Ман шундан сездим. Чироили қиз офтобдай кўнгилни ёндиради. Чироили қиз кўзнинг нурига нур кўшади. Қиз зоти — қизил олма; сувда балқиб-балқиб келаётган қизил олмани кўрсангиз, чўкиб кетишни унудиб, қўлингизни чўзасиз унга... Бойвачча, нима дейсиз? Ёрматнинг қизини дагангизга қўшсак, нақ узукка қўйилган асл тошдай ўз жойига тушадими?” (207-бет).

Ёрматнинг Гулсумбибига шу ҳақда айтган сўзлари:

“— Хотин кишида товуқча ақл бўлмайди, зарда қилмасдан илож ўйқ, — қовоғини солиб, сўзини давом эттиргди Ёрмат, — элликбоши мани чақириб олди. Фозил одам билан сұҳбатлашсанг, роҳат қиласан-да. У кишининг сўзлари китобда ҳам ўйқ, шундай маъноли... Ана сўзга усталигу. Гаплашдик. Даструрхон жойида, қанд-қурс, мева-чева саноғи ўйқ.... Сўзлашдик, хотин, у киши сўзни айлантириб, сиздек баҳтли ота жаҳонда ўйқ, деди. Ҳайрон бўламан. Оғзим қийшаяди, кўзим жавдираиди, доно одамга садағанг бўлсанг арзийди, у киши жуда мулоҳимлик билан равшан қилди: хўжайин у кишини ёнига чақирипти, мани мақтапти, ху-лоса, Ёрмат бир қизини мандан аямасин, депти бой отам...” (217-бет).

Гулсумбибининг сўзлари:

“— Бой қурсин, уят-андишани билмайдими? Қариб, мияси айнагандир. Вой, уч кун илгари эвара кўрди-я! Имонсиз кет-кур...” (218-бет).

Гулнорнинг сўзлари:

“— Ойижон, худодан ўлимимни тиланг, тезроқ тиланг!... (220-бет).

Келтирилган мисолларнинг аксари бир-бирига яқин мавзудаги сўзлар. Айниқса, кейинги тўрт персонажнинг сўзи уларнинг бир масалага – Мирзакаримбойнинг Гулнорга уйланиши масаласига оид ва уларнинг шу масалага бўлган муносабатини ифодалайди. Агар бу масалани бошлаган элликбоши кекса куёвдан ўз “насиба”сини олиб, кўнгли тўлганлиги учун булбулигўё бўлган бўлса, бу хабардан довдираб қолган Ёрмат тўтиқушдай фақат унинг сўзларини такрорлашдан нарига ўтолмайди, нарига ўтиши билан хотинини жеркади, холос. Бечора Гулсумбиби Мирзакаримбойни қарғашдан, Гулнорнинг эса, ўзига-ўзи ўлим тилашдан бошқа нарсага кучлари етмайди. Бу нутқларнинг ҳаммаси индивидуаллашган, айни пайтда ўз эгаларининг нафақат ҳаракети, инсоний сажияси, балки тақдирини ҳам очишга хизмат килади.

Ойбек ҳам персонаж нутқини беришда уларга хос сўз ва ифодалардан маҳорат билан фойдаланиб, романнинг бадиий латофатини ошириш имкониятларини ахтариб топган.

*Сўз ва тафсилнинг тасвиридаги ўрни.* Ойбекнинг “Қутлуг қон” билан тахминан бир даврда ёзган шеърларида латиф шоирона образ ва ташбеҳлар анчагина. 1936 йил ёзида Чимёнда ёзилган лирик лавҳалардаги айрим образли ифодалар романдаги лирик чекинишлар, манзаралар ва шодон ҳолатлар тасвирига ҳам оқиб ўтган.

Роман бундай сўзлар билан бошланади: “*Вақт пешиндан оқсан эди. Июнь ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво оқ, аланга билан жимгина ёнгандай...*” Бу жумлалардаги нафис тасвир, шоҳи майнинлик, беғубор кенглиқ уларга шеърий сатрлар руҳини беради. Романнинг қатор саҳифалари шундай насрый назм билан ёзилган. Агар рус адаби Н.В. Гоголь “Ўлик жонлар” эпик асарини поэма деб атаганидек, “Қутлуг қон”ни ҳам “достон” деб аталса, эътиroz туғилмаслиги шубҳасиз.

Юқорида келтирилган жумладаги “*Вақт... оқсан эди*” ифодаси Ойбек тилига, айниқса, хос. Ойбек учун нафақат дарё, балки вақт ҳам, умр ҳам, қўшиқ ҳам оқади. “Оқмоқ” “оқ” (“оппоқ”) сўзидан отилиб чиққани учунми, Ойбекнинг севимли сўзлари сирасига кирган. “Олов сели” ифодаси-чи? Умуман, “олов” ҳам Ойбек ижодида, хусусан, ушбу романда кўп қўлланилган. Масалан: “*Ёзниңг кучи кетиб, ҳаво бир*

оз салқинланган бўлса ҳам шамолсиз кунларда қуёш тик келгач, ҳали ҳам кишининг бошидан олов қўйилган каби куйдирап эди”; “Йўлчи қуёшнинг олов селига чўмилиб, тўнка кавлар экан...”; “Дараҳтларда енгил олов пардаси титрайди”; “У ҳам яқинда кичкина, оловдай бола эди”; “Бир хотин “Жон эр, жон олов”, деган экан”; “Бу (вексель – Н.К.) заҳарли найзадай, балки ундан ҳам ўткир нарса... Бу олов, ёндиради, куйдиради...”

Ойбек учун олов – табиат ва инсон учун ҳаёт манбаи; у муздек ўлдирмайди, уйғотади, ўстиради, камол топтиради. Шунинг учун ҳам адид тасвирга “олов” сўзини ўқтин-ўқтин жалб этиб, унинг ичидаги биз учун яширин бўлган энергияни юзага чиқаради. Унинг бисотида бундай образ сўзлар оз эмас. У ҳатто янги сўзни қўллагандан ҳам бу сўзнинг ички нурлари балқиб чиқишига эришади.

Йўлчи Мирзакаримбойнинг уйига етиб келган куни тоғаси билан танишиб, унинг хонадонида меҳнат қилиб юрсам, кам бўлмасман, деган умидда дастлаб беда ўриб, куни ни кеч қилади.

“Қуёш яширган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди. Аллақандай майин, мулоийм жимжитликни атрофда сигир, бузоқларнинг маъраши, дараҳтлар орасидан қушларнинг ора-сира янграб, яна бир зумда тинган сайраши сескантиради. Ҳамма нарса ҳорғин, мудрашга бошлаган каби... Аллақандай поёнсиз ғариб оқшом...” (22-бет).

Адид Йўлчининг Мирзакаримбой хонадонида кечирган биринчи оқшомини шундай тасвирлайди.

Ажабо, тоғасининг уйига келган, келган куниёқ қўлига ўроқ олиб, ишга киришган киши оқшом тушгач, бир ўзи ёп-ёлғиз қоладими?! Бу манзара ва бу манзарани ҳосил қилувчи ҳар бир тафсил ва ҳар бир сўз тагида қанчадан-қанча маънолар борга ўхшайди. Буни қаранг! Қуёш яширган, лекин куннинг оқимтири пардаси ҳали қўтарилимаган. Бир томондан, айрилиқ, иккинчи томондан, умид. Атрофда майин, мулоийм жимжитлик... Лекин бу жимжитликни сигир-бузоқларнинг маъраши, қушлар бозорининг овози бузиб туради. Аммо шу пайт дафъатан гала қушларнинг янгроқ садолари, худди буйруқ берилгандек, бир зумда тинади. Энди бошқача, кишини эзувчи, унга бу кенг оламда ёлғиз эканлигини таъкидловчи жимлик бошланади. Куннинг

хиралашиб, туннинг сезилар-сезилмас кириб келиши инсондаги танҳолик туйғусини кучайтиради. Бу, Ойбек айтмоқчи, поёнсиз, ғариб оқшом эди. Нақадар аниқ, теран сифатлашлар: *поёнсиз, ғариб...* Ойбек бу бошқа-бошқа маънога эга бўлган сўзларни ажратмайди, улар ўртасига вергул қўймайди. Бу ҳол ғариб оқшомнинг янада поёнсизлигини таъкидлаб кўрсатади.

Йўлчи Мирзакаримбой хонадонида қанча яшаган бўлса, бу поёнсиз ғариб оқшом шунча чўзилган. Фақатгина гоҳо-гоҳо ялтираб кўринган, овози жаранглаб, сўнг Салимбойвачча берган заҳардан кейин ҳаёт ипи бир зумда узилган Гулнор бу ғариб оқшомдаги қуёшнинг ҳали йиғишириб олмаган охирги ёғдуси эди. Тоғаси Мирзакаримбой, ваҳшийлашган кишилар олами унга шу сўнгти ёғдуни ҳам раво кўрмайди.

“*Поёнсиз ғариб оқшом*” ифодаси тагида, менимча, шундай кечинма ва фикрлар мавжудга ўхшайди.

Етакчи тасвир усули бўлмиш муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида бир-биридан гўзал, ажойиб сўз ва ифодалар бор. Улар ҳар бир воқеани, ҳар бир персонажни, унинг дард ва алами, шодлик ва қувончи сабабларини тушунишимизда тилмочлик қиласди.

Али охун Шоқосимнинг хотини вафот этганини эшитиб, дейди: “*Бир бечора ошнамизни қарзга ботираверамизми?*.. Ўликни қўмид келиш қийин эмас, лекин ўғон чиқимлари кейин келади, биласанлар” (49-бет).

Кундошлардан бири иккинчисига: “*Рўзгорни қўлингга олиб, бордондай семириб ўтирасанми?*” (107-бет).

Йўлчининг ҳамқишлоғи сўзидан: “*Энанг беш-үн танга пул сўраб юборди. Бўлса чиқариб бер, боёқишилар чайнаб турсин*” (123-бет).

Йўлчининг сўзидан: “*Аям меҳнаткаш, жафокаш хотин.., ундан енгил, гувиллаган аёл* эмас” (124-бет).

Мирзакаримбойнинг гумаштасига айтган сўзидан: “*Мен дўкон қилсан, уни молим билан тўлдирсан, фойдаси учун қиласман. Сичқон тешган супрадан ун тўкилаверади*” (176-бет).

Элликбошининг сўзидан: “*Кўнгилни яна ёш қилмоқчилар, тушундингизми? Тахорат суви берувчи аёлни оғизга олманг, иним*” (189-бет).

Асар персонажлари нутқидан бундай сермаъно ва сержило сўзлар, кўчиримлар, мақол ва маталларни кўплаб келтириш мумкин. Улар нафақат сўзловчи нутқини безайди, балки масала моҳиятини тушунишимизни осонлаштиради. Шу маънода ёзувчи нутқидаги “зебу зийнатлар” ҳам асар матнини безаб, қўйдагидек музайян этади:

“Патнисга тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва бир бош қуш чўқиган қандайдир оқ узум бор эди” (15-бет).

“Йўлчи отхонага кирди. Хашагини тутгатган отлар олдинги оёқларини ерга уриб, тама билан кишнади” (23-бет).

“У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар эди. Бу тўғрига ичкарига, хотинлар орасига, кўпдан буён гап-сўз қайнайди...” (48-бет).

“Ҳамма хоналар ва айвонлардан хотинлар ҳовли саҳнига тўкилди” (112-бет).

“Бошқа аёллар айвонларга ўтказилиб, кичкина ифлос патнисларда, “пуф” деса, Бухорога учадиган тахир чап-чап нон, куртлоқи туршак, жийда ва тишига ёпишса, омбур билан суғуриб олиш қийин бўлган ёпишқоқ попук тортилди” (132-бет).

“Йигит қалбига чуқур ўрнашган муҳаббат уруфи умидлар, орзулар, тоза эҳтирослар алангаси билан танҳо кечаларнинг ширин рўёларида ўси, гунчалади, гуллади” (134-бет).

“Атрофда қоронғилик қуюқлашди. Намозшомдан қайтганларни коронғи эшиклар “тарч”, “ғиҷ” билан ютди” (137-бет).

“Шокир отанинг юз буришиқларида ғам мавжланган каби туюлди” (139-бет).

“Нури эрдан кўнгилсиз эди. Айниқса, кейинги кунларда эрининг қусурини ўз хаёлидағоят қавартириб юборди” (146-бет).

“Маст учун гулзор билан шўразор баравар, янчиб ўтаверади” (161-бет).

Гуландом “Ҳасратини дутор ва қўшиқ билан эритишга тиришар эди” (154-бет).

“Бундан бир неча соат илгари қайғудан бошқа овқатни танимаган бу икки ёр энди севиниб, иштаҳа билан ея бошлидаги” (251-бет).

Бундай мисоллар шундан шаҳодат берадики, романдаги адаб тили оддий ахборот тилидан, китобхон билан қаҳра-

монлар ўртасидаги воситачи тилидан ўзининг том маънодаги бадиий гўзаллиги билан фарқланади.

Келтирилган жумлаларнинг бирида ҳалқ мақоли, иккинчисида адаб қашфиёти бўлган ҳикматли сўз, учинчисида эса турли жилолар билан товланган ва ҳаётий ҳақиқат ифодаси бўлган сўзлар порлаб, ўзининг сўнмас нурларини кейинги саҳифаларга йўллаб туради. Аслида, бу жумлалардаги ҳар бир “зебу зийнат”нинг олтин-қумушданлигига қараб гуруҳларга ажратиш ва таҳдил этиш лозим. Аммо ҳурматли ўқувчининг азиз вақтини банд этмаслик ниятида “Қутлуғ қон” даги бир-икки, каминанинг назарида, муҳим бўлган тафсил таҳдилига кўчсам.

Мирзакаримбойга теккан, Йўлчиси эса қамоқقا ташланган Гулнор ҳовлида кезиниб, ҳамма меҳмонхоналар эшиги берклиги, дераза пардалари туширилгани учунми, тасоди-фан хизматкорхонага кириб қолади. Қуёшга терс, бурчакка тиқилган бу уйчадан ҳали қишинафаси кетмаган, деворлари, шиплари эса ўргимчак инлари-ю қора ислар билан қопланган эди. Қозиқقا осилган, чанг босган эски дўппидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Аммо бу – Йўлчининг дўпписи эди! “У дунёда энг қумматли, энг нодир буюмни топган каби, ҳадсиз севинди. Тер, мой ва чангни йилларча шимган, жияги чармдай қотиб, кирдан йилтираган бу дўппини яна тозалади, қоқди, кўзларига суртиб ўпди. Юрагига дарг тўлқини бирдан кучли чайқалиб кетди. Уй ичи Йўлчи хаёли билан тўлди” (302-бет).

Гулнор бир қиши кечаси қандайдир даҳшатли қўрқув остида бу уйга кириб, қоронфида Йўлчи билан бир дақиқагина сўзлашишга журъят этганини эслади. “Оғриқقا бориб етган кучли бир орзу” унинг бутун вужудини эгаллаб олди. Деразага суялиб, хаёл ва кечинмалар оғушида тураркан, қорнида бир ниманинг “анча сезиларли равишда” урганини туйди. У ҳомиладор эди! Унинг қорнидаги Йўлчининг эмас, Мирзакаримбойнинг боласи эди!

Ана шундай бир-бирига зид кечинмаларга ғарқ бўлган Гулнор, оиласи билан боғ ҳовлига кўчиш олдида Үнсинни чақиртириб, унга “оддий қизил тош кўзли кумуш узук”ни чўнтағидан олиб кўрсатади:

“— Буни ёш қиз вақтимда, ҳу мундан қанча йил илгари, ойим сотиб олиб берганди, — мадорсизланиб, иши аралаш

сўзлаги Гулнор, — шундан буён ҳар вақт тақдим. Энди сизга топшираман, тақиб юринг, кейин... агар акангиз чиқса, унга беринг, ёнига сақласин... — Гулнор узукни қизнинг қўлига бериб, яна уни қучоқлади” (304-бет).

Бу икки тафсилдан бири—дўппи — Йўлчининг, иккинчи—узук эса Гулнорнинг тимсоли. Гулнор ўлим соатлари яқинлашган пайтда шу дўппини бағрига босиб, Йўлчи хаёли билан яшайди.

Орадан кўп ўтмай, Йўлчи ҳалок бўлади. Унсин “севикли ва қайгули ягона дўсти, ҳаётда ягона умиди бўлган” акасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб, юм-юм йиғлайди. Сўнг бир вақтлар Гулнор берган узукни (акасига ҳали топширмаган эди) чўнтағидан чиқариб, ўпа-ўпа Йўлчининг жимжилогига тақади. Узук бармоғнинг ярмига илинади. Лекин...

Лекин реал ҳаётда бир-бирларига етиша олмаган икки ёш ана шу тарзда нариги дунёга бир-бирининг тимсоли билан бирга жўнайдилар.

Ойбек мусибат ва фожиалар билан тўла муҳаббат тарихини шундай некбин нуқта билан хотималайди.

Биз Ойбек романи тилидаги мусиқийлик ва ритмик ранг-баранглик хусусида етарли даражада баҳс юритмадик. Ҳолбуки, Ойбекнинг ўзи “Ўтган кунлар”ни таҳдил этганида шу масалага маҳсус эътиборни қаратиб, ““Ўтган кунлар”да Абдулла Қодирий тилининг мусиқийлигига, ритмига ҳам катта аҳамият берган. Айрим ўринларда мусиқийлик, ритмиклик жуда очиқ кўринади. Услуб ҳам лирик тўлқинликка, жўшқинликка кўтарилади. Жумлада қофиядош сўзлар қўлланилади, қисқа жумлалар уланилади, жумлаларда тақрор маҳсус аҳамият касб этилади”<sup>1</sup>, деб ёзган эди. Эҳтимол, роман тилидаги мусиқийлик ва ритмиклик масаласига қайтмай, яна асар тили ҳақидаги баъзи бир фикрлар билангина кифояланишимиз тўғри бўлар. Негаки, романнинг бутун бадиий латофати ўнинг тилида. Шунинг учун ҳам бу ҳақда маҳсус асар ёзиш мумкин ва лозим.

Энди сўз ва тафсил масаласига келсак, ҳозиргина кузатганимиз Ойбек романидаги шоирона рух, шоирона кайфиёт, шоирона туйғу “Ўтган кунлар” романнинг тилида ҳам

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 145.

бўртиб туради. Адаб, айниқса, ўз дилига яқин кишилар ва қаҳрамонлар ҳақида ёзганида уларга бўлган муносабатини шоирона тил ва услуб билан ифодалайди. Кумуш барча мактубларида, бошқа қаҳрамонлар билан қилган барча гурнгларида ўзининг тил сандигидаги энг қимматбаҳо тошларни аямайди. Бошқа талайгина тасвирлар ҳам гоҳ баҳорий қайфият, гоҳ қувноқ ҳаёт нашидаси, гоҳ кузнинг мунгли манзаралари ўлароқ қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини гўзал бир шаклда шарҳлаб келади.

Роман тилида бир-биридан ширин мақоллар (“Энди кўрсам миљтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан”; “Киши давлат учун эрга теккандан ерга тексин”, “Кеча келдинг сурилиб, бу кун кетдинг бурилиб”), халқона қочирим ва ифодалар (“Нега бу ерга тегирмончининг ишсиз қолғон эшагидек жунжикиб ўтирибсан, Содиқ?”, “Бурнингми, Рисолат холамнинг рапидасими?”), гўзал ташбеҳлар (“Зайнаб ...кундош юрагини ун қилғучи ел тегирмонини тўхтатмоққа мажбур бўлди”) фоят сероб бўлиб, улар нафис бир лисоний оқим ўлароқ, романнинг ilk жумласидан сўнгги нуқтасигача бўлган матнига оқиб кириб, шу матн ичига сингиб, ўзидан марварид жилваларини таратиб туради.

Асар ёзилган пайтда, юқорида айтиб ўтганимиздек, адабий тилимиз турли арабизм ва форсизмлар ҳисобига оғирлашган эди. Ўша адабий тилнинг шу хусусияти романда ҳам озми-кўпми сезилиб туради. Буни яширишга ҳожат йўқ, Бунинг акси бўлиши маҳол. Лекин, чамаси, Абдулла Қодирий, ўзбек адабий тилига янги бир шабадалар олиб кириш истагида “эмакчи”, “сепмакчи” қабилидаги сўзлар ёрдами билан жумла тузилишида ўзгаришлар ясаган. Масалан: “Отабекдаги сукут, хаёл, фикр каби ҳолатларни юлиб, юлқиб олиб, улар ўрнига чечак доналари экиб, умид сувлари сепмакчи эди” (51-бет). Бундай мисоллар адабнинг ўзбек тилига янгича назокат бағишлиш истагида олиб борилган бадиий изланишларининг натижасидир.

Хуллас, Абдулла Қодирий ҳам, Ойбек ҳам бадиий тасвир имкониятларини ўз ижодий изланишлари билан беҳад дарражада кенгайтирдилар. Улар туфайли ўзбек адабий тилининг шакл-шамойили бойиб, тасвир усул ва воситалари ранг-баранг тус олди.

Ўзбек халқи тарихининг қайси бир даврига назар ташламанг, романбоп мавзуларнинг тўлиб-тошиб ётганини кўрасиз. Аммо XX асрнинг 20-йиллариға қадар адабиётимиз реалистик роман жанри нима эканлигини билмади. Халқ ҳаётининг турли тарихий даврлардаги реал манзаралари мумтоз ўзбек адабиётида ўзининг ҳаққоний ифодасини топмади. Мумтоз адабиётимизнинг асосий тури – шеърият эса рамзлар, тимсоллар ёрдами билангина реал воқеликка яқинлашишга ва шу воқеликни акс эттиришга уринди.

Роман – ҳаётнинг барча қатламини, барча тоифаларга мансуб кишилар ҳаётини, уларнинг ички кечинмалари-ю маиший турмуш тафсилотлари, ҳаётий муаммоларини кенг ва теран акс эттира оловчи адабий жанр.

Биз муқаддимада ўзбек романининг туғилиш манбалари тўғрисида озми-кўпми сўз юритган эдик. Шунинг учун ҳам бу мавзууни четлаб ўтиб, қандай манбалар мавжуд бўлганига қарамай, Абдулла Қодирийнинг илк ўзбек романини яратиши унинг ижодий жасорати ва ўзбек бадиий маданияти тарихида улкан воқеа бўлганини айтмай иложимиз йўқ. Агар ҳозиргача ўзбек адабиётида тўрт юздан зиёд роман яратилган бўлса, шуларнинг барчаси учун “Ўтган кунлар” она роман бўлиб қолади.

Ўзбек романнавислик мактабининг шаклланишида буюк Чўлпоннинг ҳам хизматини хотирадан кўтармаслик лозим. Аммо ўша 1937 йилдан кейин на Абдулла Қодирий, на Чўлпон номларини тилга олиш, романларини ўқиши, улардан таъсирланган ҳолда асар ёзиш мумкин эмас эди. Шундай бир даврда туғилган “Қутлуғ қон” ҳам кейинги романларимиз учун карvonбоши бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги ўзбек романи жанрлари анчагина бой. Услублари ҳам ранг-баранг. Адабиётимизнинг бугунги юксак бадиий даражаси уларнинг аксарида ўз бўйини кўрсатиб турибди. Аммо шунга қарамай, бу икки умрбоқий роман – “Ўтган

кунлар” билан “Қутлуғ қон” ўзбек адабиётининг икки буюк чўққисидир. Уларнинг бадиий латофати ва жозибаси Ойбек кўрган ва гўзал шаклда тасвирлаган, метин тошлар бағрини ёриб, тоғ қоясида сават-сават оппоқ гулларни тебратиб турган наъматақдек ҳали-ҳамон шовуллаб туради.

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврларда бу мафкура посбонлари “Ўтган кунлар” нинг бадиий қимматини сезмасликка уринган эдилар. Истиқдол баҳори камалак нурлари билан товланган кейинги даврда эса “Қутлуғ қон”-га бўлган илм-фан муносабатини қайта кўриб чиқишини истаган кишилар ҳам топилди. Улар наздида, “Қутлуғ қон” социалистик реализмнинг меваси эмиш. Үндай бўлса, 1916 йил-чи? Йўлчиларнинг мустабид тузумга қарши, мустамлакачилик сиёсатига қарши, ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун бутун Ўрта Осиё бўйлаб кўтарилган миллий-озодлик ҳаракати-чи? Наҳотки, шу даврдаги халқ ва жамият ҳаёти юксак маҳорат билан тасвирланган асар ҳозир ўз қадр-қимматини йўқотган бўлса?!

Бизнинг баҳтимизга, Ойбекнинг икки буюк романни бор. “Қутлуғ қон” ҳам, “Навоий” ҳам бир неча даврларнинг юзини кўрди. Келгуси авлодлар бу икки асар орқали халқимиз тарихининг икки оламшумул аҳамияттга молик аслида рўй берган воқеалар билан, яшаб, курашиб, ижод этган кишилар билан яқиндан танишадилар. Нафақат Отабек билан Кумуш, балки Йўлчи билан Гулнор ҳам келгуси авлодларнинг севимли адабий қаҳрамонлари бўлиб қолиши шубҳасиз. Навоий эса ҳам буюк шоир, ҳам ўлмас адабий асар қаҳрамони сифатида ҳамиша барҳаёт қолажак.

# МУНДАРИЖА

Шуҳрат Ризаев. Китоб ва унинг муаллифи ҳақида бир-икки сўз	3
Муаллифдан	6
<b>Биринчи фасл. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ</b>	<b>8</b>
(ХХ асрнинг биринчи чораги)	8
Аср бошларидағи тарихий шароит ва миллий уйғониш ҳаракатининг вужудга келиши .....	8
Жадид адабиётининг асосчиси .....	20
Жадидлар 1916 йилда	27
<b>Иккинчи фасл. МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ</b>	
АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ	37
<b>Маҳмудхўжа Беҳбудий</b> (1875–1919) .....	37
Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётига бир назар .....	37
Беҳбудийнинг сўнгги кунлари	39
<b>Хислат</b> (1880–1945) .....	62
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	62
<b>Мискин</b> (1880–1937)	76
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	76
<b>Тавалло</b> (1882–1938) .....	85
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	85
<b>Ҳожи Муин</b> (1883–1942)	95
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	95
<b>Фитрат</b> (1886–1938)	104
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	104
Фитрат ва Боту	108
Фитрат драматургиясига бир назар .....	115
<b>Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий</b> (1889–1929) .....	130
Ҳамза Тошкентда	130
Ҳамза ва Чўлпон .....	151
<b>Рулом Зафарий</b> (1889–1937)	158
Миллий мусиқали театр асосчиси .....	158
<b>Абдулла Қодирий</b> (1894–1938)	168
Ўлмас сиймо .....	168
Бир битиктош тарихи	175
Санъат сехри ёхуд Отабекнинг прототипи бўлганми?	179
<b>Чўлпон</b> (1898–1938)	185
Чўлпон ва Андикон адабий муҳити .....	185
Истиқлол йўлида	189
Чўлпон ва ўзбек шеърияти .....	206

<b>Элбек (1898–1938)</b>	218
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	218
 Учинчи фасл. АДАБИЙ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ	
(XX асрнинг иккинчи чораги)	227
Миллий бадиий тафаккур .....	227
Ўзбекистонда адабий ҳаракатлар .....	234
“Чигатой гурунги”	234
“Нашри маориф”	242
“Қизил қалам”	247
“Ёшленинчи” газетаси қошидаги тўғарак	248
Пролетар ёзувчилари уюшмалари .....	249
Ёзувчилар уюшмаси	253
 Тўртинчи фасл. ИЖТИМОИЙ СИЛСИЛАЛАР ДАВРИ	
АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ	256
<b>Faфур Fuлом (1903–1966)</b>	256
Шеърият гулшани .....	256
<b>Абдулла Алавий (1903–1931)</b>	272
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	272
<b>Боту (1904–1937)</b> .....	285
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	285
<b>Ойбек (1905–1968)</b>	298
Ижоди саҳифалари	298
Ёзувчи, қаҳрамон ва китобхон	311
Ойбек ижоди XX аср адабиёти кўзгусида	316
<b>Абдулла Қаҳдор (1907–1968)</b> .....	329
Халқ дилининг таржимони	329
<b>Миркарим Осим (1907–1984)</b>	340
Тонг сирлари .....	340
<b>Maқсуд Шайхзода (1908–1967)</b>	348
Ҳаёти ва ижоди саҳифалари .....	348
<b>Ҳамид Олимжон (1909–1944)</b> .....	360
Сеҳр	360
Ўша машъум йилда	366
<b>Миртемир (1910–1978)</b>	373
Ҳаёти саҳифалари .....	373
 Бешинчи фасл. ТОПИЛМАЛАР	
<b>Фитрат</b> .....	391
Турк эли	391
Биз киммиз?	391
Темур сағанаси устинда .....	392
<b>Чўлпон</b>	393
Озод турк байрами .....	393
Юрт қайгуси	395
Фарҳод ва Шопур дуэти .....	396
Шоир Абдулла Алавий вафоти муносабати ила оналари	
Ҳабибаҳоним ёзган марсия-ғазалга мухаммас	397

Шарафиддин Салоҳиддин ўғлига мактублар	399
Мушоара	402
<b>Боту</b>	403
Гулёр .....	403
<b>Миртемир</b>	404
Ҳалиманинг дафтариға	404
<b>Усмон Носир</b> .....	405
И.В.Гёте. Этмонт ( <i>Трагедиядан парча</i> )	405
Холида Сулаймоновага .....	410
<b>Олтинчи фасл. ИККИ СОҲИР, ИККИ ЖАВОҲИР</b>	411
Муқаддима .....	411
Икки соҳир .....	414
Тарихий сюжет ва тарихий манзара	420
Эстетик идеал ва ижобий қаҳрамон	438
Ижобий қаҳрамон ва конфликт .....	453
Тасвир қатламлари	470
Бадиий тасвир усул ва воситалари .....	487
Хулоса .....	529

# **ХХ АСР АДАБИЁТИ МАНЗАРАЛАРИ**

## ***Биринчи китоб***

Муҳаррир: *Ш. Ризаев*

Тех. муҳаррир *Т. Харитонова*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Мусахҳих *Ш. Мақсудова, Н. Умарова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Н. Бегматова*

Босишига руҳсат этилди. 29.01.2008. Қоғоз бичими  $60 \times 90^1$ /<sub>16</sub>.  
BalticaUz гарнитурада оғсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 33.5. Нашр т.29.0. 2000 нусхада чоп этилди.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 08-38

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Наим, Каримов**

К 25      XX аср адабиёти манзаралари (биринчи китоб)/  
Наим Каримов. — Т.: O'zbekiston, 2008. — 536-б.

ISBN 978-9943-01-168-7

**ББК 83.3 (0)6**